




Южан Скайлер

# ТҮРКИСТОН





Южин Скайлер

# Туркистон: Россия Туркистони, Кўқон, Бухоро ва Фулжага саёҳат қайдлари

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2019

УЎК 94(575.1)  
910.4(5-191.2)  
КБК 63.5(54)  
26.89 (54)  
С 63

Кириш, инглиз тилидан кисқартирилган таржима, изоҳлар ва  
кўрсаткичлар муаллифи – тарих фанлари номзоди,  
доцент Зокиржон Абдукаримович Сайдбобоев

Америкалик дипломат Южин Скайлернинг «Туркистон: Россия  
Туркистони, Кўқон, Бухоро ва Фулжага саёҳат қайдлари» аса-  
ри XIX асрнинг иккинчи ярмида Урта Осиёга саёҳати давомида  
кўрган-кечирганлари асосида ёзилган. Кўлингиздаги китобда икки  
жилдан иборат асарнинг 1876 йилги Лондон нашридан саралаб  
ўзбек тилига ўгирилган таржимаси жамланган.

Асар кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-25-687-3

© З.А. Сайдбобоев (таржимон), 2019  
© «O'zbekiston» НМИУ, 2019

## **СҮЗБОШИ**

Кўлингиздаги ушбу китоб XIX асрнинг нодир тарихий манбаларидан бири – америкалик тадқикотчи, фан доктори, дипломат ва сайёҳ Южин Скайлер томонидан ёзилган бўлиб, ўлканинг Россия империяси истилосидан кейинги ижтимоий тарихи ва маданий ҳаётига доир ажойиб манба саналади. Бундай манбалар кўп эмас. Баён этилишининг тўлаконлиги, минтақада истиқомат қилувчи халқларга нисбатан эҳтироми жиҳатидан у Марказий Осиё халқлари мустамлака даври тарихи бўйича ҳар қандай тадқикотчи мурожаат этмасдан қолмайдиган Арминий Вамберининг машҳур «Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи» китобидан қолишмайди.

Холбуки, Южин Скайлернинг илмий доираларга анча машҳур бўлган асари ҳозиргача на рус, на ўзбек тилига таржима қилинган. Шу жиҳатдан тарих фанлари номзоди, доцент З.А. Сайдбобоев амалга оширган таржиманинг аҳамияти анча юқори. Мазкур давр бўйича мутахассис сифатида Европа ва АҚШнинг етакчи илмий марказлари ҳамда кутубхоналарида «Фарбий Европа ва Россиядаги тарихий-географик ва картографик манбалар (XVI–XX аср бошлари)» мавзусидаги докторлик диссертацияси юзасидан манбалар ва адабиётларни ўрганиш жараёнида у илк бор Ю. Скайлер китобининг асл нусхасини топди. Китобнинг Ўзбекистон ва қоллаверса Марказий Осиё тарихчилари учун ҳам аҳамиятини тушуниб, уни ўзбек тилига таржима қилишни бошлади. Бу иш анча йиллар давом этиб, таржимондан машакқатли меҳнатни талаб қилди. Сабаби асар икки жилдан иборат бўлиб, ҳажми йирик бўлгани боис, унинг қисқартирилгай ҳолдаги таржимаси амалга оширилди.

Хуллас, бошқарувдан тортиб маиший ҳаётгача Туркистон тарихининг турли жиҳатларини қамраб олган асар таржимасининг баъзи қисмлари «O'zbekiston tarixi» журналида чоп этилди.

Ю. Скайлернинг китоби таржимоннинг маҳорати билан қарийб 150 йилдан сўнг ўзбек китобхонида катта қизиқиш уйғотмай қолмайди. Ўзбекларнинг ҳамда Тошкент, Сирдарё, Зарафшон, Кўкон, Бухоро минтақаси ва бошқа жойларнинг ахоли вакиллари ҳаётини тавсифлаган муаллиф унинг авлодлари ўқиб, бунинг учун унга ташаккур айтишини орзу килганмикан?..

Ю. Скайлер ўтмишдаги ва ўзига замондош тарихчилардан фарқ қилиб, туркистонликларнинг ҳаққоний ҳаётига қизиқади. Китобида ҳаммаси: геология, табиий география, иқтисодий ўсиш хусусиятлари, савдо, ўлкага олиб кирилган ва олиб чиқилган маҳсулотлар, ҳунармайдчилик турлари атрофлича ёритилган. Шу билан бирга ҳудудда истикомат қилувчи ахоли ҳаёти учун муҳим масала – сув ва ундан фойдаланиш, ўйл-транспорт муаммолари, меморчилик хусусиятларини яхшигина ўрганган. Асадан у қўл урмаган мавзуни топиш мушкул.

Тарихчиларда, айниқса, Туркистондаги мусулмонларнинг маданий ва диний ҳаёти, таълим даражаси, маиший ҳаётининг шакллари алоҳида қизиқиш уйғотади.

Ю. Скайлер ўта нозик кузатувчи сифатида халқимизнинг юксак мусиқий маданиятини, мусиқий асбобларнинг ўзига хос оҳангларини қайд этади.

Дипломат, меҳмон ва сайёҳ сифатида у ҳамма жойда яхши кутиб олиниб, турли одамлар – хон, амир ва бек каби хукмдорлардан тортиб, энг оддий одамлар, савдогар ҳамда ҳунарманд ахли билан учрашган. Шу орқали халқимизнинг бағрикенглиги ва юксак маданиятининг туб илдизларига қадар ёритиб бера олган. Аждодларимизнинг маданий-диний ҳаётидан турли мисоллари, ривоятларини келтириб, уларни кўрганлари, ўзида қолдирган таассуроти асосида атрофлича хикоя қиласди.

Тарихчилар асарнинг ўзбекча таржимасидан таълим, савдо ва дипломатик алоқаларга доир кўплаб статистик маълумотларни ҳам олишлари мумкин.

Аждодларимиз ҳаётининг ҳар бир жиҳатини ўрганиб, муаллиф уларнинг ўзига ишонган ҳамда юксак маданиятли, зироаткор халқ бўлганига амин бўлади. У шундай ёзади:

«Ўзбеклар табиатан моҳир миришкор ва уларининг барча саноат тармоклари маҳаллийдир».

Ю. Скайлер асарининг энг муҳим жиҳати шундаки, у туркистонликларниң миллий ва маҳаллий ривожланиши хусусиятларини асосий ўринга олиб чиқа олган.

Энг катта қизиқиш билан у бозорларни, айниқса Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги савдо-сотиқни анча тўлқинланиб тавсифлаган.

Муаллифнинг маҳаллий аҳолини яхши билгани ҳамда таржимоннинг моҳирлигидан китоб анча енгил ўқилади. Ҳаммаси биргаликда гүё у ўзбек тилида ёзилгандек таассурот уйғотади. Нима бўлганда ҳам, қарийб бир ярим аср ўтгач, муаллиф ва таржимон меҳнатининг уйғунлигида нодир бир иш амалга оширилган.

Тадқиқотчи З.А. Сайдбобоевнинг заҳматли меҳнати туфайли Марказий Осиё тарихшунослиги даврнинг ҳаққоний шоҳиди бўлган, салоҳиятли олим томонидан ёзилган, қиммати анча юқори саналган яна бир манба билан бойиди.

Асарнинг ўзбек тилидаги таржимасини ўқишига чоғланган китобхонга хайрли мутолаа ёр бўлишини тилаймиз.

*Дилором Алимова,  
тарих фанлари доктори, профессор*

\*

## **Ю. СКАЙЛЕР ВА УНИНГ «ТУРКИСТОН» АСАРИ ҲАҚИДА**

Ўрта Осиё алоҳида тарихий ва маданий меросга эга бўлиб келганлиги боис қадимдан кўплаб сайёх, әлчилар, савдогар ва саркардалар дикқатини жалб этиб келган. Улар ўзлари кўрган-кечиргандари, эшитганлари асосида турли асарлар ёзиб қолдиришган. Халқимизнинг узоқ асрлик тарихини ўрганишда бу манбаларда келтирилган маълумотларнинг ўрни бекиёс бўлиб, уларда ёритилган тарихий воқеалар, турли ижтимоий жараёнлар, аввало, ташқаридан бошқача нигоҳ билан баҳо берилганлиги, аксар ҳолларда маҳаллий манбалар муаллифлари илғамаган ёки дикқат жалб этмаган воқеликларга чуқурроқ ёндашувнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Талайгина саёҳатнома ва сафарномалар шаклида ёзиб қолдирилган манбаларда тасвиrlанаётган воқеалар ортиқча дабдаба ва тўқималарсиз, холис, баён этишнинг устунлиги боис, улар Ўзбекистон манбашунослиги ва тарихшунослиги учун муҳим тадқиқот обьекти бўлиб келмокда.

Вильгельм Рубрук, Плано Карпини, Марко Поло, Руи Гонсалес де Клавихо, Энтони Женкинсон, Александр Бёрнс, Мир Иззатулла, Ф. фон Гельвальд, Арминий Вамбери, Элизе Реклю, Свен Гедин, Генри Юль, Вильгельм Сиверс каби хорижий сайёҳларнинг Ўрта Осиёга оид маълумотлари жамланган саёҳатномалар ўлкамизнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий ҳаётини акс эттирган ноёб манбалар қаторига аллақачон кириб улгурган бўлса-да, ҳали-ҳамон илмий жамоатчиликка кенг таниш бўлмаган сайёҳларнинг асарлари хам борлигини таъкидлаш ўринли. Ана шундай сайёҳ, қолаверса, әлчи сирасига америкалик дипломат, фан доктори Южин Скайлер (Eugene Schuyler) ва унинг 1876 йилда Лондон (Буюк Британия)да нашр эттирган «Туркистон: Россия Туркистони, Кўқон, Бухоро ва Фулжага саёҳат қайдлари»

(қисқача «Туркистон») номли икки жилдли китоби ҳам киради<sup>1</sup>.

Южин Скайлер 1840 йилнинг 26 февралида Нью-Йорк штатининг Итака шаҳрида туғилган. Отаси Жорж Скайлер Итакадаги дорихоналардан бирига эгалик қилган бўлиб, кейинроқ у штат разначиси этиб сайланган. Онаси Матильда Скрибнер америкалик машхур ноширлик уйининг асосчиси Чарльз Скрибнернинг синглиси эди<sup>2</sup>.

19 ёшида Америкада докторлик даражасини берувчи дастлабки илмий таълим муассасаси – Йел Университетини тамомлаб, бу даражани олган учта битирувчидан бири бўлган.

Ўқиши тамомлаган Ю. Скайлер бир неча муддат Н. Портега Вебстер лугати (Инглиз тилининг Америка лугати) ни таҳрир этишда ёрдамлашиб юрган. 1863 йилда Колумбия Университетининг Хуқуқ мактабини тамомлаб, Нью-Йоркда хуқуқшунос бўлиб ишлай бошлайди. Аммо бу касб унга маъқул келмаганидан, ўзини журналистика соҳасида синаб, «The Nation» журнали билан хамкорлик қиласди.

Ю. Скайлер рус тилини Нью-Йоркда қунт билан ўрганиб, 1867 йилда рус ёзувчisi И.С. Тургеневнинг «Оталар ва болалар» номли улкан ҳажмли романини рус тилидан инглиз тилига таржима қилиб, нашр эттирган.

1864 йилда Ю. Скайлерни АҚШ Давлат департаментига ишга қабул қилишиб, дипломатик хизмат учун тайёрлай бошлашади. Рус тилини билганидан уни АҚШнинг Москвадаги консули этиб тайинлашади. У 1867 йилнинг августида Москвага этиб келади. Россияга сафари чоғида йўлда немисларнинг Баден-Баден курорт шаҳрида машхур рус ёзувчisi И.С. Тургенев билан учрашади. Ёзувчи унга Л.Н. Толстой, Ф.И. Тютчев ва В.Ф. Одоевский билан кўришиши учун тавсия хатлари беради.

Ю. Скайлер 1868 йилнинг октябрида Л.Н. Толстойнинг таклифига биноан ёзувчининг тасарруфидаги Ясная Полянада

<sup>1</sup> Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Kuldja. – London, 1876. Vols. I – II.

<sup>2</sup> Кононов В.И. Американский консул Ю. Скайлер в Воронеже и Новоживотинном // Дмитрий Веневитинов. Личность и творчество в контексте русской культуры XIX – XX вв. Вторые Веневитиновские чтения. Сборник материалов. – Воронеж, 2012. – С. 150.

бир ҳафта бўлади. Бу ерда у билан узоқ сұхбатлар қуриб, бирга овга чиқади. Ю. Скайлер мезбоннинг уйидаги кутубхонасини тартибга келтиришга ёрдам беради. Л.Н. Толстой айнан шу кезлар «Уруш ва тинчлик» романини тамомлаган эди. Ю. Скайлер ёзувчидан унинг «Севастополь ҳикоялари»дан бири ва «Казаклар» қиссасини инглиз тилига ўгиришга рухсат олади ва кейинроқ бу таржималарни муваффақиятли амалга оширади. Л.Н. Толстой 1878 йилда И.С. Тургеневга йўллаган хатида шундай ёзади: «Скайлер менга жўнатган «Казаклар»нинг инглизча ўгирилгани наздимда жуда яхши таржима қилинган»<sup>1</sup>.

1869–1870 йилларда эса АҚШнинг Ревал (Таллин)даги консули сифатида фаолият кўрсатган. Кейинроқ 1870 йилнинг апрелидан 1876 йил июлига қадар АҚШнинг Санкт-Петербургдаги дипломатик миссияси котиби этиб тайинланган. Айнан шу даврда у Ўрта Осиёга саёҳат қилиб, сафари натижалари хақида АҚШ Миллий География жамиятига батафсил маълумотларини жўнатаб, икки жилдан иборат «Туркистон: Россия Туркистони, Кўқон, Бухоро ва Фулжага саёҳат қайдлари», кейинроқ 1884 йилда чоп этилган «Буюк Пётр» номли икки жилдан иборат биографик асари устида ишлади. Ю. Скайлер Руминия Академияси мухбир аъзоси, шунингдек, Америка, Италия ва Россия Императорлик География жамиятларининг аъзоси бўлган.

1876 йилда АҚШнинг Константинополдаги, 1878 йилда эса АҚШнинг Бирмингем (Буюк Британия)даги, 1879 йилда Римдаги бош консули этиб тайинланади. 1880–1882 йилларда эса Руминияда АҚШ дипломатик ваколатхонасига бошлиқ қиласи. 1882 йилдан бир вақтнинг ўзида АҚШнинг Юноистон, Руминия ва Сербиядаги бош консули вазифасини бажаради.

Ю. Скайлер 1884 йилнинг нояброда Кўшма Штатларга қайтиб, Жонс Хопкинс ва Корнелл Университетларида дарс беради. Бу даврда у АҚШнинг консуллик ва дипломатик масалалари бўйича энг дастлабки саналган «Америка дипломатияси ва тижорат ривожи» номли маъruzаларини чоп

<sup>1</sup> Джонсон Э.А. От Нью-Йорка до Ясной Поляны // Русский меценат (Альманах социального партнерства). 2009 (апрель). Вып. III. – С. 54.

эттиради (1886). Ю. Скайлер 1881 йилда ёқ АҚШнинг консуллик ва дипломатик хизматларини бирлаштиришини таклиф этган эди. Бу ислоҳот 1924 йилда «Рожерс қонуни» қабул қилингандан сўнг ҳаётга татбиқ этилиб, замонавий Америка дипломатик хизматининг асоси бўлиб қолди<sup>1</sup>.

1886 йилда рафиқаси Гертруда Уоллас Кинг (Колумбия университети президенти Чарльз Кингшине қизи) билан Италияning Алассио деган баҳаво жойига кўчиб келишади. Бу ерда у машҳур рус ёзувчиси Лев Толстой билан бўлган учрашувлари ҳақидаги батағеси ҳодаликларини ёзив тутагиб, 1889 йилда чоп эттиради.

Кейинроқ АҚШнинг яши сайланган Давлат котиби Джеймс Г. Блейн ўзига ўринбосар этиб Ю. Скайлерни тайинлашга ҳаракат қиласди, бироқ йирик сенаторлар бунга қарши чиқишади. Ниҳоят яна унга дипломатик лавозим – АҚШнинг Коҳира (Миср)даги бош консуллигини топширишади. Ю. Скайлер Миср тарихини ўрганиб, Нил дарёси бўйлаб саёҳат қилиб туради. Бу ерда у безгакка чалиниб, 1890 йилнинг 16 июлида Венеция (Италия)да даволанаётган даврида вафот этади.

Ю. Скайлер ўзининг 50 йиллик умри давомида шунчалик кўп нарсага улгургани кишини ҳайратга солмай қўймайди. Унинг ўлими муносабати билан «Нью-Йорк Таймс» газетасида чоп этилган мақолада шундай дейилган эди: «Американинг энг ажойиб олимларидан бири, ватанпарвар ва ёзувчиси». Унинг истеъододининг ҳақиқий намуналари – «Туркистон» саёҳат қайдлари ва «Буюк Пётр» биографияси ҳозирга қадар қайта-қайта нашр этилмоқда<sup>2</sup>.

Энди бевосита «Туркистон» асари ҳақида тўхталиб ўтсак. Южин Скайлер 1873 йилда – Россия империяси Ўрта Осиёда ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган – Бухоро амирлигининг бир қисми эгалланиб, ўз мустақиллигини бой берган, Хива хонлигига қарши фаол ҳарбий ҳаракатлар, Кўқон хонлигига низолар кучайган паллада ўлкага ташриф буюрган. Южин Скайлер Ўрта Осиёга ташриф буюрган ғарблик

<sup>1</sup> Джонсон Э.А. Юджин Скайлер – дипломат, писатель, переводчик, путешественник и ученый // Газета «Постимиеес». 2008, 4 июля.

<sup>2</sup> Джонсон Э.А. От Нью-Йорка до Ясной Поляны // Русский меценат (Альманах социального партнерства). 2009 (апрель). Вып. III. – С. 57.

саёҳатчиларнинг дастлабки вакили бўлиши билан бирга АҚШ ҳукуматининг Россиядаги дипломатик вакили ҳам эди<sup>1</sup>.

Аслида Ю. Скайлер Ўрта Осиёга 1868 йилдаёқ қизиқиб қолган эди. Ўшанда у москвалик савдогарлар орасидаги яхши алоқалари туфайли Оренбургга ташриф буюриб, бу ердаги пахта савдосини ўрганганд. Ўлкага келиш учун у расмий доираларнинг махсус рухсатномасини олган. Унинг саёҳатини империя ҳарбий маъмурлари А.М. Горчаков, Д.А. Милютин ва К.П. Кауфман маъқуллаган<sup>2</sup>.

«Туркистон» асарининг биринчи жилди қўйидаги бўлимлардан иборат:

1. Даشت.
2. Сирдарё.
3. Тошкент.
4. Тошкентда мусулмон ҳаёти.
5. Бозорлар ва савдо.
6. Самарқанд.
7. Зарафшон водийси.
8. Хўжанд ва Курама.

Мазкур жилдга илова тарзида эса қўйидаги қисмлар берилган:

1. Кўқоннинг сўнгги даврдаги тарихи лавҳалари.
2. Профессор В. Григорьевнинг «Бухоро тарихи» (Вамбери) асарига тақризи.
3. Ўрта аср сайёҳлари Ўрта Осиёда.

Иккинчи жилди эса қўйидаги бўлимлардан ташкил топган:

1. Кўқон.
2. Бухоро.
3. Иссиққўл ва Еттисув (Семиречья).
4. Фулжа.
5. Рус маъмурияти.
6. Россиянинг Осиёдаги ташқи сиёсати.
7. Хивага қарши юриш ва унинг истило этилиши.
8. Хулоса.

<sup>1</sup> Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Kuldja. – London, 1876. Vol. I. – P. 9.

<sup>2</sup> Дмитриев Г.Л. Делеша Е. Скайлера и проблема среднеазиатской политики царизма 70-х гг. XIX в. // Научные труды ТашГУ. – Ташкент, 1976. Вып. 517. – С. 34.

Мазкур жилд охирида ҳам илова берилган бўлиб, улар қўйидагилар:

1. Россиянинг Ўрта Осиё сиёсати.
2. Тарихий лавҳа (профессор В. Григорьевдан).
3. Россия ва Хива.

Юқоридаги бўлимлар ҳам, ҳар ҳолда сафар олдидан Ю. Скайлер минтақа бўйича маълумотлардан яхшигина боҳабар бўлганлиги боис, тарихий жараёнлар ва шахсларни анча муфассал ёритганлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, асардан муаллифнинг ўлка тарихи ва географиясига доир маҳаллий ва хорижий тиллардаги маибаларни чуқур билганлигини ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Бобурнинг «Бобурнома» ҳамда Марко Поло, Россияда яратилган «Катта Чизмага Китоб» («Книга Большому Чертежу»)идан, Руи Гонсалес де Клавихо, Энтони Женкинсон, Мир Иззатулла, рус географлари ва ҳарбийларининг кўплаб саёҳат кундакларидағи материаллардан унумли фойдаланилган. У тушунарли ва равон тилда, қизиқарли ёзилганлиги билан ажралиб туради.

«Туркистон»нинг ҳар иккама жилдида ҳам Ўрта Осиё халқлари маънавий, ижтимоий ҳаётининг ўзига хослиги, унинг Шарқ цивилизациясига қўшган ҳиссасини кўрсатиб берувчи тарихий маълумотлар, кўплаб далилий материаллар мавжуд. Шу жиҳатдан асар минтақанинг ўша давр тарихи билан бирга, узок ўтмишини ҳам ўрганишда бирламчи манба бўлиб хизмат қиласди.

Таъкидлаш ўринлики, ўлкада мустамлака тизими эндиғина қарор топаётган, улкан ҳудуднинг сиёсий харитаси янгича ўзгаришларга юз тутган, Ўрта Осиё халқларини кейинги бир неча ўн йилликларга истило исканжасида тутиб туриш даври билан изоҳланар экан, Ю. Скайлер ёзиб қолдирган маълумотларининг қиммати янада ошади. Кўплаб сайёҳлар ўз саёҳатномаларини асосан барқарор, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг маълум палласини бошдан кечираётган давлатларга ташрифлари мисолида ёзиб қолдирганликларини эътиборга оладиган бўлсак, Ю. Скайлер танлаган саёҳат даври ўлка тарихи, қолаверса, Ўрта Осиё хонликларининг Россия империяси билан муносабатларида ўта зиддиятли ҳамда қарама-қаршиликлардан иборат давр эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Фарб дипломатининг саёхати Ўрта Осиё масаласи империя ҳукумати томонидан аллақачон ҳал этилган ҳамда истилонинг авж палласи кечётган даврга тўғри келган бўлса-да, Ю. Скайлер ҳарбий ва сиёсий масалалар билан бирга кўпроқ Ўрта Осиё ҳалқлари тарихи, маънавий ҳаётини ёритишга, унинг асл фалсафаси ва туб илдизларини топишга уринади. Зеро, бу унинг Шарқ билан илк бор танишиши, кўплаб урф-одат ва анъаналарга тўқнаш келиши, минтақа тарихи, маданиятининг хилма-хиллигини ўз асарида батафсил ёритишга ҳаракат қилишида яққол кўзга ташланади.

Унинг ташрифи, кўздан кечирган жойлари, сухбатлашган одамлари ва мўлжалдаги кейинги манзили бўйича империя маҳаллий маъмурлари муентазам равища Туркистон генерал-губернаторига ёзма билдириги бериб туришган. Жумладан, Сирдарё вилояти Казала уезди бошлиғи вазифасини бажарувчи В.В. Верешчагиннинг генерал-губернаторга 1873 йил 9 апрелдаги билдиригисида Ю. Скайлернинг «7 апрелда Казала шахрига келганлиги, Орол флотилияси пароходларидан бири орқали денгизга чиқиб, Хивага боришни сўраб илтимос килганлиги ва бунга у рухсат бермаганидан, энди яқин кунларда Тошкентга жўнаши»<sup>1</sup> маълум қилинади.

Ю. Скайлер Туркистонга саёхати натижаларини 1874 йил 7 марта Санкт-Петербургдаги АҚШ элчиси Маршалл Джевеллга маълум қилган ва у ҳисобот шаклида ўша йили Вашингтонда «Кўшма Штатлар ташқи алоқалари» («Foreign relations of the United States») номли тўпламда расман нашр этилган.

У ўз ҳисоботида кенг қамровли масалаларни, жумладан империя ҳукмронлиги остида Туркистондаги вазият, Россиянинг Ўрта Осиё ҳонликлари билан ўзаро муносабатлари, Туркистондаги рус хокимиятининг Афғонистон, Кошвар ва Фулжага оид сиёсий нуктаи назарларини баён этган.

Шубҳасиз, бўлажак саёхатдан бурун Ю. Скайлер Россия, колаверса Фарб даврий матбуотидан ўлканинг Россия билан алоқалари, империя ҳарбий кучларининг ҳудудда олиб бораётган мустамлака юришлари ҳакидаги маълумотлардан яхшигина хабардор бўлган. Асарнинг тарихий воқеалар ва

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (кейинги ўринларда – ўзР МДА), 1-жамғарма, 20-йигмажилд, 6699-иш, 1-1-орқа варак.

шахслар баён этилган қисмларида буниинг тувоҳи бўлишимиз мумкин. Шунингдек, асарнинг ҳар иккала жилдида ҳам Ўрта Осиёning табиати, тарихий географияси бу давр сайёҳлари қайд этмаган бой маълумотларга асосланганлиги билан кескин фарқланиб туради.

Маълумки, XIX асрнинг 60–70-йилларидан бошлаб Россия империяси маъмуриятининг Ўрта Осиёдаги сиёсати Россия жамоатчилиги ва турли газета, журналларда кеп мухокама тусини ола бошлади<sup>1</sup>.

Айтиш ўринлики, «Туркистон маъмурларини танқид қилиш кампанияси Туркистонни бошқаришга доир 1871 ва 1873 йиллардаги низом лойиҳалари хукуматга тақдим этилганидан кейин ҳамда америкалик дипломат Ю. Скайлернинг Ўрта Осиёга ташрифи (1873 йил мартаңдан поябргача) тўрисидаги ҳисоботи эълон қилинганидан сўнг айинкаса қизвии тус олди»<sup>2</sup>.

1875 йил 11 февралда «Голос» газетасида «Скайлер саёҳатномаси ва Туркистон бюджети» номли бош мақола эълон қилинади. У анча кескин руҳда ёзилган бўлиб, рус маъмуриятининг Туркистонга ҳаддан ташқари ишонувчалиги кескин танқид қилинади<sup>3</sup>.

Чунки Ю. Скайлер Туркистондаги 1868–1872 йилги беш йиллик мустамлака маъмуриятининг фойда ва харажатларини таққослаб, Ўрта Осиё мулклари Россия учун 19 миллион рубль зарар келтирганига амин бўлади. У буниинг сабабларини русларнинг ўлқадаги қўплаб фуқаро маъмурий-бошқарув идоралари ва ўзини оқламайдиган улкан ҳарбий қўшинларида деб билади.

Шунингдек, «Туркистон тўплами»да чоп этилган мақолада Ю. Скайлернинг Хива хонлиги босиб олинишига доир маълумотларининг асоссизлиги ва муаллифнинг бу ҳарбий ҳаракатда иштирок этмаганидан империя қўшинларининг

<sup>1</sup> Улар жумласига «Петербургские ведомости», «Дело», «Русский мир», «Биржевые ведомости», «Новое время», «Голос», «Отечественные записки», «Московские ведомости» ва бошқа кўплаб нашрларни мисол қилиб келтириш мумкин.

<sup>2</sup> Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистанда чор мустамлака тизими. – Тоникент: «Академия», 2002. – Б. 8.

<sup>3</sup> Дмитриев Г.Л. Депеша Е. Скайлера и проблема среднеазиатской политики царизма 70-х гг. XIX в. // Научные труды ТашГУ. – Ташкент, 1976. Вып. 517. – С. 45.

ваҳшийликларини бўрттириб кўрсатгани танқид қилинади. Мақолада турли «асослар» келтирилиб, мустамлакачи ҳарбийлар «миссия»сининг «инсонпарварлиги»га ургу берилади<sup>1</sup>.

Генерал-майор Горловнинг билдириги хати ҳам ана шундай мазмундан иборат бўлиб, айнан Ю. Скайлернинг яқинда нашрдан чиқсан «Туркистон» асаридан сўнг инглиз газеталарида рус қўшинининг зўравонлиги ҳақида мақолалар чоп этиш кўпайганлиги ташвиш билан тилга олинади<sup>2</sup>. Хатда яна Ю. Скайлернинг Хива ҳарбий юришида иштирок этишга рухсат берилмаганидан ва унинг генерал Кауфманга бошқа шахсий сабабларга кўра душманона муносабати туфайли ҳарбий юришнинг салбий томонлари Громов деган ҳарбийдан эшитганлари асосида китобда акс эттирилгани маълум қилинади<sup>3</sup>. Юқоридаги маълумотлар ҳар ҳолда Ю. Скайлернинг асари Фарбда империя маъмурияти Ўрта Осиёга ҳарбий юришнинг асл истилочилик моҳиятини очиб берганлигидан далолат беради.

Россиянинг Ўрта Осиё сиёсатини, хусусан, мустамлака маъмуриятининг тамомила диний муросага келиши ва мусулмон руҳонийлари ишларига аралашмасликка асосланган диний сиёсатини, йўллар ва кўприкларни қуриш ҳамда таъмирлаш юзасидан тадбирларини, ирригация соҳасидаги ишларини, санитария-гигиена чора-тадбирларини ижобий баҳолаган Ю. Скайлер унинг кескин жиҳатларига тил тегизолмасдан ўтолмайди. У саноат сиёсати буткул барбод бўлганини, савдо сиёсати кифоя қилгулик дараҷада фаол эмаслигини қайд этади ҳамда ўзининг рус замондошлари изидан бориб янги мустамлаканинг Россия учун заарли эканлиги ҳақида ёзади. Туркистон маъмуриятининг ишчанлик фазилатларини тавсифловчи мисоллар келтиради, дипломат адолатли тарзда унинг сафларида мўмай пул излаган ёки кредиторлар ва судлов таъқибидан қочиб панох излаган кимсалар борлигини тўла асосли таъкидлайди; Перовский, Авлиёта ва Қурама уездларидаги порахўрлик ва давлат мулкини талон-тарож

<sup>1</sup> Скайлер и Мак-Гахан // Туркестанский сборник. Т. 240.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, 1-жамғарма, 27-йиғмажилд, 1524 а-иш, 1-варак.

<sup>3</sup> Юқоридаги иш, 3-3-орқа варак.

этинига оид мисоллар келтиради; Хўжанд, Верпий, Копал ва бошқа жойлардаги мисолларни келтиради<sup>1</sup>.

Юқорида қайд этилганидек, Ю. Скайлер Ўрта Осиёга саёҳати натижалари ҳакида АҚШ Миллий География жамиятига ҳисобот ҳамда Давлат департаментига маҳфий маъруза жўннатади. 1876 йилининг декабрида ана шу маҳфий маъруза Америка матбуот нашрларидан бирида, сўнгра русча таржимаси Петербург газеталарида чоп этилганидан Ю. Скайлер қаттиқ эсанкираб қолади. У ўз маърузасида генерал К.П. Кауфманни маҳаллий аҳолига нисбатан шафқатсизликда айблаган эди. Бунга жавобан рус журналистларидан бири ўз газетасида генералга нисбатан адолатсиз айблов қўйғандан кўра, ўз ватандошларининг Шимолий Америка хиндуларига нисбатан муносабатига диққат қаратишни маслаҳат берган<sup>2</sup>.

Совет даври тарихшунослигида хорижий сайёҳ ва тадқиқотчиларнинг асарларига маълум маънода мурожаат этилиб, илмий таҳлил этилганлигига қарамасдан, аксинча Ю. Скайлер саёҳатномаси акс этган йирик икки жилдли асар ҳакида деярли эслатилмаган. Бу ҳар ҳолда империя маъмуриятининг ҳарбий ҳаракатлари асарда ҳаққоний, батафсил ёритилганлиги билан боғлиқ бўлса керак. Шу сабабли мазкур давр тарихига доир манбаларнинг анча «мўътадил», империянинг ўлқадаги сиёсати ёритилмаган, унинг ва кейинроқ совет мафкуравий сиёсати руҳига мос келадиган манбаларга асосий эътибор берилганлиги расм бўлганлигини билдиради. XIX асрнинг 20–80-йилларида Ўрта Осиёга ташриф буюрган сайёҳ ва олимларнинг ёзма маълумотлари жамланган китобда ҳам Ю. Скайлер ва унинг «Туркистон» асари ҳакида маълумот берилмаган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: «Академия», 2002. – Б. 183–184.

<sup>2</sup> Кононов В.И. Американский консул Ю. Скайлер в Воронеже и Новоживотинном // Дмитрий Веневитинов. Личность и творчество в контексте русской культуры XIX – XX вв. Вторые Веневитиновские чтения. Сборник материалов. – Воронеж, 2012. – С. 150.

<sup>3</sup> Каранг: Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках. Узбекистан в сообщениях путешественников и ученых (20 – 80-е годы XIX в.). – Ташкент: «Фан», 1990.



Асарнинг муаллифи ва ҳар иккала жилдидаги маълумотларга таяниб қуийдаги фикрларни илгари суриш мумкин:

1. Ю. Скайлер Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотларни дастлаб Фарбда, сўнг Россия империясининг марказий қисмлари ва нихоят ўлкага ташрифи давомида тўйлаган.

2. Муаллиф шунчаки сайёх ёки географик маълумотларни тўплашга қизиқувчи олим эмас, балки расмий дипломатик вакил саналган. Бу унинг ўлкадаги таникли маҳаллий ва империя амалдорларининг қабулида бўлиб, улар билан шахсан учрашганлиги билан изоҳланади.

3. Мазкур давр саёҳатномалари баён этилган асарлар муаллифларининг аксарияти империя ҳарбийлари изидан кетма-кет юриб ёхуд фақатгина Туркистон генерал-губернаторлиги таркибиға кирган вилоятлар бўйича маълумотлар ёзиб қолдирган бўлса, Ю. Скайлер бу ҳудудлар билан бирга Бухоро амирлигига ташриф буюрган ва сафар билан боғлиқ батафсил маълумотларни келтириб ўтган.

4. Ю. Скайлернинг саёҳат даври бошқа қитъаларда Фарб давлатлари мустамлака тизимининг қарор топганлиги, улкан метрополия ва мустамлакалар маълум равишда фойда келтираётган палла саналса, аксинча, Россия империяси Ўрта Осиёни ўз мустамлакасига айлантириш, худудда ўзининг кейинги геосиёсий мақсадларини амалга ошириш учун қатъий ҳаракатлар олиб бораётганлигини инобатга оладиган бўлсак, муаллиф учун бу ерда кўрган-кечиргандари у қадар нотаниш манзаралар эмас эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Фарбнинг истилочилик ҳаракатлари ҳам қарийб худди шундай кечган, бу ҳақда у етарлича тасаввурга эга, фақатгина Ўрта Осиё масаласида Россиянинг ташки сиёсати ва унинг ижроси унга у қадар маълум эмас эди.

5. Ю. Скайлернинг маълумотлари кўп ҳолларда унинг фарбча услубдан ҳам холи эмаслигини кўрсатади. Жумладан, олий маълумотли, ҳам дипломатик амалдор учун баъзан Ўрта Осиёда кўрган ва эшитганлари жуда файриоддий туюлганлигига кўзга ташланади.

Ўтган қарийб 20 йил мобайнида асарнинг таржимаси устида ишлаб, унинг алоҳида қисмлари бўйича бир неча мақолалар чоп этиб, илмий конференцияларда маърузалар

қилинди<sup>1</sup>. Шунингдек, Ю. Скайлернинг саёхат қайдлари ва ўтган йўллари бўйича йўналиш картаси номзодлик диссертациямизда қисқача таҳлил этилди<sup>2</sup>.

Таъкидлаш ўринлики, «Туркистон» ҳалигача на рус, па ўзбек тилига таржима қилинган. Сўнгги йилларда биз томонимиздан асарнинг баъзи қисмлари қисқартирилган ҳолда ўзбек тилига таржима қилиниб, «O'zbekiston tarixi» журналида чоп қилиниб, илмий жамоатчилик ва китобхонлар эътиборига ҳавола этилди<sup>3</sup>.

Қўлингизда эса асарнинг ҳар икки жилдидан олинган сара таржима.

Сиз ҳам сайёх ва дипломатининг Ўрта Осиё бўйлаб узоқ сафарига ҳамроҳ, ўлкани кезини жарабенидаги қизиқиш ва ҳайратлари, кечирган қийинчилик ҳамда машаққатларига щерик, сухбатдошлари билан кечган мулоқотларига шоҳид ва энг муҳими, муаллиф баён этган ажойиб тасвирлар орқали ўтган кунларимизни эсга оласиз, деган умиддамиз.

Зокиржон Сайдбобоев,  
тарих фанлари номзоди, доцент

<sup>1</sup> Каранг: Сайдбобоев З. Южен Шулернинг «Туркистон» асарида Кўкон хонлигининг тасвирланици // Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2-китоб. – Наманган, 2000. – Б. 25-26; Ўша муаллиф. Америкалик дипломат Ю. Скайлернинг Китоб – Шаҳрисабз тарихига оид маълумотлари (XIX асрнинг 70-йиллари) // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция маърузалар тезислари. – Тошкент, 2002. – Б. 27-28; Ўша муаллиф. Тошкентда мусулмон ҳаёти (Ю. Скайлернинг «Туркистон: Рус Туркистони, Кўкои, Бухоро ва Гулжага саёхат қайдлари» асари. Сўзбоши, таржима ва изоҳлар) // «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журнали. 2003, № 4. – Б. 215-217; Ўша муаллиф. Тошкент гарблик дипломат нигоҳида // Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда. Халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 242-246; Ўша муаллиф. Евгений Скайлернинг Ўрта Осиёга саёхати (1873 йил) // Тарих фани Марказий Осиё интеллектуал ривожи контекстида. Тарихшунослик ва манбашибнослик очерклари. – Тошкент: «Yangi nashr», 2014. – Б. 273-277; Ўша муаллиф. Самарқанд – гарблик дипломат нигоҳида // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2016. – Б. 74-75.

<sup>2</sup> Каранг: Сайдбобоев З.А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI – XIX асрлар): Тарих фанлари номзодлиги учун диссертация. – Тошкент: ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 2004.

<sup>3</sup> Каранг: Сайдбобоев З.А. Ю.Скайлер. Туркистон: Рус Туркистони, Кўкои, Бухоро ва Гулжага саёхат қайдлари. Тошкент. Сўзбоши, қисқартирилган таржима ва изоҳлар // «O'zbekiston tarixi» журнали. 2014, №1. – Б. 3-14; Ўша муаллиф. Бозорлар ва савдо. Қисқартирилган таржима ва изоҳлар // «O'zbekiston tarixi» журнали; 2014, №2. – Б. 3-15; Ўша муаллиф. Самарқанд. Қисқартирилган таржима ва изоҳлар // «O'zbekiston tarixi» журнали. 2014, №3. – Б. 3-15; Ўша муаллиф. Кўкои. Қисқартирилган таржима ва изоҳлар // «O'zbekiston tarixi» журнали. 2014, № 4. – Б. 3-11; Ўша муаллиф. Бухоро. Қисқартирилган таржима ва изоҳлар // «O'zbekiston tarixi» журнали. 2015, №1. – Б. 3-20.

## СИРДАРЁ

*Казала – 1-Истеҳком қалъа (Форт №1) –*

*Тижорат аҳамияти – Самимий қабул –*

*Хива экспедициясининг мұхокамаси –*

*Уларнинг қўшилиш истиқболлари –*

*Шубҳа ва гумонлар – Пучга чиққан умидлар –*

*Бизнинг важ-корсон – Рус асиrlарининг Хивадан етиб келиши – Сирдарё – Кема қатновига тўсиклар ва уни тақомиллашибтиришга уринишлар – Орол флотилияси –*

*Ўзгача диёр – 2-Истеҳком қалъа (Форт №2) –*

*Қозоқ қабристони – Мусулмон авлиёси –*

*Перовский истеҳком қалъаси –*

*Мак-Гаханинг Хивага йўл олиши –*

*Қизилқум чўли – Ҳазрати Туркистон –*

*Аҳмад Яссавий мақбараси –*

*Ёзувлар – Чимкент*

Казаладаги<sup>1</sup> меҳмонхонага етиб келгач, ўзимизга ажратилган кошин полли чанг босган учта хонани эгаллаганимиздан сўнг, биринчи ташвишимиз кичкина рус ҳаммолида ювениб олиш ва яхши тушликка буюртма бериш бўлди. Улар тайёр бўлгунча биз дарёни кўришга чиқдик. Чўлда шунча йўл босиб келган бизлар учун у дикқатга молик манзара эди. Пастак пахса уйли кенг кўчалар оралаб, унча узоқ юрмай, қалъанинг муңтазам нишабликларидан пастлаб, бир неча янги тўп-замбараклар турган девор олдига келганимизда шундоққина ундан нарида Сирдарё сарғимтири лойқаланиб оқарди. Ишчилар биргалашиб кичик темир баржани қўйиш билан овора, сал куйида, истеҳкомнинг қурол-аслаҳалари

<sup>1</sup> *Казала (Казалинск)* – Сирдарёning ўнг кирғогида жойлашган шаҳар. Унга 1853 йилда асос солинган ва 1867 йилга қадар 1-Истеҳком қалъа деб аталган. Ю. Скайлер шаҳарга келган даврда у Казалинск деб аталган. Ҳозирда Қозоқистоннинг Кизилурда вилоятига қарашли.

яқинида эса Орол флотилиясининг<sup>1</sup> пароходлари лангар ташлаб турарди.

1847 йилда руслар томонидан Сирдарёнинг энг яқин қирғида кичик истеҳком қалъаси қурилган бўлиб, Раим қалъаси<sup>2</sup> деб аталар – бу уларнинг ҳалигача истилоси туғалланмаган Осиёдаги илк қадами эди. Бу қалъа уичалик мустаҳкам эмас, тез-тез бўлиб турадиган тошқинлар сабабли 1855 йилда дарёнинг кичик бир ирмоғи ҳисоблаинган Казала бўйидаги ҳозирги жойига кўчирилиб, 1-Истеҳком қалъа (Форт №1) деб аталган кичик истеҳком бунёд этилган. Ўшандан бери бу қалъа ноаниқ; ё Казала, Казалинск ёки 1-Истеҳком қалъа деб номланади. Ҳатто бу ерда ҳам баҳор ойларида шундай тошқинлар бўлиб турадики, Казала ташландик сувдаги кичикроқ оролга ўхшаб қолади. Қалъа дарё ёқасига шунчалик яқинки, унинг деворлари дарё сувнинг ўзгарувчанлигидан вайрон бўлган ва аста-секин ювиб кетиш эҳтимоли бор. Бу қалъа доимий истеҳком бўлиб, хом фиштдан қалин девор билан ўралган, атрофи хандакли, ҳатто яхши қуролланган душманлар ҳужумига, шубҳасиз, хиваликлар ва туркманларга қарши ҳам барқарор бардош беради. Истеҳком ичida казармалар, дўконлар, турли ҳарбий зобитларнинг уйлари жойлашган. Одатдаги гарнизон артиллерия дивизияси ва казакларнинг иккита сотниясидан<sup>3</sup> иборат. Қалъа атрофида кичик бир шаҳарча қад кўтарган бўлиб, аҳолиси камида 3000–4000 киши. Бозоридаги қизғин савдони қозоқлар қўлга олган.

<sup>1</sup> Орол флотилияси – Россия империясининг 1853–1883 йилларда Орол дентизидаги флотилияси. 1848–1849 йилларда Орол дентизини биринчи марта рус олими А.И. Бутаков тадқиқ этиб, картага туширган. Айнан А.И. Бутаковнинг илмий ва ҳарбий фаолияти Орол флотилиясининг шаклланишига асос бўлган. Флотилия Орол дентизи ҳавзасидаги ҳарбий-сиёсий воқеаларда фаол иштирок этиб, Хива хонлигини истило этишда муҳим қўнимгоҳ вазифасини ўтаган. Хива юришида Оренбург отрядининг пароходларда мұваффакиятли ҳаракат қилишини таъминлаган. 1870–1883 йилларда Орол флотилияси янги пароход ва баржалар ҳарид қилиб, юқ ташиш ҳажмини кескин оширган. Бу ҳақда қаранг: Сулайманов С. Архивные данные по истории Аральской Амударьинской флотилии // Проблемы исторического источниковедения. Материалы научно-практической конференции. – Ташкент: НУУз, 2013. – С. 226–230.

<sup>2</sup> Раим қалъаси – кейинроқ Орол истеҳком қалъаси номи билан ҳам машҳур. Россия империясининг Орол бўйидаги дастлабки ҳарбий истеҳкоми. 1847 йилда ҳарбий муҳандис К.И. Герн томонидан қурилган. Ўша йили бу ерга Оренбург казакларининг 26 та оиласи жойлаштирилган.

<sup>3</sup> Сотня – одатда 120 та кишидан иборат ҳарбий бўлинма.

Казала Ўрта Осиёнинг барча савдо йўллари кесишган жойда жойлашган бўлиб, Оренбургдан келадиган йўл бу ерда Хива, Бухоро ва Тошкент йўллари билан туташади. Бу ерда, яна Сирдарё бўйида марказий почта ҳам бор. Осиё савдоси ривожланса, Казала йирик савдо марказига айланарди, аммо ҳозир ҳам бу ерда савдо-сотиқ гавжум.

... Бухоро ва Хива савдосининг ҳақиқий маркази Оренбург ҳисобланиб, Жанубий Сибирь темир йўли орқали молларини бошқа бозорларга элтиб сотишдан фойда бўлса-да, бу шаҳарлар савдогарларининг кўплари Оренбургда бўлиб, у ерда талай тижорат ишларини амалга оширишади. Икки хонликнинг Оренбург билан алоқалари Казалани муҳим йўл бўйида жойлашган аҳамиятидан доимий савдо марказига айлантириб келган. Шунга қарамай шаҳар жуда зерикарли ва истиқомат учун нокулай жой бўлиб, қуёш бутун ёз давомида жазира маҳалларини сочиб туради ва иссиқ шамол эсади.

... Бозор оралаб юриб, оч сайёхлар учун вино, қайнатилиб консерваланган гўштлар, гоз жигаридан паштет<sup>1</sup>, инглиз пивоси ва консерваланган Америка денгиз қисқичбакаси (омар) захираси бор дурусттина дўконга кирдик. У ерда очиқкўнгил бир полковникни учратдик. У биздан унга ҳозиргина генерал Крижановскийдан<sup>2</sup> танишириув хатини қолдириб кетишиган америкаликлар эканлигимизни сўради. Аслида полковник Козарев қалъа коменданти бўлиб, дарҳол бизни ўзи билан чой ичишга чин дилдан таклиф қилди. Қабул вақтидаги оддийлик ва очиқкўнгиллиликдан ўзимизни уйимиздагидек хис қилдик. Яхши билгани учун мезbon билан Дашт<sup>3</sup>, Қозоқ ва Казаладаги, аввалроқ 2-Истеҳком калъада, ундан ҳам бурун Каспий денгизи бўйидаги Александровск истеҳкомида ўн олти йил давомида, Россия билан йилда бир ёки икки маҳал алоқалари бўлган ёлғиз ҳаёти ҳақида сұхбатлашиб, оқшомни мароқли ўтказдик. Бу орада хона-

<sup>1</sup> Паштет – хайвон, парранда ва балиқ гўшти ёки жигаридан тайёрланган пастасимон таом.

<sup>2</sup> Крижановский Николай Андреевич (1818–1888) – рус ҳарбий генерали. XIX асрнинг сўнгги чорагида Оренбург генерал-губернатори бўлган. XIX асрнинг 60-йилларида Россия хукуматининг Ўрта Осиё борасидаги сиёсатини ишлаб чиқкан. Ўрта Осиёни истило қилиш ҳарбий ҳаракатларида қатнашган.

<sup>3</sup> Қозоқ даштлари назарда тутилган.

га икки-учта зобит кириб келди ва биз улар билан хам танишиб олдик. Улардан бири шубҳаланаётганини яширмай, бизни яқинроқ ва қизиқсениб кўздан кечиргани – вақтингчалик уезд бошлиғи вазифасини бажарувчи капитан Верешчагин<sup>1</sup> бўлиб, шубҳасиз унинг гумонларини бизнинг мақсадларимиз туғдирган эди. Шаҳарча кичик бўлишига қарамай, қоронғуда йўлимиздан адашишими мумкинлигидан ҳамда барча соқчилардан эсон-омон ўтиб олишимиз учун комендант қўярда-қўймай ўзининг извоини келтирди.

Эртаси куни русларнинг Пасха байрами<sup>2</sup> эди. Уларнинг урф-одатларига амал қилган ҳолда ўтган кунги танишларимизни, яна янги танишлар орттириш ниятида ҳаммани чақирдик. Сафардан толиққач, ўзимизни Европа ва цивилизациядан жуда йирокда ҳис қилган бир пайтда одамларнинг таътил олиб уйларига бориб келиши ва Вена кўргазмасига ташриф буюриши ёки ёзни Швейцарияда ўтказишлари хақидаги гапларини эшитиш бизга жуда фалати, гёё сафарда юрганда туюларди. Мисол учун, бўлғуси никоҳини яқин дўстлари уюштирган, ўзи эса ҳеч қачон кўргмаган кишига турмушга чиқиш учун Польша чегараларидан бутун йўлни якка ўзи босиб ўтган бир хоним билан танишдим. Рус урф-анъаналарида Пасха пайтидаги рўзада<sup>3</sup> никоҳга рухсат этилмагани боис, келганига икки ҳафта бўлганига қарамай, ҳалигача никоҳдан ўтмаган, баҳтли қаллик Хива экспедиция-

<sup>1</sup> Верешчагин *Василий Васильевич* (1842–1904) – рус рассоми. Асосан жанг лавҳаларини тасвирлаган. Петербургда (1860–1863), сўнг Париждаги Ж.Л. Жером устахонасида ўқиган. Кўп бор Россия, Фарбий Европа, Сурия, Фаластин, Япония, АҚШ ва Тўркистон бўйлаб саёҳат қилган. Ўз асарларида Туркистон (1871–1874), Болқон (1877–1878), 1812 йилти Ватан уруши (1877–1904) каби мавзуларни тасвирлаган.

<sup>2</sup> Пасха (юнонча Πάσχα, қадимги яхудийча Pesoch, маъноси ўтиш) – яхудий ва христианларнинг байрами. Кўчманчи семит қабилаларида пасха чорванинг баҳорги қўзилаши байрами бўлган. Байрамда янги туғилган қўзичоқ курбонлик қилинган. Бу қабилаларнинг ўтрок ҳаётга ва дехқончиликка ўтиш жараённида (мил. авв. XIII – XII аср) пасха ҳосил байрамига айланган. Шундан янги ҳосилнинг дастлабки уруғидан Матцот тайёрланиш одати келиб чиқкан. Яхве эътиқоди кучайиши билан пасха яхудийларнинг Мисрдан афсонавий қўчишлари шарафига бағишлиланган байрами бўлиб қолган. Христианликда Пасха байрами маъно жиҳатдан Исонинг қийналиши, кечиримлилиги ва унинг қайта тирилишига эътиқод билан боғланган.

<sup>3</sup> Христианларнинг Пасха ойидаги гўштли, сутли ва тухумли таомларни ейиши ман қилинган рўза кунлари назарда тутилган.

сидан<sup>1</sup> тезда қайтгач, уларнинг тўйлари шу хафтада ўтиши кутилмоқда эди.

Казаладаги гурунгларимизнинг барчаси Хива ҳақида бўлди. Казала дивизияси бироз аввал жўнаб кетган бўлиб, ҳозир улар истеҳком барпо этилаётган Иркибой деган жойда эканлиги тахмин этилмоқда. Чопарлар у ердан хафтада бир-икки марта келиб туришар экан<sup>2</sup>. Сафарга гарнizonнинг энг яхши қисми қўшилган бўлиб, қолганлари ҳам бунга қизиқиб қарап экан. Биз Хивага жўнашга шошилиб, ҳатто у ерга ўтиб олиш учун бир неча кундан сўнг жўнаб, агар унчалик узоклашиб кетмаса, қўшни Кўнғиротда экспедицияга кўшилиши мўлжалланган «Самарқанд» пароходида бориш мумкинлигини тахмин қилгандик. Вазият жуда қулай бўлиб кўринар, шу важдан пароходда кечувнинг хавфсиз имконияти бўлса ва ҳатто Орол денгизининг саёз сувида ёхуд бу ерда бир ҳафта қолиб кетгудек бўлсак ҳам, сафаримиз анча енгил кўчиши мумкинлигидан менга ҳамроҳлик қилиб Хивага боришига шерикни кўндиришга қарор қилдим.

Ҳаммамизнинг ҳафсаламиз пир бўлди. Бир куни эрталаб коменданнтнинг уйидаги ўша кечада бизни жуда синчковлик билан кузатган капитан Верешчагин чорлаб қолди. У ҳеч кимни Хивага ўтказиб юбормаслик ҳақида қўлида қатъий буйруқ борлиги, йўқса бизни ортга – Оренбургга жўнатиб юборишини, аммо менинг комендантга расмий хат олиб келганим учун бизни қўллашини маълум қилиб, Тошкентта боришимизга рухсат беришини билдириди. Ўз ахборотини тасдиқлаш учун у менга иккита қофозни ўқишимни таклиф қилди. Ушбу буйруклардан бири генерал-губернатордан бўлиб, вилоят губернатори томонидан имзо чекилган, унда Туркистон вилоятига савдо мақсадида киришни истаган европаликларга генерал-губернаторнинг маҳсус ёзма рухсатномасиз ман этилиши ва акс ҳолда уларни келган жойига қайтариб юборилиши маълум қилинган эди. Мен кулиб, бу

<sup>1</sup> Хива экспедицияси – 1873 йилда Россия империясининг Хива ҳонлигини бўйсундириш мақсадида уюштирган ҳарбий юриши. Унда Россия томони 3000, Хива эса 30000 кишисидан ажralган. Гандимиён сулҳ шартномаси билан тугаган. Унга кўра ҳонлик сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан Россияга қарам бўлиб, Амударёнинг ўнг соҳилидаги кўп худудини бой берган.

<sup>2</sup> Чопарлар одатда отлик хабарчилар бўлиб, шошилинч хабарларни отини ҳар жойда алмаштириб, бир жойдан иккинчи жойга етказган.

хужжатни кўрсатгани учун капитан Верещагиндан миннатдорлигимни айтиб, европалик бўлмаганим ва бу ерга савдо мақсадларида ҳам келмаганлигимдан буништ менига алоқаси йўқлигини айтдим. Иккинчи хужжат эса адмирал Бокнинг<sup>3</sup> тавсияси билан ҳеч қандай сиёсий аҳамият караб этмаган, асосан илмий мақсадларда Хиндистондан Ўрта Осиё орқали сафар қилишни режалаштирган батартиб оиласи иккита швейцариялик – лозанналиқ<sup>4</sup> М. Пикет ва невшателлик<sup>5</sup> М. Ривас жанобларга берилган имконият ва қулайликлар ҳақидаги қатъий буйрук эди. Афғонистон ва Бухоронинг хавф-хатарларидан ўтиб, Россия чегарасига етиб келган бу бечора сайёхларни «келган ерларига қайтариб юбориш» ҳақиқатни тан олиб айтганда бориб турган бемаънилик эди. Фақатгина бир неча ой ўтгандан сўнггина бири кийимини яхудийчасига, иккинчиси эса татарчасига ўзгартириб олган ва русча ёзилган қоғозлари бўлган иккита одам рус айғоқчиси сифатида Балх амири томонидан қатл эттирилгани ҳақидаги Балхдан олган ва улар ўша сайёхлар эмасмикан, деб қўрқкан хабаримдан бўлак бу икки сайёҳ ҳақида бошқа ҳеч нарса эшитмадим<sup>6</sup>.

Бу тиришқоқ расмийнинг (Верещагин – З. С.) ахбороти шеригимни Казала орқали Хивага етиб олиш мумкин эмаслигига ишонтириди ва у Тошкентга боришимизга қарор қилиб, у ерда ёки йўлда омадимиз келиб қолишига умид қилди<sup>7</sup>. Балки «Самарқанд» пароходида кетмаганимиз ҳам бахтимиздандир. Селлар маҳали бўлгани боис, дарё ирмоғидаги пароход анча ушланиб қолган, уни кутмай бир қисм ҳар-

<sup>3</sup> Бок Георгий Тимофеевич (1818–1876) – вице-адмирал. Россия империяси хонадонига яқин франсабдорлардан бири бўлган.

<sup>4</sup> Лозанна – Швейцариянинг жануби-ғарбидаги шаҳар.

<sup>5</sup> Невшатель – Невшатель кўлининг шимоли-ғарбида жойлашган шаҳар (Швейцария).

<sup>6</sup> Айнан Ю. Скайлернинг саёҳати даври (1873 йил)да Россия империяси ҳарбийлари Хива ҳонлигини эгаллаш учун истилочилик ҳаракатларини олиб бораётганлиги боис, бу ердаги расмий амалдорлар ҳонлик ҳудудига, колаверса ўлкага ташки давлатлардан ташриф буюрувчи хорижликларга рухсат бермаганлиги бу ердаги ҳужумларининг шафқатсиз оқибатлари чет мамлакатларга ҳам овоза бўлиб, тарқалишининг олдини олиш чоралари сифатида изоҳланishi мумкин.

<sup>7</sup> В. В. Верещагин ҳақиқатан ҳам Ю. Скайлернинг Хивага боришининг олдини олиб, уларни Тошкентга жўнаши ҳақида Туркистон генерал-губернаторига 1873 йил 9 апрелда ёзган билдиргисида маълум қилган. Қаранг: ЎзР МДА, 1-жамғарма, 20-йиғмажид, 6699-иш, 1-1-орқа варак.

бийлар генерал Верёвкин<sup>1</sup> армиясига Кўнғиротда қўшилиш учун кетаётганида туркманлар томонидан қириб ташланган эди. Эртаси куни биз сафарга отланаётган пайтда хузуримизга комендант келиб, капитан Верешчагиннинг хатти-харакатларини баён этиб, бу ерда унинг қисқа вакт ичидан бўлганига қарамай, ўзига ҳар қандай масъулиятни олишдан қўрқиши ҳамда қаттиққўл ва тиришқоқлиги билан хукумат олдида ўзини танитишга ҳаракат қилаётган ва бунинг уддасидан ҳам чиқаётган ёш расмий эканлигини айтиб қолди.

Бизнинг Казалага келишимиздан бир оз аввал бу ерга Хива элчиси асирга олинган рус маҳбусларини қайтариб олиб келган, уруш айнаҳ уларни озод этиш учун бошланган эди. Улар Орол дengизининг шарқий соҳили бўйлаб яқин йўлдан келтирилгани боис экспедиция билан кўришмаган. Киш бўлганидан улар қор эритиб сув ичишган. Элчилар олиб келган хатлар генерал Кауфманга<sup>2</sup> ёзилганлиги сабабли Казалада уни ҳеч ким очишга бетламади. Айтишларича, чопар орқали хатларни унга жўнатишган. Бироз вактдан сўнг элчиларни маҳбуслар билан бирга Кауфманнинг хузурига – экспедиция қароргоҳига жўнатиш ҳақида хабар келган. Маҳбуслар йигирма бир киши бўлиб, мен Казаладалик вактимда хон томонидан улар жўнашида тақдим этилган йўл-йўл пахталик чопонда шаҳар атрофида кўриниб қолишарди. Уларнинг барчаси асирикда қийинчилик кўрганини айтишар, гарчи озодликларидан чин юракдан хурсанд, кўплари буни маст бўлиб нишонлаб юришар, лекин афтидан улар унчалик азоб чекканга ўхшамасди. Кўпчилиги казаклар ва оддий аскарлар, орасида уч-тўртта хизматчи ва савдогарлар ҳам бор. Улардан утаси – 1869 йилда Иргиз истеҳкомида кўлга олинган казак аскарлари ҳамда ўша йили уларга шерик сифатида тутилган учта хизматчини менга кўрсатишгани олиб келишди. Ушбу хизматчилардан бири ўттиз икки, бошқаси йигирма тўрт ёшда эди. Уларга қуролли қисмни

<sup>1</sup> Верёвкин Николай Александрович (1820–1878) – рус генерали. Россия империясининг Крим уруши ва Ўрта Осиёни истило қилиш ҳарбий ҳаракатлари иштирокчisi.

<sup>2</sup> Кауфман Константин Петрович (1818–1882) – Ўрта Осиё хонликларини босиб олиш мақсадида Россия империяси уюштирган ҳарбий юришларнинг раҳбари. Ю. Скайлернинг саёҳати даврида Туркистон генерал-губернатори бўлган (1867–1882).

тузланган (дудланган) гўшт билан таъминлаш ва қозоклар билан савдо қилиш мажбурияти юкланиган, аммо тўсатдан Орол денгизи яқинидаги бекатда қозоклар тўдаси томонидан асирикка олиниб, эгарларга боғланиб, Хива томон кечаю кундуз узундан-узоқ йўл босиб келтирилгач, бу ерда улар сотиб юборилган экан. Улар Хивага келиши биланоқ хон томонидан шахсий хизматларда фойдаланиши учун сотиб олинган ва узоқ вақт мобайнида хоннинг шаҳар ташқарисидаги боғида яшаб, кўпчилиги бу ерда боғбоцлик қилган, бирор маҳсус касб-кори борлари эса ўз соҳаси бўйича ишлатилган. Улар бу ерда жуда кўпчиликини ташкил этган эронлик асиirlар сингари асосан мева, гуруч ва ҳар замонда бир тишлам қўй гўшти ёки ёни билан кун ўтказишган. Бонгида уларга жуда қаттиқўллик билан муомалада бўлишиб, ҳатто куч ҳам ишлатишиб, мусулмонликка киритишга ҳаракат қилишган. Охир-оқибат хон буни билиб қолиб, уларнинг динини ўзгартиришга мажбур қилишга ундан бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўклиги ҳақида буйруқ берган. Асиirlар хонни хушфеъл деб таърифлаб, боғ оралаб ўтаётганида одатда уларга бир-икки оғиз сўз айтиб ўтишини ҳамда хонликнинг Россияга нисбатан адоватли алоқаларида буткул айни девонбеги<sup>1</sup> ёки вазирга тўнкашарди.

Казаладалигимда причалга боғлаб қўйилган Орол флотилиясининг пароходлари ва баржаларини кўриб, кўздан ке-чириш имкониятига эга бўлдим. Мазкур флотилия ва унинг фойдасини сўзлашдан аввал Сирдарёнинг ўзи ҳақида бир-икки оғиз галиришим шарт.

... Сирдарё ёхуд Сир дарёси юнонларга Яксарtes номи билан машҳур. Страбон<sup>2</sup> ва бошқалар уни Каспий денгизига қуйилади деб айтишган. Ўрта асрлар араб географлари уни *Сайхун*, Амударё ёхуд Оксусни эса *Жайхун* ёки *Жиҳон* деб аташиб, Орол денгизига қуйилади деб ёзишган.


<sup>1</sup> Девонбеги – девон бошлиғи. Хива хонлигига девонбегилар кўп бўлиб, улар элчиллик, ясовуллик ва бошқа ишларни бошқарган. Масалан, Мухаммад Раҳимхон I даврида (1806–1825) саройдаги меҳтар, күшбегиларнинг ҳар бири ихтиёрида бир неча девонбеги бўлган.

<sup>2</sup> Страбон (мил. авв. 64/63–мил. 23/24) – юнон географи ва тарихчиси. Кўп саёхатлар қилган (Юнонистон, Кичик Осиё, Италия ва Миср). Антик давр географик билимлари якунни бўлган 17 китобдан иборат «География» ва бизгача етиб келмаган «Тарихий хотиралар» номли асарлар муаллифи.

Ўрта Осиёда бўлган европалик сайёхлардан ҳеч бири инглиз Энтони Женкинсондан<sup>1</sup> аввал бу дарёни эслатиб ўтмаган. У ўзининг 1558 йилги картасида уни Орол денгизига қуйилган ҳолда, аммо денгизни «Хитой кўли» деб кўрсатган. Ҳатто шунга қарамай, XVI–XVII асрлардаги карталарда дарё Каспийга қуйилган тарзда тасвирланган. Ҳолбуки руслар Осиё халқлари билан алоқалари орқали бу дарё ҳақида яхши билишар ва 1627 йилда аввалги карталарни изоҳлаб ёзилган «Катта Чизмага Китоб»да Сирдарё шарқдан Мовий (Орол) денгизига қуйилади, деб қайд этилган.

... Ўйлашимча, Амударё ёки Оксуснинг аввал Каспийга қуйилгани ҳақидаги далиллар эндиликда яхшигина ўринашиб бўлди. Сирдарё ўз сувини Каспийга элтиши ҳақидаги антик географларнинг ҳаклигига, гарчи умумий тасвирларда бироз фарқликлар бўлса-да, ишониш мумкин. Подшо Фёдор хукмронлиги даврида (1584–1598) рус ерларининг картаси яратилган бўлиб, 1627 йилда ушбу карта эскириб, тўзиб қолгач, янги, анча тузатилганига аниқ ёзма тавсифли матн илова килинган бўлиб, у «Катта Чизмага Китоб» деб номланган. Таассуфлар бўлсинки, карта топилмаган, аммо китоб география учун қимматли материалларга бойлиги ва Ўрта Осиё ҳақида қизиқарли маълумотлар бериши билан аҳамиятлидир: «Хвалим (Каспий) денгизидан Мовий (Орол) денгизга ёзги шимолий тропик чизиги йўналишида 250 верст. Мовий денгиздан Сирдарё бўйигача 280 верст. Мовий денгизи энига 60 верст. Мовий денгизнинг суви шўр; Мовий денгиздан Арзас ёхуд Аргас дарёси оқиб чиқиб, Хвалим денгизига қуйилади. Арзас дарёсига эса шарқдан Амударё қуйилади. Амударёнинг манбасигача 300 верст, Арзасгача эса 1,060 верстдир».

<sup>1</sup> Женкинсон Энтони (1529–1610) – инглиз дипломати ва сайёхи. 1557–1571 йиллар давомида Англия киролининг элчиси ва Лондон савдогарларининг Москва компаниясидаги вакили сифатида Россияга тўрт маротаба, 1558–1599 йилларда эса Ўрта Осиёга келган. Энтони Женкинсон томонидан тузилган карта 1562 йилда Лондонда чоп этилган бўлиб, «Женкинсоннинг 1562 йилги Россия картаси» деб номланган. Женкинсон ўзи ўтган йўллар ҳақида ёзма ҳисобот қолдирган ва бир канча жойларнинг географик кеңгилкларини аниқлаган. Батафсил каранг: Багров Л.С. Карты Азиатской России. Исторические заметки. – Петроград, 1914; Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке // Перевод с англ. Ю.В. Готье. – Ленинград, 1937; Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёга саёҳатлар. – Тошкент, 1954; Сайдбобоев З. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI – XIX асрлар). – Тошкент: «Фан», 2008.



Сирдарё маңзараси.

... Сирдарёда мұваффакиятли кема қатнови учун 2-Истехком қалъа ва Перовский истехком қалъаси ўртасидаги масофа улкан тұғанокдир. Уни яхшиләнгә қаратылған барча уринишлар натижа бермади.

... 1856 йилда лейтенант Бутаков дарёнинг тор бу қисмидаги кема қатновини яхшилаш, Қораўзакдан унга сув келишини таъминлаш ва бир вақтнинг ўзида бир неча бурунларни кесиб, канални тузатиши учун Қораўзакни Ёмондарё билан боғловчи кичикроқ ирмоқни кенгрөк қилишга ҳаракат қилиб күрди. Бу ишлар 1856–1857 йиллар давомида зёр бериб давом әттирилған бўлса-да, сувнинг мўлжалдаги баландликка кўтарилимаганидан ташлаб қўйилди. 1860 йилда Қораўзак каналининг тахминан тўрт мил<sup>1</sup> узунлигини тозалаш таклиф қилиниб, олтмиш бешта одам 180 кун мобайнида бу билан машғул бўлиши ҳисоблаб чиқилди. Сув тўсик ва ғовларни дарҳол оқизиб кетмаслиги учун ишлар оқимга қарши олиб борилди. Амалда бир йил давомида атиги йигирма кунгина иш бажарилди. Келгуси йил ҳарбий қўшинлар Жўлак истехком қалъасини<sup>2</sup> қуриш билан банд бўлгани ва аввалги ҳаракатнинг самарасизлигига амин бўлишгач, жуда кам иш

<sup>1</sup> Мил – инглиз ўлчов бирлиги бўлиб, минг маъносини билдиради. 1 мил 1,6 км га тенг.

<sup>2</sup> Жўлак – 1867 йилда Туркистан генерал-губернаторлиги таркибида ташкил этилган Сирдарё вилоятидаги ахоли маскани (хозирда Қозоғистоннинг Кизилурда вилоятига қарашли).

қилинди. 1862 йилда Емондарёда сувни кўпайтириш учун уринишлар яна бехуда кетди. Флотилия учун ясалган иккита пароход қатновдаги барча қийинчиликларга бардош бериши хақидаги ўй-фикрларга ишонишиб, кейинги йил мобайнида ҳеч қандай иш қилинмади. 1864 йилда капитан Скотт томонидан Қораўзакни тадқиқ этиш учун жўнатилган кичик экспедиция тозалаш ишлари узоқ вақт олмаслиги, кема қатновини йилнинг етти-саккиз ойи давомида амалга ошириш мумкинлиги, бироқ кузда бунинг имкони йўқлигини маълум қилди. Сўнгра лойиҳалар учун икки йил сарф этилиб, 1866 йилда Қораўзак каналини тозалаш қимматга тушиши ва машаққатидан Сирдарё бошланишидан то Ёмондарёгача канал қазишга қарор қилинди. Бу иш ўн етти кун давом этиб, кунига 400 та ишчи кучи ва 2471 рубль сарф-харажат талаб қилди. 21 июнда канал ишга тушиб, келгуси баҳорнинг баланд суви уни кенгайтириб, кема қатнов имконини яратади, деб умид қилишганди. Аксинча канал кум билан тўлиб, кема қатнови яна ҳам ёмонлашди. Ўшандан буён ҳеч бир иш қилинмади.

Кема қатнови учун ана шундай тўқинликлар сабаб, гарчи унинг фойдасизлигига бошқа омиллар бўлса-да, Орол флотилиясида хизматлар камлигидан ажабланмаса ҳам бўлади. Флотнинг ташкил топиши Раим қалъасининг бунёд этилиши билан бир замонда бўлиб, 1847 йилда эса Оренбургда иккита – «Николай» ва «Михаил» деб номланган икки мачтали кичикроқ елканли кема ясалди. Биринчиси тадқиқот мақсадлари, иккинчиси эса балиқчиликни бошлашга мўлжалланган бўлиб, аммо кемалар денгизда узокроқ кетолмагани боис, 1847 йилда Косорол ва шарқий соҳил яқинидаги бошқа оролларни тадқиқ этишда у-бу нима иш қилинди, холос. Ваҳоланки, Оренбургда курилган, бошқаларига қаранда йирик яна бир елканли кема – «Константин» да лейтенант Бутаков 1848 ва 1849 йилларда Орол денгизини тўлиқ тадқик этиб чиқди.

1850 йилда генерал Обручевнинг<sup>1</sup> таклифига кўра Швециянинг Мутал заводида қирқ от кучига эга «Перовский»

<sup>1</sup> Обручев Владимир Афанасьевич (1795–1866) – Россия империяси ҳарбий генерали. 1842 йилда Оренбург ҳарбий губернатори ва фукаро қисми бошқарувчиси этиб тайинланган. 1846 йилда Каспий денгизининг шарқий соҳилларига, 1847 йилда эса чўллар оша Сирдарё бўйларига экспедициялар уюштириб, бу ерда Раим истеҳком қалъасини бунёд эттирган.

деб номланган пароход ва ўн икки от кучига эга, темир баркли<sup>1</sup>, эшкак винтли «Обручев» деган иккита кема ясашга қарор қилинди. Кемаларнинг Швециядаги баҳоси 37445 рубль, уларни у ёқдан механик қурувчилари билан Казалага келтириш эса 49347 рублга тушган. «Перовский» пароходи 1853 йилда Сирдарёда сувга туширилган. «Обручев»нинг ёғоч қисмлари ҳали етиб келмагани боис, у 1855 йилдан бурун иш бошламади. Зарур ҳолларда ишлатиш учун «Перовский» тўққизта, «Обручев» эса шунга ўхшаш иккита тўн билан куролланган. «Перовский» дарёнинг покулай қисмларида қатнаш учун жуда катта бўлиб, кўпинча саёзликларда ботиб қоларди. «Перовский» пароходи мавсум давомида 1-Истеҳком қалъадан Перовский истеҳком қалъасигача иккита баржани тортиб, уч марта бориб келган. Йўналиш вақти эса энг узоги билан ўн кундан ўн икки кунгacha, энг ками билан эса саккиз кун давом этган. Бу икки пароходга буюртма берилгач, уларни ёқилғи билан таъминланган зарурияти ҳам туғилди.

Йил давомида (1851) «Константин» ва «Михаил» деган иккита кемада Орол денгизи ва Косорол оролида саксовул ва бошқа илдизларни ташиш билан шугулланиб, генерал Перовский буткул шу ёқилғи тури билан таъминланшинг иложи йўқлигидан бу каби пароходларни олни ва фойдаланишинг мушкуллигини ёзган.

Саксовул томирга яқин, шоҳ-бутага бой, кесиш ҳамда кичик бўлакларга майдалаш қийин, ёнишиб ҳосил бўлган ўсимлик. Шу боис, Дон дарёсидан антрацит<sup>2</sup> кўмирни келтириш ҳақидаги шартномага кўра, 1852 йилда портга ҳар тоннаси олти рублдан бир юз саксон тонна келтирилди. «Перовский» антрацит кўмир ишлатганда Перовский истеҳком қалъасигача бориш-келиш тахминан 2500 рублга тушган. Пароход печлари саксовул билан қизитилганда гарчи ҳар бир *пудининг*<sup>3</sup> нархи арzon – олти копейк (ўттиз олти фунт стерлинг<sup>4</sup>), бориш-келиш 520 рублга тушса-да, тўрт баравар кўп ёқилғи сарфланган. Шундай қилиб, «Перовский»

<sup>1</sup> Барк – уч маҷтали кема.

<sup>2</sup> Антрацит – тошқўмирнинг энг яхши нави.

<sup>3</sup> Пуд – оғирлик ўлчов бирлиги, тахминан 16,3 кг.

<sup>4</sup> Фунт стерлинг – 100 пенсдан иборат Буюк Британия пул бирлиги.

ва унинг баржаларининг юк ташиш имконияти ҳисоб-китоб қилинганда 1-Истеҳком қалъадан Перовский истеҳком қалъасигача куруқликда юк ташишдан кўра бироз тежамкор саналиб, ҳар бир пуд юк ҳукуматга 30 копейкка тушган. Ҳолбуки, ҳар пуд юкниг қуруқликдаги нархи қирқ-эллик копейкка айланган. Саксовул билан қизитилганда транспорт нархи бир пуд учун уч копейкдан ошмаган. Шу тариқа ҳукумат қирқ етти копейк фойда кўрган. Шунинг учун ҳам 1-Истеҳком қалъадан Перовский ва Жўлакка барча таъминот, материал ва ҳоказоларни иложи борича сув йўли орқали ташишга қарор қилинди.

1860 йилда Ливерпулнинг Ҳамилтон Уоркс (Hamilton Works) заводига Френсис тизимиға<sup>1</sup> кўра қат-қат бурма темирли, яssi остли, қуйруқ фидиракли иккита пароходни ясашга, бир вақтнинг ўзида Ливерпулда сузувчи понтонли<sup>2</sup> док ва олтида қайиқ ҳамда Кама-Вотка Уорксдан эса учта баржага буюртма берилди. Пароходлар Оренбургда қисм-қисмга бўлиб, туяларга юклаб, Казалага келтирилиб терилгач, 1862 йилнинг қузида сувга туширилган. Уларнинг ҳар иккиси тўққизта тўп билан аслаҳаланган бўлиб, ўз навбатида «Сирдарё» ва «Орол» деб номланган эди. Биринчиси йигирма от кучига эга, жўнатилган вақтидаги нархи 16000 рубль, иккинчисиники қирқ от кучига эга, нархи 30080 рубль. 1863 йилги қатнов шуни кўрсатдики, янги пароходлар яхшироқ бўлиши ўрнига эскиларидан ҳам баттар экан. «Орол» 540 тонна юк ташиш қуввати бўла туриб, 216 тоннадан ошигини ололмайди.

1865 йилда флотилия юк ташув суръатининг ортиши туфайли Россиядан ҳар бири 62 тонна юк ташувчи учта баржа ва мавжуд иккитасига яна қўшимча битта паром келтирилди. 1866 йилда Бельгиянинг Кокериллс Уоркс (Cockerill's Works) заводида нархи 7700 рубль, 70 от кучига эга, узунлиги 150 ва кенглиги 22 фут<sup>3</sup>, оғирлиги 154 тонна, учта печ, иккита тўпли «Самарқанд» деб номланган пароход,

<sup>1</sup> 1840 йилда Британия харбий-дентиз флоти – Адмиралтействонинг буюртмасига биноан Френсис Смит илк бор винтли пароход ясаган ва бу туркумдаги пароходлар унинг номи билан аталган. Юқоридаги матнда ана шу русумдаги пароходлар назарда тутимокда.

<sup>2</sup> Понтон – вактинчалик кўприк, иншоот ва шу кабиларни сувда кўтариб туриш учун хизмат қиласиган таги яssi қайиқ ёки кема.

<sup>3</sup> Фут – инглиз узунлик ўлчов бирлиги. 1 фут 0,3048 м га тент.

1870 йилда унга қўшимча яна Россияда нархи 35000 рубль, 35 от кучига эга, узунлиги 104, эни эса 16 фут, битта печли «Тошкент» пароходи ясалди.

... Шу ўринда Орол флотилиясидаги қатновга доир статистик маълумотларни келтириб ўтсак:

Йиллар	Хукумат юклари	Шахсий юклар	Йўловчи соии
1865	1491 тонна	218 тонна	1208
1866	1416 тонна	318 тонна	1767
1867	2633 тонна	404 тонна	2328
1868	2081 тонна	56 тонна	3558
1869	2920 тонна	24 тонна	3025

Шу тариқа захиралари ва қўшинларининг микдори кўпайиши, йўловчилар сифатида асосан дарёning юқори қисмларига ташилган аскарлар ҳисобига ҳукумат учун фойдаланиладиган пароходларнинг сезиларли равишда ортганилиги, шахсий юклар ташувининг эса хийла пасайғанлигини кўрамиз. Бу кўпинча кема қатновидаги қийинчиликлар ва асосан, Оренбург ҳамда дарё ўртасидаги транспорт ишининг ўзига хосликлари натижасида юклар кўпинча Казалада бир мавсумда ташиш учун кўп микдорда тўпланиб қолишга мойиллигидандир. Шу сабабдан хусусий тижорат юклари асосан эски усул – туюларда ташиш орқали амалга оширилади.

Ва ниҳоят, 22 апрель сешанба куни Казаладан жилдик. Гарчи Дағтда ёқимли шамол, бутун ўлка бўйлаб баҳор ўз яшил дастурхонини ёзиб, илк чечаклар, айниқса кичкина сарғиш хушбўй лолалар кўрина бошлаган бўлса ҳам, кун ҳаддан ташқари иссиқ эди. Дастребки икки бекатда иккичунта оила яшайдиган кичик қозоқ ўтовларида вақтни чоғ ўтказдик. Йўлимизда давом этарканмиз, тез орада кучли ёмғир ёға бошлади. Натижада йўлдан адашиб, кимсасиз ерга келиб қолдик.

Кўчирларимиз ҳам қаерда эканлигимиз ҳақида озгина бўлса ҳам тасаввурга эга эмас эдилар. Ниҳоят узокдан шуъ-

ла кўринди. Биз уни бекат бўлса керак деб ўйлаб, ўша ёққа келгач, ёруғлик бир неча фақир қозокнинг ўтоваидан таралаётганига дуч келдик. Улар ҳеч қандай бекатни билмасликларини, бу ерлик эмасликларини айтишди. Ичкарига кириб, олов атрофида ўтирган ва бизга роҳат, завқ билан тикилган мезбон, унинг хотин-халаж, бола-чақасининг лойқа сувдан чой дамлаб, иссиқ-иссиқ ичиб, сардина<sup>1</sup> ва яхна фоз гўштидан кечки овқатини тановул қилдик. Биз учун ҳурмат юзасидан тўрдан эътиборли жой ажратилган, тагимизга яхши пахта кўрпача тўшалган, ёнимизга қўйилган ёстикларга ёнбошлаб, Оқмаматов (таржимон – З. С.) орқали қизғин суҳбат қурдик. Ўтов ичидаги ўртадаги оловдан бошқа ёруғлик йўқ, тутун ўтов томидаги туйнукдан ташқарига чиқиб кетар ва бир вақтнинг ўзида у ердан ичкарига ёмғир томчиларини ҳам киритиб турар, вақти-вақти билан шам бўлагининг атрофида дастрўмолчани шамдон сифатида наридан-бери айлантириб ўтирадик. Бу Рембрандт<sup>2</sup> ёки аникрофи, Герардо делла Нотте<sup>3</sup> учун ажойиб манзара эди. Бизнинг кийимларимиз, озиқ-овқат халтадаги ашёлар ва, айниқса пичоқларимиз, вилкаларимиз уларда кучли ҳайрат уйғотди. Биз бу хушчакчақ қозоққа кичик захиранидан пичоқ ва вилка беришдан ўзимизни тиёлмадик.

... 2-Истеҳком қалъа ёки Қармоқчи ҳам деярли Қорабуток каби ёмон ва нокулай жой бўлиб, бу ерда кичкина гарнizon бор эди. Қалъа шундокқина дарё соҳилида жойлашган бўлиб, унинг деворини емираётгандек туюларди. Дарё бўйидаги бир неча кичик уйлар шаҳарни ташкил қилиб, бу ерда дарёнинг у қирғонига олиб ўтадиган паром ёки бозор ҳам йўқ, шунинг учун соҳилдан ўтиш бефойда эди. Анча ушланиб қолиши ҳамда Хивани эгаллашларини кўришга халал бери-

<sup>1</sup> Сардина – сельдарларга мансуб майда балиқ.

<sup>2</sup> Рембрандт, Харменс ван Рейн (1606–1669) – голланд рассоми, тасвиричи. Унинг санъати гайриоддий ҳаётйлиги ва оддий тасвиirlари маъноси чукурлиги билан ажralиб туради. Рембрандтнинг асосан афсонавий ҳамда Инжилдаги тасвиirlарга бағишиланган асарлари талайгина.

<sup>3</sup> Бу ерда машхур голланд рассоми Геррит ван Хонтхорстнинг (1590–1656) тунги кўринишларни ажойиб моҳирлик билан тасвиirlаганидан итальянлар томонидан унга берилган Герардо делла Нотте (Тунги Герардо, Gherardo della Notte) таърифи назарда тутилмоқда.

шига қарамай, Мак-Гахан<sup>1</sup> ҳам охир-оқибат Перовскийнинг келишини кутишга мажбур бўлган.

Бекатдан унча узоқ бўлмаган жойда қозокларнинг унча қизиқиши уйғотмаган кўплаб қабрлардан иборат йирик қабристони бўлиб, баъзи кичик лойли қўрғонлар, бошқалари турли хил кичик қалъаларни эслатувчи биноларда аниқ қабрлар жойлашган. Уларнинг ҳеч биринда ёзувлар битилмаган. Бундай қабристонлар Даштнинг бу қисмида, айниқса дарё соҳил бўйларида унчалик кам эмас ва узоқдан қандайдир қадимий шаҳар ҳаробаларига ўхшаб кетади. 2-Истеҳком қалъадан олдинда жойлашган сўнгги Хорхут бекатида ҳам шунга ўхшаш қабристон бўлиб, кўп қабрлар шиник шинтили, ўйиб ёзилган арабча ёзувли тошлиари бор. Қабристонга ёндош ерда кўргина қўрғон ва теналиклар бўлиб, эҳтимол, бу срда қадимий Жанд<sup>2</sup> шаҳри жойлашган бўлса керак.

... 2-Истеҳком қалъадан Перовский истеҳком қалъасигача йўл ботқоқли бўлганидан дарё ёқалаб узоқ юролмай, шимолга томон юришга мажбур бўлдик. Олдинги йўл дарёнинг у қирғофида бўлиб, 2-Истеҳком қалъа ва яна Перовский истеҳком қалъасида ундан кечиш зарур бўлган. Ҳамма бекатлар ҳали ҳам ер ости кулбаларидек туюларди. Яниги йўл эндиғина ишга туша бошлаган, анча яхши эди. Йўлнинг дурустлиги, отларимиз ҳам ҳар доимгидан яхши бўлганидан, биз эртаси куни кечда Перовскийга етиб келдик.

... Перовский қалъаси аслини олганда ҳам истеҳком қалъа бўлиб, шаҳар илгари Оқмачит деб аталган ҳамда у Кўқон хонлигига қараган. Бу ер Кошгарнинг хозирги ҳокими Ёқубхон бошчилигидаги кучли мудофаадан сўнг, генерал Перовский бошчилигидаги руслар томонидан 1853 йилда боғиб олинган. Йигирма беш кунлик қамал давомида рус артиллерияси истеҳком қалъанинг пахса деворларига

<sup>1</sup> Мак-Гахан, Януарий Алоизий (1844–1878) – «Нью-Йорк Геральд» ва Лондоннинг «Дэйли Ньюс» газеталарида ҳарбий мухбир бўлиб ишлаган. Россия империяси ҳарбий кўшинининг Хивага бостириб кириши ҳақидаги режасини билгач, ҳар қандай тақиқларга қарамай у ёқка йўл олади ва 1873 йилти Хивага карши урушнинг гувоҳи бўлади. Сафари натижалари асосида «Оксдаги ҳарбий харакатлар ва Хиванинг қулаши» («Campaigning on the Oxus and the Fall of Khiva») номли асарини нашр эттирган (Лондон, 1874; Москва, 1875).

<sup>2</sup> Жанд – Сирдарёнинг куйи оқимида, Кизилурда рўпарасида, Кизилкум чеккасида бўлган ўрта аср шаҳри. Уни 1221 йилда Чингизхон бошчилигидаги мўгуллар кўшини вайрон килган. Ҳозирги Жанқала ҳаробалари.

шунчалик шикаст етказишганки, кўқонликлар уни ташлаб кетишга тайёр бўлиб, натижада генерал Перовскийга мактуб жўнаташган. Айтишларича, рус генерали (Перовский – З. С.) қамал қимматга тушишига қарамай, оз бўлса-да шухрат қозониб ютишига қарор қилганидан, хатни ўтга отиб, чопарга «Биз истеҳком қалъани ҳужум билан эгаллаймиз», деб жавоб қиласди ҳамда эртаси тонгда бунинг уддасидан чиқади. Истеҳком қалъаси руслар томонидан тўлиқ қайта қурилган бўлса ҳам, қадимий биноларнинг айрим қисмлари ҳалигача қад кўтариб турарди.

Шаҳар руслар босқинидан кейин хийла кенгайиб, эндиликда анча катта ҳудудни эгаллаган. Бу ер Казаладаги каби қозоқлар билан тўла бўлса-да, у шаҳардан сартлар, хивалик ва бухороликларнинг анча кўп аҳолиси борлиги билан ажралиб турар ва натижада бутқул шарқона тус олган эди. Шаҳарни айланиб юриб, *мактаб* ёхуд бошланғич мактаб дикқатимни тортди. Бу очиқ эшиги тўғри кўчага қараган, кичкина хонада жойлашган эди. Ўтиб кетаётганимизда болалар қизиқиш билан қараб қолишувди, шунда ўқитувчи дарров уларга қараб ўқиши давом эттиришни ва бизга аҳамият бермасликни буюрди. Уларнинг ҳар бири дарсни баланд товушда қайтаришар, тиз чўкиб, олд ва ортга тебранишиб, сўзларнинг маъносини тушунмаган арабча машқни ёдлашарди. Мактаб орти дараҳтлар тўла боғ бўлиб, у анча жойни эгаллаган. Узокроқда эса қамал вақтида ҳалок бўлган рус аскарларига ўрнатилган ёдгорлик бор.

Об-ҳаво энди қишдан ёз ўртасига алмашиб, кунлар кескин исиб кетди. Ўт-ўлан униб, шафтоли дараҳтлари эса гуллай бошлаганди. Ҳатто вақти-вақти билан истеҳком қалъаси атрофидаги уйлардан ажратиб турувчи кенг майдонни пиёда айланиш ҳам жуда иссиқлик қиласди. Куёш ботгач, анча ёқимли, аммо кечаси, ҳатто ой ёруғида эшикдан ташқарида қолсангиз, иссиқнинг тафтини сезасиз.

Мен Перовский қалъасида беш кун қолдим. Мак-Гахан эса нима бўлганда ҳам бу ердан жўнашга қарор қилганидан, чўлни кесиб ўтиб, экспедиция қароргоҳига боришга ҳаракат қилас ва, албатта мен уни яна соғ-омон кўришни, унинг жўнашини енгиллатиш учун нимаики қўлимдан келса қилишни истардим. Туя, от ва йўл бошловчи қидириш билан

кунимиз бехуда ўтарди. Кўп марта алдандик ва охири чорасиз амалдаги туман бошлиғи, капитан Родионовдан ёрдам сўрагач, барча тўсиқлар худди сеҳр қилингандек йўқ бўлди-қолди.

1-Истеҳком қалъадаги тажрибамиздан келиб чиқиб, шу пайтгача зобитлар ва расмий доиралардан ўзимизни олиб қочиб юрдик. Мак-Гахан расмий розилик олгач, генерал Кауфман қўшинига қўшилишида йўлда унга чўл ва туркмандардан бошқа ҳеч нарса тўсиқ бўлолмаслигини ҳис қилгач, гўё ундан баҳтли одам йўқ эди. Зудлик билан келтирилган отлар эгар-жабдуқланиб, яхши ниятлар билан кичкина карвон паромда кечувдан ўта бошлиди. Мен эсам бу пайтда қирғоқда уларнинг дарёдан хавф-хатарсиз ўтганига маъюс тикилиб қолдим.

Бутун ёз бўйи мен Мак-Гахандан бир марта гина дарак эшитдим. Бир-биримизга ёзган хатларимиз ягона йўл – шахсий кишилар орқали жўнатилмаганидан бизга етиб келмасди. Ҳолбуки, мен тез-тез у ва унинг чўлни кесиб ўтганлиги ҳақида юрган гапларни Ўрта Осиёning ҳамма ерида эшитардим. Бу ҳақиқатан ҳозиргacha адо этилган энг ажойиб иш бўлган, чунки душманона кайфиятда деб талқин этилган ўлканинг йўлларини ёки тилини билмасдан туриб, уни кесиб ўтиш чинданам таҳсинга лойиқ эди. Ҳатто айғоқчилари билан Мак-Гаханин тутишни ният қилган, аммо уни қочириб қўйган зобит ҳам унинг жасурлигидан, ана шундай вазијатларда мақтаб айтиладиган русча ибора билан «Молодец» (қандингни ур – З. С.) деб юрган экан. Узоқ вақтдан сўнг биринчи марта шеригимни Хивага соғ-саломат етиб олганини Кўқондан қайтганимда эшитдим. Тошкентда инглиз жосуслари эҳтимолидан катта хавотир бўлиб, мен капитан Родионов билан ишим қийинроқ кечишидан чўчиб тургандим, аммо генерал Кауфманнинг сезгирилиги унинг расмийларининг аҳмоқона қўрқувларидан кучли чиқди.

Мак-Гаханин дарёдан эсон-омон ўтганини кўргач, соат 7 да Тошкентга қараб йўл олдим. Оқшом жуда кўнгилли, Перовскийга туташ бўлган бу жойлар текислик бўлишига қарамасдан, жуда хушманзара ҳамда теварак-атроф манзарасидан тўла лаззатланиб йўлда давом этдим. Бу ерда жуда кўп бута, айниқса саксовул ва жузғун бўлиб, талайгина-

си оқ, сиёхранг гуллар билан қопланган эди. Бошқалари эса оч яшил рангта қопланган бўлиб, ёқимли оқшом нури уларга ўзига хос жозиба бахш этарди. Ҳар қадамда маҳлиё қилувчи тилласимон қирғовуллар потирлаб учиб қоларди. Улар ёввойи эмас, яқинлашганда индамас ва шундан уларни тутиб ўлдириш унчалик қийин иш эмас. Бахтга қарши Мак-Гахан ўзи билан бирга барча ов қуролларини олиб кетган, шу сабабли менда уларни отишга ҳеч нима йўқ эди. Бутун Сирдарё бўйлаб йил бўйи ов яхши бўлиб, нафақат қирғовул, фоз, ўрдак ва какликлар, балки бошқа турли жониворларни ҳам учратиш мумкин.

... Тун бўйи йўл босиб, эрталаб соат 9 да Перовский қалъасидан етмиш мил узоклиқда, дарё қирғоғида жойлашган рус қалъаси Жўлакка етиб келдим. Йўл ғуборини кетказиш мақсадида чўмилиб олиш учун эндиғина ечинаётган эдим ҳамки, бир неча аёл ва болаларни ортиб олган иккита енгил арава келиб қолганидан уй орқасидаги ҳовуз сувида чўмилишга мажбур бўлдим. Биз улар билан бирга ионуштада чой-пой ичиб, танишиб олдик ва вақтимизни мароқли ўтказдик.

... Уларга рўбарў келганим мен учун жуда яхши бўлди. Хонимлардан бири Тошкент зобитларидан бирининг рафиқаси бўлиб, ўзининг номидан эрига хатлар бериб қўйди. Мендан Тошкентда қаерда ётиб-туришимни сўраб, агар менинг бу ҳақда тайинли фикрим бўлмаса, эрининг олдига боришимни таклиф қилди. Унинг катта уйи бор экан. Мен таклифга рози бўлиб, Тошкентда бўлган чоғимда жуда шинам жойда истиқомат қилдим.

1856 йили курилган истеҳком қалъа Кўкон қалъаси жойлашган худудда бўлиб, 1853 йили Оқмачитга ҳужум пайтида қамал қилиниб, вайрон этилган, 1863 йилга қадар Россиянинг Осиёдаги энг чекка таянч қалъаси ҳисобланган.

... Жўлакдан чиқиб озроқ йўл босгандан сўнг, мен шимоли-шарқ томонда хира зангори чизикни кўра бошладим. Бироздан сўнг бу чизик йириклишиб, Тошкент ортида тизмалари билан ястаниб ётган жуда чиройли Коратов тоғи аниқ-тиник кўриниб қолди. Чўққилари ҳануз қорлар билан қопланган бўлиб, унумсиз ва курғоқчил шунча дашту биёбондан сўнг у жуда чиройли, ўзига хос манзара касб этарди.

Дашт ҳозир ҳам турли хил гуллар, айниқса алвон қизғалдоқ, ёввойи лола, ёронгул, күшгина крестгуллилар ҳамда дуккакли ўсимликлар билан қопланган. Йўл давомида тоғлардан оқиб келувчи, кўпининг суви сероб кичик дарё ирмокларидан тез-тез ўтишга тўғри келди. Бутун бу ҳудуд қадимий дехқончилик изларини кўрсатиб туар, ўз-ўзидан равшанки, бу ерда бир маҳаллар жуда кўп аҳоли тириқчилик қилган. Кўп жойларидаги тепаликларда қадимий шаҳар вайроналари бўлиб, уларининг устини ҳозир саксо-вул ва бошқа бута чангальзорлари қоплаган. Қадимий афсонага кўра, бутун Сирдарё водийси бир замонлар аҳоли билан зич жойлашган бўлиб, булбул мевали дарахтларнинг у шохидан бу шохига, мушук эса у девордан бу деворга, томдан томга сакраб шу зайлда Кошғардан то Орол денигизигача борган эмиш. Бурунги маданият изларидан бунга қисман ишониш мумкин. Тарихдан биламизки, дарёning бу қисмидаги қирғоқларида жуда кўп йирик ва гуллаб-яшнаган шаҳарлар бўлган. Улар орасида Ўтрор, Саврон<sup>1</sup>, Жанд ва Янгикент диққатга сазовордир. Янгикент<sup>2</sup> вайроналари Лерх<sup>3</sup> ва бошқа тадқиқчилар томонидан Казаладан ўн олти мил куйироқда топилган. Вайроналарни ташкил этувчи мазкур тепаликлардан бир нечаси ўрганилиб, турли хил кулолчилик ва хўжалик буюмлари топилган. Аммо шаҳар ёшини аниқлашга имкон берадиган ҳеч нима топилмаган.

Эртаси кун эрталаб бир неча катта қалъалар ва Сифноқ каби яқин орада ташлаб кетилган шаҳар харобаларидан

<sup>1</sup> Саврон (Саурон) шаҳар харобалари тўғридан-тўғри Сифноқдан ва почта йўли бўйлаб Тюмень-арик бекатидан 90 верст, Сирдарёдан эса 15 верст узоқликда жойлашганлигига «Катта Чизмага Китоб» («Книга Большому Чертежу»)да келтирилган. Қаранг: История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и учёных XVI – первой половины XIX в. // Составитель Б.В. Лунин. – Ташкент: «Фан», 1988. –С. 57.

<sup>2</sup> Янгикент қадимий шаҳар бўлиб, Жанкент деб ҳам ёзилади. Сирдарё этагида, харобалари Казалинск шаҳридан 25 км масофада, дарёning чап томонида.

<sup>3</sup> Лерх Пётр Иванович (1827–1884) – рус шарқшунос олими. 1850 йили Петербург университетини тамомлаган. 1858 йилда полковник Н.П. Игнатьевнинг Бухоро ва Хива экспедициясида иштирок этиб, у ердан олиб кетган шарқ кўллёзма ва тангаларини Эрмитаж ва Археология жамиятига топширган. 1867 йилда Казалинскдан Жиззахга қадар эски шаҳар харобаларини ўрганган. XIX асрнинг 70-йилларида П.И. Лерх Хива ҳарбий юриши иштирокчиларига илмий йўрикнома ишлаб чиқкан. «Археологическая поездка в Туркестанский край в 1867 году» асари муаллифи (Санкт-Петербург, 1870).

ўтиб, Саврон вайроналарига келдим. Шаҳар харобаларининг ўзи почта бекатидан узоқда жойлашгани боис, у ерга бора олмадим. Бир неча йил илгари бу ерда баланд ғишин иккита минорали, бурама зинали жуда бежирим иншоот бўлган. Миноралардан бири неча йил муқаддам қулаган, бошқасига қозоклар шикаст етказган ва ҳар ҳолда у ҳам эндиликда вайрон бўлган бўлса керак.

Сирдарёдан қарама-қаршида улкан қуруқлик – Кизилқум ястаниб ётади. Бу чўлнинг катта бир қисми 1-Истеҳком қалъадан бошланиб, жанубга томон Орол денгизи ёқалаб Бўкантовгача, ҳатто баъзи жойларда Хивага қарама-қарши Амударё соҳилларигача ёйилган. Янгидарё бўйлаб жойларда чўл аста-секин одатдаги даштларга айланиб, Сирдарёning чап соҳили бўйлаб Чордарадан то Жўлакка қадар қумли дашт бўлсаям, баъзи жойлари дехқончиликка яроқли ва қадимий шаҳарларнинг харобалари билан тўла.

Чўл жанубда Чиноз ва Жиззах орасида жойлашган Мирзачўл, Бўкантовга яқин эса Аристонбелқудук, Томди ва бошқа булоклари бўлган паст тоғ тизмалари билан чегаралangan. Чўлнинг бу тоғлардан бошланган бир қисми Ёмонқизил деб аталиб – унинг хақиқатан энг ёмон қисми – Амударёгача ҳамда унинг қирюклари бўйлаб Мунчоқлидан ҳатто Бухоронинг жанубигача чўзилган. Чўл доимий равишда шимол ва шимоли-шарқий шамоллар таъсирида ўзини жануб томон уриб, қариб тўхтовсиз ёйилмоқда. 1872 йилда Россия экспедицияси чўлда уч ой турган пайтида шамол шимоли-шарқдан уч кунгина эсмаган, холос.

Кизилқум фақатгина тақир ер ва қўчувчи қумлардан иборат эмас. Бу ерда турли хил ўсимликлар, айниқса ёқилғи сифатида фойдаланишга ярайдиган саксовул ва шунга ўхшаш буталар билан қопланган тепаликлар жуда кўп. Доривор ўсимликлардан асафетида<sup>1</sup> шираси, аммиак ва ўсимлик елими олинади. Бу ердаги тоғда оҳактош, сифати паст мармар, чақмоқтош ва сланец учрайди. Бироз темир рудаси ҳам тарқалган бўлиб, у қумга тўқ сарғиш-қизил ранг берган ва шубҳасиз чўлга ном беришда асос бўлган.

Кизилкумни кўпгина карвон йўллари кесиб ўтган. Уларнинг кўпчилиги жануб билан шимол ўртасида қадимги даврдан

<sup>1</sup> Асафетида – бўйи 1,5 м га етувчи кўп йиллик ўсимон ўсимлик.

хозирги пайтгача асосий алокা йўлари саналиб, Шимолий Осиёни Хива, Бухоро билан боғлаган. Йўллар бўйида жуда кўп қудуқлар бўлиб, дарҳақиқат, уларсиз бу ерда инсоннинг яшashi мумкин эмас. Қишида Қизилқўмда жуда кўплаб қозоқлар кун кечириб, улар Сирдарёнинг ўти соҳилидаги даштлардан келиб, кузда дарё устини қоплаган муз устидан ўтиб, баҳорда муз эришидан бурун ёки кейинроқ сол ёхуд қамишли кўприк орқали қайтиб кетадилар. Сув озроқ ҳафта ичида эриган қорлардан ҳосил бўлган ҳавзалар, йирик сув ҳавзаларини пайдо қилган табиий булоқлар ҳамда очик ёхуд еrosti ва сунъий қудуқлардан иборат кичик ҳавзалардан олинади. Сунъий қудуқларнинг чукурлиги олти футдан юз футгача бўлиб, ости тепасига қараганда кенгрок ва кўпинча чукурлигининг ярим ёки чорак қисми оҳактош ёки қумтош, ёхуд саксовулнинг мустаҳкам ёғочидан қурилади. Кавлашни билган қозоқ борки, қаердан қудук қазишни яхши билади. Улар *адрасбан* ёки *ҳазорасбанд*<sup>1</sup> деган ўсимлик кўп ўстган жойларда сув бўлишини яхши биладилар ва у ерларни бошқа кўчманчи қозоқлар келиб ўрнашиб олишидан эҳтиёт чораларини кўриб қўрийдилар. Баъзи ерларда сув жуда яхши, аммо қудуқларнинг кўпидаги сув шўр, баъзилари озгина, бошқалари эса Глаубер<sup>2</sup> ёки бошқа минерал тузлар билан тўйинган. Қудук қазилган вақтда тоза сув чикиб, бир неча кун ёки ҳатто бир неча соатгина ўтиб, бу ердаги тузларнинг сувга аралапиб кетиши натижасида аччик ва шўрлигидан ичишга яроқсиз бўлиб қолади.

Саврондан аввалги бекатда мен Сирдарё соҳилидан узоқлашдим. Бу ердан Тошкентга элтувчи йўл дарёдан бироз узокда эди. Жума куни тушдан кейин бир нарсанинг қорасини<sup>3</sup>, бироз кейин эса унинг тўқ яшил дараҳтлар эканлигини кўрдим. Уларни ўраб турган Даштга қиёслагандан ўта тўқ ва бой кўринарди. Бу срда дараҳтзор ва боғзорлар бўлиб, улар Туркистон шахрининг атрофини ўраб олган эди. Унга унча узок бўлмаган жойда дарёдан кечиб ўтдим ва

<sup>1</sup> Марказий Осиё ва Фарбий Европанинг ярим дашт қисмларида ёввойи ҳолда ўсувлари исирик (*Peganum harmala*) назарда тутилган.

<sup>2</sup> Глаубер (тузлар) – 1648 йилда немис олими Иоганн Рудольф Глаубер (1604–1670) ушбу тузларни тадқиқ килгани шарафига минерал тузларга унинг номи берилган.

баланд пахса деворлар ўртасидаги тор йўлакдан кетавердим. Девор ортидан ўрик дараҳтларининг шохлари, бизнинг устбошларимизга қизиқиши билан термулган кичкинг болалар хамда қизларнинг юзлари тез-тез кўриниб туради.

Айланиб чиққаним шаҳар ва қалъанинг юқори қисмида маҳобатли масжиднинг улкан гумбази кўриниб туради. Мен почта бекатига етдим. Аркнинг вайрон бўлган деворларини – у ерда аскарлар ва маҳаллий аҳоли лойдан ғишт қўймокда – ўраган чуқур зовур ва жарликлар ёқалаб қисқа пиёда йўл мени Ҳазрат Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг<sup>1</sup> қабри устидаги машҳур масжидга элтди. Мазкур масжиднинг қурилиши 1397 йилда Туркистонга (ўша даврда Яssi<sup>2</sup> деб номланган) зиёратга келиб, янги қаллиғи Тўкалхонимни кутаётган паллада Темур томонидан бошланган. Шайх Аҳмад Яссавий Жаҳрия<sup>3</sup> оқимининг асосчиси бўлиб, Ўрта Осиёning энг таникли авлиёларидан бири. ... Тахминан 1120 йилда вафот этган.

Макбара жуда азим бино, катта гумбази муваффақият билан тугалланиб, орқа тарафида гумбази қовун шаклли бошқа бир кичик масжидни ҳам қўшиб олган. Олд қисмидаги улкан аркали пештоқнинг баландлиги камида юз фут, дарча-туйнуксиз, тёпаси данданали иккита айлана миноралар билан чегаралangan бўлиб, менга Питерборо черковининг<sup>4</sup> олд қисмидаги ноаниқ услубни эсимга солди. Куббасимон киришда икки табакали ажойиб ўйиб ишланган ёғоч эшик ва унинг тёпаси-


<sup>1</sup> Ҳожа Аҳмад Яссавий (тажминан XI асрнинг иккинчи ярми – 1120) – туркий халқларнинг йирик суфий шоири. Халқ орасида Ҳазрат Султон номи билан ҳам машҳур. Яссавия тариқатининг асосчиси.

У Бухорода таълим олиб, араб, форс тилларини мукаммал ўрганади. Форсийда яратилган тасаввуфий адабиёт билан танишади. Ҳожа Абдухолик Фиждувоний, Абдуллоҳ Баркий, Ҳожа Ҳасан Андоқийлар билан ҳаммаслак бўлиб, Юсуф Ҳамадонийдан тасаввуф фалсафасидан таълим олган. Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» асари анча машҳур.

<sup>2</sup> Яssi ҳакида тарихчи Фазлуллоҳ ибн Рӯзбехон Исфаҳоний (1457–1521) форсча битилган «Меҳмонномайи Бухоро» номли тарихий асарида (XV аср боши) шундай ёзади: «Яssi шаҳри Туркистон элатининг маркази, боғларга бурканган, хуш ҳаволик жой экан. У ўзбеклар сарҳадида бўлиб, бундан Андижон, Хитойга карвон йўли ўтаркан. Саврондан мусулмон оламининг иккинчи кальбаси – Ҳожа Аҳмад Яссавий макбарасини зиёрат қилгали Яссига келдик».

<sup>3</sup> Жаҳрия – Исломда овоз чиқариб айтиш тушунилади. Яссавия тариқатига кўра кўнгилдагини Аллоҳга овоз чиқариб билдириш.

<sup>4</sup> Муқаддас ҳаворийлар (Пётр, Павел, Андрей)га бағишлиб Англиянинг Питерборо шаҳрида қурилган готик собор (XII аср).



Түркістандаги Ҳазрат (Яссавий) масжиды.

даги кичик деразали айвон Абдуллахон<sup>1</sup> томонидан энг охирда қайтадан қурилган. Деворлари йирик тўртбурчак қилиб қуйилган ғиштлардан бўлиб, яхши пиширилган, ҳам диққату ҳафсала билан териб чиқилган. Фақатгина орқа ва ён томонидаги нақшинкор кошинлари ҳозиргача сақланиб қолган бўлса-да, анча таъмирталаб. Гумбазни қоплаган кўм-кўк кошинларнинг деярли бариси кўчиб тушганлигидан эндиликда унинг юзасидаги йирик куфий<sup>2</sup> ёзувларнинг охиринигина ўқиш мумкин: «Шерозлик Хожа Ҳусайннинг меҳнати». Куръондан олинган худди шундай улкан нақшинкор ёзувлар пештоқ бўйлаб мовийдан оқ кўриниш бериб тусланар ва ҳозирда катта қисми вайрон бўлган иморат қачонлардир кишини ҳайратда қолдирадиган даражада чиройли бўлган бўлса керак.

Зилзилалар ва босқинлар уни вайрон қилиб, йирик дарзлар қолдиран. Ҳозирда унинг кўп ери дагал сувоқ билан тўла. Олд қисми ҳар холда тугалланмаганидан омон қолган деворлари катта лайлак уялари билан банд. Ушбу қушларни азиз кўриб эъзозлашади. Уларни мусулмон масжидларининг тепасида битта оёқда қўноқ бўлиб ўтирганини кўп кўрдим. Масжиднинг ўртасида баландлиги юз фут келадиган юксак гумбаз остидаги йирик зал ганч билан Мавритан иморатлирида учрайдиган ва яна Альгамбра<sup>3</sup> тарқалган услугга ўхшаб бой қилиб безатилган. Ўнг ва сўл томондаги дахмалар<sup>4</sup> қозоқларнинг Ўрта ва Кичик жуз<sup>5</sup> сultonларининг қабрлари билан тўла. Улар орасида машхур Абилаҳоннинг<sup>6</sup> ҳам қабри бор. Битта хона масжид сифатида хизмат қилиб, айтишларича жума намозига келганлар у ерда ёлғиз қолишар, бинонинг

<sup>1</sup> Шайбонийлар сулоласидан чиққан энг йирик ҳукмдор Абдуллахон II (1534–1598) назарда тутилган. Ҳукмронлиги 1583–1598 йилларга тўғри келади.

<sup>2</sup> Куфий – ‘хаттотлик услуби; қадимги араб ёзувларидан. Ҳарфлар тўғри ва доира чизиқлар асосида ёзилади. Куфийнинг энг қадимги намунаси айнан Усмон Куръони саналади.

<sup>3</sup> Альгамбра (испанча Alhambra, арабча каср аль-хамра – қизил каср дегани) – Жанубий Испаниянинг Гранада шаҳри шаркий қисмида жойлашган меъморий ансамбль.

<sup>4</sup> Даҳма – қабр устига ўрнатилган меъморий ишоот, макбара. Баъзи юкори табақали кишилар кўмиладиган алохида бино, ҳовлилар ҳам даҳма дейилган.

<sup>5</sup> Жуз (юз) – қозоқларнинг тарихан шаклланган уюшмаси. Жами учта: Еттисув ва Жанубий Қозогистонда Катта жуз, Марказий, Шаркий ва Шимолий Қозогистон томонда Ўрта жуз ва Фарбий Қозогистон ҳудудида Кичик жуз бўлган.

<sup>6</sup> Абилаҳон (1711–1781) – Ўрта жузнинг таникли хони (1771–1781). Бароқхон авлодидан.

орқасидаги кичик гумбаз остида Аҳмад Яссавий ва оила аъзоларининг қабрлари бўлиб, муқаддас саналган қудуқли йирик хонадан узун йўлакнинг ташқариси ҳам қабрларга тўла. Авлиёнинг қабридан кейин Темурнинг катта қиз эвараси, машҳур Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегимга атаб қурилган жуда ажойиб ёдгорликлар қад кўтарган. У Абулхайрхонга<sup>1</sup> турмушга чиқиб, 1485 йилда оламдан ўтти. Ўғилларидан бирининг қабри ҳам унинг ёнбошида жойланган.

Биринчи хонанинг деворлари кўплаб ёзувлар билан бе-залган бўлиб, уларнинг асосийси кичик дуолар ёки Куръон оятларидан ташкил топган. Яна бир ёзув Бухоро амири томонидан 1842 йилда қатл этилган Кўқон хони Муҳаммад Алихон<sup>2</sup> томонидан ёзиб қолдирилгани айтлади. Ўртадаги супачада масжидда яшовчилар ва бу ерга келган зиёратчи ҳамда талабалар фойдаланишин учун улкан жез қозон бўлиб, камида эллик галлон<sup>3</sup> сувни ўз ичига сидира олади. Айтишларича, идиш Туркистондан эллик мил узоқликдаги, ҳозирда вайрон бўлган Чурнок деган жойга ташлаб кетилган эмиш. Ушбу идишнинг чеккасида турли мазмундаги бир неча араб ёзуви бўлиб, улардан энг узуни қўйидагicha ўқилади: «Олий ва Қодир Аллоҳ деди: «(Эй мушриклар), сизлар ҳожиларга сув беришни ва Масжид ал-Ҳаромни обод қилишни». Мазкур ёзувнинг боши Куръоннинг тўққизинчи («Тавба») сураси ўн тўққизинчи оятининг бир қисми бўлиб, унда мушриклар ҳақида сўз бориб, «Масжид ал-Ҳаром» сўзидан кейин қўйидагicha давом этади: «Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳамда Аллоҳ йўлида курашган зотлар(нинг амаллари)га teng deb билдингизми?! Улар (яъни, мўминлар билан мушриклар) Аллоҳ наздида teng эмаслар, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят килмас». У (Пайғамбар) деди: «Унга тинчлик бўлсин. Кимки Олий яратгани – Аллоҳ учун

<sup>1</sup> Абулхайрхон – шайбонийлардан бўлган ўзбек хони (1428–1468).

<sup>2</sup> Муҳаммад Алихон, Мадалихон (тажминан 1803/06–1842) – минглар сулоласидан бўлган Кўқон хони (1822–1841). Умархон ва Нодиранинг ўғли. Отаси Умархон вафотидан кейин 17 ёшида таҳтга ўтирган. Ҳукмронлик даврида хонлик ҳудудини кенгайтиришга уринган. 1842 йил апрелида Бухоро амири Насруллахон Кўқонни забт этиб, Муҳаммад Алихон, укаси Султон Маҳмудхон, онаси Нодирабегимни қатл эттиради.

<sup>3</sup> Галлон – кўпинча суюқлик ўлчов бирлиги бўлиб, кўлланилиши мамлакатига караб 3,79 дан 4,55 литрни ташкил қиласи. Анъанавий равишда инглиз ўлчов тизими ишлатилган (Буюк Британия, АҚШ ва босиқа) мамлакатларда фойдаланилган.

сув учун идиш ясаса, Яратгани уни икки карра жаннат билан мукофотлайди. Халқларни бошқариш учун ўта раҳмдил Аллоҳ томонидан сайланган Буюк Амир кўмондон, Амир Темур Кўрагон. Аллоҳ унинг салтанатини бардавом қиласин! Ушбу сув идиш Шайхулислом, оламдаги барча шайхларнинг раҳнамоси яссилик Шайх Ахмад мақбараси учун ясалди. Аллоҳ унинг руҳини шод айлаган бўлсин! 801 (1399) йилнинг ўн иккинчи шавволи». Яна қўйидаги ёзувни ўқиш мумкин: «Аллоҳга интилиб, унга хизмат килувчи асли табризлик, Шарофиддин устанинг ўғли Абдулазизнинг меҳнати».


Бундан ташкири масжидда яна тўртга катта шамдон ҳам бўлиб, аммо ёзувлари анча уриниб қолган. Фақатгина Темур ва шамдонни ясаган исфаҳонлик форсий устанинг номи ҳамда 799 (1397) йил санасинигина ўқиш мумкин, холос. Шайхулисломда<sup>1</sup> ҳам Ўрта Осиёning Туркистон мулкларига эгалик қилган турли хукмдорларнинг мақбарага берган қатор имтиёзларига доир бир қанча ҳужжатлар бўлиб, улардан бири 1591 йилга тааллуқли, Абдуллахон томонидан имзоланган.

Мазкур масжид бутун Ўрта Осиёдаги энг муқаддас жойлардан бири саналиб, юксак диний аҳамиятта эга. Руслар шаҳарни эгаллашларидан бурун турли ерлардан келган ҳар хил дараҷадаги зиёратчилар, ҳатто хон ва амирлар ҳам ҳар чоракда бу ерда йиғилишган.

... Масжид турли диндорлар томонидан берилган, яна шаҳардаги хилма-хил карвонсаройлар ва дўконларнинг даромадларидан ҳамда кўп қисми ер-сувдан келувчи мол-мулк билан тўлик қўллаб-қувватланади. Кўқон хони шаҳарни ишғол этишидан аввал йилига 500 тилла жўннатиб турган. Ҳатто ҳозир ҳам зиёратчилар одатга кўра ҳар жума қўй келтиришиб, гўштини шаҳарнинг қашшоқларига тарқатишади.

... Ҳазрат деб аталган улкан масжид қурилиши Темурнинг ўлими билан қарийб бир вақтда тутаган. Ҳазрат арабча сўз

<sup>1</sup> Шайхулислом («Ислом оқсоқоли») – X асрдан бошлаб фахрий унвон сифатида онда-сонда у ёки бу факих ва суфийга нисбатан кўлланилган. XIII асрдан сўнг анча мунтазам кўлланилиб. Миср ва Суриядаги мамлук сultonлари даврида обрўли муфтилар унга даъво қилиштап ва бундай унвон XVIII асрта қадар Туркия, XX асргача эса Урга Осиё, Крим, Волгабўйи ва Кавказдаги сунний ва шиа муфтиларига нисбатан ишлатилган. Бу ҳакда батафсил қаранг: Ислам: Энциклопедический словарь. – Москва: «Наука», Главная редакция восточной литературы, 1991. – С. 289-290.



Туркестон шахри.

бўлиб, адабий маъноси «ҳозир бўлиш» демакдир. Ҳукмдорларга нисбатан «аъло ҳазратлари», «табаррук» маъноси эса кўпинча авлиёларга, айниқса кўп ихлос қилингандарга нисбатан қўлланилади. Авлиёнинг машҳурлигидан ҳозирда ҳатто шаҳар ҳам кўпинча «Ҳазрати Туркистон» ёхуд оддийгина «Ҳазрат» деб аталади.

Туркистонда бу мақбарадан бошқа диққатга сазовор жой кам. Шаҳар анча вайрон ва ҳозирда 6000 киши истиқомат қилади. Гарчи жуда ажойиб ёйилиб ётган бозор – кўрганларим ичидагастлабки ҳақиқий шарқона бозорни топган бўлсан-да – Перовскийда кўрганим – ярим рус бозорида ҳамма нарса кўхна ва куп-куруқ кўринарди.

Жазирама иссикқа қарамай, дўконларнинг кичик қаторларидан ўтиб, кумушчи усталарнинг ўз савдолари билан ўта машғуллигига бокиб, узоқ вакт тентираф юрдим ва умуман, бу ерда дўкондорларнинг ишсизлиги ва сустлигидан, иш деярли юришмаётгандек кўринарди. Асосий қизиқиш ва диққат ўртадаги майдонга қаратилган, у ерда бир киши қор уюми олдида туриб олиб, қорни бўлакларга бўлиб, унга шакарли сироп соусини кўшиб кичкина болаларга тарқатарди. Болаларнинг кўзлари очкўзларча катта очилган, уларнинг тайридин олдида ҳадик ва адовати шу қадар эди, уларни сийлашга зўрға кўндирам.

... Туркистондан Чимкентгача йўл 100 милдан узокроқ бўлиб, йўл жуда чиройли мамлакат бўйлаб ўтиб, тоғларга яқинлигининг шарофатидан Дашт яшиллик ва гулларга бой бўлиб, доимий гуллаб-яшнар, ҳам хазон бўлар эди. Бир неча дарё оқимларини кесиб ўтиш лозим бўлиб, улардан иккитаси – Бугун ва Арисники айниқса мушкул.

... Туркистондан чиқиб, келгуси кечкурун етиб келганим – Чимкент (Чимкент сўзи маҳаллий аҳоли томонидан туркий чим ва форсий кент (шаҳар) сўзларидан олинган бўлиб, кўплаб маҳаллий номлар шу каби бу икки тилдан олинган. Лерхга (П.И. Лерх – З. С.) кўра, Чашмкент, яъни чашма шаҳар деганинг бузилишидан келиб чиқкан ва уни қадимги Исфижобнинг ўзи деб ҳисоблади. Ўз ўрнида шуни қайд этишим ўринлики, сўзларнинг охирида ишлатиладиган кент ва қандай айнан бир хил маъноли бўлиб, сўздаги биринчи унли и ёки е бўлганда кент ҳамда Кўқанд, Ёрқанд,

Самарқанддаги сингари ў, ё ёки а бўлганда эса қанд қўлланилади. Тошкент бу жиҳатдан нотўри ёзилган, аммо шундай қўлланилгани ва шаҳар ҳозирда Россияга қарашли бўлгани боис, мен ҳам шундай ишлатдим. Махаллий ахоли эса «Тошканд» дейишади) шаҳрининг хушуврат аркидан бўлак бошқа дикқатга сазовор жойи йўқ. У гўё чиқиб бўлмайдиган тепаликда барпо этилган эди. Ҳовузлари, яхши курилган дўконлари бор янги бозор руслар томонидан бунёд этилган бўлиб, шаҳарнинг ҳозиргача гуллаб-яшинаётганини намойиш қиласади. Маълумки, Туркистон билан Чимкент шаҳарларининг ҳар иккисини босиб олиш режаси анча аввал – 1854 йилда Оренбург линиясини Сибирь линияси билан бирлаштириб, истеҳком линияларининг барпо этилиши ва шутариқа қозоқларни узил-кесил ҳимоя қилишдан бошланган эди. Дастребки ҳаракатлар шу линияни Қоратов тизмаси шимолигача олиб боришга мўлжалланган эди, аммо маҳаллий қўмондонларнинг тавсияларига қўра режа ўзгартирилди. Крим уруши<sup>1</sup> даврида ва ундан бирозгина кейин ҳам, токи 1864 йилгача, яъни полковник (ҳозир генерал-майор) Черняев<sup>2</sup> 2500 кишилик қўшини билан Сибирдан, полковник (эндиликда генерал-лейтенант) Верёвкин 1200 кишилик қўшини билан Оренбургдан ушбу режани амалга ошириш учун жўнатилмагунча Даشتда фаол ҳарбий ҳаракатлар олиб боришнинг имкони йўқ эди. Туркистон билан Авлиёта<sup>3</sup> бир паллада – июнда эгалланиб, бу даврда Чимкент ҳали токи октябрдаги хужумгача ишғол қилинмаган эди. Менга айтишларича, муваффакиятли ҳужум кулгили бир англашилмовчилик туфайли содир бўлган экан. Биринчи сафдаги аскарлардан бири енгил жароҳатлангач, ҳўнграб «Док-ту-ра!» деб жарроҳни чақирган. Унинг ўртоқлари эса фақатгина «у-ра!»сини – русча «ура» (қийқириқ)ни эшитиб, олга босиб, рақибни тор-мор қилиб, атиги беш кишининг ўлими билан бир соатнинг ичидаги аркни буткул эгаллашган. Айтишларича, бозор талон-тарож этилиб, кўплаб ахоли қирғин қилинган.

<sup>1</sup> Бу ўринда 1853–1856 йиллардаги рус-турк уруши назарда тутилган.

<sup>2</sup> Черняев Михаил Григорьевич (1828–1898) – рус генерали. Ўрга Осиёни истило қилиш ҳарбий ҳаракатларининг фаол иштирокчиси. Туркистон вилояти ҳарбий губернатори (1865–1866), Туркистон генерал-губернатори (1882–1884).

<sup>3</sup> Авлиёта – ҳозирги Жамбул шаҳри (Қозогистон). Қадимда Тароз, Талос деб аталган.

## ТОШКЕНТ

Илк таассуротлар – Америка шаҳарларига ўхшашиги –  
Жадал суръатларда ўсиши – Уйлар – Генерал-  
губернаторнинг боди – Черков – Зилзилалар –  
Мехмонхоналар ва нарх-наво – Клуб – Мингўрик –  
Жамият – Генерал-губернатор ҳокимияти –  
«Ўрта Осиё жамияти» – Жўрабек – Бобобек –  
Бухоро амирининг жияни – Олим ҳожи Юнусов –  
Сарой шифокори – Маллахоннинг ўлдирилиши –  
Бухордаги сиёсий қатл – Саидазим – Эски шаҳар –  
Тегирмонлар – Деворлар – Аҳоли – Сартлар –  
Тожиклар – Ўзбеклар – Уларнинг тавсифи –  
Араблар – Тошкент тарихи –  
Генерал Черняев томонидан босиб олиниши –  
Унинг илк билдиргиси

Ойнинг ёруғ шуъласи тушиб турган айвонда ўтириб, Тошкентда ўтказаётган биринчи кечам, Ўрта Осиёга келганимга базёр ишонар, гўёки Марказий Нью-Йоркнинг соқин ва кичкина шаҳарчаларидан биридаман, деб ўйлардим. Икки қаторли дараҳтлар соя берган кенг чанг кўчалар; ҳар ёнда сувнинг жилдираган товуши; олд қисмида дараҳт ва қозикдеворлари<sup>1</sup> билан кўчадан бироз узоқдаги кичкина оқ уйлар; чим ва гулларга тўла, ўртасида кичик черкови бор каттагина майдон – буларнинг бари уйғунлашиб, менга таниш таассуртни эслатар эди.

Бироқ кундуз кунлари Тошкент Фарбий Америка шаҳарларидан бири – Денверни<sup>2</sup> эслатар, фақатгина у ердаги хаво етишмас, хиндулар ва кончилар ўрнига салла ва чопонлардаги сартлар бор эди. Шаҳарларнинг шароитлари деярли бир

<sup>1</sup> Қозикдевор – зич қоқилган, юқори қисми учли қозиклардан иборат ёғоч девор.

<sup>2</sup> Денвер – Колорадо штатининг маъмурий маркази. Шаҳарга 1858 йилда олтин кидириувчилар асос солтан.

хил бўлиб, унинг ҳар иккиси ҳам данит жойда бунёд этилган ҳамда яшиллик ва кишининг баҳридилини очадиган ҳар бир кўча бўйлаб оби ҳаётни етказган каналларга шукrona дегинг келади. Бу ўлкаларнинг кўча четларига тез ва қалин ўсадиган терак ҳамда толлар экилган; ерга қадалган қаламча тез орада ажойиб дарахтга айланниб, фусункор даражада боғлар пайдо бўлади. Мен лаборатория борида данагидан униб, уч йилда ҳосил берган шафтоли дарахтини учратдим.

Тошкентда 600 та хонадон бўлиб – мен шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмини назарда тутмоқдаман – 6000 кишилик гарнizonни ҳисобламаганда, аҳолиси 3000 кини. Ҳар ерда қад кўтараётган янги уйлар ва кўчалар ҳисобига шаҳарнинг мавжуд тўққиз йил<sup>1</sup> ичида ўсиши ҳақиқатан ҳам таҳсинга лойиқ. Ҳозиргача буларнинг барисини сарҳисоб қилсак, аслида шаҳарнинг доимий аҳолиси, савдо-сотики кўп бўлмай, фабрикалар мавжуд эмас. Тижоратчиларни ҳисобга олмаганда ўзининг расмий хизмат бурчини адo этаётганлар бўлмаса четдан ҳеч ким келиб яшамайди<sup>2</sup>. Тошкентта ҳеч ким қолиб кетиш учун келмайди. Бу Американинг ўхшаш шаҳарларидан унинг фарқ қилишини билдириб, кўплаб чиройли уйлар мавриди келганда айтиш ўринлики, ҳукумат томонидан берилган пул ҳисобига қурилиб, бир пайтлар унинг озроғи тўлаинган.

Уйлар асосан қуёшда куритилган лой фиштлардан қурилган ва сувоқланиб, оч тусда бўялган, одатда бир қаватли. Ёвоч танқислиги ва темирнинг қимматлиги туфайли уйларнинг томлари ўзига хос; чердак тўсини (стропил) кичик тол шохлари билан маҳкам ёпилиб, устидан қамиш тўшалиб, лой ва чим ётқизилади. Томни батамом сув ўтказмайдиган ҳолга келтириш учун ҳар йили янгидан лой билан сувалади. Ёз ойларида, ёмғир ёғмаган маҳаллар одатда томлар ёввойи лола, ковул ва бошка ҳар хил гуллар билан қопланиб, жуда гўзал ва ажойиб тус олади. Кузнинг ёмғирли кунларида эса жуда эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки томдаги лой қатламишининг кўплигидан томни кўтариб турувчи ёвочлар қулаши ёки лойнинг етарлича сувалмагани оқибатида эса кучли жала томда каттагина туйнук ҳосил қилиши мумкин.

<sup>1</sup> Бу ерда шаҳарнинг 1865 йилги истилодан кейинги янги қисми назарда туттилмоқда.

<sup>2</sup> Юқорида кайд этилган аҳоли сонидан келиб чишиб, Ю. Скайлер русийзабон аҳоли асосан расмийлар, ҳарбийлар, хизмат сафари юзасидан келганлар ва уларнинг оиласаларидан иборат эканлигига эътибор қаратган.

Уй жиҳозлари (мебель) ва хўжалик молларининг барча турлари Россия ва Сибирдан келтирилади. Сабаби Ўрта Осиёда безакчи, дурадгор ва кимматбаҳо мебель ишловчи уста йўқ, оддийлик бу ер учун қоидадир. Уйларнинг мўртлигини ҳисобга олмагандан, қулай, кенг диванлар, туркман гиламлари, тўқилган ёстикларнинг кўплиги, шарқона қурол-аслаҳаларнинг борлиги ва ошхона анжомлари уларга ўзгача тароват ва ҳашамат баҳш этади.

Ёз давомида кўпчилик ўзларининг шаҳардаги ҳаётларига дош бермай, уйларини ташлаб, шаҳар ташқарисидаги кўплаб дала-боғлардан бири ёки у ердаги ўзларининг шунга ўхшаш уйлари ва қирғиз (қозоқ – З. С.) ўтovларига яшаш учун чикиб кетадилар. Хеч нарса бу қадар оромбахш бўлолмайди. Жазирамани қалин элма<sup>1</sup> ва тераклар тўсиб, салқин ҳаво ҳовуз майдони ва боғни суғораётган каналлар, атиргуллар атри билан кўшилиб кетган. Ўтов кенг ва шинам; унга бу-хороша павильон – меҳмонхона учун тўқилган гулдор, рангбаранг деворий сўзана кўшилса, тураг-жой янада фусункор бўлади. Кечалари анорларнинг қуюқ яшил қороғулигига қарши ёниб турган чироқлар, булбуллар сайраб, ёруғликнинг сув узра милтиллаб кўриниши худди «Минг бир кеча»дан олинган сахнага ўхшайди.

Генерал-губернаторнинг қароргоҳи Тошкентдаги энг ҳашаматли ва томлари тунука билан ёпилган фусункор бинодир. У тепаликлар ёнидаги хушманзара, йирик боғда жойлашган. Дараҳтлар, гуллар, ҳовузлари, каналлари мавжуд ва ҳатто шаршаралари ҳам бўлиб, хафтанинг уч оқшоми бу ерда ҳарбий оркестр куйлайди ва боғ жамоат учун очик бўлади. Уларнинг кўпи руслар бўлса-да, бу ернинг маҳаллий аҳолиси учун миллий куйларни ҳам ижро этишади. Генерал-губернатор қароргоҳи яқинида ҳали қуриб битказилмаган ва шаҳар мудофааси учун мўлжалланган улкан қалъа мавжуд.

... Одатда, Россия шаҳарлари учун хукумат идораларининг кўплаб бинолари мавжуд бўлганидек, бу ерда ҳам шубҳасиз кўплаб жамоат бинолари мавжуд. Яна кичикроқ черков ва унга қўшимча тошдан йирик черков қуриш ишлари ҳам бошланган. Бу руслар кам бўлган ва миссионерлик тақиқланган бу ҳудудда пулни бекорга сарфлашдек кўринади. Эндиғина

<sup>1</sup> Элма – қайрагочнинг бир тури.

таъмирдан чиқкан черков ҳозирги өхтиёж учун жуда катта, кам сонли русларнинг черковга келиши ва масъулиятсизлиги тақвodor мусулмонларни ҳайратда қолдирмоқда. Уларнинг диний эътиқодларига хуруж қилишмаганлиги боис маҳаллий аҳоли черковларга нисбатан яхши муносабатда бўлишиб, уни *бутхона*, (Будда) санамнинг уйи деб атасади. Мазкур бош черков зилзилаларни ҳисобга олиб курилган ҳавфли тажрибага ўхшайди. Зилзилалар бу ерда тез-тез бўлмаса-да, бир неча йил бурун улардан кучлиси кузатилгани.

Тошкентда меҳмонхона деб аталадиган жой деярли йўқ. Тўғри, бу ерда Громовдек<sup>1</sup> мебеллар билан жиҳозланган хоналар ва озиқ-овқат билан таъминланган бир-иккита жой бўлиб, хароб ва шинам эмас. Польяк Гижитский тасарруфидаги ажойиб ресторанда бир-иккита хоналар вақтинча яшаш учун берилади. Бахтимга Жўлакда шахсий уйларда қабул қилувчилар учраб, самимият ва меҳмондўстлик билан мени кутиб олишлари сабабли, турли хоналар ёки меҳмонхонага бутунлай боғланиб қолмагандим.

Тошкентдаги таомлар Россиянинг исталган бошқа шахридаги билан бир хил ва русларга номаълум бирор-бир жиҳати билан фарқ қилмайди. Мол гўшти тақчил ва ёмон, қўй гўшти эса мўл-кўл, арzon ва мазали. Дастрлаб мустамла-качиilar картошка камлигидан шикоят қилишган, кейинчалик эса рус аскарлари ўзлари яшаган жойларда тезда караметиштириб, эндиликда одатдаги сабзавот экинлари кўшайиб қолди. Овланадиган ёввойи қушлар етарли бўлса-да, балиқ жуда кам. Сирдарёда осетр (бакрабалиқ) ҳалигача сероб. Турли навдаги сархил мевалар ва полиз маҳсулотларини сўраганингиз заҳотиёқ муҳайё этишларига қарамай, жавдар ўстириш қийинлиги ва бунинг оқибатида қора нон камлигидан нолиганларини эшитдим.

Вино нархи Санкт-Петербургдагидан тўрт баравар қимматроқ, шунингдек, хоҳлаган одам инглиз пивоси ва яқиндагина тайёрланган маҳсус портернинг<sup>2</sup> бир шишиасини 10 шиллингга<sup>3</sup> сотиб олиши мумкин. Энг ёмон пиво шу ерда тайёрлангани. Маҳаллий винонинг кўплаб турлари ҳам тай-

<sup>1</sup> Рус меҳмонхонаси назарда тутилган.

<sup>2</sup> Портер – ўтқир қора пиво.

<sup>3</sup> Шиллинг – Фарбий Европадаги кўплаб ташгаларнинг умумий номи, шунингдек, XX асрда кўп давлатларнинг пул бирлиги. Англияда 1971 йилга қадар қўлланилган.

ёрланиб, барчаси ўткир ва нордон. Иқлим қулайлиги ва узумнинг сероблигидан озроқ вақт ва тажриба ишга солинса, ажойиб вино тайёрлашни йўлга қўйиш мумкин.

Шаҳарда клуб ҳам мавжуд бўлиб, у барча рус клублари сингари бемаъни ва клубга ҳам ўхшамайди. У ерда ҳар куни бемаза тушлик тайёрланиб, эркаклар почта келишидан аввал газеталар ўқиши ёки бильярд ўйнаш учун киришади. Аҳоли кўпинча қиши пайтида рақс ва концерт учун мўлжалланган катта бал хонасида ўзларининг турли байрамларини ўтказиш учун унга буюртма беришади. Ҳозирда клубнинг хоналари аслида генерал-губернатор девонхонаси учун ўшандан буён маҳсус тўпланган китоблардан иборат муҳташам кутубхона билан туташган бўлиб, у бошқа шахслар томонидан берилган китоблар билан бойитиб келинмоқда. Эндиликда кутубхона тахминан 4000 жилдан иборат рус, француз ва немис тилидаги адабиётлар ва айнан Ўрта Осиё билан боғлиқ китоблар ва мақолаларнинг ажойиб намуналаридан ташкил топган.

Яна бошқа муассасалар ичида мамлакат эҳтиёжини қоплаш учун назаримда қиммат ҳисобланган Кимё лабораторияси ва «Туркестанские ведомости»ни эслатиб ўтишим лозим. Мазкур кичик ҳафтанома нафақат расмий, балки ўлка тарихи, этнологияси ва статистикаси бўйича қизиқарли ва қимматли мақолаларни жамлаган. Дунёнинг бошқа қисмларидаги янгиликлардан ташқари, Санкт-Петербург ва Москва газеталаридан кўчириб босилган мақолаларни ҳисобга олмаса, Ўрта Осиёдаги ҳозирги воқеалар камдан-кам ёритилади. Газетанинг адади бор-йўғи 300 та бўлиб, хукumat учун йилига 22000 рублга ёки ҳар бир нусхаси 37 копейкка тушади. «Ведомости»да чоп этилган баъзи мақолалардан кўнглим тўлиб, баъзан унинг борлигидан миннатдор бўлдим ҳам. Унинг туркий тилдаги нашри<sup>1</sup> эса асосан маҳаллий аҳоли ўртасида адабиётни кенг тарғиб қилиш учун чоп этилар, аммо мен Тошкентдалигимда унинг мундарижаси кўпинча «Минг бир кеч»дан олинган эртаклардан иборат бўлди.

Шаҳарнинг шундоққина ташқарисидаги шарқий томонида, бозордан узоқ бўлмаган ерда Мингўрик (мингта ўрик дарахти) – авваллари сайр ва томошага мўлжалланган жой

<sup>1</sup> 1870 йилдан маҳаллий тилда илк бор чоп этилган ҳамда Туркистон генерал-губернаторлигининг нашри саналган – «Туркистон вилоятининг газети». «Туркестанские ведомости» газетасининг ўзбекча варианти.

бор. Номидан кўриниб турибдики, мевали боғ ўрик дарахтига бой катта боғ бўлиб, уларниң кўнчилиги баланд ва ёши катта, атрофи баланд пахса девор билан ўралган. Мен ташриф буюрган куним у ерда лотерея ўйини муносабати билан ўтказилаётган томошанинг устидан чиқиб қолдим. Яшил чим ва кенг йўлаклар бекорчи ва сайдга чиқсанлар билан тўла эди. Вақтингачалик ошхоналар ҳам бўлиб, турли чодир ва дўконларда тошкентлик хонимлар 2000 тасининг ичидан битта расм чиқиши эҳтимоли бор ва донаси 20 копейк бўлган кичик лотерея билетларини тарқатниарди.

... Ўрта Осиёда бўлган маҳалим Тошкент менинг қўнимгоҳимга айланди, деб ўйлайман ва у ерда ҳар хил пайтда, озми-кўпми вакти-вакти билан тўрт мартагача бўлдим. Бахтимга Россия империясининг расмий допрадаги маъмурлари Хива юришида эди ва шу тарни мени юқори мансабли расмий жамиятдан узоқда қолдим. Гарчи мени қолғанлар орасидан дилкаш танишлар тонгап бўлсан-да, даставвал улар мени шубҳа-гумонлар билан қарши олишди. Ўзимни таништирув хатларимни экспедициянинг бош қароргоҳида бўлган генерал Кауфманга юборганим боис, Тошкентга ҳеч қандай расмий тавсияларсиз келдим. Ҳозиргача ҳаттоқи генерал Кауфман менинг ташрифимни маъқуллаши ҳақидаги хабар келгандан кейин ҳам инглиз жосуси никобида бўлишим мумкинлиги тўғрисидаги фикрлар бор эди. Ўйлашимча бу гаплар вақтлар ўтиши билан таъсир кучини йўқотиб, маъмурлар билан муносабатим яхшиланди. Вернийдан келган генерал Колпаковский<sup>1</sup> генерал-губернатор вазифасини бажараётган пайтда ҳам менга юксак тавозе билан муносабатда бўлишиди ва барча режаларим амалга ошишида имконият яратилди. Балки қизиқувчанинг туфайлидир, ҳали-хануз Тошкентда кичкина ҳовли ҳаётини, унинг ортида ғайриоддий бир нарса бўлмаса-да, кўролмаганимдан афсус қиласан.

Генерал-губернатор ёки Ярим подшо, одатда уни шундай аташарди, қўшни шарқий монархларга хос тарзда давлатни бошқаради. У ҳеч қачон, аввал айтганимдек, сараланган казак қўриқчиларисиз ташқарига чиқмас, ҳатто хотини ва болалари ҳам ўзларининг хос қўриқчи ҳамроҳларига эга

<sup>1</sup> Колпаковский Герасим Алексеевич (1819–1886) – рус генерали. Ўрта Осиёни босиб олиш ҳаракатларида иштирок этган асосий ҳарбийлардан бири.

эди. Бу билишимча, янги келган бир неча зобитларнинг шунчаки қизиқиши билан асира аёлнинг кимлигини суриштириб, ўринсиз айтган мулоҳазаларидан сўнг бекор қилинган. Генерал-губернатор жамоатга ора-сира кўринар, аммо қиши пайтлари икки ёки уч марта бал уюштирас, унга руслар билан бирга таниқли маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам таклиф этиларди. Улар вақтичолик қилишар, меҳмонлар Санкт-Петербургнинг Қишлики саройидаги сингари белгиланган вақтда келишар, хонага генерал-губернатор, унинг хотини ва мулизимлари киришидан тахминан бир соатча аввалроқ уларни кутиб туришар ва расм бўлиб қолганидек, бош эгиб, тиз чўккан ҳолда таъзим қилиб қарши олишарди. Бундан бурун рақс бошлаш мумкин эмас ва бу ердаги ахлоқ-одоб қоидалари (этикет) Санкт-Петербургдагига қараганда жиддийроқ, генерал-губернатор ҳузурида ҳеч бир эркакнинг ўтиришига изн берилмас эди. Бечора бирортаси ўтириб қолса, адъютантдан тик туришга ундовчи шиддатли ишора олар эди. Генерал-губернатор бирортанинг қўлини қисиб саломлашса ёки у билан беш-ён дақиқа сухбат курса, ўша бир зумда жамиядада шарафли шахсга айланар ва унинг таъсири албатта ўз-ўзидан ошиб кетар эди. Бу таъсир сарой хайриҳоҳлигидан бўлса керак.

Генерал-губернаторнинг Тошкентга қайтишида тантанали равоқ (арқ)лар барпо қилиниб, уни барча амалдорлар шаҳардан бир неча мил ташқарида кутиб олиш учун чиқишар, тўплардан ўт отиб салют бериларди. Тошкентда Назорат палатасининг<sup>1</sup> филиали таъсис этилгач, тўплардан салют отишлар қонунда йўқлигини аниклади ва ғазнага ўт кукуни (порох) учун сарфланган маблағнинг қайтарилишини сўради. Пуллар қайтарилди, аммо тўплардан салют отиш ҳукумат ҳисобига бўлмаса-да, ҳали-ҳамон давом этмоқда. Тантанали равоқлар ва қабуллар ҳалқ ташаккурининг ошкора изҳори бўлиши керак, бироқ бу каби кўр-кўронада намойишлар ўз-ўзидан бўлгани эҳтимолдан узок.

Хива қўлга киритилганда ғалабани қандай нишонлашни ўйлаб топиш учун йиғилиш қилишиб, баъзилар доимий ғалаба аркасини куришни, баъзилар эса бирор-бир университет-

<sup>1</sup> Назорат палатаси – Россия империясида давлат муассасаларининг даромад ва харажатларини тафтиш этувчи маҳаллий назорат ташкилоти.

да генерал-губернатор номи билан аталувчи шарқий тиллар стипендияси жорий этишни таклиф этишди. Нихоят ҳар иккисини ҳам амалга оширишга қарор қилинди. Пул ихтиёрий равишда тўпланиши керак эди, аммо барча зобитлар ва мансабдор шахслар, ҳаттои Туркистонинг бошқа ҳудудларида ҳам, маблағ билан ҳисса қўшини көреклиги ҳақида ўзларининг бошликларидан расмий хат олишиб, камдан-кам ҳолларда рад этишга журъат этишди.

Генерал-губернатордан ташқари кичкина пойтахтда ҳар бир бошқарманинг йирик кўламдаги марказий бошқаруви бўлиши лозимлигидан бу ерда ҳарбий губернатор ҳамда губернатор ўринbosари, генераллар штаби ва бошқа олий мансабдорлар бор.

Расмий иерархия бошликларининг хотинлари ва оиласлари ўзларини жамиятнинг баобрў бўғини деб, ҳудуднинг бошқа аёлларидан ўзларини устун хисоблашарди. Бу Тошкентда хонимлар етишмаган дегани эмас, шунчаки кўплаб зобитлар ўзлари билан аёллари ва оиласларини ҳам олиб келишган. Шунинг учун жамият турли гурӯҳ ва тўдаларга бўлиниб кетган; юқори мансабдор шахслардан ташқари бу ерга келганларнинг деярли барчаси ёки қарз олган одамларидан қочиб, ёки кўнгилсизликдан сақланиш учун, яна кимдир юқори маош илинжида, бошқаси эса пенсияга чиқиш учун қисқа муддат зарур бўлган иш стажи мақсадида, шу билан бирга тезда бойиб кетиши умидида, барчаси Санкт-Петербургча ўй-фикр билан келган. Эрталабки кўнғироқларга муносабат қоидалари, башанг кийиниш ва Россиянинг катта шаҳарларида урфга айланган айни этикетни жамиятнинг бошқа урф-одатларида кузатиш мумкин. Одамлар кеча ва клуб ёки генерал-губернатор саройидаги маҳсус театр томошаларида бир-бирлари билан кўришишар, аммо ҳар бир гурӯҳ бир-биридан ажralиб тураг, хақиқий умум ижтимоий ҳаётдан ишиона ҳам йўқдек. Тошкент сургун килингандарнинг вактинчалик бошпанаси эканлиги ҳақидаги факт ёш зобитлар ҳамда расмий доира вакиллари ва кичик жамият ичидаги бу бемаъни гурӯҳлар учун жуда бўлмағур ҳолат.

... Тошкентдаги рус жамияти ўлка ҳақида маълумотларга эга бўлиш тугул, ҳатто унга умуман қизиқмаслиги мени хайратда қолдирмай қолмади. Мени шунчалик узоқдан, улар учун ҳаммаси кўнгилсиз саналган бу мамлакат билан қизиқиб,

уни кўришга келганимни кўпчилик тушуниши foят мушкул эди. Мен умумий таассуротларим ҳақида гапиряпман, албатта бундан мустасно ҳолатлар ҳам бор. Россияликлар ичидаги форсий ёки туркийни биладиган ёки мамлакат тарихи, қадимияти, табиий маҳсулотларига, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзига қизиқадиганлар ҳам бор, аммо улар ҳайрон қоларли даражада камчиликни ташкил қиласди. Тошкентда бир вақтлар «Табиатшунослик тарихи ва антропология жамияти»нинг филиали ўз фаолиятини бошлаган ва бир неча мажлисларини генерал-губернатор уйида ўтказган эди, лекин мансабдорларнинг иғвосиданми ёки бу нарсага ҳақиқий қизиқиш йўқлигиданми, тезда тўхтаб қолди.

«Россия савдосини қўллаб-қувватлаш жамияти»нинг Тошкент бўлими ҳам анча суст фаолият олиб бормоқда. «Ўрта Осиё жамияти» ташкил қилинди, аммо ҳукумат томонидан тақиқ қилинди.

Бутун Тошкентда маҳаллий халқ ҳақида қизиқсан инсон Молия вазирлигининг вакили, жаноб П<sup>1</sup> эди. Туркий тилни пухта ўрганиб, равон ва бежирим сўзлаша оладиган, хонадони маҳаллий аҳолининг таниқли вакилларига қўнимгоҳ бўлган. Унинг рафиқаси ҳам маҳаллий аҳоли орасида катта ҳурмат қозонган, доимо борди-келди қилар ёхуд уларни меҳмон қилиб турарди. Жаноб П<sup>1</sup> ва кўнгилли оиласининг дўстлиги ва самимиятини гапирмагандан, унинг уйига имкон қадар ташриф буюришимнинг яна бир боиси – куннинг исталган маҳалида икки ёки уч нафар маҳаллий халқ вакилларининг жуда қизиқарли ҳамда қимматли ҳикоя ва сұхбатларига шерик бўлардим.

Меҳмондўст хонадонга турли таниқли беклар, айниқса Самарқанд жанубидаги кичик туманлардан саналган шахрисабзлик Жўрабек<sup>2</sup> ва Бобобек<sup>3</sup> канда қилмай келиб турарди. Икковининг ҳам отаси у ерда – Шахрисабзда Бухоро амири,

<sup>1</sup> Муаллиф, хар ҳолда исмини унуглан ёки келтиришни маъкул кўрмаганидан бош ҳарфини ёзган.

<sup>2</sup> Жўрабек, Жўрабек доддоҳ (1840–1906) – Бухоро амирлиги таркибидаги Китоб беги (1862–1870). Ҳарбий арбоб, маърифатпарвар, рус армияси генерали (1901). 1870 йилдан умриииг охиригача Тошкентда яшаб, ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этган. Шарқ қўлларини ва нодир асарларнинг бой кутубхонасига эга бўлган. 1876 йилда Петербургда ўтказилган шарқшуносларнинг З-халқаро конгрессида қатнашиб маъруза қилган.

<sup>3</sup> Бобобек (1833–1898) – отаси Ҳакимбек вафотидан сўнг (1865) Шахрисабз беги бўлган (1870 йилга қадар).



Бобобек ва Жўрабек.

қонхўр Насрулла<sup>1</sup> томонидан босиб олингунга қадар машҳур бўлган. Отаси Қаландарбекнинг вафотидан сўнг, Жўрабек 1860 йил – амирнинг ўлимига қадар унинг хизматида бўлиб, кейин Шахрисабзни эгаллайди. Насрулланинг ўлимидан олти ой ўтгач, янги амир – унинг ўғли Музаффар(иддин)<sup>2</sup> Самарқанддан Шахрисабзга келади. У соғ ўзбеклар кўп саналган ҳудудда хуш кўрилмай қарши олинади.

Табиатан одамови, семиз ва дангаса, ахлоқсизлиги ҳаммага маълум, отасига умуман ўҳшамаган, отда юрган амир маълум маънода эркинликка қўнишиб бўлган халқнинг қулгусига колди. Ўша тунда у Бобобекнинг синглисини олиб келишла-

<sup>1</sup> *Насрулла* (1806–1860) – Бухоро амири (1826–1860), манғит сулоласидан. манғитлардан. Амир Хайдарнинг ўғли. Отасининг ҳукмронлиги даврида Каршида ҳокимлик қилган. Амир Хайдар вафотидан сўнг ҳокимият учун курашларда қўли баланд келиб, Бухоро амирлиги таҳтига ўтиради (1826).

<sup>2</sup> *Музаффар* (1819–1885) – амир Насрулланинг ўғли. Отаси даврида Кармана ҳокими бўлган. Амир Насрулла вафотидан сўнг, Бухоро таҳтига ўтирган (1860–1885).

рини буюрди. Бир вақтлар унинг отаси ҳам ҳиссиётларини қондириш учун худди шундай йўл тутган эди. Бу шундайин ёпиқлигича қолмади, шу сабабли кейинги кун одамлар кўчани тўлдириб, амирга қарши чакириқлар билан чиқишиди. Оммага бундан ҳам қўпроқ ошкор бўлиши, эҳтимол исён кўтарилишидан ваҳимага тушган Музaffer зудлик билан Бухорога қайтган бўлса ҳам, Шахрисабзни унутмади. Кўплаб мансабдорлар қўлга олиниб, қамалган эди, бироқ оддий ҳалқ томонидан озод қилиниб, тўлиқ бош кўтарилиди. Йигирма ёшлардаги Жўрабек эгизак шаҳарлардан бири – Китобга бек этиб сайланди. У Бухоро амирининг кўплаб аъёнларини қувиб юборди ҳамда ўз отасининг ўрнини эгаллаган Бобобек билан ҳамкорликда кичкина воҳанинг мустақиллигини 1870 йилнинг август ойигача, токи Шахрисабз руслар томонидан эгалланиб, амирнинг ихтиёрига топширилгунча сақлаб турди. У ва Бобобек Кўкон томонга қочди, аммо Худоёрхон<sup>1</sup> томонидан тутиб берилди. Сабаби ўз вақтида Худоёрхон амир Насруллаға ўзининг ташвишлари ва сургун қилиниши ҳақидаги гапларни айтганида Жўрабек унинг устидан кулиб, «қари кампир» деб масхара қилганидан, унга нисбатан эски алами бор эди. Улар тутқун сифатида Тошкентта келтирилиб, бир муддат назорат остида яшашди.

Охир-оқибат Бухоро хукуматидан йилига 2000 рубль пенсияни Россия агентлиги<sup>2</sup> орқали олиб, у ҳам мунтазам тўлаб борилмаганлиги, иккисининг ҳам катта оиласи борлигидан ўзларига муносиб бўлмаган ва танг аҳволда яшар эдилар. Жўрабек русларнинг Ўрта Осиёни эгаллаб олиб, унинг эгасига айланганига амин бўлиб, ўзининг келгусида улар орқали ҳокимиятга келишига имкони борлигига ишонар эди.

У мен учратган бир неча маҳаллий аҳоли вакиллари ичида ҳар қандай масалада унинг сўзига ишонишим мум-

<sup>1</sup> Худоёрхон – Кўкон хони (1845–1875, танаффуслар билан). Минг сулоласига мансуб. Шералихоннинг ўғли. Қайнотаси Мусулмонкул томонидан таҳтга ўтқазилган. Ёш бўлганилиги туфайли давлат ишларини Мусулмонкул бошкарған. Энг мухим мансаблар қипчоқлар қўлига ўтиб, уларнинг бебошликлари натижасида ички қуаш кучайиб, 1853 йилда қипчоқлардан 20 мингга яқин киши ўлдирилган. Мусулмонкул дорга осилган ва шу даврдан бошлаб Худоёрхон Кўкон давлатини мустақил идора кила бошлаган.

<sup>2</sup> Бу ерда Бухородаги Россия империясининг Сиёсий агентлигини тушунмаслик керак. У Бухорода кейинроқ, яъни 1886 йилда Ташки ишлар вазирлигининг органи сифатида ташкил этилиб, уни бошкарған амалдор Россия империясининг Бухоро амирлигидаги расмий вакилия хисобланган.

кин бўлган ягона кишилардан бири эди. Жўрабек баланд бўйли, ингичка қора соқолли, кулранг ёқимли кўзли ва жиддий қиёфали келишган ўзбек эди. У доимо оддий, аммо нозик дид билан озода кийинар ва юзида қайру ифодаси, истараси, кўркам ҳаракатлари кишини ўзига жалб қилиб, қизиқтирмасдан кўймасди. У ҳақиқатан ҳам мутлақо олижаноб инсон эди. У ҳақиқий мусулмон, аммо ҳозирда руслар билан хаддан зиёд алоқада бўлиб, ўз фидойилигин йўқотган ва уларнинг анъаналарига сўзсиз бўйсунарди. Руслар билан яқин алоқа ўрнатган: улар билан бирга овқатланаар, ҳаттоки вино ҳам ичар, мамнун ҳолда бошқалар қилмаган иккюзламачилик қилиб, ҳам руслар, ҳам издошлиларига ён босарди. Жўрабек бундан ташқари яхши хулқи, Ўрта Осиёга хос тақаллуфи билан мақсадсиз, аммо ҳақгўй ва тўғри инсон, агар яхши муносабатда бўлишса, Россия учун хизмат қилиши табиий ҳол.

Агар Бухоро амири ёки Кўқон хони тахтдан ағдарилиши ва вассални тайинлаш керак бўлганда, Жўрабек ҳар икки томон: ҳам маҳаллий аҳоли, ҳам русларнинг манфаатларига бирдек мос келувчи шахс. Шу билан бирга унинг, амирлик тахтига кўтарилишига ҳақли бўлган тўртта уруғдан бири бўлган кенагас уруғидан келиб чиққанлиги ҳам аҳолининг ҳеч қандай қаршилигисиз тахтга лойик кўрилишини таъминлаган бўларди.

Бобобек ҳам кувриндаги шериги каби ожиз тавсифли, тўладан келган ўттиз олти ёшли, ваҳоланки кўринишидан йигирма ёш катта кўринар, ташвишлари юзида акс этган, шеригига қараганда қобилиятли ва кўрқмас кўринмас, ҳаётини осойишта ўтказаётган, илтифотлигина. Унга ҳеч ким ҳокимиётдан ағдарилгандан буён ачиниш ҳисси билан ҳам ёрдам қилолмас, аммо у яна қачонлардир сафга қайтишни ўйловчи одамлар хилидан эмас эди.

Тасодифий ташриф буюрганлар орасида ҳокимиётдан ағдарилган, ҳозирда Россия марҳаматидан умидвор Самарқанд яқинидаги баланд тоғларда жойлашган кичиккина Киштут ва Фароб бекликларининг беклари Шодибек ва Сайдбек ҳамда Ўратепанинг собиқ беги Абдулғаффорбек билан ҳам учрашдик. Абдулғаффорбек Бухорода кўплаб юқори лавозимларни эгаллаган оиланинг фарзанди бўлиб, адолатсиз ва қаттиққўллигидан унчалик машхур эмас. Ўратепани

узоқ вақт бошқарған. У тоғли худудлар билан мунтазам жаңг олиб бориб, руслар ҳужумига қаршилик күрсатған қалъага күмөндөнлик қилганига қарамай, ўта күрқоқ деган ном орттирганди. Кейинроқ мол-мулкининг бир қисмини ўзига қайтариб олди, бунинг устига у Ўратепа ва Тошкентда яшашига етадиган кам миқдордаги пенсияга ҳам эга бўлди. Зиёли инсон, мулла, оятлар айтишга ва қироат қилишга ишқибоз, дилкаш ва киришимлилигидан, йигирмата хотини ва вояга етган ўнлаб ўғиллари бор. Ўғилларидан бири Зоминнинг собиқ беги бўлган. Укаларидан бири бўлган довюрак Умарбек эса Жиззахда русларга қарши жаңг олиб борган ва амир томонидан 1872 йилда қатл эттирилган; бошқа бири эса – мен бир вақтлар кўрган Ибодуллобек – Хисорнинг илгариги хукмдори, зиёли инсон ва Юқори Амударё вилоятларидан яхшигина хабардор.

Тахминан ўттиз беш ёшларга тўлган, амир Музаффар(иддин)нинг опасининг ўғли Сайдхон ота-онаси, барча оила аъзолари қатл этилгач, Бухордан қочган. У ҳозирги амирдан кўра тахтга ворислик ҳуқуқи юқорироқ эканлигини даъво қилган, нафсонияти кучли, амирни осонлик билан ағдариб, унинг ўрнига ҳокимиятга кела оладиган шахслардан бири ва руслар ҳам ана шундай шартномага рози бўлишлари мумкин эди. Номигагина Россия хизматида ва йилига 2400 рубль олар, замони ўтганлигини ҳис этиб, пулени ўйин-кулгига сарф қилиб, доимо қарз бўлиб юради. Тошкентда узоқ муддат истикомат қилгани ва турли тоифадаги руслар билан алоқаси боис, русча қандай гапириш ва ўқиши ўрганган.

Оқсуюклардан келиб чиққани боис, Бухорода ўзининг тарафдорларига эга ҳамда улар билан ёзишиб туради. Кўплаб нуксонларига қарамай, бирорлардан кўра у эҳтимол яхши шахс бўла олар, ваҳоланки фитналарга умуман хуши йўқ; ҳаттоқи амирга яқин бўлган одамлардан қабул қилинган муҳим хатларни ҳам ҳафталаб эътиборсиз қолдиради эди.

Манзилини бир неча ҳафтада тез-тез ўзгартириб туриши у билан учрашишни қийинлаштиради эди. Тоғаси ёллаган одамлар Тошкентда унинг ҳаёт-мамоти масаласида қидириб юрганига аминлигидан, охирги марта кўрганимда мени жуда ҳайратга солди. У полга ўтирган, атрофи тўла қуроллар эди, ҳар кечкурун ётоги ўрнини ўзгартиради. Унинг фикр-ўйи

амир бўлганда нима иш қилиши ҳақиқати улкан режалар билан лиқ тўла эди ва бунга хеч шубҳа қилмасди.

У тез-тез ғалати ахволда келар ва унга юборилган, ўзи билан ҳар гал олиб келишни унугланган, ўта мухим хатлар ҳақида сирли оҳангда гапиради. Одатда унинг ташрифи озроқ қарз сўраш билан якунланар эди. Уларнинг мавжудлигига бошида ишонмаган бўлсам-да, ниҳоят хатлардан бир нечтасини ўқишга муваффақ бўлдим. Улар менга ҳақиқатан қизиқ туюлди. Улардан бирида амиринг мунажжими форсий шеърлар ва сохта хушомадлар билан сўз бошлаб, ундан кейин эса шундай ёзган: «Сизга маълум, биз яшаб турган ерларнинг ҳақиқий эгаси Тошкентда яшайди. Унга айтингки, бу ердаги бошқарувчи жуда ёмон ва аҳоли ўртасида келишмовчиликлар келтириб чиқармоқда. Ул бу бошқарувчини амалидан олиши лозим; агар олмаса, бу ишни ўзимиз бажарамиз ва сиздан келишингизни ёки бошқасини танлашингизни сўраб қоламиз. У бошқарувчини жазолаши шарт эмас, уни Тошкентга бориб яшашига буюрса бас, шунинг ўзи етарли; ёки унинг ўзи келса, бошқарувчи қўрққанидан дарҳол қочиб қолган бўларди». Бизга Бухоронинг ҳақиқий ҳолатини, унинг эгаси генерал Кауфман ва бошқарувчиси амир эканлигини айтишганда, муаммони анлаган бўлдик. Баҳтга қарши, ҳам аҳоли, ҳам мулкдорлар учун ҳалиям ўша бошқарувчи ҳокимиятда турибди.

Маҳаллий аҳолидан бўлган узун, новча бўйли Муса Муҳаммадбий ғалати, Тошкент қамал қилинганда ҳоким вазифасини бажарувчи ва ҳудудни россияликлар (Россия империяси) қўлига бой бериб қўйганди. Унинг менга айтишича, кўчаларда одамлар ташвиш, қўрқувда йиглаб ва дарғазаб бақириб «Модомики, руслар келган экан, аёлларингиз ва болаларингиз билан хайрлашинг» дейишганига дуч келганида қаттиқ ҳаяжон ва саросимага тушган экан.

Тошкент қўлга олингандан кейинги кун эрталаб шаҳардан келган вакиллар генерал Черняевни кутиб олди. У (Черняев – З. С.) дарҳол ўз таржимонини юборди, аммо барчани ҳайратга солиб, шаҳар вакилларининг етакчиси унга соф рус тилида илм-фан, фалсафа ва тараққиётнинг фойдали жиҳатлари ҳақида сўзлай кетди.

Бу одам Олим ҳожи Юнусов бўлиб, Жанубий Россиядаги Пензадан бўлиб, татар миллатига мансуб эди. У Москвада

таҳсил олиб, Макка томонларни зиёрат қилиб, Хиндистанни кезиб келган. Мен Тошкентда кўрган энг ажойиб инсонлардан бири бўлиб, у билан кўп бор учрашдик. Фаҳмлашимча, мусулмондан ҳам кўра кўпроқ файласуфга ўхшар ва доим қандайдир янги ўй-боялар оғушида юарди. У Тошкентда йигирма йил давомида маҳаллий қонун-қоидаларга риоя қилиб тинчгина яшаган; боғдорчилик, пахта ва ипак етишириш билан шуғулланган ва икки марта уйланган. У деярли барча миллат вакиллари билан қизиқарди ва менинг ташрифимдан озроқ муддат олдин ёшгина эроний қизга уйланган экан.

... Россия истилосидан сўнг у ўзини турли соҳаларда си nab кўрди, уйлар курди, Америка пахтасини етиштирди, совун заводини бунёд этди, иш йигириш машиналарини ва пахтани чигитдан тозалайдиган мосламаларни олиб киришга уринди, аммо бу ҳаракатларининг барчаси муваффақиятсизлик билан тугаган деб кўрқаман. Унинг шаҳарнинг руслар қисмидаги катта уйи ҳалиям битмаган, совун заводи эса барвакт, Москва кўргазмасида кумуш медални қўлга киритишидан олдин ёнилиб кетган. У ҳалиям тажрибаларини давом эттироқда.

Унинг шаҳар ташқарисидаги борига ташрифимни яхши эслайман. Кичкина эшикни анча тақиллатганимиздан сўнг, ҳожининг ўзи эшикни очиб ичкарига таклиф қилди. У ўзининг плантациялари билан машғул, бўйин мушакларини кўрсатиб турган бўйни очиқ қалин суридан тикилган пушти кўйлак кийиб олган эди. Оқарган соқолини силаб, енгларини тушириб, белига белбоғни бойлаб, бизни узумзор ва анорзорлар орасига бошлаб борди. Бу ер сўлим, сояда жой тўшалган, бизни энг сара шафтоли ва узумлар билан сийлади ва сухбат орасида тут дарахтини емираётган касалликлар билан бирга, мунтазам бўлаётган ипак курти эпидемияси ва ботаника, боғдорчилик соҳаларида олиб борган синчков кузатувлари ҳақида гапириб берди. Ҳожи жуда кўп ўқийди; унинг дунёқарashi жуда кенг, илм-фанга бўлган қизиқишидан Москва ва Санкт-Петербургдаги бир неча илмий жамиятлар аъзоси бўлишга эришган.

... Асадуллабек Тошкентнинг машхур шифокорларидан бири. Унинг қайси тиббий муассасани тамомлаганини билмайман, ўзи Кавказда туғилган, эроний. Ёшлигидан Ўрта

Осиёга келиб қолган, күп амалий тажрибага эга. У Алимқул<sup>1</sup> ва Ёқубхоннинг<sup>2</sup> яқин дўсти, Кўқоннинг турли хонлариға шахсий шифокор бўлган. Ўзи асли беклардан бўлмаса-да, шу ном билан аташар, бу номни баъзан эркалаш, баъзан эса тахаллус сифатида қўллашади. Русчада дурустгина гапирав, сухбатлашишдан ҳамма вақт мамният ҳис қилиб, яхшигина қарта ўйновчи ҳамдир. Ҳаёти саргузаштларга бой, ҳар доим уни кўрганимда кўнглим чор бўларди. Озроқ қутқу солсанг, ўзи билан бовлиқ Ўрга Осиё тарихидаги бир қанча воқеаларни сўзлаб беришга мойил эди. Нима сабабдан Кавказдан қочиб келганлигини сўраганимда, Асадуллабек камгап бўлиб қолар, ҳолбуки ҳаётининг кейинги паллалари ҳақида сўзлашта тайёр эди: «Туркистон шаҳрига 1856 йил келгандим, – дейди. – У ерда бир йил истиқомат қилдим. Бу пайтда руслар Жўлакка етиб келишиб, бизнинг қўшин у ерга жўнади ва Ботирбек яраланди. Улар шифокор сўраб, барча бу-хороликлар ва бошқа одамларни тўплашди, лекин у уларнинг ҳеч бирини хушламади. Сўнгра улар «бу ерда румлик<sup>3</sup> бир одам бор, уни чақиришингиз керак», дейишли. Айни ўша дамда мен дўконда эдим. Мени Ботирбек ҳузурига бошлаб келишибди. Кўшин қўмондони Хиноятшоҳ менга «Уни (Ботирбекни – З. С.) ўн икки кун ичида даволашинг шарт, йўқса бошингдан жудо бўласан. Хон ҳозир Тошкентда, агар уни даволасанг, биз сени у ерга, хонга тавсия қиласиз», деди.

... Тўрт кундан кейин унинг тили анча дуруст бўлиб, лабларини очди. Тили калимага келди. Саккизинчи куни у анча ўзига келгач, улар менга ўн икки тилла беришиб, Хиноятшоҳ ва Кошғарнинг ҳозирги ҳокими Ёқуббек олдинроқ кетганидан Тошкентда кутиб туришимни тайинлашди. Бир ҳафта ўтгач менга одам жўнатиб: «Унга (Асадуллабекка –

<sup>1</sup> Алимқул (1831/32–1865) – Кўкон хонлигининг муваққат хони, мингбошиси, амири лашкари (1863–1865). Маллахон хукмронлиги даврида Алимқул хонликда эшик оғабоши ва вазир даражасига кўтарилган.

<sup>2</sup> Ёқубхон (1820–1877) – Кўкон хонлигининг харбий ва давлат арбоби. Еттишшахар Уйғур давлатининг ҳукмдори (1865–1877).

<sup>3</sup> Бу ерда Усмонли турклар давридаги Истанбул назарда тутилмоқда. Аслида Рум топоними Қадимги Шарқ мамлакатларида дастлаб Рим, кейин Рим империясига нисбатан ишлатилган. IV асрда империя парчалангач, Шарқий Рим империяси (Византия) ҳам Рум деб аталган. XI асрда Кичик Осиё салжуқий турклар томонидан истило қилингач, шарқ тарихчи ва географлари факатгина Кичик Осиёга нисбат бериб, уни Рум деб агашган. Шундан Коня сultonлиги яна бир ном – Рум сultonлиги деб ҳам юритилган.

З. С.) битта киши ва от бериб, кўп илтифотлар кўрсатинг. Хои унга таклифнома йўллади», – дейишди. Тошкентда мен Алимкул ва хоннинг жияни Шоҳмуродбек билан танишдим. Хоннинг ўзи эса Ўратепани эгаллаш учун жўнаб кетган экан.

... Шундан сўнг мен Кўконга жўнаб, у ерда тиббиёт амалиётини бошлаб, хоннинг шифокори бўлдим. Кунига бир тилла (таксинан саккиз шиллинг) олиб турдим».

Шифокор Асадуллабек Маллахоннинг<sup>1</sup> яқин дўсти бўлганидан, унинг қандай ўлдирилганлигига ҳам шоҳид бўлган. У нималардир бўлаётганидан шубҳаланиб юрса-да, бунинг олдини олиб, хонни огоҳлантиришга имкони йўқ эди. Тунда кун бўйи май ичиб, қаттиқ уйкуга кетган хонга қўшни хонадан жой олиб, тунда унинг (хоннинг – З. С.) эшиги ташқаридан кулфланганини ва «хон шу ерда» деган товушларни эшитади. Тўда хоннинг хонасига бостириб кириб, уни калтаклаб, пичоқлари билан зарба беришади. Хон ўзини мардона ҳимоя қилди, аммо сўнгига чавақлаб ташланади. Кейин Асадуллабек тил бириктирган суиқасдчилар хоннинг энг яқин дўстларидан бири бўлгани учун уни ҳам ўлдиришни таклиф қилишганини эшитади, бироқ улардан бири уни ёқлаб, ажнабийлиги ва шифокорлиги, бу ерда атиги вақтинча яшаётгани, ҳеч кимга ёмонлик қилмаётганини айтади. Ана шундай сўзлар унинг жони сақланишини таъминлаган. Бечора Асадулла унинг билан қизиқсанларнинг ана шу сухбатини эшитганида юраги шилқ этиб кетган. Фитначилар сўнгра ўша пайтда Кўконда яшаган Шоҳмуродни топишиб, кенг оқ кигизга ўтқазиб, ба-ланд кўтариб, уни хон сифатида олқишилаган.

Эрталаб кўчаларда Маллахоннинг ўлдирилганлиги ва Шоҳмурод хон этиб эълон қилинганлиги маълум қилинди. Барча расмийлар ва Кўконнинг олий табакаси саройга, унинг хузурига салом учун жўнади. Уларнинг орасида шубҳасиз Асадулла ҳам бор эди. Хон уни кўргач, жилмайиб деди: «Кўрқманг, мен сизни хафа қилдириб қўймайман, бироқ сиз менинг сарой шифокорим бўласиз». Шундан сўнг у Асадуллага бир сидра уст-бош, салла ва тилла тўла ҳамён берди. Пулни олиб уйига келтиргач, кейинроқ у билан бирга яшаган Ёқуббек билан бўлишиб олди.

<sup>1</sup> Маллахон (1830–1862) – Кўкон хони (1858–1862). Минг сулоласидан. Шералихоннинг катта ўғли. Худоёрхоннинг акаси.

... Тошкентга қайтишда Алимқулнинг беваси, Кўқон хонининг синглисига уйланди. Бироқ у ўлгач, хозир ёқимтой татар хотини ва ажойиб болалари бор. Ҳар ким ҳам шарият бўйича яшамаса-да, бир куни уни чақириб борганимда, хотини ва қизларининг товуш (бакирик) ва таъналарини эшитмай, аксинча оиланинг бир аъзоси сифатида қабул қилиндим.

Шу ўринда мирзо Ҳожибар сўзма-сўз айтиб бергаи Бухородаги сиёсий қотиллик ҳақидаги ҳикояни келтирмоқчиман:

«Ўша пайтда мен Бухоронинг мишлоаблар<sup>1</sup> бошлиғи ёрдамчиси эдим. Бошлиқ эса менга қариндош санаалган мирзо Абдуллабобо эди. У ҳақида ҳар ҳолда эшитган бўлсангиз керак: узок вақт Оренбургда яшаб савдо-сотик қилган. Ботирхон (Амир Насрулла) уни яхши кўрар эди. Амир уни чақириб мишлоаблар бошлиғи қилди. У эса ўз навбатида мени ўзига ёрдамчи қилиб олди ва бу лавозимда унга узок вақт – Музаффар амир бўлгунига қадар хизмат қилдим. Ботирхон одамларининг барчасини, шу жумладан менинг қариндошларимни ҳам Музаффар қатл қилдирди. Ҳар куни амирга 1000 тача одам салом учун ҳузурига киради. Уларнинг кўпи додхоҳлар<sup>2</sup>, бийлар<sup>3</sup> ва барча амалдору лавозимдагилар эди. Биз ҳар куни, ҳатто кенгаи бўлмаган кунлар ҳам ўша ерда бўлар, сўнгра салом қилиб, кейин қайтардик. Искандар ва унинг укаси Чумчихон бир куни салом учун келиб, таъзимлар қилиб яна жўнаб кетишди. Кетиши биланоқ, амир мени чақириб, уларни ортга қайтариб, кичкина ҳовлидаги алоҳида хонага жойлаштириши буюрди. Шундан сўнг мен уларни ҳали уйларига етмагани боис, ортга қайтариб келдим. Улар алоҳида хонага жойлаштирилди. Нималар бўлганини сўрашиб дейиши: «Бизни кенгаш учун чақиришганга ўхшамайди. Бу ерда бир гап бор. Ишларимиз

<sup>1</sup> Миршаб – Ўрта Осиё хонликларида маъмурий лавозим; тунги шаҳар соқчиси ва уларнинг бошлиғи. Ўрта Осиё Россия империяси томонидан истило қилингач, мишлоаб, асосан, тунги соқчилик ҳамда тартиб-интизомни таъминлаган ва полиция вазифасини бажарган.

<sup>2</sup> Додхоҳ – Кўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида қалъа бошлиғи, кўрбоши. Бухоро амирлигида эса арэчилар шикоятини амирга стказиб жавобини шикоятчиларга билдирувчи, Кўқон хонлигида бундай амалдор жарчи деб номланган.

<sup>3</sup> Бий – кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг уруғ оқсоқолларига берилган унвон. XVII – XIX асрларда бийлар йирик ўзбек қабила ва уруғларига бошчилик қилиб, фақат марказий хукуматга итоат этган. Бухоро хонлигида хизмат поғонасининг 9-мансиби.

чаток». Мен уларга: «Хеч нарсани билмайман. Балки сизларни кенгаш учун чақиришгандир», – дедим.

Айни шу куни қалъада яшовчи мирзо Абдулла амирдан уйини тарқ этмаслиги ҳақида бўйруқ олди. Абдулланинг аҳволи ёмон бўлишини ўйлаб биз жуда ҳам қўрқдик. Чунки Бухорода нима бўлишини хеч ким билмас, бугун тирик, эртага бошингни жудо қилишлари мумкин. Алламахалгача ташвишланиб, сўнгра нешин намозидан сўнг, ўтирганча кутдик. Кўққисдан «юқоридан» – амир томонидан бошқа бир мактуб келиб, уида ҳамма одамларнинг кечаси уйларига кетишларига ижозат берилган, фақатгина учта ишончли одам қолиши тайинланган, шомдан сўнг қалъада ногоралар чалиниши ва жаллод<sup>1</sup> ҳамда мурдани ювиш ва иккита кўйлак ҳозирлаши учун аёлга одам жўнатилиши айтилган эди.

Биз аввалига Искандарни жазолашса керак деб тахмин килар, аммо аёл кишини ҳам жазолашни хеч тушуна олмас эдик. Чунки бу каби ҳол аввал ҳеч ҳам рўй бермаганлигини билардик. Шундан сўнг амир йўллаган *бодотча* келиб, унда Искандар ва аёлни қатл этиш учун бизга жўнатгани буюрилган эди.

*Бодотча* бодомча келадиган кичик муҳр бўлиб, амир бирортани қатл этиш учун уни қўллади. Бошқа пайтларда амирнинг катта муҳридан фойдаланишади.

Фармонни олибоқ, Искандарни қатл этиладиган жойга келтириш учун жўнадик. Амирнинг қалъасида қудуққа ўҳшаш чукур ва тахтасупалар билан қопланган жой бўлиб, ҳар ҳолда қатл этилганларнинг жасадини ўша ерга ташлашарди. У ерда кўплаб жасадлар бор.

Жаллод ҳам аллақачон бизни кутиб турган эди. У ўз навбатида Искандарни тутиб, ерга силтади. Искандарнинг соқоли йўқлигидан жаллод унинг бурунларининг тешигига бармоқларини суқиб, бошидан тутганча бўйнидан кесиб ташлади. Шундан сўнг улар амир ҳузурига бир аёлни келтиришди. У Искандарнинг жонсиз танасини кўргач, бирданига ҳўнграб йиғлашга ва амирни ҳақорат қилишга тушиб кетди. Биз кўрган бу аёл Искандарнинг опаси, амирнинг хотини эди. У кенагас уруғидан бўлиб, барча уни «Кенагас ойим»

<sup>1</sup> Жаллод (арабча – дарра урувчи) – одамларга нисбатан чиқарилган тан жазоси ва қатлни ижро этувчи шахс. Жаллод атамаси Ўрта Осиёда араблар келгандан сўнг пайдо бўлган.

деб чақиришарди. Жаллод уни қўлларини бойлаб, гарданига ўқ узиб, отиб ташлади.

Худди биздек улар аёлларни боиндан жудо қилмас, балки отиб ташлашар эди. У аёлни дарров ҳам ўлдиролмади. Жувон бир оз йикилиб турди. Жаллод уни ўлгунича кўксига ўн икки гал урди.

Айтишларича, аёлни жазолашларининг сабаби у акасининг топшириғи билан амир ухлаб ётган маҳал унинг қулоғига симоб қуйган экан. Узоқ вақт давомида амир касаллигининг сабабини билишмади. Амир Ҳисор ва Қаршига борди, аммо тузалмади. Охирида унинг касаллиги сабабини тахмин қилишди. Ҳа, бу касалликнинг асоратлари бизнинг китобларда ёзилган. Дарҳақиқат мен Бухорода кўп ходисаларни кўрдим, бирор вақт уларни сизга сўзлаб бераман».

... Тошкентда иккита савдогар бўлиб, ҳам руслар, ҳам маҳаллий ахоли орасида катта таъсирга эга. Улардан бири Шарофий деган татар бўлиб, рус аскарлигидан қочиб, бу ерда қарийб қирқ йилдан бери истиқомат қиласади. Уддабуронлиги ва тижорий қобилиятидан улкан маблағга ҳамда русларнинг давридан бурун ҳам савдогар сифатида баобрў мақомга эга бўлган эди. У хон ва унинг саройига яқин одамларга кўп қарз берганидан унинг олдида кўпчилик қарздордир.

... Бошқа бири Саидазим ўткир ва фитначи одам бўлиб, асли тошкентлик, Оренбург ва Троицк<sup>1</sup> савдо-сотиқ мақсадида бўлганида рус тилини ўрганиб олган. Тошкент эгалланганида у Троицкда эди. Қайтганида сарт ва татарларнинг таржимонлари руслар орасида шаҳар аҳли ва улар ўртасидаги воситачи сифатида обрўси баландлигини билиб, у дарҳол ўзини рус расмийлари орасига урди. Ўшандан бери ҳар ёқлама ҳурмат-эҳтиром, хушомад ва ҳатто совбасаломлар воситасида улар билан қулай имкониятлар эвазига битимлар тузган. Катта мол-мулки бўлмаса-да, у зўр дабдаба билан яшар, доимо яхши кийинар, кўркам отда юрарди. У ҳарбийлар билан ҳам тижорий битимлар тузган бўлиб, уларни аниқ адo қиласади, ҳолбуки бунинг учун у ҳиндлардан кўп пул олишга мажбур ва уларнинг олдида қарздор. Мабодо

<sup>1</sup> Троицк – 1743 йилда асос солинган Россия шахри. Осиё мамлакатларидан Европага ўтувчи савдо карвоиnlари йўлида жойлашган. 1750 йилдан ҳар йили май – октябрь ойларида ярмарка ўтиб келган.

миш-мишлар тўри бўлса, маҳаллий аҳоли орасида унинг нуфузи ўта ёмон ҳамда ўнг-сўлига қарамай пора олармиш.

Сайдазимнинг ўрни баъзи муносабатларда ўзига хос. Рус расмийлари унинг маҳаллий аҳоли орасида улкан таъсири мавжудлигига ишонишар ва шунга кўра унга иззат-икром билан муносабат қилас, маҳаллий аҳоли билан боғлиқ ишларда уни ўзларининг вакили этиб тайинлашар, маҳаллий аҳоли томонидан эса у руслар билан яхши битимларга эгалитидан ҳамда уларнинг хифзу ҳимоясида экаилигидан, барча у билан яхши муносабатда бўлар ва расмийлар билан воситачи сифатида ундан фойдаланишарди. Аслида сартларнинг уни кўрарга кўзи йўқ ва агар руслар Тошкентни қачондир ташлаб кетгудек бўлса, халқнинг энг биринчи қиласидан иши уни ўлдириши бўлишини аҳолидан бир неча бор эшилдим.

У ҳар қандай иш бўлмасин аралашар, айтишларича кўплаб ноқонуний ишларга аралашиб, гувоҳлар ва қозиларни сотиб оларди. Маҳаллий аҳоли орасида муҳим бўлган ишларда унинг овози ҳал этувчи қучга эга бўларди.

... Аҳоли Сайдазимнинг томошаларини хуш кўрмас, битта далил билан уни баҳолашарди. Миндан зиёд бекорчи Азимбойнинг боғи яқинида томоша бошланишини ва ичкарига киришга умид қилишиб кутишарди. Сайдазимнинг самимияти сабаби русларнинг Хива юришидан қайтганлиги билан боғлиқ бўлиб, у катта байрам қилиб, томошаш ўйинлар бергани билан ўзининг дини ва одоб-ахлоқини таҳқирлади.

Ўшандан буён унинг ишлари жанжалу фалвадан чиқмаяпти, аммо ҳокимият билан муносабатда улар орасидан ҳали ҳам қил ўтмайди. Сайдазим асли тошкентлик Эшонхўжанинг қизи, Кошғар хони Ёқубхоннинг жиянига уйланмоқчи, аммо қизнинг отаси бунга қаршилик кўрсатган, чунки бир томондан қиз ҳали тўққиз ёшга ҳам тўлмаган, бир томондан эса Сайдазим яхши оиласдан эмас ва яна хўжалар<sup>1</sup> факатгина

<sup>1</sup> *Хўжа* – том маънода, асосан Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ халқлари ўргасидаги ижтимоий табака. Хўжалар сайдиллардан кейинги ўринда турган. Кенг маънода жамиятдаги хукмрон табакалар вакили бўлган. Хўжаларнинг келиб чиқиши ҳакида турли фикрлар мавжуд. Баъзи маълумотларга қараганда, хўжалар дастлабки тўрт халифа – Абу Бакр, Умар, Усмон, Алидан тарқалган дейилса, бошқа манбаларда арабларнинг истилочилик юришиларида бошчилик килган саркардаларнинг насли деб хисобланади. Хўжалар Ислом оқсуяқ табакаси сифатида маълум имтиёзларга эга бўлганлар. Улар кўп холларда ўлим, тан жазоси, урушларда қатнашиш ҳамда солик тўлашдан озод этилганлар. Хўжалар қизини фукарога бериш ман этилган.

хўжалар билан турмуш қуриши мумкин эди. Қизни қўлга киритиш учун Саидазим режа тузди. Қизининг отаси ва дўстлари қозининг аралashiшини сўрашди.

Саидазим ўзи томонидан ҳукуматдаги бир неча ўртоқларининг таъсири билан Эшонхўжага қизини балоғатга етгунча турмушга бермасликка ва сўнгра ўзи хоҳласа унга уйланиш шартини қўйишиди. Бу ўз-ўзидан ажабтовор қарор бўлиб, иш яна узоққа чўзилди. Қиз помидан ши кўрган шахслар орасида Ёқубхоннинг ўели ва мен боя ганириб ўтган Олим ҳожи Юнусов ҳам бор эди. Улар қарорга имзо қўйишидан бош тортишиди ва ноқонуни спифатида унга қарши чиқишиди. Олим ҳожи Юнусов шундан сўнг, жамоат тартибини бузганликда ва Россия маъмурларига қарини сўзлаганликда айбланиб ҳисбга олиниб, Тошкентда биринчи бўлиб (Саидазим иккинчи эди) «Меросий фахрий фуқаро» гувоҳномасига эга бўлишига қарамай жамоат қамонига олиниб, тинтув қилинди. Охир-оқибат барча қарини чиқсан ва шикоятчилар кўз ўнгида судловсиз Сибирь чегарасидаги Лепсига<sup>1</sup> сургун қилинди.

Ёқубхоннинг ўели қўрқанидан Кошғарга қочиб кегди. Эшонхўжага нисбатан бирор нарса топилгудек бўлса, сургун қилишга ҳукм қилинган. Кошғар элчиси Махмуд Ёқубхон 1875 йилда Санкт-Петербургга ташрифи чоғида унинг асосий мақсади шу масалани ҳал этиш, қизни қўлга киритиш бўлиб, айтишича қиз унинг хўжайинининг ўелига унаштирилган экан. Шундан сўнг қиз Кошғарга жўнатилди.

Тошкентнинг рус қисмидаги бош кўча бўйлаб шимолга юрилса, эски шаҳарга келиб қолганингизни сезмай қоласиз. Тўртбурчак, сувоқланган бинолар тугаб, пастак пахса деворлар ва кичик маҳаллий дўконлар бошлангач, қарийб бу ерларнинг бари ўзининг қиёфасини ўзгартирганини хис этиш мумкин. Ўрта Осиёнинг ҳеч бир шаҳри ўзининг ранг-баранглигини асл Тошкентчалик намойиш эта олмайди. Камдан-кам тўғри тушган тартибсиз кўчалардан ўтиб, биз тепаликлардан пастликка, у-бу томонни айланиб, баъзан баланд деворлар ўртасидан, баъзан тепаликдаги масжиднинг ёғочли айвони ёнидан куйига, сўнгра қандайдир жарликнинг четидан, энди эса шиддатли анҳор устидаги пастаккина ёғоч кўприкдан ўтамиз.

<sup>1</sup> Хозирги Қозогистон ҳудудида.

Хар ерда боғлардаги дараҳтлар деворларга энгашиб турар, биз күчани тарқ этиб, йўл бўйлаб чеккада эски ёғоч тегирмон ғилдирагининг айланишга маҳлиё бўлиб, ўзимизни мамлакатнинг қариб бир чеккасидадек ҳис қилдик. Осиё тегирмонлари – ажойиб. Сув кўнол ғилдирак ўқини айлантирас, ўқига мустахкамланган йирик ёғоч тишларда, агар уларни шундай аташ мумкин бўлса, катта тўсинлар бўлиб, ғилдирак ана шу тўсинлардан сирпаниб, тишларни бирмабир айлантирас, болға бошига ўхшаб ясалган бир томони эса пастдаги ҳавозага гумбурлаб тушиб, у ердаги буғдойни янчиб, тайёр ун қиласди.

Баъзан соя-салқин йўлаклари ва тўртбурчак ҳовуз теврагини қоплаган чим устидаги шаҳарлик бекорчилар ўтирган соя-салқин йўлаклари бор бир неча мадрасанинг кенг боғи ичидан кесиб ўтамиз. Мадраса талабалари учун асосан дарсларини мутолаа ва ёд олиш учун ўзларининг хоналари бор. Шаҳарнинг ана шундай алоҳида ажралиб турадиган даҳаларида ёши кекса сартлар осойишта ҳаётгузаронлик қилишиб, шаҳарнинг рус қисмига боришни ҳатто хаёлларига ҳечам келтиришмайди. Айтишларича, бу ерда уларнинг кўпи ҳатто «даҳрийлар»дан бирортасини ҳам кўрмаган экан. Бир неча қадимий бинолар қад кўтарган бўлиб, кўплаб кичикроқ масжидлар вайрон бўлган. Диққатга сазовор ягона Хожа Аҳрор эски масжиди, вайрон бўлган кошинлари ва ғиштили миноралари, айвонлари замонавий *Бекларбеги мадрасаси*<sup>1</sup> бозор юқорисидан салобатли жой эгаллаган. Жойлардаги, асосан, тепаликлардаги бош кўчалар от-увогга қулай бўлсин учун йирик тошлар билан қопланган, аммо юришга анча тўсқинлик қиласди. Қиши ва кузнинг ёғин маҳали бу тошлар йўловчиларнинг қатнови учун фойдали бўлиши табиий, аммо ёз пайтида улар чукурроқ қоришиб, бўғиқ чанг кўтарилади.

Айтишларича, Тошкент деворлари ўн олти мил узунликда бўлиб, бурун ўн иккита дарвозаси бўлган. Шаҳарнинг рус қисмини боғловчи учта дарвоза кейинроқ бузиб ташланган. Девор баъзи жойларida ўн икки-ўн беш фут баландликда бўлиб, мустахкам гуваладан қурилиб, сўнгра сувоқланган,

<sup>1</sup> *Бекларбеги мадрасаси* – Тошкентнинг Эски жўва майдонида мавжуд бўлган мадраса. 1838–1840 йилларда Тошкент ҳокими Лашкар бекларбеги томонидан қурйлган. XX асрнинг 30-йилларида большевиклар динга қараш қураш шиори остида уни бузиб ташлашган.



73

Тошкент манзараси. Бозорлар томи узра Бекларбеги мадрасасининг кўриниши.

дандана (тишли) ва тўплар учун мўлжалланган шинак қисмлардан иборат, тепа қисмига қараганда ости қалинроқ.

Деворнинг ичкарисида тепага томон тахминан ярим йўлда жойларда торгина йўлак ва қурол-яроғ учун майдонча бўлиб, бу ерда аскарлар туриши ва тўпларни жойлаштириш мумкин. Энсизгина кўча деворни уй-жойлардан ажратиб туради. Олти мил бўйлаб шаҳар деворларидан ташқарида боғлар бир неча милга чўзилган. Бу боғларда куюқ дараҳтлар экилган бўлиб, шаҳарни бутунлай қоплаган, ҳолбуки рус истилоси палласи катта зиён кўрган бўлса-да, ҳозир ҳам жуда чиройли. Бир тарафдан ярмарка, парад ҳамда ҳарбийларнинг машқ ўтказишлари учун кесиб ташланган. Бу етмагандай ёқиши учун ўтин мақсадида ҳам кўплаб дараҳтлар йўқ қилиб юборилган. Ҳозирда кўмир жуда қиммат, олис Хўжанддан келтирилади. Арzon ва хуш ёқадигани – мевали боғларни қисқартириш ҳамда шафтоли, ўрик ва гилос дараҳтларни ёқиши бўлиб қолдики, яқинда уларни етказиб бериш танқис бўлиши аниқ. Асрлар оша Ўрта Осиёдаги кўплаб ўрмонлар ва ихота ўрмонлари йўқ қилинган. Афсуски рус мустамлакачилари ўзларининг юртларидагидек ўрмонларга ёв сифатида қарашди. Файриодатий ҳолда ёғочлардан фойдаланишиди. Ҳозирда қарийб ҳаммаси йўқ қилиниб, раҳм-шафқат қилинмаяпти.

Боғлар оша тап-тақир Даشت кўриниб, Сирдарёгача чўзилган, бу ердан қирқ милча узоқда тоғлар кўриниб туради. Дараҳтлари ва боғлари билан қишлоқлар ҳар томонда кўзга ташланиб, ушбу Курама туманидаги аҳолининг ҳаммаси Зарафшон во-дийсидаги каби зич истиқомат қиласи. Улардан бири – Чирчик бўйидаги Кўйлиқ рус ҳокимининг қароргоҳи саналиб, русларнинг хонадонлари билан тўла, бошқаси Нўғайқўронда эски замонларда Россиядан қочиб паноҳ топган ёхуд савдо учун келган татарлар яшайди, холос. Қоплонбекда эса йилқишилик шаклланган бўлиб, асосан Россия маъмурлари учун ёғ етказиб беришга мўлжалланган. Дарвоқе, Туркистонда отларнинг ким ўздисини такомиллаштириш учун факат номигагина хусусий корхона хукумат томонидан иш бошлаган, қозоқлардан олинган 5000 акр<sup>1</sup> ерни 20000 рублга олган бўлиб, ўшандан бери тумандаги ташкил этилган омонат банклари фондидан 15000 рубль кўп маблағ олди.

<sup>1</sup> Акр – инглиз ер ўлчов бирлиги бўлиб, 0,4 гектарга teng.

Бу ердаги тоғлар Чотқол деб аталиб, Ташкентдан таҳминан ўттиз мил узоклиқда ҳамда гүзал маизарали кўриниш касб этган ажойиб қишлоқлар жойлашган. У ерда тоҷиклар истиқомат қилиб, асосан Чотқолнинг юқори қисмидаги во-дийда яшашади. Бу ерда дарё тубидаги улкан тошларга маҳкамлаб қўйилган жўнгина қўпrikлари бор мағтункор кичик Хўжакент шаҳарчаси жойлашган. Тошкентнинг гуллаб-яшнаши тўлиқ сув таъминотига боғлиқ. Тошкент Туркистоннинг энг сувга мўл жойи ҳамдир. Барча обиҳаёт қўшни тоғлардан қуйига оқувчи Чирчик дарёсидан шаҳардан қарийб ўн олти милча юқорида Ниёзбекда дарёни тарқ этувчи Бўзсув канали орқали олинади. Ушбу канал тўртга бўлиниб, улар ҳам ўз тармоқлари билан шаҳарнинг исталган қисмiga сув етказади. Шаҳарнинг рус қисми эҳтиёжи учун янги канал қуришга қарор қилиниб, бу иш маҳоратли саналган маҳаллий аҳолидан сугориш санъатини ўрганмаган рус муҳандисига юклатилди.

Анча пул совуриб, улкан дамба кўтаришиб, зовур ҳам қазишиди. Афсуски ундан бир томчи сув ҳам оқмади ва шутариқа ишдан воз кечишиди.

Шаҳар тўртта даҳага бўлинган: Шайхонтоҳур шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида; Бешёғоч жанубий томонида, ундан кейин шаҳарнинг рус қисми бошланади. Кўкча – фарбий; Себзор эса шимоли-фарбий қисмида жойлашган. Эскидан бу даҳалар алоҳида маҳаллалардан иборат бўлиб, баъзан бир-бирлари билан курашлар олиб борган ҳамда савдо-сотиқнинг ўсиши билан аста-секин улкан бир шаҳарга бирлашган. Мазкур даҳаларнинг ҳар бири ўз оқсоқоли<sup>1</sup> ёхуд ёши улуф миршаббошисига эга бўлиб, бутун бир шаҳар Россия ҳукумати коменданти ёхуд ҳокимига бўйсунади. У шаҳарнинг рус қисми яқинидаги каттакон уйда яшайди. Ҳозирги комендант полковник Мединский<sup>2</sup> генерал Черняев давридан бери Ўрга Осиёда ҳамда ўзи билан ишловчи одамлар хақида тўлиқ маълумотга эга ва туркий тилни жуда яхши тушунганидан қобилиятсиз таржимонларга иши тушмаслигининг чорасини кўрган. Ҳоким

<sup>1</sup> Оқсоқол – XX аср бошларига қадар Ўрта Осиё ҳудудида бир неча маҳалла ёки қишлоққа бошлиқ, мутасадди бўлган маҳаллий амалдор.

<sup>2</sup> Мединский Виктор Юлианович (1837–1908) – Авлиёота уезди бошлиги (1867–1869), Тошкент шаҳрининг ҳарбий бошлиғи (1869–1877), Марғилон уезди бошлиги (1878–1879), Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори ёрдамчиси (1879–1895), 1899–1905 йилларда Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори бўлган.

ва унинг яқин ёрдамчиларидан ташқари, шаҳарнинг зобитлари саналган барча амалдор ва мишлоблар ҳам маҳаллий аҳоли вакилларидир. Тартиб-қоида ва хукумат яхшилиги таҳсинга лойиқ. Жиноятчилик камдан-кам, кўпроқ ўғрилик учрайди. Тошкентнинг исталган кисмида туннинг исталган соатида пиёда ёки отда озгина хавфу хатарга дуч келмасдан бемалол юриш мумкин. Ҳатто сизга шилқимлик ёки ножоиз сўз килувчи одамни ҳам учратмайсиз.

Тўланаётган солиқлар ҳисобига шаҳарнинг харажатлари жадал ўсмокда. Солиқлар бу ерда тўрт хил: ер, тош-тарози, земский ва жамоат солиғи. Ер солиғи эски хирож<sup>1</sup> ва таноб<sup>2</sup> ўрнини босувчи, шаҳар теварагидаги кўплаб боғлар ва буғдой далаларидан ундирилиб, қарийб, 22000 рублни ташкил этиб, хукуматга кетади.


Тош-тарози солиғи бозорлардаги тартиб-қоидани номигагина сақлаш учун бўлиб, миқдори 7000 рублга яқинни ташкил қиласди. Земский солиғи йўллар, кўприклар ва ҳоказоларни таъмирлаш учун ҳар бир хонадон ва уловдан 75 копейк ундирилиб, қарийб 11000 рубль бўлади. Хонадонлар сони 14222 тани, ўтовлар эса 300 тани ташкил этади. Жамоат солиғи шаҳар харажатлари учун мўлжалланган бўлиб, сумманинг чораги шаҳарнинг ҳар бир даҳа аҳолисидан ундирилиб, маҳаллий расмийларга сарфланади.

Бу солик 1874 йилда 86000 рублдан ошиб кетиб, бошқа солиқларни ҳисоблаганда ҳар бир бошга (кишига) 3,04 рублдан солик тушади. 1868 йилда 16000 рублгина бўлган бу солик йил сайин ошмокда. Солиқлар ундирилганда ҳеч қандай тилхат берилмаганидан алдов ва тамагарлик эшиклари кенг очиб қўйилган.

Тошкент аҳолисининг сонини мутлақо тўғри аниқлаш мушкул, синчиклаб ва аниқ ҳисоб олиб борилмаган. Масжидларнинг сони 300 та; одатдаги ҳисоб-китобга кўра, ҳар бир масжидга ўттиздан элликка қадар хонадон тўғри кела-

<sup>1</sup> Хирож – Якин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда давлат томонидан ундирилган ер солиғи. Хирож араблар томонидан жорий килинган. Хива ва Кўкон хонликларида ҳамда Бухоро амирлигига хирож йиғиш учун ҳар бир вилоятга саркор, девонбеги ва котиб сайланган. Кўкон хонлигига солик Бухоро ва Хивага қараганда кўпроқ бўлган. Асосийси дехкончилик маҳсулотларидан олинадиган хирож бўлган.

<sup>2</sup> Таноб – Ўрта Осиё хонликларида экин майдонини ўлчаш учун ишлатиладиган юза бирлиги. 1 таноб 3600 м.кв.га тенг. Бир таноб ердан олинган соликка нисбатан ҳам таноб сўзи ишлатилган.



Тошкентдаги масжидли куча.

ди. Ҳар бир хонадонда беш нафар киши истиқомат қилса, аҳоли 60000 кишини ташкил этади. Бу ҳисоб менга жуда кам туюлди. Тошкентда беш кишидан кўп бўлмаган хонадонлар сони жуда кам ва шаҳарни яхши биладиган кишилар унинг аҳолиси тахминан 120000 кишидан иборат дейди. Бу тўғрирок кўринади. Солиқ мажбуриятларига тортилган аҳоли 41799 та ёки ҳар бир уйда уч кишидан кам эмас. Солиқларга доир *расмий* ҳисботларда фақат шу рақам берилади.

Тошкент аҳолисининг асосий қисмини ўзбеклар, шу билан бирга тоҷиклар, маълум микдорда татар, кирғиз (қозоқ), ҳиндлар ва бошқалар ташкил этади. Туркистоннинг бошқа жойларидаги каби бу ердаги маҳаллий аҳоли ҳам сартлар номи билан маълум, аммо бу ном этнологик аҳамият касб этмайди. Буни биринчилардан бўлиб жаноб Шоу<sup>1</sup> кўрсатиб ўтган.

Маҳаллий аҳолига кўра, мамлакатнинг барча аҳолиси икки синфга – ўтрок ва кўчманчиларга бўлинади. Кўчманчилар деб аввал кўрсатиб ўтганимдек, қозоқлар, кўчманчи ёхуд дарбадар кезувчига айтишади. Ўтрок аҳоли эса сартлар номи билан айтилади. Агар жаноб Лерхнинг назарияси тўғри бўлса, сарт фақатгина шаҳар аҳолисинигина англатади. Аҳамиятлиси шундаки, ўтган муаррихлар дастлаб сарт сўзини Сирдарё водийсининг деярли барча аҳолисига нисбатан қўллашган. Гарчанд Кошгар, Кўқон ва Хивага қадар тарқалган бўлса-да, Бухоро ёки Самарқандда улар маълум бўлмаган. Абулғозий<sup>2</sup> сартлар ўтрок яшовчилар сифатида унинг мамлакати – Хивада истиқомат қилиб келишини ёзган.

Ўзбеклар туркий қабилаларнинг авлодлари бўлиб, турли даврларда Чингизхондан<sup>3</sup> бурун ва ундан кейин Осиёнинг

<sup>1</sup> Шоу, Роберт Баркли (1839–1879) – британиялик тадқиқотчи ва дипломат. Инглизлардан бириичи бўлиб Шаркий Туркистонга ташриф буориб, маҳаллий йўлбошчилар билан яхши муносабат ўрнатган. Кейинроқ ушбу худудга жўнатилган дипломатик экспедициянинг аъзоси бўлган.

<sup>2</sup> Абулғозий Баҳодирхон (1603–1663) – Хива хони (1643–1664), шайбонийлар сулоласидан, тарихчи ва табиб. Абулғозийнинг «Шажарайи тарокима» ва «Шажарайи турк» асарлари Ўзбекистон, умуман Ўрта Осиё тарихига оид қимматли манбалардан ҳисобланади. Шунингдек, тиб илмига оид «Манофиъул инсон» («Инсонга фойдали нарсалар») номли асар ҳам ёзган.

<sup>3</sup> Чингизхон (асл исми Темучин) (такминан 1155–1227) – мўгуллар давлати асосчиси, саркарда. Минг кишилик шахсий гвардия ҳамда юз минг жангчидан иборат отлиқ армияни шакллантирган Чингизхон Сибирдаги бир неча қабила ва элатларни (1207), Шимолий Хитойни (1211–1215), Ўрта Осиёни (1219–1221), Хурсон, Эронни (1221–1224) ўз тасарруфига киритади. 1224 йилда Чингизхон Мўгуллар давлатини тўрут ўғли – Жўжи, Чигатой, Ўқтой ва Тулиларга тақсимлаб берган.

ушбу қисмига кўчиб келганлар. Уларнинг номи ўз ва бекдан олинган бўлиб «мустақил» ёхуд «эркин» маъносини билдиради. Уларнинг келиб чиқишини худди XV асрда шаклланган қирғиз-қипчоқларга ўхшаб, ана шу эркин конфедерацияларнинг биридан излаш лозим. Шу тарзи аввалги буюк уруғлар номлари (худди найман каби) ҳозиргача ўзбек уруғларининг номи сифатида сакланиб қолган. Замонавий Тошкент ва Бухородагиларнинг фикрича, ўзбеклар тўқсон иккита уруғ ёки сулолага бўлинади. Ҳар бир уруғ бир қанча тармоқ ва тармоқчаларга эга, аммо уларнинг кўни вакт ўтиши билан ўзига хос сулолалар сифатида бирлашишган. Учта турли уруғларнинг қўшилишидан юз минг қирқ уруғи пайдо бўлганидек, байзи ҳолларда янги уруғлар шаклланган.

... Асосий уруғлардан саналган минглар (Кўконнинг сўнгги хони шу уруғдан) Ургут ва Самарқанднинг жануби-шарқидаги тоғларда истиқомат қилишади. Манғитлар (Бухоро амири шу уруғ вакили) Карши атрофларида, шу билан бирга Самарқанд яқинларида, Шахрисабзда эса кенагаслар, юз, қирқ, қипчоқ, хитой, кўнғирот ва ҳоказолар яшашади.

Қозоқлар ҳам аввал баён қилганимдек, ўзбеклар сингари уруғларга бўлинади. Шунингдек, қорақалпоклар ҳам. Уларнинг кўпи Хивага яқин Амударё бўйларида жойлашган бўлиб, бир қисми Самарқанд яқинида яшаб, ўзларини ўзбек уруғларига боғлиқ деб ҳисоблашади.

... Ўзбек – узун бўйли, озғин, сийрак соқолли, кенг ва қатъий юзли. У ўзининг юриш-туриши ва кийинишида оддий, тожик эса ўзининг ташки кўринишига эътибор, зебзийнат беришга мойил.

... Бироқ улар ўртасидаги аралаш никоҳ кам эмас. Тожиклар ўзбеклар сингари ўз уруғи билан фахрланмай, камдан-кам ҳолларда тожик эканлигини айтишади. Ким эканлигини сўраганингизда вазиятга қараб «Мен тошкентликман», «Хўжандданман», «самарқандликман», дейди. Ўзбек эса «Мен ўзбекнинг жалойир уруғиданман», дейди.

... Европалик кўплаб олимларнинг фикрича, бу ерда туркӣ тилнинг чигатой лаҳжасида сўзлашилади. Ўрта Осиёда ўзини ана шу (туркӣ – З. С.) ном билан атовчи озроқ уруғ ҳам бор. Қайси тилда гаплашаётганини сўраганингизда маҳаллий аҳоли ёки «туркийда сўзлашаяпман», ёхуд «ўзбек тилида», деб жавоб беришади.



Ўзбек.

... Россиянинг Туркистон ўлкасидаги барча аҳолиси тахминан 1600000 кишини ташкил этиб, уларнинг 1000000 тасини кўчманчилар ташкил этади. Тожиклар ва ўзбеклардан ташқари бошқа миллатлар ҳам бор. Мисол учун, кўплаб эронийлар дастлаб Эрондан асир сифатида келтирилган. Уларнинг авлодлари ва бошқалар бир қанча урушлар натижасида мажбурий равишда мустамлака этиб келтирилган. Мисол учун, Марвда яшовчи эронийлар хозирда Самарқанд туманига жойлашган.

Бу ерда яна кам сонли араблар бўлиб, Каттақўрғон атрофлари, Карши яқини, Амударё бўйидаги Кўкартлида яшашади. Каттақўрғон яқинида тожик ва туркий тилларда сўзлашишади. Колганлари арабчани ёмон ва бузиб гапиришади. Уларнинг бу ерларга келиб қолганига доир иккита афсона бор. Бири – улар мамлакатга Ислом динини куч билан мажбурий олиб кирган арабларнинг авлодлари. Бунга араб-



Тожик.

ларнинг ўзлари ҳам ишонишади. Бошқалари бу ерга ғарбий мамлакатларни истило этган Темур томонидан кўчириб келтирилган. Бу ердаги араблар ипак ва пахтадан газмоллар йигириб, аъло навли гиламлар тўқишишади. Зарафшон туманидаги арабларнинг сони қарийб 2000 оилани ташкил этади.

Ўрта Осиёning ҳар бир шаҳри, ҳатто кичикроқ шаҳарчаларида ҳам кўплаб яҳудий ва ҳиндлар бўлиб, мамлакатда узок асрлардан буён истиқомат қилиб келишишади. Ҳиндлар Шикарпур<sup>1</sup> атрофларидан вақтингчалик савдо-сотик мақсадларида келиб қолишган. Бу ерлардаги шаҳарларда вақти-вақти билан, аҳоли биздаги каби лўли деб атайдиган-

<sup>1</sup> Шикарпур – ҳозирда Покистон, Ю. Скайлер саёҳати даврида эса Британия мустамлакаси хисобланган Ҳиндистон шаҳри саналган. Шаҳар XII асрдан боиляб карвон йўллари бўйидаги йирик савдо марказига айланган. Шикарпурнинг савдо алоқалари Женева, Рим, Ирок, Самарқанд, Тошкент, Япониягача ёйилган. Шу сабабли уни Шарқий Париж деб ҳам аталиган.

ларни ҳам кўриш мумкин. Лўлиларнинг аёллари фол кўришиб, касалларни даволаш, баъзан савдо-сотиқ билан ҳам шуғулланишади. Эркаклари эса жаллоблик<sup>1</sup> қилиб, ҳовуз ва ариқлардан тўплаб сотадиган зулук бобида эса деярли улардан ўтадигани йўқ.

Буларга алоқадор яна иккита элат бўлиб, улардан бири Жўжи, ҳар ҳолда Ислом динига эътиқод қилмайдигани, асли Кофиристондан<sup>2</sup>; Мозанг деганлари эса бир неча урвоқцина қишлоқларда жойлашган, дехқончилик билан шуғулланади. Ҳолбуки, аёллари мамлакатни бошдан-оёқ кезиб, майда-чуйдалар билан кўтармачилик<sup>3</sup> қилишади.

Лўлилар аксинча, кўчманчи, ҳар ерда бор. Сиртдан уларнинг барчаси мусулмондек, бироқ бирор-бир дуони ёдаки қайтариш имкониятига буткул иккиланасан киши. Улар диний қонун-қоидаларга эътиборсизлик билан қарашади. Яна бу ерда бошқа бир кичикроқ, ғалати халқ ҳам борлигини эслатиб ўтишим шарт. Улар Анди деб аталиб, Чимкент ва Авлиёота орасидаги иккинчи почта бекати – Машҳад ва унга қўшни яна учта қишлоқ аҳолиси саналади. Улар туркий лаҳжада сўзлашиб, аёлларининг очиқ юришига рухсат беришган, бир-бирлари билангина ўзаро никоҳдан ўтишиб, ўзларини Анди деб аташларини хоҳламасликларидан, афтидан келиб чиқишидан ор қилишади.

Ўрта Осиёнинг таҳликали даврларига оид тарихий хужжатларда Тошкент тарихи, гарчи улар кам бўлса-да, кўпроқ ноаниқликларга тўла. Ваҳолаики айтишларича, Тошкентнинг тарихий солномаси мавжуд, аммо унга европаликлардан ҳали ҳеч кимнинг кўзи тушмаган. Шаҳар ўзининг ҳозирги ўрнида, эҳтимол, жануби-ғарбга томон йигирма беш мил узокда, эндиликда Эски Тошкент деб аталадиган, «Шоҳнома»да<sup>4</sup> ва ҳатто ундан аввалроқ VII асрда хитойлик сайёх Сюань

<sup>1</sup> Жаллоб – савдогар, олиб-сотар. Асосан, чорва моллари, шунингдек, тую ва ийлки билан савдо қилган.

<sup>2</sup> Кофиристон – ҳозирги Нуристон вилояти (Афғонистоннинг шарқида) ва қўшни Покистон ҳудуди бир қисмининг тарихий номланиши. 1886 йилга қадар Афғонистондан мустакил бўлган.

<sup>3</sup> Кўтармачи – ўтмишда кўчама-кўча, қишлоқма-қишлоқ юриб савдо қилувчи.

<sup>4</sup> Бу ерда Абулқосим Фирдавсийнинг (935–1020) 50 подшохликдан иборат 4 та сулола мисолида Эрон ва Турон халқларининг қарийб тўрт минг йиллик тарихи юксак маҳорат билан қаламга олинган 60 минг байтдан иборат «Шоҳнома» асари назарда тутилган.

Цзан<sup>1</sup> томонидан эслатилган Чоч ва Шош номлари билан машхур бўлган жойда жойлашган. Араб муаррихлари учун бу номни талаффуз қилиш ва ёзиш мушкуллигидан, кейинчалик у Шош номи билан ўзгартирилган. Тошкентнинг хозирги номи эҳтимол кўчманчи туркий қабилалардан келиб чиқсан бўлиб, кўчманчи қабилалар мамлакатга келганда, Шош номи улар учун ҳеч бир маънени англатмаганидан, уни *Тош* деб ўзгартирдилар. Кент сўзи форсчада «шаҳар» маъносини билдиради.

Мовароуннахр чегараларида жойлашган Чоч ёки Тошкент катта ва бой шаҳар бўлиб, баъзан Бухоро ва Самарқанд ҳукмронлигига ва баъзан узок вақт пойтахти Боласофун бўлган шимоли-шарқдаги туркий қабилаларга қарашли бўлган. Бу ҳукмронлик Чингизхон томонидан ағдарилгач, Тошкент унинг ҳукмронлигига ўтиб, ўғли Чигатой<sup>2</sup> ҳамда унинг меросхўрлари Тошкентни кўшни давлатлар билан бирга бошкарсан. Шаҳарнинг Темур ва унинг ворислари ҳукмронлиги даври эса Шайбонийхон томонидан фатҳ қилингунга қадар давом этди.

1598 йилда у Самарқанд ва Бухоронинг сўнгги буюк ҳукмдори Абдуллахондан кучининг устун келганлиги боис, қозоқ хонлари томонидан кўлга киритилди. Қозоқлар худуд ва қўшни вилоятга эгаликни 1723 йилга қадар, яъни ўз мустамлакаларини кенгайтираётган Жунғория ҳокими Галдан-Цэрэн<sup>3</sup> томонидан олингунга қадар саклаб қолди. Бу сулола 1769 йилда ҳокимиятдан ағдарилди ва Кўқон хони Олимхон томонидан ишғол қилингунга қадар, эҳтимол ўша даврдан бошлаб, Тошкент беклиги ярим мустақил сифатида Бухоро ҳукмронлигига ўз содиқлигини саклаб турди.

Кўқон Бухоро томонидан бўйсундирилган қисқа даврни ҳисобга олмаганда Тошкент руслар томонидан эгаллангун-

<sup>1</sup> Сюань Цзан (602–664) – хитойлик буддавий монах, олим, файласуф, сайёх ҳамда Тан сулоласи даврининг таржимони. Хиндистонга 17 йиллик саёхати билан машхур. Хитой императорининг тошириғи билан 646 йилда «Буюк Тан сулоласи [даври]да Фарбий ўлкага саёҳат» номли китобини ёзган. У дунёниг кўплаб тилларига, шу жумладан рус тилига ҳам таржима қилинган.

<sup>2</sup> Чигатой, Чигатайхон (1185–1242) – Чигатой улуси ҳукмдори (1224–1242). Чингизхоннинг иккинчи ўғли. 1224 йилда Чингизхон мӯгуллар забт этган ерларни ўғилларига мулк тарзида таксимлаб берган. Шарқда найман қабилалари яшайдиган Олтойдан ғарбда Жайхун (Амударё)гача, Фулжадан Самарқанд, Бухорогача бўлган худудлар Чигатойга теккан.

<sup>3</sup> Галдан-Цэрэн (Эрдэни-Батур-хунтайжи II) (1693?–1745) – Жунғориянинг IV ҳукмдори. Чорос уруғидан. Хитойнинг Цин сулоласига қарши курашлар олиб борган.

га қадар, мудом Кўқон учун катта рақиб ва исёнга тайёр турган бўлса-да, Кўқон мулки бўлиб қолди. Ҳақиқатан, у баъзан ҳукумат қароргоҳи ҳам эди.

Тошкентнинг ўз ихтиёрида бўлган кичик куч ҳисобига генерал Черняев томонидан эгалланиши Россиянинг Ўрта Осиёни истило тарихидаги энг муҳим воқеалардан бири ҳисобланади. 1864 йил октябрда Чимкент қўлга киритилгандан сўнг дарҳол, генерал Черняев Тошкент қушбегиси Чимкентда ўлган, Тошкентнинг кўплаб гарнizonи тортиб олинган ва шаҳарни битта кутилмаган хужум билан олиш мумкин деб ўйлаган эди. Ана шунга аввалдан ишониб, у қатъий ҳаракат билан 15 октябрь куни замбарагу қуролларни ҳаракатга келтириб, хужумга буйруқ берди. У кутгандан кўра шаҳар ўзини анча кучли ҳимоя қилди. Ўн олти кишиси ўлдирилди ва олтмиш икки кишисини ярадор қилиб, йўқотишлар билан Чимкентга қайтди.

Кўқон қўшинлари тез орада Туркистон шахри томон юрди, лекин Икандаги<sup>1</sup> шиддатли жанглардан кейин чекинишга мажбур бўлди. Русларнинг ғалабаларидан ташвишланган Бухоро амири Тошкентга эгалик қилиш ва уни русларнинг қўлига ўтиб қолишининг олдини олиш мақсадида Ўратепа яқинида қўшин тўплаётган эди.

Муваққат хон Алимқул зулми остида азият чекаётган Тошкент аҳолиси Кўқон ҳукмдорларига нисбатан унчалик яхши муносабатда эмас эди. Генерал Черняев улар Бухоро томонга оғиб кетиши мумкин деб қўрқар ва бунинг олдини олиш учун баъзи чора-тадбирларни қабул қилиш зарур деб ҳисобларди. У шунга кўра, Тошкентнинг шимоли-шарқидаги ўн олти милдан ошиқ масофада, Чирчик дарёси бўйида жойлашган, Тошкент сув таъминотини назорат қилувчи Ниёзбек кичик қалъасига хужум қилиб, уни эгаллади. Ва шу тариқа шаҳарнинг қайсиdir маънода мурватини боғлаб қўйди. Тошкентнинг тинч қисми русларга нисбатан ижобий муносабатда бўлса-да, лекин ҳали уни очиқ намоён этишга қодир эмас эди. Генерал Черняев шаҳардан олти мил узоқдаги жойга кўчиб, шимоли-шарқий қисмини разведка (айғоқчилик) қилди ҳамда ўша пайтда рус партизанлари

<sup>1</sup> Икан – ҳозирги Қозогистонининг Туркистон шахридан 20 км узоқликдаги аҳоли маскани.

гарнizonга ҳужум қилишиб ва шаҳар дарвозаларини очишлари шарт деган тўхтамга келди. Лекин айнан шу куни Кўқоннинг муваққат ҳокими мулла Алимқул 6000 кишилик ва қирқ замбаракли лашкари билан шаҳарга кириб келди. Эртаси куни, 21 майда, Алимқул 7000 кишилик қўшини билан руслар лагери устига ҳужум қилди, лекин қақшатқич жанглардан кейин шаҳар деворларига қадар улоқтирилиб, улар ўша ерда паноҳ топишиди. Руслар ўша пайтда ҳужум қилиш маъқул эмас деб ҳисоблашиди.

Бу урушда руслардан йигирма ярадор ва талафот кўрганлар бор ва душман 300 дан ортиқ одамини йўқотган эди. Тез орада улар орасида Алимқулнинг ўзи ҳам борлиги маълум бўлди. Алимқулнинг ўлими нафақат Тошкентда, балки бутун Кўқонда катта шов-шув бўлди.

... Амир томонидан юборилган ҳар қандай ёрдамнинг олдини олиш ва аҳолига ҳар қандай қаршилик фойдасиз эканлигини кўрсатиш учун генерал Черняев ўз кучларини Сирдарё бўйлаб паром билан Чиноз қалъаси йўналиши бўйича кўчирди, аммо у жойдан ҳали ўн икки милча узоқликда экан, оқсоқол келиб, дарё бўйлаб гарнizon қочиб қолгани ва паром вайрон қилингани ҳақида хабар қилди. Сўнгра Чинозни босиб олиш учун фақат кичикроқ куч жўнатилди ва генерал Черняев Тошкент деворларидан уч мил узоқда Бухоро йўлида вазиятни қўлга олиш учун қайтди.

Шаҳар аҳолиси сувсизликдан қаттиқ азоб чекар, биргина булоқ шаҳарнинг сувга бўлган эҳтиёжини таъминлай олмасди. Шаҳарликларда етилган маккажўхорини ўриш ва чорвалирини боқиш учун атрофдаги боғ ва далаларга гуруҳларини юбориш одати бор эди. Улар тез-тез Россия ҳужумларидан азият чекар ва чорва моллари тортиб олинарди. Уларнинг ёлғиз умиди амирдан бўлиб, у ёрдам беришни рад этмади, бироқ ёш хон – Сайд Султонни унинг ҳузурига гаров сифатида юборилишини талаб қилган эди. Мазкур махфий ҳабарни эшитгандан сўнг хон бевосита ўзининг 200 та издоши билан 21 июнь тунда қочиб қолди. Ҳудди шу вақтнинг ўзида Эшонбек бошчилигидаги бухороликларнинг кичик қўшини Тошкентга кириб, шаҳар қўмондонлигини қўлга олди. Амир кучлари ҳам Сирдарё бўйлаб турли нуқталарда ўзларини намоён қила бошлади. 100000 дан зиёд аҳолини қамраб олган ва деворларининг айланаси ўн олти мил бўлган шаҳарни

қамал қилиш расман мумкин эмас эди. Шаҳардан чекиниш ва уни бухороликлар томонидан эгаллаб олинишига йўл қўйиб бериш Россия сиёсати учун ҳалокатли саналиб, бундан ташқари генерал Черняевнинг бор-йўғи 2000 та одами ва ўн икки замбараги бор пайтда амирнинг кучли лашқари билан жанг қилиш хавфли эди. Ниҳоят, шаҳарнинг энг юқори қисмига элтувчи ва айланасига шаҳарни кўлга олиш имконини берувчи Камолон дарвозасида 27 июнь куни эрта тонгда белгиланган ҳужум ҳаракатига ўтишга қарор қилинди. Соат учда капитан (хозир генерал-майор) Абрамов<sup>1</sup> бошчилигидаги ҳужумкор отряд шаҳар деворларига муваффақиятли ҳужум бошлади. Улар турли нуқталардан очилган артиллерия олови тўхтагандан сўнг, кузатув отрядини ҳайратда қолдириб дарвозаларни очди. Абрамов шаҳар девори бўйлаб олти мил йўл юриб, унинг асосий қисмига олиб борувчи ва рус партизанлари тахмин қилган Корасарой дарвозасига йўл олди. Майор Делакроа<sup>2</sup> бир вақтнинг ўзида Кўқон дарвозасидан кирди ва қалъанинг ўша қисмини эгаллаб олди.

Ўша куни давомида яхши натижага эришиш учун армия бозорнинг турли хил кўчаларини ишғол қилди. Ҳар қадамда тўсиқ (баррикада)ларга дуч келиб, аскар ва бошқаларнинг кучли қаршилигидан сақланиш учун боғлар ва уйларга ўрнашдилар. Тунда ҳаммаси осойишта кўринар, аммо эртаси – 28-куни эрталаб ҳамма кучлар душманинг қуролларини тўплашга ва аркни портлатиш учун жўнатилганда ҳамма жойда аравалар ва дараҳтлардан тўсиқлар курилиб, тўстўполон яна авжига чиқди. Аввало бу ҳудудни тозалаш ва кун бўйи давом этган жангни тўхтатиш учун керак эди. Ниҳоят кечкурун хабарчилар келиб тўртга бўлиниб, шаҳарни эрталабгача ўраб олишни айтишди. Белгиланган вақтда оқсоқоллар ва шаҳарнинг баобрў вакилларидан иборат гурухи келиб, шаҳар тезда кўлга киритилди. Тартиб-

<sup>1</sup> Абрамов Александр Константинович (1836–1886) – рус генерали. Россия империясининг Туркистонга уюштирган ҳарбий юришлари катнашчиси. 1862 йилдан жанговар хизматини Урта Осиёда давом эттирган. Пишиак, Авлиёта, Чимкент, Чиноз ва Тошкентни эгаллашда, 1868 йил баҳорида Чўпонота тепалигига Самарқандни ишғол этишда иштирок этган. Ўша йили Зарафшон округи бошлиги, 1877 йилнинг марта мартида эса Фарғона вилояти бошлиги этиб тайинланган.

<sup>2</sup> Делакроа – Тошкентни истило этишда иштирок этган империя ҳарбийларидан бири.

интизомни жорий әтишга буйруқ берилди. Отишмалар тугади ва бошқа бўлмади. Химоячиларнинг сони тахминан 300000 та бўлиб, 5000 отлик аскар қочиб қолди. Уларни 39 нафар казак Чирчик дарёси бўйигача таъқиб қилиб борди. Сўнгра отликлар мағлуб бўлиб, ўзларини сувга отишди. Ўлжалар орасида 16 та йирик байроқ, 63 замбарак, 72000 фунт<sup>1</sup> порох кукуни бор эди. Руслардан 25 таси ўлдирилди ва 117 таси яраланди. Шаҳарнинг мўътадил қисми генерал Черняевга тартибни сақлаш борасида ташвишланаётганиларини билдириб, шаҳар эгаллангандан бир неча кун ўтгач, қатъий буйруқлардан иборат билдиригига имзо қўйиши сўрашди. Бу билдириги Россия императори томонидан билдирилган катта ваъдалар ва шарт-шароитлар қайд әтилгани боис мусулмонлар учун ажабланарли эди.

Ушбу билдириги туркий тилда Тошкентнинг нуфузли мусулмонлари томонидан, уларнинг ташабbusи билан ёзилган бўлиб, жуда қизиқарли, шунинг учун уни бошдан охиригача келтиряпман: «Улуг оқ подшо ва унинг лейтенанти губернатор Искандар Черняев (бу хушомад Буюк Александрга нисбат этиб берилган, унинг асл исми Михаил) буйруғига биноан, биз Тошкент шаҳри ахолисига шуни баён қиласизки, улар ҳар бир ишда қодир Аллоҳнинг амрига, Мухаммаднинг (Аллоҳ унинг авлодларини ёрлақасин) дини шариатига, у ўргатган қонун-қоидаларга бўйсуниб, заррача ҳам улардан айри бўлмасинлар. Барча имкони қадар мамлакатнинг устуњлиги ва фойдасига ҳаракат қиласинлар. Барчага, улар белгиланган вақтдан соат ҳам, дақиқа ҳам ўтказмай, бир кунда беш маҳал ибодатларини қилишларига изн берилсин. Муллаларга доимий равишда ўз мактабларига бориб мусулмон қонун-қоидаларини ўқитишларига имкон берилсин ва ўзларининг ўқувчиларининг вақтини бир соат ёхуд дақиқага бекорга сарфламасинлар. Болалар дарсларини бир соатга ҳам колдирмасинлар ва мударрислар болаларни мактабга жамлашга ҳаракат қиласинларки, болаларнинг вақтлари бескорчилик билан ўтмасин ва зарур ҳолларда уларни ўқитиш йўлида қатъий чоралар, ҳатто калтаклашни йўлга қўйисинлар. Ота-оналари чорасиз бўлсалар, бу ҳақда тегишинча Ислом

<sup>1</sup> Фунт (лотинча – вазн, оғирлик) – инглиз ўлчов тизимида асосий бирлик. 1 фунт савдода 0,4 кг, дорихонада эса 0,3 кг га teng деб қабул қилинган.

шариатига кўра шаҳарнинг бошлиғи раисга<sup>1</sup> ёки қозикалон<sup>2</sup> хузурига келсинлар ва дурустгина жазолансинлар. Мамлакат аҳолиси ўзларининг машғулотлари билан шуғуллансанлар. Халқ бозорларга ўз молларини келтирсанлар, вақтларини беҳудага ўтказмасинлар. Ҳар бир киши ўзининг шахсий иши билан шуғуллансан. Ҳеч ким кўчага чиқариб ташланмасин ва ҳар ким тоза бўлиб юрсин. Сизнинг Ислом динингиз бўза ва виски ичишни, қимор ўйинларини ўйнаш ёхуд ахлоқсиз бўлишни тақиқлайди. Шу сабабли огоҳ бўлинг, диний қонун-қоидаларга қарама-қарши бўлган нарсалардан йироқ сақланинг.

Бунда тош-тарози, савдо ва ҳоказоларнинг тартиблари-га ипидан иғнасига қадар риоя этинг. Тошкентнинг барча аҳолиси, хоҳ бой, хоҳ факир бўлсин, юқорида айтилганларга тўлиқ риоя этишга мажбурдирлар. Сизнинг ихтиёргиздаги уй-жойлар, боғлар, далалар, ерлар ва сув тегирмонлари сизнинг мол-мулкингиз бўлиб қолади.

Аскарлар сиздан ҳеч бир нарсани тортиб олмайдилар. Сизлар рус казаклигига олинмагайсиз. Аскарлар сизларнинг хонадонларингизга жойлаштирилмайди. Ҳеч ким хизмат юзасидан сизнинг ҳовлиларингизга кирмайди. Агар кирсалар, дарҳол бизга хабар беринг, жазога тортгаймиз. Оқ подшо сизга буюк эзгулик намойиш этдики, шу боис унинг саломатлиги учун ибодат қилишга мажбурдирсизлар. Кимки бирорни ўлдирса ёки савдогарни таласа, у Россия қонунларига кўра хукм қилинади. Кимки ўз жонига қасд қилса, шариатга кўра унинг мол-мулки меросхўрига ўтади. Биз мол-мулкни ўзлаштирамиз. Ҳукумат ерларнинг ҳосилидан ўндан бир қисмини олгай. Мен, губернатор Искандар Черняев бу йил учун баҳридан ўтгай, аммо кейинчалик улуғ оқ подшонинг сизга яна ҳам улкан шахсий эзгулигини намойиш этиш истагига кўра амалга оширамиз. 1282, сафар ойининг 6-куни (1865 йил 2 июль)».

<sup>1</sup> Раис – аввалги мухтасиб лавозимиға тўғри келиб, XIX – XX асрларда Бухорода мухтасиб раис деб ҳам аталган. У аҳолининг мусулмон коида ва урфодатларига амал қилиши ҳамда бозорлардаги нарх-наво, ўлчов асбобларининг тўғрилиги устидан назорат қилиб турган.

<sup>2</sup> Қозикалон – энг юқори даражадаги қози бўлиб, маълум худуддаги ҳамма қозилар устидан назорат қилган.

## **ТОШКЕНТДА МУСУЛМОН ҲАЁТИ**

*Савдогарнинг уйи – Учинг жиҳозлари –  
Мусулмон диндорлари – Кийим-бош – Таомлар –  
Ичимликлар – Миллий ўйинлар –  
Спорт билан шугулланиши – Лочинлар – Отлар –  
Транспорт воситалари – Куй-қўшиқ –  
Мусиқий асбоблар – Аёллар рақси – Зангиота байрами –  
Кекса дарахтларга сажда қилиши – Хатна қилиши –  
Никоҳ – Тўй зиёфатлари – Ажрашиши –  
Сартларнинг хасталиклари – Вабо – Паразитлар –  
Дори-дармонлар – Дафи маросимлари – Мотам –  
Осиёнинг Россияга таъсири – Ислом –  
Турли мазҳаблар – Масжидлар ва ибодат –  
Диний тариқатлар – Жаҳрия зикрларига ташриф –  
Таълим – Бошлиғич мактаблар – Мадрасалар –  
Уларнинг тайёргарлиги ва машгулотлари – Козилар –  
Кўчманчи ва ўтрок аҳолининг маҳаллий судлари –  
Мусулмон ҳуқуқи*

Кўплаб таниш-билишларим орқали Тошкентдаги мусулмон хаётига тезда кириб бориш имконига эга бўлдим. Бунинг учун тез-тез ташрифларга олиб кетилиб, кичикроқ қабулларга чақириб турилдим ёхуд оқшомлари чойхўрлик ва *половхўрликка* бориб турдим. Бу каби кўнгилхушлик ва қабуллар бир-бирига жуда ўхшаш, аммо келинг Дадамухаммад билан бирга ўтказган оқшомни мисол қилиб олайлик.

Бозор ичидан пастга томон, тепаликдан жуда тор ва араваларга мутлақ мўлжалланмаган, йирик, ўткир тош билан тўла кўчага қайрилдик. Бироздан сўнг бошқа бир тор, узун чўзилган, уйларининг барчаси лой деворли, бирорта ҳам деразаси ташқарига қарамаган кўчага кирдик. Ахийри, икки-уч марта адашиб, ярим очик кичик бир дарвозага етдик. Ташқаридан чакирганимизда узун, кенг кўйлаклар

кийган, қийиқча боғлаб, ўзларига жуда ярашган дўппини қўндириб олган учта келишган йигит очиқ чехра билан пайдо бўлиб, одатларига кўра «омонмисиз» деб кутиб олдилар ва отларимизни ҳам олиб кирдилар. Ичкарига киргач, катта ҳовлининг қариб ҳаммаси бостирмалар билан ўралиб, отлар билан тўлганини кўрдик. Бу ердан фақатгина отхона сифатида фойдаланишар экан. Кейин бошқа бир эшикдан ҳатлаб, икки томони болохона айвон уйли бошқа бир ҳовлига бошлашди. Бу *ташқари* ёхуд эркаклар ҳовлиси, эшик оша торгина йўлак юқоридагиси эса *ичкари* ёхуд аёллар ҳовлисидир. Дадамуҳаммад бой бўлиб, учта ҳовлиси бор. Бироқ ўзини бой деб ҳис қилган одам аёлларнинг bemalol юриши, эркакларнинг у ерга кирмаслиги учун камида иккита ҳовлиси бўлиши керак. Эркаклар ҳовлиси кичикроқ, йўл-йўл чимзорли, текис, мустаҳкам лой сувоқли ва бир томонидаги майдон ердан бир фут ёки ўн олти дюйм<sup>1</sup> баланд кўтарилиган, ёнидаги дарахтлар соя бериб турган тўртбурчак ҳовуз бор. Ҳовузни асосий каналларнинг биридан келувчи ариқ сув билан таъминлаб, ундан ҳам истеъмол учун, ҳам таҳорат учун фойдаланилади.

Бизга меҳмонхонани кўрсатишиб, бу ерда ерга тўшалган туркман гиламидан жой олдик. Ташқаридан ҳаво яхшилигидан бошқа гиламлар ҳам ҳовлига олиб чиқиб ёзилган. Нафис бекасамдан шойи кўрпачалар тўшалган ва жуда толиққанимизда суюниш учун тирсакларимизга болишлар берилиди. Маҳаллий аҳоли вақти-вақти билан чордана қуриб ўтиради, лекин тиззалаб ўтириш хурмат ва эҳтиром саналар экан. Аввалига бундай ўтириш чарчатади, лекин аста-секин бунга кўникасиз. Ҳолбуки, бу кийимга боғлиқ, кенг миллий иштонларда, стулсиз ўтириш дурустгина қулай. Уйларининг ҳаммаси бир-бирига жудаям ўхшаш, уларнинг пешайвонга томон очиладиган ҳашаматли хона, яъни меҳмонхонаси ва қаршисидаги бир-иккита кичикроқ хоналар ташқаридан очилади. Аёллар ҳовлисидаги хоналар ҳам худди шундай. Хар бир хонанинг иккита чиқиши, икки-учтадан эшиги бўлиб, ичкаридан очиладиган, стержень билан мустаҳкамланган. Кашак ва остона ошиқ-мошиқ вазифасини ўтаб, у нозик нақшлар

<sup>1</sup> Дюйм (голландча – катта бармоқ) – инглиз ўлчов тизимида бир дюйм 2,5 см га teng.

ўйиб ишланган. Маҳаллий аҳоли бу борада ўта моҳир. Хоналарда эшикларнинг тепасидаги узун дарчалардан бўлак деразалар йўқ. Баъзида улар кичик панжара тўсинлари билан бекитилган ва одатда оқ қоғоз билан ёнилган. Деворлар сувоқланган, лекин баъзан жозибали арақилари нақшдан ишланиб, одатда оз-моз китоб, кийим-кечак, мураббولي идишлар, кўза ва чойнакларга жавон сифатида асқатили учун бир неча равоқсимон тахта токчалари ҳам бор. Кўп ҳолларда деворларга мевалар, ажойиб гуллардан гулдаста ёки тувак тасвирлари чизилиб, ҳайвоилар расми чизилганлари ўта кам. Қуръон қоидаларига зидлиги учун иложи борича бунга йўл қўйилмайди. Кичик тол новдалари айлана қилиб шифт устуни ўртасида ўрнатилган бўлиб, улар одатда ёрқин денгиз рангга бўялган, қизил ва сариқ, ҳатто тилла ранг билан ажратилган. Бу хақиқатан нафис ва гўзал ишланган.

Гилам ва кўрпачалардан ташқари ҳеч қандай жиҳоз бўлмай, фақатгина устида меҳмонларга аталган ширинлигу мевалар қўйилган, бир неча дюймли пастаккина айлана ёхуд ўйиб нақш ишланган хонтахта бор. Мен алоҳида бир хусусиятни назардан четда қочирмаслигим керак: хонанинг бир бурчагида, ибодатдан олдин таҳорат олиш учун полдан бироз пастроқ қилиб қазилган сув ҳавзаси ва яна обдаста бор. Яхши уйларнинг барчасида гилам ва шолчалар ажойиб қилиб солинган бўлса-да, ости лойдан сувалган. Ҳовлидан ташқарида от-улов учун барча муҳим жиҳозлар – эгарлар, юганлар, жуллар ва эркакларнинг ўзларигина фойдаланадиган бошқа шунга ўхшаш нарсалар ҳам сақланади. Ичкари, яъни аёллар ҳовлисида эса ошхона асбоб-анжомлари, аёллар ишлатадиган маҳсус буюмлар, бундан ташқари пахта, ипак, кийим бўхчалари ҳамда ўзларига керак деб тўплаган бошқа нарсалар сақланади. Аёллар хонаси ҳам ердан бир неча дюйм баландликда, устида тўрли арқони ҳар томонга чўзилган тахта супачани ҳисобга олмаса, худди эркакларнинг томонидаги сингари ортиқча жиҳоздан холи.

Кўпчилик ерга тўшалган гилам ёки юпқа қавилган кўрпачаларда ҳам ухлашади. Ана шундай кўрпачаларнинг турли хилларидаги бир нечтасида ётиб кўриб, мен араб эртакларидаги шаҳзодаларнинг нима учун етти қават кўрпачада ҳам остидаги нўхатни ҳис қилганларини энди тушундим.

Тапшаридан қараганда уйларнинг пешайвонида ўйиб ишланган устунларидан бўлак безаклари йўқ. Уйлар ердан пойдеворсиз бирданига кўтарилиган бўлиб, деворлари офтобда қуритилган лойғишт асосида курилган. Том текис бўлиб, қамиш ёки похолдан ёпилган ва юпқа лой сувоқ қилинган. Маҳаллий уйларда сон-саноқсиз чаёнлар, вақти-вақти билан ўргимчак бийлари ва бошқа заҳарли ҳашаротлар доимий «мехмон» бўлади. Уйлар кўпинча бир қаватли, баъзида уйнинг тепасида кичик бир хона – болохона бўлиб, форсча «болов» ва «хона» сўзларининг қўшилишидан, биздаги «балкон» сўзига тўғри келади.

Супачада яхшилаб жойлашиб олганимиздан кейин олдимизга чит ёки шойи ёзилиб, ширинлик тўла патнис келтирилди. Бу «дастурхон» дейилиб, Ўрта Осиё меҳмоннавозлигининг ўзига хос удуми хисобланади. Егуликлардан бодом, устига ширинлик суртилган ерёнгоқ ва шу каби писта, қанд-курс, хушбўй ҳидли турли ширинликлар, яъни ҳолва деб аталган кичик пироглар ва тановул қилиш учун юпқа вафли сифат нон олиб кирилган. Мевалар эса турли хил бўлиб, ҳатто ноёб мевалар: қиёмга ботирилган бодом, асалда сақланган атиргул барглари ёхуд яна шу ер учун хос бир егулик – асалга майдалаб аралаштирилган сабзи ҳам бор. Оғизда эрийдиган бу егуликлар билан нафсимизни қондириш асносида турли хил масалалар: умумий таниш-билишликдан ҳозирги кундаги янгиликлар, диний қарашлар ҳамда маҳаллий тарих ҳақида сухбат қурдик. Қирқ ёшлардаги баланд бўйлик, хушбичим бир киши мени жуда лол қолдирди. У русчани ўрганиб олган, рус жамиятига қизиқиши баланд, Тошкентдаги деярли барча насроний аёлларнинг исмигача билар, озроқ француэча сўзларни ҳам ўзлаштирганидан сухбатига улардан қўшиб гапиради. Күёш ботавергач, бизнинг орамиздагилар ҳеч қандай узрсиз ҳовуз бўйига – юзини, қўлларини тирсакларигача обдан ювиб – таҳорат олиш учун бирин-кетин туриб кета бошлишди. Амалда таҳорат олиш қандай чаққонлик талаб қилишини кузатиш жуда қизиқарли: қўллар кўтарилиган ҳолда билакларини бир айлантириб, сувни тирсакларигача югуртирадилар. Осиёликлар сувни ичганда ҳам, оғизга олганда ҳам оғиздан токи билакларгача бир томчи сувни ҳам исроф қиласликка ҳаракат қилишади. Қўлнинг ҳар бири

уч мартадан ювилиб, сўнгра юз ҳам уч марга «сттита очиқ жойлар» яъни кўз, қулоқ, бурун, овиз ва бўйин гарданига қадар ювилади. Кейин эса гал оёққа келади. Бу жараён ўта қизиқ. Одамлар, худди келишиб олишгандек оёқ кийимларини ечиб, гўё оёқлари ювилганлигининг ифодаси сифатида ҳўл бармоқларини пайпоқларига текказиб қўядилар. Кейин саллаларини қўндириб, гиламда ёки ерга тўшалган тоза матода тик туриб, юзларини Маккага (қибла – З. С.) қаратада ёддан намоз ўқий бошладилар.

Бу сафарги намоз – «Аср намози» – намози дигар қисқа бўлиб, айтишларича, кун ботгунча тезда ўқилади. Чет элликлар борлигидан ҳеч қандай истиҳола ёки ийманишсиз, ўз бурчларини адо этдилар. Намоздан сўнг улар яна бизнинг даврага келиб қўшилдилар, бироқ тез орада қуёш ботиб, яна кейинги оқшом намози – «Шом намози»нинг вакти бўлиб, бу сафар улар таҳорат жараёнларини қайтармадилар, чунки бундан олдинги намоз учун олинган таҳорат сакланади.

Бир кунда беш вақт намоз ўқилади. Бу мусулмонларнинг «Бомдод намози» кун ёришишидан бироз олдин, «Намози пешин» тушда, ваҳоланки бир ёки икки соат фарқи билан, «Намози дигар» (Аср намози – З. С.) аввал айтганимдек, кун ботишдан бурун, «Шом намози» кун ботгач, ухлашга ишора сифатида «Хуфтон намози» кечки соат тўққизларда ўқиладиган намоздир. Охиргиси энг узок ўқиладигани, аммо ҳеч бири узун эмас.

Юқоридаги намоз номлари гарчи мусулмон коидалари билан тасдиқланмаган бўлса ҳам, Ўрта Осиёда қўлланиладиган намоз номларидир. Ҳар бир намоз номига, ўқиладиган вақтига яраша кенг қўлланиладиган қофия берилган. Масалан, *намози дигар*, *кори дигар* – човгунни қўй, *хуфтон*, *ҳоррафтон* – ухлашга ёт, *шом* – шамларни ёқ.

Намоз ўқиб бўлингач, Дадамухаммад ва унинг дўстлари иссиқдан салқинлаш учун саллаларини ва ҳатто бошларини салқин тутувчи дўппиларини ечиб қўйишиди. Ўрта осиёликларнинг кийимлари жуда оддий. Улар пахтадан тикилган қопдек кенг иштон кийиб, белига белбоғ боғлаб оладилар. Бу асосий кийим-бош бўлиб, бирор келганда ҳам, умуман камдан-кам ҳолларда алиштиришади. Одатда эркаклар бирор иш билан машғул бўлганларида ҳам бу эгниларидаги

ягона уст-бош бўлганидан, уни боғичларига қистириб оладилар. Шундай ҳолда ишлаётган кишини деярли кийимсиз деб ўйлаш мумкин. Бу иштон устидан оқ ёки ёрқин рангли, қарийб тиззаларигача етувчи, ёқасининг озгина очиқлигидан кийганда бошдан қийин ўтувчи узун чит кўйлак кийишади. Енглари узун ва кенг. Унинг устидан бошқа ҳеч нима, аммо ҳар ким об-ҳавога ёки ўзининг таъбига қараб саноқсиз чопон алиширади.

Чопон бу – кенг, бўйиндан қиялашиб, олд қисмида бирга туғиб қўйиладиган кичкина боғичли, катта қийиклардан қилинган, енглари ҳаддан зиёд кенг, ҳатто керагидан икки баравар узун, жуда ноқулай, лекин Осиёча тарбияга кўра қўлларни беркитишида фойдалидир. Ёзда бу Россия чити ёки пахтадан тўқилган газлама ёхуд йўл-йўл ёки шарқона руслумдаги матодан ўта ёрқин, асосан сариқ-қизил, сариқ ёки яшил рангларда тикилган шойи – миллий олача (беқасам) бўлади. Мен ҳатто ёзда ҳам ана шундай тўрт-бешта чопони бор кишиларни кўрганимда, уларнинг айтишича, чопон жазирамадаи сақлар экан. Қишида у қалин матодан тикилиб, қўзи териси ёки мўйна билан йўл-йўл тортилади. Асосий белбоғ бу қийикча ёки шол рўмолдир. Бир вақтлар узун шарф билан белни бир неча марта ўраб боғлашган.

... Белбокқа пичоқ анжомлари, тароқ ва пул солиб юриш учун чиройли қилиб ишланган бир неча кичик халтачалар, ҳамёнчалар осиб юришади. Бошда эса дўппи: у Тошкентда асосан ипак билан безалади. Бухорода эса одатда ипакдан ёки чордана шаклли ёрқин ранглар билан ишланади. Чилпўш ёки «қирқ ўрам» деб номланувчи салла жуда узун, уни ўраган киши матонинг нағислигига нисбатан бирор-бир эътирози бўлса, у ҳолда кўпинча Англиядан келтириладиган ажойиб юпқа матони танлаши мумкин. Саллани ўраш катта аҳамият талаб қилиб, бошдаги салла ҳар бир ўрамининг қати (бурмаси) чиройли, бичими оқсуякларга хос кўринишида бўлиши керак. Бир учи чап елка оша туширилиб, одатда фақат намоз вақтидагина тепасига қистириб қўйилади. Учи ўнг томондан тушиб тургани ҳам бўлиб, айтишларича у афғонча услуб экан. Гарчи оқ ранглиси мулла ва тақводор кишиларга хос бўлиб, уларнинг билим даражаси саллала-рининг ўлчамига қараб белгиланса-да, таъкидлаганимдек,

Тошкентда кўп салла оқ рангда бўлади. Савдогарлар асосан ҳаворанг, йўл-йўл ёки катақ-катақ матолисини маъқул кўрадилар.

Уйларида одамлар одатда яланг оёқ юришиб, бироқ ташқарига чиққанда бармоқларига илинган кичик пошиали ажойиб кавуш ёки таглиги ва тепаси бир хил материалдан қилинган, узун, юмшоқ оёқ кийими – махси киядилар. Кўчада унинг устидан калиш ёки от терисидан тўқ яшил қилиб, тепага кўтарилиган ҳолда ишланган, кичик пошиали ажойиб этик ёки калишни иладилар.

Аёллар кийими шакли ва фасони жихатидан эркаклар-никидан бирозгина фарқ қилиб, улар ҳам ўхшаш лозим ва кўйлаклар кийишиб, яна қўшимча одатда бўйнидан токи товонларигача тушиб турувчи, ёрқин рангли шойи тўнлари ҳам бўлади. Улар қўша-қўша марварид ва туморлар тақишиб, соchlарига попуклар ва баъзида ҳатто бурунларига балдоқ илганларни ҳам кўриш мумкин. Мафтункор қиз бурнининг битта тешигига илинган феруза балдоғи билан хунук, кўримсиз бўлмай, аксинча унга қандайдир жозиба бахш қиласарди.

Кўпинча барча тарбияли аёллар кўчага чиққанда белларигача тушадиган, от ёлидан қилинган енгил қора чодра ёпиниб чиқадилар. Унинг устидан енглари охирига қадар бирга чатилган, орқага тушиб турувчи, тўқ кўк ёки яшил тўн ташлайдилар. Буни ёпинишдан мақсад, аёллар ўзларини бегоналар назаридан қочиришни истаб, кўримсиз ва ўзларига ярашмайдиган ана шу кийимни ўйлаб топганлар. Аёллар жудаям синчков бўлиб, кўчада кимдир уларга кўз тикишидан буруноқ чодраларини ёпиб оладилар.

... Дўстларим сўнгги можаро – бир аёлнинг эри билан яшашдан бош тортгани, аммо яқиндагина боши очиқ аёлга уйланган эридан муваффақиятсиз ажрим талаб қилаётганини, аёл уйида хибс тутиб турилгани ва қози олдига олиб кириш учун ким муносиб шахс эканлигини муҳокама қилаётган маҳал – мен уларнинг кийимларини кўздан кечириб, хотинлари ҳақида ўйлаб турувдим ҳамки, кечки таом келтирилди. У палов бўлиб, гуруч ва қўй гўштидан тайёрланади. Пиширилиши жуда оддий: маълум микдордаги кўй ёфи ёки мой қозонда эритилиб, яхшилаб доғлангандан сўнг бўлакланган кўй гўшти унга бостирилади. Гўшт қовурилиб

бўлингач, у қозондан олиниб, унга тозаланиб, яхшилаб ювилган гуруч солингач, тайёр бўлгунга қадар димланади. Унга одатда сабзининг ингичка қилиб майдаланган бўлаклари ҳам қўшилиб, охирида катта лаганга солишиб, гўшт бўлаклари ва суюкларни паловнинг устига моҳирона жойлаштиришади. Ўтирганлардан бири белбоғидан пичоғини олиб, гўштни кичик-кичик этиб майдалаб, меҳмонларга ўнғай бўлиши учун паловнинг турли томонларига тарқатади. Паловни ҳар ким ўнг қўли билан тановул қилиб (чап қўл кўпроқ хизмат қилишга мўлжалланган), бармоқлар билан гуручни олиб, кафтда думалоқ қилиб сикимлаб, сўнгра усталик билан оғизга оширишади.

Мабодо шоҳона зиёфат бўлгудек бўлса, паловни вакти-вакти билан қўй гўшти ўрнига товук гўшти билан пиширишиб, майиз ва писта мағизини ҳам аралаштирадилар. Камдан-кам ҳолларда паловнинг ўта шўр ва аччиқинаси ҳам хуштаъм бўлиб, бироқ ўта ёғли ва нимтатири эса европаликнинг таъбига унча тўғри келмайди. Яна бошқа бир маҳаллий таом – қовурдок эса қўй гўшти бўлакларининг ёғда нон бурдалари билан бирга димлангани. *Кавоб* эса (бизга кабоб номи билан кириб келган) кичкина гўшт бўлакларининг сихда пиширилганидир. Қўй гўшти ва сабзи аралашмасидан қилингани ҳам унчалик ёмон эмас. Мен яна ҳар гал қалин қилиб аччиқ сепилган, хамирга ўраб, қайнатилган ёки димлаб пиширилган қўй гўшти билан пиёзнинг аралашмаси – *чучвара* ва *мантини* тановул қилиб юрдим.

Қўй гўшти деярли ягона асосий гўшт ҳисобланади. Отнинг гўшти тарихий китобларнинг маълум қилишича, татарларнинг маҳсус егулиги экан, лекин мен уни истеъмол қилишганини ҳечам кўрмадим. Уларга бу ҳақда гапирганимда, уни ейишларини инкор қилишиб, бироқ бошқа жойларда кенг тарқалғанлигини айтишарди. Бир куни кичкина қишлоқ оралаб ўтаётганимда қозоқларнинг афтидан, овқатга бўлса керак, отни сўяётганини кўрдим. Менга қази ва ёш қулуннинг қовурилган гўшти Кўқонда машҳур эканлигини айтишди, лекин мен унинг мазасини ҳеч татиб кўрмадим. Одатда буғдойдан қилинадиган нон жуда кичкина ва булочкага ўхшаш думалоқ бўлиб, у айлана тандирда ёпиб пиширилади. Баъзан у бағоят зўр вафлига ўхшаган катта ва

калин бўлиб (патир ион назарда тутилғаи – З. С.), тандирдан янги узилгани жуда мазали.

Ичишга кўк чой ва сувдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Ҳамма палов еб бўлгандан кейин сув ичишни зарур деб ҳисоблашади. Махаллий ахолининг айтишича, гуруч сувда экилиб, сувда унади, сувда қайнатилади, шунинг учун у билан сув ичиш керак эмиш. Кўк чой (қора чой руслар келгунча маълум эмас эди) куннинг исталган пайтида ичилиб, баъзан у жуда яхши. Шубҳасиз, иссиқ кунда совуқ чой иссигига қарагандга соғлиқни анча мустаҳкамлади. Гарчи иссиқ чойни тез-тез ичиб турсам-да, ўз тажрибамдан ҳеч бир салбий оқибатини кўрмаганимни айтишим мумкин. Севимли ичимлик, айниқса наҳорда кўк чойнинг қаймок ёки эрийдиган ёғ билан қуюқ дамлангани – ширчой. Вино ва бошқа шу каби ичимликлар Куръонда тақиқланган ва у ҳеч кимда бўлмаслиги керак. Хозирда маҳаллий ахоли қатъий қонун-қоидаларга қарамай, руслар томонидан бир кадаҳ ичимлик таклиф қилинганда камдан-кам рад этади. Яхудийлар аввалдан оддий қизил вино тайёрлашда машхур бўлишган.

Ажабланарлиси, бу мамлакатда турли мевалар мўл-кўл бўлишига қарамай, маҳаллий халқ сархуш этиш қувватидан холи бўлган мевали яхна ичимликлар ўйлаб топишмаган. Бўза деб номланган спиртли ичимлик пивога ўхшаб буфдойдан тайёрланиб, жуда mast қилиб, эсанжиратиб қўяди. Уни кўпроқ қозоқлар ичишади. Агар менга бўзани баҳолашни сўрашса, бир татиб кўрганда мазаси ёмон эмас деган бўлардим. Бу ичимликнинг таъсири рус аскарлари орасида кенг оммалашгани аниқлангач, унинг Тошкентда сотилишини тўхтатишга уриниб кўрилди. Бўзани сўраб қозоқлар яшайдиган даҳаларни икки карра бекорга саргардон бўлиб айландим. Ҳолбуки, сўраб-суриштирганларимдан баъзилари уни ичиб олган бўлсаям, лекин ҳеч бири қаерда тайёрланиши ёки бўлишини билмади. Энг сўнгидаги бир бола ичиш сингари уни намойиш қилиш ҳам тақиқланганига қарамай, олиб келган бир неча кўзаларидағисини кўрсатиб, татиб кўришимиизга ижозат берди. Баъзан иссиқ кунларда нордон қатикқа сув аралаштириб ичишади ва яна Тошкентда биянинг сутидан қилинадиган спиртли ичимлик – қимизни ҳам тошишингиз мумкин. Уни кўпроқ Даشتда қозоқлар ичишади.

Хар замонда бир-бирларига чилим ёхуд Бухоро сув трубкасини узатиб туришар, Дадамуҳаммад ўта сипо кўринмас ва у ҳам чекарди. Бу трубка норгиёҳга ўхшаш, одатда жез қопланган қовоқдан ясалиб, узун трубкаси сув бўйлаб тегиб туради. Тепа қисмига лойдан ёхуд жездан қилинган жойга тошкўмир ёки тамаки жойланади. Ён томонидан мундштук<sup>1</sup> учун яна бир найча чиқсан. Кўпинча найча етишмаганидан чекувчи бутун қовоққа оғзини тутиб тутунни оғзига тортади. Бу маълум бир кўникма талаб қилади. Сўнгра бармоғини қаршидаги туйнукка босиб, тутунни яхши тортади.

Маҳаллий аҳоли асосан тўқ яшил қуқун шаклидаги тамаки (носвой – З. С.) отишади. Сифатига қараб хилмажил рангларда бўлиб, унинг озроқ қисми тил устига қўйиб суртилади ёки чайналади. Агар чекувчининг қурби етса, бу тамакини Хитой нефритидан<sup>2</sup> ясалган кичкина шишачага солиб юради. Аммо кўпинча тикини ўзига мос, кичкина қовоқчада олиб юрадилар. Ҳидланадиган тамакини камданкам ишлатишганини кўрдим. Афъюнни баъзилар чекиб, аммо у Тошкентда кам, фақат носоғлом хаёт тарзига кириб қолганларгина унинг домига тушиб қолишган. Доимий чекиладиган наркотик – *банг* ҳинд нашасидан тайёрланади.

... Ва ниҳоят Тошкентча боадаблик усуслари билан мезбонлардан кетишига рухсат сўрайдиган вақтимиз ҳам бўлди. Хар биримизнинг қўлларимизни сиқиб, ўтирганларнинг бариси шам ва Помпейдагига<sup>3</sup> ўхшаш шаклдаги кичик темир фонуслар билан отларимизнинг олдигача кузатиб қўйишиди.

Ой нури чўмган кўчалар оралаб отда уйга томон қайтаётиб, мен дўстим Мулла Хайрулладан мусулмонларнинг кўнгил очиши нималардан иборат эканлигини сўрадим. Унинг жавоби: «Китоб ўқийман, баъзида таржима қиласман. Намозхонларга ваъз қиласман», қабилида бўлиб, Ўрта Осиё одамларининг кўнгилочар эрмаклари йўқ экан.

... Одамлар ўзларини отлар ёки ов билан овунтиришиб, уларнинг парвариши билан машғул бўлишади. Унинг айти-

<sup>1</sup> Мундштук – мундштук, папиросейчаси.

<sup>2</sup> Нефрит – минерал ҳамда кимматбаҳо заргарлик тошларидан бири. Нефритдан жуда қадимги даврдан қурол, безак тош ва бадиий буюмлар ясашда фойдаланилган.

<sup>3</sup> Помпей – Италия жанубидаги шаҳар. Қадимда Рим империясининг энг машҳур шаҳарларидан бири бўлган.

шича, бир қанча одамлар байрамларда йиғилишиб, ўйинкулги қилиши мүмкін.

... Тошкент ва Самарқандда Европада ҳам ўйналадиган ўйинларга ўхшашини, айниқса Россиядаги каби Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқалган ошиқ ўйинини күрдім. Яна бошқа бир ўйинде эса ошиқлар маълум масофа бўйлаб жойлантирилиб, бироз узоқда турган ўйинчилар уларга бошқа ошиқни улоқтиришади ҳамда қулатилган ёхуд аралашғанларини чўнтакка солишади.

Қизларнинг латталардан давал қилиб ясалган қўғирчоқлари бўлиб, кўпинча копток ҳам ўйнашади. Шахмат тез-тез ўйналиб, Самарқандда кўпчилик қарталар билан гаров бойлашиб, қимор ўйнашади. Карта дастлаб Россиядан, ўлкани мустамлака этилишидан олдин келтирилган бўлиб, рус дехқонлари ва савдогарлари орасида машҳур бўлган кўпчилик ўйинлари ўйналади. Тошкентдаги Як (якшанба – З. С.) бозорда эрта баҳор икки ҳафта давомида кураш мусобақаси бўлиб ўтади.

Гарчи қишлоқ жойларда яшовчиларнинг бариси ов мақсадлари учун кўп микдорда лочин ва бошқа қушлар, ҳатто йирик бургутларни қўлга ўргатишса-да, шаҳар аҳли камдан-кам ов билан шуғулланишади. Пилта милтиқ энг кенг тарқалган ўқотар қурол бўлиб, ундан дурустгина отадиган кишиларни күрдим.

... Жўрабек пуфлаб отиладиган куролдан жуда яхши отар экан. Бу қуролни кўриб ҳайрон қолдим, чунки Осиёда бу куролдан фойдаланишмайди деб билардим. Тағин унинг (Жўрабекнинг – З. С.) айтишича, бу қурол Шахрисабзда кенг тарқалган экан. У қамишдан узун трубка бўлиб, бир учига кичик ўқ жойлаб, уни нафас билан ҳайдаб чиқаришади. Уни ишлатиш бирорлар ўйлаганчалик унчалик қийин бўлмай, кўп нафас сарфлашни талаб қилмайди.

Ўзбекларнинг барчаси отларни жуда яхши кўрганидан, шубҳасиз, уларнинг энг яхши отларидан иккитаси – қозоқ ва арғумоқ зотли отлардир. Қозоқ отлари кичкина, чидамли, ўта совуқ ва иссиққа бардошли, узоқ масофага чарчоқсиз bemalol юра олади. Казакларнинг Уралда фойдаланишадиган пастаккина отлари аксар Санкт-Петербургда кўрган отларимнинг худди ўзгинаси. Арғумоқ, эҳтимол урчитилган насл бўлиб, Бухородаги энг зўр отdir. Бу жонивор ан-

чагина йирик, аммо тузилиши ориқ ва яқин масофаларга жуда тез чопадиган отdir. Бошқа бир зот – қорабайир арғумоқнинг қозоқ байтали билан урчитилгани бўлиб, анча қадрланади. Тошкентда унчалик кўп кўрмаганим – туркман отлари арғумоқдан анча фарқ қилиб, араб отларига анча ўхшаб кетади. Хар қандай чарчоқ ва қийинчиликларга чидамли отлардир. Чинданам яхши туркман отини сотиб олиш деярли амримаҳол, жуда зарурмандлар унинг хўжайинига айланиши мумкин.

Ишлатиладиган абзаллар оддий шаклда дағал қилиб сувлуққа<sup>1</sup> жиловланади. Эгар жуда кичкина, ёғочдан қилинган, тўқ қизил ва яшилга бўялиб, тепаси суяқ ва фил суягидан ясалган ўткир яssi қирралардан иборат. Эгар четларининг чиройи уларга нақш солинганидадир. Лось<sup>2</sup> шохлари Иссиққўлнинг нарёғидан эгарлар ясаш учун Тошкентга келтирилади. Маҳаллий аҳоли ҳар доим эгар-жабдуқдан фойдаланиб, улар кўпинча духобадан тикилган, тилла ва кумушлар билан бой безатилган. Отни отхонадан унинг бўйнига дўлана деб аталган тиканли дараҳтдан қилинган ва душманга, ёмонликларга қарши тумор сифатида кесиб шакл берилган, биринкита ёғоч тўпчаларини осмасдан минишга рухсат беришмайди. Эшаклар деярли отлар каби Тошкентда кенг тарқалган бўлиб, Бухорода ҳали ҳам кўп ишлатишади, ҳолбуки уларни Кўқонда камдан-кам кўрасиз. Эшаклар кичкина, одатда оқ ва кулранг ҳамда жуда оғир юкларни кўтара олишга қодир. Яна ҳар бир кўчада кўплаб туяларни кўриш мумкин.

Маҳаллий аҳоли ишлатадиган яккаю ягона икки филдиракли катта, кенг юқ ташиш воситаси *арава* дейилади. Филдираклари кенг тегарчиклар ва оғир кегайлардан жуда қўпол ишланиб, одатда қайрагоч ёғочидан чамбар (шина)сиз ясалади. Дастаклар отнинг асосий гавдаси бўйлаб чўзилган бўлиб, орқасидаги кенг камарда қоқиб бириттирилган. Уни минган аравада ўтириш ўрнига, оёқларини дастакларга қўйган ҳолда кичкина эгар устида ўтиради. Баъзан бўйра билан ўралган аравалар бўлиб, қўпол бўлишига қарамасдан жуда қулай, чунки филдирагининг катта ўлчамда бўлиши, йўлнинг ўнқирчўнқирликларини билинтирмайди.

<sup>1</sup> Сувлуқ – юганнинг от оғзидаги темир қисми.

<sup>2</sup> Лось – буғулар оиласига мансуб бутоқ шохли ҳайвон.

Ҳар бир оилада биттадан ит бўлишига қарамай, улар севиб боқилмас, аниқроғи уларга нисбатан яхши муносабатда бўлишмайди. Мусулмончилик ғояларига кўра, улар тоза эмас. Кам овқатлантирилгани, яшайдиган жойларини тозалаш унугилгани учун улар жуда озғин, беҳол ва ярим оч. Уларга кўнгилдагидек қаралмаса, нима учун ушлаб турилишига ҳайрон қоласиз. Аслида улар кечасию кундузи уйда, девор остида боғлиқ ҳолда кўчадан уйга бегоналарни йўлатмасдан, вовуллаб уйни қўриқлади. Мушуклар, аксинча эркаланади, ҳимояланади ва уларнинг чиройли намуналарини, айниқса момик думли, хушқад Бухоро зотлисини тез-тез учратасиз. Күшларни одатда севишади. Айниқса, кичкина беданаларни боқишиди ва жангга ўргатишади. Ҳар бир ёш-яланг эгнидаги кийимнинг қўл ва кўкрак қисмида бедана ва шунга ўхшаш кичик қуш тасвири бор.

Дўстим Мулла Хайрулланинг кўнгилхушлик йўклигидан нолиганига қарамай, мусиқа ва рақсни Ўрта Осиёдагидек қадрлайдиганларни бошқа жойда кўрмаганман. Сартлар қўшиқ айтишни хуш кўришиб, коронғу тушиб, бозордаги дўконларнинг деярли бариси ёпилганига қарамай, бир оҳангдаги қўшиқни икки тор жўрлигида ёхуд бирор шеърни ярим жўрликда соатлаб биргаликда ўтириб тинглашарди.

... Шаҳарларда эшитган мусиқаларим Даشتнинг қозоқ қўшиқларидан ўзининг хусусияти билан тубдан фарқ қилас, уларнинг келиб чиқиши Эрон ва мусиқа асбоблари ҳам ўша мамлакатдан келтирилганлигига ишончим аниқ комил бўлди. Асосий торли асбоб *дутор* (форсча *ду* – икки, *тор* – сим, тор) деб аталиб, қўл билан чалинади ҳамда торлари яхши симдан тайёрланган. *Сетора* (форсча *се* – уч, *тор* – сим, тор) ўз номи билан уч торли асбоб, скрипкага ўхшаб, ёй (дўға) билан чалинади. Айтишларича, *четора* ёки тўрт торли асбоб ҳам ишлатилади. Бу номлардан кўриниб турибдики, лотинча *cithara* ёки ўзимизнинг гитара тўғридан-тўғри форсчадан кириб келган.

Бир-икки марта яна бошқа бир торли мусиқа асбоби – камонгоҳни кўрдим. Унинг торлари бир фут келадиган узун металлдан ўтиб, товуш чиқувчи қисмигача чўзилган бўлиб, кокос ёнғофининг тахминан учдан бирини кесиб тайёрланган.

У ҳам камон билан чалинади. Яна бошқа, кўпинча рақс ва мусиқаларда фойдаланиладиган чолғу асбобларидан бири – эчки териси қопланган ҳамда икки кўлда ушлаб, бармоқлар ёрдамида чалинадиган катта доирадир. Унинг чекка тарафларида кичик-кичик жингирлайдиган металл ҳалқачалар қотирилган бўлади. Созанда асбобни жарангдор бўлиши учун доимо олова тоблаб олади. Мазкур доира Тошкент ва Сирдарёнинг шимолий томонида *чилманда* дейилса, Самарқанд ва Бухорода форсча *доира* номи билан маълум.

*Сурнай* кларнетга ўхшаш камишсурнай мусика асбоби бўлиб, ўрик ёғочидан тайёрланиб, тахминан 2 фут узунликда. Унинг кичик тешикли, мис ҳуштаги бўлган *нил*, оғизга солиб пуфланадиган ингичка мосламаси мавжуд. *Карнай* олти-етти фут узунликдаги катта, товуши жуда баланд ва узокларга тарқаладиган, чуқур бас овоз чиқарувчи мис асбобдир. Асосан иккита карнай бир вақтда чалинади. *Ногора* ҳар хил катталиқдаги бир жуфт барабандан иборат бўлган, лойдан ясалган идишга тери қопланган, атрофи йўл-йўл ип билан ўралган ва бир-бирига маҳкамланган чолғу асбобидир. Кичикроқ ногора қалинроқ тери билан қопланади ва унинг товуши зил деб аталади. Каттароғи эса юпқа тери билан қопланган бўлиб, бүм деб аталадиган чўзиқроқ товуш чиқаради. Ногоралар иккита чўп билан чалинади. Қозоқлар орасида яхудий арфасига ўхшаш, жуда жарангдор товушли *чанг* дейиладиган чолғу асбоби жуда машҳур.

Ўрта Осиёда Мұхаммад умматлари аёл кишининг жамоат олдида рақсга тушишини тақиқлайди. Аммо кўнгил-очишлиқ, хурсандчилик қилишга иштиёқ бутун дунёда бир хил бўлганлиги сабабли, бошқа мамлакатлардаги раққоса қизларнинг ўрнига бу ерда маҳсус тайёрланган болалар ва ўсмирлар томоша кўрсатадилар.

... Ўрта Осиёда нафақат болалар, балки қизлар ва аёллар ҳам қойилмақом рақсга тушадилар. Бирок уларнинг намойиши, асосан аёлларнинг ҳовлиси билан чегараланган. Шунга қарамай бир сабаб билан мени Асадуллабек ажойиб *томуша* – кўплаб мусулмонлар томонидан нафрат билан қаралувчи нарса – аёллар рақсига таклиф этиб қолди. Асадуллабек – эроний ва шия мазҳабида бўлганидан, унинг тушунчалари хордикқа кўра совуккон бўлиб, унинг бунга

чанқоқлиги ташкарида – унинг иштироқчилари ичидә кўпам гап-сўз бўлмасди. Томошани доира ва сурнайининг баланд то-вуши тутиб кетгач, шаҳарнинг жуда кўп одами унинг боғига йиғила бошлади. Шу сабаб биз уларни четлатиб туриш учун казаклардан фойдаланишга мажбур бўлдик. У ерга кунбо-тарга яқин бордик ва тез орада бир неча аёллар кўриди. Уларга биз учун қўйилган мева-чева ва ширинликлардан бердик ва чой ичиб, уларга ҳам узатдик.

Аёллардан бири Кўқоннинг собиқ хукмдори Маллахоннинг хотинининг синглиси бўлиб, Кўқоннинг бу ердаги таникли расмийларидан бирига турмушга чиқсан эди. У бошқа аёлларга нисбатан жуда яхши кутиб олиниб, аёллар унга турса ҳам, ўтиrsa ҳам мулозамат кўрсатиб, чой узатишар, сийлашар эди. Бироздан сўнг ўн уч ёшлар чамаси, чиройли қорамтири юз ва тўқ қора кўзли, хусни пардоз-андоздан густоҳ фойдалангани учун бироз бузилган, қошлари яхлит бир қора чизикка айланган, ёнокларидаги пушти-қизил ёғупаси анча билиниб турган бир қиз ракс тушиш учун чиқиб келди. Унинг эгнида тўқ қизил ипак матодан тикилган кенг тўн бўлиб, сочини эса ўн иккита кичик ўрим қилиб, елкасига ташлаб олган эди. Боши узун ипак шарф билан ўралган бўлиб, орқасига харирга ўхшаб ёйилиб турар, кумуш тақинчоқлар тақиб олган, қулоқларига тўлиқ ярим қимматбаҳо тош ва рангли шишалар илиб олган эди. Яланг оёқ, гилам узра оҳиста айланниб, дастлаб ўтирганларга бирмабир таъзим қилиб ҳамда доира оҳанги авжга чиқсани сари унинг ҳаракатлари ҳам тезлашиб, ўн икки марта айлангач, ўтирганларни сел қилиб, ерга чўкди.

Сўнгра яна ўрнидан туриб, секин-аста тебраниб ҳаракатлана бошлади ва қўлларини силкитиб, муҳом билан учтўрт гал айлангач, яна ерга чўккалаб олди. Ўтирганлар уни олқишлиб турар, бу ракслар худди ўғил болаларнинг бироз серҳаракат ва унчалик латиф бўлмаган рақсига ўхшаб кетарди. Бу ердаги ўн бир ёшли кичик қизларнинг аксарияти ёш, ўн саккиз ёшлиларининг қарийб барчаси қари аёллар саналади. Уларнинг услуби ҳам бироз фарқ қиласар, бир маромдан кўра анча қайнок ракс ижросини бошлашди. Орада у томошабинлардан бирининг қаршисида чўккалаб ўтироволиб, қўлларини худди чорлагандек силкитиб, жозибали ҳаракат-

лар қилас, ҳар гал унга тобора яқинлашиб эгилар, охирида хиромлари авжига чиққач, томошабин қиздан бўса олгач, рақс тугарди. Кўпчилик қизга маҳлиё бўлиб, ундан яна бўса олмоқчи бўлар, қиз эса худди илон сингари у ердан тўлғаниб, сирғалиб чиқиб, бошқа бир кишининг тиззасида пайдо бўлар эди.

Таъкидлаб ўтганимдек, мусулмонлар аёллар рақсини умуман маъқулламасалар-да, имконияти туғилиб қолганда уни рад этишмас, дарвозадаги қўриқчилар билан гаплашиб кўпчилик ичкарига кириб, эҳтимол бизнинг даврага қўшилганидан бўлса керак, олқишлиб чалинган чапаклар янайам кучайиб кетди.

*Базм*нинг яна бир иштирокчиси *масхарабоз*, яъни қизиқчининг намойиши бўлиб, у юзини оқартириб, яна жун рўмолда ва бир қанча латта-путтаси билан томошабин ёрдамида маҳаллий ҳаётнинг турли кўринишлари – шифокор ва bemor, қози ва даъвогар, муаллим ва уламони намойиш этар, ёхуд ит, мушук ва бошқа хонаки ҳайвонларга тақлид қиласди. Гарчи бу кўринишларнинг кўпчилиги номуносиб гавдалантирилса-да, одатда жудаям жонли ва усталик билан ижро этилганидан тўхтовсиз кулгию олқишига сазовор бўларди.

Тошкентда бўлган сўнгги кунларимни *Зангиота* байрамида қатнашишга бағишиладим. Бу Тошкент ва унинг атрофи учун йилнинг катта сайли эди. Зангиота раҳнамо сифатида ўзини *Қодирия*<sup>1</sup> диний тарикатига бағишилаб, машхур бўлган ва 1097 йилда вафот этган. Қадамжодаги тақводорлар менга унинг асл исмини айтиб беришолмади. Аммо айтишларича, у занжига ўхшаб қора бўлганлигидан *Зангиота* («Қора ота») номини олган. У Тошкент ва унинг атрофидаги бутун мамлакатнинг муқаддас валиси саналиб, қабри Самарқанд тарафдаги йўлда, шаҳардан (Тошкентдан – З.С.) саккиз мил узоқликда жойлашган. Унинг қабри устига қурилган мақбара<sup>2</sup>

<sup>1</sup> *Қодирия* – тасаввуф тарикати. XIII аср охирида Ирокда Абдулқодир Фийлоний (1077–1166) томонидан асос солинган деб хисобланади. Фийлонийнинг ўзи суфий бўлмаган, лекин унинг машхурлигидан тасаввуфий билиш йўлининг ғоя ва тажрибаларини оммага сингдиришда фойдаланилган. Қодирия алоҳида гурӯхлардан ташкил тонган, қарашлари жихатдан суннийликка мансуб.

<sup>2</sup> *Зангиота мақбараси* – меъморчилик ёдгорлиги бўлиб, Ўрта Осиёдаги ноёб обидалардан бири. XIV – XX аср бошларида қурилган. Зангиота номи билан машхур бўлган суфийлик тарбиботчиси шайх Ойхўжа ибн Тошхўжа шарафига шундай аталган. Амир Темур қурдирган. Кейинчалик қўшимча қурилишилар килинган.

анча эскириб, буткул қўчкор шохлари уоб ташланган ҳамда ҳар бир зиёратчи томонидан нажот истаб, бир қанча чўп ва дарахтга узун латта-путта парчалари туғиб қолдирилган. Афтидан бутун Ўрта Осиёда кекса дарахтлар, айниқса қари тут дарахтлари эъзозланади. Бу дарахтлар қанчалик кекса ва куриган бўлса, уларда шунча қўп латта парчалари бўлади. Латта-путта бўлаклари қурбонлик тимсоли ҳисобланиб, эҳтимол оддий дарахтга сифиниш урғ-одатининг сақланиб қолганидан бўлса керак.

... Ўтган йили бу сайил сентябрнинг биринчи кунларига тўғри келиб, уч-тўрт кун давом этган. Ушбу сайилни жуда кўргим келгани сабабли, Жўрабек билан бирга дўстлар кичик бир гуруҳ ташкил қилиб, у ерга жўнадик. Йўл аравалар, от ва эшак минган кишилар билан тўлган, кучли чанг-тўзон атрофни қоплаган эди. Мен бунча кўп оломонни кўпкари бўладиган кундан бошқа ҳеч қаерда қўрмаган эдим. Ва ниҳоят дарвозага етиб келгач, бизни таниган маҳаллий миршаб гап-сўз сотган ҳамда хурмат-эҳтиромли имо-ишоралар қилган оломон орасидан мashaққат билан йўл очди. Хуллас биз эсон-омон мадрасанинг бурчагига етиб олдик. Бу ерда дўстимиз Мирза Юсуфни учратиб қолдик. У бизни ўзининг даврасига таклиф қилди. Унинг дўстларидан баъзилари шу мадрасанинг муллалари экан. Бу ерда ўзимизни худди уйимиздагидек ҳис қилдик.

... Бироз дам олганимиздан сўнг, мадраса ортидаги катта дарахтзорга ўтиб, ўзгача манзараға гувоҳ бўлдик: бу ердаги рисоладагидек соя-салқин жойлар соябон ва чодирлар билан банд бўлиб, аввалдан эгаллаб қўйилган экан. Ҳаммаёқда самоварлар тутун чиқариб, бутун анҳор бўйлаб ўрнатилган қозонларда палов тайёрланарди. Деярли ҳар бир чодирда рубоб чалиб, қўшиқ айтишар, доиранинг ўйноқи зарблари ва уларга мос тарзда қарсаклар чалиниб турганини тез-тез эшитиш, рақс томошаси бўлаётганини кўриш мумкин. Атрофимиздан жой етмаган жуда кўп киши эса сайёр сотувчилардан ковуп, нон сотиб олишар, чойхонадан бир пиёла чой ёки бироз қимиз олиб ичиб, вактичоғлик қилишарди.

Кўплаб таомларни ошхоналар таъминлаб, гўё бозордаги барча маҳаллий ошпазлар бир ҳафтага бу ерга келиб ўрнашиб олгандек эди. Бу ернинг марказидаги катта павильон

юқори лавозимли кишилар учун қурилган бўлиб, у ерда Тошкентнинг асосий расмийларини учратдим. Мазкур павильон қаршисида атрофи ўралган йирик майдон бўлиб, у ерда болалар йирик миллий чолғучиларнинг мусиқаларига доимий рақсга тушар эдилар. Орада Рус ҳарбий оркестри ҳам «Grande Duchess»дан<sup>1</sup> ариялар ёки Оффенбахнинг<sup>2</sup> бошқа операларини ижро этарди. Базм кеч тунгача давом этиб, соат тўққизларда расмийлар таклиф қилган кечки овқатга қарамай, отда чанг йўлдан уйга қайтдик.

Кейинроқ билишимча, зобитларнинг вақтини чоғ қилиш мақсадида уезднинг рус ҳокими аёллар рақсини ташкил қилгани диний байрамни таҳқирлаш сифатида мусулмонларнинг нафратига сабаб бўлган экан. Бу маҳаллий аҳолининг туйғуларини поймол этадиган ҳолатлардан бири эканлигини кўплаб рус расмийлари хануз тушуниб етмаган.

... Мусулмонлар ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бири хатна қилишdir. Ундан аввал гўдак чўмилтирилади, овқатлантирилади ва исм берилади, аммо ушбу маросим ўтказилмагунича, эътиқодли мусулмон ҳисобланмайди. Гўдакнинг туғилиши ва унинг ilk ёшлиги баъзи бир урф-маросимлар билан уйфун бўлади. Бола туғилганида доя хотин расм русумга амал қилиб, қувончдан оғриқни бартараф этиши мушқуллигидан боланинг онасига чақалоқнинг жинсини маълум қилмайди. Бу ерда ҳозир бўлган чақалоқнинг отаси агар хотинини суйса, бола туғилган хона эшигининг қаршисидаги бурчакнинг поли остига гўдак ўғил бўлса, қўй суюгини, агар қиз бўлса, латта қўғирчоқни яшириб қўяди. Шундан сўнг доя чақалоқнинг ота-онасини табриклайди ва улардан совға-салом олади. То беш кунгача болага кўйлак кийдирилмайди.

Тўққизинчи куни боланинг бувиси аввалдан тайёрлаб қўйган бешикни аслаҳалари билан олиб келади ва чақалоқни

<sup>1</sup> «Grande Duchess» (Герольштейнсклик герцогиня) – Оффенбахнинг 1867 йилда яратган опереттаси.

<sup>2</sup> Оффенбах, Жак (асл исм-шарифи Якоб Эберши) (1819–1880) – композитор, француз операчилигининг асосчиси. Ж. Оффенбах 100 га яқин оперетта ёзиб, мазкур жанр тарихини бошлаб берган. Улардан «Орфей дўзахда», «Гўзал Елена», «Кўйк соқол», «Париж хаёти», «Перикола», шунингдек, «Гофман эртаклари» номли романтик операси (1880) кўп мамлакатларда саҳналаштирилган.

иチガ арпа солинган түшакли бешикка белашади. Бешикдан фойдалаиш то иккинчи бола тугилгунга қадар давом этади. Бешикка белагунча ичидаги жиниларни ҳайдаш учун түқиз кун ёруғ чироқ ёқиб қўйилади. Ўша куни она ҳам түшакдан туради ва катта тантана бошланади. Оиланинг моддий аҳволидан келиб чиқиб, у турлича бўлиши мумкин. Бу байрам фақат қиз чақалоқлар учун берилади. Жинилар таъсиридан сақланиш учун чақалоқ қирқ кунгача кўчага олиб чиқилмайди.

Чақалоқнинг соchlарини биринчи марта олишганда, унинг соchlарини олтин ёки кумушга қиёслашиб, қашшоқларга хайр-эҳсон беришади. Тошкентда ва умуман бутун Ўрта Осиёда болалар етти-ўн ёшлар орасида хатна қилиниб, лекин бундан эртароқ ёхуд баъзан камбағаллик туфайли кечроқقا ҳам сурилиши мумкин. Хатна байрами – *тўй* – анча қиммат, оиланинг ҳамма қариндош-офайнилари таклиф қилиниб, кўпинча уч-тўртта эркак сарфу харажатдан қочиб, болаларининг хатна тўйини бир қилиб ўтказадилар. Агар ота бой бўлса, табиийки унинг якка ўзи тўй беради.

Боланинг дўстлари бир жойда тўпланиб, маъракада иштирок этиш учун келишади. Уларнинг барчаси қофоз қалпоқлар, ёғоч қиличлар, қофоз қалқонлар ва қовун пўстидан ясалган ниқоблар тақиб олган бўлиб, каттароқ бир бола тўй мабодо тўй боланинг уйида бўлмаётган бўлса, уни уйидан опичлаб олиб, кўча бўйлаб тантана билан олиб юриб, яна орқага қайтишади. Бола ҳушидан кетмаслиги учун эрта тонгда кучли гиёхванд саналган *гулқанд* берилади. У шакар обакисига қулмоқ<sup>1</sup> гуллари сепилиб, қаттиқ қоришма бўлгунча ~~я~~аралаштирилади.

Барча меҳмонлар жам бўлгач, зиёфат бошланиб, *палов* ва турли ноз-неъматлар, баъзида қовурилган қўй гўшти бутунлигича тортилади. Шундан сўнг ўйин-кулги бошланиб, кўпинча ташриф буюрган маҳаллий қизиқчи масхарабозлар томоша кўрсатиб, болаларни хурсанд қилишади. У тугагач, меҳмонлар ижроциилар атрофида доира бўлиб айланиб, уларга пул, рўмолча ёки кўнглидан чиқсан нарсаларини ўнг қўл

<sup>1</sup> *Кулмоқ* (хмель) – тутдошлар ва тутгуллилар оиласига мансуб кўп ийиллик чирманиб ўсадиган ўсимлик.

билан чап елка оша берадилар. Бу базм вақтида тўй бола аёллар ҳовлисида бўлиб, у ерда унга энг яхши кийимлар кийдирилади ва мўлжалдаги вақтда эркаклар ҳовлисига олиб келинади ҳамда отаси тайёрлаб қўйган юмшоқ ёстиқлар ва асл матолардан тикилган кўрпачалар тўшалган тўшакка ётқизилади. Бу тўшак меҳмонхонада тўшалган бўлиб, у ерда энг ҳурматли меҳмонлар ҳозир бўлишади. Хатна ўткир устара билан адо этилиб, порох ёки ажойиб ёроҷ кули кесилган жойга суртилгач, у ер икки-уч кунда битиб кетади. Боланинг чинқирган товуши «Ҳай мусулмон бўлган коғир!», «Ҳай мусулмон», «Сен мусулмон бўлдинг» каби овозлар остида колиб кетади.

Бола ўн беш-ўн олти ёшларга тўлганида, баъзан ундан ҳам ёш пайтида унинг ота-онаси болани уйлантириш ҳақида ўйлай бошлайдилар ва мос келин излашга тушадилар. Сартлар сўкқабошликни ёмон кўришади ва келин-куёвнинг оиласи бир-бирларига мавқеи тенг бўлишига катта аҳамият беришади. Мисол учун, хўжа ёки Мухаммад авлоди фақатгина хўжанинг қизига уйланиши мумкин. Кизларнинг ўн бир-ўн беш ёшлар орасида турмушга чиқиши мувофиқ бўлиб, лекин шариат бўйича тўққиз ёшда ҳам қизлар турмушга чиқиши мумкин деб қаралса-да, Тошкентда бу унча хушланмайди.

Бу мамлакатларда ривожланиш шу даражада тезки, йигирма беш-ўттиз ёшли аёллар аллақачон қари ва кўримсиз бўлиб қолади. Йигит ва унинг ота-онасига маъқул бўлган қиз топилгач, уйланаётган ўсмирнинг онаси, опаси ёки бирор-бир аёл қариндоши қизнинг уйига боради ва никоҳни осонлаштириш ҳақида келишиб оладилар. У бир йўла қанча қалин<sup>1</sup> бериш кераклигини сўрайди ва сеп-сидирғанинг микдорини ҳам билиб келади. Агар қалин талаб қилинса, сеп-сидирға унга тенг бўлиши лозим. Эр томонидан бериладиган қалин пули одатда қизнинг отасига тегишли деб ҳисобланниб, уни сотиб олиш пули деб қаралади. Лекин бу нотўғри. Қалин пули келиннинг ўзига берилиб, унинг мулки ҳисобланади ва агар

<sup>1</sup> Қалин – туркий ва бошқа бир қанча ҳалқларда куёв томонидан келиннинг ота-онасига пул, чорва моллари ва бошқа нарсалар билан, шунингдек, уларнинг фойдасига куёвнинг ўзи шахсан ишлаб бериш йўли билан тўланадиган хақ. Махр ҳам дейилган.



Тошкентлик йигит.

у эридан ажрашиб кетадиган бўлса, уни қайтиб ўзи билан олиб кетади. Уйланмоқчи бўлган йигитнинг дўсти унинг қаллиғини яхшилаб кузатиб, унинг феъл-авторини ўрганади. У ҳақда маълумот тўплаб, йигитга қизнинг кўриниши, юриш-туриши ҳақида келиб хабар беради. Тошкентда ёш йигитга қизни фақатгина хотинликка олишга қатъий қарорга келгандан сўнггина чодрасиз кўрсатишади. Шунчаки қизиқиши ёки эрмак учун кўришга рухсат берилмайди.

Қалин ҳақида келишиб олиниб, унинг миқдори оилалар ўртасида белгилангач, у тўй совға-саломлари билан бирга қизниги жўнатилади. Қалин пул ёки бирор қонуний мулк шаклида ҳам бўлиши мумкин. Лекин ҳар доим ҳам никоҳдан аввал қалин бериш шарт эмас, аммо хотин эри билан ҳар қандай мулоқотни то қалин тўлагунича рад этишга ҳаққи бор. Тўй совғалари одатда табаррук саналган тўққизтадан берилади. Тўққиз сони меҳмонларга бошқа ҳадяликлар бериш ёки меҳмондўстлик юзасидан бир-бирларига ўзаро алмашганларида ҳам қўлланилади.

Совға-саломлар олди-бердисидан сўнг тўй куни белгиланади. Сўнгра келин дугоналари, куёв ҳам ўртоқлари

билин ўз уйларида базм уюштирадилар. Никоҳ куни келиннинг уйида катта тўй қилиниб, ҳар икки томондан ҳам меҳмонлар ва дўстлар таклиф қилинади ҳамда аёллар алоҳида ҳовлида, эркаклар бошқа ҳовлида бўлишади. Яқинроқ масжиднинг мулласи ёки айрим ҳолларда бирор таникли эшон<sup>1</sup> маросимни ўтказиш учун таклиф қилинади. Келин ва куёв ушбу никоҳ маросимида қатнашмайдилар. Уларнинг номидан эркак қариндошларидан бўлган гувоҳлар иштирок этадилар. Қиз томонидан гувоҳ унинг отаси ёки тоғаси ёхуд унинг қариндошидан бирортаси бўлиб, бошқа бирор кимсага маҳсус рухсат бўлмаса, иштирок этолмайди. Агар келин қул бўлса – бу мамлакатларда қулчиликка рухсат берилган – унинг эгаси гувоҳликка ўтади.

Гувоҳлар билан бир хонадан жой олган мулла улардан кимлар бир-бирлари билан никоҳ тузабётганини, сўнгра қалин ва сеп ҳақида суриштириб, унинг барчаси берилган бўлса, Пайғамбар ва унинг авлодларига, кетидан никоҳ шартномасига ҳамду санолар айтиб, асосан қуйидаги дуони бошлади: «Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. У никоҳга рухсат бериб, турли хиёнатларни тақиқлади. Само ва ердаги барча дурудлар Мухаммадга ҳамда унинг пок ва олижаноб умматларига бўлсин». Шундан сўнг яна: «Мен эркак билан аёл ва аёл билан эркак ўртасидаги ушбу никоҳни гувоҳлар берган ваколатга кўра ва қуйидаги шартнома шартларига асосан қайд этаман», дейди. Кейин мулла ва гувоҳлар шартномага ўз муҳрларини қўядилар ҳамда Аллоҳдан мадад сўраб, Қуръоннинг биринчи – *Фотиха* сураси ўқилади.

Никоҳ шартномаси келинга ёки унинг гувоҳларига берилади. Никоҳ тўлови куёв томонидан берилиб, келиндан талаб қилинмайди. Сўнг куёв келиннинг хонасига боради. Эшикда келиннинг ака-укаси ёки бирор қариндоши турган бўлиб, у то пул ёки кичикроқ бир совға олмагунича куёвни

<sup>1</sup> Эшон – суфийлик оқимларида диний раҳнамолар унвони. Одатда, эшонлар дарвешлик, суфийлик оқимларининг бирига мансуб бўлган. Исмоилийлар фирмаси диндорлар жамоасининг раҳбари ҳам эшон деб аталган. Ўрта асрларда суфий раҳнамоларига мурожаат қилишда уларнинг исмлари ўрнида эшон, баъзан «пир» сўзлари кўшиб ишлатилган. Эшонларга муридларни суфийлик йўлига ўргатувчи (муршид) сифатида қараб келинган.

ичкарига киритмайди. У рухсат олиб ичкарига киргач, келин ва бошқа аёллар билан бирга қолади. Ичкарига кирганида аёллар орасида беркинган келин чиқиб келгунинг қадар унинг кўлини топиши керак. Куёв аввал уни кўрмагани боис, бу кайсиdir даражада осон эмас.

Тўй бутун тун бўйи давом этиб, гулханлар ёқилади, ичимликлар тортиқ қилинади. Лёллар эрталаб ўзларининг совфаларини олгач тарқалишади. Эркакларнинг базми ташқари ховлида ўтиб, улар тун ярмидан оққунча шу ерда бўлиб, совфалар олиб уйларига қайтадилар. Шу билан бирга айни вақтда масжидга ёки қашшоқ кишиларга хайр-эҳсон бериш лозим. Эртаси куннинг исталган маҳали қуёвга агар у якка ўзи яшаса, келинни ўз уйига олиб кетишга рухсат берилганидан сўнг, никоҳ тўйи тўлиқ ўз поёнига етган ҳисобланади.

Кўплаб мусулмон мамлакатларида, айниқса Эронда вақтинчалик никоҳга рухсат этилган. Аммо бу Тошкентда маълум эмас. Кул билан никоҳ тузишга рухсат берилган. Лекин мусулмоннинг ғайридин билан никоҳи қатъий тақиқланади. Бу ерда яна яқин қондошлиқ бўйича ҳам никоҳлар тақиқланган. Эркак кишига ўз хотинининг қариндошлари ёки ўғил ўз отасининг хотинига уйланишига ҳаққи йўқ. Бир вақтда икки опа-сингилга уйланишга рухсат берилмайди. Аёл иккинчи гал эрга тегишдан аввал ажрашиши керак. Аммо хотини рухсат берса, эр унинг қиз жиянига уйланиши мумкин.

Мусулмончилик қоидалари бўйича эркак киши бир вақтнинг ўзида тўрттагача хотин олиши мумкин. Ундан ортиғига уйланиши учун ўз никоҳидаги бир хотини билан ажралиши керак бўлади. Шунга қарамасдан амалда бой кишилар орасида хизматкордан ёки бошқа йўл билан турли жазманлар мавжуд. Хотин барча нарсаларда эрига бўйсуниши, унга ёқимсиз саналган ҳар нарсадан узоқ бўлиши, унинг ижозатисиз ҳеч қандай шартнома тузмаслиги даркор. Хотиннинг егулик, кийим-кечак, хизматкорлар, ётоқ ва ўзининг даражасидагилар билан одатий ҳаммом, меҳмонга бориш ва дугоналари билан кўнгилхушликлари учун сарф-харажатга маблағи бўлишга ҳаққи бор. Агар бу нарсалар эр томонидан тақиқланса,

хотин қози<sup>1</sup> ёхуд ҳакамга арз қилиши мумкин. Қози у хотинга эридан пул ёки эрининг мулкини соттириб, пулини ушбу эҳтиёж учун олиб бериши мумкин. Бундан ташқари, улар ўз хуснини қўлидан келганича сақлашга мажбур бўлиб, ўз эрларига чиройли кўринишга ҳаракат қилишади. Шу сабабли шариатда уларга упа-эликдан қонуний фойдаланишга рухсат берилган. Эр киши ўз турмуш ўртоғидан ташқари яна фарзандлари ва мабодо ўзларини таъминлай олмасалар отаси, тоға-амакиларига ҳам кўмак беришга мажбур.

Никоҳ агар томонлардан бири мусулмонликдан воз кечса, ёки эр анча вақтгача дом-дараксиз кетса ёхуд ёшлиги боис балогатга етгунча никоҳни давом эттираслик шартномаси бўлса, бекор қилинади. Бундан ташқари, никоҳ эр-хотиндан бирининг қаттиқ қасалланиши ёки жинни бўлиб қолиши, яна никоҳ қонун бўйича қайд этилмагани ошкор бўлгудек бўлса ҳам, бекор қилиш учун асос бўла олади. Бунга қўшимча эр истаган маҳали ҳеч қандай сабабларсиз хотини билан ажрашишга хаққи бор. Бундай ҳолда у хотинининг бор мулкини ҳамда агар аввал берилмаган бўлса, қалин пулини ҳам қайтиб беришга мажбур қилинади. Бундай ажрим гувоҳлар олдида ва аниқ қоидаларга риоя этилган шаклда адo этилиши лозим. Хотиннинг хоҳиш-ихтиёри билан ҳам у эридан ажрашиши, бунда у эрига ундан кўра яхшироқ бошқа бир эркакка турмушга чиқишини айтиши керак бўлади. Аммо

<sup>1</sup> Қози – мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифасини бажарувчи, судья, шаръий мажкама раиси. Дастлабки қозиларни Мухаммад пайғамбар, ундан кейин халифа Умар тайинлаган. Қози давлат ғазнасидан таъминлаб турилган. Баъзан қози умумий ваколатта эга бўлиб, бутун мамлакат бўйича ҳукм чиқара олган, баъзан унинг ваколати бир вилоят ёки шаҳар ҳудуди билан чекланган. Қози ўз шахри ёки вилоятидаги барча фуқаролик ва жиноий ишларни олиб бориш, жамоатчилик ахлоқи сақланишини назорат қилиш, зарур бўлган тақдирда одамлар ва мулкка васийликни тайинлаш, вакф мулкларини назорат қилиш, жамоат бинолари ва иншоотлар, йўллар, кўчалар ва майдонларнинг ҳолатини кузатиб туриш, мерос бўлинишини ва васиятга риоя қилинишини, қози ҳукмлари тўғри бажарилиши ва тўғри жазо белгиланишини кузатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа жамоат маблағлари тўғри йиғилиши ҳамда тақсимланишини кузатиб бориш, зарбона, байтулмом (давлат хазинаси)ни назорат қилиш каби ишларни бажарган. Кўшиллар қозиси кўлга киритилган ҳарбий ўлжани баҳолаши ва унинг тўғри тақсимланишини кузатилиши керак бўлган. Бунинг учун у ҳарбий ҳуқуқни яхши билиши лозим бўлган. Айрим ҳолларни ҳисобга олмаганда қозилар асосан факиҳлар орасидан чиқсан. Ўзбекистон худудида ҳусусан Тошкент шаҳрида XX асрнинг 30-йиллари бошигача қозилар суди мавжуд бўлиб, шариатга тегишли муаммоларни кўриб, ҳал қилиб келган.

хотиннинг талабига кўра эр ажрашишни рад этса, унда хотин ушбу ажрим учун етарлича сабабни қозига билдириши зарур. Бундай ҳолда қози эрии ажрашишга кўидиради. Хотин ўз эрига хиёнат қилган ҳолда, эр у билан нафакат ажрашади, балки уни лаънатлайди ҳам. Бу вазият аёлнинг қайта никоҳ қуришига монелик қилиб, эр ажрашганидан сўнг унга яна бир-икки марта уйланиши, аммо бу ҳол уч мартадан ошмаслиги керак. Бунда яна эрининг хотини билан ажрашиш ҳуқуқини берувчи нафратли иборалар ҳам мавжуд бўлиб<sup>1</sup>, бунда эр *каффорат*<sup>2</sup> деб аталадиган садақа берилмагунича ҳамда алоҳида дуолар ўқилмагунича ўзи ҳам хотинининг яқинига йўлай олмайди.

... Бир эрнинг турли хотинлари бир-биrlарига дилкашлик билан муносабатда бўладилар. Рашик улардан унча узок эмас, бунга шубҳам йўқ. Агар рашик ва мухаббат кучли бўлса, бу шунчаки совға-салом олгани ва бошқасининг ҳузур-ҳаловатда устунлигини кўра олмасликдан бўлак нарса эмас. Ҳар қандай эр ўз хотинларини иложи борича алоҳида яшашларига ҳаракат қиласи. Хотинлар бир-бирига нисбатан *кундош* деб мурожаат қилишади.

Сартлар орасида бизнинг танамизда учрайдиган одатий хасталиклардан ташқари, ушбу мамлакатга хос бўлган ва фақатгина шу ерда тарқалган яна икки-уч хилдаги касалликлар ҳам бор. Улардан бири *решта*<sup>3</sup> бўлиб, у дунёning иқлими иссиқ ва суви ёмон бўлган бошқа қисмларида ҳам учрайди. Бу касаллик инфузориядан<sup>4</sup> ҳосил бўлиб, организм ёмон сув истеъмол қиласи, у қарийб бир йил давомида ривожланади ҳамда оқ қуртга айланиб, тана бўйлаб ўтиб, одатда оёқларнинг бирида пайдо бўлади. Тананинг заарланган қисми шиша

<sup>1</sup> Бу ерда талоқ ҳақида сўз кетмоқда.

<sup>2</sup> *Каффорат* – қилинган гуноҳ учун эваз тўлаш ёки гуноҳ кечирилиши учун бериладиган нарса. Масалан, ҳар бир мусулмон рамазон ойида бирор сабаб билан рўза тутмаган бўлса эвазига бошқа вакт рўза тутган. Каффорат тушунчasi шариат ахкомларида мухим ўрин эгаллаб, унда ёлғон қасам ичиш, бирор шахсга ноҳақ озор етказиши каби ҳолатларда ўз гуноҳини ювиш учун маълум миқдорда садақа қилил бегилланган.

<sup>3</sup> *Решта* (тиббиётда *Filaria medinensis*) – йирик думалоқ қурт бўлиб, тропик ва субтропик мамлакатларда тарқалган. Урточиси одамнинг тери ости тўқималарида яшаб, йирингли яралар ҳосил қиласи. Махаллий ҳалқ Инжилда баён этилган Айюб пайғамбарга ҳам ана шу қурт азоб бериб, унинг танасини йиринглатиб юборган деб хисоблаган. Уни гвинея қурти ёхуд решта ҳам дейишган.

<sup>4</sup> *Инфузория* – сувларда яшайдиган бир хужайрали содда жонивор.

бошлайди ва маҳаллий табибларга унинг белгилари маълум бўлиб, улар ўша жойни дарҳол кесадилар ҳамда қуртни эпчиллик билан тутиб, аста-секин чўпга ўраб оладилар. Бу жуда эҳтиёткорлик билан бажариладиган амалиёт бўлиб, агар қурт ёрилиб кетгудек бўлса, унинг ҳар бир бўлгидан алоҳидачувалчанглар пайдо бўлиб, беҳисоб яраларга сабаб бўлади. Касаллик суюкларда ўткир оғриқ, ички иситма ва кучли чанқоқии келтириб чиқаради. Бу касаллик Тошкентда камдан-кам учраб, аммо Жиззах, Бухоро ва Қаршида жуда кенг тарқалган. Самарқандда кам учраб, у ерда бўлганимда бу хасталик билан оғриганларни кўрмадим. Юқорида айтиб ўтилган учта шаҳар дарё ва каналларнинг охирида жойлашган бўлиб, аҳоли кичикроқ ҳавза ва ҳовузларда бир неча ойлаб сурункали туриб қолган сувни истеъмол қилишгани учун кўплаб тарқалган.

... Тошкентдаги руслар орасида «Сарт касаллиги» номи билан маълум касаллик сув орқали юқади. Агар одам қайнатилган сувдан фойдаланса ёки ювениш учун тоза сув ишлатса, у ҳолда бу касалликка чалинмайди. Аксинча, маҳаллий шаҳарлар яқинида истиқомат қиласидиган ва канал сувларида чўмилиш мақсадида фойдаланадиган аҳоли доимо бу касалликка чалинади. Яна ерлик аҳоли орасида «Афғон яраси» ёки «Пашаҳурда» номи билан маълум ва кўпроқ ёш болалар орасида тарқалган яра бор. У жуда ёмон яра бўлиб, юзга ёки кўлларга чиқиб, аста-секин тарқалади ва танани чукурдан-чукур кемиради. Маҳаллий табиблар бу касалликни даволашда жуда моҳир бўлиб кетишган, ҳолбуки рус шифокорлари эндиғина бунинг уддасидан чиқишишмокда.

... 1872 йилда Жиззахда вабо пайдо бўлиб, у Самарқанд, Шаҳрисабз, Хисор ва жанубда Амударёгача; гарбда Бухорога, Каттакўрон ва Нуротанинг ҳар иккисидан тортиб, ҳатто Хивагача; шарқда Ўратепа ва Кўқон хонлигига; шимолга томон эса Тошкент, бир йўналиши Иссиқкўлга ва бири эса 1-Истехком қальясигача жуда тезликда тарқалди. Вабо шунчалик кучайдики, айниқса, Бухоро ва Кўқонда одамлар ўлими жуда кўпайди.

... Маҳаллий аҳолининг айтишича, Ўрта Осиёда бундан аввал икки марта, биринчиси 1832 ва иккинчиси 1848–1849 йилларда, яъни Европада бу юқумли касаллик кенг авж

олган пайтда тарқалган. 1849 йилдан буён у Тошкентда кузатилмаган.

Дунё бўйлаб маълум бўлган паразитлар – бурга ва бит каби ҳашаротлар, бутун Ўрта Осиёда жуда кўп тарқалган, аммо шуниси қизиқки, ёғоч канасини бу ерда то руслар келгунча билмаганлар. Бу нарса ҳозирда Тонкент ва барча ёмхоналарда<sup>1</sup> кенг тарқалган бўлса-да, лекин уни Бухоро ёки Кўқонда ҳали билишмайди.

Сарт табибининг биринчи қиласидаги иши сизнинг умумий аҳволингизни ўрганиш ва мизожингиз ҳақида сўраш бўлади. Табиб бу ерларда анча оммабон тиббий китоб саналган «Тухфат ал-мўминин»ни<sup>2</sup> ўргаиган бўлиб, сиз ҳам тўрт тоифадан бирига мансуб бўлиб, касаллигининг давосини ҳам шунга асосланиб аниқлайди. У сиздаги касаллик белгиларини мизожингиз билан ўзаро боғлаб, сўнгра чўнтағидан халтачасини чиқариб ёхуд белбоғ сифатида хизмат қилувчи рўмолини ечиб, ҳар ҳолда ҳар ким татиб ва ҳидлаб кўриши мумкин бўлган, ўралган қозоз бўлакларидағи дориларни очиб, тегишлисини танлаб, одатий меъёр ва парҳези ҳақида сизга кўрсатмалар беради.

Ўрта Осиё табиблари ишлатадиган дори-дармонлар умуман олганда жуда оддий, кўп қисмини ўсимликлар таркибидан, озроғини эса ҳайвон таркиби ва минераллардан фойдаланиб тайёрлашади.

... Европадан келтириладиган дорилар мамлакат учун янгилик бўлмай, бу ерда анча даврдан буён маълум. Россиялик савдогарлар уларни европаликлар таъминлаганидан ҳам арzonроқ ва яхшироқ сотишади.

Одам ўлгач, унинг жасади *киранда*<sup>3</sup> деб аталувчи аёл томонидан ювилади. У дағи билан маҳсус шуғулланувчи

<sup>1</sup> Ём, ёмхона (мўғулча – йўл) – чопарлар, йўловчилар тўхтайдиган ва от алмаштирадиган жой, бекат. Ёмларда доим отлар шай туриб, бир қанча киши хизмат қилган. XIII асрда шаклланган.

<sup>2</sup> «Тухфат ал-мўминин» – Мирмуҳаммад Мўмин бин Мирмуҳаммад Замон Хусайний Бенгалий Дайламий Табибининг 1204 (1789) йилдаги машхур тиббий асари. «Тухфат ал-мўминин фи ат-тиб» деб ҳам аталган. ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўллэзмалар жамғармасида асарнииг форс тилида, настальик хати билан кўчирилган ўндан зиёд нусхалари мавжуд (№10877, №2266, №7717, №11952, №12007, №3760, №3516, №2479-IV, №4660, №3507, №2116-IV, №5031, №721, №5842, №3653).

<sup>3</sup> Киранды – форсий ва туркий тил луғатларида бу сўз учрамайди. Балки Ю. Скайлер ҳудди шу мақсадларда фойдаланилган гўянда деган касбни назарда тутгандир.

ҳамда маросим чоғида аза тутиб йиғловчи ва фарёд қилувчи ҳамдир. Қазо қилганни имкони борича ўша куннинг ўзида дафн қилишади. Жаноза Тошкентда мулла томонидан ўлган одамнинг уйида, аммо Шахрисабз ва Бухорода жасад тобутга қўйилиб, усти қиммат матолар билан ёпилиб, масжидга элтиб, ўша ерда ўқилади. Гарчи аёл киши ҳаётлигига масжидга боришига руҳсат бўлмаса-да, ўлганидан кейин бунинг фарқига боришмайди. Маъракалар ош деб аталиб, ўлган кишининг жаноза куни ва еттинчи, қирқинчи, ярим йиллиги, йиллигига унинг яқинларига берилиб, шу кунлари аёллар қабрларга бориб, йифи-сифи қилишади. Азанинг биринчи куни *gap* деб аталади. Йил бўйи аёллар мотам рамзи сифатига кора кийим кийишади, аммо эркаклар ўзларининг ғам-қайнусини бу йўл билан ифодалашмайди.

... Россия тарихидаги қўп нарсани Осиёдаги, жумладан ҳозирги Бухоро ва Тошкентдаги ҳаётни дикқат этиб тадқиқ этмасдан, яхшигина ўрганиб бўлмайди.

... Сарой шакли ва маросими осиёча удумга эга. Бошқалар орасида «юқори» (*верх*) сўзи рус подшоларининг Кремлдаги қароргоҳини, ҳозирда унча оммабоп бўлмаган Қишки саройни ифодалашда қўлланилади. Бухорода *юқори* амир қароргоҳини англатади. Россияни илк бор бирлаштирган буюк Иван Калита<sup>1</sup> ўз фамилиясини туркийча «халта» сўзидан олган. Бу сўз одатда Ўрта Осиёда ҳозир ҳам ишлатилади.

... Русларнинг мўгуллар билан алоқасини энг яққол кўрсатадиган яна бир сўз «давлат мулки, ғазна» *казна* деб аталиб, у арабчадан келиб чикқан татарча сўз ҳисобланиб, *газначи* соғ татарча шакл бўлса керак. Шунга қарамасдан менга ғалати туюлгани шу бўлдики, пул учун ишлатиладиган сўз «денга» ёки «денъги» танга шаклини англатиб, Ўрта Осиёнинг барча ерида йигирма копейкли тангани англатади. Кичикроқ танга «пул», Россияда «пул» ва «полушка» шаклида шаклланган ва олтин, асли олти танга «пяталтин» тарзида қолган. Бу беш олтин ёки ўн беш копейк бўлиб, у кўпинча Санкт-Петербург аравакашлари томонидан ишлатилади. Осиё-

<sup>1</sup> Иван Калита, Иван I Калита (?–1340) – 1325 йилдан Москва князи, 1328 йилдан Владимир буюк князи. Москванинг сиёсий ва иқтисодий қудратига асос солган. Унинг даврида рус митрополити Владимирдан Москвага кўчирилган.

ча оғирлик ва узунлик ўлчовлари «бөтмөн» ва «аршин» сўзлари учрайди. «Омбор», «сарой», «чөрдак»лар ҳам шарқий сўзлардир. Шуниси қизиқки, Россиянинг солик ва кўчмас мулкка оид қонунларида Осиёнинг таъсири сезилмайди.

Барчамизга маълумки, Ислом «(Аллоҳга) бўйсунни» демакдир. Бу дин мусулмонлар Мухаммадга юборилган деб ишонувчи, фаришта Жаброил орқали Аллоҳ томонидан юборилган *суралар* деб аталувчи алоҳида бўлимлардан иборат Куръон асосида вужудга келган.

... Бу диннинг энг асосий тамоили ёлғиз Аллоҳга эътиқод килиш, аммо биз Куръонда диний қоидалардан ташқари, кундалик турмуш ва амалиётта, ҳатто сиёсий муносабатларга ҳам тегишли бир қанча қоидалар борлигини кўришимиз мумкин.

... Ислом пайдо бўлган илк даврларданоқ Куръонга учта кўшимча вужудга келган. Булар: *Хадис*, *Ижма-у-уммат* ва *Киёс*. Ҳадис пайғамбарнинг кўрсатма ва амалларидан иборат бўлиб, оғзаки тарзда ўтиб келган ҳамда унинг шахсий хаёти ва фаолиятидан келтирилган мисоллардир. Бу амаллар Куръон каби кучга эга бўлмаса-да, улар Куръонда келтирилмаган масалаларни амалда ҳал қилиш учун хизмат қилган.

... Ҳадис сунний мазҳаб томонидан тан олиниб, олтида китобда энг яхши уламолар томонидан тўпланган. Уларга машҳур ал-Бухорий<sup>1</sup> бошчилик қилган.

*Ижма-у-уммат* дастлабки тўртта халифанинг хукмлари жамланмаси ҳамда уларнинг Куръондаги фуқаро ва диний масалалар бўйича қарорлари ва тавсифларидан иборат. Киёс эса дастлабки тўртта халифадан кейинги халифалар, имомлар ва олий мақомли маънавий шахсларнинг Куръон ва ҳадис асосидаги қарор ва хукмларидан иборат.

✻

<sup>1</sup> Имом ал-Бухорий, ал-Бухорий (асл исми Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий) (810–870) – Ислом оламининг мутафаккири, буюк муҳаддис. Муҳаддислар имоми, ҳадис илмининг сultonи деб ҳам юритилади. Бухорий умр бўйи ҳадисларни тўплаш ва тизимга солиш билан шуғулланган, уларни сахих (тўғри, ишончли) ва гайри сахих (хато, заиф)га ажратган. Бухорий жами 600 мингта яқин ҳадис тўплаган бўлиб, шундан 100 минг «сахих» ва 200 минг «гайри сахих» ҳадисни ёддан билган. Бухорий ўзининг ноёб қобилияти, иқтидори, қувваи ҳофизасининг ўта кучлилиги билан илм ахлларини лол қолдирган. Бухорий 20 дан ортиқ китоб тасниф этган. Улардан айримлари бизгача етиб келган. Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-сахих» («Ишончли тўплам») деб номланган 4 жилдан иборат ҳадислар тўплами Ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида ишонарли ва мукаммалдир.

Мұхаммад пайғамбарнинг ўзи Исломда етмиш учта турли оқимлар бўлишини башорат қилиб кетган.

... Шубҳасиз, пайғамбар вафотидан сўнг қўплаб оқимлар вужудга келган ва уларнинг кўпи ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, энг асосийлари *сунний* ва *шиа* мазҳабларидир. Мазкур икки мазҳабнинг диний таълимотларидағи асосий фарқлар *Имомат* таълимотидан келиб чиқкан бўлиб, меросий ҳуқуқ Али авлоди бутун мусулмон оламини идора қилишидир, дейилади. Суннийлар тўртта халифадан бўлак ҳеч қайси имомни тан олмайди ва пайғамбарнинг вафоти ҳамда дунёвий куч-қудрат жамият ва халқ ишончи билан муносиб шахсларга топширилганлигига ишонишади. Шиалар учун Имомат диннинг асосий ақидаси саналади.

... Суннийлар Алини ҳам қонуний халифа санаб, фақаттина тўртинчи, яъни Абу Бакр, Умар ва Усмондан сўнг деб ҳисоблашади. Унинг авлодларига пайғамбар авлоди бўлганидан иззат-икромда бўлишса-да, аммо халифалик қонуний жиҳатдан Али ва унинг авлодлари билангира чегараланиб қолганига ишонишмайди. Суннийлар тўртта асосий авлиё ва таникли диний уламоларнинг номи билан аталувчи (Имом Аъзам Абу Ҳанифа (699–767), Имом Шофеъий (767–819), Имом Молик (795) ва 855 йилда Бағдодда вафот этган Имом Ҳанбал) оқимга бўлиниб, улар Исломнинг ташқи (зоҳирий) удумлари учун аниқ қоидалар ҳамда ҳуқуқий масалалар юзасидан тўғри ечим ишлаб чиқишган. Улар: *ҳанафия* ёхуд *Имоми Аъзам, шофеъийя, моликия* ва *ҳанбалия* оқимларидир. Ўрта Осиё ахолисининг асосий қисми ҳанафия, бироз қисми шофеъийя оқимиға мансуб, бироқ бошқа оқимлар учрамайди. Ваҳҳобийлар томонидан соғ Исломни тиклаш учун яқинда пайдо бўлган ваҳҳобийлик Ўрта Осиёга ҳеч қачон ёйилмаган бўлса-да, Хиндистон ва Афғонистонда қўплаб тарафдорлари бор.

Ҳар бир мусулмон нафақат Ислом қоидаларига эътиқод қилиб, намоз, рўза ва бошқа унинг ташқи удумларини адо этиши, айниқса жума куни масжидда *жума* жамоа намозида ҳам қатнашиши шарт.

... Тошкентдаги 300 та масжид пайшанба куни кечқурун ва жума эрталаб, айниқса соат 11 да ибодат қилувчилар билан тўла бўлади.

... Бу ердаги масжидларнинг кўни чўзинчоқ бинолардан иборат, бир томони очик, олд қисми катта пешайвонли, киришдаги девори кошинланган бўлиб, Маккага, яъни қибла томонга йўналган. У *Каъба* тарафии кўрсатувчи белгидир. Ичкари қисми асосан ортиқча ҳашаматдан холи, эҳтимол Ҳиндистондан келтирилган бўлса керақ, оддий тошибосма ва китоблар сақланиб, Маккадаги муқаддас бинолар ёзма тавсиф ва изохлар билан тасвириланган. Айни пайтда деворга Қуръондан олинган матнлар ва ҳикматли сўзлар жимжимадор килиб битилган.

Хар бир масжиднинг ҳовлисида кичкина ҳовуз бўлиб, уйида таҳорат олиш имкони бўлмаган намозхонлар ундан фойдаланишади. Хар бир масжиднинг намозни бошқарувчи ўз имоми<sup>1</sup> ва яна сўфи<sup>2</sup>, яъни хизматчиси ҳам бор. Имомлар Рамазон ойида ибодатга келувчи аҳолидан хайрия совғаларини қабул қиласидар. Суфилар зиёфатдан ортгани ҳамда ўликни ювгани учун чопондан бошқа ҳеч нарса олишмайди.

... Намозхонлар оёқ кийимларини эшик ортида қолдириб, ичкарига киргач, агар масжид таъминлай олмаса, иложи бўлса ўзлари билан келтирган, тозалигига шубҳа туғилмайдиган намоз гиламчалари (жойнамоз – З. С.) ёки матони ерга тўшаб, устида намоз ўқийдилар. Қоматни тутиш ва намозлар бу ерда бошқа сунний мазҳабдаги мамлакатлардаги сингаридир. Фақат кўл ва қомат эгишдаги ҳолатларда бироз фарқ бўлиши мумкин.

... Исломда кўплаб диний тариқатларга рухсат берилган. Уларнинг баъзилари Ўрта Осиё шаҳарларида тез-тез кўзга ташланадиган *девоналар* ёки дарвешлар (шунингдек, қаландар деб ҳам\* аташади) гуруҳидир. Тошкентда дарвешларнинг ваъз-насиҳатлари исёнкор хусусиятидан жамоат тартиби учун

<sup>1</sup> *Имом* – намозда жамоатнинг олдида туриб намозни бошқарувчи киши. Шунингдек, Ислом динида мусулмонлар раҳбари, бошлиғи демакдир. Имом атамасининг нихоятда кенг мазмуни бўлиб, куйидаги маъноларда ишлатилади: 1. Суннийликда барча мусулмонларнинг олий раҳбари; 2. Суннийликда шариат мазҳабларининг асосчиси; 3. Шиаликда энг юксак раҳнамо. яъни Ҳазрати Али ва унинг авлодлари; 4. Суннийликда ҳам, шиаликда ҳам масжидда намозни бошқариб борувчи диндор – масжид имоми.

<sup>2</sup> *Сўфи* – 1. Масжидда аzon айтиб, намозга чорловчи шахс. Муаззин атамасининг синоними. Муаззин халқ тилида сўфи деб ҳам аталади; 2. Намозхонлар сафини тартибга солувчи.

хавфли саналиб тақиқланган. Хўжанд ва Самарқандда улар эркинрок. Тариқат биродарлиги ёхуд сулук ҳаёт тарзлари турлича одамларни жамлаган бўлиб, нажотга эришишнинг энг ишончли йўли сифатида ана шундай тасаввуфий қонун-қоидаларни қабул қилишган. Тариқат биродарлиги Тошкентда ҳам мавжуд бўлиб, унинг энг машҳурлари – *Нақшбандия*, *Хуфия*, *Жаҳрия*, *Қодирия* ва *Чиштия*. Энг охиргисига асосан Кўқон ва Хўжандда амал қилишади. Ушбу тариқатларнинг асоси ва пайдо бўлишини аниқлаш жуда мушкул.

Ҳар бир тариқатнинг ўз афсонавий тарихи бўлиб, ҳар бири маълум авлиёнинг ҳифзу ҳимоясида дея унга қатъий ишонилади. Мисол учун, Нақшбандия тариқати Бухородаги машҳур авлиё Баҳоуддин, Жаҳрия тариқати эса Туркистонда дафн қилинган таниқли авлиё Ҳазрат Яссавий томонидан. Ҳар бир тариқат Қодир Аллоҳнинг абадий фароғатига эришиш, қалбни очиш, доимий бахту соодатга етишишга элтувчи ўз услубларига эга. Хуфия тариқатидагилар маънавий юксакликка сокин тоатибодат билан эришиш мумкинлигига ишонсалар, айни пайтда қодириялар унга эришишни товуш чиқариб ва йиғи-сифига зўр беришда деб билишади. Нақшбандия тариқатидагилар бошқаларининг қоидаларидан тубдан фарқ қилиб, кўпроқ зоҳидийларга ўхшаб кун кечиришади. Жаҳрия тариқатининг Тошкентнинг турли жойларида кунлик маросимлари мавжуд. Мисол учун, ҳар якшанбадан душанба тонгтacha Эшонхўжа масжида ва душанба эрталаб соат саккиздан тушдан кейин иккига қадар Ҳожа Ахрор масжида, айни пайтда пайшанба кеч соат тўққиздан жума саҳар соат беш-олтига қадар Ўрда бозори яқинидаги Эшон Соҳибхўжа масжида ўтадиган маросимларининг гувоҳи бўлишга муваффак бўлдим.

Бир пайшанба оқшоми, соат ўнлар чамаси биз бир неча дўстлар билан ҳамроҳликда бу масжидга бордик. Бизни ичкарига тезда киритишди. Ёшу қари, ҳаммаси бўлиб ўттиз чоғли киши тиз чўкиб, қиблага қараб ўтиришар, баланд овозда товуш чиқариб, гавдаларини жазавали силкитишар, уларнинг атрофида икки-уч қатор турган одамлар ҳам шу ҳолатга кираётган эдилар. Биз бир бурчакда туриб жараённи кузата бошладик. Уларнинг кўпчилиги чопон ва саллаларини



Дарвешлар.

ечиб ташлаган, тун иссиқ бўлганидан ҳаракатлари янайм шиддатли кечарди. Ёддан «Ҳасби рабиил жалла Аллоҳ» (менинг ҳимоятим Аллоҳ, Аллоҳ буюк); *Мо фий қалбий гайр Аллоҳ* (қалбимда Аллоҳдан ўзга ҳеч нарса йўқ); *Нури Муҳаммад солл Аллоҳ* (Менинг нурли Муҳаммадим, уни Аллоҳ ёрлақасин); *Ла илаҳа иллаллоҳ* (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ)» каби сўзларни қайтаришарди.

Бу сўзлар ярим мусиқий паст оҳангли хиргойи билан айтилар ва шунга монанд бошларини чап елка оша юракка қараб қаттиқ силкитишар, сўнг орқага, кейин ўнг елкага, сўнг пастга барча ҳаракатлар юрак томон қаратилган эди. Нақарот юзлаб маротаба такрорланар ва бу зикр<sup>1</sup> унга бошлилик қилаётган эшоннинг хошишига боғлиқ бўлиб, одатда бир-икки соат давом этарди.

... Нихоят уларнинг куч-мадори тугагандан сўнг, омма аста-секин қиблага қараб ярим доира бўлиб туриб, гавдаларини ўнгдан чапга буриб, қуйидаги айни сўзларни: «Ҳай, ҳай! Аллоҳ ҳай!» ёки бироз ўзгарган ҳолда «Ҳуу Аллоҳ»ни айтиб, олдинга ва орқага ҳаракатланишарди. Хуллас охирида одамларнинг бир нечтаси шу доиранинг ўртасига йиғилиб, жўр бўлганилари доимий ўзгариб турувчи ҳаяжонли рақсни бошлади.

Улар кўринишидан буткул сезгиларини йўқотган ва ўраб турганларга суяниб олишар, улар эса яна ўртага туртиб ўйнашга мажбур қилишарди. Тариқат издошлари бутунлай ҳолдан тойгач, айлана бўлиб ўтиришиб, чукур хаёлотга чўмишди, бу пайтда эшон ваъз ўқиди. Ваъздан сўнг

<sup>1</sup> Зикр – тасаввуфда худони ёдга олиш билан боғлиқ «само» маросими ва шу маросимда ижро этиладиган мусиқий-шевърий туркум. Мусулмонлар орасида X – XI асрларда шаклланган. Илоҳиётчилар Аллоҳни ёдга олиш зарурлигини Куръони каримнинг «Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур» (13:28) деган кўрсатмаси билан боғлайдилар. Зикрнинг асосий фалсафий-эстетик максади важд (экстаз), яъни инсоннинг мусика, шевъ ва рақс воситасида олий Ҳақиқат (Тангри) билан хиссий-рухий бирлашиб, уйғуналашиб кетишидир. Турли хил тасаввуф тариқатларида зикрнинг хилма-хил кўринишлари ишлатилади. Масалан, Туркистанда энг кўп тарқалган яссавия тариқатида «Зикри жаҳрий» («Ошкора, катта зикр» ёки «Хонақойи» деб ҳам аталади), «Зикри хафий» («Яширин, кичик зикр», тор доирада ижро этилган), «Зикри ададий» («Саноқли зикр»), «Зикри аллония» («Эълонли зикр»), «Зикри дил» каби турлари кўлланилган. Жалолиддин Румий асос солган мавлавия тариқатида зикр маросимига мусиқий асбоблар ва рақслар кенг жалб қилина бошланган.

ҳофизнинг<sup>1</sup> (бу ерда ҳофиз деб бири достонларни, яна бири асосан диний достонларни ёддан билувчига айтилади) авлиёлардан бирортасининг ҳаётидаги таъсирли воқеа, ўлим аломатлари ёки жаҳаннам олови ҳақида жўшқин куйлаши бўлди. Товушининг оҳанги жуда ажойиб, куйлаётганда имоишоралар қилиб, овозини имкони борича узокроққа етказиш учун бирор китоб ёки қўлини оғзи ёнида тутиб турарди. Тингловчилар одатда ҳеч қандай маъно билдирамайдиган «Ҳай,xo,ox,ba,ba» қаби бақириқлар билан жўр бўлиб, ох-воҳ чекишар ҳамда бўзлаб йиғлашар, қўкракларига муштлар ёки ерга йиқилишарди. Бир ҳофиз куйлашни якунласа, иккинчиси бошлар, эшон ёнидаги халфа эса ҳар замонда «Я ҳай, я Аллоҳ» ёки «Аллоҳу Акбар» сўзларини қўшиб қўяр, ё бўлмаса ўзига-ўзи пицирлаб, юзи ва соқолини қўли билан силарди. Сўнгра бақириқ ва ҳаракатлар тагин бошланиб, кетидан рақслар билан эрталабгача давом этди. Маросимда ҳеч қандай аниқ қоида бўлмай, у буткул *пир*<sup>2</sup> ёки эшон томонидан бошқарилиб, улар маросимни қизиқарлироқ ўтказишга ҳаракат қиласди.

... Билмадим, бу уларнинг рус бошлиқларига ёқиши хоҳлашми ё бошками, аста-секин либерализм ўрмалаб кириб, бу мусулмонларнинг ўз диний анъаналарини христианларга намойиш этишга ҳаракат қилишларида яққол намоён бўлмоқда. Менинг тан бериб ўйлашимча, бу қадам-бақадам кенгаяётган индифферентизм<sup>3</sup> руҳидир. Ўрта Осиёning барча хонликларида диний қоидаларга риоя қилинади, акс ҳолда қатъий жазолар берилади. Кўқон ва Бухоронинг ҳар иккисида *rais* деб аталувчи расмийлар бўлиб, ахолининг масжидларга боришини назорат қилиб, керак бўлса, дўконлари, иш

<sup>1</sup> Ҳофиз (арабча – ёддан билувчи, сақловчи) – VII асрдан арабларда Куръон сураларини ёддан қироат билан ўқувчи киши, қори. XI асрдан мусулмон Шарқ мамлакатлари (Жумладан, Ўрта Осиё ва Хурсон)да мумтоз ғазал ва достонларни ёддан айтган кишилар, шунингдек, ўзи ҳам ижодкорлик қобилиятига эга, қуй-оҳангларни эсда саклаш қувва (ҳофиза)си ўткир бўлган, юкори малакали ашулачи, хонанда, айни пайтда, ўз ғазалларини оҳангли ўқиган ҳассос шоирларга ҳам ҳофиз даражасида нисбат берилган.

<sup>2</sup> Пир – суфийлик анъанасида тариқатларнинг олий раҳнамолари ёки обрўли раҳнамолар. Шунингдек, ҳар бир мурид ўз муршидини ҳам пир деб атаган.

<sup>3</sup> Индифферентизм (лотинча – аҳамиятсиз) – хайриҳо бўлмаслик, иштирок этмаслик ва аҳамият бермаслик маъносида ишлатилади.

жойларидан тутиб, намозга олиб келишади. Руслар Тошкентни босиб олганларидан сўнг *раис* идорасини бекор қилганидан бери динга амал қилишда анча сустлик кузатилмоқда. Қозиларнинг айтишича, бурунги намозхонларнинг ярмиси ҳам кунлик ибодатга чикмай қўйиб, кўплари, айниқса иш билан ўта машғул одамлар намоз ўқиш у ёқда турсин, кун давомида ҳатто тахорат олиш ҳақида ҳам ўйлашмайди.

... Генерал Кауфман ҳар қандай миссионерлик ҳаракатини маҳаллий аҳоли орасига олиб кирилишидан қайтариб, Санкт-Петербургдан шу максадда келган бир-икки кишини Тошкентни дархол тарқ этишга мажбур қилган. Рус маъмуриятининг бу ҳаракати таҳсинга лойиқ бўлиб, у яхши натижалар бериши турган гап. Маҳаллий аҳоли ўз эътиқодларига жабр килинмагани, камситилмаганидан мамнун бўлиб, бу борада азоб-уқубат тортганларнинг йўқлиги ҳам диний иштиёқнинг камлигини кўрсатувчи бир сабаб бўлса керак.

... Умуман бутун Ўрта Осиёдаги каби Тошкентдаги таълим ҳам тўлиқ диний шаклда.

... Мактаблар икки хил: *мактаб* ёки бошлангич мактаб. Одатда бу ердагилар ҳам масжидга борадилар. *Мадрасада* олий диний таълим ва ҳукукий дарслар ўқитилиб, Тошкентда уларнинг сони ўн еттита бўлиб, энг йирик олтитаси анча шуҳрат қозонган. Мазкур мадрасалардан бири Кўкалдош ташминан 450 йил муқаддам ташкил этилган. Бароқхон мадрасаси эса 320 йил аввал ташкил этилган бўлиб, 100 та талабаси бор. Тўрт юз йил бурун қурилган Бекларбеги мадрасаси эса энг йирик ва бойи саналади. У тегирмонлару ер-мулклардан ташқари, кўплаб дўкон ва уй-жойларга эга бўлиб, 200 та талабага ҳомийлик қиласи. Мактабларнинг муаллимларига ўқувчиларнинг ота-оналари ихтиёрий ҳақ тўлаб, у йилига йигирмадан қирқ копейккача ва йилда икки марта нишонланадиган байрам – Рамазон ва Курбон ҳайитлари арафаси алоҳида совға ёки тўн беришдан иборат. Булардан ташқари улар ҳар пайшанба куни булка ион ва кичик совғалар олиб турадилар.

Мадраса талabalари ўқиш учун ҳеч нима тўламайдилар. Улар ўз устозлари каби мадрасаларнинг диний харажатлар

учун берилган ер ёки мулк шаклидаги *вақф*<sup>1</sup> ҳисобидан қўллаб-қувватланади. Масжид ва мадрасаларга хайр-эхсон қилиш асрлар оша энг обрўли, шарафли деб қаралиб, кўплар ҳатто тириклиқ даврида ҳам ўз бойликларини унга багишлайдилар.

Бир оқшом Тошкентда шайх сифатида қадрланадиган Саид Абдулқосимнинг мадрасасига ташрифимни эсладим. Бошида у (Саид Абдулқосим – З. С.) руслар билан ҳеч қандай муносабатда бўлмай, аммо кейинроқ улардан ўзи ўйлаганчалик ёмонлик кўрмагач, фикрини ўзгартирди. Саид Абдулқосимнинг мусулмон хукуқини жуда яхши билишига гумон йўқ, шу билан бирга у ва оиласи асосан Куръонни чин дилдан ёд олган қобилияти билан ҳам машхур. Буни уддасидан чиққаи кишиларни *қори*<sup>2</sup>, Левантда<sup>3</sup> ҳофиз деб аташади. Унинг иккита ўғли, невараси ва икки қизи (ҳар иккисини ҳам кўрмадим) айтишларича, ана шундай маҳоратга эришган.

... Саид Абдулқосимнинг мадрасасига тўлиқ ўзи томонидан ҳомийлик қилинади.

Ўғил болалар беш ёки олти ёшларида бошланғич мактабларда ўқиши бошлайдилар ва бу таълим камидан етти йил давом этади. Улар алифбодан бошлайдилар. Алифбодан сўнг Куръон қисмлари ўқитилади. Сўнг олти-етти китоб, улар орасида «Чор китоб», «Мантиқ» ва «Форсий»ни ўқийдилар. Бу етти китобни улар осонлик билан ўқишилари ва ёза олишлари шарт. Лекин бундан сўнг ўқиши тўхтамайди ва улар алоҳида кетма-кет саналмаган форсий ёки туркий китобларни ўқийдилар. Биринчи камтина китобларни болаларнинг бари бир вақтда жўр бўлиб, баланд овозда ўқишига мажбур. Уларга оддий хинд сиёҳида, белкуракка ўхшаш кичик ёғоч тахтачаларда ёзиш ҳам ўргатилади. Бурнига йирик кўзойнак

<sup>1</sup> *Вақф* – мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж учун ажратилган мол-мулк. Вақф мулкини шариат конуни бўйича давлат бошлиги ёки қози назорат қиласи.

<sup>2</sup> *Кори* (арабча – ўқувчи) – Куръоннинг барча сураларини ёд олган ва кироат билан ўқийдиган киши. Кўзи ожиз, кўр кишиларни ҳам хурмат юзасидан қори деб аташ одат бўлган.

<sup>3</sup> *Левант* (Levant) – Ўрта Ер денгизи шарқидаги мамлакатлар: Сурия, Ливан, Исроилнинг умумий номланиши.

кўндириб олган муаллим бир томонда бир қучоқ китоб ёнида ўтиради. Унинг атрофида болалар айланга ҳалқа шаклида, чўккалақ китобларига эгилиб олишган.

... Дарс қуёш чиққандан кеч соат бешгача, қисқа танаф-фусларда дам олиб, у-бу нима еб-ичиб олиш билан давом этади. Байрамлар жуда кам. Бола Куръонни ўқиши бошлаганда унинг отаси устозига тўп совға қилиши одат тусига кирган. Бола бошланғич таълимни битиргач, диний-хукуқий конунлар ўрганиладиган мадрасада ўқиши бошлиши мумкин. Мадрасада ўқиш камида 28 та китобни жамлаб, ҳатто 137 тага ошиши мумкин бўлган учта синфга бўлиниб, тахминан ўн беш йил давом этади, аммо кам одам тўлиқ курсни битириб чиқади. Битирганлар имом ёки масжид мулласи, мактаб муаллими, муфти, қозиларнинг котиблари бўлишлари мумкин. Мадрасаларнинг йиллик даромадлари *мутавалли*<sup>1</sup> томонидан назорат қилиниб, у маблағларни тўплаш ҳамда муаллиму ўқувчиларнинг маошини мунтазам равишда тўлаб бориш, яна мадрасанинг турли хизматларини бажариш билан шуғулланади.

Мадраса ўқувчилари дарсларини барвакт, одатда уйларида ёки мадраса боғида тайёрлаб қўйишади. Мен бир неча марта устоз ёки *мударрис*<sup>2</sup> олиб борган ўқиш ва дарсларда бўлдим. Мударрис аввал китобдан бир парча ўқиди ва уни шарҳлаб берди. Унинг тингловчилари бутун диққат-эътиборини домлага қаратгандарини билдириш учун дам-бадам «*ах, ах*» деб нафас ростлаб, бошларини чайқаб қўйишарди. Сўнгра улар мазкур парча бўйича фикр билдириб, мухокамага киришдилар. Биринчи фикрдан иккинчиси ўзгача бўлса, мударрис ҳам «*ах, ах*»лаб қўяди. Четда турганларга ҳам

<sup>1</sup> *Мутавалли* (арабча – ишбоши, бошқарувчи) – Ислом тарихида вакф мулкига ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни таксимловчи диний амалдор. Вакф ерларини ижарага бериш, вакф мулкида хўжалик ишларини юритишни ҳам мутавалли бажарган. Хорижий Шарқ мамлакатларида мутаваллилар хозир ҳам бор, улар вакфларни бошқаради. Айрим мусулмон мамлакатларида мутавалли йирик зиёратгоҳлар (мақбара, мозор ва бошқалар)ни, улардан келадиган даромадларни ҳам бошқаради. Ўзбекистонда масжиднинг хўжалик ва молия ишларини бошқарувчилар мутавалли дейилади.

<sup>2</sup> *Мударрис* – мадраса ўқитувчиси. Мударрислар ўқитиладиган муайян фандан дарс берган. Хозир хорижий Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Ўзбекистондаги мадраса ва диний университетларда факат диний илмлардан эмас, дунёвий фанлардан дарс берувчилар ҳам мударрис деб аталади.

мунозарага қўшилишларига рухсат берилганидан мен билан келган бир-икки муллалар ҳам баҳста қўшилишиб, мулоқот анча жонланиб кетди.

Бу ерда мунтазам мадрасадан ташқари яна бир неча маҳсус мактаблар; тоат-ибодатдан бўлак ҳеч нарса ўқитилмайдиган «Саловатхона», ўқувчиларга фақаттина Куръонни чин юракдан ёдлатиб, қори бўлишлари учун «Корихона»<sup>1</sup>, шоирларнинг маснавий<sup>2</sup> асалари ўргатиладиган «Маснавийхона» ҳам бор.

Таълим факат ўғил болалар билан чегаралалиб қолмай, қизлар ҳам маҳсус мактабларда ўқиш ва ёзишга ўргатилади ва машғулотлар уч ёки тўрт йил давом этади. Сўнгра эса турмушга чиққунларига қадар бир-икки йил тикишни ўрганадилар.

Тошкентдаги менинг энг қизиқарли танишувларим маҳаллий ҳакамлар – қозилар билан бўлиб, уларнинг иккитаси менда ажойиб таассурот қолдирди. Улардан энг самимиyси собиқ қозикалоннинг ўели Мухиддинхўжа. Тошкентга аввалги ташрифларимдан бирида уницида бўлган, у ва унинг акаси, амакиваччаси (уларнинг бари илмли, художўй) билан ажойиб оқшомни ўтказган эдик. Суҳбат шубҳасиз, асосан таълим ва мусулмон ҳукуки борасида бўлди.

... Ўрта Осиё маҳаллий аҳолиси орасида қонуний судлар икки хил: ўтроқ аҳоли орасида қозилар<sup>3</sup> бўлиб, улар ёзма қонун – Куръон ва Ислом дини асосида шариат бўйича иш кўради ҳамда кўчманчи аҳоли – қозоқ ва бошқалар орасида – бийлар<sup>4</sup> суди кўпинча аиъана ва одатларга асосланиб ҳукм чиқарадилар.

<sup>1</sup> *Корихона* – мусулмонларнинг диний ўкув юрти. Унда қорилар тайёрланган. Дастреб араб мактабларида, кейинчалик Ўрта Осиёда пайдо бўлган. Корихоналар, одатда мактабхоналар кошида ва катта мозорлар ёнида очилган. Корихоналарда болалар 3–4 йил ўқитилган. Ўқиш жума ва диний байрам кунларидан ташқари ҳар куни эрталабдан кечгача давом этган. Корихоналарда асосан Куръон суралари ёдлатилган. Ўрта Осиёда, айникса, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Кўконда қорихоналар кўп бўлган.

<sup>2</sup> *Маснавий* (арабча – иккилик) – ҳар бир байтининг мисралари кофиядош бўлган ва байтдан байтга қофияси янгиланиб борадиган шеърий шакл.

<sup>3</sup> Қозилар ҳалқ судларига раҳбарлик килиб, улар асосан, маҳаллий фуқаролик ва жиноий ишларни шариат асосида суд қилган.

<sup>4</sup> Бийлар суди кўчманчи аҳолининг фуқаролик ва жиноий ишларини кўриб чиқкан. Бийлар суди ҳам шариат коидалари асосида ҳукм чиқарган. Давлат аҳамиятига эга бўлган ва сиёсий жиноятларга оид ишлар эса уларнинг ваколатига кирмаган.

... Бий, аслини айтганда ҳакам, жараённи миллий анъаналарга таяниб, ҳеч қандай расмиятчиликлар билан чегараланиб қолмасдан амалга оширади. Жараён тўлиқ оғзаки шаклда бўлади ва ҳеч бир даъво қабул қилинмайди. Ҳеч қандай ёзма ҳужжат ёзилмайди. Бийлар русларнинг Даشت ҳокимиятини ўзгартиргунларига қадар доимий бўлмасдан, ҳалқ томонидан сайланган. Руслар бийларнинг судларини мазкур муассасада бундан Россия таъсирининг ёйилишига ҳеч қандай муқобиллик йўқлигигига ишонишиб, сақлаб колганлар, лекин бир неча ўзгартиришлар киритиб, бийларни ҳалқ томонидан доимий расмий кишилар этиб сайланишини, шикоят-арзларининг икки инстанция (босқич)ли, яъни бийлар кенгашига ошириш, ундан сўнг Россия судларига арз қилиш кабиларни жорий қилишган.

Мамлакатнинг ўтрок қисмида қозилик судлари *шариат*<sup>1</sup> – ёзма мусулмон ҳуқуқи орқали амалга оширилиб, у бу ерга Ислом дини билан бирга кириб келган, анъанавий жараёнлар ва кўпинча миллий рух билан қоришиб кетган. Баъзи бир ўзбек урувлари қозиларга қарамасдан ҳозиргача ўзларининг кўпроқ оиласвий масалаларга хос бўлган анъанавий урфодатлари – *ўзбекчиликни асраб* келадилар.

Шахрисабзда мусулмон қонунчилиги Амир Насрулла томонидан унинг боскини чоғида номигагина қатъий ўрнатилиб, у вафот этгандан сўнг Шахрисабз яна Жўрабек қўлига ўтиб, мусулмон қонун-қоидалари сақлаб қолиниб, мамлакатга яхши мослашиб кетган.

Тошкентда мусулмонлар раҳнамоси мустақил хонликлардаги каби қозилар бўлиб, улар у-бу лавозимга тайинланишидан аввал бир неча муллалардан иборат маҳсус ҳайъатнинг шариат қоидалари бўйича имтиҳонидан узоқ ва синчковлик билан ўтгач, бек томонидан умрбод тайинланади.

Суд кичикроқ бўлиб, битта қозидан иборат. Йирик ҳудудларда қозикалон бўлиб, судьяларга раислик қиласди. Лекин у кичик масалаларни ҳал қилиб, йирик, жиддий

<sup>1</sup>Шариат (арабча остона ва сув ичиш жойи; йўл; мусулмон оламида қонунчилик) – Исломда Аллоҳ жорий қилган амалий ҳукмлар мажмуаси, шунга асосан шариат фикҳ маъносида ҳам тушунилади. Ислом шариати ҳукмлари Куръон, суннат, ижмъов ва қиёсдан олинади. Ислом шариатининг мақсадлари дин, жон, ақл, насл ва молни асрашдан иборат. Шариатда ушбу нарсаларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлгаи барча чоралар кўрилган.

масалаларни бекнинг ўзи ҳал қиларди. Қозининг қароридан иорози шахслар, бекка мурожаат қилиншлари мумкин. Бунда бек масалага эътибор қаратмаслиги ҳам, бавзи ҳолларда эса барча қозиларни чақириб, унинг устида фикр юриттиши ҳам мумкин. Мухим аҳамиятга молик жиноий ишлар бек томонидан қозилар йиғинига қарор чиқаришлари учун юборилади, аммо оғир жиноятларга жазо бекнинг тасдиғисиз амалга оширилмайди.

... Руслар Тошкентни босиб олиб, хукumatни бошқаришини тушиб чиқаётганларида, яххиси маҳаллий суд коидаларига аралашмасликни маъқул кўрган. Қозининг оддий ишларни ҳал қилишдан ташқари яна никоҳ, ажрашиш ва бошқа барча оиласий масалаларга ҳам дахли бор. У буни Куръондан келиб чиқсан ҳолда, мусулмонларнинг диний туйғуларига шикаст етказмасдан бажариши керак.

... Тошкент шаҳрида тўртта қози бўлиб, уларнинг қарорлари кўпинча умумий тарзда қондирилиб, ҳозиргача Россия судларига камгина мурожаат қилинган. Аммо сўнгги уч йил мобайнида бир неча қозиларнинг пора олганлиги ва уларнинг хукмларига таъсир ўтказилганликда айланган суд жараёнлари бўлиб, шундан уларнинг кўпи ишдан бўшатилган.

... Барча мусулмон қонунчилиги Куръонга, у талқин этилган анъана ва китоблар, дастлабки халифаларнинг қарор ва ҳаёт тарзларига асосланган. Бу қонунлар мажмуи шарҳлар ва изоҳлар, сон-саноқсиз жилдлардан иборат бўлиб, *Шариат* деб аталиб, роҳат-фароғатга эришишнинг илоҳий йўлидир<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ю. Скайлер Туркистанда шариат «Мухтасар ал-Викоя» ва «Ширъат ал-ислом» асарлари орқали изоҳлаб берилишини ёзган.

Ханафий маэҳабининг фикҳий асосини ташкил этган энг мўътабар асарлар ҳам Ўрта Осиёда яшаб ўтган катор факих ва уламолар тарафидан битилган. Бу манбалар шариатнинг барча масалаларини қамраб олган асарлар сифатида умуммусулмон дунёсида ҳозиргача эъзозланади. Жумладан, «Мухтасар ал-Викоя» асари «Тож аш-шариға соний» (Иккинчи шариат тожи) номи билан танилган Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Махбубий (вафоти – 1346 йил) қаламига мансуб.

«Ширъат ал-ислом» (Ислом йўли) эса асли самарқандлик Мухаммад Имомзода ал-Чўғий (1098–1177) томонидан ёзилган бўлиб, фикҳий масалалар, одоб-ахлоққа оид фикрлари билан машҳур. Унинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари кенг тарқалган. Ушбу асар машҳур факих Абу Лайс ас-Самарқандийнинг (вафоти – 983 йил) мазкур номдаги фикҳга доир китобидан кўра кўпроқ шуҳрат қозонган.

## **БОЗОРЛАР ВА САВДО**

*Тошкент бозори – Якшанба бозори – Кумушгарлар –  
Мискарлар – Ошхона анжомлари ва қурол-аслаҳалар –  
Темирчилар – Чойхоналар – Сартарошлар –  
Аптекачилар – Пардоз-андоз моллари – Упа-эликлар –  
Мойлар – Бўёқлар – Оёқ кийимлари ва ҷарм буюмлар –  
Козок бозори – Карвонсаройлар – Ҳиндлар –  
Қарз беришдаги ҳайла-найранглар – Кулолчилик –  
Каштадўзлик – Ип-газлама маҳсулотлари –  
Пилла ва ипакчилик – Пилланинг афсонавий тарихи –  
Ўлчов ва оғирлик бирликлари – Пул –  
Бож ва солиқлар – Ярмарка ва унинг натижалари –  
Ўрта Осиёнинг савдо-сотик статистикаси –  
Юкларни ташиш – Савдо йўллари –  
Темир йўл режаси*

Ўрта осиёликлар тасаввурига кўра, шаҳар жума намозига йифилган барча намозхонлар, ўттиз икки савдо ахли ёхуд қасб-корни, ҳунарни ва бутун дунё тијоратини ўзида жамлаган бўлиши лозим. Аввал-бошдан ҳам ўттиз икки савдо ахли (ҳунармандлар) бўлган бўлса керак, гарчи ҳозир улар бундан ҳам кўп. Эҳтимол, миқдорнинг танланганлиги инсон вужуди (танаси)нинг ўттиз иккита аъзодан ташкил топганлиги сабабли савдогарларнинг ҳам гуруҳи ўттиз икки ҳунармандлар гурухидан таркиб топиши шарт бўлган бўлса керак. Бундан ташқари, саноатнинг ҳар бир тури, масалан, косиблар, ипак тўқувчилар ва ҳоказолар ҳам камида ўттиз иккита тармоққа бўлинади. Мазкур барча савдо турлари бозорнинг мукаммал ишлашида кўзга ташланиб, ана шундай бозорлардан бири Тошкент бозорига қадам ранжида қиласиз.

Тошкентни тахминан тенг қисмларга бўлиб турувчи улкан кўча бўйлаб юриб, у янада текис кенгайиб бораётган, нихоят дағал тошлар ётқизилган кичик тепаликдан ва шаҳарни

сув билан таъминловчи, сўлида катта сув тегирмони бор каналлардан бирида бунёд этилган жўнгина кўпикдан ўтдик. Ундан сўнг кичик дўконлар бошлиниб, улар дегрезлик<sup>1</sup> ва деворларига куриши учун эндигина бўёқдан чиқсан нахталик материаллар илиб қўйилган ип-газлама цехининг ёнгинасида жойлашган. Дарвоҳе, ўнгимизда ҳақиқий бозорнинг бошлинишидан бурун маҳобатли Бекларбети мадрасаси қад ростлаб турарди.

... Ҳар бир кўча битта савдо турига мўлжалланган; бу ерда ипак-шойи дўконлари, ҳуз ана у ерда эса заргарлар, яна бир ерда жезгарлар, яна вақти-вақти билан улкан дарвозалари ҳовлига олиб чиқувчи, меҳмонларнинг яшashi ва молларини сақлаши учун карвонсаройлар.

Бу ерда очиқ саҳнлар бўлиб, марказидаги кичик растилари соябонлар ва қўзиқоринсифат қамишли тўқима чодирлар билан ёпилган, қариб барча аравали савдогарлар бир гурӯхга тўпланган эдилар. Яна кабоб, кўмирили оловда обинон пиширувчи кичик ошхона, чойхонада новвой, яна бир одам баланд майдончада ўтирволиб, қошиқни тўлдириб қор ва шакар қиёмини болаларнинг ҳар бирига чекалаб бермоқда. Офтоб нури кўчаларга ёйилиб, бозорни жадал қиздирад, шу важдан Осиёнинг бошқа кўплаб бозорларидаги каби кўчалар узра бир неча соябонлар ёйилган. Ҳар бир дўкон кичик майдонни эгаллаган ва унинг ортида янайм кичикроқ хона бўлиб, кўчага қараган томони мутлақ очиқ, дўконнинг олд қисмидаги нарсалар кундуз кунлари олиб қўйилади. Савдогар гилам ёхуд чойшабда оёқларини чордана қилиб ўтирад, моллари эса ерда ёки унинг ортидаги жавоқларга териб қўйилган. Кўплаб дўконлар шунчалик кичикки, дўстингиз ёки икки кишилаб ичкарига кирганда камдан-кам жой бўлиб, ҳатто сиғмай қоласиз. Харидорлар отларида ўтирганча кўчада ёки дўконнинг остонасида туриб харид қилишади.

Бутун бозор қадимий ва оддий. Назарингизда гўё асрлар бўйи ҳеч қандай ўзгаришлар кўрмагандай. Генерал Черняев

<sup>1</sup> Дегрезлик, чўянгарлик – чўян эритиб, ундан турли буюмлар куйиш касби. Чўянгарлар қозон, корачироқ, чироқпоя, милтиқ нили каби чўян буюмларни, ҳатто замбарак, тўп ҳам куйганлар. XIX асрдан бошлиб уй-рўзюр буюмлари (қозон, обдаста ва бошқалар) асосан Россиядан келтирилиши натижасида Ўрта Осиёда дегрезлик касби анча сустлашган.

эски шаҳар бўйлаб бир-бири билан тўғридан-тўғри кесишувчи иккита кенг хиёбон ўтказишни таклиф қилган ва шаҳар ҳокими бозорнинг ўртасидан тош ёки шавалдан яхшилаб кенг кўча ётқизиб, Тошкентнинг рус қисми билан боғлашни анчадан буён хоҳларди. Бу бозорнинг баъзи қисмини таъмирлашга имкон бериб, нафақат савдо-сотик, балки саломатлик учун ҳам катта фойда келтиради. Афсуски ушбу лойиҳа шаҳарнинг бошқа қисмida иш бошлаган ярмаркадаги одамларни бу ерга жалб қилиб, маҳаллий бозордаги савдонинг ўсиши савдо-сотик учун зарар келтириши важидан генерал-губернатор томонидан уч маротаба рад этилди.

Тошкентда бозор-ўчар учун асосий кун – чоршанба; ҳар куни харидорлар бўлиб, дўконлар бирдек очилмаса-да, аммо чоршанбада савдо гавжум бўлар, мамлакатнинг ҳар еридан келган кишилар олиб келган майда-чуйда нарсаларигача сотади. Шунда оломон кўплигидан осон ҳаракат қилиш анча мушкуллашади. Мен сўз юритаётганим фақатгина катта бозор ҳакида, ҳолбуки шаҳар дарвозалари яқинида кичик бозорлар бўлиб, улардан энг аҳамиятлиси – Ўрда бозори шаҳарнинг рус қисми чеккаси, собиқ арк (*урда*) яқинида эди.

Янги бозор шаҳарнинг рус қисмida кечроқ шаклланган, асосан нон, мева, гўшт, сабзавотлар ва кичик буюмлар сотилар, пировардида у руслар учун мўлжалланган эди. Одатда якшанба кунлари бўлгани боис, «Якшанба бозори» деган номи ҳам шундан келиб чиқкан. Унга руслар «Маст бозор» деб ҳам ном беришган бўлиб, маст аскарларнинг кўплигидан ҳалиям шу ном билан аталар, аскарлар Тошкентда қаттиқ интизомга риоя қилишмас, бунинг учун қамоқ жазосининг ўйлаб топилганлиги ҳам ҳеч қандай фойда, нафси тия олиш учун восита бўла олмади.

Мен ёлғиз ўзим ёки Мулла Хайрулла – З. С.) ва бошқа дўстларим билан бозор бўйлаб тез-тез кезиб, дўкондорлар билан савдолашар ёки остононада ўтирганча хунармандларнинг ишларини кузатиб, савдо-сотиқнинг қандай кетишини томоша қилардим. Сотувчилар савдо-сотиқقا доим шай, ҳолбуки мудом имиллашиб, ҳеч қачон сизга бир вақтнинг ўзида битта ёки иккита маҳсулотдан бошқасини кўрсатишиб, агар улар сизга ёқмаса битта ёки иккитадан

ортигини ҳам келтиришмас ва уни ҳарид қилишингиз учун ҳаракат ҳам қилишга ботинишмас эди. Агар бирор нарса сотиб олишга эмас, шунчаки *томушага* келдим десангиз, кўрмоқчи бўлган барча нарсангизни кўрсатиб тавсифлашга ҳар доим тайёрлар. Уларнинг тижорий ҳисоб-китоби ҳам ўзига хос, дўконидаги бор нарсани дарров сотиб юборниши исташмайди. Агар шундай бўлгудек бўлса, доимо юқори нарх сўрашади. Бир савдогар шундай деган эди: «Бир ҳафта давомида савдо қилишим учун етарли молим бўла туриб, нимага энди ҳаммасини сизга сотаман? Кейин нима билан банд бўламан?»

Мен, айниқса заргарлик моллари билан қизиқиб кўрдим. Уларнинг дўконлари кичик кўчада жамланган бўлиб, уларни навбати билан айланиб чиқиш кўнгилни чоғ қиласди. Дўконларни кўздан кечириш жараёнида ҳар бири менга назаримда аввалгиларида учратмаган бир неча маҳсулотларини кўрсатишарди. Маҳсулот захиралари ҳамиша кам: озроқ кумуш сирға ва узук-болдоқлар, елка ва соchlарга тақиши учун мўлжалланган тутгали камар ва туморлар, баъзан рангли шиша парчалари қўндирилган маржон-шода ва билагузуклардан иборат. Ҳамма ерда кўп микдордаги феруза учрар, аммо қарийб барчасининг сифати у қадар яхши эмас, кўпинча юган, эгарларнинг қўндоқлари, шамширларнинг дастасини безаш учун ишлатилар, уларнинг бари кумуш билан қуюқ қилиб, сўнгра юзаси бир хил шаклга келтирилиб силлиқланар ва саҳтиёнга<sup>1</sup> ўхшаб қоларди.

... Мискарлар бозорнинг жанубий томонидаги кўчани эгаллаб, болғаларининг товуши чор-атрофдагиларнинг қулоғини қоматга кўлтирганди. Дастрлаб *рус самоварини* тузатаётганларга кўзингиз тушади. Самовар бу ерда тайёрланмас, истилодан аввал ҳам Россиядан келтирилар эди. Аммо ерли ахоли нозик шаклда, одатда усталик билан ишланган кўплаб нафис чойнак ва кўза (*қумғон*)лар ясашар ва сиртини исказа билан ажойиб безакли қилиб, баъзан иккита металлдаги безакни намойиш этиш учун юзасига юпқа қилиб қалай қоплашар эди.

<sup>1</sup> Сахтиён (шагрень) – эчки, кўй каби ҳайвонлар терисидан ясалган, юмшок, ўзига хос гул ташлаб турадиган тери.



Бозор ошпази.

... Бу қаторнинг охирида Россиядан келтирилган, ошхона учун ишлатиладиган темир қозон, идиш-анжомлар талайгина. Фойдаланиладиган темирнинг барчаси ташқаридан келтирилар, маҳаллий ахоли пичок, шамшир ясашни ҳисобга олмагандан темирни кам ишлатарди. Сотишга мўлжалланган пичок, устара ва қайчиларнинг кўпи темирдан, кўп пичоқларга ўткир бўлиши учун пўлат пайвандланган, баъзан эски шамширлардан олиниб, буткул пўлатдан тайёрланганларининг нархи анча қимматга сотилади. Пичоқлар ҳар бир осиёлик ҳаёти учун зарурият саналиб, уни тайёрлаш ва сотишда бўлгани каби савдоси билан ҳам анча кўп одам шуғулланади. Одатда дасталари суюқдан, бой безак берилиб ишланган ҳар бир пичоқнинг от терисидан тайёрланиб, яшилга бўялган филофи бор. У зеб берилган пўст ёки терига маҳкамланиб, белга тақиб юрилади.

... Ўрта Осиёда қурол-аслаҳалардан фақатгина пилтали милтиқ ишлаб чиқарилиб, стволи<sup>1</sup> европача дағал ёхуд эски шаклда, асосан Хиндистон ва Эрондан келтирилади. Тошкентда бир қанча темир қуюв цехлари бўлиб, хўжалик учун майда-чуйда маҳсулотлар, жумладан мой лампалар ишлаб чиқариш билан банд. Улар эски Рим мой лампалари

<sup>1</sup> Ствол – ўқ отиши куролларининг трубасимон қисми.

шаклини эслатар, аммо ишлаб чиқариши қўполликдан холи, баъзида темир тўлик суюлтирилмаганлигидан сирти дағалроқ. Қуюв жараёни жуда оддий. Қуймачилик маҳсус бинода жойлашиб, айвони бир тарафдан доимо жанубга томон очик, шу тариқа мөгорларни тўлик қуритиш учун куёш шурини етказиб беради.

... Жазирамадан толиқиб, бир гурух маҳаллий аҳоли сўнгги гап-сўзлар ва Хива экспедицияси<sup>1</sup> овозаларини муҳокама қилиб ўтирган чойхоналардан бирига кирдик. Шо́йи кўрпачаларга ўтиргач, болакай – чойхоналарда болалар кўпинча доимий иш учун ишлашар – бир сиким кўк чойни мис чойнакка солиб, киришда қўйилиб, кўмир билан қайнатиладиган катта рус *самоваридан* тўлдириб, кичик хитой пиёлалари билан олдимиэга келтирди. Четда турганлардан бирига бизга оққанд, *кишмиш* ёки майиз, бир неча иссиқ нон ва ширин ўрик харид қилиб келтириши учун майдага танга бердик. Булардан ташқари гўштли сомса хоҳласак бурчакдаги ошхонадан олишимиз мумкин. Чойхоналарда чойдан бўлак нарса сотилмас, маҳаллий аҳоли нон ва майизни дастурхон вазифасини ўтайдиган белбоғларига тугиб, ўзлари билан олиб келар эди.

Чойхонани тарқ этиб, тужжорнинг сочини қиртишлаётган сартарошга дуч келдик. У совун ишлатмаса-да, аммо бош терисини кичик жез жомдан хўллаб, ўта нокулай кўринган устарани қўлида гўё қалам ушлагандек тутиб, ҳавас қилгудек усталик билан соч ола бошлади. Сўнгра бошни яна бир бор ювиб, сочиқ билан қуритгач, устаранинг бир томони билан мўйловнинг ўртасидан бир дюймини олиб ташлади. Мусулмончилик қоидаларига кўра бурун остидаги мўйлов қисми тоза қилиб олиниши талаб қилинади. Сартарош барча тараққий этмаган мамлакатлардаги каби жарроҳ сифатида ҳам танилган бўлиб, сизга қон қуиши ёки имкони қадар амалиёт ўтказиши мумкин. Аммо унинг йўл оша жойлашган алтекачининг дўкони билан ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ.

Гулдор тамғали доирасимон ғаладонлар ва кичик сурилма кутилар гиёҳларнинг қуритилган тутами қанақа, нима экан-

<sup>1</sup> Ю. Скайлернинг Ўрта Осиёга саёҳати даврида (1873 йил) Россия империяси ҳарбийлари Хива ҳонлигини истило этиш учун ҳарбий ҳаракатларни олиб бораётган эди.

лигига шак-шубха қолдирмайди. Бу ерда сиз Осиё до-ришунослигига маълум барча дориларни топишингиз мумкин. Яна катталиги мускат<sup>1</sup> ёнғоғидек келадиган Эроннинг синдириб, чойингизга солганда маълум таъм берувчи қури-тилган лимонларини, кичик кўзгулар ва рус қофозини харид қилишингиз мумкин. Бу ерда яна *атторхона*<sup>2</sup> деб аталган кўплаб дўконларда, гарчанд савдода оз микдорда бўлсада, аёллар ишлатадиган барча пардоз-андоз молларини то-пишингиз мумкин. Чунки исталган томорқа бу каби маҳ-сулотларни таъминлай олади. Буларнинг ичида ҳар ҳолда энг муҳимларидан вайда<sup>3</sup> оиласига кирувчи ўсма бўлиб, кўз-қошларни қора рангта бўяш учун ишлатилади. Янги узилган барглар пиёлада туйилиб, қиём ҳолига келтирилгач, қалам ўрнида қамиш новдаси ва бармоқ билан суртилади. Одатга кўра фақатгина қошлар эмас, балки улар ораси ҳам бир қатор узун қилиб бўялади. Дастлаб бўёқ хира яшил тус бўлиб, бир неча лаҳзадан сўнг кўкимтир қорага айланади. Ҳолбуки, у дарров йўқолиб, ҳар икки-уч кунда янгидан суртиб турилади. Бу одат шунчалик кенг тарқалганки, ҳатто бир ёшта етмаган болаларга ҳам ўсма суртиб кўйилади. Кора кукунли сурмани киприкларни бўяшда ҳатто эркаклар ҳам ишлатишиб, кўзни чанг ва шамолда яллигланишдан енгиллатади. Оқ упа Россиядан келтирилиб, юзни оқартириш учун кўлланади. Кўпинча юзлари ўта сариқ аёллар томонидан суртилади.

... Овқат тайёрлаш, ёритиш<sup>4</sup> ва бошқа мақсадларда тур-ли хилдаги донлар, кўпроқ *кунжутнинг* янчилганидан фой-даланишади. Уни асосан, таом пишириш учун кўпроқ қўл-лашади.

... Кичик, бир-бирига ўхшаш дўконларда фойдаланиш учун бўёқлар сотилади. Хиндистон ва Бразилиядан кел-тирилган индигодан<sup>5</sup> ташқари бошқа бўёқлар Россиядан ки-

<sup>1</sup> *Мускат* – Осиёнинг иссиқ ўлкаларида ўсадиган, доимий яшил дарахт ва унинг хушбўй мағизли ёнғори.

<sup>2</sup> *Атторхона* – дастлаб атир-упа ва бошқа хушбўй пардоз-андоз моллари соти-ладиган, XIX – XX аср бошларида эса кундалик ҳаётда керак бўладиган барча майда-чўйда молларни сотадиган дўконларга нисбатан ишлатилган.

<sup>3</sup> *Вайда* (лотинча *Hsatis tinctoria*) – карамдошлар оиласига кирувчи ўсимлик. Европада кўк ранг олишда, Хитойда эса халқ табобатида кенг тарқалган.

<sup>4</sup> Бу ерда майчироклар учун ишлатиладиган мой назарда тутилмоқда.

<sup>5</sup> *Индиго* – ўсимлик номидан олинган. Ундан кийимларга ранг бериш учун ишлатилган. Инглизчада бу ранг «Индиан блу» (*Indian blue*) деб аталиб, бинафша рангдир.

риб келади. Ёввойи ўсадиган ва бојларда кўп экиладиган рўян<sup>1</sup>, мамлакат учун хос бўлган яна бир неча бўёқлардан фойдаланишади. Улардан бири бўз-сариқ испарук Даشتда анча сероб ўсади<sup>2</sup>. Гулларининг аралашмаси чиройли ва доимий ёркин сариқ ранг бера олади. Бошқа бир сариқ ранг – тўқмоқ, япон софораси (*Sophora Japonica*)нинг гуллари дир. Асосан Кўкондаги тут дараҳтларида ўсуви замбуруғ – пугакдан териларга яшил-сариқ ранг беришда кўлланилади. Анор пўчоғи қора бўёқ олишида кўп миқдорда ишлатилади.

... Бутун бир кўчани этикдўз косиблар эгаллаган. Баъзилари фақат қалиш, бопқалари анча оммабоп бўлган тоза сахтиён этиклар тайёрлаш билан, яна баъзилари от мингандан киядиган этикларниң тагчармиға мих қоқиш ва ўткир пошна қўйиш билан овора. Ҳар бир дўкон ихтисослашган, фақатгина тагчарм терини кесишга мўлжалланганидан бўлак. Кўнчининг иш усули жуда оддий, унинг бир томони очик бочкалари катта жўнгина туйнук орқали ёки ердаги чуқурликларда жойлашган бўлиб, у терини тайёрлашда тўртта усулдан фойдаланади.

... Эгар-жабдуқ расталари, сўл томонимиздаги дағал фидиракли аравалар тайёрловчи дўконларни тарқ этиб, кўчманчиларниң маҳсулотлари, айникса тую жунидан тўқималар, арқон, гилам ва қалин жун рўмоллар, чодир ва кигиз топиш мумкин бўлган қозоқ бозор деб аталувчи манзилга келдик. Кигиз тўқиши – қозоқ аёлларининг машғулоти. Қамишдан қилинган бўйра устига жун юпқа тўшалиб, текис бўлгунга қадар тўқмоқ билан саваланади. Сўнгра эҳтиётлик билан сув сепилиб ёки сув ва ёф маълум вақт шимитилиб, кейин бўйрани жун билан маҳкам қилиб ўраб, уни учидан ўртасига қадар бөғланиб, ер бўйлаб ўраб қўйилиб, вақти-вақти билан сув сепилиб, арқонлар билан бойланиб, сиқиб қўйилади. Шундан сўнг ана шу йўл билан етарлича сиқилгач, уларни ечиб, бўйрасиз бир неча соат айлантириб, вақти-вақти билан сув сепилиб турилади. Кейин қуёшда қуритилади. Кигизниң бир қанча юпқа турлари жуда ҳафиғ ва чиройли.

<sup>1</sup> Рўян – илдизидан қизил бўёқ олинадиган ўсимлик.

<sup>2</sup> Ю. Скайлер испарукнинг боғлар учун жозиба баҳш этиши ва савдода ҳам фойдаланиш мумкинлигини, ўзи билан олиб кетган ўсимлик уруғи униб чиқмаганлигини афсус билан ёзади.



Хинд савдогари.

Кошғардан келтирилган оқ кигиз энг аъло саналиб, маҳаллий ҳукмдорлар унга ўтқизилиб, тахтга кўтарилиган. Қозоқлар тўқиган чодир ва гиламлар қўпол. Қарши яқини ва Чоржўйдаги туркманлар томонидан тўқилганлари энг яхши ҳамда хоҳлаган миқдорда фақатгина Бухордан топиш мумкин. Бу ерда (бозорда – З. С.) яна турли бошоқли дон ва ун, пахтани ҳам тозаланган, ҳам кўзоклари билан сотадиган дўконлар бор. Улар яқинидаги расталар бу ўлкага маълум боғдорчилик ва гул уруғлари билан таъминлайди.

Бозордан ўтгач, одатда дарвозалари улкан, ичкариси савдогарлар билан тўла ҳовлиларга кўзимиз тушди. Булар карвонсаройлар бўлиб, бир қисми ултуржи олиб-сотувчи тижоратчилар томонидан молларини саклашда, яна бир қисми эса озроқ муддатга савдо-сотик учун келган ажнабий савдогарларга туарар-жой сифатида фойдаланилади. Уларнинг утаси қаришиб ҳиндлар томонидан эгалланган. Ўрта Осиёнинг аҳамиятли шаҳарларида кўп сонли ҳиндлар бўлиб, биргина Тошкентда уларнинг сони 140 тани ташкил этади. Улар асосан Шикарпурдан келишган, гарчанд тижоратнинг кўп турларида иштирок этишса-да, асосан қарз бериш ва судхўрлик билан шугулланишади. Энсизгина шимлари, ўзига

хос уст-бошлари ва пешонасидаги қастасини англатувчи қизил ёки қора ранг белги ҳамда ирқий тавсифидан ташқари, улар осонгина фарқланади. Улар менинг четдан келганимни кўргач, меҳмондўстлик билан қабул қилишиб, ҳар бири менга шерик бўлишини хоҳлашарди. Синчковлик билан инглиз тилида сўзлаша оладиган бирортани тошишга ҳаракат қилсан-да, уларниң бир нечасигина алифбо ва сонларни такрорлаш ёки саноқлигини умумий жумлаларни гаплаша оларди, холос. Бурчакдаги кичкина хона ибодатхона сифатида фойдаланилиб, ўзига хос меҳробда эса кўплаб кичик бутлар, ажабтовур тошлиар ва шунга ўхшаш кичик нарсалар териб қўйилган. Киришда оёқ кийимимни ечишим керак эди. Кирган заҳотимоқ коҳин кўп саъй-ҳаракат билан ҳамма нарсани баён қилишга тушиб кетди. Бир амаллаб унинг қадамжоси учун кичикроқ эҳсон қилишимни тушунтиридим.

Шеригим ўзини инглизман деб таништирган бўлса-да, бу тилда гаплашишда анча нўноқ чиқиб қолди. Карвонсаройдан қайтишда ҳиндлардан бири бизга қисқа йўналиш бўйича ҳамроҳлик қилишни таклиф қилди. Оломонга чап бериш учун сирли бир қиёфа билан бизни ўзи билан кичикроқ ариқ тарафдаги қаровсиз йўлак бўйлаб олиб кетди. Ҳолбуки инглизларга мақтov ва сартларга нисбатан норозиликдан бўлак бизга айтадиган ҳеч бир яширин гали йўқ экан. Унинг барча хатти-ҳаракати ғалати бўлиб, менинг ҳамроҳим унинг Ҳиндистон ҳукумати учун Тошкентдаги вазият ҳақида ахборот бериб туришга юборилган махфий миссияни бажараётганилигига амин бўлди.

Бу ҳиндлар узоқ хонадон ҳамда боғларда эмас, шаҳарнинг савдо марказига яқин ва қисман хавфсиз бўлиши учун карвонсаройлардаги нуқул бир ёки икки кишилиқ хоналарда яшашади. Шу тариқа улар қарзини тўлай олмай, ўлдириб кетиш ниятидаги қарздорларидан химояланган эдилар.

Уларнинг асосий машғулоти аввал айтганимдек, судхўрлик бўлиб, ҳолбуки қарз беришда нафақат улар, балки яхудийлар, афғонлар, ҳатто маҳаллий мусулмонлар ҳам бундай даромадли ишда машғул бўлиб, Тошкентда камида мингтacha судхўр борлиги тахмин қилинади. Ҳиндлар одатда қарзни йигирма тўрт ҳафтага берар, ҳафтасига эса ҳар бир тилла учун бир танга бадал талаб этилар, яъни 1/24, фойдали келишув

жараёнидаги даромад беш танга ёки тахминан йигирма олти фоиз. Бу эса йилига түлиқ әллик олти фоиз бўларди.

... Чинни ва сопол буюм сотувчи дўконлар кулолчиликка қизиқкан ҳар кимнинг диққатини жалб этмай қолмайди. Идишлар жўн ва кўпинча кўпол, одатда эътиборсизлик билан ишланган бўлса-да, бироқ дизайнидаги эркинлик ва рух, бўёқларидағи уйғунлик жуда ёқимли ҳамда яхши ишланган идиш-товоқлар безак мақсадларида қўлланилади. Одатда идишлар мовий ва оқ рангларда бўлиб, баъзан хира кўкимтир-яшил тус асосий ранг берувчи, баъзан сариқ ва тўқ бинафша эҳтиёткорлик билан ишлатилган. Хитой чиннилари тошкентликлар томонидан юксак баҳоланади ва жуда баланд нархларда келтирилади. Хўжандлик Мұхаммад Шокирнинг маҳсулотлари энг аъло саналиб, яна Самарқандда, айниқса Андижонда ҳам яхшилари тайёрланади. Қишлоқларга сирланган ва сирланмаган одатий турдаги идишларни йирик шаҳарлардаги кулоллар етказиб бериб, улар ёз давомида қишлоқларни кезиб, савдога оид асбоблар, нарсалар жуда кам ва жўнлигидан жойларда топган тупроқдан осонгина ишлатишади. Умуман кулолчилик ва сопол идишлар аввалдан маълум бўлса ҳам, аммо мамлакатда чинни ишлаб чиқариш Машҳадда ўрганиб, 1857 йилда қайтиб келган самарқандлик Уста Қосим томонидан яқинда амалга оширилган. Чинни учун ярайдиган хомашёлардан оқ тупроқ (*гилвата*) Кармана жанубидаги Қарнон тоғларидан, Тошкент ва Қўқон оралиғидаги Облиқда топилган. Чақмоқтош (*оқ тош, тош қўум*) Зарафшоннинг юқори қисмидаги тоғларда ёки шағал тош шаклида дарёнинг Самарқанд яқинидаги шағалли соҳилларидан, оҳак ва сода (*ишқор*) эса *солерос*<sup>1</sup> турларининг кулидан олинади.

Сирли сайқал ишқор билан қўрошин оксиди аралашмасидан тайёрланиб, баъзан қалай ҳам қўшиладики, бу унга ғоят завқ берувчи Мавритан буюмларидек жаранглайдиган товуш беради.

Агар яшил сайқал маъқул қўрилса, андак яшил бўёқ қўшилса, кифоя. Идишга безак беришда эса ранглар сув ва

<sup>1</sup> Солерос (*Salicornia*) – амарантлар оиласига кирувчи бир йиллик ўсимлик. Евросиё, Америкада кенг тарқалган. Эскидан унинг кулидан сода олиниб, шиша, совун, тўқимачилик маҳсулотлари ва қофоз тайёрлашда фойдаланишган.

тилос ёки ўрик қиёми билан аралаштирилиб, эчки ёлидан қилинган чүтка билан сирланган идишни оловга тоблашдан бурун бўялади. Кўк ранг лапис лазулидан<sup>1</sup>, бинафша ранг магл (марганец?)дан, сарик эса охрадан<sup>2</sup>, яшил бўёқдан олинади. Самарқанддаги сўнгги қазинималар бу ерда бир вақтлар шиша ишлаб чиқарилганидан далолат бериб турибди. Хулагу<sup>3</sup> ҳузурига жўнатилган Хитой әлчиси Луи Ю (1259 йил) шундай деган эди: «Эшиклари ва деразалари ойналар билан қопланган». Чан Чунь<sup>4</sup> бироз аввалроқ шароб учун идишлари фақатгина шиншадаң деб айтган эди. Қизиқарлиси шундаки, доктор Бретшнейдер<sup>5</sup> ўзининг таржимасида бу маълумотни ташлаб кетгаи. Россия компанияси ишларни бироз йўлга қўйгунга ҳамда печларининг қурилишидаги носозлик туфайли ундан воз кечгунга қадар шишасозлик асрлар давомида унутилган. Сибирь шишаларини ишлаб чиқарувчи Исаев шундан сўнг Хўжанд яқинидаги Дигмойда ишларни бошлиб, 1875 йилнинг ёзи давомида заводининг қўқонликлар томонидан талон-тарож этилиб, ёқиб юборилгунига қадар бу борада муваффақият билан фаолият юритди.

Эичиллик билан урчук (дук)лар, ғалтаклар ва бошка кичик ёғоч нарсаларни айлантираётган, исканага ўхшаш ва кичик токар дастгоҳида арқонларини ҳаракатлантираётган эркаклар, тикилган дўппи ва камарлар сотаётган қора ёпинган аёллар расталарининг бир тарафини ортда қолдириб, биз тўкилган рус читлари, турли рангдаги Бухоронинг шойи-

<sup>1</sup> *Лапис лазули* (ложувард) – минерал. Тўқ кўк ранги учун шундай деб аталган. Хар холда арабча «азул» – осмондан олинган. Қадимда сапфир деб аташган. Лапис лазули Европа мамлакатлари ва Шарқ халқларида юқори баҳоланганд. Жуда чиройли ва кимматбаҳо зеб-зийнат буюмлари ясашга мўлжалланган тош. Синонимлари: Бухоро тоши, ложувард тош, лапис лазурь.

<sup>2</sup> Охра – сарик ёки қизил тусли минерал бўёқ.

<sup>3</sup> *Хулагу* (1217–1265) – мўғул ҳукмдори ва лашкарбошиси. Чингизхоннинг невараси. Одд Осиёда ўзи асос солган хулагулар давлатини бошқарган.

<sup>4</sup> *Чан Чунь* (1148–1227) – хитойлик монах. Чингизхон саройига саёҳати билан танилган. У ҳакида батафсил қаранг: *Федчина В.Н.* Китайский путешественник XIII в. Чан Чунь // Из истории науки и техники Китая. – Москва: Изд-во АИ СССР, 1955.

<sup>5</sup> *Бретшнейдер Эмилий Васильевич* (1833–1901) – хитойшунос, ботаник ва географ. Европаликларнинг Хитойдаги ботаник тадқиқотларини ўрганиб, тизимлаштирган холда «Европаликларнинг Хитойдаги ботаник қалбиётлари тарихи» (*«History of European Botanical Discoveries in China»*) номли китобини нашр эттирган (1898). Унда 647 та тадқиқотчининг биографияси, саёҳат йўналишлари ва асосий ишлари баён этилган.

и пагигача, ҳатто тўғридан-тўғри Москвадан келтирилган духоба ва тилла кимхоб кийим-бошлар сотиладиган кўчага келдик. Бу ерда каштадўзлик маҳсулотларининг савдоси билан асосан эркаклар машғул. 1220 йилда Чингизхон хузурига жўнатилган Хитой элчиси: «Тикиш ва тўқиши эркаклар бажаради», деб айтгани ҳам бунга аниқ мисол бўла олади.

... Яхлит расталар пахтадан тайёрланган газмоллар билан тўла бўлиб, улар орасида ҳар бир дўконда мавжуд ҳамда Россияда тўқилган кўп микдордаги фабрика маҳсулотлари сотилаётганини пайқамай қолмайсиз.

Маҳаллий маҳсулотларнинг барчаси одмигина. Асосийси бўз – рангиз ва муҳими оқартирилган, кўйлак ва иштонлар тикишда қўлланилади. Руслар орасида у (бўз – З. С.) мато сифатида маълум бўлиб, анча илгари бу ном нотўғри берилган. Мато тегишли узунлик ўлчови сифатида саккиз ярдни<sup>1</sup> ташкил этиб, фабрика моллари эмас, маҳсулот бўлакларига нисбатан бу ном берилган. Дока – юпқа материал, муслин<sup>2</sup> тури. Кўпол шакли кийим-бошларга астар ва юпқаси саллалар учун қўлланади. Энг яхши салла саналган инглиз муслинлари Хиндистон орқали келтирилади. Бу каби сифатлиси Россияда ишлаб чиқарилмаса-да, унинг ташқаридан келтирилишини тақиқлашга доир бирор ҳаракат қилинмаган.

Олача – йўл-йўл, кўк рангли газмол танобнинг бўялгани. Қалама эса бирмунча сифатли, одатда оқ рангли йўл-йўл чизиқлар ўтказилгани. Если аҳоли пахтадан ёғоч дастгоҳлар орқали қўлда газмоллар тўқиб, тоҳо уни уч рангда бўяшади.

1869 йилда қўшин учун аскарларнинг русча оқ пахтали яктаксимон уст кийими узоқдан келтирилгандан кўра шу ернинг ўзида ишлаб чиқариладиган бўздан фойдаланишга ҳаракат қилиб кўрилди. Аммо қўшин низомида бюрократия шу қадар кучли эдик, бўз ўн дюймдан кенг тайёрланмаганидан ўн тўрт дюймли газмолни унга алиштириш мумкин эмас деб топилди. Шунииг учун пудратчилар керакли молни Тошкентда тополмаганларидан пахтали маҳсулотлар кенгроқ ишлаб чиқариладиган Бухорога ўзларини урдилар. Ҳатто

<sup>1</sup> Ярд – 91 см га teng инглиз узунлик ўлчови.

<sup>2</sup> Муслин – юпқа газлама тури.

Фиждувонда уни ишлаб чиқарадиган алоҳида фабрикаларни ишга туширишни бошладилар. Натижада Тошкентдаги саноат арзирли фойда кўрмаган бўлса-да, қўшин учун маҳсус ишлаб чиқарилган ва Москвадан келтирилган рус газмолининг йўл сарф-харажатлари анча юқори нархда бўлишига қарамай, сифатли ва чидами мато бўз бўлиб қолмоқда.

Аъло сифатли ипак маҳсулотлар Бухоро, сўнгра Кўкон ва Хўжанд, ундан кейин Хивада тайёрланган, энг кам баҳолангани Тошкентники саналади. Мусулмончиликда тоза ипак матодан фойдаланиш асосан аёллар ва болалар билан чекланганлиги туфайли, эркакларнинг чопонларига ипак матоларнинг пахта билан аралаштирганини қўллашади. Ипак матоларни энсиз йўл-йўл қилиб ёки кўпинча ноодатий шаклда қизил, яшил ва сариқ ранг бериб ёки айrim ҳолларда оддий тўқишиади. Ҳозирда Европа бозорини таъминлаш учун кўпроқ одатий безаклар берилмоқда. Ранглари узокқа чидайди ҳамда ипак толаси бир неча бор ювилса ҳам ўзининг пишиқлиги ва жилосини сақлаб қолади.

Ярим ипак-шойи фабрика маҳсулотларидан беқасам ва адрес энг маъқули ва машҳури бўлиб, иккови ҳам одатда тор йўл-йўл чизиқли шаклда тайёрланади. Уларга кенг ясси ёғоч асбоб билан уриб жило берилади.

Ўрта Осиёда ипак савдоси аҳамиятли эканлигидан унинг икир-чикир жиҳатларигача чуқур тўхталиб ўтсан афв этгайсиз.

Бизга айтишларича, ипак маҳсулотлар ишлаб чиқариш анъана сифатида Хитойнинг Хўтан шаҳридан кириб келган ва ҳар ҳолда бутун Ўрта Осиё кенгликларига тарқалган. Аммо Тошкент, Хўжанд ва Самарқандда қарийб йўқолиб кетиш даражасига келиб қолган. 1785 йилда Шоҳмурод<sup>1</sup> томонидан Марв эгаллангач, бу соҳа яна жонланган. У мазкур шаҳарнинг барча аҳолисини Бухорога кўчириб, бу ерда улар машҳур машғулоти саналган пиллачиликни давом эттиришган.

Амир Насрулла замонида уларниң авлодларига Самарқандда яшашга рухсат берилди ва ўша пайтдан пилла стишириш гуллаб-яшнаб, ҳозирда Зарафшон, Хўжанд ва Қурама

<sup>1</sup> Шоҳмурод (1741–1800) – Бухоронинг 1785–1800 йиллардаги манғит амири. Мухаммад Дониёлбий оталиқнинг ўғли.

туманлари кўплаб қишлоқларининг асосий машғулоти саналади.

Ҳар бир касб-кор *рисола* деб ном олган, пайдо бўлишига доир афсонавий ҳикоялардан иборат ёзма ривоят ва у билан шуғулланишга доир кўрсатмаларига эга. Куйидаги ривоят асли туркий ва форсийдан таржима қилиниб, муқаддимаси Айюб пайғамбарнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, кенг тарқалган «Қасас-ул-анбиё» («Пайғамбарлар ҳаёти») китобидан олинган:

«Мехрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан! Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин, ундан кўркқанларга абадий роҳат-фароғат бўлсин. Унинг хабарчиси Мухаммад ва унинг оиласига ва барча издошлирига эҳтиром ва тинчлик бўлсин. Яна Аллоҳга ва унинг хабарисига ҳамду санолар, оламнинг шоҳлари саналган Одамнинг болалари ва унинг авлодларига шараф бўлсин!

Куёш порлоқ осмонда! Булбул билим боғларида! Илоҳий оламнинг сирларини билгувчиларга! Ягона Ҳақдан боис!

Ҳақиқат боғларидаги тўтиқуш! Ҳар нарсадан аввал ишни тамомламоқ! Боғларда майса ва майсада товус! Ҳақиқат боғларидаги тўтиқуш! Ҳар нарсадан аввал ишни тамомламоқ! Боғларда майса ва майсада товус! Кўкда ва ерда егуликни берган ва ҳаммани тўйдирганга! Кутимагандан инъом этувчи!

Юқорида сўзлаганимнинг бариси танланган пайғамбар Мухаммад номи билан, Аллоҳ унга раҳм қилсин ва асрасин! Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин! Аллоҳ унга чексиз эҳтиром билан шундайин амр қилди: «Эй, сен Мухаммад! Бу оламда тарғиб қилиш ва огоҳ этиш учунгина жўнатилдинг. Эй Мухаммад, уларга қарши гувоҳлик бериш учун шоҳид, уларни чорловчи ва огоҳ этувчи, тарғиботчи сифатида жўнатдик. Анбиёи изомлар<sup>1</sup> ўзларининг шериклари билан ўқитиб, дедилар: «Ҳар бир пайғамбар ўз қавмига шоҳид қолдирди. Биродарларимиздан Айюб эса пилла қурти қолдирди». Бу қуртлар Сир деган дараҳтда пайдо бўлиб, Аллоҳ уларга озиқланиш учун унинг баргларини берди. Ушбу барглар билан улар куч олиб, бу дараҳтда ўрмаладилар. Айюб пайғамбарда сабр ва мулоҳимликнинг барчаси мужассамлигини кўргач, қодир Аллоҳ лаъин шайтонга деди: «Сен менинг амримни

<sup>1</sup> Анбиёи изом – Куръонда номи зикр этилган машхур пайғамбарлар.

адо этмадинг, сенга берилган нарсаларга шукр қилмадинг ва менинг қаҳримга учраб, номинг абадий лаънатта қолди. Аммо одамлар борки, менга шукр қилиб, тиз чукишади ва ўзларининг роҳат-фарофати учун менга шукр қилишади». Шундан сўнг шайтон деди: «Менга ўша одамларингни кўрсат». Қудратли Аллоҳ Айюбга деди: «Ўзингни шайтонга кўрсат ва у иблис сендан ўрнак олсин». Аммо Айюб йиглаб деди: «Оҳ, сен ҳаётни сақлаб турувчи ва баҳш этувчи, тозаларнинг тозаси, менга қаҳринг келмасин». Қодир Аллоҳ сўнгра яна деди: «Эй, Айюб, ўзингни кўрсат. Кейин менинг қудратимни кўр». Сўнгра пайғамбар ўзини шайтонга кўрсатди. Шайтон Аллоҳга деди: «Сен бу одамга битмас-туғанмас бойлик ва бор нарсани инъом этганингдан у сенга ибодат қилиб, сенга бўйсунади».

Сўнгра Аллоҳ ўзининг фариштаси Жаброилга амр қилди: «Бу одамдан барча бойликларни ол». Сўнгра Жаброил фаришта ўзининг юз минг фариштаси билан осмону фалакдан тушиб, Аллоҳга мақбул у одамдан барча бойликларини олди. Шунга қарамай Аллоҳнинг пайғамбари ибодатини ўн карра ошириди. Сўнгра Аллоҳ шайтонга деди: «Эй лаъин! Мен ундан барча бойликларини олганимни кўрдинг, аммо у ўн маротаба кўп тоат-ибодат қиласидиган бўлди». Шайтон жавоб берди: «Унинг танаси соғ, шунинг учун у сенга ибодат ва шукрони қиласи». Сўнгра Аллоҳ Жаброил фариштага деди: «Унинг танасига касаллик жўнат». Унинг амрига кўра Жаброил фаришта Айюбга касаллик жўнатди ва шундан Аллоҳга мақбул унинг бадани қуртлар билан қопланди. Барча касаллик ва қуртларга Айюб пайғамбар сабр қилиб, Аллоҳга нисбатан илоҳий руҳини ошириди. Шукр қилди, ибодатда бўлди ва йиглади. Бир неча кун ўтгач, бу қуртлар йириклишиб, Айюбнинг бутун танасини ея бошлиб, соғлом бир нукта қолмади ҳамда яра-чақалар билан қопланди. Айюб касал ва танасини буткул яра-чақа қопланганига қарамай, Аллоҳга ибодат қилишдан тўхтамади. Бир куни ҳолсизланиб, ярасидан ерга тушган қуртни ярасига қўя олмай, хотинидан қуртни олиб ярасига қўйишни сўрайди: «Агар Аллоҳ қуртларни баданим билан озиқланишига амр берган бўлса, уларни овқатдан маҳрум этиш гуноҳ бўлади». Пайғамбарнинг хотини унинг айтганини қилиб, қуртни эрининг баданига қўйиб

қўйди. Бемор Айюб ўз жойида қолиб, Аллоҳга ибодатда давом этди.

«Мен барчасини кўрдим, – деди шайтон Аллоҳга. – Айюб сенга ибодат қилишининг сабаби унинг юраги ва тили ҳалигача бутун». Сўнгра Аллоҳ фариштаси Жаброилга ери уришни ва унинг остидаги «Ёруғлик денгизи» деб ном олган денгиздан сув олишни амр этди. Аллоҳнинг буйруғига биноан Жаброил фаришта бир исча минг фаришталар билан ерга тушиб, қаноти билан унга зарб урди ва ер остидан сувли булоқ пайдо бўлди. Яна фаришта Жаброилга пайғамбар Айюбни сувга улоқтириш ва Аллоҳнинг донишмандлигини кўришга буйруқ келди. Аллоҳнинг амри билан Айюб пайғамбар ўзини сувга отди ва шу дақиқадан ўзини соғлом кўрди. Қуртлар ундан тушиб, танаси соғ ва йиринглаган жойлари тузалди. Шундан бу булоқ «Ёруғлик денгизи» номини олиб, ҳамма художўйлар ўзларининг тана ва кўнгилларини соғ қилиш учун унда чўмиладиган бўлишиди. Айюбнинг баданидан қуртлар тут дарахтига ўрмалаб, унинг баргларини ейишни бошлади ва ўзларининг устларини тўқиб, шу қобиқда қамалиб олдилар. Улар қолдирган бу инни ҳозиргача *пилла* деб аташади (бошқа ривоятларга қараганда сувга гарк бўлган қуртлар зулукка айланиб, у ердан ари бўлиб учиб кетдилар).

Ином Жаъфар Содикдан<sup>1</sup> савол сўрашган экан: «Ким биринчи пиллакаш ва бу касб-корнинг кашфиётчиси бўлган?» ва у деди: «*Довуди дараӣ* қуртлари бор ўша дарахтга келиб, қўлига пиллани олиб, Аллоҳга дебди: «Эй, ердаги барча тозаликларни инъом этувчи, бу қуртлар сенинг дўстингнинг танасидан ушалиб тушиб, ўзларига шу дарахтдан паноҳ топганлар. Ундан ўзларини озиқлантириб, шу ерда улар таналарини ўраб туришга хизмат қилувчи пиллаларини тўқимоқда (ўрмоқда)лар. Менга пиллаларнинг қандай очилишини ва қуртлар қандай қилиб сенинг дўстингнинг танасидан пайдо бўлганини кўрсат. Шундан одамлар улардан фойда олсинлар ва уни эсласинлар». У шу сўзларини тугатар-тугатмас, қўзларини очса, бир одамни кўрди ва у деди: «Эй сен, мени танияпсанми?». У жавоб берди: «Йўқ». Одам деди:

<sup>1</sup> Жаъфар ас-Содик (Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Мухаммад ал-Курайший) (702 – 765) – Ислом илоҳиётчиси, фақих ва муҳаддис. Мухаммад пайғамбар авлодидан.

«Сен Аллоҳдан сўрадинг, мен Аллоҳнинг хазинабони сенинг тилагингни адо этаман. Сўра, нима хоҳлайсаи?» Довуди дарай деди: «Менинг истагим пилланинг қандай яратилишини менга кўрсатсин». Сўнгра одам уни ўргатишга бошлади. «Бу пиллани иссиқ сувга ташла ва уни калтак билаи савала ва Аллоҳнинг қудратини кўрасан». Довуди дарай шундай қилди ва пилла ипакка айланди. Шундан кейин Имом Жаъфар деди: «Ёшлар, савдонгизни юргазинг». Ва унинг топшириги билан пайғамбар қавми пайғамбарнинг бу илмидан фойдаланишлари ва уларга муваффақият тилаб ҳаммасини шу китобда ёздилар.

Довуди дарай Хизрдан шуни билиб олди: «Пиллаларни биринчи сувга ташлаганда қийшиқ калтакни ўнг қўл билан тутиб сўзла: «Раҳмдил ва Шафқатли Аллоҳ номи билан! Ва пиллаларни савала, сўнгра шу калтакда ипак деб аталган калава пайдо бўлади».

Бу касбнинг сир-асорини уламо Талус Ҳаким ўрганиб, ундан уламо Аҳмад Ҳайъан ва бошқа кўплаб авлиёлар ва усталар ўрганишди.

Бу касб билан шуғулланиш уларга барака ва яхшилик берди. Кимки бу касб билан машғул бўлса, қуйидаги удумга амал қилишлари шарт: таҳорат қилиб, икки *ракат* намоз ўқиш, сўнгра хурмат билан *сураи Ихлосни*<sup>1</sup> уч маротаба ўқиши орқали Аллоҳга бу касбнинг усталарини инъом этгани учун ва бу орқали уларнинг рух-арвоҳларидан ёрдам сўралади. Кимки бу айтилганларни тўлиқ адо этса, касби коридан келиб, ҳеч қачон бир бурда нонга муҳтоҷ бўлмайди. Бу касб учун яна бир қанча урф-одат ва эҳтиёткорлик шартки, у билан шуғулланувчи буларни тўлиқ бажариши лозим. Ишни бошлашдан бурун бадан тозалигини адо этиши, икки ракат намоз ўқиши, ишни бошлашдан аввал руҳан ва фикран пок бўлиши, бу касбнинг бариси Аллоҳнинг инъоми эканини ёдда тутиши, тоза егуликларни ейиши ва уйқуда тоза бўлиши, хушмуомали бўлиши, ғазабнок бўлмаслиги, доимо яхши сўзларни сўзловчи, ўз устозларига қулоқ соладиган, қобил бўлиши, иш давомида бошқалар билан ёмон муносабатда бўладиганлар билан алоқада бўлмаслиги керак.

<sup>1</sup> *Ихлос сураси (Сураи Ихлос)* – Куръони каримдаги 112-сураси. Маккада нозил бўлган. Тўрт оятдан иборат. Мўминларга Аллоҳни қандай танишни ва унга қандай ихлос-эътиқод қилишни ўргатади.

Доимо шерикларидан Аллоҳга шукронага ва мадҳ-сано сўраб, *Аллоҳу акбар* дейиши ва тилидан Яратганинг номини қўймаслиги шарт.

Агар устози уйдан токи пиллахонага қадар буни қайтариб боришни сўраса, у шундай жавоб қилиши лозим: «Меҳрибон Аллоҳ номи билан, яратганим, биз хато қилдик, афв этгайсан!». Агар қўлларида калтак тутиб ишни давом эттираётгандарида ибодат қилиш сўралса, у шундай жавоб қилиши керак: «Эй Яратган! Сен бизни абадулабад баҳтли қил».

Агар ўрам учун калтакни кўтарганида дуо ўқиши сўралса, у шундай жавоб қилиши керак: «Яратганинг соғдонишмандлиги билан, бизни гуноҳларимиздан фориғ эт». Агар калтак учидаги ипак ўрамни олиш учун дуо сўралса, у шундай жавоб бериши лозим: «Жанинатнинг Аллоҳига шукр». Агар ипак ўрам ғалтаккачувалашганда ўқиши сўралса, у шундай жавоб қилиши керак: «Улар жаннат йўли ҳақида ўйлашлари керак ва шуни такрорлашлари лозим: «Бизни тўғри йўлга бошла». Агар шогирд оловга бош-кош бўлиб турган бўлса, одамларни ва ҳатто тошларни ёндиришини, бу жаҳаннам олови эканини ёдда тутиши лозим.

«Агар улар қасабаларини ёпгудек бўлса, нима қилишлари керак?» У шундай жавоб қилиши керак: «Улар иш давомида ерга тушган барча нарсани олиб, буни такрорлаши керак: «Билиб ва билмай қилган гуноҳларимизни шу кундан кечиргайсан». Шундан сўнг ишловчилар чап оёқ билан ўринларидан туриб, орқага қараб юришлари лозим. Шутариқа ҳар бир касбнинг қатор урф-одатлари борки, уларни такрорлаш ва фикр-мулоҳаза юритмоғи шарт. Кимки бу касбга ўзини чиндан баҳш этмоқчи бўлса, у устозидан ўрганмоғи, ўйлари ва кўзларини гуноҳдан, қўлларини нопокликдан, оёқларини ахлоқсизликдан, оғзини эса гуноҳ егуликлардан асрамоғи шарт. У ўзининг устозларига ишониши, ёмон сўзлар сўзламаслиги ҳамда уларга кулок тутмаслиги лозим. Кимки ёмон сўз айтса, унга яхшилик билан жавоб қилсин ва ёлғон эмас, ҳақиқатни сўйласин. Билмайсанки, ким ёлғон галириб, ёмон харакатлар қилишини. Кимки бунда битилган одатларни адо этмасдан, устозлари ва авлиё-

ларнинг айтганларига ионмай: «Мен уларга ионмайман» деса, у ёлғон сўйлаган ва авлиёларии үзининг душмани деб билган бўлади.

Кимки ҳар гал покликка ва ҳар доим Аллоҳга эргашса, у унинг бу китобидаги ва, шунингдек, тўрт пайгамбар – Аллоҳдан тозалик олган Одам, Аллоҳнинг пайгамбари Нуҳ, Аллоҳнинг дилдан суйгани Иброҳим ва сайланган Мухаммад ажрини олгай.

Уларнинг барчасига ҳамду сано ва жаниат бўлсин!»

Ўрта Осиёда ипак ипак қурти етиштиришнинг йиллик ҳажми синчиклаб ҳисоб-китоб қилинганда, қарийб тўрт ярим миллион фунтга яқин бўлиб, унинг бир ярим миллионини Бухоро, яна шунчасини Кўқон, Хива юз минг фунтчасини, Кошғар тўрт юз минг ҳамда Россия мустамлакасидаги худудлар эса қарийб бир миллиондан зиёдини ишлаб чиқаради.

Ўрта Осиё иқлими пиллачилик учун жуда қулай. Бу ерда ёзин ёмғир, дўл бўлмаганидан, момақалдироқ ва кучли шамоллар камлигидан сунъий иссиқлик ва шамоллатишга ҳожат йўқ. Ўз навбатида, ипак қурти учун зарур озуқа – тут дараҳтларидир. Ипак етиштириш микдори ва сифати чекланганлигининг сабаблари – уни кўпайтириш усуллари ва маҳаллий аҳолининг турмуш тарзида.

Ипак қуртини етиштириш бой ва ўзига тўқ ахоли учун шарафли касб ҳисобланмай, улар шунчаки у билан вақт ўтказиш учун машғул бўлишиб, ундан ташқари ипакчилик тараққий этган жойларда фақатгина оиласинг аёллари унинг парвариши билан шуғулланишади. Бу касб аёллар ҳовлиси билан чекланганлиги боис, ипак етиштириш бўйича уларга бирор нима ўргатиш ёки уни такомиллаштириш бўйича чора кўриш анча мушкул. Пилла ранги, шакли ва ўлчами билан фарқланиб, Ўрта Осиёда бир неча турдаги ипак қуртлари етиштирилади, лекин уларга жуда ноилмий ёндашилиб, тарқалишига шу қадар имкон берилганки, бу эса ҳар туридан типик бир хусусиятларини олиш имконини мураккабланитиради. Маҳаллий халқ ипак қуртининг икки турини фарқлай олишади. Улардан бири энг кўп тарқалгани – сутсимон оқ ранглиси оддийгина ипак қурт деб аталади, бошқа бири –

кора рангдагиси *араби* деб аталади. Шунга қарамай ҳали-  
гача шу икки турдаги пилла қуртнинг бир-биридан фарқи  
йўқдек, хозиргина айттанимдек, фақатгина турлари ҳар хил.

Ваҳоланки, баъзи ипак қуртлар тўрт, бошқалари эса беш  
ойлик. Айтишларича, биринчи турдагиларнинг тухумлари  
бироз каттароқ. Асл турдаги ана шу хилма-хил навларни  
эътибор бериб кўпайтириш эҳтимол қайтадан пайдо бўлишига  
олиб келар ҳамда уларнинг баъзилари қийматга, сифатга  
эгалигини исботлар. Ипак қуртлари тухумчалари шифтга  
осилган кичкина пахта қутиларда сақланади. Улар (пилла  
урувлари – З. С.) ипакчилик кенг тарқалган жойлар, хусусан  
бозорлар, дорихоналар ёки маҳсус тайёрловчи дўконларда  
сотилади. Кичиккина ангишвонада қарийб икки мингта ту-  
хум бўлиб, баҳор маҳали бозор нархи 20 копейкдан то 30  
копейккача ўзгариб туради. Уларнинг сифатлisisи сувга бо-  
тириб олинганда билиниб, сувга чўккани яхшиси ҳисобла-  
нади. Апрель ойининг бошларида аёллар тухумларни кичик  
халтачаларга солиб, уларни белларига ёки кўлтиқларининг  
остига боғлаб, ҳар куни осиб юришади. Шу тариқа олинган  
иссиқлик табиий бўлиши мумкин, бироқ терлаш қуртларга  
зарар келтириши исботланган. Тахминан бир ҳафтадан сўнг  
қуртлар пайдо бўла бошлайди. Сўнгра қутилар ҳар куни  
очилади, очиб чиқсан қуртлар тоза мато билан ўралган катта  
патнис устига жойлаштирилиб, офтоб нури зиён бермаслиги  
учун дока ёпиб қўйилади. Кунлар ва кечалар одатдагидан  
кўра совук бўлса, бу патнислар сандал устига қўйилади.  
Дастлабки икки давр мобайнида қуртлар эҳтиётлик билан  
кесилган тут барглари билан озиқлантирилади ва улар катта  
бўлгани сари каттароқ хона ва яхшироқ жойларга олинади.  
Иккинчи даврдан кейин қуртлар хона бўйлаб жойлаштирил-  
ган, тахтадан қилинган рафларга қўйилади ва асосан эшик-  
дан кирувчи ёруғликдан бўлак ичкарисига ёруғлик тушмай-  
диган ним коронги хоналарда сақланиб, улар ҳар куни уч  
маҳал тут барглари билан озиқлантирилади.

Эскирган шохчалар ҳечам олиб ташланмайди, янги шохлар  
унинг устидан ташланаверади ҳамда қуртлар аста-секинлик  
билан хас-чўп ва чиқиндилардан юқорига эмаклашади. Мана

шу тарзда озиқлантириш усули уларниң побуд бўлишига олиб келмайдиган сабаблардан яккаю ягонаси бўлса керак. Нихоят, кичкина шохчалар ва асосан оч пунити гулли *мингбош* деб аталган қуруқ ўсимлик рафларга қўйилиб, қуртлар унга томон ўрмалашга имкон топиб, *пиллаларини* йигиришини бошлайди. Ипак қуртларнинг тухумдалик пайтидан то пиллагача бўлган даврдаги ҳаёти анча фарқ қиласди. Бу асосан 40 кундан то 70 кунгача бўлган вақт давомидаги шартшароит ва пилла озуқасига боғлиқ.

Ўрта Осиёда асосий дарахт ҳисобланган тут дарахтининг хилма-хиллигини батафсил ўрганишда ҳеч кимда ботаника илми етарли даражада бўлмаса керак. Уларнинг турларини фақатгина маҳаллий ҳалқ ажратада олган холос, тўртинчи энг муҳим тури уруғдан етиштириладиган *ҳассак* деб аталган ёввойи тутдир. У асосан ипак қуртларини озиқлантириш учун фойдаланилади ва шунингдек, бошқа турларни пайвандлаш учун поя бўлиб хизмат қиласди. *Шоҳтум* Эрондан келтирилган. *Балхи* эса Балхдан келтирилган энг катта ва энг чиройли навлардан биттаси бўлиб, Зарафшон водийсида жуда кўп тарқалган; *Хоразми* Хоразмдан ёки Хивадан, катта, ок, деярли уруғсиз, эндиғина узилган, ҳам тоза қуритилгани асосан озиқ-овқат учун ишлатилади. Улардан баъзида ун, сув билан аралаштириб ажабтовур ичимлик тайёрланади ва буғдой уни билан *тут ҳолва* тайёрланади.

Тут дарахтлари уруғидан ўстирилади, улар асосан май ва июнь ойларида экилади. Бир йил ичида ёш дарахтлар беш футга ўсиб, қалинлиги жимжилоқдай келгач, ягана қилиниб ёки кўчириб ўтказилади. Ҳаммаси ҳам қуртларни озиқлантиришда фойдаланилмайди. Иккинчи ёки учинчи йил улар пайванд қилиниб, келгуси йил ҳосил беради. Ипак қуртлари учун одатда кичкина шохларни юлиш ўрнига, дарахтларнинг катта шохлари кесилади. Яхши пайванд қилинган уч йиллик дарахт кўчатлари навига қараб бозорларда 20 дан то 50 копейккача сотилади. Дарахтнинг кесилган шохлари эса ҳажмига, баргларига бўлган талабга қараб, 1 рублдан то 4 рублгача боради. 1871 йилда тут баргларининг нархлари Хўжандда, пилланинг кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши ҳисобига олиб-сотарлар томонидан жонланиб, бир эшакка юк

бўлган беш боғлам ипак 60 копейқдан 2 рублгача кўтарилиб кетди.

... Ўзбеклар табиатан моҳир миришкор ва уларнинг барча саноат тармоқлари маҳаллийдир, лекин пилла қуртини кўпайтириш ва уларни йигириши иккита турли соҳадирки, улар бир-биридан ажралиб туради. Ипак қуртларини муваффакиятли кўпайтириш, бир сўз билан айтганда, маҳаллий ишчиларми, камроқ пилла етиширадими, икир-чикиригача эътибор билан қарашни, кўпроқ шуғулланишини талаб қиласиди. Ипакни йигириш эса аксинча, механик иш саналиб, авваламбор дурустгина тартиб ва қоидаларни талаб қиласиди. Шунинг учун ҳам улар асосан фабрикаларда яхши адо этилиб, жойларда ипак йигиришини ташкил қилиб, руслар Туркистонда ипакчиликни такомиллаштирумокчи. Ипакчилик маданияти маҳаллий халқقا яхши усувларни ўқитиш орқали ривожлантирилиши мумкин, лекин асосий талаб пилланинг саралангандан яхши навига боғлиқ. Яхши молга бўлган юқори талаб дарҳол таклифнинг ҳам ошишига сабаб бўлади. 1867 йилдан то 1872 йилгача озроқ ҳаракатларни ҳисобга олмаганда, Туркистонда 7 та муҳим ип йигириш фабрикасига асос солиниб, хукumatдан олинган молиявий ёрдамга қарамай, улардан биттасини ҳисобга олмагандан қолганлари турли сабабларга кўра маҳаллий ипак ишлаб чиқаришга ҳеч қандай таъсир кўрсатолмай тез орада ёпилди. Мен Хўжандда бўлган пайтимда ҳалигача битта ип йигириш фабрикаси бўлиб, у Москва савдогарларига тегишли, генерал Кауфман девонхонасининг жиддий расмий илтимосномасига кўра 200000 рубль сармоя эвазига ташкил қилинган эди. Унга жавобгар қилиб ҳеч нарсадан хабари бўлмаган одамлар қўйилди ва уларнинг ишлари узокдаги мулқдорлар томонидан эътиборга олинмади ҳамда кейинрок (1875 йилнинг ноябрида) капиталининг 4/5 қисми кўкка совурилиб, уни ёпиш ҳакида эълон пайдо бўлди.

... Сартлар бир-бирлари, айниқса, одатда руслар билан савдода нафакат мамлакат, балки ҳар бир шаҳарда фарқ қилувчи ўзларининг эски вазн ва ўлчовларидан фойдаланишади.

Куруқ ва суюқ нарсаларнинг ўлчови мавжуд бўлмаса ҳам, аммо ҳар бир нарса тарози билан сотилади. Вазн бирлиги

ботмон<sup>1</sup> ёки афзалроғи *чорак*<sup>2</sup> бўлиб, кўнича 1/64 ботмон-ни ташкил этади. Ботмон Россияда ўрта асрлардан маълум ўлчов, Кавказ ва Кримнинг ярим татар, ҳатто мутлак рус губернияси саналган Тверда ҳам мавжуд бўлиб, 36 фунтга тенг. Турли жойларда фарқи катта. Тошкентда ботмон 374 фунт оғирликни ташкил этади.

Чорак ботмоннинг  $\frac{1}{64}$  қисми, кўпинча  $5\frac{3}{4}$  фунтдан ортиқ бўлиб, маҳаллий манфаатларни ҳисобга олиб, турли қисмларга бўлиниши эътиборга олинмаса, ҳар бир кичик қисми бир унциядан<sup>3</sup> ошиқ бўлмаган 80 пайсага<sup>4</sup> бўлинади.

Мисқол<sup>5</sup> кўпинча Бухоро ва Самарқандда қўлланилиб, ўлчовларнинг энг кичиги. Бир унциянинг чорак қисмидир. Кўкоида одатда ботмонга нисбатан кўпроқ чорак қўлланилиб, фарқи 162 дан 180 фунтгача, 16 чаксага<sup>6</sup> бўлиниб, уларнинг ҳар бири вазни унциянинг  $\frac{3}{4}$  қисмини ташкил этган 200 пайсага бўлинади.

Хўжандда ботмон йирик ўлчов бирлиги бўлиб, 432 фунтни, бир ботмон эса 12 чорак, ҳар бир чорак эса 36 фунтдан иборат. Ўратепада бир чорак 9 фунт 64 чоракдан иборат, ботмон эса 576 фунтдир. Тошкент билан Кўкон ўртасидаги қатор чегара шаҳарларда яна бошқа ўлчов шакллари бор.

<sup>1</sup> Ботмон – оғирлик ўлчов бирлиги. Якин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Ўрта Осиёда кўлланиб келинган. Шариатта кўра, ботмон асосан 0,8 кг ки ташкил қилган, лекин турли мамлакатлар ва турли даврларда унинг мезони хархил бўлган. Ўрта Осиёда ҳам унинг вазни ўзгариб турган. Масалан, XIX асрда Хоразмда ботмон 20,1 кг дан 40,9 кг гача, Бухоро ва Самарқандда асосан 8 пуд (131 кг), Фарғонада 8–10 пуд (131–163,8 кг) бўлган. Бу ўлчов пахта ва меваларни ўлчаща кўлланилган. 1884 йилги маълумотларга кўра, Кўконда 1 ботмон 10 пудга, яъни 163,8 кг га teng бўлиб, донларни ўлчаща кўлланилган. Тошкент ва Чимкентда 1 ботмон 10,5 пуд (171,9 кг) бўлган. Ўрта Осиёнинг кўп жойларида ботмон ер сатхини ўлчаш бирлиги сифатида ҳам кўлланилган.

<sup>2</sup> Чорак - Ўрта Осиёда энг кўп қўлланилган оғирлик ўлчов бирлиги. У баъзи жойларда 5 пудга, бошқа ерларда эса 5 қадоққа, яъни 2,04 кг га тенг бўлган.

<sup>3</sup> Унция - 28,3 г га тенг оғирлик үлчов бирлиги.

<sup>4</sup> Пайса – тахминан 50 г га тенг оғирлик үлчов бирлиги.

<sup>5</sup> Мисқол – Шарқ (араб) мамлакатларида кимматбаҳо буюмларнинг оғирлиги мисқол билан ўлчанган. Самарқандда 4,46 г га (VI – VIII асрлар), Бухорода 4,8 – 5 г (XVI – XIX асрлар)га, Хоразм ва Фарғона водийсида 4,5 г га (XIV аср) тени бўлган.

<sup>6</sup> Чакса – Ўрта Осиё худудида қадимдан XX аср бошларига қадар ишлатилган оғирлик ўлчов бирлиги. Бир чакса Хўжандда қарийб 4 кг, Наманганда 5,3 кг, Кўқон атрофларида 4,6 кг ёки 5,1 кг саналган.

Самарқанд ва Бухорода икки хил – катта ва кичик чорак бўлиб, каттаси 9 фунт, кичиги эса унинг ярмидан кўпроқ. 64 кичик чоракли ботмон 288 фунт келади. Шу каби ботмон Жиззах, Зомин билан Ўратепа атрофларида кенг тарқалган бўлиб, ундан икки баравар кам – 144 фунтдир. Хивада эса у камроқ, атиги 142 фунтдир. Бу ерда ботмоннинг чорагини ўнсири деб аташиб, ўн сирни англатиб, бу каби оғирлик бирлигининг турли варианtlари Бухоро ва Самарқандда ҳалигача мавжуд. Гарчанд *ду-ним-сир* (икки ярим сир) қўлланишига қарамай, сир якка ўзи айтилмайди.

Ўнсири ботмон сингари XVI асрда Россияда қўлланилган бўлиб, чамаси рус ўлчови сифатида тан олиниб, қайдномаларда тез-тез учрайди. Дастреб  $1\frac{3}{4}$ , охирида 1 рус фунтига тенг бўлган. Авлиёотадан шарқий йўналишда ботмон Тошкентдагига қараганда чамаси бирдан уч баравар кўп бўлиб, Кошгарга келганимизда турли, жумладан Хитой оғирлик ўлчовлари амал қилганига дуч келдик. Бу ерда ботмон Тошкентдагига қараганда 4 марта катта ва саккиз ғалвирни ташкил этиб, ҳар бири Кўкондаги чоракдан катта. Бундан ташқари у ерда чоракнинг икки тури бўлиб, кичиги 17 фунт, каттаси 21,5 фунт келади.

Ботмон (туркий сўз бўлиб, эҳтимол арабча «мон»нинг қўшилишидан) бошда қуруқ нарсалар, афтидан ғалла учун ўлчов бирлиги бўлиб, эндиликда оғирлик ўлчови сифатида қўлланилмоқда. Бутун мусулмон Осиёсида турли шакллари бор. Ботмон билан меъёр ўлчашда ҳар бир жойнинг маҳаллий хусусиятига қараб буғдой, шоли, тарик ёхуд яна бошқа бир маҳсулот олинган. Ҳукумат томонидан ижарага берилган бозорларда амалга киритилган Россия қонуний оғирлик ўлчовлари ҳар доим ҳам қўлланилмайди. Металлнинг баланд нархи туфайли, унга тенг келувчи тошлар маҳаллий тарози сифатида ишлатилмоқда. Жамиятнинг маънавий ҳаётини, тош-тарозиларни назорат этувчи маҳаллий диний амалдор – раис бўлиб, аммо унинг маҳкамаси тугатилган ва бу тоштарозилар меъёрлар бўйича ҳечам таққослаб солиштирилмаётir.

Энг күп ишлатиладиган узунлик ўлчови – *газ*<sup>1</sup>, бош бармоқча етүвчи етти қулочга тенг, йигирма стти дюймча. *Газ-кирбуз* ўлчови эса пахталик маҳсулотларни камдан-кам ўлчашда фойдаланиб, бош бармоқча келиб, тахминан қирқ икки дюймни ҳосил қиласи. *Кори* эса қўлларни ёзилганинг икки карраси ёки қарийб ўн икки футдир. *Олчин*<sup>2</sup> деган ўлчов йигирма саккиз дюйм, русларнинг аршин ўлчовининг бузилган шакли бўлиб, муомалада. Узоқ масофаларни ҳисоблашда тош ёки *фарсанг*<sup>3</sup> бирлигидан фойдаланилади. У 12000 қадамча ёхуд қарийб  $5\frac{3}{4}$  инглиз милига тенг. Ўзининг тош деган номидан кўриниб турибдики, у маълум масофада белги сифатида қўйилган. Тош учун қўлланилган санг форсча сўз бўлиб, фарсанг ва қадимий парасанг, эҳтимол фақатгина форсча тошни англатиб, бошқа бир мамлакатдаги ўлчов учун хусусиятлидир.

Ер ўлчови учун яккаю ягона ўлчов таноб бўлиб, 60 *газ* майдон ёки тахминан  $\frac{3}{4}$  акрга тенг. Ерли аҳолиникига қараганда Казала ва Перовский, шунингдек, Верний русларнинг оғирлик ва узунлик ўлчовлари билан тўла, аммо Тошкент ва Самарқандда рус расмийлари Россиянинг бу борадаги тизимини йўлга кўйиш учун ҳаракат қилишдан анча йироқда. Шуни афсус билан қайд этиш керакки, улар бу ерда ўнлик тизимни жорий этишга имкон яратишмади. Ваҳоланки, буни энг бошда осон қилиш мумкин эди. Ҳали ҳам унчалик кеч эмас, чофи.

Ўрта Осиёда пул бирлиги кичик кумуш чақа – *танга*, Кўқон ва Тошкентда Кўқон танга ёки оддийгина қўқон деб аталиб, аниқ қиймати  $16\frac{3}{4}$  копейк ёки 5,5 пенсдир.

Бир томонида подшонинг, орқа томонида эса зарб этилган шаҳар номи ва санаси кўрсатилади. Бу ерда тилла тангалар ҳам бўлиб, кичик ва жуда юпқа шаклда, *тилла* деб номланади. Ҳар ҳолда тангадаги қимматбаҳо металлнинг

<sup>1</sup> Газ – Шарқ мамлакатларида тахминан 62 см дан 91,5 см га тенг бўлган узунлик ўлчов бирлиги.

<sup>2</sup> Олчин – узунлик ўлчов бирлиги; аршин ва газ қийматлари (65÷112 см)га тенг.

<sup>3</sup> Фарсанг, фарсанх – Шарқ мамлакатлари, жумладан Ўрта Осиёда қадимдаи ишлатилиб келинган масофа ўлчов бирлиги. Бир фарсанг 9–12 минг қадам ёки 6–8 км га тенг бўлган.

микдорига кўра айирбошлаш қиймати ҳам турлича. Кўқон тилласи ўн тўққиз тангага, Бухоро тилласи эса йигирма тўртдан йигирма саккиз тангагача баҳоланади. Хивада 2 хил тилла бўлиб, каттаси ўн саккиз, кичиги саккиз танга турди. Айрича амалда бошқа мис ва темир тангалар қўлланилиб, пул ёки чақа деб аталади. Тошкентда бир танга олтмиш, Кўқонда қирқ чақага баҳоланади. Бухорода бир танга қирқ тўртдан олтмиш тўрт пулгача, Хивада уларнинг кўплигига қараб қирқ бешдан етмишгача баҳоланади. 1869 йили Молия вазирлигининг фармойишига кўра танганинг қиймати йигирма копейк этиб белгиланган бўлса-да, ваҳоланки аввал айтганимдек, у ҳозирда атиги  $16 \frac{3}{4}$  копейк.

Санкт-Петербургдаги Тор-кон вазирлигининг таҳлилларига кўра, Бухоро тилласи  $44 \frac{7}{10}$  пробадан иборат бўлиб, тоза олтиннинг 1 золотник<sup>1</sup> 5,5 долясини<sup>2</sup> (4,5098 г) ташкил этади. Кўқон тилласи 82,5 пробадан иборат бўлиб, тоза олтиннинг  $77 \frac{3}{5}$  долясини (3,4454 г) ташкил этади. Бухоро тангаси 59 пробали, тоза кумушнинг 44 долясини (1,9536 г дан иборат), Кўқон тангаси эса  $87 \frac{3}{10}$  пробали, тоза кумушнинг 60 долясини (2,664 г) ташкил этади. Бухоро тангасига нисбатан бироз ноаниқлик бўлиши эҳтимол. Типик танга танлашнинг имкони бўлмади.

... Тошкент руслар томонидан истило этилгач, даромад манбаларини қидириш заруриятта айланиб, маҳаллий божлар, энг асосийси савдодан олинадиган закотни<sup>3</sup> маълум муддат сақлаб қолишга қарор қилинди. Ислом қонунчилигига аҳолининг қашшоқ қисмини қўллаб-қувватлаш, файридинларга қарши жангларни олиб бориш учун барча мусулмонлар закот солиғини тўлашлари шарт бўлиб, у олтин, кумуш, хурмо, хўқиз ва қўй сифатида ундирилган.

<sup>1</sup> Золотник – рус ўлчов тизимида оғирлик ўлчов бирлиги. Бир золотник 96 доля (4,266 г)га тенг.

<sup>2</sup> Доля – энг кичик қадимги рус оғирлик ўлчов бирлиги. 1/96 золотник, яъни 44,435 мг га тенг.

<sup>3</sup> Закот – мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эхсон, солик. Закот микдори пул даромадларининг қирқдан бир улушига тенг. Закот камбағаллар, етимесирлар, касаллар ва ҳеч кими йўқ аёллар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган.

Хозирги пайтда у карвонлар ва тијорат келишувларида асосий бож ва Ўрта Осиёнинг кўплаб давлатларида мусулмонлар учун қирқдан бир ёки 2,5 фоизни ташкил этади. Россия билан бироз аввалги тијорат битимларидан бурун христианлар ҳар бир карвон учун икки баравар солиқса тортилган.

Рус маъмурияти одатдаги ёки ташқи закотдан ташқари савдо капитали учун ички закот ҳам жорий этиб, у йилда бир маротаба олинган. 1874 йилга қадар у Сирдарё вилоятининг рус савдо тизимиға бўйсунувчи Казала ва Перовский уездларидан ташқари барча қисми, Зарафшон уездидан мавжуд бўлган. Ички закот руслар эмас, маҳаллий савдогарларга солиниб, савдогар томонидан капитал миқдори баҳоланганд ёки тасарруфидаги молларнинг қиймати белгиланганд кундан хисобга олинган.

... Савдо-сотикнинг юришиши учун руслар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Аввал қайд этганимдек, бир қанча фабрикалар иш бошлаб, ароқ заводларидан ташқари қолганларининг бари қарийб инқирозга юз тутди. Ушбу ароқ заводларининг иши қойилмақомдай кўринар ҳамда мамлакатга сезиларли фойда келтиради. Ўрта Осиё савдосига журъат қилиб кирган кўплаб рус савдогарлари хонавайрон бўлишди ёки мисол учун Хлодов ва Первшинга ўхшаб ўзлари бадном бўлишди. Хўжанддаги аввал сўзлаганим эҳтимол Туркистонга бироз муддат тијорат олиб кирган сўнгги ипак фабрикаси сармоядан тўлиқ маҳрум бўлди.

... Рус савдо тарихида ярмаркаларнинг ўрнини хисобга олганда, тијорат ҳаётига ўрганмаган шахслар учун у, ҳар холда табиий, савдо уларсиз ўтмас ва ярмарканинг бошланниши савдонинг авжини англатарди.

... Бу ярмаркалардаги тијорат расмий ҳисботларда рублда қайд этилган:

<b>Келтирилган</b>	<b>Олиб чиқилган</b>	<b>Умумий миңдор</b>	<b>Даллоллар савдоси</b>
1870 йил, кузги ярмарка <sup>1</sup>	389082863	233506035 $\frac{1}{2}$	622588898 $\frac{1}{2}$
1871 йил, баҳорги ярмарка	252034673	139335602	Маълумот қайд этилмаган
1871 йил, кузги ярмарка	4742858	2042521	
1872 йил, кузги ярмарка <sup>2</sup>	184974989	153858332	338832521
			25229294

<b>Келтирилган</b>	<b>Олиб чиқилган</b>	<b>Транзит савдо</b>	<b>Даллоллар савдоси</b>	<b>Умумий миңдор</b>
1873 йил, баҳорги ярмарка	73598572	90782727	169213	47219890
1873 йил, кузги ярмарка	126029732	86016952	13162820	19069235
				228524489
				244278739

<sup>1</sup> Бу ярмарка бир ой ўрнига икки ой давом этган.

<sup>2</sup> Муаллиф (Ю. Скайлер – З. С.) 1872 йил баҳорги ярмарка учун маълумот қўлга кирита олмаганингини ёзган.

Ярмарканинг мұваффакиятсизликка учранининг сабабларини түшуниш осон. Тошкент на саноат, на қынлоқ хұжалик маркази әзіздеуден савдо марказы. У Күкөндән Оренбург ва Троицкка әлтүвчи йүлда жойлашып, холос. Тошкенттегі Бухоро ва Зарағашон водийси билан савдосининг унчалик ахамиятли әмаслиги – Бухорадан қадимий йүл чүл орқали тұғридан-тұғри Казалага әлтганидан. Бухоро орқали келтирилген эң зарур маҳсулоттар – шакар ва шамлардан болж олинганидан баъзан Тошкентта қараганда Самарқандда арzonрок.

Тошкент – Күкөн савдоси тұхтаб ўтадиган жой. Сабаби оддий. Хукумат қароргохи жойлашганидан савдо ахли юклари келгунга ва мол жүннатгунга қадар бу ерда яшашни кулай деб биларди. Бу ер иирик савдо-сотиқ бўладиган жой әмас. Пойтахт Чимкентта кўчирилгудек бўлса, ҳеч ким Тошкентни тижорий ахамиятга эга деб ҳисобламаган бўлар эди.

Тошкент орқали Күкөннинг транзит савдоси 1872 йилда 1162738 рубль, Бухоро билан эса 22669 рублни ташкил этган. 1871 йилдаги биргина аниқ статистик ҳисоботга қараганда, Россиянинг барча қисмлари ва мустақил хонликлардан Тошкентга 8992320 рубллик импорт, 6112495 рубллик экспорт, жами бўлиб 15104815 рубллик савдо-сотиқ амалга оширилган. Унинг 4094291 рубли Күкөн билан, атиги 337854 рубли эса Бухоро билан бўлган. 1873 йилда Тошкент савдоси маълум бўлишича: импорт 10938159 рубль, экспорт 6299182 рубль, жами 17237341 рублни, транзит савдо эса 954289 рублни ташкил этган.

1872 ва 1873 йиллар учун Тошкент савдосига доир бироз тасаввур ҳосил қилувчи транспорт статистикаси:

		Туяларда	Отларда	Араваларда
1872	келтирилган	55658	7279	6624
1872	жўнатилган	26792	1530	761
1873	келтирилган	46294 $\frac{1}{4}$	2663 $\frac{3}{4}$	2436
1873	жўнатилган	36208	1632 $\frac{1}{2}$	1212

Туяниң ўртача юк ташиши 576 фунтни, отники 288 фунтни, араваники эса 990 фунтни ташкил этган. Бундан кўришимиз мумкинки, 1872 йилда Тошкентта 40713120 фунт маҳсулот

келтирилиб, 16628814 фунт махсулот эса жўнатилган. 1873 йилда шаҳарга 29845388 фунт мол келтирилиб, 22525848 фунт мол олиб кетилган. Бу ракамлар ўта ошириб кўрсатилган. Туя одатда 16 пуд ёхуд 576 фунт юк кўтаради. Узоқ йўналишларга эса туяда камроқ юк ташилади.

Ўрта Осиё савдоси бўйича аниқ рақамларга тўхталиш жуда мушкул. 1868 йилда Оренбург – Сибирь чегара божхона линияси бекор қилинганидан сўнг, ўз навбатида статистик маълумотларни тўплаш ҳам тўхтади. Россиялик ва маҳаллий савдогарларнинг улар томонидан импорт ва экспорт қилинган махсулотларнинг турлари, микдори ва нарх-навоси қайд этилган декларацияларигина ёлғиз материал бўла олади. Бу декларациялар закот божини тўлаш ҳамда закот тилхатларини олиш ва олганлигини кўрсатиш учун уездларнинг иқтисод бошқармаларига тақдим этилган. Мазкур тилхатлар асосан туркий тилда ёзилганидан Молия вазирлиги агенти томонидан «Осиё савдосининг статистикасига доир материаллар»да чоп этиш имконини берди.

Шунга қарамай, бунча маълумотни аниқлик билан тўплаш анча қийин. Закот ўлканинг ҳамма жойида амал қилмагани ва жойларда савдо микдори тўлиқ қайд этилмаганидан савдогарга карвон орқали келтирилган моллари учун закот тилхати ўша моллари кўрсатилган сармояни йил давомида бир неча бор айлантириш, савдосининг тўлиқ ҳажмини эса кўрсатмаслик эҳтимоли бор.

Таъкидлаш ўринлики, рухсат берилган жойлардан ҳам тўлиқ маълумот берилмаяпти. 1872 йилда Сирдарё вилоятига бошқа жойлардан 13400000 рубллик импорт, бир вақтнинг ўзида 9185000 рубллик экспорт амалга оширилиб, жами 22585000 рублдан иборат бўлди. Албатта, унинг энг кам 10000000 рублини қозоқ дашти билан савдога чегириб ташласак, қолган 12585000 рубли хонликлар билан бўладиган хақиқий савдони ташкил этади. Аммо бунга Хива билан Каспийбўйи ўртасидаги тўғридан-тўғри савдонинг камлиги учун ва яна кейинроқ сўзлашим учун Кошғар ва Верний ўртасидаги савдо қўшилмаган.

Мазкур икки йўналишдаги максимал савдони ҳисобга олганда Ўрта Осиё билан ҳозирги савдо экспорт-импорти билан умумий қиймати қарийб ўн беш миллион рубль (2000000 фунт стерлинг).

1867 йилги чегара ташқи бож ҳисобларига кўра:

Тошкентта (Кўқон билан бирга)	5478000 рубль
Бухорога	4910000 рубль
Хивага	487000 рубль
Жами	10875000 рубль

Импорт эса қўйидагича бўлган:

Тошкентдан	868000 рубль
Бухородан	6215000 рубль
Хивадан	1421000 рубль
Жами	8504000 рубль

Шу тариқа умумий савдо 19379000 рубль (2650000 фунт стерлинг)ни ташкил этган. Шунинг учун Ўрта Осиё билан савдо 1867 йилдан бошлиб ўсишига қараганда, агар ўша йилдаги миқдор ошириб кўрсатилмаган бўлса, сусайгандай кўринади.

Бухоронинг Казала орқали савдоси 1868 йилнинг сентябридан 1869 йил сентябрига қадар 4193000 рубль, 1872 йилда импорт 8643 рублни ва экспорт 14000 рублни ташкил этган. 1869 йилги тижорат эса одатдагига кўра кўпроқ. Буни ўша йилги 114000 рубллик, 1870 йилдаги 36000 рубллик, 1871 йилги 33000 рубллик, 1872 йилги 24000 рубллик олинган закот миқдоридан ҳам кўриш мумкин.

Афтидан Казала билан савдо 1872 йилда 1869 йилга қараганда учдан бирини ташкил этиб, ярми дейиш учун эса 1872 йилда Бухоро билан умумий савдо экспорти ва импортини қўшиб ҳисобга олишимиз керакки, у 3000000 рублдан ошмади. 1869 йилда Бухоро билан жами савдо 11000000 рублдан ошди. Ушбу пасайишни Бухородан ажралган Зарафшон уезди савдосига қўшимча қилиб ёза олмаймиз. Зарафшон уезди Самарқандга тегишли экан, жами савдо 1872 йил учун бор-йўғи 2000000 рублни ташкил этди. Козок даштидаги нотинчлик ва пахта тижоратидаги инқироз Бухоро билан савдо-сотикка сезиларли таъсир кўрсатганидан, шубҳасиз, бу маълумотлар олинган статистика унчалик тўлиқ бўлмаса керак. Нима бўлганда ҳам натижа кўнгилдагидек эмас.

Кўкон савдоси учун статистик маълумотлар анча ижобий бўлиб, 1872 йилда мамлакатда 2189836 рубллик импорт ва 1273520 рубллик экспортни кўришимиз мумкин. Кўконнинг асосан кўп импорт қиласидаги молларига пахта ва ипак, камрок ҳажмдагисига ҳўл ва қуритилган мевалар ҳамда маҳаллий дағал ярим ипак ва ярим пахта материалар, маҳаллий кийим-кечаклар киради. Экспорти асосан Россия газмоллари, йигирилган пахта иплар, кийим-кечак, белбоғ сифатида ишлатиладиган рус шолрўмоллари ва қийик рўмолларидан иборат.

Хива билан ҳозирги савдо учун асосий статистика Казалада олинади. 1868 йилнинг сентябридан 1869 йилнинг сентябрига қадар Россиядан Хивага 112045 рубллик экспорт ҳамда Хивадан эса 294887 рубллик импорт қилинган. Хивага экспорт ўша йили қиши ойлари – январдан апрелгача тамоман чекланниб қолди. Хива савдосининг асосийси Казала орқали ўтса-да, унинг камрок қисми эса Каспийбўйи даштларида кечади.

Импортдаги муҳим моллар ичида энг кўпини пахта ва ипак ташкил этиб, Оренбург ва Сибирь божхона йўналиши бўйлаб 1863 йилда 2933248 рубль миқдордаги пахта импорт қилинган. 1864 йилда 6583299 рубллик, 1865 йилда 3394267 рубль, 1866 йилда 4326145 рубль, 1867 йилда 5513422 рубллик пахта жўнатилган бўлиб, уларнинг барчаси турган гапки, Тошкент, Кўкон, Бухоро ва Хивадан келтирилган. 1872 йилда Кўкондан Тошкент орқали транзит 208568 рубль миқдоридаги пахта импорт этилган. Тошкентдан эса Россиянинг бошқа қисмлари ва Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларига 1953860 рубль қийматидаги пахта жўнатилган. 1872 йилда Тошкент, Қурама уезди ва Самарқанддан атиги 785089 рубллик экспорт амалга оширилди. 1869 йилда Казаладан 1943860 рубллик, Хивадан эса 60002 рубллик пахта импорт қилинди. Мабодо Тошкентдан экспорт қилинган пахта ҳажмини оладиган бўлсак, 1872 йил давомида Россия тарафга жами бўлиб, бор-йўғи 3606356 рубль (500000 фунт стерлинг) келтирилганини ҳамда аввалги йилларга қараганда сезиларли равишда пасайиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Ўлка Россия томонидан истило этилгандан сўнг ипак савдосида ўсиш бошланиб, яхшигина сотилмоқда. 1867 йилда 75643 рубль, 1869 йилда 1181967 рубль миқдоридаги ипак сотилди. 1872 йилда Тошкент орқали транзит 200360

рубллик ипак экспорт қилинди. 1871 йилда Тошкентдан Россияга 471188 рубль миқдордаги ипак жүнатылды. 1872 йилда эса Тошкент, Казала ва Хўжанддан 762468 рубллик ипак сотилди. 1869 йилда Казаладан ипак импорти 1095667 рублни ташкил этди. Хивадан эса 86300 рубль. Адолатсизлии бўлмасин учун энг йирик кўрсаткични оладиган бўлсак, 1872 йилда Бухородаи импорт қилинган ипак 1869 йилдагига қараганда қарийб бир хил бўлиб, жами 2134795 рубллик (300000 фунт стерлинг) ипак савдосини кўришимиз мумкин.

Россияга жўнатыладиган ипакнинг ярми тўлиқ Бухородан, тахминан қолган ярми эса Кўкондан, озгина қисми эса Россиянинг мустамлака вилоятларидан келтирилади. Шу тариқа 1871 йилда Кўкондан Тошкентга 929537 рубль қийматидаги, Сирдарё вилояти шаҳарларидан эса бор-йўғи 70523 рубль ҳажмида ипак олиб кирилди. От ёлларининг савдоси 1872 йилда атиги 10113 рублни ташкил этиб, бу кўрсаткич аста-секин ўсиши мумкин.

Россиядан Ўрта Осиёга жўнатилаётган моллар ичида асосийси – чит ва паҳтадан тайёрланган маҳсулотлар. Шу каби маҳсулотлар 1869 йилда Россиядан Тошкентга 3857207 рубллик, Бухорога 2810060 рубль ва Хивага эса 284522 рубль, жами 6951789 рубль (952000 фунт стерлинг) қийматида келтирилган. Уларнинг Тошкентга юборилгани эса 1872 йилда 4470723 рублни, Бухорога 1054717 рублни, 1869 йилда Кўконга жўнатилгани эса 240630 рублни, шу йили Хивага юборилгани 55829 рублни, жами умумий қиймати 5821902 рубль (800000 фунт стерлинг)ни ташкил этган. Бозор қарийб руслар учун ҳимояланган бўлишига қарамай, ушбу рақамлар Ўрта Осиё савдосидаги тушкунликни кўрсатади. Озгина инглиз моллари Бухородан ҳам узокларга келтирилмоқда. Чой ҳам кўп миқдорда келтирилади. 1872 йилда Туркистонга 1048508 рубль миқдордаги чой импорт этилиб, унинг камроқ қисми (такминан 100000 рубли) Хитойдан Сибирь орқали, қолгали эса Москвадан олиб келинган. 1868 йилнинг иккинчи ярми, бутун 1869 йил, 1870 йилнинг иккинчичи ярмида 635275 фунт миқдордаги чой импорти амалга оширилди. Унинг 174722 фунти Кўконга жўнатилгаи бўлса, ундан 18533 фунти сотувга яроқсизлиги учун мамлакатдан қайтиб олиб кетилди. Кўконга 1871 йилда 141597 фунт, 1872 йилда эса атиги 21970 рубль ҳажмдаги чой келтирилган. Бухоро орқали Хиндиистондан

кўп миқдорда кўк чой келтирилгани боис, умуман олганда хонликлар билан чой савдоси авж олмаган.

Туркистон орқали уни олиб ўтиш тақиқланганига қарамай Кўқонда истеъмол қилинадиган чойнинг кўпи Самарқандга Россия тобелигидаги яқин худуд орқали ўтганидан, уни «ўгриларнинг йўли» деб аташади. Мамлакатда яна кўплаб яширинча келтирилган чой ҳам сотилади. Мисол учун, Зарафшон уездидан руслардан бошқа бирорта ҳам Россия чойини сотиб олмаса-да, 1872 йилда Бухородаи божхона орқали (бошда тақиқ бўлмай, кейинроқ ушбу худудда амалга киритилган) импорт этилган 11900 фунт чой 200000 дан кўпроқ аҳоли учун йилига ярим фунтдан ҳам камроқни ташкил этади. Ҳозирда чой энг хушхўр ичимлик бўлиб, унинг истеъмоли киши бошига ойда қарийб ярим фунтга тўғри келади. 500000 фунт чойнинг ҳаммаси яширинча келтирилган. 1872 йилда шакар импорти бор-йўғи 171700 рублни ташкил этган, холос.

Кошғардан олинадиган савдо-сотик ҳажми анча орттириб кўрсатилгани ҳақида маълумот бор. Ҳолбуки, мамлакат камбағал, аҳолиси ночор. Четдан келтирилган маҳсулотларга талаб кам, фойдага экспорт қиласидиган маҳаллий моллари деярли йўқ. Экспортдаги асосий мол – *даба* маҳаллий пахтадан тайёрланган дағал мато бўлиб, қозоқлар уни қўй бериб сотиб олишади. Дабанинг бир бўлаги битта қўй қийматида.

Қўй нархи 3 рубль, даба эса 40–50 копейк. Кошғар юк ташишдан фойда кўради. Россия билан савдо-сотик йўли асосан Вернийдан Тўқмоқ орқали Норин ва Кошғаргача, шунингдек, озроқ савдо Оқсу ва Коракўл йўли ҳамда Кўқон орқали амалга оширилади. Бу йўл оша ўтувчи савдога оид статистик материаллар Норин истеҳком қалъаси (форти)да сақланади. 1868 йилнинг декабрида ва бутун 1869 йил давомида Кошғарнинг Норин истеҳком қалъаси орқали Россия билан савдо импорт-экспорти биргаликда 274665 рубль (37628 фунт стерлинг)ни ташкил этган.

1870 йилда Кошғардан 184182 рубллик импорт, мамлакатдан эса 39843 рубллик экспорт, жами 224025 рубль (30688 фунт стерлинг) мол айирбошланган. 1871 йилда Кошғардан 473338 рубллик мол импорт қилиниб, Кошғарга эса 140372 рубллик экспорт моллари киритилиб, жами 604710 рубль (82837 фунт стерлинг)ни ташкил этган. 1872 йилнинг 1 майига қадар Кошғардан 50539 рубллик мол импорт қилиниб, 53564

рубллик экспорт мол киритилган ҳамда ҳаммаси биргаликда 104103 рубль (14260 фунт стерлинг)дан иборат бўлган. Бу рақамлар оз бўлиб, чунки савдонинг энг кўни йилнинг сўнгги ойларига тўғри келади.

Россиянинг Кошвардаги әлчиҳонаси савдо агенти жаноб Колесников (1872 йил) 1871 йил 1 июнидан 1872 йилнинг 1 майига қадар Кошвардан Россияга Кўқон орқали ҳам жўнатилганини қўшиб, жами 1100000 рубль (150685 фунт стерлинг) экспорт қилинганини ҳисоблаган. Чоп этилган ҳисботларга кўра, 1874 йил давомида Кошвардан Норин довони орқали қиймати 324000 рубллик 721729 бўлак дабани қўшганда 1662000 фунтлик мол импорт қилинган. Ўша йил давомида Кошварга 1678000 фунт мол экспорт қилиниб, ҳар бири З рубллик жами 256000 рубль қийматидаги 85382 та кўй келтирилган. 1875 йилнинг 22 июнига қадар 396000 рубллик 881560 бўлак дабани ҳисоблагандан импорт 1111000 фунтни ташкил этган. Экспорт эса 402000 фунтлик молдан ва 162000 рубллик 54049 та кўйдан иборат бўлган.

Дунёнинг бошқа қисми, сув йўлларидан жуда узокда бўлган, қуруқлик йўлларигина мавжуд мамлакат учун савдо йўллари масаласи ва юкларни ташиш муҳим аҳамият касб этади. Ўрта Осиёда махсулотлар асосан юк аравалари ва ўлканинг икки фиддиракли араваларида ташилади. Кейинги восита (икки фиддиракли аравалар – З. С.) жанубда, қўшни шаҳарлар, мисол учун Бухоро ва Самарқанд ёхуд Хўжанд ва Тошкент ўртасида қўлланилиб, узокроқ йўлларда эса туялар билан юк ташиш заруриятга айланган. Руслар истилосидан сўнг аравалардан фойдаланиш, юриладиган йўлларни таъмирлаш аҳамиятли даражада ўси.

Араваларни отларга қўшиш усули анча қийин бўлиб, араванинг максимал оғирлиги 2 та түя юки ёки 32 пуд, аммо одатда бир ярим түя юки ёки 24 пуд (864 фунт)ни ташкил этади. Отнинг вазни 8 пуд (288 фунт), эшакники унинг ярмини ташкил этади. Бу ҳайвонлардан кўпинча тоғ-тошли йўлларда, мустаҳкам туёқлар зарурлигидан, масалан, Тошкентдан Кўқонга қадар тоғлар оша қисқа йўлда фойдаланилади.

Энг кўп оммалашган ва фойдали ташув-транспорт воситаси совук об-хаводан ташқари ҳар қандай йўлда юриб, йўлида ўзининг озуқасини топа оладиган, отга қараганда унча кўп қаров талаб қилмайдиган түя саналиб, 16 пуд (576 фунт)

юкни ташийди. Унинг юриши отникига қараганда икки баравар секин. Туяning ярим юкини таший олса ҳам, от қисқа йўналишларда фойдаланиш бўйича устун. Туя чўккалай олгани боис, юк ташувчиларга юкларни ортиш ва туширишда кўпроқ ёрдамчи куч талаб қилмайди.

... Туяларни араваларга кўшиб фойдаланишга ҳам уриниб кўришди. Бу йўл билан у 50 дан 60 пуд (1800 дан 2100 фунт)гача юкни таший олиши мумкин.

Бухородан Казала орқали Оренбургга қадар асосий савдо йўли танланган йўналишга қараб ўзгариб, бевосита сахро ёки Орск орқали ўтиб, узунлиги 1060 дан 1160 милгача, 47 кунлик йўлдир. Карвонлар Казалада Сирдарёдан ёки бироз юқорида Россия паромларида ёхуд қозоқлар ясаган солли кўприклардан ўтишади. Юкларни ташиш баҳоси эскидан ҳар бир тая учун ўн иккидан ўн беш рублгача, холос. Бироқ нархларнинг ошиши туфайли йигирма бир рублдан кам эмас. Бухоро карвонлари баъзида, аммо сўнгти йилларда тез-тез, тахминан 1000 мил узоқликдаги, 52 кунлик манзил – Троицка қатнашмоқда. Бу йўлда қозоқларнинг мусофиirlари дуч келиб, улардан туяларни ёллаш эвазига юкларни ташиш Оренбургга қараганда ярим баравар кам. Бухородан Самарқандгача масофа 150 милни ташкил этиб, ундан кўплар фойдаланади, аммо ҳаммаси бўлиб 340 миллик йўлдаги савдонинг деярли камгина қисми ундан кейинги манзил – Тошкентга боради. Сибирь билан бўладиган озрок савдо-сотик Бухородан бошқа бир йўл орқали бориб, Туркистон яқинида Сирдарёдан кечади. Москвадан Бухорогача бир пуд молнинг умумий баҳоси 2,75 рубль (7 шиллинг 1 пенс) ёки ҳар фунти  $2\frac{1}{3}$  пенс.

Кўкон савдоси учун Тошкентдан иккита йўналиш бўйича йўл бўлиб, бири аввал айтганимдек, тўғридан-тўғри Телаутоглари оша, 140 мил, беш ёки олти кунлик. Бошқаси араваларда ўтиши мумкин бўлган Хўжанд йўли бўлиб, 200 милдан зиёд. Саккиз-ўн кунни талаб қиласди.

Эскидан қарийб барча карвонлар Тошкентдаги Петрапавловск<sup>1</sup> ва Троицка борган. Уларнинг кўпчилиги ҳозирда тўғридан-тўғри Оренбургга асосий почта йўли бўйлаб 1300 милни 60 кунда босиб ўтади. Тошкентдан Оренбургга

<sup>1</sup> Петрапавловск – Қозористоннинг шимолида, Фарбий Сибирь текислигининг жануби-ғарбида жойлашган ва Россия билан чегарадош шахар.

ҳар бир түя юк учун 14 дан 25 рублгача ёки ҳар пуд учун 90 копейкдан 1,69 рублгача, қайтиш эса қимматроқ. Тошкентдан Петропавловскка қадар йўл Чимкент орқали ўтга, Коратовнинг шимолий ёнбагирлари чегараларидан Сўзоска, сўнгра тўғридан-тўғри Бекпакдала дашти орқали Ақмола<sup>1</sup> ва Петропавловскка боради. Тахминан 1200 мил. Мазкур йўлда почта алоқасини йўлга кўйиш бўйича таклифлар бўлган. Юк ташиш баҳоси ҳозирда бир пуд учун 90 копейкдан 2 рублгача ёки ҳар бир тұядаги юкка 14 дан 32 рублгача тўланади. Троицқдан Тошкентгача йўналиш 39 кунни талаб қилиб, 1200 милгача тахмин қилинади. Юк ташиш битта тұяды 11 дан 17 рублгача ёки ҳар пуд учун 20 копейкдан 1,30 рублгача.

Кошғар савдоси кўпинча Норин орқали Тўқмоқ ва Вернийга, маълум қисми Терек довони оша Кўқондан ўтади. Кошғардан Кўқонга қадар карвонлар 12 кундан 20 кунгача 300 милни босиб ўтади.

Хива билан савдо унинг ривожланган даврида уч йўл орқали: Оренбургдан Казала ва Иркибайдан Хивага қадар 54 ёки 55 кунлик саёҳат 1140 дан 1230 мил ёки Оренбургдан Эмба почта йўли орқали Орол денгизининг ғарбий соҳили чеккаларидан 43 кунда 880 мил ёки Каспийдан Манғишлиқ орқали Устюрт бўйлаб тўғридан-тўғри машаққатли сувсиз йўл. 1855 йилдан бери бу йўлдан деярли фойдаланилмайди. Оренбургдан Хивага юк ташиш ҳақи битта тұя учун 16 рубль ёки ҳар пуд учун 1 рублни ташкил этади.

Хива билан савдо-сотиқнинг имкониятларидан чуқур таас-суротга эга кўринган полковник Глуховский<sup>2</sup> Хива экспедициясидан буён бор ғайратини Каспийбўйидаги Красноводскдан Хивага қадар мунтазам савдо-сотиқни йўлга кўйиш ва карвон йўлига асос солишга багишлади. Унинг карвонларидан бири 1875 йилнинг ёзи давомида Красноводскдан қисқа йўл билан ўн етти ғунда Хивага етди, аммо бу саёҳатнинг иккинчи ёки учинчи кунидагина қудуқлар бўлиб, унчалик афзал йўналиш эмас. Мақбул вазиятдан фойдаланиб, у ҳар 125 пуд мол учун ўн рубль юк пули тўлади. Шунингдек, Красноводскка қайтишда ҳам карвон ўн етти кун йўл босди. 1875 йилнинг кузида полковник Глуховскийнинг бошқа карвонлари туркманлар томонидан талон-тарож қилинди.

<sup>1</sup> Ақмола – Қозогистоннинг ҳозирги пойтахти Астана шаҳрининг эки номи.

<sup>2</sup> Глуховский (Глуховской) Александр Иванович (1838–1912) – рус генерали, Туркестонни истило этиш ҳаракатларининг иштирокчиси.

Хивадан Бухорога одатдаги йўналиш бўйича Амударёда қайиқларга тушиб Устуккача, ундан сўнг туяларга юкларни ортган ҳолда Коракўл орқали Бухорогача қарийб 350 мил ёки 17 кунча юрилади. Амударё оқими шунчалик кучлики, қайтишда саёҳат анча қисқа кечади.

Бухородан Балхга қадар бўлган йўл Қарши орқали, қарийб 300 милни ташкил этиб, 13 кун керак бўлади. Кобулгача эса яна 350 мил кўпроқ ва яна қўшимча 13 кун керак бўлади. Алалхусус, карвонлар Балхга кирмасдан, Хулум<sup>1</sup> орқали тўғридан-тўғри Кобулга ўтса, саёҳат 20 кунча бўлиши мумкин. Хулумдан Бухорога қадар юкларни ташиш тужда 12 пуд (432 фунт)лиги 25 дан 30 тангагача ва яна тужда 16 пуд (576 фунт) юк 50 дан 60 тангагача. Айни пайтда Бухородан Хулумгача анча қимматроқ. Хулумдан Кобулгача юк ташиш баҳоси тужда 12 пудлик юк 25 дан 40 рупияни ташкил этади. Кобулдан Пешоварга карвон 12 кунлик йўл юриб, юк ташиш баҳоси тужда 12 пудлик юк 15 дан 20 рупияни ташкил этади.

Бухородан Пешоварга қадар тужда 432 фунтлик юк ташишнинг умумий баҳоси 34 – 49 рублни ташкил этиб, бунга бож ва транзит харажатлари ёхуд Кобул амирининг улкан микдорда ундириб оладиган пули қўшилмаган. Москвадан Бухорогача ҳам қарийб шунинг ўзи.

Бухородан Маймана орқали Ҳиротгача йўл 600 милни ташкил этиб, 25 кунлик. Туяларда юк ташиш қарийб 36 Бухоро тангасини ташкил этади. Бухородан Марвгача 11 кунлик, Машҳадгача эса яна 10 кун қўшимча юрилади. Бутун йўналишда ҳар бир туждаги юк учун 3 Бухоро тилласини олишади.

Петропавловск орқали ўтувчи Ўрта Осиё савдоси Екатеринбург ва Пермга, ундан Кама қуйисидаги Нижний Новгородга; тўғридан-тўғри Троицк орқали эса ўша йўналиш ёки Урал бўйлаб Уфага, у ердан эса Нижнийга боради. Оренбургга борувчи карвонлар ўша ердаги манзилда тўхтаб, молларни араваларга жойлаб, Волгабўйидан Самарага жўнайди. Самара ва Оренбург ўртасида қурилаётган темир йўл тармоғи улкан қулайликлар яратади. Каспий бўйидаги Красноводск Астрахани боғлаб, у ердан эса Нижний билан яккам-дуккам пароходлар орқали боғланади.

<sup>1</sup> Хулум – Шимолий Афғонистондаги шаҳар. Бу ерда XVIII – XIX асрларда ўзбекларнинг Хулум хонлиги мавжуд бўлган.

... Шунинг учун темир йўл қуриш тояси муҳокама этилган эди. Тошкентга темир йўл ўтказишининг мақсадга мувофиқлиги бўйича вазифа 1873 йилда ўша пайтда Семипалатинскда расмий пенсиясига икки ёки уч йил фаол хизмати етмаган амалдор, генерал Безносиковга<sup>1</sup> топширилган. У кенг қамровли ҳисобот тайёрлаб, мен кўрган унинг маълумотномасида амалга ошириш усулларига ва Семипалатинскда менга айтганларидан, унинг ҳисобот ва лойиҳаларига унчалик ишонч билдирамадим.

Холбуки М. де Лессепснинг<sup>2</sup> 1873 йил 1 майда генерал Игнатьевга ёзган хатига қадар Ўрта Осиёда темир йўл қурилишига оид бирорта каттароқ тояси топилмади. М. де Лессепс Каледан<sup>3</sup> Калькуттагача<sup>4</sup> Оренбург йўли орқали 7370 мил эканлигига эътибор қаратиб ҳамда бир томондан Оренбург, иккинчи томондан Пешоварга жами 5100 мил бўлишини, бу йўналишни тугаллаш учун ярим йўлни, аникрои 2270 милдан Оренбургдан Самарқандгача бўлган 1470 милини Россия, Самарқанддан Пешоваргача қолган 800 милини Англия қуриши лозим эди. Дастребки ҳисоб-китобларга кўра, М. де Лессепс бу йўлни қуриш учун икки йил ҳамда уч миллион франк кераклигини ва бу маблағ ҳиссадорлик ҳисобидан қопланиши ва ҳиссадорларнинг «Grand Central Asiatic Railway Society» («Катта Марказий Осиё темир йўл жамияти») таъсис этиш орқали амалга ошишини мўлжаллаган эди. М. де Лессепс лорд Гранвилга ёзган сўнгги мактубида ўз режасининг устунлигини атрофлича баён қилиб, ўзининг ўвли ва яна бошқа бир муҳандисни дастребки тадқиқотлар учун Хиндистонга жўнатишни кўзлаётганини таъкидлаган эди.

1874 йил 5–17 апрелдаги «Санкт-Петербург биржа ахборотномаси»га кўра, бу тояси М. де Лессепсга эмас, балки М. Котард ва М. Яницкийга тегишли бўлиб, рус муҳандиси М. Яницкий Сувайш каналининг бош лойиҳачиларидан бири М. Лавалетнинг издоши эди. Турли жамиятлар Осиё савдо йўллари билан ўзаро банд бўлганларида бу жаноблар

<sup>1</sup> Безносиков Константин Степанович (1813–1876) – Иркутск ва Енисей генерал-губернатори В.Я. Руперт хузурида алоҳида топшириклар бўйича зобит бўлган. Ксийпроқ генерал-майор. Туркестондаги темир йўлларни тадқиқ этган.

<sup>2</sup> Лессепс М. де Фердинанд (1805–1894) – француз дипломати. Сувайш канали курилишига раҳбарлик қилган (1859–1869).

<sup>3</sup> Кале – Па-де-Кале бўғозидаги порт шаҳар (Франция).

<sup>4</sup> Калькутта (2001 йилдан расмий номи Колката) – Хиндистон шарқидаги шаҳар.

Санкт-Петербургда бўлиб, ўз ғояларига буткул шўнгига кетишган ва бу бўйича улардан статистикани олиб туришарди. Балки шунинг учундир, М. де Лессепснинг мактубигача Ўрта Осиё темир йўлининг ғояси бўйича Россия жамоатчилигидан хеч қандай кучли ғоя чиқмади. Дарҳол кўплаб лойихалар илгари сурилиб, улардан баъзилари ҳатто М. де Лессепснинг таклифидан ҳам дуруст эмас эди: жаноб Богданович масалан, Волга дарёси бўйидаги Саратовдан Урал этагидаги Гурьевга, ундан сўнг Устюрт орқали Хива, Бухоро ва Самарқандгача темир йўл қуришни, бу ердан битта тармогини Тошкент, бошқасини эса Пешоваргача чўзишни жиддий таклиф қилди.

Пировардида М. де Лессепснинг Тошкент, Самарқанд, Кобул ва Пешоварга темир йўл ўтказиш ҳақидаги таклифи ўрнига Тошкентдан Кўкон ва Кошғаргача, ундан сўнг Коракурум оша Ладаккача бўлган шарқий йўналиш таклиф қилиндики, бу ҳозиргача бунёд этилган ҳар қандай темир йўлдан ҳам кўпроқ муҳандислик малакани талаб қиласди.

Россия ва Англия ҳукуматининг Осиё масаласида қарашларидаги келишмовчилик ҳамда Ҳиндистонга темир йўл ўтадиган бир неча мамлакатларнинг хусусиятли географик жиҳатлари ва сиёсий ахволи мазкур темир йўлни қуришга узок вақт тўсқинлик қилиб келган Ҳиндистонга алоқадор бўлганидан, бу масала ўз ечимини топмаган бўлса керак. Ҳозиргача Ўрта Осиёга тўғридан-тўғри темир йўл ўтказиш лойихалари Россия ҳукумати томонидан у қадар қўллаб-қувватланмади. Гарчанд Тошкентдаги расмийлар уларга жиддий қарашган бўлса-да, М. де Лессепснинг императорга ёзган хати бўйича вазирликнинг маҳсус кенгашида лойиха рад этилди.

Бундан ташқари, мамлакатнинг темир йўл ўтадиган каттагина қисми ҳозиргача ўзлаштирилмаган, мустамлака учун ҳаддан ташқари яроқсиз. Шубҳам йўқки, агар ҳукумат ҳарбий жиҳатдан уни зарур деб билса, темир йўл қурилади, аввал айтганимдек, Ўрта Осиё савдо масаласида ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда бир йилда уч ярим миллион фунт стерлингни ташкил этиши ҳақидаги миқдор ҳам қайсиdir маънода бу каби темир йўлни қуришга қайтиб умид қилишни кўрсатиб турибди. Агар Тошкент қачондир Россия билан темир йўл орқали боғланса, бу ҳар ҳолда эртами-кечми Сибирь темир йўл тармогининг молиявий маблағи ҳисобига қурилади.

## **САМАРҚАНД**

*Мулла – Чиноз – Мирзачўл – Асафетида –  
Мирза Работ – Жиззах – Темур дарвозаси –  
Қоятош ёзувлари – Чўпонота – Самарқанд манзараси –  
Хофизлар – Қадимги тарихи –  
Юнон-Бактрия сулоласи – Хитой сайёхлари –  
Клавихо – Бобурнинг таърифи – Россия истилоси –  
Шоҳизинда масжиди – Бибихоним – Шердор –  
Темур мақбараси – Кўктош – Хожа Аҳрор –  
Усмон Курбони – Бозорлар – Дарвешлар –  
Яҳудийлар – Афғонистон амири Абдураҳмон –  
Рус авантюристлари – Россия аскарлари –  
Рус маъмурияти*

Майнинг ажойиб оқшомларидан бирида тилмочим Мулла Хайрулла билан Самарқандга жўнадик. Шаҳардан (Тошкентдан – З. С.) олиб чиқувчи ва баланд пахса деворли кўплаб боғларнинг орасидаги тузук йўлни тезда ўтиб, қўққисдан генерал-губернаторнинг худди шаҳардаги уйидек яхши жиҳозланган чорбоғига ўтиб бордик. Сўнгра талай боғлар ва очиқ далалардан кечиб, Ниёзбоши бекатига етиб келганимизда кеч кириб ултурган эди.

Мулла Хайрулла Россиянинг қозонлик татарларидан бўлиб, у ердаги мадрасада таълим олган, омадини излаб Тошкентдаги қариндошлари орқали бу ерга келиб қолган, менинг дўстим Олим ҳожи Юнусовнинг жияни эди. У божхонага таржимон ва ёрдамчи бўлиб ишга кирган, аммо у ерда кўрган пораҳўрликка тоқат қилмаганидан хизматини тарқ этиб, якшанба бозорида кичикроқ дўкон олиб, чит ва газлама сотарди. Ундан тўлиқ қаноат қилмаганиданми ёки форс ва араб, шунингдек, рус, татар, қозоқ тилини билганиданми, адабиётнинг «таъм»ини билишга иштиёқи баланд, лотин тилини такрорлаб юрганидан менга ҳатто

Гораций<sup>1</sup> қасидасининг ярмини таржима қилиб берган эди. Университетда ўқимаганидан чексиз афсус чекар, бўш вақтларида Куръон, диний ва хукукий китобларни мутолаа қилас, расмийлар томонидан энг заарсиз саналган ва сиёсий ғоялардан буткул холи бўлгани боис, маҳаллий аҳолига ўқишни такомиллаштириш учун тақдим этиш мумкин бўлган «Минг бир кеча»ни «Туркистон вилоятининг газети»га илова учун таржима қиласди. Мулла Хайрулла жуда дилкаш шерик бўлиб, аввал Самарқандда бўлмаган, ҳолбуки мамлакат ва унинг турли жойларининг турмуш тарзини яхши биларди. Кейинроқ Самарқандда менга таржимон унчалик зарур эмаслиги ва усиз ҳам етарлича яхши юрганимни ҳис қилдим.

Чирчик дарёси ёқалаб балацд жойлардаги йўл жуда ёмон, тупроқли ер чант билан тўла тешиклар хосил қилган эди. Ёқимли ва хушманзара, баъзан жуда кўхна жойларига қарамасдан Эски Тошкент нишоналарини ортда қолдириб, эрталаб соат бешда Сирдарё бўйидаги Чинозга етиб келдик. Бу ерда бир неча уйдан иборат рус қишлоғи яқинидаги йирик форт дарёдан ўтувчи паромни қўриқлар, маҳаллий шаҳар бир неча мил узоқда эди.

Сирдарёда пароход қатновининг энг бошида турган аҳамиятига кўра, Чиноз истилонинг ilk босқичида руслар томонидан муҳим жой сифатида мўлжал қилинган эди. Аммо Орол флотилиясининг пароходлари бу ерга мунтазам келмас, ҳар қандай шахсий компанияларнинг бу ердан йўлга чиққан кемаларини эсанкиратиб қўйганидан дарёдаги кемалар қатнови шу қадар ёмон, келгусида Чинознинг улкан тижорат аҳамиятга моликлигига ҳали эрта, ҳанузгача кичик казак манзилгоҳи бўлиб қолмоқда.

... Дарёдан қарийб Жиззахгача (бу ном қалит маъносини билдириб, Дизах деб ҳам ёзилади. Мен одатдаги талаффузини беряпман) саксон мил узоқликда қуруқ чўл ястанган бўлиб, руслар «Голодная» ёки «Мирзачўл» деб аташиб, гарчи бир-икки жойида шўр ҳамда ёқимсиз сувли қудук ва цистерналар бўлса-да, ҳозирда қуруқ ва унумсиз ер. Дарё яқинида

<sup>1</sup> Гораций – мил. авв. 65 – милодий 8 йилларда яшаб ўтган қадимги Рим шоири. Рим адабиётининг «олтин асли» вакили. Унинг ижоди Республика даврининг сўнгидаги фуқаролар уруши ва Октавиан Август янти режимининг дастлабки ўн йилликларига тўғри келади.

эски канал ва ариқларнинг излари бўлиб, қачонлардир энг камида бу ерларга ишлов берилгани ва чўлнинг тоғлар яқинидаги қисмларида аҳоли истиқомат қилиб, меҳнат қилганилиги, кичик тоғ дараси орқали Зарафшон дарёсидан канал келтирилганлигини билдиради. Дарё кенглиги бу ерда тахминан учдан икки милча келиб, мен лойка сарғиш сувдаги дарёнинг тез оқимиға гувоҳ бўлдим. 1222 йилда Чингизхон қароргоҳига саёҳати ана шу минтақа орқали кечган Хитой сайёҳи Чан Чунь маълумотидан ишлов берилган зироаткор туманлар эҳтимол доимо камлигини билишимиз мумкин. Унинг гуруҳига тақир, даштли бу ерларни кесиб ўтиш жуда мashaққат ва иоқулай бўлганини ёзди. Сюань Цзан эса ундан олти юз йил муқаддам (629 – 645 йиллар) ўз эсадаликларида шундай ёзди: «На сув, на гиёҳ топиладиган улкан кумли чўлга кирдик».

Аслида эса, ривоятга қараганда, йўл бўйлаб Абдуллахон томонидан (1597 йил) бекатлар ва *сардобалар*<sup>1</sup> бунёд этилган бу йўл одамлар яшамаган туманда ястаниб ётмаганлигидан намоёндир.

Сирдарё яқинидаги каналлар ҳар ҳолда сувни шу дарёдан тортиб олишган ва хозиргacha баъзан қозоқлар шундай қилмоқда. Тошкентда бу саҳрони сув билан таъминлаш бўйича бир лойиха бўлиб, унга кўра Хўжанд тепарори, Сирдарёдан йирик канал қазиш орқали амалга ошириш кўзда тутилган ҳамда мухандислар бу жойни ўрганиб чиқиб, Сирдарё бир верстда қарийб фут оқишидан маъқул деб топишган. Ҳалигача бу канални бунёд этиш бўйича чукур тадқиқот қилинмаган ва қўплар эса бунинг мумкин эмаслиги, тадқиқ этишдан аввал сарфланган пулларни оддийгина кўкка совуришидир, деб таъкидлашмоқда. Ҳолбуки канал бўйича ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

... Энг хусусиятли ўсимлик асафетида бўлиб, бу ерда анча сероб ўсади. Япроқлари ерга тушиб нобуд бўлса-да,

<sup>1</sup> Сардоба (форс-тоҷикча – совук сув) – сув танқис худудларда уни тўйлаш ва сақлаш учун маҳсус қурилган гумбазли ҳовуз. Ўрта Осиё ва Шарқдаги бир неча мамлакатларда қурилган сардобаларнинг девори цилиндр шаклида, чуқурлиги 12–13 м, ҳовуз юзаси (10–15 м) ер сатҳи билан бир текис бўлган. Сардоба гумбази сифатли пишиқ ғишт ва ганчдан ишланган, тепаси туйнукли, атрофларида ҳовузга сув тушадиган тешиклар қилинган. Кириш учун сардобаларга эшик ҳам ўрнатилган. Унинг атрофи сувни тоза сақлаш мақсадида девор билан ўралган.

аммо баланд айлана пояси бир фут ва ундан баландгача ўсисб, тепага қараб худди филдирек кегайлари сингари кенгайиб, кичкина бошчаларида кўримсизгина гуллари бўлади. Ўзига хос ҳиди анчайин сезиларли, менга айтишларича, тўлик очилтак йўқ бўлар ва ёш куртаклари ҳамда бошчалари қозоқларга таом учун анча тансиқ саналади. Мен уларни татиб кўрмадим.

Маликдан йигирма мил узоқликдаги эски карвонсаройларнинг харобалари Мирза Работ деб помланиб, сайёхлар учун бу йўлда кўплаб ишларни қилган машҳур Абдуллахон томонидан қурилганлиги тахмин қилинади. Бино йирик тўртбурчак фиштлардан қад кўтарган, марказий хона мавжуд бўлиб, у гумбаз билан қопланган ва теварагидаги кичик куббасимон хужраларнинг ҳар бири кичик гумбазларга эга. Аслида ўз даврида катта ва чиройли иморат бўлган, ҳозирда ташки деворлари вайрон бўлса-да, аммо кўнимгоҳ сифатида ҳали ҳам фойдаланиш мумкин. Бинодан почта бекатидан ташқари кичикроқ казак кўриқчилари ҳам жой олишган. Унинг қархисида *сардоба* ёки цистерна деб ном олган йирик ер ости сув иншооти ясси том билан ёпилиб, ер баравар равоқсимон деразалари мавжуд ҳамда пишган фиштдан қурилган. Бирваракайига кириш пастга томон чуқурликка йўналган, аммо фиштли зина аллақачон йўқ бўлиб кетган. Ҳозирда ичкариси бўм-бўш, шундай бўлса ҳам бир бурчида яхшигина шўрланган сув бор. Чўлнинг жазирама иссиридан сўнг унинг ичкариси кишини мафтун қиласиган даражада салқин эди.

Кейинги Оғочли бекатида ҳам аввалгига ўхшаш бинолар бўлиб, карвонсарой ўрнида дўнг ер ва фиштлари қолган, ер ости хоналари эса казакларнинг фойдаланиши учун қазилган. Кўп сув ичиш менга ёқмади. Чойи эса қуюқ, лойқа, аччик ва шўр. Отларимизга ҳам ёқмади, аммо казаклар уни кўнгилсиз оқибатларига қарамасдан ичишар экан. Даشتдаги қудуқлар тозаланиб ҳамда чуқурроқ қазилса, ер ости хилма-хил нарсаларнинг тартибсиз коришмаси ва шағалдан ташкил топганидан, эҳтимол кўп микдорда тоза ва сифатли сув чиқиши, бу билан атрофдаги ерларни сувориш мумкин. Худди шундай тажрибалар Тошкентда муваффақиятли натижга берган. Сувга тузлар тушишининг олдини олиш учун астайдил ихоталаш керак.

Жиззахга яқинлашганимизда унча катта бўлмаган, кейинроқ эса йириклиша борган тоғ тизмаларига кўзимиз тушди. Улар Юқори Зарафшон водийси билан чегарадон бўлиб, сўл томонга кенгайиб кетган. Ниҳоят чўлда кўпдан-кўп серхосил ерлар, дарахтлар ва далалар пайдо бўлиб, қаршимизда Жиззах деворлари ва уйлари кўринди. Кунботарга яқин эндиғина бўшай деб қолган бозорни айланиб ўтиб, тик бурилишдан қайрилдик-да, почта бекатида тўхтадик.

Жиззахнинг ўзи ҳозирда уичалик муҳим шаҳар эмас, бозори туфайли аҳамиятли, авваллари Бухоронинг чегара истеҳкоми сифатида стратегик аҳамият касб этган. 1866 йилда генерал Черняев унга томон юриш қилиб, бир ҳамлада эгаллаш ва шу тариқа Бухорода ҳисбсга олинган вакилларини озод этишга умид боғлаган эди. Бироқ қалъани у ўйлаганчалик осонликча эгаллай олмаганидан, Чинозга қайтган.

Ўша йилнинг кузида Ўратепа истило этилгач, Жиззах ҳам генерал Крижановский бошчилигидаги рус қўшинлари томонидан эгалланади. Бир неча минг одам қалъани тўлиқ саккиз ой мобайнида иложи борича мустаҳкамлаш учун ишлашган. Шаҳар атрофидаги девор баландлиги уч бараварга кўтарилиб, ташқаридан саккиз ярд баланд ва қалинлиги тўққиз ярдга оширилган. Хандақларининг чуқурлиги баъзи жойларда йигирма беш футга етган.

Унда кўплаб зирҳланган ҳарбий истеҳкомлар ясалган ва миноралар қурилган бўлиб, арки эса маҳаллий муҳандислик ривожининг энг юксак нуқтаси саналган. Бу ишлар ҳатто хужум бошланишидан бир неча дақиқа бурун ҳам давом эттирилиб, дарвозалар ўрни девор билан беркитилган. Кўмондон Оллоёрбек шаҳарни сақлаб қолишга ва агар удасидан \*чиқишина, ўлимга қарор қилган. Камида 10000 кишилик кўшин, 53 та тўп ҳамда амирнинг энг сара лашкаридан қолган қисм афғон, эроний ва туркманлардан иборат бўлиб, фақатгина одатий сойли милтиқ эмас, европача пилта милтиқ ва кўплаб тўппончалар билан қуролланишган эди.

Мудофаа яхши ташкил қилинган, маҳаллий аҳоли одатда узоқ масофага ўт очмай, русларнинг шаҳарга яқинлашишини кутишарди. Бир неча кунлик рекогносцировка<sup>1</sup> ва артилле-

<sup>1</sup> Бу ерда маълумот олиш учун командирнинг ўзи ўтказадиган ҳарбий рекогносцировка назарда тутилган.

рия жойлаштирилгандан сўнг, 28 октябрда шаҳарга ўт очи-либ, 30 октябрь чошгоҳда хужум бошлишга буйруқ берилди. Қалъа бир соатда руслар қўлига ўтди.

... Ўн саккизта бекдан ўн олтитаси – уларнинг орасида қўшин қўмондони Оллоёр ҳам бор эди – яккама-якка жангда курбон бўлиши. Қарийб 6000 кишилик қўшин ҳалок бўлиб, 2000 таси асир олинди. Руслардан 6 киши ўлдирилиб, 92 таси яраланди. Жиззах эгалланиши биланоқ рус лагерини мудофаа этиш учун қолдирилган отлик қўшин бухороликларнинг қўшинни мустаҳкамлаш учун жўнатилган 18 та тўпли 2000 кишилик қўшини томонидан хужумга учради.

Афсуски, қаршиликка учрашгач ҳамда шаҳарнинг тақдири бой берилганини билишгач, ортга чекиндилар. Ўша пайтда шаҳарнинг улкан қисми вайрон этилиб, Жиззах ўшандан бўён ўзининг аҳамиятини йўқотди.

... Жиззахдан элтувчи кичик тепаликлар ўртасидаги йўлнинг бир қисми тор дара Илонўтти дея маълум. Ўйлашимча, 100 ярдан кенгроқ. Махаллий аҳолининг айтишича, бунинг маъноси дарадан «ilon ўтди» дегани. Мир Иззатулла<sup>1</sup> эса, дарада кўплаб илонлар жойлашганидан шундай деб аталганигини унга айтишганини ёзган. Бу дара мўғул ва туркий ўрдалариға Зарафшон водийсига кириш учун хизмат қилиб, кўплаб қонли жангларнинг сахнаси бўлган. Улардан иккиси баланд, эхром шаклидаги кулранг кўкиш қоя, гарчи ёзуви ҳам, ривоят ҳам соҳибқирон ҳакида бўлмаса-да, Темур дарвозаси деб аталади.

Ўнгдаги қоя 400 фут баландликда, водийдаги мутлақ ёлғиз, юза қисми чуқур ўйилган, икки форсий ёзуви асосий

<sup>1</sup> Хиндистондаги инглиз колониясининг таникли вакили Вильям Муркрофт топшириғига кўра 1812 йилда Кўкон хонлиги, шунингдек, Марказий Осиёнинг қатор аҳоли масканлариға Мир Иззатулла саёҳат қиласи. Унинг саёҳати 1812 йил 20 апрелдан бошланиб, 1813 йил 16 декабргача, қарийб бир йилдан кўпроқ вақт давом этади. У Кўкон, Самарқанд ва Бухоро йўналишлари орқали ўтиб, ўз саёҳатномасини ҳам ёзиб қолдирган. Таникли олим Б.В. Лунин ушбу саёҳатнома ўлкага оид қимматли «тарихий-географик ва тарихий-этнографик маълумотлар беришини» кайд этган. Қаранг: История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI – первое половина XIX века / Составитель Б.В. Лунин. – Ташкент: «Фан», 1988. – С. 156. Мир Иззатулла ва унинг саёҳати ҳакида яна қаранг: Путешествие Мир Иззет Уллы в Кокандское ханство в 1812 году / Перевод и примечания Ю.А. Соколова // Научные труды САГУ. Вып. LXXVIII. Исторические науки. – Ташкент: Изд-во САГУ, 1956. – С. 41-52.

қоялардан қарийб 40 фут узокда. Мулла Хайрулла театр дурбини ёрдамида қоятош ёзувларини ўқиб, менга таржима килиб берди: «Аллоҳнинг ёрдами билан подшолар ва юртларни забт этувчи, у (Аллоҳ)нинг ердаги сояси, сунна ва диний қоидаларнинг хифзу химоячиси, ҳукмдор ва иймон кўмакчиси Буюк султон Улуғбек Кўрагон (Аллоҳ унинг бошқаруви ва ҳукмини бардавом этсин) мўғуллар мамлакатига юриш қилди ва у ердан бу мамлакатларга эсон-омон 828 йилда қайтди» (милодий 1425 йил). Улуғбек Темурнинг машхур набираларидан бири, таълимга ҳомийлиги, расадхонаси, Самарқандда асос солган мадрасаси ва ўзининг астрономик жадвали билан маълум.

Иккинчи ёзув Абдуллахоннинг бир ярим аср кейинги ғалабаларидан бирига бағишлиланган: «Саҳродан ўтувчилар ҳамда қуруқликда ва сувда саёҳат қилувчилар шуни билсиналарки, бу ерда 979 йил (милодий 1571 йил)да халифанинг аскари, Қудратли Яратганнинг сояси, буюк хоқон Абдуллахон Искандархон ўғлининг 30000 кишилик лашкари билан Бароқхоннинг Дарвешхон, Бобохон ва бошқа ўғиллари ўртасида тўқнашув бўлди. Бу қўшинда султоннинг 50 қариндоши ва Туркистон, Тошкент, Фарғона ва Даҳти Қипчоқдан келган 400000 жангчи бор эди. Подшонинг қўшини юлдузларнинг баҳтли қўшилиши туфайли юқорида номлари айтилган султонларни истило этиб, ғалаба қозонди. Сўнгра улардан кўпини ўлимга маҳкум этди. Жангда ва асир олиниб, ўлдирилганларнинг қони бир ой мобайнида дарё сувига қўшилиб, Жиззахга қараб оқди. Ана шу барчага маълум бўлсин».

Бу дарадан чиқиб, биз яна Даҳт бўйлаб йўлга чиқдик. Олдимизда эса узокдан Самарқанд жанубидаги қор билан қопланган тоғ чўққиларининг манзараси кўриниб турар, Янгиқўргон шахридан ўтиб, нихоят Тошкўприкка келдик. Бу ерда ҳам тепаликлар анча кўп экан. Кичикроқ сой устидаги кўприк иккита тик қирғоқни боғлаб турар, ёғочдан қурилган бўлиб, ҳозирда анча ёмон ахволда, таъмирталаб. Тепалик устидаги чоғроққина рус истеҳком қалъаси ўтиш жойини кўриқлади.

... Биз бу ердан Зарафшоннинг энг паст водийсига қараб эндиқ. Йўл доимий боғлар, далалар ичра ва кўплаб канал-

лар бўйлаб ўтарди. Жомбойнинг катта қишлоқ аҳли бозорни аллақачон тўлдирган эди. Бу ердан янги йўл ҳали битмаганидан, дала ичи бўйлаб бир тарафдаги йўлга тушиб олдик. Янги йўл Самарқанд туманини яхшилашга қаратилган бўлиб, келгусида бу лойли йўл тузатилган энг зўри бўлади. Йўл шағалли бўлиб, унинг ҳар тарафида икки қатор дараҳтлари бор.

Ниҳоят икки-учта шоҳобчалардан кечиб, Зарафшон («Олтин сочилиг») дарёсининг асосий оқимига етиб келдик. Юкорида сувни тақсимлаш ва Бухорога етарли даражада жўнатиш учун тўғон қурилган. Сувнинг сатҳи шунчалик кўтарилиган эдики, барча юкларимизни кечув жойининг қоровуллари ҳайдаб кетаётган баланд маҳаллий аравага ортишга мажбур бўлдик. Ўзимизнинг бўшаб қолган аравамизни эса шалаббо ҳолда сувдан тортиб чиқишиди.

... Сўл томонимизда қад кўтарган баланд Чўпонота деб номланган яланг тепалик юкорисида шу номли авлиёнинг қабри бўлиб, у чўпонлар, шунингдек, Самарқанд шахрининг ҳомийси саналади. Эски ривоятга кўра, аслида Мухаммад динини тарғиб этиш мақсадида саёҳат қилган араб миссионерлари шу тепаликда тўхтаб, кўй сўйиб, у қайнагач, ўзларининг кейинги саёҳатлари йўналишини қуръа ташлаб, ҳал этишга қарор қилишган. Бири қозонга қўлинни солиб, кўйнинг бошини тортиб чиқаради. Бу унга илк танлов ҳукуқини бериб, у Самарқандда қолишига аҳд қиласи. Бошқаси эса қўй юрагини чиқариб, Маккага қайтишни танлаган. Учинчиси орка чорагини олиб, Бағдодга кетиши хоҳишини билдиради. Ўшандан бери ҳозиргача Самарқанд Исломнинг боши, Макка эса юраги деб юритилади. Самарқандда қолган ўша кимса Чўпонота, яъни чўпонларнинг асосчиси деб ном олган. Бу Улубекнинг машҳур расадхонаси жойлашган тепаликда рўй бериб, унинг номи билан аталувчи астрономик жадвал аниқланган.

... Ниҳоят биз тепаликнинг асосий қисмини ортда қолдириб, йўлнинг энг юқори нуқтасига етгач, қаршимизда лойдан сувалган томлар, тепасига тож каби қўндирилган улкан мовий гумбазлар ва баланд минораларни кўриб, машҳур Самарқандга етиб келганимизни англалик. Торгина водийдаги уйлар ва боғлар оралаб тезгина одимлаганимиз

учунми, ажойиб манзара у қадар узок давом этмади. Кўп ўтмай ўйилган ва қатор ғор-унгурли, тупроқли тепаликка дуч келдик. Айтишларича, у ерда тақводор одамлар тарки дунёликда яшар экан. Йўлнинг чеккасида кичкина ариқ ям-яшил дала бўйлаб ўтиб, шаҳар девори остида кўздан фойиб бўларди. Ўнг томонимизда баланд миноралари ва гумбазлари билан Шоҳизинда масжиди, сўл томонимизда эса Бибихонимнинг улкан гумбази. Мозорлар ва вайрон бўлган фиштли сағаналарга тўла қабристондан ўтиб, Шоҳизинда дарвозасидан киргач, руслар шу дарвозадан қалъагача бунёд этган ажойиб йўлка ва соя-салқин дарахтли янги хиёбонга дуч келдик.

Биз шу йўлнинг охиригача бориб, қалъани айланиб ўтиб нариги тарафдаги почта бекатигача боришимиз керак, у ердан шаҳарнинг рус қисми бошланар эди.

Самарқандда меҳмонхоналар йўқ. Менга Мусулмонхўжанинг уйида қолиши тавсия қилишди. У ерда менга маҳаллий ҳаётни кўриш имкони учун барча шароитлар бор, эҳтимол. У хиёбонда яшар, аммо ҳозир уйида йўқлигидан мен бироз муддат кенг, янги ва тоза бинодек кўринган почта бекатида қолишига қарор қилдим. Ювениб, ҳам бироз чой ичиб, ўзимни бардам қилиб олгач, извошга (у ҳатто Самарқандда ҳам бор экан) губернатор, генерал Абрамовга мактубларим борлигидан аркка – унинг ҳузурига жўнадим. Уйида экан, мени анча илиқ кутиб олди. У калта бўйли, илтифотли, соchlарига оқ оралаганига қарамай, ёш кўринар, бошидан яралангани учун қора каллапўш кийиб олган эди. Менинг яшаш учун жой тополмаганимни билгач, шаҳар ҳокимидан менга жой беришини сўради. Ўша куни тушдан сўнг ю克拉имни унинг уйига жўнатдим. Генерал қабулидан қайтгач, шаҳарни айланиш, унинг ажойиб харобаларини кўриш ҳавосидан ўзимни тийиб туролмадим.

Аркдан шаҳар жуда яхши кўринарди. Бутун шаҳар учта иирик масжиднинг қад кўтарган устунлари ва гумбазлари билан қаршимда ястаниб ётарди. Бозорнинг ўртасидан ҳар икки тараф уйларнинг томлари текис, улардан баланд қовунсимон гумбазлар қад кўтарган, орқа тарафидан эса чўққилари кўзни қамаштирадиган қор билан қопланган улкан тоғ тизмалари кўзга ташланарди.

Дастлаб мен серҳашам масжидларнинг харобаларини ҳалигача безаб турган мовий ва қадама нақшлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун бозорга йўл олдим. Бу ердаги масжидлардан бирининг пиллапоялари, шунингдек, майдон ва хатто йўлагида доира шаклида ўтирган катта оломонга кўзим тушди. Доира ўртасида иккита болакай шеър ўқимоқда эди. Улар ҳофизлар бўлиб, томоша қилувчилардан бири менга улар илохий шеърларни ёддан ўқувчилар эканлигини айтди. Ҳар бирининг китоби бўлиб, товушларини майдоннинг турли қисмидаги тингловчиларга эшилтириш учун уни даҳанларининг турли томонларига кўйишдан бўлак, ундан фойдаланмас эдилар. Уларнинг ифодали ўқишилари баъзан шунчалик баланд ва қулоқни тешадиган даражада бўлиб, товушларидан кар бўлиб қолмаслик учун улар иккала қўлларини ҳам қулоқларида тутиб туришар, баъзан эса паст товушда ўқишишар, овозлари яхши тусланган эди.

Ушбу йифи-сифи ва бир хил оҳангдаги қасидалар тингловчиларга анча таъсир қилгандек кўринар ҳамда атроф тўхтовсиз оҳ-воҳ ва олқишиларга тўлиб кетарди. Мен билан гаплашган энг биринчи одам катта қизикишим борлигини кўрганидан яна менга мурожаат қилиб, бунинг бари ажойиб эмасми, деб сўраб қолди. Менинг маъкул жавобимдан эса анча хурсанд бўлди, чоги.

Сўнгра извошчимга мени Темур мақбарасига олиб боришини айтувдим, Самарқанд билан оз бўлсаям таниш бўлишига қарамай, унинг ўрнига Шохизинданга элтиб кўйди. Ҳақини тўлаб, қадамжога камроқ эътибор қаратган бўлсам-да, кираверишдаги жаҳрия биродарларининг хатти-ҳаракатлари диккатимни тортди. Одатлари Тошкентда кўрганимдек бир хил, аммо анча таъсирли кўринар ҳамда масжид ибодат этувчилар билан тўла, барчаси чин эътиқод қилганларнинг оломонидек кўринар, бир-бирини масжиднинг у ёнидан бу ёнига туртилаб, тўхтамасдан «Ҳасби раби ал-Аллоҳ» («Халоскорим яратган Аллоҳ») деб бақиришарди.

Барча кўрганларим ичида ёрқин таассуротларим – Самарқанддагиси Тошкентдагидан анча фарқ қиласар ҳамда улар ҳақиқатан қадим дунёнинг нишонасиdek бўлиб туюларди.

... Европада Ўрта Осиёнинг ҳеч бир жойи Самарқандномидек лол қолдирадиган даражада эмас. Романтика оғушига

қопланган, ўзига хос давларни бошидан кечирган ва ўзининг улуғворлик анъаналарини ақл бовар қилмайдиган даражада сирли сақлаб келаётган Самарқанд узок вақт мобайнида дунё аҳлининг қизиқишини уйғотиб келган. Маҳаллий анъаналарнинг юзага келиши афсонавий қаҳрамон Афросиёб номи билан боғлиқ бўлиб, унинг истило ва талабалари Эрон ва Туркия, шунингдек, Ўрта Осиёда тилларда достон бўлган. Деворлардан бироз ташқаридаги тепалик вайронга ва қўрғонтепалардан иборат бўлган, у Калъаи Афросиёб деб номланиб, айтишларича шаҳарнинг асл ўрни деб ҳисобланган. Шунга қарамай, Самарқанд тарихга Буюк Александр<sup>1</sup> томонидан забт этилган Суғдиёнанинг пойтахти Мароқанд номи билан кирган бўлиши ҳам мумкин. Унинг бундай номланишининг сабаби аниқ эмас; қанд қўшимчаси шаҳар маъносини англатиб, Ўрта Осиёда кенг тарқалган, аммо *Mara* ёки *Самар* этимологиясининг ёлғиз ўзи маъно бера олмайди, аммо ҳар ҳолда бундай тахмин ҳам йўқ эмас.

Чингизхон вазири Елюй Чуцай<sup>2</sup> 1219 йилда ўзининг ғарбий мамлакатларга қилган саёҳатини тасвирлаб, шаҳарни Семизкан деб тилга олади ва қўшимча қиласди: «Фарбади аҳоли бу номнинг маъноси «семиз» деганини билдиришини айтади. Бу ернинг замини хосилдор бўлганидан шаҳар шу номни олган». Хитойлик муаллифлар эндиликда Семизкан номи ўрта асрларда несторианлар<sup>3</sup> ва бошқалар атаган Семизканга мос келиши ҳақида тез-тез ёзишмоқда. Аслида *семи* ва *семиз* туркий тиллардаги турли шакллар бўлиб, «семиз»га тўғри келади. Аммо бу ҳар ҳолда худди «Шош»дан «Тошкент» сўзи ясалганидек, баён этишга мослашув шакли бўлиши мумкин. Асли номи форсчадан келиб чиқсан бўлиши мумкин. Сюань Цзан эса уни Самокан деб ёзиб қолдирган.

Александр замонида у йирик ва гуллаб яшнаган шаҳар бўлган. Квінт Курций<sup>4</sup> унинг деворлари айланасига ет-

<sup>1</sup> Александр Македонский назарда тутилган.

<sup>2</sup> Елюй Чуцай (1189–1243) – мўғул империясида йирик давлат арбоби, маъмурий тизимининг ташкилотчиси бўлган. Чингизхон ва Угадайхоннинг маслаҳатчиси.

<sup>3</sup> Несториан – христианликдаги бир йўналиш. V аср бошларида шаклланган.

<sup>4</sup> Квінт Курций Руф – Рим тарихчиси. Тахминан милодий I асрда яшаб ўтган. Ўн жилдан иборат ва бизгача саккизта жилди етиб келган, машхур саркарданинг хаёт йўли ҳақида анча тўлиқ маълумот берувчи «Буюк македониялик Александр тарихи» асарининг муаллифи.

миш *стадийга*<sup>1</sup> тенглигини ёзиб қолдирган. Сүнгра у арк бўлиб, эндиликда бошқа девор билан ўралган. Айнан шу ерда Александр ўзининг яқин дўсти ва сафдоши Клитни<sup>2</sup> маст ҳолда эҳтиросларга берилгани учун ўлдирган. Самарқанд унинг тоғли қабилаларга хужуми ҳамда Сирдарё бўйларидағи скифларга қарши юриши давомида қароргоҳи бўлган. Кейинчалик географлар Сирдарёни Танаис ёки Дон деб янгиш айтишиб, Александрни мактаб, уни Осиёни айланиб ўтиб, Европага қайтган деб ўйлашган. Александр асос солган Александрия шахри оддийгина лой кулбалардан ташкил топган Хўжанд ўрнида жойлашган бўлиб, озроқ кучсиз аскарлар томонидан забт этилган. Александр ёхуд Искандар Зулқарнайн (икки шохли)нинг жасоратлари бу ўлкада афсона сифатида сақланиб қолган ва ҳаммага маълум. Юқори Оксусдаги тоғли ўлкаларнинг кўплаб кичик беклари ўзларини унинг авлодлари деб таъкидлашади.

Унинг (Александрининг – З. С.) ишонган қўмондонлари Бақтрия ва Суғдиёна вилоятларида ҳақиқатан ҳам Юонон – Бақтрия деб ном олган ва христианлик даврига қадар бир юз ўттиз йил ҳукм сурган, маълум даражада юонон маданиятини, шунингдек, македон тақвимини танитган сулолага асос солдилар. Эндиликда Даشت ва Самарқанд атрофидаги харобалардан топилаётган Деметрий, Евтидем, Антимах<sup>3</sup> ва бошқаларнинг тасвиirlари туширилган кўплаб танга ва медаллардан ташқари ҳозирда улар унсиз йўқолган. Юонон – Бақтрия сулоласи ўз даврини яшаб, барҳам топган ва бу сулола (мил. авв. 125 йилда Самарқанд мамлакатига ташриф буюрган Хитой қўмондони Чжан Цянъ<sup>4</sup> баён этишича)

<sup>1</sup> Стадий (стадия) – қадимги даврда кўплаб ҳалқларда масофаларни ўлчаш учун ишлатилган бирлик. Бир юонон стадийси 178 м га тенг бўлган.

<sup>2</sup> Клит (мил. авв. 380–325 йиллар) – ҳарбий бошлиқ ва Александр Македонскийнинг дўсти. Граника жангига (мил. авв. 328 йил) унинг ҳаётини сақлаб қолган.

<sup>3</sup> Юонон – Бақтрия подшолари. Мил. авв. таҳминан 200–185 йилларда Деметрий, мил. авв. 235–230 йилларда Евтидем, Антимах эса мил. авв. 190–181 йилларда ҳукмронлик қилган.

<sup>4</sup> Чжань Цянъ (мил. авв. 114 йилда вафот этган) – хитойлик сайёҳ ва дипломат. Мил. авв. 138 йилда Хитой императори Ву Дининг топшириғи билан хун қабилаларига қарши иттифоқчи ва ҳамкорлар топиш мақсадида Ўрта Осиёга жўнатилган. Бу ерда истиқомат қилган ҳалқлар ҳакида тарихий маълумотлар берган. Батафсил қаранг: Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VII в. н.э. (историко-географический обзор по древнекитайским источникам). – Москва, 1989.

Даштда яшовчи, пойтахти ҳозирги Хива яқинида бўлган кўчманчи қабила юэчжилар<sup>1</sup> томонидан ағдарилган.

Мамлакат арабларнинг хужумларига қадар юэчжиларнинг хукмронлиги остида бўлиб, кўплаб босқинчилик юришларидан сўнг араблар 710 йилда бу юртга Ислом динини олиб кирдилар. Форсий ва туркӣ хукмдорлар бу худудда араб сулоласига барҳам беришган бўлса, охир-оқибат Чингизхон 1221 йилда шаҳарни эгаллаб, уни талон-тарож килган. Араб ва форс тарихчилари мўфулларнинг ваҳшийликлари ва Самарқанднинг бутунлай вайрон этилганлигини ўзларининг кўплаб асарларида ёзиб қолдиришган. Ҳақиқатда эса бундай бўлмаганлигини биз Самарқандга кейинги йил (1222) ташриф буюрган ва қишини шу ерда ўтказган Хитой сайёхи Чан Чунь маълумотларидан билишимиз мумкин. Унинг сўзларига кўра, шаҳарни 100000 оила тарк этган бўлса-да, унинг тўртдан бир аҳолиси шу ерда қолган, бу ерда талончилик кўп учраса-да, шаҳар яхши сақлангандек кўриниб, далалар, унумдор боғ ва узумзорларга ҳалигача ишлов берилган экан.

Мазкур даосизм<sup>2</sup> роҳиби саёҳатининг русчага таржимаси Рухоний Палладий томонидан «Пекиндаги рус диний миссияси аъзоларининг асарлари»да чоп этилган (Санкт-Петербург, 1866, IV жилд). Кисқа ва тўлиқ бўлмаган французча таржимаси кейинроқ «Осиё журнали»да (6 жилд) М. Паутьер томонидан нашр этилган. Энг сара инглизча таржима эса доктор Бретшнейдернинг «Хитойлик ўрта аср сайёҳларининг Farb ҳақида қайдлари» асари бўлиб, 1875 йилда Шанхайда чоп этилган.

Араблар истилосидан кейинги асрлар давомида Самарқанд епископ \*бошчилигидаги христиан епархиясида<sup>3</sup> бўлган. Арманистон коннетабли, шаҳзода Смбат тахминан 1246 йил-

<sup>1</sup> Юэчжи – улкан кўчманчи қабила бўлиб, дастлаб Хитойнинг Наньшан тоғлари, Дунъхуан, шарққа томон Лобнор кўлигача бўлган худудда истиқомат қилишган. Ҳозирги Хитойнинг Ганьсу провинцияси худудига тўғри келади. Мил. авв. II аср ўрталарида хуннлар сиқуви остида юэчжилар Или дарёси водийсига қочишга мажбур бўлганлар. Кейинроқ хуннлар тазики кучайгач, жанубга – Шимолий Бактрия худудларига кўчганлар. Фарбга кўчган юэчжилар «Катта юэчжи», Нанынан тоғларида колганлари эса «Кичик юэчжи» номини олишган.

<sup>2</sup> Даосизм – Хитойдаги анъанавий таълимот бўлиб, диний ва фалсафий элементларни қамраб олган. Барқарор диний йўналиш сифатида II асрда шаклланган.

<sup>3</sup> Епархия – епископ (архиерий) кўл остидаги черков округи.

да ёзган хатида христианларнинг давлати гуллаб-яшнаганинги ва бунга Чингизхон имтиёзлар берганини ёзади<sup>1</sup>. Марко Поло<sup>2</sup> ҳам гарчанд ўзи шаҳарда бўлмаган бўлса-да, баптистларнинг<sup>3</sup> авлиё Иоанн ибодатхонаси ҳалигача мавжуд эканлигини қайд этади. Ҳозирда Россия истилосидан кейин аркда бунёд этилган кичикроқ замонавий ибодатхонадан бўлак ҳеч қандай қадимий христиан ибодатхонасининг излари йўқ.

Чингизхон сулоласи охир-оқибат Темур томонидан афдариб ташланди. Бу соҳибқирон жанубий тоғлар этагидаги Кеш (ҳозирги Шахрисабз)да таваллуд топган бўлиб, Самарқанднинг гўзаллигидан мафтун бўлиб, уни ўзининг пойтахтига айлантириб, унга файз ва жозиба беришда куч-ғайратини аямаган. Шундан ворислари ҳам унга эргашиб, тақлид қилишган. Самарқанд юз йилча кейин буюк Бобурнинг энг яхши кўриб борадиган жойларидан бўлиб, у бир неча бор шаҳардан чиқариб юборилган бўлсаям ва яна бир неча бор уни қайтиб олишга муваффақ бўлган. Энг охираша сўнгги нафас билан ундан воз кечишга мажбур бўлиб, тезда Хиндистон императори бўлган.

Самарқанд ва унинг атрофлари, Темур хукмронлиги давридаги салтанат ҳақидаги маълумотларни 1404 йилда Кастилия қироли Генрих III нинг элчиси сифатида бу ерга

<sup>1</sup> Аслида Арманистон (Киликия) подшоси Хетум I нинг топшириғига кўра мўгул давлатига элчи сифатида акаси арман ҳарбий саркардаси, давлат арбоби, тарихчи Смбат (1208–1276) 1247 йилда жўнатилган бўлиб, унинг 1248 йилнинг 7 февралида Самарқандда куёви – Кипр қироли Генрих V га ёзган хати (юқорида Ю. Скайлер ана шу хат ҳақида эслатган) илмий жиҳатдан аҳамиятга молик бўлиб, анча машҳур. Смбат 1248 йилда Коракурумда бўлиб, мўгул хонлари билан музокаралар олиб бориб, 1250 йилда ватанига қайтган. Қаранг: *Мутафян К.* Последнее королевство Армении / Перевод с французского Н. Хачатрян. – Москва: «Mediacart», 2009.

<sup>2</sup> Венециялик Марко Поло (1254–1324) савдо муносабатларини йўлга кўйиш максадида мўгуллар давлатининг пойтахти Коракурумда бўлган. Марко Поло Хитойда 17 йил яшаб, Хубилайхон саройида 1292 йилгача унинг хизматида бўлган. Сафари натижалари асосида у «Дунёнинг ранг-баранглиги ҳақидаги китоб» (қисқача «Марко Поло китоби») номли асарини ёзиб колдирган (1298). Қаранг: Путешествие Марко Поло / Перевод старо-французского языка И.П. Минаева. Под ред. В.В. Бартольда // Записки Императорского Русского Географического общества. Т. XXVI. 1902.

<sup>3</sup> Баптист – христиан мазхабларидан бири.

келган ажойиб рицарь дон Руи Гонсалес де Клавихо<sup>1</sup> эсдаликларидан билишимиз мумкин. У ерда (Самарқандда – З. С.) тахминан уша пайтларда асирикда булған мюнхенлик Ганс Шильтбергер<sup>2</sup> эса шаҳар ҳақида ҳеч нарса ёзиб қолдирмаган. Клавихонинг «Буюк Темур ҳаёти ва фаолияти» асари Маркхем томонидан Хеклют жамияти учун қисман таржима этилган. Шильтбергер асарини эса Мюнхенда 1859 йилда чоп этилган Ньюманн нашридан топиш мумкин.

Бобур хукмронлиги даврида Самарқанд узининг аввалги гузаллиги ва тароватини сақлаб қолган. Бу ҳақда у 903 (1497) йилги эсдаликларида ёзиб қолдирган: «Рубъи маскун да Самарқандча латиф шаҳр камроқдур....Курғонини фаслининг устидин буюрдумким, қадам урдилар. Ун минг олти юз қадам чиқти.

Эли тামом сунний ва пок мазҳаб ва муташарриъ ва мутадаййин элдур. Ҳазрати рисолат замонидин бери у микдор аиммаи исломким, Мовароуннахрдин пайдо булубтур, ҳеч вилояттин маълум эмаским, мунча пайдо булмуш булғай».

Бобур, гарчи саройлардан талайгинаси вайрон булган булса-да, Темур ва унинг набираси Улугбек томонидан куплаб иморатлар ва боғлар бунёд этилганлигини ёзиб қолдирган. *Дилкушио*<sup>3</sup> ёки «Кунгилларнинг лаззати» боғидаги йирик саройда Темурнинг Хиндистондаги жангларини тасвирловчи туркум суратлар акс эттирилгани, Темир (Оҳанин) дарвоза яқинидаги улкан масжид пештоқларига битилган Қуръон оятларининг ҳарфлари бир мил узокроқдан ҳам bemalol

<sup>1</sup> *Руи Гонсалес де Клавихо* (1412 йилда вафот этган) – испан сайёхи ва дипломати. Кастилия қироли Генрих III нинг Амир Темур ҳузурига юборган элчisi (1403–1406 йиллар). Клавихо томонидан ёзиб колдирилган элчилик кундалигига географик, этиографик маълумотлардан ташқари Амир Темур салтанатининг сиёсий-иктисодий ҳаётига оид муҳим маълумотлар уз ифодасини топган. Қаранг: *Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд (1403–1406 гг.)* // Перевод, предисловие и комментарии И.С. Мироковой. – Москва: «Наука», 1990.

<sup>2</sup> *Ганс Шильтбергер* (1381–1440) – немис сайёхи. 1396 йили Никополь яқинидаги жангда туркларга асир тушган. Амир Темур томонидан Султон Боянид Анқара яқинидаги жангда тор-мор этилгач, Амир Темур, сунг унинг уғли Шоҳруҳ тасарруфига утади. Мусулмонлар орасида умумий 30 йил яшаган. 1427 йили асирикдан қочиб, Германияга кайтган. Шундан сунг 1475 йилда узининг хотирияни асосида китоб ёзиб, Майнц шаҳрида чоп эттирган. Юнонистон, Эрон, Кичик Осноб, Грузия, Арманистон, Олтин Ўрда, Урал, Сибирь, Крим, Ўрта Осиёда булған.

<sup>3</sup> *Боги Дилкушио* – Самарқанддан 6 км узоқликда, унинг кунчикар тарифидан жойлашган чорбог. 1396–1399 йилларда курилган.

ўқий оладиган ҳажмда бўлган, деб ёзади. Улугбек мадрасаси ва бошқа мадрасаларнинг ҳалигача довруғи кетганилиги, расадхона эса Кўҳак ёки Чўпонота тепалигида қад кўтарганлигини ёзган.

Бобур бу тепалик ҳақидаги учта ҳикояни тавсифлаб, астрономик асбоблар ҳақида маълумот беради. У яна ёзади: «Яна пуштаи Кўҳакнинг доманасида фарб сари боғе солибтур, Боги Майдонга мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чилсутун дерлар, ду ошёна, сутунлари тамом тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт минордек буржлар қўпорибтурларким, юққорига чиқар йўллар бу тўрт бурждиндор. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардур. Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юққориги ошёнининг тўрт тарафи айвондор, сутунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар. Бу имораттин пуштаи Кўҳак сари доманада яна бир боғча солибтур, анда бир улуғ айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичидаги бир улуғ тош таҳт қўюбтур, турли тахминан ўн тўрт ўн беш қари бўлғой, арзи етти-саккиз қари, умқи бир қари. Мундоқ улуғ тошни хейли йироқ йўлдин келтурубтурлар. Ўртасида дарз бўлубтур. Дерларким, ушбу ерда келтиргандин сўнг бу дарз бўлғондор. Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний. Чинийхона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтурубтур.

Самарқанднинг қалъасининг ичидаги яна бир қадими имораттур, масжиди Лаклача дерлар. Ул гунбазнинг ўртасида ерга тепсалар тамом гунбаздин лақ-лақ ун келур, ғариф amerdур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас.

Султон Аҳмад мирзонинг замонида ҳам бек ва бекот қалин боғ ва боғча солдилар. Ул жумладин, Дарвеш Муҳаммад тархоннинг чорбогича сафолик ва ҳаволик ва мадди назарлик чорбоғ кам бўлғай. Боги Майдондин қуйироқ, баландининг устида Кулба ўлангига мушриф бир чорбоғ солибтур, тамом бу ўланг оёғ остидадур. Чорбоғда ҳам мартаба-мартаба ерларни сиёқ била тузатиб, яхши нарвонлар ва сарв ва сафедорлар тикибтурлар, хейли саромад манзиледур. Айби будурким, улуғ суйи йўқтур».

Ўрни келганда Самарқанднинг бу боғлари ҳақида Чан Чунь шундай ёзади: «Ҳатто Хитой боғлари у билан тенглана-

ша олмайди. Аммо бу мамлакатнинг боғлари жуда сокин; бу ерда қушларнинг сайрашини эшитмайсиз».

Бобур яна ёзди: «Самарқанд шахри ажаб орасга шахредур, бу шаҳрда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андок бўлғай. Ҳар ҳирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, тавр расмединур. Хўб нонволиклари ва ошпазлари бордур».

Ҳар ҳолда қуйидаги икки мисрали байт ушбу давр ҳакида битилган бўлса керак: «Самарқанд Ер юзининг сайқали, Бухоро Ислом динининг гумбазидир: Машҳаднинг мовий гумбази бўлмаганда эди, бутун олам таҳорат учун ариқ бўлур эди».

1841 йилда Хаников<sup>1</sup> ва Леманнинг<sup>2</sup> саёхатигача, рус элчиси Хохловнинг<sup>3</sup> 1620 йилдаги ва рус унтер-офицери Ефремовнинг<sup>4</sup> ўтган асрнинг охиридаги саёхатини ҳисобга олмаганда Клавихо давридан буён Самарқандга европаликлар ташриф буюрмаган.

Ўтган даврнинг шону шавкатидан дарак берувчи анъаналар, айникса Темурнинг Бурсадан келтирган юонон муаллифларининг йирик кутубхонаси сақланиб қолган.

<sup>1</sup> Хаников Николай Владимирович (1822–1878) – шарқшунос олим. 1839 йилда Оренбург генерал-губернатори В.А. Перовскийнинг Хивага уюштирган мұваффақиятсиз ҳарбий юришида иштирок этган. 1841 йилда Бухорога юборилган К.Ф. Бутенев бошлигидаги элчилик таркибида қатнашиб, унинг натижасида «Описание Бухарского ханства» асарини чоп эттирган (Санкт-Петербург, 1843).

<sup>2</sup> Леман А.А. (1814–1842) – табиатшунос. 1838 йилда В.А. Перовский таклифи билан ўлкани тадқиқ этиш учун Оренбургга кўчиб келган. 1839 йилги Хива ҳарбий юришида иштирок этган. 1840 йилда Каспий денгизининг шарқий сохилига келиб кўплаб маълумотлар тўплаган. 1841–1842 йилларда мұхаидис К.Ф. Бутеневнинг Бухорога уюштирган миссиясида иштирок этиб, Бухоро атрофларидан Зарафшоннинг юкори оқимларига қадар тадқиқот ишларини олиб борган. Соловьев М. Ученая экспедиция в Бухару в 1841–1842 гг. при участии натуралиста Александра Лемана. – Москва – Ленинград: АН СССР, 1936; Маслова О.В. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Материалы к истории изучения Средней Азии. В 4-х частях. Ч. I. 1715–1856. – Ташкент: Изд-во САГУ, 1955. – С. 53–59; Югай Р.Л. История развития географических и картографических представлений о пустыне Кызылкум (с древнейших времен до середины XIX в.) – Ташкент: «Фан», 1966. – С. 156–181.

<sup>3</sup> Хохлов Иван Данилович – XVII асрда Эрон ва Бухорога жўнатилган рус элчиси. 1620 йилда Бухорода бўлган.

<sup>4</sup> Ефремов Филипп Сергеевич (1750–1811) – рус саёхи. 1774 йили Оренбург чўлларида асир олиниб, Бухорога олиб келиб сотилган. Анча вақт асирликда бўлиб, маҳаллий аҳоли хаётини бевосита кузатиб, унинг тарихи, турмушини ўргангандан ҳамда кимматли тарихий маълумотлар йикқан. У асирликдан кочиб, 1782 йилда Кўқон, Марғилон, Кошғар, Ёркент, Тибет, Хиндистон ва Англия орқали Россияга қайтиб келиб, ўз кўрган-билганинни ёзиб қолдириган. Қаранг: Ефремов Ф. Девятилетнее странствование / Под ред. со вступит. стат. и comment. Э. Мурзаева. – Москва: Гос. изд-во географической литературы, 1950.

... 1866 йилдаги Жиззах истилосидан сўнг Бухоро амири сулхга анча мойилдек бўлиб, генерал Кауфман томонидан жўнатилгаи битимни бир қарорга келиш учун анча вақт фикр-мулоҳаза билан кўриб чиқди. Ана шу битимга кўра Туркистон ва Бухоро ўртасидаги чегара чизифининг бир қисми Нурота тоғ тизмасининг энг баланд қисми бўйлаб ўтиши мўлжалланиб, руслар уни битта тоғ тизмаси деб ҳисоблашар эди. Аслида эса у иккита тоғ тизмасидан иборат эканлиги маълум бўлиб, уларнинг ўртасида муҳим Нурота беклиги ястаниб ётарди. Амир тоғ тизмасининг шимолидаги *Қоратов*, жанубидаги эса *Оқтөв* эканлигини англатишини билгач, анча ташвишга тушди. Россияликлар у билан бирор-бир шартномага келишишнинг имкони йўқ деб ҳисоблаб ва бу англашилмовчилик, унинг сулҳ учун хоҳиши йўқлигига йўйишиди. Бу ҳам бир ҳисобда тўғри эди. Руслар томонидан тоғларнинг иккита тизмаси мавжудлиги ҳақидаги муаммо аниқ бўлганда уруш аллақачон бошланиб кетган эди.

Бу даврда Бухоро амирига қарши иккита гурӯҳ бўлиб, унинг тўнғич ўғли *Каттатўра* тарафдорлари ва бошқа бири эса амирнинг жияни Шаҳрисабзда истиқомат қиласар, Сайдхонни таҳтга кўтариш тарафдорлари саналган Шаҳрисабз беги Жўрабек бошчилигидаги Ўратепа беги Абдулғаффор ва унинг укаси Челак беги Умарбекдан иборат эди.

Жўрабек шундан сўнг Сайдхон ҳақидаги фикрини баён қилиб, деди: «У қанчалик ахмок бўлса, бизга шунча яхши. Биз кўпроқ мустакил бўлишимиз шарт бўлади».

Тил бириктирганлар амир билан руслар ўртасидаги муносабатларни яхши билишганидан, Умарбекка Челакдан келиб Жиззах яқинидаги рус қўшинларига ҳужум қилишни буюртириб, шу тариқа уларда (русларда – З. С.) бу амир лашкарининг ҳужуми деб ишонтиришга умид қилишганди. Умарбек айнан шундай қилди, аммо зудлик билан қарши зарбага дуч келгач, амирнинг жазосидан қутулиб қолиш нијатида Шаҳрисабзга қочиб қолди. Аммо бир неча кун илгари афғон шахзодаси Искандархон ўзининг 2000 сафдоши билан бухороликлардан ажralиб, русларга Умарбек билан низодан сўнг, таслим бўлган эди. Руслар табиийки, Умарбекнинг ҳужуми унинг афғонлардан қасдини олиш учун қилинган деб ўйлашар, бу бир ҳисобда шундай ҳам эди.

Генерал Кауфман эса халигача амир билан сулх битими тузишга умид қилиб, уруш кампанияси бошлашгани ҳақида хеч қандай тасаввурга эга эмас. Санкт-Петербургга жўнаш арафасида унга Жиззахга ҳужум бошлагани ҳақида хабарлар этиб келганида унинг юклари аллақачон сафар учун эшик олдида тахт этиб қўйилган эди.

Самарқанднинг сўнгти қозикалони Камолиддининг эслаликлиарида (нашр этилмаган) генерал Кауфманнинг Самарқанднинг таслим бўлишини талаб қилган мактуби бир неча ҳафта бурун бек ва бошқа нуфузли шахсларга жўнатилгани қайд этилади. Бу эса ҳарбий юриш аввалдан ўйланганлигини кўрсатади.

... Яна ҳозирги шаҳар ҳаётига қайтсак.

Келганимнинг эртаси куни оқсоқол ва бир неча йигитлар менга шаҳар ёдгорликларини кўрсатишга аҳд қилишиб, ўзлари ҳам мен билан бирга боришиди. Ҳар бир нарсани дикқат-эътибор билан кўздан кечирганимиз сабабли мазкур саёҳатга тўлиқ бир кунимиз кетди. Биз дастлаб Шоҳизинда масжидига йўл олдик. Уни баъзи саёҳатчилар янгилишиб, Темурнинг ёзги саройи деб ҳисоблашган. Ривоят қилишларича, Кусам ибн Аббос<sup>1</sup> Исломнинг ilk даврларида Самарқандга келиб Куръонни гайридинларга тарғиб этишда улкан муваффақиятларга эришади. Охир-оқибат шу ернинг ўзида душманлари томонидан тутилиб, боши танасидан жудо этилган. Аммо гайридинларга тантана қилиш насиб этмаган: Кусам кесилган бошини чаққонлик билан тутиб яқинидаги кудукка сакраб, фойиб бўлган ва ҳозирга қадар ўша ерда кўним топган. Уни келгусида Исломнинг ҳимоячиси сифатида яна ёлға чиқишига тайёр, деб ривоят қилишади. Шу сабабли ҳам у Шоҳизинда (Тирик шоҳ) деб аталади.

Ривоятларга кўра, ўша воқеадан беш юз йил ўтиб, яъни 1868 йилда у яна пайдо бўлиб, русларни мағлуб этади дейишиган. Бироқ Самарқанд эгалланди, Шоҳизинда эса пайдо бўлмади. Шундан бўлса керак, унинг шухрати кейинги

<sup>1</sup> Кусам ибн Аббос (624–677) – сахоба. Мухаммад пайғамбар (а.с.)нинг амакивачаси. Мусулмон тарихчиларининг ёзишларича, Кусам ибн Аббос пайғамбарамизнинг муборак юзларини кўрган охирги кишидир. Кусам ибн Аббос араб лашкарлари таркибида Самарқандга келган ва бу ерда дини Исломни тарғиб қилиш билан машғул бўлган. Суғдийларнинг Самарқандга ҳужуми даврида шаҳид бўлган.

пайтларда бироз пасайган. У қийнокқа солинган жойда Амир Темур томонидан 1323 йилда масжид барпо қилинган<sup>1</sup> ва дастлабки кўриниши жуда ҳашаматли ва маҳобатли бўлган. Ҳатто ҳозир ҳам унинг харобалари баъзи бир истисноларни ҳисобга олмагандан Ўрта Осиёдаги энг серҳашам иморатлардан саналади.

Олдида йирик равоқсимон пештоқ ғиштдан қурилган, юзаси оқ, ёрқин кўкиш ва тўқ кўкиш ранглардан иборат чинни кошинланган қадама нақшлар жойлашган, кўп жойларида эса Куръондан олинган суралар куфий ёзуви шаклида. Ён тарафида кичик масжидлар бўлиб, ҳозирда қарийб вайрон бўлган. Нақшинкор эшикдан бошланувчи зина пиллапоялари тепаликкача элтади. Бу пиллапоялар бир пайтлар мармар тоштахталар билан қопланган, бир-иккитасидан ташқари, барчаси вайрон бўлиб, эндиликда нотекис, ёрилган ғиштдан бўлак ҳеч нарса қолмаган. Ҳар икки ён томонларида қабрлар учун кичик-кичик масжидлар, ўнг томонда эса гумбаз остидаги чоғроққина ҳовлида машхур ҳовуз кўриниб турад, диндорлар ҳалигача, айниқса тунда Шоҳизинданнинг сиймосини кўришлари мумкин. Шубҳасиз, сувининг ҳар бир қултуми шифобахш ва соғлиққа фойдали. Юқори қисмида биттаси авлиё сағанасини ёпиб турган, бошқаси эса Самарқанднинг машхур мулла ва оддий одамларнинг қабрларидан иборат бир неча гумбазли бинолар бор. Масжидлардан бирининг қовунсимон гумбазидан кошинларининг қарийб барчаси тушиб кетган. Биноларнинг ташқариси эса ҳалигача яхши сақланган, гумбазни ўраб турган ёзув ҳам беками кўст.

... Шоҳизинда масжидининг шундоққина қаршисида кичикроқ ғиштили бино бўлиб, қадимий усулда қурилган, бир вактлар масжид бўлган, бироқ ҳозир шаҳар қамоқхонаси сифатида фойдаланилади.

Шоҳизиндан узоқ бўлмаган, аммо шаҳар деворлари га чегарадош жойда чиройли *Бибихоним мадрасаси* қад кўтарган. Айтишларича, мадраса Амир Темурнинг севимли

<sup>1</sup> Ҳақиқатан Шоҳизинда таркибидаги Кусам иби Аббос сағанаси Амир Темур даврида ўрнатилган. Бироқ бу ерда хатоликка йўл қўйилган. Шоҳизинда меъморий ёдгорлигининг юқори гуруҳидаги зиёратгоҳ, уч қисмдан иборат масжид бинолари 1323 йилдан сўнг барпо этилган.

рафиқаси ва Хитой<sup>1</sup> императорининг қизи Бибихоним томонидан 1385 йилда бунёд этилган. Мадраса иафакат кириш қисмининг улканлиги билан, балки бош бинога туташган катта гумбази билан ҳам ажралиб туради. У кўш гумбазли бўлиб, ҳолбуки ички қуи қисмининг ярми узилиб тушган, ташқи гумбази ҳали-ҳануз тепасидаги оғир устунларни (унда ҳам каттагина туйнук очилиб қолганлигига қарамасдан) суюб турибди. Асосий масжидга кириш учун иккита ҳовлидан ўтиш керак, уларнинг атрофида эса муллаларнинг қабрлари бор эди. Мадрасанинг йирик қисми ўн икки йилча бурун рўй берган зилзила оқибатида шикастланганидан ўша даврдан бери у пахта бозорига айлантирилган ҳамда шу ерда сақланаётган хачиру отлар билан тўла, аравалар эса хавфсиз сақланиши учун шу ерга жойлаштирилган эди.

Масжиднинг ичидаги йирик мармар китоб кўйгувчи лавҳ бўлиб, уни тўққизта қалин пастак устунлар суюб турагар, эскидан унга йирик Куръонни кўйишган. Мусулмонлар ушбу мосламанинг остида барча йўл-йўриққа амал қилиб ёнбошлиса, умуртқа касаллигини даволаши мумкин деб ишонишади. Ташқаридан киришида ҳар томонидан ўзаро мос минора бўлиб, улардан нақшинкор кошинлар тушиб кетган.

Ривоятга кўра, кунларнинг бирида бир дарвеш Бибихонимга ўргимчак бийи чақишидан ўлишини айтади ва шундан у Темурга мусулмон одатига кўра ерга эмас, ер устидаги мақбарага дафн этишни сўрайди. Шу тариқа Темур мадраса, унинг яқинида эса масжид бунёд этади. У ништ қуиши учун зарур тупроқни бинонинг остидан қаздирганидан, ортидан йирик чуқурлар қолади. Мадраса қурилиши битгач, Биби (Бибихоним – З. С.) уни кўздан кечиргани келгандага чуқурдан катта илон чиқиб ўзини офтобда тоблаётган бўлади. Унинг хизматкорлари илонни ўлдирмоқчи бўлишади, аммо Биби бунга тўсқинлик қилиб, илонни силаб-сийпайди.

... Уч томондан катта майдонли бозорнинг ўртаси Бухородаги *Регистон*га таклидан шу ном билан аталиб, у Шердор, Тиллакори ва Улуғбек мадрасаларидан иборат. Шердор мадрасаси майдоннинг шарқий томонида жойлашган

<sup>1</sup> Мўгул ўрнига Хитой деб янглиш келтирилган.

бўлиб, айтишларича, тахминан 1648 йилда<sup>1</sup> ўзбек қаҳрамони, Имомқулихоннинг<sup>2</sup> вазири Ялангтўш Баҳодирхон<sup>3</sup> томонидан курилган. Олд томони икки қаватли ҳужралардан, майдонга қараган томони равоқли деразалардан, ҳар икки тарафи эса йирик равоқли пештоқдан иборат. Ҳар бир бурчидаги эса қуббалари қовунсимон гумбазлар билан тугалланган. Мадрасанинг ёnlари деразалардан холи, олд билан ён тарафи кошинлар билан қопланган.

Биз асосий остоидан кечиб, ҳар бирида иккитадан талабаси бор, 64 та ҳужрали катта ҳовлига кирдик. Мадраса кейинроқ қурилган бўлса-да, ўзига хос форсий меъморий услубини сақлаб қолган. Самарқанд Эрондан мустақил бўлган бўлса-да, пештоқнинг тепа бурчаклари шер, қуёш ва форсий куролларнинг тасвирлари мовий ва оқ кошинлар билан дағал қопланган. Шер аслида йўлбарсга ўхшайди. Ҳар ҳолда шу каби кошинкор безаклар мадрасага Шердор, шерли деб иом берилишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Бинонинг олд тарафида, тўртбурчак шаклдаги саҳн бурчагида чумоли уясига ўхшаш кичик конуссимон сағана бўлиб, одатда ёқилган шамларни ва бошқа назр-ниёzlарни кўрадим.


Майдоннинг қарама-қарши тарафида Улугбек мадрасаси бўлиб, тахминан 1420 йилда шу ҳукмдор томонидан курилган. Баланд қаватли ҳамда атиги йигирма тўртта ҳужрадан таркиб топган. Ҳозирда анча ҳароб, ваҳоланки, бир вақтлар математика ва астрономия уйи бўлган. Ҳар бир бурчидаги улкан минораларининг баландлиги қарийб 150 футча келади.

... Майдоннинг шимолий томонидаги *Тиллакори мадрасаси* Шердор сингари Ялангтўш томонидан барпо этилган. Ташқи томони улкан равоқли пештоқ ва гумбазлардан, бурч-

<sup>1</sup> Сана хото берилган. Аслида мадраса 1619–1636 йилларда қурилган.

<sup>2</sup> Имомқулихон (1582–1644) – Аштархонийлар сулоласининг учинчи вакили. Ҳукмронлик даври (1611–1642) давлат ҳокимиятининг бир оз бўлса-да кучайиши, сиёсий барқарорликнинг ўрнатилиши, ўзаро ички низоларга чек қўйилиши билан изоҳланади. Унинг даврида Бухорода Лабиқовуз, Нодир девонбеги хонақоси ва мадрасаси, Регистонда Поянда масжиди қурилган. У хақда қаранг: Burton, Audrey. The Bukharans. A dynastic, diplomatic and commercial history 1550–1702. – Curzon, 1997; Мунши Мухаммад Юсуф. Муқим-ханская история. – Ташкент: АН УзССР, 1956.

<sup>3</sup> Ялангтўш Баҳодирхон (1576–1656) – ҳарбий бошлиқ, бий, сиёsatчи. Ўзбекларнинг олчин уруғидан. Бухоро хонларининг Самарқанддаги вакили бўлган.



Самарқанддагы Шердор мадрасаси.

лари эса миноралардан иборат, икки қаватли деразалари вайрон, аммо ҳовлиси дуруст сақланган ва деярли анча яхши. Ҳовлининг чап тарафида масжид бор. Минбари анча чиройли ёғоч пиллапоялардан иборат бўлиб, қибла томонидаги саҳн тилла суви югуртирилган бой нақшлар билан безатилганки, гўё тилла зар қоғоз нафис қопланми шаффоф сирланганнинг остидадек. Шундан бўлса керак, мадраса *Тиллакори* ёхуд тилла билан қопланган деб ном олган.

Қалъадан жанубда, унча баланд бўлмаган тепаликнинг юқорисида Самарқанднинг энг ноёб ёдгорлиги – *Гўри Амир* ёки Темур қабри жойлашган. У саккиз қиррали инишот бўлиб, қовун шаклидаги гумбаз билан қопланган ва иккита вайрон бўлган минорадан иборат. Биз ўчиб кетган тасвири пештоқ ва ҳовлидан ўтиб, масжидга олиб борувчи зиналарга келдик. Дарвоза тепасида: «Ушбу (бино – З.С.) исфаҳонлик ожиз қул, Махмуднинг ўғли Мухаммад томонидан қурилган», деган форсий ёзув битилган. Куббанинг ичкариси одатий ганчдан ишланган, деворлар эса олти қиррали эстамплар<sup>1</sup> билан бир-бирига яқин нафис ганч билан ишланганки, худди яшмага<sup>2</sup> ўхшаб кетади. Қиблага қараган томонда устун ва қалқиб турган от ёли билан йирик қадимий штандарт<sup>3</sup> бор.

Темурнинг қабри масжиднинг айнан марказида ҳамда узунлиги олти фут, кенглиги ўн беш дюйм, қалинлиги эса тахминан ўн тўрт дюйм келадиган яшилсимон қора, тептекис тошли плитанинг (айтишларича, нефрит) тепа томонида ҳамда тасвирилашганидек пирамида шаклида эмас. У ўртасидан икки қисмга бўлакланган ёхуд кесилган ҳамда юпқа бурчаклари парчаланиб, охир-оқибат силлиқланган, бир қисмидаги ёзув йўқолгани кўриниб туриди. Чеккаларида анча қадимий ҳарфли ёзувлар билан Темур баробарида унинг барча авлодларининг исмлари ва мақомлари ҳамда унинг вафот этган санаси – 807 (1405) йил кўрсатилган. Тош лавҳнинг ўнг тарафида бошқа бир кулранг мармар бўлиб, ҳажми худди шундай. Ёзувларидан 853 (1449) йилда вафот этган Темурнинг набираси Мирзо Улубекнинг

<sup>1</sup> Эстамп – эстамп (ганч, гипс, қоғоз ва шу кабиларга босиб туширилган ва кўчирилган гравюра, босма расм).

<sup>2</sup> Яшма – яшма (рангдор тош).

<sup>3</sup> Штандарт – кавалерия қисмининг байроғи.

қабри әканлигини билиш мумкин. Орка томони ва тепа қисми сувоқ билан қопланган. Темур қабрининг бошқа бир тарафидаги кулранг мармар лавҳ Улубекнинг ўғли, 854 (1450) йилда вафот этган Абдуллатифға<sup>1</sup> атаб қўйилган. Яна Улубекнинг бошқа уч ўғлига қўйилган тош лавҳлар бор. Булардан ташқари, Темур қабри ва штандарт ўргасида кулранг мармар лавҳ Темурнинг устози Шайх Мир<sup>2</sup> Сайид Баракага<sup>3</sup> аталган бўлиб, ундан икки йил кейин вафот этган. Масжиднинг деворлари турли ёзувлар, Куръондан олинган суралар ва бошқа диний матнилар билан безатилган.

... Унинг яқинидаги кичкина бинода Темурнинг рафиқаларининг қабрлари бор.

... Аркда, шунингдек, соҳибқироннинг собиқ саройи жойлашган бўлиб, бу ерда машхур қўктош сакланади. Ҳозирда русларнинг ҳарбий госпитали сифатида фойдаланиладиган мазкур аҳамиятсиз бино хом фиштдан курилиб, лой билан сувалган.

... Қўктош айвонда, остона қархисига қўйилган бўлиб, чўзинчоқ оқ-қўкимтири палахса мармар, тепаси силлиқланган, атрофларига арабескалар<sup>4</sup> ўйилган, бурчлари эса кичик пилиястралардан<sup>5</sup> ташкил топган. Узунлиги ўн футу тўрт дюйм, кенглиги тўрт футу тўққиз дюйм ва баландлиги икки фут, фишт ва сувалмаган асосдан ташқари тўққиз дюйм баландда турибди. Айтишларича, бу тош кўк ёки яшил тош бўлиб, кўк сўзи одатда ранглардан бирини англатади. Леман (агар бу муҳаррирнинг тузатиши бўлмаса) ўз саёҳатларида бу тош ҳақида эшитганлари асосида уни *лапис лазули* (*lapis lazuli*)


<sup>1</sup> Абдуллатиф (1423–1450) – темурийлардан. Улубекнинг ўғли. Шоҳруҳ саройида тарбия олган. Абдуллатиф 1449 йилда Самарқанд тахтини эгаллаб, унинг розилиги билан отаси Улубек ва укаси Абдулазиз Мирзо қатл этилган. Абдуллатиф олти ойлик ҳукмроилигидан сўнг, Улубекнинг хос навкарларидан бири томонидан ўлдирилган (1450).

<sup>2</sup> *Mir* – амир сўзининг қисқарган шакли. Ҳукмдор, ҳоким, подшо, вазирларга нисбатан қўлланилган. Айрим ҳолларда юқори имтиёзли кишиларга унвон тариқасида ҳам ишлатилган.

<sup>3</sup> *Mir Sayyid Baraka, Sayyid Baraka* (?–1404) – Амир Темурнинг пири. Асли Макка шахридан бўлиб, Амир Темур билан дастлаб Термиз шахрида учрашган. Сайид Барака Амир Темурга ногора билан байроқ тортиқ килгап. У Соҳибқироннинг қатор ҳарбий юришларида унга ҳамроҳ бўлган.

<sup>4</sup> Арабеска – меъморлик ва рассомлик санъатида қўлланилиб, геометрик шаклардан, барг, гул ва шу кабиларнинг тасвиридан таркиб топган мураккаб паки.

<sup>5</sup> Пилиястра – бир томони девордан чиқиб турган устун ёки колонна.



Темур мақбараси.


деб қайд этган. Кўк яна рангни билдирувчи иоаниқ сўз бўлиб ва ҳатто кулрангни ҳам алглатади, худди спортдаги *кўк бўри*, яъни «кулранг бўри»дек. Шу тариқа бу атама мармарга нисбатан ҳам қўлланади. Бу тошнинг шу номи эҳтимол четдан кириб келган бўлса керак.

Бобурнинг айтишича, Темурнинг Самарқанд аркида курдирган саройи маҳобатли, тўрт қаватдан иборат бўлиб, *Кўксарой*, Кешдаги яна бир саройи эса *Оқсарой* номи билан машҳур. «Кўксарой, – деб ёзади Бобур, – ажаб хосиятлик имораттур. Темурбек авлодидин ҳар ким бош кўтариб тахтқа ўлтурса ҳам мунда ўлтуур. Ҳар ким тахт дояси била бош қўйса ҳам мунда кўяр, ҳаттоким, кинояти бўлур эдиким, фалон подшоҳзодани Кўк саройға чиқордилар, яъни ўлтурдилар». Таъкидлашларича, кўктош Амир Темурнинг тахти учун асос бўлиб хизмат қилган ва эҳтимол Кўксаройда бўлгани учун бу номни ўша ердан олган. Хукмдорни кўктошга ўтқазиш анъанага айланиб, тош кўқдан тушганлиги, сохта хонга ёхуд асл бўлмаган авлоднинг яқинлашишига йўл қўймаслиги нақл қилинади.

Шаҳар атрофида Самарқанднинг гуллаб-яшнаган даврини эслатувчи бошқа ёдгорликлар ҳам бор. Улар орасида *Ишратхона*<sup>1</sup>, айтишларича Темурнинг рафиқаси томонидан ўзига дахма сифатида курдирилган, аммо уни кўрган Темур гўзаллигидан лол қолиб, қўккисдан саройга айлантирган. Ана шу ёдгорликларнинг энг ажойиби йирик тўртбурчли Хожа Аҳрор масжиди<sup>2</sup> бўлиб, баланд пештоқли ва равоқли эшиклари, безакли кошинлари ҳалигача яхши сакланиб қолган. Устунлар тепасида яна форс шерлари кўзга ташланади. Ичкарида талабалар учун ҳужралар, киришдан қарама-қаршида кентгина ўлчамли масжид бўлиб, биз ташриф буюрган пайт ўқувчилар ва мударрислар оқшом намозларини адо этишаётган эди.

<sup>1</sup> *Ишратхона* (Ишратхона макбараси) – Самарқандда темурийлар хукмдори Абу Саид ҳукмроилиги (1454–1459) даврида курилган меъморий ёдгорлик. Регистон майдонидан жануби-шарқда. 1893, 1903 йилдаги зилзилалардан жиддий зарар кўрган.

<sup>2</sup> *Хожа Аҳрор масжиди* – ўрта асрларга мансуб меъморий ёдгорликлардан бири. У мадраса, масжид ва минора ҳамда ховуздан иборат. Мадраса 1630–1631 йилларда Нодир девонбеги маблаги хисобига курилган.



Самарқанддаги Хожа Ахрор масжиди.

Катта бор ёқасида мозор бўлиб, бу ерда Хожа Ахрорнинг<sup>1</sup> жасади дағи этилган. У нафақат ўзининг авлиёлиги, балки улкан бойлиги билан ҳам машҳур бўлган. Ривоятларга кўра, Хожа Ахрор 400 йил муқаддам Тошкентда янаган, унинг асл исми Убайдуллоҳ бўлган. Аммо тақводорлиги учун уни Ахрор (Яратганга бағишлаган) деб аташган. У ёшлигидан ўзини илоҳиётга бағишлаб, нақибандия тариқатининг вакилига айланган. *Пирнинг<sup>2</sup>* вафотидан сўнг унинг (нақшбандия тариқатининг – З. С.) раҳнамоси бўлган. Айтишларича, бир неча ёш оға-инилар Маккани зиёрат этишгач, улардан бири Румга келиб қолади ва устози ўргатган дуоларни ўқиши ва ибодат қилиш орқали халифанинг оғир касаллигини даволайди. Халифа миннатдорлигидан унга ёқсан нарсасини танлашни таклиф этади. Шунда у халифа хазинасида сақланаётган учинчи халифа саналган Усмон Куръонини сўрайди. Айтишларича, мазкур Куръон Усмоннинг ўзи томонидан ёзилган ва уйида унинг мутолааси билан машғул пайтида ўлдирилганлиги сабабли унинг қони китобга саҳраган, қон излари ҳозиргача қолган. Халифа ўз ваъдасини бажо этиш мажбуриятида қолиб, машҳур Куръон Тошкентга олиб кетилган. Куръон бу ерда авлиёнинг (Хожа Ахрорнинг – З. С.) машҳурлигини яна ҳам оширган. Кейинроқ Хожа Ахрор Самарқандга кўчиб келгач, Куръонни ҳам ўзи билан олиб кетган. Унинг ўлимидан сўнг Куръон шу масжиддаги тошдан қилинган катта лавҳга кўйилган. У жуда чиройли қўлёзма бўлиб, пергаментга<sup>3</sup> тўлиқ куфий харфларида битилган.

Руслар Самарқандни эгаллагач, уни биладиган бирорта ҳам ерли аҳоли топилмади. Руслар унинг диний нуқтаи назардан табаррук қийматга эга эканлигини кўргач, баъзи мутаассиб муллалар уни Бухорога олиб кетиши ҳақида ўйлай бошлашди. Аммо генерал Абрамов бунга йўл берма-

<sup>1</sup> Хожа Ахрор – 1404 йилда Тошкентда таваллуд топган. Машҳур авлиёлардан бири бўлиб, Тошкент ҳамда Самарқандда кўплаб мадраса, масжидлар курилишига ҳомийлик қилган. Баҳоуддин Накшбанднинг издоши бўлган. Жуда катта ер-сув, мол-мулкка эга бўлиб, бутун умри, куч-ғайрати ва бор мол-мулкини юрт тинчлиги, ободлиги йўлида сарфлаган. Тасаввуфга оид бир қанча асарлар ёзган. Унинг «Рисолайи волидия» асари ҳалқ ичидаги машҳур бўлган. 1490 йилда вафот этган ва Самарқандда дағи этилган.

<sup>2</sup> Баҳоуддин Накшбанд назарда тутилган.

<sup>3</sup> Пергамент – когоз ихтиро қилинмаган вакъларда маҳсус йўл билан тайёрланиб, ўринида ишлатилган ҳайвон териси; тери когоз.

ди. Масжид имомлари ўзларининг шахсий розилиги билан уни 125 рубль эвазига сотишни таклиф килишди. Чунки халойиқ келиб уни ўшиш ва қўл теккизиш учун пул (аслида зиёрат тули – З. С.) тўлаб қўйган ва бундан буён бундай қилолмаслигидан шуни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозимлиги келишилган. Хозирда Куръон Санкт-Петербургдаги Империя оммавий кутубхонасида сакланмоқда.

Гарчанд Самарқанд бозори Тошкент ва Хўжанддаги бозорларга таққослаганда унча йирик бўлмаса-да, Самарқанднинг хозирги 30 000 аҳолиси учун етарлича катта саналади. Эски бозорнинг асосий қисмлари – *тимлар*<sup>4</sup> – йирик саккиз бурчакли ёпиқ бинода майда-чуйдалар, икки-учта ёғоч уйда эса ипак ва пахтадан тайёрланган моллар сотилади. Хиндлар ва яхудийлардан ташқари, бу ерда кўплаб аффонларни, дарвешлар ёки бу ерда қаландарлар<sup>5</sup> деб аталганларни хам учратиш мумкин. Гарчи уларнинг шаҳарга тез-тез келишлари ва хайрсада сўраб юришларига рухсат берилган бўлса-да, ибодат қилишлари ва намоз ўқишлари тақиқланган. Бир куни сахарда мен ва Мулла дарвозалардан шундоққина ташқарида жойлашган қаландархонага бордик. У Самарқандда қолган бир неча дарвеш жамоаларидан бирига тегишли бўлиб, катта боғ, бир-иккита масжид ва қатор кичик ҳужралардан иборат эди. Биз етти-саккизта боёқиши мутаассибларга дуч келдик. Уларнинг раҳнамоси ёхуд пирига хурматимиздан пул берувдик, бизни ҳам чой ичишга таклиф қилиб, қўшиқларини куйлашни бошлашди.

... Самарқанд аҳолиси орасида яхудийлар ҳам кам қизиқиши уйғотмай қолмайди. Рус маъмурияти паноҳи остида бу ерда улар бошқа аҳолига нисбатан энг кам ҳуқуqlарга эга. Бир вақтлар улар алоҳида ажратилган даҳаларда яшашга мажбур этилган бўлиб, бу каби даҳалар хозиргача сакланиб

<sup>4</sup> Тим – усти ёпиқ бозор, савдо растасининг баланд томи, гумбази. Тимлар қадимда асосан йирик шахар марказларида, кўчалар кесишган чорраҳа, чорсу, гузар майдонида, карвонсаройлар якинида жойлашган. Усти улкан гумбаз билан копланиб, бир неча хунармандлик дўконлари ва савдо расталарини ўз ичига олган.

<sup>5</sup> Дарвеш, қаландар – тарки дунё қилиб, тасаввуф йўлига кирган, бола-чака, уй-жойдан кечиб, дарбадарлик ва хайр-эхсон билан кун кечирувчи киши. Каландар муайян жамоа (сулук)га бирлашиб, унинг таълимотини гариф этган, ўз муршиди (шайх, эшон ёки пир)нинг кўрсатмаларини бажариши шарт ҳисобланган. Ўрта Осиёда уларнинг фаолияти билан боғлиқ қаландархона ва хонақолар мавжуд бўлган.

қолган. Шунингдек, яхудийларга шаҳарда отда келишлари ва белбоғ сифатида арқондан бўлак нарсани бойлашлари ҳам тақиқланган.

... Бир неча осори атиқа сотиб олмоқчи эдим, бир куни бир яхудий ўзини танишириб, баъзи юони ташгаларию, қимматбаҳо тошларни келтирди. У бу соҳада эндиғина иш бошлаган экан. Отаси Маъмун исмли яхудий бўлиб, Бухорода *лапис лазули* савдоси бўйича машхур саналиб, Стоддарт<sup>1</sup> ва Коноллининг<sup>2</sup> ўлдирилганлигини суришириш учун Бухорога келган доктор Вульф<sup>3</sup> билан яқин дўст бўлган экан. У ва отаси савдо-сотиқни ўрганишга Хинди斯顿га бориб, у ердан Европага боришга қарор қилишган. Бунинг учун Бомбайга<sup>4</sup> бориб, у ердан ўзларига британча моллар ва Британия паспортини олишлари лозим эди. Лондонда бир йилдан кўпроқ бўлишгач, отаси Бухорога қайтган ва ҳозиргacha ўша ерда. Ўсли эса Парижга бориб, у ерда уч-тўрт йилча бўлиб, сўнгра Самарқандга қайтган. Инглизчада бемалол гаплаша олади. Французчаси ҳам анча дуруст. Уни дўппию узун чопонли юртдошларининг орасида Парижча кичик пальтода, мутлақ европача кўрини анча ғалати эди.

Яхудийлар ҳам соchlарини мусулмонлар сингари қиртишлаб олишса-да, чаккаларида иккита узун зулф колдиришиб, иложи бўлса жигигалак қилиб қўйишади. Бошқа ҳолларда маҳаллий кийим-бошни танлашади. Мени яхудий даҳасига олиб боришга таклиф қилиб, бир сахар у билан бирга ўша ёққа йўл олдик. Даастлаб Мушти Қалантар исмли бой яхудий

<sup>1</sup> Стоддарт, Чарльз (1806–1842) – инглиз зобити ва дипломати. 1838 йилда амир Насрулла томонидан ҳибга олиниб, 1842 йилда Британия империясининг айфоқчиси сифатида қатл этилган.

<sup>2</sup> Конолли, Артур (1807–1842) – британиялик разведкачи, сайёҳ ва ёзувчи. «Катта ўйин» («Big Game») атамасини даастлаб қўллаган муаллиф. 1841 йилда британиялик бошқа бир разведкачи – полковник Чарльз Стоддартни озод этиш учун Бухорога келган Конолли асирга олиниб, амир Насрулла томонидан ҳар иккиси ҳам 1842 йилда қатл этирилган.

<sup>3</sup> Вульф, Жозеф (1795–1862) – британиялик миссионер. Ўз саёҳатлари ҳақида қатор китоблар муаллифи. 1843 йилда инглиз зобитлари – полковник Чарльз Стоддарт ва капитан Артур Коноллини излаб Бухорога келган. Ж. Вульф уларнинг қатл этилганидан хабар топгач, Англияга қайтган. Ж. Вульф ҳақида батафсил қаранг: *Palmer, Felix Henry Price, Joseph Wolff. His romantic life and travels, etc.* – London: Heath Cranton, 1935.

<sup>4</sup> Бомбай (ҳозирги Мумбай) – Хинди斯顿нинг ғарбида, Арабистон дengизи соҳилида жойлашган шаҳар. XIX асрда Хинди斯顿нинг муҳим иқтисодий ва ижтимоий марказига айланган.



Самарқанд яхудийлари.

томонидан қурдирилган янги синагогага<sup>1</sup> кирдик. Кенг пешайвоннинг ҳар икки тарафида раввин<sup>2</sup> учун ёзув столи борйирик хона бўлиб, одмигина, аммо анча чиройли безатилган эди. Орқа тарафда эса китоб қўйиш учун бўлмали стол бўлиб, унда диний қонун-коидалар ўрамлари жойлаштирилган, уларнинг ҳеч бири ўта қадимий эмас. Раввин ва унинг ёрдамчиси иккита синфдаги ловуллаган ва шўх болаларга чоғроққина ёндош хоналарда машғулот олиб боришарди. Раввин анча зиёли бўлиб, бу ерга ҳатто синагога ҳам бўлмаган, расмийларнинг кўзидан яшириниб юрган эски Бухоро замонларида Марокашдан келиб қолган.

<sup>1</sup> Синагога – яхудийлар ибодатхонаси.

<sup>2</sup> Раввин – яхудийлар руҳонийси.

Синагогадан чиқиб Қалантарнинг уйига бордик ва дараҳтлар остидаги боғида узоқ вакт ўтиридан. Бир маҳал ёнипчиқсиз, очик юзли чиройли қиз бизга янги узилган атиргуллардан гулдасталар келтирди. Бироз вакт ўтгачгина, соқолига оқ оралаган тақводор Қалантарнинг ўзи ҳам келиб, биз билан чой ичди. Яхудий аёллари уйларида юзларини очиб юришиб, қўчада нохуш ва ҳақоратли танбехлардан қочиб, мусулмон аёллари сингари юзларини чодра билан ёпиб юришади.

Мен Самарқандда Афғонистоннинг собиқ ҳукмдори Абдураҳмонхон<sup>1</sup> ва жияни, ҳозирги амир Шерали билан танишдим. Дўстмуҳаммадхондан ўн олти ўғил қолган бўлиб, унинг ўлимидан сўнг таҳт учун анча жанжаллар бўлиб, охирида Шерали Кобулда ҳокимиятини ўрнатган. Уни қонуний амир дея хинд расмийлари ҳам тан олишган. Бир неча ака-укалар, ҳар ҳолда унга бўйсунишдан бош товлаб, исён кўтаришган. Улар орасида Афзалхон, аниқроғи унинг ўғли Абдураҳмон бўлиб, Афзалхон курашда суст иштирок этди. Кобулга келиши буйруқ қилинса-да, Абдураҳмон қўним тониш учун Бухорога қочиб қолди. Дарғазаб бўлган Шерали унинг отасини ҳибсга олди. Бу воеа 1864 йилнинг ноябрь охирларида рўй берди. Янаги баҳор яна исён кўтарилди. Бу сафар Азимхон бошчилигидаги қўзғолон Шерали томонидан бостирилиб, ўзи Қандахорга ҳайдаб юборилди. Сўнгра Абдураҳмонхон Бухоро қўшинидан бирозини йифиб, улкан ғалабалари билан Афғонистонда пайдо бўлди. У Балх вилоятини эгаллаб, тўғридан-тўғри Кобулга ҳаракат бошлади.

1866 йилнинг 1 марта шаҳарга кириб, отасини қамоқдан озод қилди. Шерали икки карра синдирилди ва 1867 йилнинг охирда Хиротга қочиб кетди. Ихтилоф икки йилдан узоқ чўзилди. Афзалхон ўлди ва Абдураҳмон амир деб эълон қилинди. Охир-оқибат 1868 йилда Кобул ҳам қўлга киритилиб, Абдураҳмон ва Азимхон мағлубиятга юз тутиб, Машҳадга қочишиди. 1869 йилнинг июлида Абдураҳмонхон Россия худудидан бошпана қидиришга рухсат берилишини сўраб Самарқандга вакил жўнатди. Унга агар бу ердан бошқа яна ҳеч жойга бормаса, бошпана берилиши мум-

<sup>1</sup> Абдураҳмон (1844–1901) – Афғонистон амири (1880–1901). 1869 йилда таҳт учун ўзаро низоларда мағлубиятта учрагач. Туркистонга қочган. 1878–1880 йиллардаги инглиз-афғон уруши даврида ватанига қайтиб, Шимолий Афғонистонда ўз ҳокимиятини ўриатган. 1880 йилнинг 31 июлида Заммада Афғонистон амири деб эълон қилинган.

кинлиги ҳақида жавоб қилинди. Шу сабабдан у 1870 йил март ойида Тошкентта келиб, бу ерда яхши қабул қилинди. Россия ҳукумати унга йилига 25000 рубль пенсия белгилаб, Самарқандда қолишини қаттиқ туриб талаб қилишди.

Абдураҳмонхон Санкт-Петербургта бориши учун бир неча бор рухсат сўраган бўлса-да, хар гал рад этилди. Тўрт йилча муқаддам генерал Кауфмандан унга 100000 рубль беришни сўраб, бу маблағ билан Афғонистонга қарши ғалаён кўтариши мумкинлигини сўзлаб, бу унинг ҳисобига ҳал бўлишига умид қилган эди. Генерал Кауфман бундай маблағни унга беришни рад этиб, буни русларнинг Афғонистон ички ишларига аралашишга хоҳиши йўқлиги билан изоҳлади. Шундай бўлса ҳам, у амирнинг Самарқанддаги боғида осойишта яшамоқда ҳамда йилига 5000 рублдан кўп маблағни ўзининг барча вакиллари ва шу каби маҳфий ишларига қатъий сарф этмоқдаки, ўзи ўйлаган юришга тайёргарлик кўришига эндиликда қарийб тайёр.

У билан кўришини жудаям хоҳлаганимдан, қачон чақириши мумкинлигини сўраб одам жўнатдим. У эса менинг ҳузуримга биринчи бўлиб келиши ўзи учун шараф эканлигини айтиб, эртаси куни ташриф буюришини билдириди. Тахминан соат бирларда чопар келиб, афғон шаҳзодаси йўлга чиққанини маълум қилди. Биз эҳтиром юзасидан, гарчанд ҳокимиятдан ағдарилган бўлса-да, эшикка чиқиб, уни кутиб олдик. Абдураҳмон узун бўйли, келишган одам бўлиб, калласи катта, юзи афғонга ва яна деярли яҳудийга ўхшаган экан. Чаккаларидаги сочлари узун ва тўлик, ҳар бир харакатидан кучли характеристери ва буйруқ беришга ўрганганлиги кўриниб турарди.

... Шаҳзода мен билан бир соатдан кўпроқ қолди ва кетар чоғи мақбул вактда мени қабул қилиш учун одам жўнатишини айтди. Аммо шундан сўнг ундан хабар бўлмади. Самарқандга кейинги келганимда ҳам уни кўрмадим.

Айтишларича, у осойишта ва тежаб-тергаб тирикчилик ўтказаётганидан бегоналарга буни кўрсатишни истамас экан. Ҳар ҳолда Россия ҳукуматининг унинг билан тузган битимидан, уни (шаҳзодани – З. С.) фитна воситаси сифатида фойдаланилмаганидан унчалик рози эмас. Бирда Тошкентта келганида генерал-губернаторнинг извоши унинг ихтиёрига берилганини, иккинчи ташрифида эса одатдаги от-увовдан фойдалангани, учинчи келганида эса яёв қолганини алам билан айтиб берган эди.

Россия истилоси Ўрта Осиёга Сибирь ва Оренбургдан кочиб келган ва ўз юртларида турли ишларга аралашиб қолган кўплаб, айниқса рус авантюристларига рўшиолик келтирди. Бухоро ва Кўконда ана шундай эркаклар ҳалиям мавжуд, баъзилари рус расмий маъмурияти билан сулҳ тузиб, улар ишғол этган туманларда яшаб қолишган.

Мен энг кўп эшитган ана шундай одамлардан бири, афсуски Самарқандга келишимдан аввалроқ вабо туфайли қазо қилган экан. У поляк миллатига мансуб бўлиб, бир неча сиёсий жинояти учун Орскка жўнатилган эди.

... Самарқандда мен Ўрта Осиёдаги ҳақиқий рус аскари билан илк бор танишдим. Тўғри, уларни Тошкент ва бошқа ерларда кўрган бўлсам ҳам, аксарият ҳолда кўчада масталаст юрар, аммо бу ерда уларни казармаларда, лагерда машқ бажараётган ва ишлаётганлигининг гувоҳи бўлдим.

Самарқандга кейинги икки галги ташрифимда мен дўстим Т\_ билан лагерда яшадим. У кўмондон эди. Ушбу лагерь шаҳар деворларидан ташқарида, бир қанча йирик боғларда жойлашган. Биз бўлган улардан бирида Намозгоҳ деб аталган масжид бўлиб, асосан катта маросимлар ўтказишида фойдаланиларди.

... Йилда бир ёки икки марта хизмат муддати тугаганлари хотин ва бола-чақалари билан бирга уйига ҳукумат маблағи ҳисобига жўнатилиб, уларни ташиш учун туялар билан таъминланган. Менинг ўзим Тошкентдан қайтар кечам ана шундай карвонлардан бири қайтаётганлигига гувоҳ бўлдим. Бу фавқулодда кулгули холат эди: қарийб ҳамма эркаклар маст, ахир ўртоқлари эмас, айнан улар жўнаб кетишаётганига хурсандчилик қилишмасинми? Ҳаттоқи маст бўлсалар-да, ўртоқлари ташлаб кетганлари йўқ. Хотинлари ва ичмаган ҳамроҳлари туяларнинг қинғир-қийшиқ устида ёнбошлишиб ёки бир уюм юкка ўтқазиб олиб, мashaққат билан зўрға тутиб боришар, айримлари кўз ёши қиласар эди.

Кўққисдан биттаси йиқилиб, бунинг натижасида жароҳат олишини ҳам хаёлига келтирмай, яна бир амаллаб қайта ўтириб олди. Ажабланарлиси, аскарлар ва уларнинг хотинларига мустамлакачи сифатида қолиш учун ҳеч қандай мажбурий чора қўрилмаган эди, чоғи. Кўплари бу ерда камида маълум муддат қолишдангина мамнун, аммо уйларига бепул

элтиш учун имтиёздан дархол фойдаланиб қолиш ҳаракатида бўлиб, у бошқа яна берилмас эди.

Самарқандда руслар жамоаси жуда камчиликни ташкил этиб, улар ҳозирча бир неча янги уйларга жойлашган, холос. Аркнинг бир томонида барпо этилаётган даҳада кўчалар ҳамда хонадонлар сони аста-секин ўсиб бормоқда. Ташифларим давомида бутун минтақа остин-устун ва чигаллик домига айланган эди. Икки-учта савдогардан ташқари рус ахолисини зобиту расмийлар ва уларга ҳамроҳлик қилганларнинг лагерлари ташкил этарди. Икки ёки учта зобитнингина хотини бўлиб, рус жамияти маҳаллий ахолига қараганда деярли эркаклардан ташкил топган эди. Бу каби йироқ минтақаларда никоҳ маросимлари энг муҳим саналиб, жамият ўзига у қадар расмиятчиликни раво кўролмасди.

Самарқанд ва Тошкентдаги маъмуриятлар орасидаги фарқдан ажабланмаса ҳам бўлади. Расмийларнинг деярли барчаси кўнглида мамлакатнинг фаровонлигини ўйлагандек кўринар ва ўз ишларига жиддий ёндашган. Уларнинг бу ерда қолган қисмини «Черняев одамлари» деб аташиб, уларнинг аксарияти генерал ва унинг Ўрта Осиёга уюштирилган ҳарбий кампаниясида иштирок этганлардан иборат.

... Бу даврда шаҳар ҳокими келиб чиқиши бошқирд мусулмонларидан бўлган жаноб, капитан Сиртлонов эди. Қозоқ, туркий ва форсий тилларда равон гаплашарди. Унинг уйида яшаган пайтимда шаҳар ишларини қай тарзда олиб бораётганини кузатиш имконига эга бўлдим. Аҳоли у билан мусулмон бўлгани учунгина эмас, балки уларнинг арзига қулоқ тутиб, баҳсли масалаларни дикқат билан, адолатли ҳал этишда етарли саъй-харакат кўрсатганидан яхши муомалада бўлишар ва ундан мамнун эди. Аҳоли манфаатларини ўйлаб, Самарқандда ажойиб оммавий касалхона ташкил этди ҳамда мусулмон болалари учун мактаб ташкил қилинишида асосий ишларни адо этдики, бу унинг улкан муваффақиятларига сабаб бўлди. Ҳозиргача таниқли мусулмон вакиллари рус тилини ўрганишлари учун болаларини у ерга жўнатишмокда. Афсуски, бу ерда ҳам аҳоли, ҳам Россия ҳукуматининг энг яхши манфаатларига хизмат қилувчи одам йўқ. Генерал-губернаторнинг калласига бўлмағур фикрлар келиб, уни бошқа ишга ўтказишиди.

## ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ

Ургут – Фаровон ҳаёт гашти –  
Иккинчи ташриф – Тоз тизмалари – Музлик –  
Юқори Зарафшон – Кўҳистон – Кичик беклар –  
Искандаркўл экспедицияси – Аннексия<sup>1</sup> –  
Ўрта Осиёдаги экин ерларининг камлиги –  
Сугориш каналлари – Сугориши тартибга солиши –  
Бухоронинг сув таъминоти – Сугориши усуллари –  
Зироатчилик тизими – Алмашлаб экиш –  
Галлачилик – Очарчилик – Статистик маълумотларнинг  
етишмаслиги – Пахта – Боглар – Ернинг баҳоси –  
Ерга эгалик – Ер муносабатларини  
тартибга солиши – Ер соликлари

Самарқанддаги дўстларим Ургутга – йигирма мил узоқдаги тоғларга сафаримга тайёргарлик кўриш учун яна икки-уч кун қолишга кўндиришди. Шу сабаб биз кичик гурӯҳ тузиб, пешинда бир неча йигитлар ҳамроҳлигидан Самарқанддан йўлга чиқдик. Биз ковул ўсимлигининг муаттар иси ва сарик гуллаган жийданинг ўткир хиди тарқалган йўлкалар бўйлаб юриб, сўнгра боғлардан холи теп-текисликка чиққач, дўстим – ҳокимнинг мен учун тайёрлаб қўйилган кутилмаган совғаси – пойганинг устидан чиқиб қолдим. Пойга Ўрта Осиёдаги машхур миллий спорт ўйинларидан саналиб, яна «кўк бўри» номи билан маълум<sup>2</sup>.

Очиқ даланинг бир тарафида элликтacha отлиқ кутиб туришар, улардан бири эгариға жонсиз улоқчани осиб олган эди. Етиб келишимиз биланоқ халиги одам от чоптириб бизга яқинлашиди-да, ўйинни томоша қилишимизни сўради.

<sup>1</sup> Аннексия (лотинча – қўшиб олинган) – бир давлатнинг буткул ёки аларим худудини бошқа бир давлат томонидан бир томонлама куч ишлатиб қўшиб олин.

<sup>2</sup> Бу ерда гап кўпкари ўйинни ҳақида кетмоқда.

Сўзсиз, биз рози бўлдик. Ўйинни бошлиши биланоқ қолган ҳамма унинг ортидан қувиб кетишиди.

Ўйиннинг қоидаси улоқли олиб қочгандан уни олиб, ҳакам саналган менгача олиб келиш эди. Улар каналлар ва текисликлар оша узоққа кетиб, тепаликдан юқорию пастга, баъзан олдинга, баъзан ортда қолиб от суришар, улоқни тутиб олган отлиқ эса моҳирлик билан чап бериб, асосий кучини жониворни тутиб қолинига берар эди.

Рақиблари мудом унга яқинлашиб, улоқни олишга интилишар, уни тутиб қолиб, қурашини давом эттириша олмас эди. Эшжон, исми шундай эди, чоғи, бир жойда уни қувиб келаётганлардан кочиш учун сувга, аникроғи мен ўйлаганимдан ҳам чуқур ва тез оқадиган кенг каналга тушди. Тезда у ерга ўнта одам ҳам бор кучи билан тушиб, сув отларининг қулокларигача етди. Барчаси кўнгилсизликдан холи сувдан чиқишиди. Улоқ ҳам ҳалигача хавфсиз, аммо фақатгина Эшжон сувга тушмасдан, тепаликдаги пистирмада кутиб турган одамлардан бирининг олдига бориб, шалаббо улоқни ўзидан улоқтириди. Бу унинг ғолиблигини англашиб, мен унга танга бердим ҳамда улоқни боиқа бир пойгачига бериб юбордим. Янаги гал улар шағалли ялангликда кўзимиздан йирокқа кетиб, тезда бошқа бири ғолиб сифатида қайтди.

... Ўн беш милча юргач, бизга ҳамроҳлик қилган маҳаллий расмийлардан бирига қарашли Янгикишлөк деб номланган қишлоқ, аникроғи хўжаликка етиб келдик. У бизни бу ерда бироз ҳордиқ чиқариб олишга қистаб, бир тарафида тўртбурчак ҳовузи бор катта бокқа бошлади. У ерда чодир ўрнатилган бўлиб, тўкин-сочин тушликниг устидан чиқдик.

... Ургутга кириб келганимизда қоронғу тушиб улгурган, кўчада бизни кутиб олган аҳолининг бари йўлни кўрсатиш учун чироқ ва машъалалар кўтариб олган эди.

... Эртаси сахарлаб соя-салқинда, муаттар ҳид таратган чинор дарахтлари остида уйғондик. Тоғдан оқиб келаётган сой олдимиздан оқиб ўтиб, суви шунчалик тоза эдики, умримда бунақасини кўрмаганман. Сойнинг совуқ сувида чўмилиб, ўзимизни анча тетик ҳис қилдик.

Чой ичиб ўтирувдик ҳамки, шаҳар оқсоқоллари ҳурмат юзасидан келиб, хоҳиш-истакларимизни сўраб қолишиди. Биз

уларга шаҳарни кўриш истагимизни айтганимизда, зудлик билан отларни тайёрлашини буюришди. Т\_ уйда қолди, аммо М\_ ва менга ҳамроҳлик қилган оқсоқоллар тоғ йўли бўйлаб Зарафшон водийси, Самарқанд, узоқдан қўриниб турган Чўпонота тепалигининг ажойиб манзарасини томона қилиб шаҳарга жўнадик.

Тўла-тўқис вайрон бўлган ва ҳозирда ҳеч ким истиқомат қилмайдиган, генерал Абрамов хужумидан сўнг ўз ҳолига ташлаб қўйилган арқдан ўтдик. Шаҳар ахли ўзларининг бекларини бошқа шаҳарлардагиларга қараганда анча яхши кўрар экан.

Бозорлик куни бўлганидан, гарчанд шаҳарнинг аҳолиси 10000 киши бўлса-да, бозори Ургут аҳолиси билангина эмас, тоғлик бекликлар ва ҳатто Ҳисор ва Қоратегиндан ҳам одамлар келганидан анча гавжум эди. Дўкондорлар ўзларининг дўкончаларида пуштиранг атиргулли русча чит чопонда ва саллалари остидан қулоқларига ялпиз новдаларини тақиб салқин ва шинам жойда ўтиришган бўлса, отларга миниб олган харидорлар тўдаси эса оғир уст-бош ва қўй тери пўстинда анча лоҳас қўринишарди. Оқсоқоллар эса уларни қамчилари билан тутишиб, биз учун йўл очишар, улар эса қизиқканларидан самимий жилмайиб қўйишарди.

Бироқ чанг ва иссиқ кучайганидан тезда бозордан қайтиб, дам олиш учун бирор-бир жой сўрадик. Кичик сой ёқалаб бироз юргач, ўртасида тўртбурчак ҳовузли, кўплаб чойхоналари бор, узун элма ва чинор дарахтларининг сояси тушиб турган ҳовузнинг бир тарафида биз учун гилам тўшалган катта боғни кўрсатишиди. Шойи чопон кийиб олган эпчилгина бола тезда кўк чой келтирди.

Оқсоқолнинг бизга қўшилган бир неча дўстлари билан тезда сухбатга киришиб кетдик. Чой сотувчи бола яхши рақкос ҳам экан, бир пайт томошага ҳеч қандай эътиrozимиз йўқлигига ишора қилиб, рақсга туша кетди. Яна бошқа бир бола унга қўшилди. Тезда бесёнақай чилдирмалари билан уч-тўртта мусиқачи пайдо бўлди. Илк бор товуш чиққач, боғ одам билан тўлди. Ҳар қандай осиёликка завқ олиш учун бирор баҳона бўлса, бас. Дўконлар тақа-тақ ёпилиб, бозор шип-шийдон бўлди-қолди. Қисқа вақт ичида ҳовуз бўйида

саф бўлган ва ҳатто девор усти ҳамда қўшни иморатларнинг томларига чиқволган томоша истовчилар билан боғ тўлди.

Томоша ҳақиқатан жуда жонли бўлди. Бир ракс кетидан бошқаси уланиб, баъзан тиланчилар хайр-эҳсон учун келар, оломон эса кундуз маҳали шупдай гавжум жойда ноодатий ўйин-кулги учун ўзининг миннатдорчилигини намойиш этиб, бизни атиргулларга кўмиб таллашиди. Қуёшли кўчадаги чи-даб бўлмас жазирама дикқатни жалб қилувчи томоша билан уйнуналашиб, элма дараҳтлари остидаги болишларимиздан туриб, отларимизни эгарлаб, яна ўзимизнинг кулбага қайтгунча ҳаяллаб, бу ерда икки-уч соат қолиб кетдик.

Нихоят йўлга чиққач, тоғ томон йўлимизнинг ярмигача эҳтиром кўрсатган аҳоли билан тўлди. Бироқ уларнинг ҳеч бири бизнинг бокка қўйилмади. Бон оқсоқолнинг ўғли, ўн олти ёшлардаги Мадамин деган бола ва хизматкорлар бизни кўриқлашди. Унинг оёқларидаги катта этикни ҳар ҳолда кун бўйи изғиб юрганидан биз билан кетишимиздан бурун танишишни хоҳлаганидан отаси бериб турган, шекилли.

Бироз кейинроқ сой бўйлаб узумзорлар ва чирмовук ўсимликлар остидан юриб, нихоят осилиб турган тик қояли чўққига токи тепасидан тоғ, текислик ва дарёнинг ажойиб манзараси кўрингунга қадар кўтарилдик. Атроф манзара билан кўзларимиз ва қалбларимизни тўлдириб, чўққидан аста-секин пастлаб, отларимизга ўтириб, Ургут билан хайрхўшлашдик. Бир кун эртароқ юк ва араваларимизни Янгикишлокқа жўнаттанимиздан тўғри ўша ёққа от суриб кетдик. Кейинроқ кечқурун мамнун кайфиятда ҳамда гўё узок бир хаёлий оламда бўлиб қайтгандек, ўзимизни жонлантириб Самарқандга етдик.

Бухородан қайтишимда яна бир бор Ургутда бўлдик, аммо бу галгиси давлат ташрифи бўлганидан мен генерал, ўн иккита зобит ва казакларнинг қўшинидан иборат соқчилар кузатувида бордим. Бу сафаримиз кўп жиҳатдан аввалгисидан бироз зерикарли бўлса-да, лекин ундан анча фарқ қилди. Тўхташ жойларимизда гиламлар тўшалиб, чодирларда зиёфатлар ташкил қилинди. Жойлардаги вакиллар ҳар бир чақиримда бизни кутиб олишиб, шаҳарга етганимизда йирик тантанали маросим ташкил этишди. Чанг-ғубор кўтарилгани кўнглимизга унчалик хуш ёқмади.



Ургутлик ўсмир.

Бу ерда (Ургутда – З. С.) уч кун қолиб, эрталаблари пиёда кезиб, тоққа чикдик. Тушдан сўнг бекорчилиқдан хурсанд, оқшомларни эса гурунг, карта ўйнаш билан ўтказдик. Биринчи куни шаҳар ва қўшни қишлоқлардан ширинликлар, ёнғоқ ва мева-чева, кўпгина ёзма мурожаатлар келтирган вакиллар билан бўлиб, тушликни анча кеч қилишимизга тўғри келди.

Ҳиндларнинг ташрифи ҳар ҳолда ҳаммамизга анча хуш ёқди. Қизикарли юз ифода ва қоматлари билан, бизга маъқул бўладиган нарсани нозик туйғу билан билгандек, ўзларининг ҳадяси – бир қоп яхши картошка келтиришди. Ҳар ерли вакиллар қабул қилингандан сўнг, орқага бироз чекиниб, ерга ўтиришар, қолган аҳоли навбатма-навбат келиб, уларнинг ортидан жой олишар эди. Бу эса бизнинг тушликка қайсиdir маънода тантанаворлик баҳш этар, бир киши минглаб одамларнинг диққат-эътиборида бўлиб, барча тўлиқ соқинликни сақлаб, олий вазифани адо этарди. Сафаримизда бизга Тошкент ҳокимининг иккита кичик ўғиллари ҳам ҳамроҳ бўлиб, туркийда яхши гаплашишар, Ургут ёшлари би-

лан танишиб олишгач, уларни тўппончаларимиздан отишга рухсат олиш эвазига биз билан ҳамроҳ бўлиб тоғ тепасига чиқишига, бизга қизиқарли жойларни кўрсатишига, шахар хақидаги ривоятларни айтиб беришига осонгина кўндиришиди.

Ургут тарафдаги тоғлар Олой тизмасини ташкил этган улкан Тяньшань тоғ тизмасининг давоми бўлиб, Кўқон ва Коратегин ўртасидаги Кўксув ҳамда Кўқон шаҳридан бироз шарқдаги  $71^{\circ}$  меридианда ўзига хос тугун ҳосил қилган. Сўнгра учта алоҳида тоғ тизмасига бўлиниб, Сирдарё, Зарафшон ва Амударё ҳавзалари ўртасида чегара ажратиб туради. Унга руслар эндиликда Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тизмалари деб ном беришига рози бўлишган.

... Зарафшон водийсининг жанубий томонида шаклланган Зарафшон тизмаси, уни Яғноб ва Қашқадарё водийларидан ажратиб, тўғри гарбга томон чўзилган. Жомга томон пасайиб бориб, у ерда тугайди. Яна кейинроқ Зиёвуддин ва Кармана жанубидаги пастак Қарнон ва Қизбиби тизмалари билан пайдо бўлади. У учта тор ва тик жарли даралар билан кесишиган бўлиб, улардан Зарафшоннинг учта ирмоғи – Фандарё, Киштутдарё ва Магёндарё оқиб ўтади. Зарафшон водийсидан Яғнобга ўтиш учун энг қулай дара Дарҳа бўлиб, баландлиги 13000 фут келади. Тоғ тизмасининг баландлиги бу ерда 12000 дан 15000 футгача. Жанубий ёки Ҳисор тизмаси Кўксувдан бошланиб, Зарафшон сувини Сурхоб<sup>1</sup> ва Амударёнинг бошқа ирмоқларидан ажратиб туради.

Асосан жануби-гарбий йўналиш бўйлаб чўзилган, Фузор атрофларида тугайди. Коратегинга элтувчи қатор дараларнинг баландлиги 12000 фут. Искандарқўл яқинидаги улкан Мура дараси эса денгиз сатҳидан 12200 фут баландда жойлашган. Кўплаб чўққиларининг баландлиги 16000 футдан 18000 футгача, Зарафшон музлиги яқинида эса ундан ҳам баландроқка қад кўтарган. Бу тизманинг Магён ва Киштут яқинидаги тармоқлари Зарафшон билан бирлашиб кетгандай туюлади. Бу ердан Магён жанубига қараб чўққилар сирасидаги Султон Ҳазратнинг баландлиги 15000 футдан зиёд. Урмитан меридианидаги Чапдара чўққиси эса 18300 фут келади.

<sup>1</sup> Сурхоб – бошланишида Қизилсу, Муксу дарёси қўшилгач эса Сурхоб номини олган дарё. Амударёнинг ирмоғи саналган Вахшга қуйилган.

Бу тоғларнинг хусусиятли томони шундаки, уларнинг шимолий ёнбағирлари жанубийсига қараганда узунрок, тик жарлари кам ва сойлари кўп бўлиб, куп-куруқ. Тошли қояларнинг ҳаммасининг устида қорли чўққилар ҳамда шимолий тарафларидан қор чегаралари 11000 фут пастга, жанубий тарафларидагиси эса 13000 футгача етади. Ўсимликлар кўзга кам ташланиб, озгина бори ҳам яланғоч тепаларда йўқолиб қолгандек, гўё.

Асосий дарахтлари арча ва кедр<sup>1</sup> бўлиб, қайин фақатгина Искандаркўл кўли ва Пошрут дарасида учрайди, холос. Илдизи ошлашда ишлатиладиган *таран* ва хушбўй *сумбул* деярли ягона қимматли ўсимликдир. Зарафшон ва Яғнобнинг юкори худудларидан ташқари бу ерда тоғ водийлари учрамаса-да, лекин дарё йўналиши бўйлаб дара ва жарликлар ўтиб, у ерлардан кечиш анча мушкул.

Зарафшон денгиз сатхидан 8500 фут баландликдаги 70° кенглик ва ўртacha 32 шарқий узунликдаги улкан музликдан бошланади. Бу музлик дарё водийсининг юқорисида музли тоғ шаклини эслатиб туради. Узунлиги қарийб 35 милча келади. Уни забт этган барон Аминовнинг<sup>2</sup> айтишича, музликнинг юза қисми кенг текислик бўйлаб дўнглик ва ботиқлардан иборат бўлиб, тош ва шағал билан қопланган ҳамда туйнуклар ва кўлоб сувларга мўл экан. Унинг ўзи бир ярим соат мобайнида атиги 200 одимча юра олган, холос. Тепадаги музлик юзасининг эришидан уни улкан тошлар мажақлаши мумкинлигидан, ҳар бир қадами хатарли, чунки ҳар бир кичик тепалик ҳам ўзи билан кўплаб тошларни келтиради. Унинг фикрича, шарқий йўналишдаги музликнинг беш милча масофаси жанубга қайрилиб, қўшни қоялар билан тўсимиб қолган.

<sup>1</sup> Кедр – игнабаргли доимий яшил йирик дарахт.

<sup>2</sup> Аминов Иоганн-Фридрих-Густав Александрович (1844–1899) – генерал-лейтенант. Россия империясининг Ўрта Осиёга уюштирган ҳарбий юришларининг иштироқчиси. 1870 йилда Мирзачўл рекогносировкасии амалга оширган. Ўша йилнинг 24 апрелидан 1 июняга қадар генерал Абрамовнинг Искандаркўл экспедицияси, империя ҳукуматининг Хива (1873) ва Кўқон (1875) хонликлариға қарши юришларида қатнашган. Кейинроқ Зарафшон уездининг бошлиғи ҳам бўлган. Зарафшон дарёсининг юкори оқимидағи тоғли ерларнинг ҳарбий топографияси бўйича асар ёзган (Аминов Г.А. Военно-топографический очерк горной страны верховьев р. Зеравшана (с картой Когистана и Шахрисабза). Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Вып. 3. – Санкт-Петербург, 1874. – С. 1-105).

Фақатгина музликдаги әмас, пастдаги барча ёнбағир чуқур даралар ҳам кичикроқ музликларга бой. Бу музликтан етти ярд кенгликтеги кучли оқим билан Зарафшон дарёси бошланади. Бир қанча кичик сойларни ўзига қўшгач, ўртача йигирма бир ярдгача кенгликда оқади. Унинг узунлиги барча бурилишлари билан бирга бошланиш манбасидан тики даставвал кенгаядиган водийдаги Панжикент юқорисидан қарийб йигирма милча узоқдаги Даشت Кози қишлоғигача 134 милни, оқими 4700 футни ёхуд ҳар милда тахминан 35 футни ташкил этади.

Қиши даврида дарё саёзлашиб, оқим юзаси аста-секин унчалик мустахкам бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда битта одамни кўтарадиган юпқа муз билан қопланади. Дарё суви уч марта: ёмғирлардан эрта баҳор ва кузда, ёзда қорларнинг эришидан ўн футдан ўн беш футгача кўтарилади.

Варзаминор яқинида унга Яғноб дарёсининг (Яғноб, Яғноб деб ҳам ёзилади) қўшилишидан хосил бўлувчи йириқ ирмоғи – Фандарё бирлашади. Бу дарё  $69^{\circ} 30$  дақиқа шарқий кенгликтеги музликтан сув олиб, Искандарқўлга оқиб турувчи кичик бир Искандар дарё билан қўшилгунча Зарафшон дарёси билан параллел оқади. Бу кўл денгиз сатҳидан 6770 фут баландликда бўлиб, аниқлашларича, тахминдан анча кичик чиқиб, айланасига 5–6 милни ташкил этган, холос. Илгаригиси ҳозиргисидан 340 фут баланд бўлган, лекин бир аср аввалги вулқоний ҳаракат натижасида чўккан. Бу кўлда учрайдиган ягона сўзанбалиқ<sup>1</sup> ўзининг заҳарли увулдириғи (икраси) билан маълум. Кўлнинг тугаган бир жойида ажойиб шаршара бўлиб, атроф жуда манзарали. Бу ерга илк бор Леман ташриф буюрган бўлиб, унга Кўли Калон (Катта кўл) деб ном берган.

... Бухорода Искандарқўл кўлига алоқадор афсона бор. Унга кўра, бир вақтлар шаҳарнинг бир ёғи Зарафшон сувидан ботқоқликка айланган. Александр (Александр Македонский – З. С.) захни қуритиш учун дарёning бошланиш манбасигача бориб, уни олтин тўғон билан тўсади. Шу тариқа кўл пайдо бўлиб, унинг номи билан атала бошланган ҳамда водий одамлар яшайдиган жойга айланган. Суви олтин заррала-

<sup>1</sup> Сўзанбалиқ – зофорабалиқлар оиласига мансуб бўлиб, Туркистондан ташқари Кавказ, Украина дарёлари ва Днепр, Волга ҳавзаларида яшайди. Унинг увулдириғи (икраси) кўпайиш вақтида ҳақиқатан заҳарли моддаларга бой бўлади.

рини оқизгани, дарёда олтин топилгани учун За-рафшон (олтин сочилган) деб аташган. Бухороликларнинг айтишича, бу олтин тўғонни кентаврлар<sup>1</sup> зоти қўриқлаганидан ўтиб бўлмайди. Яна сув парилари келган барчани кўл тубига авраб чўктириб юборадилар. Киштут ва Мағён каби кичик тоғ дарёлари ҳам Зарафшоннинг ирмоқлари бўлиб, қарийб шимолга оқади.

Бу тоғли минтақа Кўхистон (тоғ мамлакати) номи билан машхур бўлиб, унда асосан ўзбекларнинг вақти-вақти билан кириб келишидан бу водийга суриб чиқарилган тожиклар ёки фалчлар<sup>2</sup> истиқомат қиласди. Бутун ҳудуднинг саксон беш физига ишлов берилади ҳамда аҳоли яшайди. Ҳозирда 36000 киши ночор қишлоқларда яшаб, ўзларининг хўжаликларини зироатчилик ва тоғ ёнбагирларида подаларини боқиш билан таъминлайдилар. Водийлар шунчалик торки, шундан уларни сугориш мушкул. Ёмир билан суюриладиган ерлар кам. Аҳоли эҳтиёжи учун фалла етишмаслигидан қолган қисми Ўратепа, Панжикент ва Ҳисордан келтирилади.

Ёз маҳали аҳоли ўз қароргоҳларини тарқ этиб, кўй ва эчкилари учун яхши яйловлари бўлган тоғнинг юқори қисмларига чиқиб кетишади. Отлар кам, юкларини ташишда эшаклардан фойдаланишади. Аҳоли ёзният яйлов мавсумида учрашишиб, бу жараён баланд тоғлардаги мураккаб коммуникация, қишлоқларни бир-биридан 13000 фут баландликдаги довонлар ажратиб турганига қарамай тўхтаб қолмайди. Аҳоли бир-бири билан қон-қариндош ёки қуда-анда бўлиб кетишган.

Аҳолининг чорва подаларидан ташқари бу ерда кўплаб ёввойи кўй-эчки, шу билан бирга айик, бўри ва тулкилар учрайди. Энг кўп овланадигани тоғ каклиги бўлиб, у

<sup>1</sup> Кентавр – юнон афсоналарига кўра, ярми одам, ярми от махлук.

<sup>2</sup> 1820 йилда Бухорода бўлган рус элчиси Е.К. Мейендорф Шаркий Бухоро, Ҳисор тоғининг шимоли, яъни юқори Зарафшонда яшовчи, форсий тилда гаплашувчи ва бошқа тилини билмаган, сиртдаи тожиклардан кескин фарқ килувчи қашшоқ ва мустакил ҳалкни фалч деб аташларини эшитганлигини ёзган (Мейендорф Е.К. Путешествия из Оренбурга в Бухару. – Москва: «Наука», 1975). Уидан аввалроқ, 1813–1814 йилларда Кўкон хонлигига ташриф буюрган Ф. Назаров эса «тоғлик эронийлар»ни англатиш учун ғалч атамаси кўлланилишини ёзган. У «тоғлик эронийлар», улар истиқомат қилган ҳудудлар, машғулотлари ҳақида қисқа, мазмунли тавсиф берган (каранг: Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – Москва: «Наука», 1968. – С. 35-37). Фалч атамаси ва у билан аталганлар ҳақида батафсил қаранг: Бартольд В.В. Таджики. Исторический очерк. Сочинения. Т. II, ч. I. – Москва: Изд-во восточной литературы, 1963. – С. 457-459.

Тяньшаннинг бошқа тоғ тизмалари ва яна Ҳимолайдаги ҳам мавжуд. Табиатшунос Федченко<sup>1</sup> бу ва бошқа қушлар ҳамда Тяньшаннинг ҳамма ерида топиладиган балиқ, ўсимлик турлари ҳақида гапириб, уларнинг бир хил ёки ўхшаш турлари Ҳимолай тоғларида ҳам учрашини, ўзининг тадқиқотлари натижасида Осиёдаги баланд тоғ тизмаларининг фауна ва флораси ўртасида яқинлик борлиги аниқланганини таъкидлайди. Бу эса бизга уни табиий зоографик минтақа деб таҳмин қилишимизга имкон беради.

Яғноб ва Фандарёда темир рудаси ва кўмиридинг улкан захиралари бор. Зарафшонда жуда оз микдорда олтин топилган бўлиб, аҳолининг энг қашшоқ табақаси бу иш билан машғул. Тўрт киши яхши шарт-шароит бўлса, бир кунда 60 копейк ёки 1 шиллинг 7 пенсга<sup>2</sup> тенг бўлган микдорда олтин ювадилар. Аччиқтош кўп микдорда Фандарёдининг бир қатор қишлоқларидан олинади. Тўрт киши уч ой давомида 1800 фунт микдорда қазий олишга қодир бўлиб, шу ернинг ўзидаёқ унинг баҳоси 22 фунт стерлингдан 27 фунт стерлинггача бўлади. Бундан улар ўзларининг бекларига белгилантан микдордаги солиқларни тўлайдилар. Кумуш юқори Фандарё ҳавзасидан топилган бўлиб, бекнинг мулки саналади. Бек йилда уч марта аҳолини кумуш қазиб олишга тўплайди.

Сиёсий жиҳатдан Кўхистон 1870 йилга қадар еттига: Фароб, Мағён, Киштут, Фан, Яғноб, Матча ва Фалғар<sup>3</sup> бекликларига бўлинган бўлиб, номигагина Бухоро амирлигига қараган. Бу бекликлар Бухоро ҳукуматига озрок микдорда товон пули тўлаб, ўзларининг ишларига аралашишларига йўл қўймаганлар.

<sup>1</sup> *Федченко Алексей Павлович* (1844–1873) – рус олим, биолог, географ ва сайёҳ. Ўрта Осиё ва энг аввало Помир тоғининг тадқиқотчиси. 1868–1871 йилларда Ўрта Осиёга саёҳат килиб, минтаканинг флора, фауна, география ва этнографиясига доир материаллар тўплаган. Асосан, Самарқанд атрофидаги Зарафшон водийси, тоғли Тоҷикистон, Искандаркўл кўли, Жиззах, юқори Зарафшон ва Қоракум, кейинроқ эса Қўқон хонлиги ҳамда Помир экспедицияларида иштирок этган. Қаранг: *Азатъян А.А. А.П. Федченко – географ и путешественник*. – Москва: Гос. изд-во географической литературы, 1956.

<sup>2</sup> *Пенс* – турли даврларда Британия империяси таркибида бўлган кўплаб мамлакатларнинг танга бирлиги. Кўпроқ Британия пенси малихур.

<sup>3</sup> *Фалғар* – ҳозирги Тоҷикистоннинг шимолий тоғлари, Зарафшоннинг юқори оқимидағи туман, Ўратепадан то Зарафшон тоғларигача бўлган ерлар. Фарғар сўзининг лугавий маъноси «Тоғлик ер усти» демакдир. «Бобурнома»да Палғар, «Худуд ал олам» асарида эса Фарғал тарзида келтирилган. Қаранг: *Ҳасанов Ҳ.* Географик номлар имлоси. – Тошкент: ЎзССР ФА нашириёти, 1962. – Б. 129.

Мағён, Киштут ва Фароб озми-кўлми доимо Ургутнинг (бу ердаги беклар ўзбекларнинг минг уруғидан бўлган) устунлигини тан олиб келишган. Ургут беклари анча аввал ўзларини мустақил деб эълон килишиб, ҳокимият бошқарувини авлоддан-авлодга меросий ўтиш ҳукуқини сақлаб қолишган.

Жорий асрнинг бошларида Бухоро амири Сайд Мир Ҳайдар ўзига Ургутни бўйсундириб, бу ернинг ҳукмдори Йўлдош парвоначини Бухорога жўнатиб юборган. Йўлдош Бухоро зиндонида ўлган. Шундан сўнг Мағён, Киштут ва Фароб Бухорога қарамликни тан олишган. Кейинги тўполонларда Йўлдошнинг ўғилларидан бири Каттабек Ургутни қўлга киритиб, ўзининг укаси Султонбекни Мағён ва Киштутга бек этиб тайинлаган. У амир Ҳайдар томонидан четлаштирилган бўлса-да, бироқ кейинги исён натижасида нафақат ўз ҳокимиятини қайтадан тиклаган ва ҳатто Самарқандни эгаллашга ҳам уриниб кўрган. Мағлубиятга учрагач, қизини амирнинг тўнгич ўғли Насруллага бериб, ўртада сулҳ тузган. Бу билан ўз мулкий ерларининг соҳиблигини сақлаб қолишга эришган. Насрулла ҳокимияти давридаги бекарор маҳал Каттабек мамлакатида ўзининг мулкий ҳукуқини тиклаб, унинг ўлимидан сўнг ўғиллари тинч йўл билан ҳокимиятта келишган.

Насрулла ўзининг узок давом этган ҳукмронлиги даврида ушбу сулҳ шартларини давом этказиб келди. Лекин унинг ўлимидан бироз аввал бу бекларни Самарқандга чакириб, хибсга олдирди ҳамда оиласлари билан бирга Чоржўйга сургун қилди. Бу ерда уларнинг қўплари вафот этишди. Тоғли бекликларга эса янги бекларни тайинлади.

Ёшлардан бири – Ҳусайнбек сургундан тез орада қутулишга муваффақ бўлиб, Кўқон, сўнгра Шахрисабздан бошпана топади. Самарқанд истило эгилиб, Бухоро беклари тоғлардан қочиб кетгач, Ҳусайнбек Ургутни эгаллайди. У бу ерда Россия қўшини томонидан қувилгач, Мағёнга ўтиб, ўз ҳокимиятини ўрнатади. Укаси Шодибек ва амакивачаси Сайдни чакириб олиб, уларни Киштут ҳамда Фаробнинг беклари этиб тайинлади.

Мен бу бекларнинг баъзилари ҳақида аввал ҳам сўзлаб ўтгандим. Эҳтимол, қуйидаги генеалогик жадвал фойдали бўлиши мумкин:



Шарқий Кўхистон солномаси турли хукмдорларнинг ўзаро курашлари, Бухоро амири одамларининг зўрлик билан ўлпон йиғишиларию тоғларнинг бошқа тарафларидағи қўшни мамлакатларнинг бу ердаги истилолари билан тўла. Шу асрнинг бошларида Фалғар беги Абдушукур додхоҳ барча туманларни ўз ҳокимияти остида бирлаштириб, айrim ўтиб бўлмас дараларда йўллар ҳамда қўприклар қурдирганлигини ҳалигача эслашади.

Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврида бу ерларда Бухоро бекларининг ҳокимияти ўрнатилиб, кўплаб қальялар қурилган. Аммо Насрулла ҳукмронлигининг сўнгги йилларида бу ердаги ўлқалар деярли яна эсдан чиқарилган. Самарқанд руслар томонидан ишғол этилгач, Бухоро бекларининг бариси бу ерлардан қочиб кетди ҳамда мамлакат бироз вақт ҳукмдорсиз қолди. Сўнгра Ўратепанинг собиқ беги Абдулғаффор Урмитани эгаллаб, ўзини Фалғар беги деб эълон қилди.

Матчанинг аҳолиси бу ерга ўз жияни Раҳимхонни жўнатган Коратегин беги Музafferшоҳни тан олиб, унга бўйсунди. У Абдулғаффорни Фалғардан қувиб солди ҳамда Киштут беги Шодибекни мағлубиятга учратиб, Яғноб ва Фан ўлкаларини эгаллаб, сўнгра Хисорга юриш қилди. Аммо унинг қальасига етиб келар-келмас, ўзининг қўшини исён

кўтариб, тахтдан ағдариб ташланди. Унинг ўрнига шу ерлик Почахўжа исмли кишини ўтқазиши. Ўзларини Матча аҳолисига қараганда анча маданиятироқ ва ҳар соҳада устун деб санаган фалғарликлар Абдулғаффорни ҳукмдорликка чақириб олдилар. Аммо у калтакланиб, Самарқандга жўнатилиб, русларга таслим бўлди.

Тоғлардаги нотинч вазият ва руслар томонидан эгалланган водийларга хужумлар 1870 йилги Искандаркўл экспедициясига сабаб бўлди<sup>1</sup>. Экспедиция яна Зарафшоннинг юқори оқимини ҳам тадқиқ этишни мақсад қилган бўлиб, натижада бу минтақаларни узил-кесил ишғол этишга эришилди.

Мазкур экспедиция казакларнинг иккита сотияси, бир гурух мерган, замбараклар батареяси ва тоғ қурол-аслаҳаларидан иборат бўлиб, унда генерал Абрамов бошлигига бир неча ҳарбий тадқиқотчи зобитлар иштирок этишган. Юриш 7 май куни Самарқандда бошланиб, 12 майда Урмитан эгалланган бўлса, 21 майда Варзамиор билан Фалғар бекликлари ишғол этилган.

... Матча беги Почахўжа чекиниб, дўйқ-пўписали хатлар жўнатиб, ўзини хурсанд қилиб юрган. Экспедиция Матча чегарасига етганда, торгина дарада қўшин устига тошлар ёғдирилганидан, улар чекинишга мажбур бўлган. Генерал Абрамов шу заҳоти мерганларни тоққа чиқиб, тоғликларни бартараф этишга унданган. Ўзи эса буни кутмасдан шериклари билан тош ёғилишига қарамай, йўлида давом этган. Ана шу жасоратли хатти-харакати маҳаллий аҳолида катта таассурот қолдирганидан улар кейин қаршилик кўрсатишга ботинишмаган.

28 майда Обирдан ишғол этилиб, бу ерда экспедиция таркибидаги мерганлар, элликтacha казак ва топографлар гурухи Ўратепадан турли довонлар оша кетган бўлинма билан учрашган. Генерал Абрамов юриши давомида Почахўжадан

<sup>1</sup> Искандаркўл экспедицияси 1870 йил баҳорида Зарафшон округи кўшинлари ёрдамида Бухоро амири билан муроса қилмаган юқори Зарафшон бекликларини тугатиш максадида уюштирилган. Экспедиция иккита ҳарбий бўлинма (генерал-майор А.А. Абрамовнинг 551 та одами ва 2 та тўпи, подполковник А. Денинетнинг 203 та ҳарбийси)дан иборат бўлган. Экспедиция натижасида тоғли Матча, Фалғар, Фароб, Мағен, Киштут бекликлари Россия империяси таркибига киритилган.

ўзининг тўлиқ қарамлигини тан олганлиги тўғрисида мактуб олади, аммо генералнинг совфалар жўнатишини кутиб ҳам ўтирмасдан, мамлакатдан қочиб қолган. Палдорақдаги қалъаларни қайта тиклашга буйруқ берилгандан сўнг (аҳоли буни мамнуният билан қабул қилди), генерал кичик гурухи билан Зарафшон музлигига йўл олиб, 6 июнда у ерга етган. Айни пайтда подполковник Деннет<sup>1</sup> ўзининг топографик гурухи билан денгиз сатҳидан 13400 фут баландликдаги Янгисабоҳ довони орқали Ўратепага қайтишда довондан ўтгач, тор дарада тоғликларнинг хужумига дуч келган. Тоғликлар уларнинг устига харсанг тошларни ёғдиришиб, кўплаб одамларини ўлдириб, ярадор қилишган. Гурух тоққа қайтиш учун бор имкониятларини ишга солиб, чекинишга мажбур бўлишган. Бу хабардан сўнг барон Аминов уни кутиб олиш ва довонни тозалаш учун жўнатилади. 12 июнь кечаси топографик гурух барча ашёларини кўлда кўтариб, от ва хачирларни эса арқонда тортиб, минг азоб билан довондан қайта ошиб ўтади.

Зарафшон водийсидан куйига қайтишда генерал Абрамов аҳоли жойлашган турли қалъаларни дарҳол ер билан яксон қилдирган. Варзаминордан экспедиция жанубдаги Сарвада қалъаси ва Искандаркўл кўлига қайрилган. Теваракдаги барча довонларнинг рекогносцировкаси<sup>2</sup> олингач, барон Аминов кичик топографик гурухи билан Яғноб водийсига йўл олган. Улар Сарвададан Киштут беклиги орқали Самарқандга қайтишни чамалашган эди. Гарчанд экспедиция бошланишида Киштут беги Шодибек генерал Абрамовга хушомадини чопарлари орқали етказган бўлса-да, унинг мулкларига тажовуз қилишига жиддий норозилик билдириб, қаршилик кўрсатишга тайёргарлик кўра бошлиши.

Кўшинлар Сарвадада турган пайтда Киштут орқали Самарқанддан жўнатилган йигит келиб, ўртоғи асир этилиб,

<sup>1</sup> Деннет Алексей Романович (1836–1917) – Россия империяси ҳарбий кўшининг генерал-лейтенанти.

<sup>2</sup> Рекогносцировка (геодезия) – топографик суратга олишда асос бўлиш учун жойнинг астрономик ва геодезик таянч пунктларини кўздан кечириш ва тадқик этиш.

хатлар ва жўнатмалар тортиб олинганлиги, маркитант<sup>1</sup> хизматчиси ўлдирилганлиги, ўзи қочиб қутулганини айтиб қолди. Айни чоёда Шодибек генерал Абрамовга хат жўнатиб, унда экспедицияни мамлакатидан ўтказиб юборишга изи беришдан мамнун бўлишини, аммо халқига ишона олмаслиги, шундан унга келган йўлларидан қайтиб кетишларини маслаҳат беришини ёзган. Генерал эса ўз жавобида унинг ҳаракатига озгина қаршилик кўрсатилса, кескин жазолар қўллашими айтиб пўписа қиласди.

Эртаси 6 июль куни қўшинлар Киштут дарасининг денгиз сатҳидан 10000 фут баландликдаги чўққисига етиб бордилар. Бу ердан йўл атрофи деярли ўтиб бўлмас қоялар билан ўралган чуқур сув ҳавзаси билан ўралган. Шундан Шодибек Россия қўшинларини ушбу дарага суреб, сўнгра юкоридан уларга ҳужум қилишни мўлжаллаган эди. Бундан гумонсираган генерал Абрамов пастга тушишдан аввал Кўли Калоннинг ҳар икки тарафидаги баландликларни имкон қадар эгаллашга буйруқ беради. Кун бўйи чўзилган жангда тоғликлар мағлуб этилиб, русларнинг ўлдирилиб, ярадор этилганлари 37 кишини ташкил этган. Бу кичик бўлинма учун катта йўқотиш эди. Киштут ортиқча қаршиликсиз истило этилиб, вайрон этилди. Эртаси куни ҳарбий бўлинма Панжикент ва Самарқандга қайтди. Экспедициянинг илмий натижалари Зарафшон юкорисидаги дарёлар билан бирга унинг музлигини тадқиқ этиб, жуда кўп довон ва чўққиларни барометрик ва инструментал равишда аниқлаб, бутун минтақанинг батафсил картасини яратди.

Мазкур экспедиция амалга оширилаётган вақтда русларнинг тоғли туманларни босиб олиш нияти бўлмаган, аммо шундан кўп ўтмай генерал Абрамов томонидан Шахрисабзга бошқа бир экспедиция ташкил этилиб, натижада Китоб ва Шаҳар эгалланиб, Бухоро ихтиёрига қайтарилиди. Қўшиннинг бир қисми Шахрисабздан Самарқандга қайтган бўлса, айни пайтда колган қисми Қашқадарё водийсининг юқори қисми – Фароб ва Магёнга йўл олган. Бу ерларнинг беклари Кўли

<sup>1</sup> Маркитант – маркитант (ўтмишда қўшин билан бирга юриб, озиқ-овқат савдоси билан шурулланган савдогар).

Калон тепаликларида русларга ҳужум қилғанликда алоқаси борлиги учун Самарқандга чақирилган, аммо улар боришдан боп тортишган эди. Мағён ва Фароб қалъалари яксон этилиб, Сайдбек ва Шодибеклар эса русларга таслим бўлди. Мағён беги Хусайнбек яширинишга муваффак бўлиб, тутқунликка бир неча ой чап берган. Фароб ва Мағён бекликлари шу заҳоти эгалланиб, руслар мустамлакасига айланган Ургут туманига қўшилган. Колган тоғли туманларни қўшиб олиш қарори келгуси 1871 йилда қабул қилинган.

1874 йилнинг қишида ҳукмрон табақалардан собиқ бири тоғларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, руслар томонидан четлаштирилгунга қадар, яъни баҳоргача ҳокимиятда бўлди. Шундан сўнг тез орада Ургут атрофларидағи ерларда ғалаёнлар кўтарилигач, руслар ҳокимиятни ўз қўлларига олишди. 1875 йилнинг ёзида Кўқондаги кўзғолон даврида тоғли ҳудудлардаги исёnlар Коратегин ҳукмдорининг хатти-харакати билан авжга чиқди.

Россия ҳарбий кучлари келиши биланоқ харакат тўхтаган бўлса-да, аммо аҳвол ноябрь ойи охирларигача жиддий тус олган. Айтишларича, Матча аҳолиси маҳсус топшириқ билан келган Кўқон вакилларининг таъсирида русларга тобе бўлишни рад этишиб, Фалғар атрофларини забт этишга уринишган. 100 кишилик қўшин, битта тўп ва ўнта казакдан иборат кичик рус бўлинмаси уларни бостириш учун жўнатилади. Аммо уларнинг командири, иккита зобити ва аскарларининг тўртдан бир қисми йўқ қилиниб, колганлари ортга қайтишга мажбур бўлади. Самарқанд ва Ўратепа атрофларидағи тоғлардан кўшимча куч юборилиб, бир қанча жанглардан сўнг руслар кўзғолончиларни қуролларини топширишга мажбур қилишган. Бироқ тоғли туманлардаги вазиятни ҳалигача тўла-тўкис қониқарли деб бўлмайди.

Панжикентдан бошлаб Зарафшон ўзининг тоғли хусусиятини йўқота бориб, кенг водийга кириб боради ҳамда бу ерда бепоён ва саёз дарё бўлиб оқади. Бир неча тармоқларга бўлинниб, ундан турли йўналишларга қараб кетган суғориш каналлари ажralиб чиқкан. Дарёлар ва тоғ этаклари бўйлаб тортилган яшил йўл-йўл чизиқлар жуда торлигидан экин экиладиган ерлари батафсил қайд этилган.

Ўрта Осиё картаси бир қараганда кўп нарсани маълум қиласиган ва анча ғалати кўринади. Россия мустамлакаси остидаги Зарафшон водийсининг бир қисми 10187 квадрат милга тенглиги аниқланган бўлиб, унинг қарийб ярмини тоғлар эгаллаган. Тоғлар ва улар ёнбағирларидағи экин экиладиган ерлар 1200 квадрат милни, аммо водийда эса бу рақам 1615 милни ташкил этиб, бор-йўни 18 фоиз ер ҳозирда экин экиладиган майдонни ташкил этади. Агар унга Зарафшон водийсининг Бухорога қарашли ерларини ҳам қўшадиган бўлсак, ҳаммаси бўлиб 3000 квадрат мил экинзор ернинг 1793 квадрат мил қисми Зарафшон орқали суғорилади. Мабодо мамлакатнинг бошқа қисмларига назар ташлайдиган бўлсак, ахвол яна ҳам аянчлироқ. Агар Зарафшонга Хўжанд (Жиззахни ҳисобламаганда) ва Қурама уездларини, шу тариқа мамлакатдаги экин учун ярокли зироаткор ерларнинг қарийб барчасини қўшадиган бўлсак,  $7\frac{7}{10}$  фоиз ер борлигига амин бўламиз. Яна бунга Сирдарё, Жиззах, Чимкент, Авлиёота, Перовский ва Казала уездларидағи ерларни қўшадиган бўлсак, 164000 квадрат милдан ошади.

Ўрта Осиёдаги Россияяга қарашли ерларнинг (кейинроқ босиб олинган Кизилқум чўлидан ташқари) атиги  $1\frac{6}{10}$  фоизи ҳайдаладиган ерлардир. Тошкент эгалланганидан сўнг руслар Ўрта Осиёнинг омборига келишиди, кўп нарсалар бошқа ҳар қандай манбадан мустақил бўлиб, шундан озиқ-овқат ва таъминот аввалгидан паст нархда бўлади, деган фикр бор эди. Аммо камгина руслар қўшилиши ҳам буғдой нархининг жуда ошиб кетишига олиб келдики, кўпгина жойларда пахта экишдан воз кечишиб, фойдалироқ бўлган бошоқли дон экинларини экишга ўтиб олишди. Шунга қарамай, маҳаллий маҳсулотнинг етишмаслиги сабабли, ҳарбий қўшин учун истеъмол қилинадиган ғалланинг кўп қисми Верний, Копал ва Жанубий Сибирдан келтириладиган бўлди.

Куйидаги жадвал капитан А. Гребенкин томонидан тузилган бўлиб, унда ўн йил давомида Каттакўргондаги ўртacha нарх-навонинг рублдаги қиймати берилган:

Йил	Бүгдой, ҳар ботмони	Арпа, ҳар ботмони	Гуруч, ҳар ботмони	Күй гүшти, ҳар пуди	Күй думбаси, ҳар пуди
1862	160	140	70	220	330
1863	240	20	640	240	360
1864	280	220	680	240	40
1865	280	240	720	240	40
1866	320	220	760	240	440
1867	320	240	80	240	440
1868	40	260	920	240	440
1869	320	240	960	280	480
1870	1440	1120	180	720	2560
1871	80	40	1120	280	720

1869–1871 йилларда Самарқанддаги ўртача нарх-наво полковник Соболев<sup>1</sup> томонидан куйидаги жадвалда берилган (рубль ҳисобида):

Махсулот тури	1869	1870	1871
Бүгдой, ҳар ботмони	420	90	875
Арпа, ҳар ботмони	260	70	520
Зифир, ҳар ботмони	540	920	1280
Гуруч, ҳар ботмони	420	560	580
Жўхори, ҳар ботмони	260	640	380
Тарик, ҳар ботмони	220	60	380
Пахта, ҳар ботмони	80	120	100
Күй гүшти, ҳар пуди			273
Кўй думбаси, ҳар пуди			676

<sup>1</sup> Соболев Леонид Николаевич (1844–1913) – Россия империяси ҳарбийларининг Ўрта Осиёни босиб олиш харакатларида қатнашган. Зарафшон округининг географияси ва статистикаси бўйича алоҳида асар ёзил көлдирган. Қаранг: Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе. – Санкт-Петербург, 1874.

1870 йилда Бухорода кам ҳосил олинганидан очарчилик йили бўлганини эслаш ўринлидир. Тошкентда кичкина бўлак ноннинг талашиб-тортишиб оладиган нархи бир чақа, яъни ҳозирги уч чақага teng бўлган.

Ўрта Осиёдаги ишлов бериладиган ерлар икки хил: тоғ ёнбағирлари бўйлаб чўзилган ҳамда баҳорги ва кузги ёмғир сувларидан куч оладиган ерлар *лалми*, сув билан суғориб экиладиган ерлар эса *оби* ёки *аби* деб аталади. Лалми ерлар кенг кўламда бўлса-да, ёғин кўнгилдагидек келган йилдагина яхши ҳосил бериб, одамларнинг тўқ бўлишига умид бағишлаган. Суғориладиган ерлар эса ўзгача, яъни ҳосилнинг мунтазам мўл бўлиши ва маҳсулотнинг хилма-хиллиги сабабли ҳозирда мамлакатнинг фаровонлиги ва цивилизацияси учун муҳимдир. Суғориш доимий тартибга солиниб турилганлиги боис, айниқса сувнинг ҳар бир томчиси қадрли саналган Зарафшон водийси учун жуда муҳим бўлиб, бу ерда сув бўлмаса, бирор хонадонда одам яшамаган бўлар эди.

Ернинг нархи асосан сувга эгалик ҳуқуқи билан ўлчаниб, ер бўйича кўпчилик суд даъволари сув юзасидан бўладиган баҳслардан келиб чиққан. Панжикент билан Зарафшон тугайдиган Коракўл кўли ўртасида дарёдан ажралиб чиқадиган саксон бешта асосий канал ёки *ариклар* бўлиб, кўплаб сув тармоқлари, кичик канал ва зовурларидан ташқари, туманлар ва далаларни суғориш учун асосий каналлардан сув оладиганларининг ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда узунлиги 1570 милдан ошади.

Асосий суғориш тизими ҳақида бир-икки оғиз сўз юритсак. Панжикент яқинидаги Булунғур деб аталган йирик канал ўнгга қайрилиб, Шероз, Суғут ва водий шимолидаги Челак туманларини сув билан таъминлаб, узунлиги ҳаммаси бўлиб етмиш беш милча. У жуда қадимий, ривоятларга қараганда, 300 йил муқаддам Абдуллахон томонидан қаздирилган. Ундан бошқа бир – Туятортар деб номланган канал аввал айтганимдек, Жиззахгача оқиб боради. У ҳам Абдуллахон томонидан бунёд этилган, ҳолбуки канал бу минтақани боғларга айлантирган бўлса, Бухорони қарийб сувсиз ҳолда тарқ этади. Абдуллахон ўлимидан сўнг у қаровсиз бўлиб қолди. Бироз қуйидаги Дарғом канали чапга қайрилиб, Самарқанд ва жанубдаги мамлакатни сув билан таъминлаб, узунлиги тахминан етмиш милча.

Самарқанд яқинидаги Чўпонота тепалиги этагида Зарафшон дарёси икки қисм: Оқдарё (дарёи Сафед) ва Корадарё (дарёи Сиёҳ)га ажралади. Зарафшоннинг асосий сувини ўзида жамлаган Оқдарё суви шимол томонга оқиб, бироз ма-софадан сўнг Корадарёга нисбатан анча қуи текисликка тушиб олади. Тахминан етмиш милдан кейин бу икки тармоқ бир-биридан саккиз-тўққиз милча ажралиб, Миёнкол деб аталувчи серхосил орол ҳосил қилиб, яна қўшилади. Миёнкол деб Зарафшон дарёсининг бутун ўрта оқимиға нисбатан ҳам қўлланилди. Каттакўрғон юкорисида Корадарёдан йирик Нарпай деган канал ўтган бўлиб, эллик милча оқиб, суви Кармана яқинида яна Зарафшонга қуйилади. Бутун шарқий Бухоро қисми тўлиқ Корадарё ва Нарпай сувига боғлиқ.

Бухоро шахри ва ундан шимолда жойлашган туманлар Шоҳруд ва Кармананинг қуи қисмидаги бошқа каналлар Зарафшондан сув олади. Зарафшон сувларининг қолган қисми кичикроқ бошқа каналларга тарқалиб, озгинасигина Коракўлга оқади. Ривоят ва солномаларга ишонадиган бўлсак, Коракўл атрофидаги худуд уч юз йилча бурун, ҳар ҳолда қизиқ, Сирдарёдан келтирилган сув билан суғорилган ва Бухоронинг энг гуллаб-яшнаган қисмларидан бири бўлган экан. Айтишларича, Абдуллахон Бухоро шимолидаги кўчманчилар билан бўладиган доимий урушлардан безор бўлиб, бу каби қўшнилардан қутулиш учун қўшин тўплаб, қуи Сирдарё ёхуд Янгидарёга юриш қилиб, канални бер-китган эмиш.

Эндиликда энг кўп суғориладиган ерлар Зарафшон водийсининг шимолий қисмida жойлашган. Ҳолбуки, бир аср бурун жанубий тарафлари анчагина зироаткор ерлардан иборат бўлган. Бир юз эллик йил муқаддам сиёсий куашлар натижасида Зарафшоннинг шимолий тарафи хувиллаб, ахолиси Тошкент, Кўқон тарафлар ёки тоғларга кўчиб кетишган. Ургут атрофларида жойлашганлари ўзлари ишлатадиган сувни шу йўналишдан ташиб кета бошлаганлар. Шу тариқа водийнинг жанубий томони анча гавжумлашган, бироқ амир Ҳайдарнинг буйруғи билан шимолдаги ташландик ерлар қайтадан ўзлаштирилиб, янги каналлар бунёд этилган. Жанубдаги ахолининг камайиши оқибатида уларга сув элтувчи кўп миқдордаги сувни бошқаришнинг иложи йўқлигидан

баъзи йирик каналлар тўлиқ ёпилди ёки қарийб барча суви яна шимолга йўналтирилди.

Экин-тикин учун баҳорда (*баҳори*) ҳамда кузда (*теримой*) уруғ қадашиб, йилинг турли вақтлари, асосан март, июнь, июль, август ва сентябрь ойлари мобайнида сугориш зарур. Бутун Зарафишон водийси ягона ҳокимият остида бўлган пайтда дарёнинг юкори қисмларидаги аҳоли сувдан ҳаддан зиёд исрофгарчилик билан фойдаланиб, қўйида яшовчиларга зарар етказмаслиги учун сувни тақсимлаш ҳукуматнинг тўлиқ дикқат-эътиборида бўлган.

Руслар томонидан Самарқанд истило этилгач, Бухородан, айниқса Зиёвуддин ва Хатирчи туманларидан кўплаб шикоятлар келиб, уларда тўғонларнинг қайта тикланмаганингдан бу ерлик аҳоли сувдан ҳамда ерлардан ҳам фойдалана олмаётганликлари айтилган. Масалани ҳал этиш учун 1872 йилнинг қишида таркибида руслар ва бухороликлардан иборат комиссия ташкил этилган. Маълум бўлдики, маҳаллий аҳоли қандайдир йўллар билан дарёнинг уч хил вазиятдаги ҳолатини аниқлаган: баланд, паст ва ўрта. Сув баланд бўлганда Бухоро учун сув доимий етарли бўлган. Паст бўлганда фойдаланиш учун ҳар қандай чора кўришнинг фойдаси йўқ. Агар ўрта ҳолатда бўлса, сувни Бухорога олиб боришининг тадбирларини кўриш керак. Бунинг учун Хатирчи ва Зиёвуддин аҳолисининг манфаатлари учун Оқдарёнинг бошланишида тўғон қуришни пайсалга солмаслик керак (сувни баландроққа кўтариш ва унинг Корадарё орқали оқиши учун). Яна битта тўғонни Корадарёда, Нарпай каналининг этагида қуриш керак. Бу тўғонлар сувнинг Бухорога боришига тўсқинлик қилмай, балки Бухоро шахри ва унинг атрофидаги ерларни йилда икки марта, яъни жуда зарур маҳали – май ва сентябрь ойларида сув билан таъминлашни хисобга олган ҳолда Зарафшондан рус уездларига сув олувчи барча каналларнинг дарвозаларини ярмигача беркитишга қарор қилинди. Уларни тўлиқ беркитиш эса бухороликлар фойдасига бўлиб, русларнинг шахсий кишлок ҳўжалиги учун аянчли эди. Нима бўлганда ҳам, бу тўғонлар Бухоро ҳукумати томонидан таъмир этиб туриларди. Шу мақсадда Зиёвуддин беги ўзининг ишчилари билан ҳар йили биринчи июнда Самарқандга уларни таъмирлашга келган.

Каналларнинг аксарияти аҳоли томонидан танланиб ва ҳақ олиб ишловчи мироб (*мир* – бошқарувчи, *об* – сув) деб аталган махсус мансабдор томонидан назорат қилиб турилган<sup>1</sup>. Иккинчи даражали бошқа мансабдорлар *банман* деб аталиб, тўғонларга кўз-кулоқ бўлиб туриш учун тайинланган. Гидравлика бўйича энг бошлангич билимлардан хабардор бўлса-да, тенглаштириш ва геодезик асбоблардан тўлиқ маҳрум эканликларини назарда тутадиган бўлсак, маҳаллий ахолининг каналларни бунёд этишдаги муҳандислик маҳоратлари бехисобга ўхшайди.

Сув далаларга жўн каналлардан бири, ёки сув фалтаклари ёхуд паррак ёрдамида чиқарилган. Мазкур сув фалтаклари оқимнинг тезлиги ёки шаршара ёрдамида ёки кўпинча хўқиз ёки отнинг қартасига бойланган кўплаб ёточ ва лойдан қилинган кўзалар ёрдамида, каналдан сув тўлдириб, ҳовузга элтувчи жўякка тўқади. Парраклар ёточдан ишланган катта соп бўлиб, фалтакка арқонлар билан бойлаб кўйилган ҳамда кўл ёрдамида айлантирилиб, сувни беш-олти футгача кўтариши лозим. Худди шундай парраклар Россияда баржадан сувни чўмичлаб олишда ишлатилади. Бу ерда сувиришнинг уч хил усули мавжуд.

Пахта, тамаки экинлари учун сув далаларга кичик жўяклар орқали келтирилиб, тупроққа сингдирилади. Шоли учун эса далалар маълум муддат сув билан тўлдирилади. Беда ва фалла учун ҳам сув таъминоти ўта зарур бўлиб, далалар бир неча дюймли кичик-кичик деворли бўлмаларга бўлинади. Бу далалар сув билан тўлгач, каналлар ёпилиб, суви эса шимилиб кетади.

Дехқончилик тизими мулкнинг ҳажмига қараб фарқ қиласи. Кичик дехқонларнинг тўрт-беш акр ери бўлиб, ундан кўпроқ фойда олиш учун хўб ишлов беришга ҳаракат қилишиб, кўпинча бўш қолдиришмайди. Ери катта дехқонлар асосан уч далали экиш усулини кўллашади. Дала бир йил бўш ётгандан сўнг қишики буғдой ёки арпа экилади. Келгуси йил ҳосил йиғиб олингач, ер яна ҳайдалиб, иккинчи экин

<sup>1</sup> Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатларда, хусусан Бухоро амирлиги ва Кўкон хонлигига сув таксимоти ва суғориш тизими устидан мироблар назорат олиб боришган. Мироблик авлоддан-авлодга ўтгаи. Кузда мироблар учун дехқонлардан миробона солиги (1–2 фалвир фалла) ундирилган.

сифатида ё тарик, кунжут, ясмиқ, сабзи ёки седана экилади. Учинчи йили ёзги шоли, жүхори, пахта, зиғир ёки сабзавот ўстирилади. Одатда ер шоли ёки пахта экиш учун тайёрланса, икки йил шунга ўхшаш экинлар экилади.

Ёзги ва қишки экинларни алмашлаб экишда асосан юқоридаги қоидаларга амал қилиниб, махсус экинлар алмашлаб экилмайди. Беда, йүнғичка<sup>1</sup> ўн-ўн икки йил мобайнида бир ерда ўстирилиб, күп ҳосил беради. Биринчи йили у икки марта ўриб олиниб, бир таноб ердан ҳар бирининг оғирлиги ўртаса түқкіз фунт келдиган 200 дан 220 боғламгача ҳосил олинади. Иккінчи йили түрт бор, ҳар биридан 200 боғлам ҳосил ўриб олинади. Шу зайлда саккизинчи йили бир таноб ердан 1000 боғламгача ёки бир акрдан беш тоннагача беда олинади. Түккизинчи йилдан сүңг беда ёздагина уч марта ўриб олиниб, ҳосилдорлик ҳар йили камайиб боради. Ўн иккінчи йилдан сүңг бедапояга түрт йил дам берилиб, шундан сүңг жүхори, сүңгра қовун билан ва яна икки йилча қишки буғдой экилиб, ана шундан сүңггина ерга яна беда уруғи сепилади.

Агар ерга буғдой ёки арпа экиладиган бўлса, учида ўткир тиғли темир плуг ёрдамида дала беш мартадан ўн мартагача шудгор қилинади. Шудгорлаш асосан бир жуфт хўқиз (қўш) ёрдамида амалга оширилиб, ана шу бир жуфт хўқиз ишлаган ер ҳажми дехқончилик бирлигига айланиб, ер-мулк таноб ўрнига кўпинча қўш деб ўлчаниб, бир қўш ер кирқ саккиз ёки эллик танобга ёки ўттиз олти ёки ўттиз етти акрга тенгдир<sup>2</sup>. Ҳар бир таноб ер эллик-олтмиш арава гўнг билан бойитилиб шудгорланади. Қишки буғдой ва арпа сентябрнинг ўрталарида экилиб, дагал борона (сихмола) билан ишлов берилади. Қишки буғдой икки ёки уч марта, арпа эса бир марта сугорилиб, май ойининг охирларида етилган ҳосил йиғишириб олинади. Донни савалаш ўрнига, хўқиз

<sup>1</sup> Йүнғичқа – дуккакли ўсимликлар оиласига кирадиган, ем-хашак бўладиган ўсимлик; беданинг бир тури.

<sup>2</sup> Қўш – омочта қўшилган бир жуфт (баъзан битта) хўқиз ёки от. Ўрта Осиё хонликларида бир жуфт хўқиз ёрдамида хайдаб экиш мумкин бўлган ер майдони ҳам одатда қўш дейилган. Бунда буғдой ёки арпа экиш учун ҳайдалтан ер таҳминан 6–7 гектар, пахта учун эса 2–3 гектарга тенг бўлган. Ҳар бир қўш ердан олинган ер солиги қўш пули деб аталган. Маэкур солиқнинг ҳажми ва қайси шаклда ундирилиши ҳар ерда турлича бўлиб, у экилган экин нави, етиштирилган ҳосил ҳажми, ер сифати ва бошқа омилларга боғлиқ бўлган.

ёки отлар билан янчишиб, сўнгра шамолда шопириб тозалашади.

Бугдойнинг ўн олти чораги бир таноб ерга экишга етиб, гўрт ботмондан беш ботмонгача, яъни ўн беш-йигирма баробар кўп ҳосил олинади. Кўп ҳолларда бир акр ердан ўттиз бушелча<sup>1</sup> ҳосил йифиштириб олинади. Буғдойнинг тўрт тури машхур бўлиб, энг яхиси Евронадаги буғдойга ўхшаган оқ буғдой; яна энг қадрланадиган бир тури – қизил буғдойдан яхши нон ёпилади. Бу минтақанинг буғдойларига *мастак* деб аталадиган айрим уруғлар қўшилиб кетиб, анча хавфли саналиб, унинг аниқ хусусияти ҳалигача аниқланмаган.

Сули Ўрта Осиёда ўстирилмайди, жавдар эса руслар ўзлари истеъмол қилишлари учун оз микдорда эккунга қадар, яқин-яқингача етиштирилмаган. Сули кўп микдордаги арпа, жўхорининг ўрнини босиб, отларни кам қиздиради. Яшил пояси чорва учун яхши озуқадир. Барглари қўйларга берилади. Куриган пояси эса ўтии сифатида ёқилади. Бир таноб ерга экилган икки-уч чорак жўхори икки ботмондан уч ботмонгача ҳосил берадики, бу элликдаи бир юз олтмиш бараваргача кўп дегани. Маккажўхори ҳам экилади, бирок жуда кам микдорда. *Тарик*нинг уч хил нави бўлиб, анча тез етилади. Шу сабабдан қишки буғдойдан сўнг яна иккичи экин сифатида тарик экилиб, беш чорак уруғдан икки ботмонгача, яъни қарийб ўттиз марта кўп ҳосил олинади. Шоли ўстириш анча куч-ғайрат ва сабр-бардош талаб қилиб, бошқа донли экинларга нисбатан сувга кўп эҳтиёжидан асосан қуий балчиқли ерларга ёки суви жуда мўл бўлган жойларда экилади. Ундан кўпинча ўттиз баробар кўп ҳосил олинади. Умуман олганда донли экинлар ахолининг талабини ҳам, яна аввал айтганимдек, рус аҳолиси ва қўшинларини тўйдиришга ҳам етмайди.

Суфориладиган ерларнинг тахминан 25 фоизига буғдой, қарийб 6,5 фоизига арпа экилади. Зарафшон, Қашқадарё (Шахрисабз ҳам) водийлари аҳолисининг асосий озиқ-овқати саналган буғдойнинг йифиб олинадиган бари ҳосили 6708500 бушелга teng. Бу водийларнинг бир ярим миллион атрофидаги аҳолисининг ҳар бирига кунига ярим фунтдан сал

<sup>1</sup> *Бушель* – асосан сочиљувчан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўлчаш учун ишлатиладиган ўлчов бирлиги (36,3 л).

кўпроқ тўғри келади дегани. Мазкур минтақаларнинг лалми ерларига очишини айтганда ўртacha 31190000 бушель ҳосил ёки киши бошига бир кунда уч фунтдан кам буғдой тўғри келади. Ушбу миқдорлар ва куйида келтирилган далилларни А. Гребенкиннинг дикқат билан ўрганиб, жуда қизиқарли ёзилган ва «Туркестанские ведомости» газетасининг 1871 йил 17–18-сонларида чоп этилган «Бухородаги ҳосил камлигига нинг сабаблари» номли мақоласидан олдим.

Шуниси аёни, мамлакат аҳолисининг озиқ-овқати асосан лалми ерларга боғлиқ бўлиб, қишида қор кам бўлиб, баҳорда ёғингарчилик бўлмаса, бу ерларнинг ҳосилига дахл килмасдан қолмай, аҳоли очликдан азоб чекади. Тажрибалар яна шуни кўрсатмоқдаки, лалми ерларнинг ҳосили фавқулодда ўзгарувчан. Масалан, 1862 йил Каттақўрғон жанубидаги бепоён лалми ерлардан 1106000 бушель, 1868 йилда 155620, 1870 йилда 486, 1871 йилда эса 12430 бушель буғдой йиғиштириб олинган. 1870 йилда ҳосил жуда кам бўлиб, очарчилик кузатилди. 1871 йилда гарчи барча шарт-шароитлар қулай келган бўлса-да, уруғ етишмаслигидан озгина ҳосил ҳам экишга ишлатилган. Ҳосил танқислиги, айниқса Бухоронинг Зарафшон қисмида сезилди. Шахрисабз ва Қашқадарё туманлари доимо ўзларининг ғамларини кўришлари мумкин.

Бухорода аҳоли Россиянинг Зарафшон туманига қараганда камида икки баравар кўп. Ишлов берилиб, буғдой экиладиган ерлар эса у ерга нисбатан атиги чорак қисмга катта, холос. Демак, об-ҳаво нокулай келган йиллари Бухоро ўзини-ўзи таъминлай олмай, бошка туманлардан буғдой келтиришга мажбур бўлади. Шундан очарчилик бу ерларда ғайриоддий ҳолат саналмайди. 1770 йилги йирик қаҳатчиликни ҳалигача эслашади. 1810–1811 йиллари қиши бўлмай, баҳорда ҳам ёғингарчилик кузатилмаган. Лалми ерлардан ҳосил тўлиқ олинмай, очарчилик шунчалик авжига чиқканки, одамлар ўз фарзандларини, опа-сингилу оналарини сотишган. Қари кишиларни ўлдиришган ёки ўз ҳолларига ташлаб қўйишган.

1835 йилда ўша сабаблар билан яна бир очарчилик оқибати унчалик ҳалокатли бўлмади. Чунки олдинги йилнинг ҳосили анча кўп эди. 1869–1870 йил қишида яна қор бўлмай, жорий баҳорда ёмғир жуда кам ёққанидан лалми ерлардаги буғдой ниш уришга улгурмай қуриб қолган.

Каттақўрғон туманида ҳосил, айтиб ўтганимдек, атиги 486 бушелдан иборат бўлиб, у ҳам бўлса тоғлардаги ёпиқ төғ ҳавзаларидан олинган. Маҳаллий аҳоли тахмин қилганидек, очарчилик лалми ерлардан бўлак даласи йўқ Фузор беклигидан бошланди. Ҳатто июннинг бошларида оч қолган одамлар тўдаси Қарши ва Бухорога иш излаб келишди. Ишчи кучининг баҳоси пастлаб кетди. Август ойидаёқ қиши оғир келишининг муқаррарлиги аниқ-равишан бўлиб колди. Уйланиш учун тўланадиган қалин миқдори 15–30 фунт стерлингдан 2–3 фунт стерлингга тушиб, шунча паст миқдор бўлишига қарамай, никоҳлар кам бўлган. Қиши кириши билан қорамол ва қўйлар ем-ҳашак етишмаслиги оқибатида очликдан нобуд бўла бошлади. Чунки яйловлар йил бошидаёқ бўшаб қолган эди. Чорванинг учдан икки қисми қирилиб кетди. Доннинг нархи шу даражада ортиб кетдики, баҳорда экиш учун уруғлик қолмаслиги ва шунинг учун келаси йили қаҳатчилик яна ҳам ёмон бўлишидан ташвишланган Зарафшон туман аҳолиси Бухорога дон экспортини тақиқлашни талаб қила бошладилар.

Бу тақиқка қарамасдан чегарадан яширинча дон экспорти давом этаверди. Январь ойлари чамаси, Хива ҳам дон экспортига чек қўйганлиги боис, Амударёнинг юқори туманлари ва Россия вилоятларидан ташқари бу ерда очликдан азоб чекканларнинг бошпанаси бўлмаган. 1871 йилнинг майига келиб ҳосилнинг нархлари ҳам анча туша бошлаган. Бахтга бу ерда қаҳатчилик ҳарбий ҳаракатлар бўлмагани ва очарчиликдан кам одам ўлганидан енгил ўтган.

Ўрта Осиёнинг бошқа қисмларида дон миқдорининг ортганлиги хақида аниқ бирор-бир маълумотларни кўлга кирита олмадим. Афтидан ўқувчи ҳам менинг статистикамни ўзининг фойдали ва қизиқарли бўлган ерида оқсаб қолаётганлигини фаҳмлаган бўлса керак. Бу ўринда эса менинг энг яхши баёним бир вақтлар Туркистонда юқори даражадаги расмийнинг хисоботидан келтирадиган парча бўлади: «Бу мамлакатнинг алоҳида турли қисмларидан иборат ўлкаларининг тўлиқ тавсифини қўшинларимизнинг рекогносцировка маълумотларидан билиб олдик. Уезд бошлиқларининг вақти-вақти билан бизга йўллаган статистик маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, улар шу қадар саёз ва ноаниқ, баъзан бир-бирига

зид бўлиб, бу ҳақда галириб ўтиришининг фойдаси йўқ. Ўрта Осиёнинг турли ерларида таъсис этилган статистика қўмиталари фақат қоғоздагина мавжуд. Ўрта Осиё Бош Статистика қўмитаси 1868 йилда ташкил этилган бўлиб, аммо керакли маълумотларни унга етказмаган маҳаллий маъмуриятлар вакилларининг буткул жохиллиги туфайли у ўз вазифасини тўлиқ бажаришга қурби етмаган. 1869 йилда Бош қўмондоннинг фармойиши билан турли уездларда статистика қўмиталари ташкил этилди. Сирдарё Статистика қўмитаси илк бор 1870 йилда ташкил этилиб, у маҳаллий маъмуриятлар амалдорларини ўзлари бошқараётган жойнинг статистикаси бўйича саволларга кўмиб ташлади. Аммо бу чукур саволлар амалдорларда фақатгина кулги туғдирди, холос. Еттисув вилоятининг уезд бошликлари томонидан тақдим этилган статистик маълумотларда бошқа тавсифлар билан бирга қуйидаги «Иклими ҳақида маълумот йўқ, ишлаб чиқарувчи кучлари номаълум» деган сўзларни учратиш мумкин эди. Истило этган мамлакатимиз ҳақида билим дарражамиз ана шунака».

Кунжут, седана, зигир ва наша ўсимликлари урувларидан ёғ олиш учун етиштирилади. Ҳолбуки, нашанинг поясидан баъзида йўғон арқон қилиш мақсадида ҳам фойдаланилади. Каттақўғон уезди ва Шахрисабзнинг кўплаб уездларида рўян экилиб, у анча ҳосилдор ва фойда келтирадиган экин. Тамаки эса Ўрта Осиёнинг кўплаб туманларида оз микдорда етиштирилиб, аммо сифати ҳеч қаерда яхши эмас. Энг сараси Қарши ва Намангандан келтирилган тамакидир. Россия мустамлакаси остидаги Туркистон ҳудудида кам, факатгина Еттисувдаги руслар томонидан ўстириладигани бундан истисно.

Аввал қайд этилганидек, буғдой нархининг кўтарилигани боис, пахта ҳосили сўнгти йилларда анчагина камайиб кетган бўлса-да, у маҳаллий кийим-бош учун зарурлиги ҳамда экспортга катта талаб борлигидан мамлакатнинг энг муҳим маҳсулотларидан бўлиб қолмоқда. Бир вақтнинг ўзида у бошқа ўсимликлар орасида ўстирилиб, қўл остидаги ернинг барчасига пахта эккан дехқонни учратмайсиз, у нари борса ўн уч ёки ўн тўрт акрдан ортиқ ерига пахта әкади, холос.

Даланинг иложи борича жануб томонга қарагани танланади. Шундан сўнг гўнг сочиб, олти – ўн марта шудгор

килинади. Ер имкон қадар яхши ағдарилади, чунки ерга канчалик яхши ишлов берилса, хосил шунча аъло бўлади, деб ҳисобланади. Бир кун давомида сувда ивтилган уруғ апрелнинг биринчи икки хафтасида экилиб, қейин эҳтиёткорлик билан бороналанади. Бир акр срга 30 футдан 38 футгача уруғ экилади. Мободо чигит экилганидан сўнг кучли ёмғирлар бўлса, ер яна қайтадан шудгор килиниб, уруғ қайтадан экилади. Акс ҳолда хеч қандай хосил бермайди. Экинлар бир неча дюйм бўлиб ўсгач, ери астойдил чопилиб, экин атрофига тупроқ баланд қилиб уюб кўйилади. Бундай чопикни токи уруғ қадалгандан икки ой ўтиб, илк бор суворилгунча, яъни фўза шоналаб гуллагунга қадар ҳар ҳафта ёки икки ҳафтада бир марта такрорлаб турилади. Кучли иссиқ маҳали керагидан ортиқ сув беришдан эҳтиёт бўлишади. Чунки ортиқча сув фўза экинига зиён беради. Пахтани териш асосан аёллар ва болалар зиммасида. Ерлик аҳоли уруғ, гўнг, ери тайёрлаш ва экин экиш харажатларини бир таноб ерга 6 рублдан 10 рублгача, чопик ва шу каби ишларни 4–5 рублга баҳолашади. Бир танобдан 1,5–2 ботмон хосил олиниб, бир ботмон хосилнинг нархи ўртacha 9 рублни, бир танобдан келадиган фойда эса 5–8 рубль ёки 18 шиллинг 3 пенсдан 29 шиллинг 2 пенсгачани ташкил этади. Чигит толасидан қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган иккита ёғоч ғалтаклар орасига қўйиб айлантириб ажратилади. Бу жуда содда ва мукаммал бўлмаган усулда агар ғалтаклар бир-бирига яқин бўлмаса, у орқали кўпгина арадаш ва майдаланган чигит ўтиб кетади. Пахтага ёпишган чанг ва хас-хўшни тозалаш учун одатда гиламларга ёйилиб, енгил чўплар билан саваланади.

Хозирда ҳар йили Ўрта Осиёдан Россияга тахминан йигирма беш миллион фунт пахта жўнатилиб, бу Россия фабрикалари фойдаланиш учун четдан оладиган умумий пахтасининг беш-олтидан бирига тўғри келади. Куйида Россияга Европа орқали импорт этилган пахта ва каноп миқдорини келтирамиз:

Пахта	1871 йил	1872 йил	1873 йил
	144083000 фунт	122148000 фунт	122182000 фунт
Каноп	9472000 фунт	11009000 фунт	11425000 фунт

Суръат навли пахтанинг сифати ҳар томонлама паст ҳи-  
собланиб, ҳалигача кўп миқдорда Россияга импорт қили-  
нади. Ўрта Осиё пахтаси сифати ёмонлигига асосий сабаб-  
лар – толанинг калталиги (камдан-кам 2–3 дюйм узунлик-  
да), ингичкалиги ва толасининг мўртлиги, тозалашиниг ёмон  
усули ҳамда унга бошқа нарсаларнинг аралашганидир. Пах-  
та тойлари ишлатилмайди. У катта қопларга зичлаб жой-  
ланиб, Россияга етиб борганида пахта қоплари бир неча  
дюйм қум ва ифлос бўлиб, пахтаси яроқсиз ҳолга келган  
бўлади. Шу тариқа камида 25 фоиз, кўпинча 50 фоиз,  
ўртача эса 35 фоиз пахта яроқсиз ҳолга келади, Шарқий  
Хиндистон пахтасидан эса бор-йўғи 18 фоиз чиқади.  
Бу каби заарларни бартараф этиш учун жин<sup>1</sup> ва тойлар-  
ни қўллаш ҳамда иаҳтанинг энг яхши навларини ўстириш  
таклиф қилинди. Шу мақсадда Туркистон ҳукумати пах-  
та уруғчилиги плантациясини очишни мўлжаллаган, аммо  
Молия вазирлиги ипакчилик мактабининг истиқболи нати-  
жалари маълум бўлмагунча зарур маблағ билан уни мо-  
лиялашибди қарши чиқди. Генерал Кауфман томонидан  
тузилган комиссия Америкага у ердаги пахта этишириш  
усулларини ўрганиш ва кўрган малакаларии Тошкентда жо-  
рий этиш учун жўнатилган эди. Пахта навини яхшилаш  
борасида кўплаб ҳаракатлар қилиниб, Америка нави билан  
ҳам қатор тажрибалар ўтказилди. Шу мақсадда «Денгиз  
ороли» номли нав танланиб, дengiz бўйларидаги оролларда  
ўстирилгани боис, Денгиз ороли пахта нави номини олгани,  
баланд ерлар ва ички худудда экилса, сифатини яхшигина  
йўқотиши ислоҳотчиларнинг калласига келмаган. Бу пахта  
навининг Тошкент ҳамда Самарқанд яқинида экилгани бу  
ерга мослашиб, жуда чиройли бўлиб бўй кўрсатган. Бўйи  
саккиз-тўққиз футга етиб, кўсаклари энди шоналайман дега-  
нида қиши эрта келиб қолди.

Бу ўлканинг боғлари бутун гўзаллигини ўзида намоён  
этган. Терак ва қайрағочларнинг узун қаторлари, токзорлар,  
деворлар оша анорларнинг тўқ япроқлари кишини бир онда  
Ломбардия<sup>2</sup> ёки Жанубий Франция текисликларига элтган-

<sup>1</sup> Жин – чигитдан пахтани ажратадиган машина.

<sup>2</sup> Ломбардия – Италия шимолидаги минтақа. Альп топ тизмаси ва По дарёси  
водийсида жойлашган.

дек бўлади. Эрта баҳорда шаҳар ташқариси ва умуман бутун водий бодом, шафтоли, олча, олма, ўрик ва олхўриларнинг гуллашидан оқ ва пуштирангта бурканиб, хушбўй ҳиди узок атрофга таралади. Мазкур боғлар ёзда энг яхши яшаш жойи ҳам ҳисобланиб, улар анча тароватли бўлади. Ҳеч қаерда мева бунчалик мўл эмас ва айтишларича, баъзилари бошқа ерларда бу ердагидан тузук эмас. Ўйлашимча, бу ернинг ширин ўриклари бошқа ҳеч қасрда топилмайди. Мева-чева, қовун-тарвузлар июнь ойидан хосил бера бошлаб, шундан то қишигача узилмайди. Шафтолилари Англиядаги энг зўр шафтолилар олдида бироз кичикроқ бўлса ҳам, мазаси ундан яхши, аммо Делавэрникига<sup>1</sup> етмайди. Бухоронинг йирик кўк олхўриларининг донғи бутун Осиёга кетган. Олчалар кўпинча майда ва нордон. Энг сара олмалар ёки Хива, ёки Туркистон шимолидаги Сўзокдан келтирилгани, аммо Тошкентнинг кичкина оқ ноклари ҳам энг яхшидир. Беҳи биздагидек мураббо ва шиннилар тайёрлаш, шўрваларга хуш таъм бериш учун етиширилади. Тарвуздан (русча *арбуз* ҳам шундан) ташқари бу ерда эртапишар қовуннинг ўнта, шунингдек, кечпишар қовуннинг олтига нави бўлиб, ҳар қайсиси бизнинг боғларимизга ҳам яхшигина кўрк беради. Бу ернинг иссиқ иклимида улар жуда фойдали ҳамда ёз бўйи истеъмол қилинадиган полиз экинидир. Исиб кетган ёки чанқаганда ўтириб олиб бир жуфтини ейишдан бошқа нарсани ўйламайсан, киши.

Бир акр ер, агар у яхши ишлов берилса, йилига одатда икки мингдан ўн минггача, жуда яхши келган йиллари эса икки баробар кўп хосил беради. Узумнинг мен кўрган ўн учта навидан аксарияти яхши. Яхудийлар узумлардан ко-нъяк тайёрлашади. Руслар хам вино қилишни бошлашган, бироқ мен кўрган навларнинг бари қизил ва оқ бўлиб, аччик ва ўткир, Крим ва Кавказ виноларига етмайди. Меваларнинг кўп қисми қуритилиб, улар Россия тижоратида *изюм* ёки *кишмиш* номи билан машхур. Ҳолбуки, кейинги кишиши номи узумнинг аниқ бир нави учун ҳам кўлланилади. Агар мева тўғри ва эҳтиёткорлик билан қуритилса, савдонинг муҳим молига айланиши, табиий ўта шириинлигидан шакар қўшмасдан ҳам компот ва мурабболар тайёрлаш мумкин.

<sup>1</sup> Делавэр – Делмарва ярим оролининг шимоли-шарқий қисмидаги АҚШ штати.

Зарафшон водийсининг энг яхши қисмидаги ўртача сифатли бир акр ернинг нархи Англия пулига айлантирилса, боғлар учун 7 фунт стерлинг 4 шиллинг, токзорлар учун 10 фунт стерлинг 16 шиллинг, бедазорлар учун 5 фунт стерлинг 8 шиллинг ҳамда ҳайдалган ер учун 3 фунт стерлинг 12 шиллингга teng. 1871 йилги жадвал шаклидаги нархларга қараганда, шундай боғзорларнинг ҳар акридан олинидиган ҳосил баҳоси 4 фунт стерлинг 6 шиллинг, токзорлардан 7 фунт стерлинг 12 шиллинг, беда яйловларидан 2 фунт стерлинг 4 шиллинг, далалар, агар буғдой экилган бўлса 3 фунт стерлинг, пахта экилгани 3 фунт стерлинг 12 шиллинг. Самарқанднинг яқин атрофида ер анча қиммат, бир акр боғзор 14 фунт стерлинг 8 шиллингга сотилиб, 7 фунт стерлинг 4 шиллинг миқдордаги ҳосил беради. Бир акр токзор учун 18 фунт стерлинг сўрашади ҳамда бундай ҳажмдаги ердан 12 фунт стерлинглик миқдордаги ҳосил олиш мумкин. Бир акр яйлов ёки ҳайдалган ернинг нархи эса 10 фунт стерлинг 16 шиллинг бўлиб, агар буғдой экилган бўлса 4 фунт стерлинг 6 шиллинг, пахта экилган бўлса 3 фунт стерлингга сотилади.

Ўрта Осиёда ерга эгалик масаласи бурунгидек муҳим даражали аҳамиятга эга. Биринчидан, Россия мустамлакаси бу ерда ўзига хос манзилгоҳларга эга бўлгунга қадар русларга ер сотиб олишга рухсат бермаган; иккинчидан, рус расмийлари томонидан ер масалаларини тартибга солиш учун тайёрланган ҳамма лойиҳаларда барча ерлардан келадиган тушумлар давлатга тегишли эканлиги, шундан ҳукумат ердан маҳрум этиш ёки фойдаланиш муддатини ўзгартиришга ҳаққи борлиги очиқдан-очиқ ёки зимдан айтилган эди. Ўрта Осиёнинг бу ердаги ҳеч бир ерида жамоавий эгалик ҳозирча кузатилмаган бўлса ҳам, ерга эгалик назарий жиҳатдан барча мусулмон мамлакатларида қоидаларга кўра тартибга солиниб, ҳолбуки амалиётда маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олиниб, бироз ўзгартиришлар киритилган, холос.

Мусулмон ҳукуқининг асосий қонун-коидаларига кўра, ернинг бешта тури мавжуд. *Мулк*, асосан хусусий шахсларнинг мутлақ мулки ҳисобланади. *Мирия* жамоа мулки ёки давлат эгалигидир. *Мавқуфот* – вакф ҳисобидаги ерлар. *Матруке* (тарк этилган) ерлар, яъни жамоа фойдаланишига кўчалар, йўллар ва ҳоказога берилган ерлар ёки

бирор қишлоқ ёки туманга тегишли яйловлар. *Меват* – ташландик ёки бўм-бўш ерлар. Мулк ёки хусусий ерлар, ёки мулки ушр – файридин мамлакат қуролли кучлар томонидан босиб олиниб, улар ўртасида тақсимланиб, ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдорида соликлар тўлаб туриладиган ерлар. *Мулки хирож* эса забт этилган ерларнинг мусулмон бўлмаган аҳолисига қолдирилган қисми бўлиб, *ушрга* қараганда кўпинча баландроқ – ҳосилнинг етти қисмидан то ярмигача соликқа тортилган.

Мулк ерлари буткул ўз эгаси ихтиёрида бўлиб, у сотилиши, бировга берилиши, васият қилиб қолдирилиши ҳамда вакфга айлантирилиши мумкин бўлган. Мабодо ерга эгалик қилган мулқдор васиятсиз вафот этса, ер ҳукуматга ўтган. Мирия ёки жамоа мулки, агар у хусусий шахслар қўлида ижара<sup>1</sup> тарзида фойдаланилаётган бўлса, уларнинг вафотидан сўнг мулк аёл эмас, эркак авлодларига ўтади. Яқиндагина Туркияда ўтказилган ислохот натижасида мирия сохибларига расмийлар рухсати билан уларни сотишга ҳамда ўз ерларнинг аёл қариндошларига ҳам мерос бўлиб ўтишига рухсат тегди. *Мавқуфот* ёки Ўрта Осиёда кўпинча *вакф* деб атлади – бирор-бир масжид ёки мадраса ихтиёрига, диний ёки хайрия мақсадларида хусусий шахслар ёки давлат томонидан берилган ёки тақдим этиб қолдирган ерлар ҳисобланади.

Ерлар соғ диний ёки хайрия мақсадида бирор кимнинг фарзандлари ёки авлодлари фойдасини кўзлаган ҳолда вакфга ўзгартирилиб, шу тариқа мерос бўлиб қоладиган ер шаклига айланарди. Масалан, бирор кичик масжид курилмоқчи бўлса, унга вақфни берган кишининг авлодлари васий саналиб, улар ердан келадиган даромад ҳисобига яшаганлар. Меват ёки қаровсиз ерлар шариат ибораси билан айтганда ерни жонлантирган, яна сув бериб, дов-дараҳт эккан, ҳукуматнинг розилиги билан (ҳолбуки баъзи ҳукукий мактаблар бунга ҳожат йўқ деб ҳисоблашади) ҳар қандай шахс томонидан мулк, яъни шахсий мулкка айлантирилиши мумкин. Ушбу қаровсиз ерлар олинганидан сўнг уч йил мобайнида

<sup>1</sup> *Ижара* (арабча – ижора) – тарихий-этнографик атама. Мусулмон давлатларида ер эгалари томонидан ерни ишлаш учун дехқонларга бериш шартларидан бири; ер эгасининг ҳакини пул билан тўлаш. Ер эгаси ҳаки ҳосилдан улуш (натура) тарзида бериладиган бўлса, музораға деб аталган. XX асрнинг 20-йилларига қадар Ўрта Осиёда ҳам кенг расм бўлган.

ўзлаштирилиши шарт. Акс ҳолда мулкка эгалик ҳукуки бекор қилинади. Очиини айтганда, бутун Ўрта Осиёда хусусий шахслар эгалик қиласига ернинг бариси мулки хирож бўлиб, руслар томонидан янгилиш фикр билан айтиладиганларидан ташқари бу ерда хеч кандай мулки ушр мавжуд эмас. Чунки истилочилар ўртасида ерлар аслида бўлиб олимаган ва яна қадимги фақиҳлар Жайхун (Амударё) ва Сайхун (Сирдарё), Нил, Дажла ва Фрот дарёларидан сув оладиган ерларда мулки ушр йўқлигини ёзиб қолдирган. *Хури* холис мулк ернинг яна бошқа бир тури бўлиб, шу юртларда шаклланган ва шаклланганидан бери аслида ёки ҳукукий асосга кўра барча соликлардан озод этилган ердир. Улар яна *зарҳарити*, «олтинга алиштирилган» деб ҳам аталади.

Ўрта Осиё давлатлари маҳаллий ҳукмдорлар қўл остидаги хонликлардан иборат бўлиб, улар беклар томонидан бошқариладиган бир қанча туманларга бўлинган. Улар ер эгалиги муносабатларида амир ёки хонга нисбатан унча мустақил эмас. Беклар хон-амир қўшинларининг бир қисмини аскар билан таъминлаб туриш, уларга йирик совфалар бериб туришга мажбур, бъязи масалаларда юкори мақомга ҳам эга. Улар йиғадиган соликлар хоннинг эмас, ўзларининг алоҳида ғазналарига тушади. Ҳар бир бекликда хоннинг ерлари мавжуд бўлиб, ундан олинидиган даромад хоннинг шахсий ҳазинасига тушади. Бундай ерлар *амлок*<sup>1</sup> ерлар деб аталиб, бекнинг ерларидан фарқ қиласи. Мазкур ерлардан солик йиғувчилар бекка эмас, *амлокдор*<sup>2</sup> деб аталадиган кишиларга бўйсунишади. Амлок ерлар ҳақида гапирганда бъязилар уни давлатга қарашли ерлар ва уларнинг эгалари факатгина давлат ерларининг ижарачилари, давлат рухсатисиз ерни сотиш-

<sup>1</sup> Амлок – XVI–XX аср бошларига қадар Ўрта Осиё хонликларида мавжуд бўлган давлатга қарашли ер эгалиги; мулклар, ер-сув, киши тасарруфидаги нарса ва буюмлар. Яна Бухоро амирлигига соликни тақсимлаш бирлиги ҳисобланган. Шунингдек, XVI–XX аср бошларида Бухоро ва Кўкон хонликларида мавжуд бўлган ер эгалигининг бир тури бўлиб, давлат олдидаги хизматлари учун шаҳзодалар, лашкарбошилар ва амалдорларга ишъом қилинган ер-сув амлок дейилган.

<sup>2</sup> Амлокдор – Бухоро амирлигига қарашли энг кичик бўлинма – амлокни бошқарувчи киши. Амлокдор бой табака вакилларидан бўлиб, бек томонидан тайинланган. Амлокдорга бир неча қишлоқ қарам бўлган. Амлокдор қулида котиб, мироб, амин, оқсоқоллар хизмат қилгандар. Амлокдорлар хирож йиғини, дехқонлар этиштирган ҳосилни ҳисобга олиш, солик тўламаганларни жазолаш, жарима солиш каби ишлар билан шуғулланганлар.

га уларнинг ҳақлари йўқ деб ҳисоблашади. Бошқаларининг айтишича эса, бу ерларнинг ҳаммаси мулк ёки бу ерда яшовчи кишиларнинг мутлак мулки ҳисобланади. Улар давлатга қарашли бўлганидан солиқлар бекнинг эмас, балки хоннинг хазинасига тушади. Бир сўз билан айтганда, ер эгаси томонидан ҳосилнинг фоизи ҳисобида тўланадиган тўлов ижара ҳақи эмас, солиқ саналади. Назарий жиҳатдан қандай бўлмасин, амалда мазкур ерлар уларни ўзлаштираётган кишиларнинг мулки бўлиб, улар бу ерларни ҳукуматга ёрдам сўраб мурожаат этмасдан сотиш, бирорга бериш, мерос қилиб қолдириш ёки вақфга айлантиришлари мумкин. Афтидан бу ерда ҳам Англиядаги каби ҳуқуқий асос бўлиб, муаммо чиққанда энг охирги ёрдам ҳукуматдан бўлади. Ўрнатилган тартиблар фақатгина расмиятчилик, холос ва амалда у ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Ерларни тартибга солишни лойиҳалаштирган рус расмийлари барча ерларнинг давлатга қарашли эканлигини ва ер эгаларининг бари бир хил шаклдаги ижарадорлар ва шу ерда яшовчilar бўлиши белгилаб қўйилган. Ушбу ҳолатни улар меросхўрлари бўлмаганда ер давлатга ўтиши ҳамда ердан фойдаланишда маълум чекловлар борлигидан шариат бўйича истило этилган ёки васиятномаси бўлмаган ерлар давлатга ўtkазилиши ҳақидаги маълумотлар билан изоҳлашади. Аслида улар хато қилишмоқда: ёхуд мулкий ҳуқуқлар чекланиб, ёхуд айникса суғориш ишлари бўйича баъзи қоидалар киритилиб чекланганлиги деб ҳисоблашади. Масалан, суғориш каналлари барча чегарали ерлар учун фойда келтириб, сувдан фойдаланишда қатъий чекловлар қўйилган. Канал бошланишидаги ҳудудда яшовчи ер эгаларининг белгилаб қўйилган микдордаги сувдан ортиқроқ ишлатиб, куйидагиларга зиён етказишга ҳақи йўқ. Бу қоида одатда шоли далалари учун қўлланилиб, сувни исроф қилиб, кўп фойдаланишининг олдини олиш учун ҳар кимнинг даласига кўриқчи кўйиш анча қимматга тушишидан, маълум ҳудудларда ҳатто шоли етиштиришни тақиқлаб қўйиш осонроқ деб топилди.

... Ерга эгалик ер соликлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ер солиғининг ҳозирда иккита тури – хирож ва таноб мавжуд. Закот ёки савдо солиғи дастлаб ғайридинларга қарши уруш, Исломни қувватлаш мақсадида ва камбағал ҳамда бе-

чораларни таъминлаш учун олинган бўлса, хирож ҳам диний урушлар натижасида ер эгаларига солинган бўлиб, ахолидан мол-мулклари хавфсизлигини таъминлаш учун олинган, эндиликда ушбу солик мусулмон ёки мусулмон бўлмаганларнинг барча ерларига солинади. Бу солик икки турга бўлинган: мутаносиб (*мақосим*) – фалла әкиладиган майдонлар ҳосилининг белгиланган қисмидан ва одатда маҳсулот шаклида олинадиган солик; ўзгармас (*мудазир*) – ерлар учун аниқ белгиланган солик миқдори.

Ўрта Осиёда белгиланган хирож солиғининг ҳажми таноб бирлигига ўлчаниб, одатда боғлар ёки мевали боғ ва яйловлардан олиниб, у таноб солиғи сифатида маълум. Бухоро маъмурияти хирож солиғи учун ҳосилнинг бешдан бир қисмини ва кўп холларда ундан кўпроқ олган. 1873 йил баҳори – Хива экспедициясигача Зарафшон водийсида бу солик ахолини тинчлантириш учун ҳосилнинг ўндан бир қисмига қадар пасайтирилган. Россия истилосидан бўён бу каби енгиллик Сирдарё вилоятининг уездларида ҳам кузатилмоқда. Бухоро маъмуриятида бу соликлар кўплаб туманларда *саркор*<sup>1</sup> деб аталадиган расмий шахс томонидан йиғилган.

У ўзининг жуда кўп ёрдамчилари – мирзолар ва ер ўлчовчилар билан биргаликда бутун ёз давомида далаларни назорат қилишиб, экиннинг ҳисобини олишган. Ҳосилнинг тахминий миқдорини аниқлашиб, ҳосил йиғимидан сўнг ҳар бир хирмонтепага бориб, ҳукуматта тегишли қисмини олишган. Унинг маоши ҳукумат солиғининг ўндан бир қисмини ташкил этувчи қўшимча *кафсан*<sup>2</sup> деб аталган солик ҳисобидан тўланган.

Ушбу тизим ҳақиқий ҳосил миқдорини ахоли томонидан яширишга ва шу билан бирга расмийларнинг фирибгарлик қилишига йўл очиб берган. *Саркор* бойроқ кишилар билан

<sup>1</sup> Саркор – иш боши. Катта мулқорларнинг ер-сувини назорат қилиб, барча хўжалик ишларига бошқарувчилик қилиб турувчи мансабдор. Айрим холларда хукмдорларнинг шахсий хазиначиси ҳам саркор деб аталган.

<sup>2</sup> Кафсан, капсан – кишлоқ жамоасининг хизматини бажарганлиги учун дехқонлар томонидан айрим шахслар (масалан, маъмур ва дин арбоблари, мироб ва подачилар, темирчи ва сартарошлар)га берилган маҳсулот тўлови. Кафсаннинг миқдори ернинг ҳосилдорлигига ҳамда сув таъминотига қараб турли жойларда турлича бўлган. Дехқонлар ўз қариндош-урувлари, кишлоқдаги камбағал оиласларга, бева-бечораларга ҳам ихтиёрий равишда кафсан берганлар. Кейинчалик у мажбурий гўловга айланган.

келишиб, улардан маълум миқдордаги пора эвазига солик олмаслиги ва бунинг натижасида камбағалроқ ер эгаларидан белгиланганидан кўра кўп солик олиш ҳолатлари учраб турарди. Куйида рус маъмурияти бошқаруви остидаги ерлардан солик олиш усулининг асл мисоли келтирилган. Кичикроқ бир мулкдорнинг хирмонида 320 фунт ҳосил бўлиб, солик йиғувчи келгач, ўзига маош сифатида унинг чорак қисмини олган. Унинг ёрдамчиси ўзига тўланадигани – ҳосилдан енгини тўлдириб олган. Енги жуда кенг бўлганидан ҳосилнинг саккиздан бирини ёхуд кирқ фунт олган. Имомнинг ҳам одами ҳамма диний уламоларга ҳосилдан тегадиган улуш – кирқ фунт миқдорда, мирзо эса саккиздан бир қисмини олган. Солик тўпловчига ҳамроҳ бўлган новвой ҳам хирмонга икки-учта кичикроқ нон келтириб, 20 фунт дон олишига рухсат берилган. Солик йиғувчига ўзининг карнайини бергани ва унинг халтасини кўтариб борувчига ҳам 20 фунт миқдорда дон теккан. Саркор қаршисида бир жуфт янги шим ва қалпок ёйган ғар лўли 30 фунт дон олибгина қолмай, ҳатто чойга ҳам таклиф этилган. Охир-оқибат ҳосил эгасида бор-йўғи 50 фунт дон қолган. У ҳам беш қисмгacha бўлиниб, унинг бир қисми (10 фунти) хукуматга жўнатилган. Дон эгасига эса саккиздан бир қисми, яъни ҳосилнинг 40 фунти қолган. Энг ажабланарлиси, ушбу ҳолатдан дехқон арз қилмаган. Афтидан, ҳосилининг кўп қисмини яшириб кўйишга улгурганидан, унчалик заарар кўрмайди.

1868 йилдан 1871 йилгача, яъни Зарафшон водийсининг тақдири ҳал бўлмаган ва унинг Бухорога қўшилиши кутилаётган пайтда солик йиғимининг маҳаллий тизими сақланиб турган. Бунинг заарлари бўлиб, ушбу ҳолат рус расмийлари томонидан аниқланиб, унга кўра солик йиғувчилар соликнинг анчагина қисмини ўзлаштирганликлари аниқланган ва 1871 йили уларни 165000 рублдан кўпроқ пул тўлашга мажбур қилганлар. Шу сабабли йиғим усули расмийларнинг катта қисмини ўзгартириш ва уларнинг вазифаларини қишлоқ маъмурлари амалга ошириши орқали янгиланиб, шундан сўнггина солик йиғиши ишлари анча яхшиланган. Туркистоннинг бошқа ерларида соликлар маҳаллий маъмурият кенгашлари томонидан йиғиб олинган.

Таноб солиги турлича – 40 копейкдан 3 рублгача бўлиб, ҳар таноб ерга 60 копейк солинган. Бундан ташқари, бу

ерда яна Бухоро хукуматидан қолган ва хозиргача амалда бўлган бошқа хил соликлар ҳам бор. Улардан энг асосийси *қўши пули* ҳар бир қўш ер учун солинадиган солик 1782–1789 йиллар – Шоҳмуродхон хукмронлиги даврида<sup>1</sup> суғориши каналларини қуриш ва таъмирлаш мақсадида йифилган.

Бу солик даставвал бир қўш ер учун 40 копейк бўлган. Турли даврларда унинг миқдори беш-тўққиз бараварга ошиб, руслар томонидан ҳудуд босиб олинганидан сўнг 3 рубль 61 копейкка етган.

Ушбу солик пули тўғридан-тўғри ғазнага келиб тушиб, эндиликда суғориши мақсадларида ишлатилмайди. Йўллар, кўпиклар, паромларни таъмирлаш учун Россияда земский деб аталадиган, маҳаллий мақсадларда фойдаланиладиган яна бир бошқа солик турини руслар жорий қилган. У Зарафшонда ҳар бир хонадон ёки ўтовдан 25 копейк миқдорда олиниб, ялпи тушум 10000 рублни ташкил этади. Сирдарё уездларида ҳар бир хонадон ёки ўтовдан олинадиган 75 копейк миқдордаги уй-жой солиги маҳаллий эҳтиёжларни қопламайди. Шунинг учун аввал айтганимдек, Тошкентдагига ўхшаш аҳоли орасида мутаносиб саналган солик жорий қилиш керак.

Зарафшон уездидан олинадиган соликлар миқдори қуйидагича бўлган:

- 1868 йил 284043 рубль
- 1869 йил 408770 рубль
- 1870 йил 649800 рубль
- 1871 йил 1190970 рубль

Россиянинг Туркистондаги қолган уездларидан шу тариқа олинадиган солик миқдори эса қуйидагича:

- 1868 йил 693970 рубль
- 1869 йил 1125058 рубль
- 1870 йил 1416196 рубль
- 1871 йил 1185075 рубль

Зарафшон туманида маҳаллий аҳоли 281000 кишидан иборат ва шу сабабли бошқа турдаги турли соликлар, яъни зақот ва савдо соликларини ҳисобламаганда, ер соликларининг ўзигина 1868 йилда киши бошига бир рублни (2 шиллинг

<sup>1</sup> Амир Шоҳмуроднинг хукмронлиги аслида 1785–1800 йиллар.

9 пенс) ташкил этган; 1869 йилда бир рубль қирқ беш копейк (4 шиллинг); 1870 йилда икки рубль ўттиз бир копейк (6 шиллинг 4 пенс); 1871 йилда эса тўрт рубль йигирма уч копейкни (11 шиллинг 7 пенс) ташкил қилган.

Агар ерларни тартибга солиш ўз натижасини берса, юқоридаги барча солиқларни ижарага айлантириш ва ерларни даромадига қараб саккиз тоифага бўлиб, ҳосилнинг ўртача қийматини аниқлаш ва ижара ҳақини ҳосилнинг 10 фоизи миқдорида белгилаш ва шу орқали бир десятина<sup>1</sup> ердан йигирма беш рублгача ёки 1 акр ердан 3 пенсдан 5 шиллинггача тушумни ташкил этили тахмин қилинган. Земский солиғи ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдорида олиниши кўзда тутилган. Махаллий аҳоли ёки русларнинг бир оз миқдордаги ерлари ижара ҳақини тўлашдан озод этилиб, фақатгина земский солиғи олинган. Бу билан аҳолининг бойроқ қатлами умуман солиқ тўламай, унинг оғирлиги эса камбағалроқ дехқонларнинг зиммасига тушган. Расмийлар буни ҳозирда Россиянинг Европа қисмидаги мавжуд холат билан айнан ўхшашлигини рўкач қилиб, ҳимоя қиласидар. Улар бу солиқларни рус дехқонлари ҳосилнинг деярли ҳаммаси ҳисобида тўлайдиган солиқларига нисбатан енгил деб ҳисоблашиб, бунда ҳатто дехқонлар ерга боғлаб қўйилгани ҳақида таъкидлайдилар.

... Бундай кайфиятнинг бир сабаби Россия расмийларининг мамлакат ҳукуматининг чиқимлари унинг кишимларидан анча ошиб кетишидан ва яна сўнгги йилларда Россия босиб олган ўлкаларнинг фойда келтирмаётганлиги ҳамда савдо ва қишлоқ хўжалигиининг фойдасизлигидан норозиликларидир.

Булардан ташқари яна истило этилганларнинг ҳар бирида истилочиларга нисбатан яширинча ҳис-туйғу бўлиб, маҳаллий аҳоли ҳатто ўз ерида бўла туриб, оддийгина ҳуқуқлари йўқ, bunga имкон ва розилик берувчи қонунлар зарарига бўлмаса, уларга нисбатан либерал муносабатда. Худди шундай ҳис руслар томонидан савдога нисбатан айтилган фикрларда яққол сезилади.

<sup>1</sup> Десятина – метрик тизимга ўтилгунга қадар русларнинг ер-майдонларни ўлчашда ишлатган ўлчов бирлиги. Турли хил ўлчамдаги десятиналар бўлган. Масалан, ғазна десятинаси 109,25 сотихга teng.

## ҚҮҚОН

*Маҳрам – Кўқонга яқинлашиш –  
Мехтар томонидан қабул – Оталиқ –  
Сарой – Курол-аслаҳа омбори –  
Куролларни юклаш ва Бердан сойли милтиқлар –  
Қоғоз тайёрлаш – Бозор – Бемаъни кутши –  
Рус савдогарларига чеклов ва солиқлар –  
Хоннинг тижорат битим ҳақидаги гояси –  
Хонни излаб – Учқўргон – Хонга тухфаларимиз –  
Мамлакат ҳаёти – Андижон – Хонзода – Ўш –  
Олдинга юришга тақиқ – Марғилон –  
Тошкентга қайтиш – Хонликнинг тузилиши –  
Унинг ҳукумати – Оғир солиқлар –  
Норозилик*

Хива экспедицияси қароргохидан олган мактубларимдан бирида хонликнинг Тошкентдаги вакили Мирза Ҳаким ва Россия дипломатик расмийси вақтинча узоқда экан, менинг Кўқонга ташриф буюришим мақсадга мувофиқ эмаслиги, уларнинг иштирокисиз мени яхши қабул қилмасликлари айтилган эди. Мавжуд хабарларга кўра билдирилган бу маслаҳат мени мамлакатга саёҳат қилишга яна ҳам астойдил киришишга чорлади. У жанобларнинг Хива экспедициясидан эртароқ қайтишига хеч қандай умид йўқлигига амин бўлгач, Хива забт этилмаган паллада қулай фурсат топиб, тезгина йўлга отланишга ахд қилдим.

Хонликка мўлжалланган ташрифимизга яна Сирдарё устига қурилаётган кўприкда фойдаланиш учун ёғоч сотиб олиш истагида бўлган Хўжандда яшовчи, истеъфодаги рус зобити жаноб Ф\_ ҳам қўшилди. Шунга кўра биз Хўжандда кўришиб, 19 июнь оқшом бешда тўрт филдиракли арава – тарантасда йўлга чикдик. Иссиқ ва чанг йўлда отда сафар

қилиш чарчатишини билганимиздан, бизнинг отлар *йигитларимиз* ва хизматкорларимиз билан сўнгги дақиқагача биз астойдил кейинга қолдирган Кастанак юнаб кетган.

Чоғроққина Исписар қишлоғини кечиб, ниҳоят Хўжанддан ўн бир мил узокдаги Кастанакга стиб келдик. У ерда кечки овқатни тановул қилиб, маҳаллий савдогарнинг улкан ҳовлисидаги пешайвонда тунни ўтказдик.

Гурухимизда Абдулла исмли ёш татар, жаноб Ф.нинг тилмочи, менинг шахсий тилмочим, ўн икки ўшилигига мамлакатнинг бу қисмида бўлган, туркий ва қирғизчани яхши биладиган, мусулмончасига ўхшатиб ярим татарча уст-бош кийиб олган, фаол, ишонса бўладиган, довюрак ёш рус йигити Андрей бор эди. Улардан ташқари жаноб Ф.нинг вакили сифатида хўжандлик бой савдогар Ҳабиббой ва учта йигити бор эди. Ҳар биримизда юклар учун арава бўлиб, бу мамлакатларда саёҳат қилиш учун кўрпа-тўшак ва ётоқлар, яна ювиниш анжомлари ва бошқа зарурий нарсаларни олиш лозим экан.

Эртаси эрталаб 5.45 да отларга миниб, Кастанакни тарқ этиб, сувсиз ва гиёҳсиз тақир чўлни кезиб, Кўқон билан чегарадош «Қароқчилар ери» деб ном олган Қароқчикум қишлоғида дам олиш учун қисқа муддат тўхтадик. Мазкур қишлоқда тахминан бор-йўғи юзтacha оила бўлиб, шу куни бозор қиладиган кун экан, у гавжум эди. Биз юзбошининг кичкина ҳовлисида чой ичиб, қовун еяётган маҳал, у тўрт мил узокдаги Махрамга чопар жўнатиб, бизнинг келишимизни маълум қилди. Сўнгра тезда Кастанакдан ҳаммаси бўлиб ўн етти мил узокдаги ўша қишлоққа йўл олдик.

Махрам баланд пахсали, данданали девордан иборат йирик майдонли қалъа бўлиб, Сирдарёнинг тик бўйида, колган уч тарафи сувсиз бўлса-да, чукур хандақлар билан мудофааланган. Каршидаги бирдан-бир кириши шарқий томонда жойлашган кичикроқ бозорга этиб олиш учун хандақни айланиб ўтиб, унга яқин, суғориш каналлари ва обикор ерлардан ўзимизни четга олиб юришимиз керак эди. Хонга мактубларимиз борлиги ва шундан расмий меҳмондўстлик ҳукуқимиз бўлишига қарамай, кечани қарийб сийрак бозордаги чойхонада тўхтаб ўтказишни афзал кўрдик. Бозор-ўчар куни бу ерда шанба экан.

Күёш шиддатли қиздиар, мен дарёнинг кўча охирида-  
ги тик тушган соҳилига судралиб зўрға кўтарилганимдан  
шод бўлиб, лойқа сувда чўмилиб олдим. Анил-тапил соябон  
қилдик, аммо қизиқсиниб қаровчилар тўдаси бизнинг ҳар  
бир хатти-ҳаракатимизни таъқиб қилишди. Бироз вақтдан  
сўнг кимлигимизни ва қаерга кетаётганимизни билиш учун  
узун таёқли иккита шериги билан бекнинг адъютанти ҳузури-  
мизга келди. Кўқонга, хонни кўришга кетаётганимиз ҳақида  
маълумот олгач, улар жўнаб кетишди ва тез орада хизматчи  
етилиб пишган ўрикли патиниси бор дастурхон билан қайтди.

Сўнгра бекка кичикроқ совға жўнатиб, чарчаганимиз боис  
унинг ташрифига боролмаганимиздан узр сўрадик. Хаял  
ўтмай эвазига арzon шойи уст-бош бериб юборишибди.

Махрам Кўқоннинг чегара истеҳкоми сифатида маълум  
аҳамиятга эга ҳамда 500 кишилик доимий гарнizonи бор.  
Бу аскарларнинг баъзилари бизни кўргани келишди. Улар  
орасида бири кўк мундирли, қизил шимли, бошқаси эса узун  
оқ маҳаллий кўйлак устидан яшил мундир кийган ва жез  
тугмалар қопланган ҳамда маҳаллий кийими устидан кўкиш  
нимча кийиб олган кичкина сурнайчи болакай бор эди. Биз  
дам олаётган бу жойлар икки йил мобайнида жангу жадал-  
лар сахнаси бўлгани хаёлимга ҳам келмабди. Руслар эмас,  
кўқонликлар томонидан яна уруш бошланган.

Биз соат тўртда ўзининг бодомлари билан машҳур Кони-  
бодомга қараб йўл олдик. Еттига қадар ўн саккиз мил йўл  
босдик. Йўлнинг охирги қисми ғоят гўзал бўлиб, бошдан-  
оёқ боғлар билан қопланган эди. Узунасига баланд пахсали  
деворлар ўртасида сон-саноқсиз дарахтлар соясидан кечиб,  
олтин доғлари ботаётган қуёш билан тўлган маҳал бир та-  
рафида анқиган ҳовузи бор бозордаги чойхонага келдик.  
Шунчалик чарчаганимдан, бир нима татимадим. Бозорнинг  
турли бурчагидан чет элликларни дикқат билан кўришга  
оқиб келган болакайлар тўдасига ўрик ва бодом улоқтириб  
ўзимни овунтирдим. Бу деярли от миниб сафар қилишимда  
биринчи тажриба бўлиб, Тошкентда бирозгина ўрганган  
эдим. Икки йил муқаддам отда юришни сал-пал ўрганиб,  
зўр иштиёқ қўйган эдим.

... Шаҳар каттагина ва бир қанча масжидлар бўлиб,  
бири пишиқ гиштдан қурилган. Шаҳарни тарк этарканмиз,

ўнгда қорли тоғлар кўриниб, сўлда яна кўзга ташланиб, бир қараща ажойиб манзара касб этарди. Аммо кўп ўтмай, ўи милча билқиллама қумлоқ билан қопланган, дарё билан чегарадош ишлов берилган далаларга муттасил ҳамла қилаётган сокин сахрого дуч келдик.

Ушбу ташландик ернинг оралиғида пахсадан қурилган уйлардан иборат Патар деб аталган кичик қишлоқ бўлиб, дов-дараҳтдан нишона ҳам йўқ, гўёки қуп-қуруқ чўлни эслатади.

Яна экин-тикинли, яшил ўлка ва хушманзара Яккатут қишлоғидан ўтиб, соат ўнда Бешариқ қишлоғига етиб келдик. Чойхонада тўхтаб, куннинг иссиқ маҳали ҳордиқ чиқарсакда, аммо ухлаб олишга беҳуда уриидик. Бу ерда бозор Худоёрхон томонидан қурилган ва бир текис тор кўчалар бири бошқалари билан тўғридан-тўғри кесишган, аммо душанба бозор куни бўлмагани боис, одамлар билан унчалик гавжум эмас.

Олдимизда узоқ йўл турганлиги ва тунда дарвозалари ёпилишидан бурун Кўқонга етиб олиш истаги борлигидан жазирамага қарамасдан соат иккита жўнаб кетдик. Бахтимизга йўл ёқасидаги дараҳтларнинг сояси бўйлаб қишлоққа етиб келгач, азоб берган чанқофимизни заранг косада кўк чой ва серсув мевалар билан қондирдик.

Нихоят биз катта, чуқур канал устидаги кўприкдан кесиб ўтиб, куртаклари нафис яшилликка бурканган ва мамлакат бўйлаб қуюқ экилган, ҳар тарафи тўсилган шоли далалари узра кўндалангига тушган тўғон, сўнгра уйлар ва дўконлардан ўтиб, ҳар қадамда шаҳардан қайтаётган одамларни учратдик. Ҳадемай қаршимизда боғлар оша узунлиги роппа-роса икки милча кўринган, йўлимизнинг ўртаси ҳамда охирида ярим айлана, тепаси тиргович ва дандана тишли пахса деворни кўрдик. Биз девор бурчакларидаги юраксимон доирдан ўтиб, Кўқон дарвазасидан ичкари кирдик.

Ичкарида манзара унчалик ўзгармаган: айни далалар ва бир-биридан узоқ жойлашган уйлар. Бироз юриб қабристонлар ва боғлардан ўтгач, кенг гавжум кўчага етдик. Асосий гурухдан ортда қолаётганимдан иложим етгунча илдам қадам ташлаб, шаҳар марказига элтувчи кўчага тушиб олдик. Хон мадрасасидан ўтгач, пишиқ қурилган кўприкдан

ўнгга қайрилиб, тезда бозорга келиб қолдик. Бахтимизга дарвозаларини тунда эндигина ёпаётган Закот саройига етдик ва у ерда Ўрта Осиёда анча аҳамиятли савдо уйи саналган Пупишев фирмасининг вакили, рус савдогари жаноб Ф\_ томонидан самимий меҳмондўстлик билан қабул қилиндиқ. Гарчи унинг хоналари кичкина бўлсаям, айвони анча катталигидан бизга жой кифоя қиласади.

Закот саройи икки қаватли йирик, атрофи тўрт бурчакли ҳовли билан ўралган, хўжайиннинг олти-саккизта хона ва омбори бўлиб, ўз навбатида бу ер шаҳарнинг божхонаси саналиб, расмий савдо-сотиқдан закот ва бож олинар ҳамда тўловлар амалга ошгунча моллар сақланар эди. Асосий бож амалдори – меҳтар<sup>1</sup> одатда кун бўйи – эрталаб соат еттидан кеч соат бешга қадар шу ерда бўлар, қаршимиздаги айвонда ҳамроҳлари ва расмийлар билан ўтириб, барча тижорат ишларини бажарар, молларни тортар, ўлчар ҳамда бош мирза<sup>2</sup> ҳисоб-китобга доир турли қайд ва ҳисобларини узун ўрамли, энсизгина қоғозга хомаки, қисқа ёзиб оларди.

Эртаси куни биз қидирган меҳтар одам жўнатиб, шунга кўра тахминан тўққизда у билан кўришдик. Келганимизни кўргач, бизга тўлиқ тайёр бўлганини кўрсатиш учун гулли чит чакмонини устига ташлаб, салласининг қатларини алмаштириди. У олтмиш ёшлар атрофида, соч-соқоли оқарган, ўтқир кўзлари ўйчан, хушмуомала, аммо у қадар ақлли кўринмас, ҳаммадан эшитганимдек, ҳалолдан кўра айёр. Шунга қарамай, у қўл остидаги иккита одам томонидан эҳтиётлик билан кузатиб турилдики, шу тариқа у иккиёқлама назорат қилинади. У бизни жуда яхши кутиб олиб, қўл бериб кўришди, ўтиришимизни сўраб, нон, бодринг, ўрик, қовун ва чой келтиришларини сўраб, бу ерга нима сабабдан келганимизни сўради.

Жаноб Ф\_ Тошкентдан келтирган расмий мактубни унга бериб, асосий ишларини қайд этиб ўтди. Мен эса унга генерал-губернатор вазифасини бажарувчи генерал Колпаковскийдан

<sup>1</sup> *Меҳтар* (форсча – улуг, жаноб) – сарой амалдорларидан бири. Кўён хоплигидан давлат хизматчиси.

<sup>2</sup> *Мирза* – ёзув-чиズув ишларини олиб борган мансабдор шахс, котиб.

хонга мактуб келтирганимни<sup>1</sup> ва хоннинг Кўқонда эмаслиги, Наманганга кетганлигини билганимдан, ўша ерга бориш истагини билдириб, одам жўнатганимни ва Кўқонга келишимнинг сабаби мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш ва унинг халқини бироз ўрганиш эканлигини қўшимча қилдим.

У эса мактубни унга берганим маъқулроқ деб ўйлар, мен эса буни рад этиб, шахсан хонга етказишим кераклигини айтдим. Бизнинг келганимиз ҳақида хонга аллақачон хабар жўнатгани, ундан жавоб олгунча икки кун бу ерда тўхтаб туришимиз даркорлигини сўзлади. Хоннинг жаҳли чиқишидан қўрқиб, бизни тезда жўнатишга розилик бермай, фавқулодда бундай ҳолат учун ваколати йўқлигини очик тан олди.

Жаноб Ф. Хўжандда ўзи қураётган кўприк ҳақида гапириб, агар Кўқонда кўприклар қуриш керак бўлса, у бунга доим тайёр эканлигини кулиб айтиб қолувди, кекса қариянинг (мехтарнинг – З. С.) ранги оқариб, бу ишларни бажариш учун моҳир ишчилари борлигини ҳамда улар ўз вазифаларини ажойиб адо этишларини таъкидлади.

... Айвонимизга қайтгач, меҳтар ҳузуримизга мирзани жўнатиб, у исм-шариф ва лавозимларимизни аниқ ёзишимиз кераклигини ҳамда бизнинг мактубларимиз кимдан эканлигини билмоқчи эканлигини айтиб қолди. Шунинг баробарида уларнинг ўzlари мактубларнинг мавжудлиги ва муҳрлари бузилмаганлигига аниқ ишонч ҳосил қилишмоқчи эди.

Кўқон хонлиги билан дипломатик алоқалар шахсан генерал-губернатордан йўлланган мактублардан ташқари, доимо меҳтар орқали олиб борилган. Жаноб Ф. ўзининг ишини ундан йўл-йўриқ олиб бажаришидан биз уни қайсиdir маёнода табиатан Ташқи ишлар вазирига қиёсладик. Аммо бизни энг ажаблантиргани, у энг қуий мансабдаги шахс бўлиб, оддий божхонага бош-кош, шундан хоннинг ҳузурига бема-

<sup>1</sup> ЎзР МДАнинг 1-жамғарма, 20-ийғимажилддаги 6699-ишида Тошкент шахридан Кўқон хонига жўнатилган ва 1873 йилнинг 30 май санаси қайд этилган мактуб сақланиб, унда «...жаноб Скайлернинг илмий максадда Кўқонга йўл олгани, хоннинг олим одамларни доимо ҳимоя қилиб келгани, унга ҳам эҳтиром кўрсатиб, шаҳарларни хавфсиз айланишига имконият яратиш, бу фан учун ҳам фойдали» эканлиги айтилган.

лол кириш ҳуқуқига эга эмас, бизнинг вазият бўйича оталиқ ва кенгаш билан маслаҳатлашишдан бўлак ҳеч нарса қила олмас эди. Кенгаш эса хоннинг йўқлигига тарқалган эди. Мехтар Мулла Миркомил миҳорур<sup>1</sup> маҳомида бўлиб, расмий иерархиянинг еттинчи даражасида.

Кўқондаги юқори лавозимли мансаблар қўйидагилар:

1. *Оталиқ*. Олий ҳарбий зобит. Кўқонда битта оталиқ – Отабек бўлиб, у ноиблар ёки бешта лейтенантлардан бири.
2. *Күшбеги* (куш овловчи)<sup>2</sup>. Фуқаро табақасидан (ҳарбий эмас). Хозирда ўрни бўш.
3. *Парвоначи*<sup>3</sup>. Генерал (тожикча пармон, форсча фармон).
4. *Доддоҳ*. Полковник.
5. *Понсадбоши*<sup>4</sup>. Беш юз кишига кўмандон.
6. *Тўқсабо* (идиш тўлдирувчи). Капитан.
7. *Мирохур*. Бош отбоқар.
8. *Қоровулбеги*<sup>5</sup>. Кўшинин бошлиғи. Юз кишига бош.
9. *Мирзабоши*<sup>6</sup>. Мирза (котиб)лар бошлиғи.

Эски мингбошиларининг юқори маҳкамаси – мингалик қўшин бошлиғи бекор қилингани.

Мехтар сўзи аслида хизматчи маъносини билдиради. Мехтарнинг бож тушумларига масъуллигига қарамасдан, хирож ва таноб мажбуриятлари, ёхуд бошқа тўловлар, жумладан ижара ҳақларини тўплашда иштирок этмаганлиги боис, молия вазири саналмас ҳамда фақатгина хонга тўланадиган

<sup>1</sup> *Мирохур* – Ўрта Осиё хонликларида мансабдор шахс; сарой отхоналари бошлиғи.

<sup>2</sup> *Күшбеги* – ўрта асрларда подио ва хоннинг овчи күшлари (қушхонаси) ва ов ҳайвонларининг ғутасаддиси. У ҳукмдорниш овнини ташкил килиш ва ўтказишга жавобгар бўлган. Кўкон хонлигига күшбеги ҳарбий қўшининин бошлиғи бўлиб, бу мансаб ҳарбий юриш ва жанг пайтларида берилган. Күшбеги мингбоши унвонини олишга даъвогар бўлган.

<sup>3</sup> *Парвоначи* – амир, хонлигин мухим топширикларини бажарувчи амалдор, мансабдор.

<sup>4</sup> *Понсадбоши, понсад* – хонликлар даврида аскар бошлиқларига берилган узвонлардан бири ва шу узвонга эга шахс.

<sup>5</sup> *Қоровулбеги* – Ўрта Осиё хонликларида қоровуллик хизматини бажарувчи ҳарбий кисмларнинг бошлиғи.

<sup>6</sup> *Мирзабоши* – мирзалар бошлиғи. Ўрга асрларда (шўролар тузумига қадар) Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларида маҳсус давлат муассасаси (девонхона, мирзахона)нинг бошлиғи. Бу девон давлат ахамиятига эга бўлган ёзишмалар бўйича иш юритган.

йиғимларни йиққан. Бундан ташқари, аввал айтганимдек, алдамаслиги учун уни иккита одам доимо кузатиб, назорат қилиб юради.

... Биз эрта тонгда туриб тайёргарлик күраётганимизда меҳтар томонидан бошқа бир чопар келиб, хұжайини бизларни анчадан бери кутиб ўтирганини айтганда ҳали соат олти ярим эди. Дархол отларга миниб, шаҳар оралаб меҳтар қароргоҳига жүнадик. Сүнгра биз меҳтарга келтирған совғаларимизни тортық этдик. Мен лиbosлик учун атлас парчаси, жаноб Ф\_ меҳтарға таъсир ўтказиш, ёғочтахта шартномасининг муваффакиятли бўлишининг муҳим аҳамиятини ўйлаб, ҳаммасини ҳисоблаганды нархи анча баланд кумуш чашка, матолар ва боница нарсалар инъом этди. Қайтишимизда эса елкамизга арzon шойи лиbosлар ташлаши. Кетаётиб меҳтардан оталиқ<sup>1</sup> билан кўришишимиз ҳақида сўрагандик, у оталиқнинг бизни кўришга майли борлиги ҳақида мулоҳаза юритиб, шу сабабли бунинг имкони учун ҳаракат қилишини айтди. Чамамда, саёҳатимизнинг охирги кунлари бўлмаса-да, оталиқ бизни кўришни истаётганилиги ҳақида меҳтардан хабар олдик. Ташриф кейинги сахарга белгиланди.

... Эртаси куни эрталаб соат еттида отда шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмидаги қуи ерда жойлашган ўрда ёки қалъа қисмига қараб йўл олдик. Куббали киришдаги кўриқчилар хонасидан кечиб, бир гурух аскарларни оралаб, чапга юргач, оқланган, европача панжарали камини<sup>2</sup> бор оддий қабул хонасини кўрсатиши. Ўз-ўзидан кўриниб турибиди, бу хона кийим-кечак ва ўрамлаб жавонларга тахланган бошқа нарсаларни сақлаш вазифасини ўтарди.

Кизил мато билан ўралган суюнчили курсилар ва табуреткалар биз учун қўйилган бўлиб, кўп ўтмай кичик,

<sup>1</sup> Ю. Скайлернинг кайд этишича, оталиқ олий ҳарбий зобит бўлиб, Кўқон расмий иерархиясида биринчи саналган. Бу даврда хоиликда бигта оталиқ – Отабек бўлиб, у ўз ўрнида бешта ноиб (лейтенант)дан бири саналган. Бу ерда оталиқнинг дастлабки, яъни бадавлат хонадон эгалари томонидан фарзандларини тарбиялаш учун вассаллар ёки хизматкорларга бериш ҳамда фарзанд маълум ёшга етганда оиласига қайтиши ёки Салжуқийлар даврида султон эътиборини қозонган кишиларга берилган мансабни ёки унинг шаҳзода ёки хонзодаларни ба-логатта етгуналарига қадар тарбиялаш, улар ихтиёридаги улусни бошқаришдан иборат вазифасини тушунмаслик керак.

<sup>2</sup> Камин – ўчоқсимон уй печкаси.

озғиндан келган, оқ соқолли, кекса ва жуда очик чехрали киши – Отабек оталиқ кириб келди. У Пишпак<sup>1</sup> коменданти бўлган ва ўша истеҳкомни полковник Циммерманга бериб кўйганлиги оқибатида (менингча, ўз ихтиёри билан хоннинг қаҳридан қочиш мақсадида) уч йил давомида Верний<sup>2</sup> ва Омскда ҳарбий асирикда яшаган. У Кўқонда хондан сўнг энг нуфузли киши саналиб, русларни билиши ва ҳурмат қилишидан, у (оталиқ – З. С.) хонга бамаъни маслаҳатлар берар ва уни шошима-шошар, шиддатли ишлардан тийиб турарди. Китобимизнинг ушбу қисми 1873 йилда ёзилгани учун ҳамма маълумотлар ўша даврга тегишли. Кўқондаги 1875 йилги исён туфайли Отабек хоннинг ортидан Тошкентга қочиб кетди.

... Отабек анча зиёли ва географиядан яхши хабардор кўринар, бошланғич маълумотини кўрсатиб, Америка ҳақида жуда кўп сўради ва бир муддат ёқимли сухбат курдик. *Мехмондорчилик* пайтида оталиқ узр сўраб қайтиб кетгач, бизга қалъани кўрсатиш учун одам жўнатди.

Бу янги қалъа ёки *ўрда*<sup>3</sup> сўнгги йигирма йилда қурилган. Эскиси эса қулай жойлашувига қарамасдан, қаровсиз ташлаб кўйилган. Шаҳарда халқ исёни пайтида хон шахсини ҳимоя қилишда ҳам ўрда керакли бўлиб, аммо қўшин истилосига аниқ дош беролмас эди. У йирик тўғри бурчакли, баланд пахса деворли иншоот бўлиб, бир неча кичик ҳовли ва қатор бинолардан иборат. Катта ҳовлидан сўнг янги сарой – Ўрта Осиёдаги бошқаларига қараганда энг катта ва муҳташам – бурчакларидан ташқари марказида иккита минораси мавжуд, олд юзаси буткул оқ, мовий ва яшил кошинлар билан қопланган ва аракилари бўйлаб «Сайид Муҳаммад Худоёрхон томонидан 1287 йилда<sup>4</sup> қурилган» деб битилган катта ёзуви, ажойиб икки ёки уч қаватли бино бор.

<sup>1</sup> Пишпак – 1825 йилда ҳозирги Бишкек ўрнида қўконликлар томонидан асос солинган қалъа (қўконлик тарихчилар асарларида Пишкак). 1926 йилга қадар шу ном билан аталган.

<sup>2</sup> Верний – Козогистондаги Олмаота шаҳрининг 1867–1921 йиллардаги русча номи.

<sup>3</sup> Ю. Скайлер ўрда сўзи кўпинча Сирдарёning ўнг соҳилидаги худудларда кўлланилиб, аксинча Бухорода эса ички қалъа ёхуд кўргон маъносини берувчи арқ сўзи ишлатилишини ёзади.

<sup>4</sup> Милодий 1870 йилга тўғри келади.

Биз ўтган турли иморатлар ичидаги зарбхонада ишчилар пул эмас, эгар-жабдуқлар учун кумуш безаклар ясашар, бизга маълум қилишларича, зарбхона устаси сарой заргари ҳам ҳисобланиб, хон тарафидан талаб қилинган кумуш ёки олтиндан тайёрланган кичик нарсаларга ишлов берар эди. Бошқа хона қурол-аслаҳа қўйишга мослашган бўлиб, бир қанча қуроллар кўзга ташланар ва улар эндиғина тайёрланган эди. Курол-аслаҳанинг бошика бир хонаси Бердан сойли милтиқларини ясашга мўлжалланган.

... Кўқон юз йилдан ошмаган, замонавий шаҳар бўлиб, ўз навбатида энли ва кенг кўчалари билан Осиёнинг кўплаб шаҳарларидан ажралиб туради. У қарийб квадрат шаклида, менга айтишларича, 500 та масжиди бўлиб, ҳар бирига ўртача ўттизта хонадон тўғри келади. Аҳолиси 75000 бўлиб, фахмлашимча, аниқ баҳолайдиган бўлсақ, кўплаб аҳоли шаҳар деворларидан ичкарида истиқомат қиласа керак.

Карвонсаройнинг томидан ўнгимиздаги бутун шаҳарнигина эмас, хонликни ҳам кўришимиз мумкин. Ёнимиздаги атрофда бозорнинг кенг текис тимлари, кўплаб кўчаларнинг усти ёпилганидан биттасидан иккинчисига осонликча пиёда юришга имкон беради. Сўл қаторда қизғимтири бўз рангли ғиштдан қурилган, улкан тарвузсифат гумбазлари Куръондан олинган сураларнинг шаклини берувчи, арақилари мовий ва оқ кошинлар билан қопланган бир гуруҳ масжид ва *мадрасалар* қурилган.

Олдинда гиштли, кичкина анҳор устидаги тик равоқли Гишткўприк шаҳарни ажратиб турагар, ўз навбатида ундан кейин йирик Хон *мадрасаси* қад кўтариб туради. Чап томонда хон саройининг гўзал манзарали олд томони ва пештоқи ўзининг оқ, сариқ ва яшил кошинлари бутун ёрқинлиги билан жило бериб турибди. Яқинда қурилган. Ён-атрофда яшилликнинг ярмини яшириб турган лойли томлар ҳамда ажойиб яшил боғ ва мевазорлар уларни ўраб турган. Ерининг текислигига кўра шаҳар Тошкентдан манзаралироқ бўлмаса-да, викорли тоғ кўриниши бу нуксонни беркитгандай намоён бўлади. Фарбий ва жануби-фарбий тарафда, Хўжанд яқинида паст қоялар, шимолий тарафда эса баланд Чотқол тоғлари, айни чоғда шарқий ва жанубий томонда, хонликнинг энг чекка чегараларида эса Олойнинг қор билан қопланган ажойиб

чўққилари қад кўтарган. Кўриб турганимиздек, биз кичик, аммо фусункор Фаргона водийсининг ўртасида турибмиз ҳамда озроқ фут баландроқ чиқсак, Сирдарёнинг ҳаёт бахш этувчи сувини кўришимиз мумкин эди.

... Бозор чеккасидаги йирик очик майдонда кун бўйи ме-ва-дона сотилиб, нишиқ фиштдан қурилган, мовий кошиила-ри, гумбазлари ва кичик кўкиш миноралари бор иккита ул-кан *мадраса* бўлиб, бири Али деб номланиб, Мусулмонқул<sup>1</sup> томонидан бунёд этилган. Бошқа бири, охиригача қуриб бит-казилмагани эса хоннинг укаси Султонмуродбек томонидан бошланиб, қуриб адо этишга ахд қилган. Аввал сўйлаганим кўприк ёнида кенг Хон мадрасаси бўлиб, Мадалихон ин-шоот этган. 200 муллага мўлжалланган хоналари бор. Асл лойихаси бўйича тўлиқ битмаган. Шаҳарнинг шарқий қисмидаги Мир мадрасаси Норбўтабий<sup>2</sup> томонидан тахминан саксон йил бурун қурилган бўлиб, йирик қабристоннинг ён-гинасида. Унинг масжиди бошланғич мактаб билан қўшилиб кетган. У ерда бир сабаб билан тўхтаб муллалар билан яrim соатча ҳамсухбат бўлдим. Бегона бўлишимга қарамай, улар жуда самимий ва адабли муомалада бўлишди.

... Кўқоннинг беназир юксаклигидан бири – шундоққина ёнгинасида қофоз ишлаб чиқарувчи Минятчи-варак жойлашган. Ўрта Осиёда ишлатиладиган қофознинг ҳаммаси бўлмаса ҳам, кўпи шу ерда ёки кичик Чорку қишлоғи ҳамда Кўқонда тайёрланади. Хомашё токи қалин қофозга айлангунча, галма-гал янчилиб ҳамда туйилиб, сўнгра сувли ёғоч бочкага олиниб, биргаликда аралаштирилади. Қофоз тайёрловчи уста таранг қилиб тортилган ингичка узун ғалвири олиб, унинг устига маълум миқдордаги хом ашёни қўяди. Юза бўйлаб бир текис бўлгунча силкитиб туради. Сўнгра уни бир муддат доскага қўяди. Қават-қават устма-уст қўйилиб, сувини кетка-

<sup>1</sup> Мусулмонқул (тажм. 1794–1852) – Кўқон хонлигидаги қипчоқлар раҳбари. 1844 йили Мусулмонқул Андижон, Наманганни ўз ҳукми остида бирлаштириб, қипчоқларга суюнган холда Кўқонга таҳдид сола бошлайди. Мусулмонқул 1845 йилда Кўқон ҳукмдори сифатида ўзининг куёви, Шералихоннинг ўғли бўлган Худоёрни таҳтга ўтказади. Мусулмонқул таҳтга ёш болани ўтказиб, бошқарув ишларини ўз қўлида саклаб қолган.

<sup>2</sup> Норбўтабий (1749–1798) – Кўқон хони (1763–1798). Абдулкаримбийнинг на-бираси. 14 ёшида таҳтга чиқкан.

зин учун куч билан сиқилади ва шу зайлда бир киши кун давомида 300 варакни тайёрлаши мумкин. Эрталаб олиниб, қуриши учун офтобга қаратиб осиб қўйилади. Бозорда турли ишчилар томонидан ўлчам ва силлиқлаш амалга оширилади. Одатда қўлланиладиган ўлчами лилия<sup>1</sup> оиласига кирувчи *сирач*<sup>2</sup> ўсимлиги илдизининг крахмалидан, силлиқлаш учун эса ясси ва омир тош билан урилади. Шу йўл билан тайёрланган қоғознинг баҳоси икки баравар ошади (ҳар бир варафи ўн бешдан йигирма ёки ўттиз конейккача).

Сифати паст қоғозни ҳам ваҳоланки ташлаб юборишмайди. Ўлчамини қилаёттандан йиртиқ ёки ёриқларини ингичка сахифа билан ямасиб, юзаси ҳам шундай қилиниб, унинг нуқсонини ёруғда кўриш мумкин, холос. Бу каби қоғоз кўпинча кулранг, баъзан оч қизил ва кўкиш ранг бўлиб, жуда қаттиқ ва мустахқам, маҳаллий халқ ёзадиган самғи арабий сиёҳ учун кўл келади. Европаликларнинг эҳтиёжи учун камроқ, Россиянинг талабига ҳар қандай мос келгани учун у ерга импорт қилинади.

Кўқондаги асосий бозор Ўрта Осиёда кўрганим яхши қурилганларидан йироқ бўлса ҳам, жуда гавжум, барча кўчалари бошқалари билан тўғри кесишган, пишиқ фиштдан қурилган кўплаб дўконлари мавжуд. Кўчалар анча кенг, барча уйларнинг томи баланд ёғоч билан ёпилиб, шу тариқа бозор сояда бўлиб, тоза ҳаво ён тарафлардан келарди. Икки йил бурунги ёнғиндан сўнг бозорнинг бир қисми аввалгидан ҳам яхшироқ таъмирланган. Бу ерда ҳафтанинг икки – пайшанба ва якшанба кунлари бозор бўлиб, савдо-сотик анча қизғинга ўхшайди.

Кўқондаги бозорлар хонликнинг бошқа кўплаб шаҳарларидаги сингари хоннинг ўзига тегишли бўлиб, бир неча йил аввал хон уларга эгаликни қўлга киритган ва ижара ҳакини ўзи олар эди. Баъзиларини асл нархидан арzon сотиб олар, бошқаларини оддийгина эгаллаб олиб, бундан буён ўзи улардан бироз фойда олишни рўкач қиласарди. Булардан келадиган фойда кам эмас. Масалан, Пилла саройи олти ёки саккиз ҳафта бўладиган пилла бозори учун 1800 тилла (810 фунт стерлинг) фойда келтириб, мен ижа-

<sup>1</sup> *Лилия* – лолагуллilarга мансуб декоратив ўсимлик.

<sup>2</sup> *Сирач* – пиёзгуллilarга мансуб, адир ва тоғларда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик.

рага олиб турадиган Закот саройидаги хоналар эса йилига 200 тилла (90 фунт стерлинг)ни ташкил этади. Бозорнинг ўрта қисмида яшаганим сабабли, тез-тез айланиш, у ерда кечадиган савдо-сотикни кўриш имкони бўлди. Аммо бу ерда эҳтимол, Кўқонда тайёрланадиган ва арzon сотила-диган аъло сифатли эгар-жабдуқдан бўлак, Тошкентдагига қараганда ҳам янги ёки фарқли, ҳам яхшироқ сифатли маҳсулот сотилмас экан.

... Бозор мутассадилари ёнгин ва ўғриликка қарши қўшимча чоралар қўллашиб, бозорни кеч еттида ёпишади ва уни қўриқчилар назорат қилишади. Бу қўриқчиларнинг намойиши доимо қизиқарли томошадир. Уларнинг турли қисмлари ҳарбийча қадам ташлаб, белгиланган жойда ўзларининг сафини топширишади. Иккита ёнгин машинаси келтирилган бўлиб, бири Россиядан, ўнгайсизроқ яна бир бошқаси эса маҳаллий ясама.

Кўқоннинг 12000 кишилик қўшини бўлиб, анча суст, интизоми яхши йўлга қўйилмаган. Бир хил кийинган ва қуролланган иккита одамни зўрға учратдим, холос. Баъзиларида калтак, сойли ёки пилта милтиқ бўлса, баъзиларида учи айлана жезли, бўғимларига тақиб олган маҳаллий сўйилдан бўлак ҳеч вако йўқ.

Зобитлар эса улардан фарқли камарлар ва шамширлар, буйруқ қилиш учун калта таёқларига эга. Баъзи бир аскарлар маҳаллий, баъзилари аралаш – маҳаллий ва русча уст-бош кийишган. Мунтазам кийим-бош ранги киядиган одамининг хоҳишига ва тугмаларининг жойлашиши ҳам дилага қараб қилинган эркин нимча ва шимлар, шекилли. Тугмаларининг бари Европаники, яна хонга мақбул, совфа қилинган камгина тугмаларнинг ҳар хили бор. Кўни оддий, аммо яна ҳам кўпроғи Россиянинг эски ҳарбийча тугмалари. Озроқ француз, немис ва ҳатто Хиндистондан келтирилган чоғи, инглизча тугмалар ҳам бор.

... Кўқондаги руслар яна асосан Пупишев иккита уйининг ҳамда Биковский ва Колесников фирмаларининг вакиллари, хизматчиларидан иборат.

Асосий тижоратлари Россиядан газмол ва чит импорти, ипак ва пахтани сотиб олиш экспорт маҳсулоти саналади. Савдогарлар Кўқон ва Бухорода газмолларини Москвадаги

ва ундан ҳам арzon нархларда сотишга мажбур бўлиб, шу тариқа транспорт харажатларини бой беришар, эвазига эса ўзларига ипак ва пахтани ҳам арzon сотиб олиб, зарарни қоплашга умид қилишар, бу борада улкан муваффақиятларга эришиб, шу тариқа сармоянинг амал қилиш муддати тутагунга қадар газмол ишлаб чиқарувчиларнинг маблағини бир неча ойга тезлиқда айлантириб олишар ва яна янги маҳсулотларни олишар ёхуд шу даврда пулдан фойдаланишарди.

Ўрта Осиё давлатлари билан ҳозирда тижорат битимлари ҳақиқатан мавжуд, аммо ҳукмдорлар уларнинг нима беришини кам билишади ёхуд бу ҳақда қайғуришмайди. Россиялик савдогарларнинг вазияти доимо ноҳуш ва ҳатто таҳдидли ҳам. Мисол учун, Кўқон билан битимда бу мамлакатдан экспорт молларига 2,5 фоиз, яъни 40 дан биридан кўп зақот ва мажбурий тўлов тўлаш керак эмаслиги белгиланган, авваллари эса мусулмонларга қараганда христианлар икки баравар кўп тўлаши одат бўлган.

Шунга қарамай, Кўқонда савдогарлар экспортга пахта юкланган бир түядаги 576 фунт юк учун қўшимча яrim тилла (4 шиллинг 6 пенс), яъни қарийб 3 фоиз кўп тўлашмоқда. Ҳатто бир гал меҳтар кичикроқ түядаги юк учун ҳам шу микдорни тўлашни талаб қилиб туриб олганди. Уни бу фикридан қайтишга мажбур қилишди. Турган гапки, пахтадан олинадиган ноқонуний тўлов бўйича савдогарлар Тошкентдаги ҳукуматга арзнома жўнатишиди.

Генерал Кауфман хонга норозилик хати йўллади. Хондан келган жавобда савдо битимининг ахволи бўйича ҳеч нима кўрсатилмаган, аммо шундай дейилган эди: «Тўрт-беш йил бурун генерал-губернатор оғамизнинг буйруғига кўра полковник Шафус бизнинг меҳмон сифатида ташриф буюрғон, у менга пахта бўйича жаноби олийларининг илтимосномасини берган эди. Мен эса генерал-губернатор оғамизга эҳтиром ва хоҳишлига хайриҳо бўлиб, тўловни 60 тангдан яrim тиллага камайтирган эдим. Ўша пайтдан бери ҳар бир түядаги юк учун яrim тилла ҳам россиялик, ҳам мусулмон савдогарларидан олиниши анъана бўлиб қолди. Бунда россиялик ва мусулмон савдогарлари ўртасида ҳеч қандай

фарқ йўқ. Аввалларига қараганда менинг буйругим билан Мулла Миркомил меҳтар уларга ҳар қандай вазиятда эътибор ва мурувват кўрсатмоқда. Ҳар бир давлатда шу каби кўплаб қоидалар борки, биз билан россияликлар ўртасидаги узоқ йиллардан бўён амал қилиб келаётган бу анъанани бекор қилсан, билмадим нима бўлади. Сиз зиёли одам, ҳар бир мамлакатнинг урф-одат ва қонун-қоидаларини ҳаммадан яхши биласиз».

... Нихоят 25 июнь чоршанба куни меҳтар хондан жавоб келганлигини, бизнинг жўнаб, у билан Наманганда учрашишимиз мумкинлигини маълум қилди. Бу хабардан анча шодланиб, меҳтарга хайр-маъзур қилиш учун ҳовлининг нариги тарафига ўтиб, шаҳардан чиққунга қадар у жўнатган икки-учта расмий ва бир неча аскардан иборат кўриқчилар ҳамроҳлигидаги имкони борича тезроқ йўлга чиқдик. Соат иккода йўлга чиқиб, уч яримда шаҳардан ўн икки мил узоқликдаги кичикроқ Буванди қишлоғига етиб келдик. Йўл ажойиб, дала ва экинзорлар оралаб кўплаб дарахтлар, гоҳида тоза сувли каналлар, шимол ва жануб томонда баланд тоғлар кўриниб турарди.

... Каттиқ уйқудан сўнг, бизни аzonда уйғотишиб, бу ердан бир соатча йўл узоқлашгач, хоннинг Намангандан чиқиб, Сирдарё бўйидаги Балиқчига кетганлиги йўналишни ўзгартиришимизга сабаб бўлди. Отда икки соат машакқат билан чўл бўйлаб юриб, ўнгу сўлимизда тоғлар кўриниб турар, тўқиз милдан сўнг Гўртепа қишлоғига етдик. У ерда бизни торгина сувли ариқ кесишган, дарахтсиз, айвони ҳам салқин-соясиз, чивинларидан ўзингизни қўярга жой топмайдиган, чодирсиз, кир полли эски кулбали кичикроқ ҳовлига жойлаштиришди. Аммо ўрик еб, чой ва анча сергўшт *шўрва* ичиб, эртаси кун иккигача чўзилиб ётдик. Отда юриб жуда чарчаганимдан, аравада йўлга чиқдим. Йўл яна чўл ва қум орқали ўтиб, нихоят Сирдарёдан бирозгина узоқда чўзилган гиёҳсиз ясси тоғдан ўтдик.

Ҳамабулоқ ва Мингбулоқ қишлоқлари ўртасида шимолнинг энг хуш кўрилган манзарасига дуч келдик: орқамиздаги узоқ тарафда маҳобатли тоғ тизмалари, қуйида эса тепаликлар, ўртасида эса дарахтзор ва қишлоқларга тўла серхосил

Сирдарё водийси, олдинда эса шоли далалари ва тўла қамишзорлар. Узокда, дарёнинг нариги тарафида хонликнинг энг аҳамиятли шаҳарларидан бири, жанубдан қорли Олой тоғли тизмаси билан мутлақ манзара берувчи Наманганд кўриниб турарди.

Бу шаҳар Балиқчидан беш милча узокда эди. Шаҳарга (Балиқчига – З. С.) яқинлашган сайин йўл дарё соҳили бўйлаб ўтар, биз лойқа ва айқирган Норин дарёсининг сокин ҳамда тиник Сирдарёга қуилишиниң ажойиб манзарасига гувоҳ бўлдик.

... Ниҳоят, тепалик томонга қайрилиб, йўлимизни бозор орқали қисқартириб, ўрдага қараб юрдик. У ерда бизни саройга буюришди, аммо саройда хонининг йўқлигини айтишиб, унинг узокқа – Учқўронга кетганини маълум қилишди.

... Эртаси куни сахарлаб Балиқчидан жўнаб, отда йигирма милча юриб, кичикроқ Ҳайқувар қишлоғига етдик. Сирдарёдан торгина ёғоч кўпrik орқали ўтиб, йўлимиз маълум оралиқда дарё бўйлаб, кейин эса шимолга қайрилган эди. Норин билан Сирдарё ўртасидаги учбурчак шаклдаги бутун мамлакат ерлари яхши ишлов берилган, қишлоқлар билан тўла, каналлар Норин дарёсидан тортилган. Норин дарёси водийси – тошли ва унумсиз ер. Шимол томонида доимий чиройли тоғларнинг манзараси кўриниб туради. Кўқоннинг бу қисми шарқий тарафидаги Наманганд билан Андижонни кўшганда ҳозирда хонликнинг энг унумдор қисми саналади. Кўқон шаҳри тошлоқ унумсиз ернинг ўртасида жойлашган, фақаттина шаҳар яқинидаги ерлардангина ҳосил олиниб, суғорилиши учун сувни Олой тоғларидан келадиган кичик сайдан олишади.

Жазира мақоми иссиқда кун бўйи Ҳайқувар қишлоғида кутишга тўғри келди. Ҳолбуки қишлоқ Учқўрондан тўрт мил узокда бўлса-да, одоб-ахлоқ қоидасига кўра, биз хон ҳузурига бориб, ундан узокдан келганимиз ва яна йўлда давом этишни сўраб, одам жўнатишимиш керак эди. Ахийри биз учун уйни тайёрлашиб, янги гиламларни тўشاшиб, салқинроқда сафар қилишимиз дуруст дея, хон бизни эрталаб қабул қилиши хақида жавоб келди.

... Бизга хон қабулидаги эрталабки саломга ташриф буюришимизни айтишиб, таҳминан соат тўртда уйғонишни мўл-

жалладик. Жаноб Ф\_қора узун белбурма камзулини ўзининг барча безаклари билан кийиб олди. Аммо мен хоннинг бир файридиннинг мукаммал ёхуд одатдаги кийимининг фарқига бормаслигини тахмин қилиб, одатий уст-бошим йўқлигидан маҳаллий чопонни рад этиб, кундалик кулранг твид<sup>1</sup> костюмими кийиб олдим.

Дарё ёқалаб отда ярим милча юриб, йўлда икки қатор саф тортиб, чордана ўтирволган аскарларга дуч келдик. Кўримсиз бир хил уст-бош кийган, қадимий пилта милтиқлар, баъзилари чакмоқтошли пилта милтиқ билан қуролланган бўлиб, уларнинг кўни бу қуролларни эндиғина тутиб туришган эди. Бироз юргач, отдан тушиб, дарҳол турли расмийлар – узун қора чакмон, узун мўйнали қалпоқлар кийиб, тилла камарлар ва қиличларини тақиб олган, ҳар бир елкасида учта ва орқа тарафининг ўртасида битта погонлари бор генераллар билан кўл сиқиб кўришдик.

Каттагина боғдан юз ёки ундан узокроқ қадамча жойда, бухороча яшил чодирда оқ саллали учта эркак ўтирарди. Уларнинг қай бири хон эканини фаҳмлай олиш ҳолида эмасдим. Бошқаларники каби негадир ҳаракатларим чекланган, айни пайтда ҳамроҳларим жуда қуи энгашиб таъзим қиларкан, менда эса ўтирганларга қараш имкони туғилди. Аъёнлар баланд овозда нимадир деб бақирди. Мен эса фаттагина «Худоёрхон қилсин» деганини фаҳмлай олдим, холос. Биз мактубларимиз ва совғаларимизни топшириш учун даъват этилган бўлиб, қандай тез келган бўлсак, шу тарзда изимизга қайтдик. Бу мени таажжубга солди, чунки билишмича, мазкур сарой маросими қоидаларига кўра, бу дастлабки саломлашиш чодирда бўлиб, айнан хонга кўриниш эканлигини тахмин этдим.

... Хон бу ердаги бекнинг ўн йиллик ҳукмронлиги даврида илк бор унинг уйига ташриф буюрган эди. Хон ҳар ёзда номигагина саёҳат ва назорат деб, аслида турли беклардан йирик микдордаги пулни совға тарзида олиш учун бекликларга саёҳат қиласди.

Балиқчи беги Раҳматулла аввал қул бўлиб, хон унинг жуда чиройли опасини яхши кўриб, унга уйланганлиги боис, қулликдан озод бўлиб, бек этиб тайинланган эди. Опаси

<sup>1</sup> Твид – юмшоқ жунли материал.



Кўқон хони Худоёрхон.

вафот этгач, аммо ундан қолган ўғил Ўрмонбек – ўн икки- ўн уч ёшлардаги бола яқиндагина Наманган беги этиб тайииланган, отасининг (хоннинг – З. С.) севимли ўғли эди. Раҳматулла истарали, ўттиз беш ёшларда, жуда яхши баодоб, хушбичим йигит эди.

Менинг ташрифимдан бир неча хафта ўтгач, Раҳматулла қипчоқ ва қирғиз исёнчилари томонидан бошидан ўткир учли ёғоч қозик билан уриб ўлдирилди.

... Учқўрғонда хаёт рости зерикарли. Хоннинг яқин атрофидаги аскарлар тўдаси, қипчоқлар ва турли аҳоли табакаси кўчаларни тўлдирган жазира маиси билан уйғунлашиб, ундан қочиб қутула олмас эдингиз. Яна халойиқдан бўлак кўришга арзирли нарсанинг йўқлиги ҳам ҳақиқат. Куёш чиққанидан сўнг очик ҳавода ётишнинг имкони йўқлигидан биз эрта уйғонар, кун бўйи бекор бўлиб, ёнбошлиб ётар ва хонадонда истиқомат қилувчи турли одамлар билан сух-

батлашар ёки бое бўйлаб кезиб, уларнинг касб-корларини қузатардик. Маҳаллий ҳаётни бой оқсусякнинг кўплаб хизматкорлари мавжуд хонадонида ўрганиш жуда яхши имконият эди. Бир бурчакда уч-тўртта ошпаз кун бўйи қўй сўйиш ва майдалаш, гуруч ювиб, палов дамлаш билан банд. Раҳматулла бекнинг 200 та аскари бўлиб, уларни ўзининг ана шу ошхонаси таомлари билан таъминларди. Бу ерда яхши парвариш қилинган отлар ҳам бор эди. Бир қария ва иккита ўсмир фақатгина учта лочинга қарап билан машғул бўлиб, уларга егулик беришиб, овда фойдаланиш умидида машқ қилдириб, ўйнатишарди. Бекнинг асосий хизматкори тикувчи ҳам бўлиб, кўйлак ва шимлик учун икки бўлак қалин сурпни йиртаётганини қузатдим. Хонадонда яна кекса мирза бўлиб, бекнинг кичик ўғли Нематуллага ўқиши дарсини ўргатишдан бўлак, деярли ҳеч нарса қилмасди. Яна бу кичкинтой билан машғул бўлиш учун уч-тўртта киши бириктирилган эди. Бу одамлар ишлари билан банд бўлмаган ёки биз билан сухбат қурган пайтлари ўзимиз билан бирга келтирган нарсаларимизни кўздан кечиришар, улар учун буларнинг бари ғалати кўринар ёки ошпазларнинг ишларига назар солишиб, кечки овқатларини еб қўйгудек бўлиб кутишарди.

... Душанба эрталаб аzonда бек кекса муллани бизга жўнатди. У бизнинг ҳар биримизга арzon шойи чопон бериб, бу совғалар эвазига жўнашдан аввал такаллум кўрсатиш учун боришимиз шартлиги, сўнгра паспортларимизни олиб, йўлимизда хотиржам давом этишимиз мумкинлигини сўзлаб қолди. Хабиббой йигитларимизга берилган одатдаги қалин сурпли чопон текканидан ҳафсаласи пир бўлди. Ўзининг бой савдогар маҳоми шу тариқа бизнинг таржимондан ҳам анча пастга урилган, ҳолбуки у бекка кичик телескоп берган эди. Бекнинг ошхонасидан бироз *кабоб* буюриб, қўй гўшидан бу юртмамиз ўша сахар кетишимиз учун ушлаб турилгани учун биз хон ҳузурига янги чопонларимизни кийиб жўнадик. Хон мухри урилган ўзимизнинг қофозларни олиб, уларни бизга буюрганларидек ўнг қўлни кўксимиизга қўйиб, биринчи ва иккинчи бармоқларни буккан ҳолда эгилиб таъзим қилдик. Бу маротаба хонга анча яқин бўлиб, тўладан келган, эллик беш ёшлар чамаси, қизғиш ранг соқолли эканини кўрдим. У ҳатто саломлашиш учун қўлини чўзди.

... Жаноб Ф\_ дарҳол ўз йўлига – Наманганга жўнади. Мен эса ваъда берган йигитларни бир неча соат кутиб қолдим. Ниҳоят тахминан соат учларда Андрей ва шахсий йигитларимни олиб, бизни тепаликкача, шаҳарни тарк этгунча бекнинг йигитлари кузатиб қўйди.

... Чошгоҳда Андижонга келдик. Йирик Хон канали шаҳар бўйлаб тўлиб-тошиб окқанидан бекнинг саройини топиб, бизни қаерга жойлаштиришини аниклаш ва у ердан бозорга қайтишда шаҳарнинг учдан икки қисмини айланишимизга тўғри келди. Бобурнинг Андижонни сув билан тўққизтacha канал таъминлаши ҳақидаги маълумоти ҳақиқатан тўғри эканлигига амин бўлдим: «Жанубий тарафидаги қасабалар бир Андижондурким, васатта воқе бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлири воғир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас. Мовароунаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидин сўнгра мундин улуғроқ қўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафida воқе бўлубтур. Тўққиз тарнов сув кирап. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас. Қалъанинг гирдо-гирди хандақнинг тош ёни сангрезалик шоҳроҳ тушубтур. Қалъанинг гирдо-гирди тамом маҳаллоттур. Бу маҳалла била қадъага фосила ушбу хандақ ёқасидоғи шоҳруҳтур. Ови қуши доғи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовулни ускунасини тўрт киши еб тутгата олмайдур. Эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида туркийни билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур.

Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирийда нашъу намо топибтур, бу тил биладур.

Элининг орасида хусн хейли бордур. Юсуф Ҳожаким мусикида машҳурдир. Андижонийдур. Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл безгак кўп бўлур».

Менга бозордан уй ва ҳовли беришди. Девордаги ёзувлар айнан шу уйда ўзининг экспедицияси давомида Федченко яшаганлигидан гувоҳлик бериб турарди. Бир неча мадраса, шунингдек, пишиқ гиштдан қурилиб, кошинланган қатор карвонсаройларни кўрдимки, Кўқон ва Тошкентда кўрганимдан ҳам дурустроқ эди.

... Кечга яқин бозор оралаб пиёда кездим. Андижон пойтахтдан кейинги энг муҳим шаҳар бўлгани ва бундан

ташқари эски ўрнида жойлашганидан бозори ҳам жуда катта ва чиройли экан.

... Бу ерда хоннинг катта ўғли Насриддин бек бўлиб, уни кўпинча хонзода (хоннинг ўғли) деб аташарди. 1875 йилда отасига қарши исёнда иштирок этган Насриддин хон этиб кўтарилиган, бироқ тез орада тахтдан ағдарилиган.

... Ниҳоят бизни олиб кетишга келишиб, расмий катта сарой ҳовлисига бошлиб, бу ерда нима қилишимиз кераклиги айтилди. Олдимиздаги бинонинг ўнгидаги дераза ёнида ўлтирган бекни кўрдик. Таъзим қилгач, сухбатимиз айвонда мўлжалланган бўлиб, унга яқинлашдик. Бек қўлини узатувди, мен ҳам унинг қўлини тутдим. Шундан сўнг деразага яқин келиб сухбатлашишимизни сўради. Менга дилкаш, тўла юзли тахминан йигирма бешлардаги, разм солганда яхши ахлоқли ва овқат шинавандасидек кўринди.

... У бир ойча Тошкентда бўлиб келган, бу ерларга келган эканман, яхши дўст бўлиб қолишимиз кераклиги, саёҳатимнинг сабабларини яхши тушунишини, дунёда иккита шаҳар ҳам бир-бирига ўхшамаслигини айтиб қолди. Ўзининг Тошкентга борганида кўплаб янги нарсаларни кўргани ва у ерда бир неча дўстлар орттирганини сўзлади. Сўнгра яна қаерларга боришимни сўради. Мен эса шу куниёқ жўнашимни ва йигитлар беришини сўраган эдим, у Тошкентда йигирма кун бўлганини ва мени ҳам бу ерда шунча қолишимни сўради. Вақтим қисқалиги, ваҳоланки бу мамлакатда икки хафтача юрганимни айтувдим, у Андижон Тошкентдан бутунлай бошқа жой эканлигини ва қолиб, ҳамма қизиқарли нарсаларни кўриб, сўнгра истаган еримга кетишимни айтди. Аммо мен янаги сахаргacha қолишига розилик билдириб, унга тамаки учун<sup>\*</sup> кумуш мугуз (шох) совға қилувдим, кўзлари жонланганча кулиб, русча «На память» (эсдаликка) деди. Озроқ мақтовлардан сўнг таъзим қилиб, одоб-ахлоқ қоидасига кўра, кетишга ижозат сўрадим. У рози бўлди.

... Хозирда Андижон 20000 кишилик аҳолига эга, хонликнинг Кўқондан сўнг турувчи асосий шаҳарларидан бири ҳамда қадимий бўлиб, менда ёқимли таассурот қолдирди: хушманзара кўчалару кўплаб боғлар, шаҳар ташқарисидаги уйга ўхшаш бекнинг саройи, шовқинли тезоқар канал, очик юзли ва истарали самимий одамларнинг пайдо бўлиши ёхуд мен билмаган турли-туман таомлари, ҳаммаси биргаликда ва

айникса охиргиси (таомлари – З. С.) ҳечам кам эмас. Ҳамма жойда емак топишим мумкинлигини айтишганидан, яхшиям, ўзим билан Кўқонга ошхона анжомларини олиб келмагандим. Бу хақиқатан рост экан.

... 1812 йилда Мир Иззатулла Андижон ўша пайтда қаровсиз эканлигини ёзади. Икки йил кейин эса Назаров<sup>1</sup> қуидагича таърифлайди: «Андижон Кошғар худудининг чегараларида жойлашган; бу шаҳар қишлоқлар билан ўралган бўлиб, уларнинг аҳолиси зироатчиликни яхши билишади, ипак қурти етишириб, пахтадан матолар ишлаб чиқаришади».

... Эртаси пайшанба куни бир расмий келиб, отаси билан учрашиш учун хонзода Учқўрғонга кетганлигидан мен билан хайрлаша олмаганини айтди. У менга сафар харажатларини қоплаши учун ўн тилла кумуш ҳадя этибди.

Йўлимиз жануби-шарққа тепаликлар оша ўтиб, менга Андижон водийсининг ажойиб кўриниши намоён бўлди. Сўнгра кичикроқ бир гўшадаги Кошғар деб аталган қишлоқ орқали кўплаб тепаликлар, сўнгра экиизор далалар ва олд қисмида дараҳт, бўм-бўш тепаликлар ястаниб ётган хушманзара водий узоқ-узоқлардан чўққиларида ҳалигача қолган озроқ қорлари билан тоғлар кўриниб туради. Ана шу водий бўйлаб қуига, кичик дарёни тарқ этиб, отда ўн беш милни ортда қолдириб, Хўжаобод деб номланган қишлоқда дам олиш учун тўхтадик. Шанба кунлари бу ерда катта бозор бўлар экан.

... Жазирама иссик борган сари жадаллашарди. Биз эса Андижондан чиқиб, отда ўттиз милча юриб, соат бешларда Ўшга этиб келганимиздан хурсанд эдик. Бу ерда менга ҳамма шароитлари бор «Тахти Сулаймон»<sup>2</sup> яқинидаги катта тоза ҳовлили уйни беришди.

Тахти Сулаймон деб ном олган қоя текисликнинг ўртасида, Кўкон учун унга одатий саналмаган, шаҳарнинг эса чеккасида

<sup>1</sup> Назаров Филипп – 1813–1814 йилларда Кўқон хонлигига саёҳат қилган. Саёҳат натижаларига доир алоҳида китоб ёзиб колдирган (Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии Филиппа Назарова, отдельного Сибирского корпуса переводчика, посланного в Кокант в 1813 и 1814 годах. – Санкт-Петербург, 1821).

<sup>2</sup> Тахти Сулаймон (Сулаймон тахти) – ўш шаҳри яқинидаги тов. Инжил ва Куръонда номи зикр қилинган пайғамбар ва подшо Сулаймон гўё шу ерда дағн этилгани билан боғлиқ афсоналар бор. Бу тов номи ва ўш шаҳри ҳам қадимда кўпинча Тахти Сулаймон деб аталган.

жойлашган яп-яланғоч, ғадир-бұдур тошли баланд чўққидир. Қадимий афсонага кўра, шу ерда буюк Сулаймон дунёниг бу қисмига қараб туриш учун бир вақтлар ўзининг тахтини ўрнаттан эмиш.

Ярим-ёрти афсоналар Сулаймоннинг шу ерда ўлдирилганидан сўзлайди. Холбуки бу Сулаймон шу ерлик авлиё ёхуд қаҳрамон бўлиб, яҳудий подшоси билан янгиширилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Теп-текис майдон, безакли мозор ёки қўрғон қоянинг тепасигача бориб, Сулаймоннинг танасини ёпиб туради деб тахмин этилиб, яқинида эса турли айлана туйпуклар бўлиб, улар мўрт тош ва сувлардан жарликлар ҳосил қилиб, у ерда ўзи билан келтирган қора итлар унинг қонини ичиб, танасини ер эмиш. Бу қоя бизгача кўплаб географларнинг диққатини тортиб келган.

Мир Иззатулла: «Тахти Сулаймон Ўш яқинидаги тоғ бўлиб, Сулаймоннинг вазири Асиф Бархийнинг қабри жойлашган. Ўлчами жуда катта», дейди. 1814 йилда бу ерда бўлган россиялик Назаров эса: «Бу тоғларнинг тик қоясининг ўнг тарафида иккита қадимий иморат остида йирик ғорни кўрдик. Йўл бошловчи бизга бу иморатлар Сулаймон тахти деб номланишини айтди. Шундан Осиёниг бу қисмидагилар бу ернинг Сулаймон руҳи билан боғлиқлигига ишонганидан ҳар йили зиёратга келишади. Бу иморатларда ҳеч кимса яшамайди», деб ёзган.

Аслида бу иморатлар кичкина, унчалик аҳамиятли эмас, кўпи билан бор-йўғи юз йил бурун қурилган бўлса керак. Бобур Ўшга таъриф берганда Сулаймон тахтини эслатмаган. Билишимча, яқин атрофда бошқа қоя бўлмагани учун у Барокўҳ деб тавсифлаган қоя шу бўлса керак. Бобур ёзади: «Яна бир Ўш қасабасидур. Андижоннинг шарқи жанубий тарафидур, шарққа мойил, Андижондин тўрт йиғоч йўлдур. Ҳавоси хўб ва оқар суйи фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур. Ўшнинг фазилатида хейли аҳодис ворид бўлубтур. Кўрғоннинг шарқи жанубий бир мавзун тоғ тушубтур, Барокўҳга мавсум. Бу тоғнинг қулласида Султон Маҳмудхон бир хужра солибтур, ул хужрадин қуйироқ ушбу тоғнинг тумшуғида тарих тўққиз юз иккida мен бир айвонлик хужра солдим. Агарчи ул хужра мундин муртафеъдур, вале бу хужра бисёр яхшироқ воқе бўлубтур: тамом шаҳр ва маҳаллот оёғ остидадур. Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била

ўтуб, Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудқа мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур. Бароқўх тоғи доманасида шаҳр била тоғнинг орасида бир масжид тушубтур, масжиди Жавзо отлиқ. Тоғ тарафидин бир улуғ шаҳжўй оқар. Ушбу масжиднинг ташқари сахни нишеброқ, себаргалиқ, пурсоя, сафолик майдон воқе бўлубтур. Ҳар мусоғир ва раҳгузар келса, анда истироҳат қилур. Ўш авбошининг зарофати будурким, ҳар ким анда уйкуласа, ул шаҳжўйдин сув қуярлар. Умаршайх мирзонинг охир замонларида қизил била оқ мавжлиқ тош ушбу тоғда пайдо бўлди: пичоқ дастаси ва такбанд ва баъзи нималар қилурлар, хейли яхши тошдур. Фарғона вилоятида сафо ва ҳавода Ўш чоғлиқ қасаба йўқтур».

Қоя остида улкан боғ, ичкарисида икки-учта кичик масжид эса зиёратчиларнинг хайр-эҳсонидан умидвор зоҳид эшонларнинг қароргоҳидир. Тепаликка элтувчи тор ва тик йўлакдан ўтиб, мозорнинг олдида бунёд этилган тошли ва фиштили йирик сахнга етдик.

Бу ердан бутун водийнинг ҳар бир тарафидаги ажойиб манзара: дарё, шаҳар, қишлоқларга элтувчи турли йўналишдаги йўллар, паст қоялар бўйлаб тор дара оша ўтувчи дарё, Олой тоғларининг муҳташам кўриниши, ундан менга кўрсатишган жанубга ўтувчи турли дараларга гувоҳ бўлдим.

Кошғар чегарасидаги тоғлар ҳам элас-элас кўриниб туради. Айтишларича, Кошғар бу ердан 35 тош<sup>1</sup>, яъни 200 милча узокда бўлиб, отда беш кунлик йўл. Ўш – кўпприк тортилган дарёнинг икки тарафида жойлашган йирик шаҳар. Бир тарафида аҳамиятсизроқ иморат – қалъа, бу томонда катта бозор бўлиб, бозорлик куни бўлганидан, одамлар билан тўла. Ҳолбуки бозорда ўзига хос ёхуд ажойиб нарса кўрмадим.

... Ўш Марғилонга қарашли шаҳар бўлиб, саркор томонидан бошқарилади.

... Марғилоннинг 30000 аҳолиси бўлиб, баланд девор билан ўралган ҳамда деярли ҳар бир кўчада форсий услубда қурилган, пиёзсимон гумбазлари, олд қисми кошинкор ва фоятда ганчкор сувоқланган, жуда чиройли кичикроқ мо-

<sup>1</sup> Тош – масофа ўлчов бирлиги. Ўтмишда Ўрта Осиёда кенг ишлатилиб келинган атама. Хукмдорларнинг чопарлари йўл узунлигини ўлчаётганда ҳар бир 8000 қадамга бир тош кўйиб кетишган. Бир тош тахминан 6 км га teng бўлган.

зорлар ёхуд меҳробсиз сағаналар учрайди. Улар шаҳарга ёруғлик ва кўнгилни очадиган ҳаво беради. Бозор кўчалари Кўқондаги каби, тешаси асосан ёпилганлигидан ёқимсиз ҳидга тўла. Марғилон бурунги муаррихлар томонидан Марғинан деб аталган. Мен бу ерда яна Бобурнинг қизиқарли таърифини келтироқчиман: «Яна бир Марғинондур. Андижоннинг ғарбидадур, Андижондин етти йироҷ йўлдур. Яхши қасаба воқе бўлубтур, пур нesъмат; анори ва ўруги асру кўп хўб бўлур. Бир жинс анор бўлур, «дона калон» дерлар, чучуклигига зардолу майхушилиғидин андак чошни бор. Самнон анорлариға таржек қилса бўлур. Яна бир жинс ўрук бўлурким, донасини олиб, ичига мағз солиб қурутурлар, «субҳоний» дерлар, бисёр лазиздур. Ови қуши яхшидур, оқ кийик ёвукта бўлур. Эли сорғтур ва муштзан ва пуршару шўр элдур. Жангаралик расми Мовароуннаҳрда шоєъдур, Самарқанд ва Бухорода номдор жангараалар аксар Марғинонийдур. Сохиби «Хидоя» Марғиноннинг Рушдан отлиқ кентидиндур».

... Ўн икки мил узоқдаги Девона номли кичикроқ қишлоққа борган яхши деб ўйладим.

Қўрбошига<sup>1</sup> йигитлар учун одам жўнатувдик, хоннинг мактубига қарамай бирорта ҳам йигит бермади. Шундан сўнг ўзимиз билан Аравондан ҳамроҳлик қилган йигитларни биз билан Кўқонга боришга ёлладик. Эндиғина жўнаш пайида ҳам эдикки, қўрбошининг кечикиб қолган ўриклар билан дастурхон шаклидаги меҳмондорчилиги келиб қолди. Дастлабки олти мил йўлимиз боғлар ва далалар бўйлаб ёқимли кечди. Аммо ундан кейин буткул сувсиз, қўриқ сахро оша йигирма милча юрдик. Биз етган бечора жой – Девона қишлоғи бир неча кулбадан ташкил топган бўлиб, айтишларича бу ерни макон қилган девона ёки дарвешларга мос жой бўлган экан. Яқин теварагида дов-дараҳт кўринмас, Марғилон атрофидан келтириладиган сувдан бўлак бир томчи ҳам сув йўқ. Бахтимизга салқин шамоллар эсиб турганидан Кўқонга йўл олишдан аввал тахминан соат бешларгача бу ерда қолдик.

Кун ботиши арафасида ғарбдан эслан чанг-тўзонли шамолда нафасимиз бўғилай деди. Бу чўл Кўқонни уч та-

<sup>1</sup> Кўрбоши – тарихий ҳарбий атама бўлиб, ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликлари ва айрим Шарқ давлатларида дастлаб шаҳарни тунда қўрикловчи миршаб; сўнгра курол-яроғ омбори мутасаддиси ҳамда қурол-аслаха, турли яроклар ва тўт ясало корхоналари бошлиғи. Шунингдек, Туркистон ўлкасида 1917 йилга қадар бўлган даврда маҳаллий полиция бошлиғи.

рафидан ўраб, Бобурнинг айтишича, Хо Дарвеш<sup>1</sup> деб айтилади: «Хўжанд била Кандибодом орасида бир дашт тушубтур. Ходарвешга мансубдир. Ҳамиша бу даштга ел борур. Марғинонғаким, шарқидур, ҳамиша мундин ел борур. Хўжандғаким гарбидур, дойим мундин ел келур: тунд еллари бор. Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлукуб, бир-бирини тополмай, «Хо, дарвеш», «Хо, дарвеш», дей-дей ҳалок бўлубтурлар, андин бери бу бодияни Ходарвеш дерлар».

... Об-ҳаво очилиб, ой ортда қолгач, соат ўн икки яримда сафаримизни давом эттириб, тун бўйи лой йўллардан юриб, сахарлаб беш яримда Кўқонга етдик. Кун аллақачон исиб, бизга маълум килишларича, жуда ноодатий вазият – уч кун тинимсиз ёмғир ёққанидан кўчалар ғоят булғанч ва лой эди.

... Менинг саёҳатим кўн жихатдан кўнгилсиз, аммо буткул фойдадан холи бўлмади. Бу ердаги маҳаллий қонункоидалар ҳакида билимга эга бўлдим. Шунингдек, Россиянинг ўз қўшниларига ўтказаётган таъсир доираси ва хусусиятларини билиб олдим.

Кўқон хонлиги бодом шаклидаги водий бўлиб, узунлиги Махрамдан Ўзгангача 160 мил, кенглиги 65 мил бўлиб, барча томонидан тоғлар ва тоғ платолари билан ўралган, Хўжанд яқинидаги кичик чўққили тоғ йўли орқали хонликка филдиракли арава юришига мослашган ягона йўл ўтган. Қадимдан Довон (хитойча Да-ван) ўзининг тоғлари ва даралари билан маълум бўлиб, қадимги муаррихлар орасида Фарғонанинг унумдор водийси сифатида қайд этилган. Ўзининг серхосил ерига сувни Нориннинг кўшилиши билан мамлакатнинг тахминан учдан икки қисми бўйлаб жанубга оқиб ўтувчи Сирдарёдан олади. Баланд соҳилларнинг ўртаси берклигидан Сирдарёning қуи оқими сувориш учун фойдасиз. Мамлакат тоғлардан оқиб келувчи кичикроқ дарё ва сой сувлари билан суворилиб, аммо улар дарёга етмай тугайди.

Сирдарёning юқори оқимида сувориш учун кўплаб каналлар қазилган бўлиб, улардан иккитаси – Хон ва Мусулмонқул каналлари сўнгги даврда бунёд этилган. Жанубга томон тоғлар кўплаб яssi тизмалардан таркиб топган бўлиб, чўққилари 19000 дан ҳатто 25000 фут баландга бўй чўзган,

<sup>1</sup> Хо Дарвеш – Қайроқкум чўли (Фарғона водийси).

айниқса Олой ва Кичик Олой тизмалари күпгина музликлардан иборат.

Уларни илк бор тадқиқ этган Федченко Жанубий Кўқон тоғлари деб ҳам атаган. Бу тоғ тизмалари оралаб Қаратегин ва Кошғарга элтувчи ҳамда кечиб ўтиш машаққатли бўлган бир қанча даралар ўтган. Кендириров тизмаси эса Кўқон хонлигини шимолдан Россия ерларидан ажратиб туриб, жуда баланд, фарбий чеккаси оша асосан икки-учта яхши йўллари Тошкентга, бошқаси эса Намангандан Авлиёотага олиб боради. Кўқон шахрини ўраб турувчи қумли чўлдан бўлак водийнинг қарийб барча ери унумдор.

... Иқлими Россия империясининг Туркистондаги туманларига қараганда кўпроқ бир маромда; қиши илиқ, кор кам ва кечроқ ёғади. Ёз кунлари Кўқон ва Тошкентдаги ҳароратнинг у қадар фарқи бўлмаса-да, аммо кечалари салқин ва шинам, оғир тўшаклар остида ухлаш ҳам ўнғайсизлик тутдирмайди.

Хонликда жойлашган тоғлар минералларга бой. Исфара яқинида ва бир неча шимолий тоғларда кўмир қазилма бойликларининг конлари топилган. Нефть ва нефть қудуқлари кўплаб жойларда, айниқса хонликнинг шимоли-шарқий чегаралари, Кетмонтепа яқинида топилган. Айтишларича, мис, кўрғошин ва темир, шу билан бирга сифати паст феруза ҳам топилган.

Унумли тупроғи ва ажойиб иқлими туфайли хонликда қишлоқ хўжалиги гуллаб-яшнаган. Буғдой, тариқ ва арпа кўплаб экилиб, охиргиси қуи шавли бўлиб, отларга ем учун ишлатилади. Шоли ҳар ерда беда сингари кўплаб экилса-да, бироқ хонликнинг икки муҳим маҳсулоти – пахта ва ипак асосий экспорт манбаи саналади. Фикримча, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бойлиги жиҳатидан Кўқон Зарафшон водийсидан ҳечам қолишмайди. Унинг имкониятларини кенгроқ тараққий эттириш учун суғориш тизимлари кенгайтирилса, натижада қўшимча ҳосилдор ерлар очилади.

Хонликнинг аҳолиси бир миллиондан кам бўлиб, кескин икки – ўтрок ва кўчманчи тоифага бўлинади.

... Ўтрок аҳоли асосан ўзбеклар; аммо Кўқон ва фарбий вилоятда тожиклар кўп, яна Ўрта Осиёнинг барча йирик шаҳарларида бўлгани каби яхудийлар, ҳиндлар ва бальзан озроқ афғонлар ҳам бор.

... Кўқон хон томонидан мустақил бошқарилар, гарчи турли шаҳарлар ва туманлар беклар ихтиёрида бўлиб, деярли мутлақ ҳокимиятга эгадирлар. Бутун ҳолатлар бўйича қарор фақатгина хон томонидан қабул қилинади. Ҳаёт ва ўлим масалалари бундан истисно. Ҳокимият бошқарувида асосий масъулият армияга тушади. Улар кўпинча соликларни тўплаш ва ўзлари учун тақсимланада иштирок этадилар. Яна хон ҳисобига йиғиладиган бир қанча соликлар борки, уларга бекларнинг ҳеч қандай алокаси йўқ; бундан ташқари ўзлари учун йиғилган маблағлар учун хон олдида ҳисоб беришга мажбур эмас, хонга йилида бир-икки марта ҳадялар бериб туришади, холос.

Хоннинг оғир соликлари аҳолининг норозилигига сабаб бўлиб, қўзғолонлар кўтарилишига олиб келган ҳамда улардан бири муваффақиятли амалга ошган<sup>1</sup>. Махаллий аҳоли вакили томонидан 1874 йилда ёзилган мактубда келтирилган парчада норозиликнинг қанчалик асосли эканлиги қайд этилган: «Йўлларни таъмирлаш, хон саройларини қуриш, боғларига ишлов бериш ҳамда каналларни тозалаш учун мамлакатнинг ҳамма қисмидан эркаклар тутиб келтирилиб, ишлашга мажбур этилди. Уларга ҳақ, ҳатто егулик ҳам берилмас, бундан ташқари ярим қишлоқ ахли ишлашга, қолган қисми эса ҳар бир ишловчи учун икки танга (11 пенс)дан солик тўлашга мажбур эди». Кимки қочса ёки тўлашдан бош тортса, калтакланади.

Илгари аҳолидан ўт-ўлан, қамиш ва бутазор учун солик йиғилмас эди. Эндиликда ҳар ким улардан тўпланган ҳосилининг ярмини хонга беришга мажбур. Кейин эса булар саркор томонидан бир хил нархда сотилади. Бундан ташқари, қамиш ва бута юклangan ҳар бир арава шаҳарга кириш учун ярим танга ( $2\frac{3}{4}$  пенс), бозорда эса яна бир танга кўпроқ (5,5 пенс) тўлашга мажбур. Зулукдан аввал солик олинмас, ҳозир эса хон ховуз бўйларида яшовчилардан зулукнинг бир қисми учун расмийларга тўрт чақа (0,5 пенс) тўлашни жорий қилди. Чорва сотилганда одатдаги закотдан ташқари, ҳар бир шохли мол учун хон ҳисобига бир танга, қўйдан эса ярим танга, туюдан икки танга, от ва эшакдан эса бир танга тўлаш шарт.

<sup>1</sup> 1873 йилда бошланиб, 1876 йилга кадар давом этган Пўлатхон қўзғолони назарда тутилмоқда.

Импорт қилинган моллардан қирқдан бир ёки 2,5 фоиз миқдордаги закотдан ташқари, кўшимча 5 фоиз нарх хонга тўланиб, у аминона<sup>1</sup> деб аталади. Ипак ва пахта экспорт қилинганда, ҳар бир тужа юкидан 10 танга олинади. Бозордаги эркак-аёлларнинг кийим-боши, кўрпа-тўшак ва ипак материаллар ҳамда қимматбаҳо молларнинг ҳар бири учун ярим танга, паст нархдагиларидан саккиздан бир ёки чорак танга тўланади. Хон аскарлари ҳар кеча дўконларни қўриқлаб, бунинг учун ҳар бир дўкон ҳар тўрт ойда икки тангадан ўн тангача ҳак тўлашади.

Бозордаги буғдойнинг бир чорагидан (180 фунт) тўрт чақа (0,5 пенс) тўлаш шарт. Сабзавот ва қовун-тарвуз, мевалардан оғирлигига қараб бир тангадан уч тангагача тўланади. Бу солик текжой ёки бозорда сотиш ҳуқуқи деб аталиб, яна унга қўшимча хирож ва таноб (ер солифи) ҳам бор. Сут, қуюқ қаймоқ ва хоказоларнинг бир косасидан фартинг<sup>2</sup> тўланади.

Ўрдак ёки ёввойи гознинг бозорда сотилган ҳар иккисидан бирии хон олади. Уй товуқларининг ҳам ҳар бир сотилганидан бир фартинг, ўнта тухумдан эса чақа (0,5 фартинг) олинади. Илгари замонлардан буён лўлиларнинг гурухи халқни кулдириб ҳамда маймун, айик, эчкиларни кўчама-кўча ва қишлоқларни кездириб, ўйнатиб кун кечиришган. Бу эса уларнинг хаёт тарзлари хозирда хоннинг қўлига ўтганини билдириб, у учун бир манба бўлиб қолди. Худоёрхон уларнинг орасига ўзининг одамларини қўйиб, ҳайвонларнинг сонини ҳам кўпайтирди. Ҳар бозор куни ҳафтада уч марта йирик шаҳарларда унинг томошачилари бозор оралаб, маймун, айик, бўри, чўчқа, эчки ва тулкиларни олиб юради. Бунинг учун ҳар бир дўкон тўрт чақадан тўлашга мажбур.

...Хоннинг қизиқчилари ҳам бозор оралаб юриб, уларнинг ишлаб топган пуллари унинг (хоннинг – З. С.) ошхонаси сарф-харажатларига кетади. Масjidга тайинланган имом хонга ўн танга, сўфи беш танга тўлаши шарт. Акс

<sup>1</sup> Аминона – XVIII – XX аср бошларида Фарғона, Самарканд бозорлари ва Бухоро амирлиги худудида чорва ва озиқ-овқат молларини сотувчи кишилардан ундириладиган махсус бозор йиғими. Шунингдек, Ўрта Осиё худудида аминлар фойдасига йиғиб олинадиган солик ҳам аминона дейилган.

<sup>2</sup> Фартинг – фартинг, инглиз пенснинг чораги.

холда ҳеч бирига ўзининг ваколатини амалга ошириш учун рухсат берилмайди. Хон мабодо бирор оиласда байрам, суннат ёки тўй-ҳашамлигини билгудек бўлса, у ерга ўзининг чолғучиларини жўнатади. Хонадон эгаси уларнинг ҳар бирига тўн, бундан ташқари хон учун икки тилладан беш тиллага (18 шиллингдан 45 шиллингга)ча тўлайди.

Ҳар баҳор Кўкон ташқарисида дарвешона<sup>1</sup> деган оммавий маросим бўлиб, ҳар бир гуруҳ хонни муборакбод этиши ҳамда унга пул ҳадя этиши шарт. У 100 тилладан 1000 тилла (45 фунт стерлингдан 450 фунт стерлинг)гача микдорни ташкил этади. Мабодо раҳнамолари буни тўлашдан бош тортсалар, калтаклаб, қийноққа солинади. Агар хон бировга тегишли ер ёки боғни истаб қолгудек бўлса, сотишга мажбурлаб, унинг дастлабки сотиб олинган баҳосини тўларди. Ернинг ҳозирги нархи ёхуд уни яхнилаш бўйича қилинган сарф-харажатларни инобатта олинимас эди. Хонликни тарқ этишини хоҳлаган ҳар бир шахс арзнома тақдим қилиб, рухсат учун икки тангра тўлар эди. Бу рухсат сўнгра маҳрамга<sup>2</sup> тақдим этилиб, у яна бир тангра олар, йўлнинг ҳар бир бекатида эса қўшимча солиқ тўланш шарт эди. Ўт-ўлан, шоҳ-шабба, зулук, шу билан бирга яйловлардан олинадиган солиқлар ойига 1,5 пенс. Ҳар бир йирик шоҳли чорвадан олинадигани Сиддик Кўйчига юклатилган бўлиб, у ҳар йили хонга 20000 тилла (9000 фунт стерлинг) тўлайди. Хирож ёхуд ҳосил солиги йилига 300000 чорак (миллион бушель) буғдойни ташкил қилиб, хон томонидан сотилади.

Ҳар бир туманда бунинг учун маҳсус амалдор бор. Шаҳриҳон тумани 9000 чорак, Балиқчи 100000 чорак, Сўх

<sup>1</sup> Дарвешона – Ўрта Осиё ҳалқлари орасида баҳор фаслида ўтказиладиган тадбир. Тарихий маълумотларга кўра, ҳар йили баҳор фаслида кишлопқларда ва шахар маҳаллаларида 2–3 киши уйма-уй юриб, пул ёки озик-овқат тўплашган, сўнтра бирор кишининг ховлисида ёки масжидда овқат ишириб, бутун маҳалла билан баҳам кўришган. Бу маросим бирор оғат бўлганди (касаллик тарқалганда, очарчилик бошланганда) ундан ҳалос бўлиш ёки дехқончиликда мўл ҳосил тилаш ва бошқа пиятларда Аллоҳдан мадад сўраш мазмунида ўтказилган. Мазкур маросим дарвешлар одатига ўхшаб уйма-уй юриб озик-овқат йигини билан боғлик бўлгани учун дарвешона (дарвешларга ўхшаб) деб ном олган. Дарвешона маросими жанубий ҳудудларда (ҳозирги Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларининг баъзи кишлопқларида) далаларга, тоғ ёнбагирларига чиқиб ўтказилган ва у дехқонларнинг экин-тикин бошланишидан олдинги ўзига хос сайли сифатида уюштирилиб, ҳозиргача сакланниб қолган.

<sup>2</sup> Маҳрам – Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига сарой амалдорларининг ёзишма ишларини бошқарган лавозимли киши ва унинг мансаби.

14000 чорак, Норкент эса 12000 чорак ва ҳоказо. Таноб ёхуд боғлар, мевазорлардан олинадиган солиқ 60000 тилла (18000 фунт стерлинг)ни ташкил этади. Сирдарёда Балиқчи билан Чилмаҳрам ўртасидаги ерларнинг божи саркорга тегишли бўлиб, бозорлардаги жойларнинг сотуви, никоҳларни қайд этишдан келади. У ярим тилла (4 шиллинг 6 пенс)ни, мерос ва туз солиги қирқдан бирни ташкил этади. Саркор булардан хонга йилига 20000 тилла (9000 фунт стерлинг) тўлайди.

Мамлакат аҳолиси ва кўчманчи уруғлари учун закот йиғиши чоршибошига юклатилган бўлиб, 11000 тилла (4850 фунт стерлинг)дан иборат.

Савдогарлардан олинадиган закотни меҳтар тўплаб, 35000 тилла (15750 фунт стерлинг) тўлайди. Хон томонидан қурилган карвонсаройлар ва дўконлар мингдан ортиқ бўлиб, Исой исмли киши томонидан бошқарилиб, хазинага 30000 тилла (13500 фунт стерлинг) даромад келтиради. Пахта ва даллоллардан олинадиган солиқ 10000 тилла (4500 фунт стерлинг), ёғ-мойжувоз, буғдой дўконлари, ипак, хашак, сутқатиқ бозорлари 50000 тилла (2250 фунт стерлинг) келтиради. Никоҳлар ва диний маросимлардан олинадиган йигимлар ҳам 5000 тилла келтиради.

Худоёрхон Кўқонни миллион фунт стерлинглик молдунёси билан ташлаб кетганидан ажабланмаса ҳам бўлади. Тахтдан кетгач, Оренбургда дабдабали кечалар уюштириб, ўша ерда истиқомат қилмоқда<sup>1</sup>.

Фақаттина солиқлар эмас, балки бошқа муносабатларда ҳам хон мустабид ҳоким саналади. Унинг хузурида на яхши фазилатли қишилар, на уларнинг ҳаётлари хавфсиз эди. Ёшлигига анча ахлоқсиз бўлиб, 1853 йилда ўзининг бош вазири Мусулмонқулни қатл этгач, у қотилга ҳам айланди. Ўзининг қонида қипчоқ қони бўлишига қарамай, 20000 қипчоқни оммавий қирғин қилгани боис, мамлакат аҳлининг унга нафратини қўзғатди. Кўқонликларнинг рус маъмуриятини ёмон кўришининг сабабларидан (камида шундай ишонишларидан) бири – уларнинг ёрдамида Худоёрхон тахтни тутиб турганлигидир.

<sup>1</sup> Пўлатхон қўзғолонини бостира олмаган Худоёрхон барча хазинани олиб, К. Кауфмандан ҳарбий ёрдам олиш учун Тошкентга кочган, сўнгра Оренбургга сургун этилган.

## **БУХОРО**

*Самарқанддан Шаҳрисабзга – Тогдан ўтиш –  
Китоб – Бекнинг қабулида –  
Меҳмондўстлик ва кўнгилочарлик – Шаҳар –  
Кекса бек – Бозор – Шаҳрисабзнинг замонавий тарихи –  
Чироқчи – Қарши –  
Унинг пайдо бўлиши ва савдо-сотиги – Амирнинг ўғли –  
Қарши ҷўли – Амирнинг кўнимгоҳи –  
Ҳазрати олийлари билан учрашув – Бухоро –  
Шаҳар – Бозор – Тижорат аҳамияти –  
Таниш-билишларим – Чоржўй сафарига омадсиз уриниш –  
Баҳоуддин қадамжоси – Кармана –  
Амирнинг суюкли ўғли – Зиёвуддин –  
Каттакўргон*

Менинг Бухорага саёҳатим Кўқондагига таққослаганда ҳар томонлама тубдан фарқ қилди. Мамлакат у қадар чиройли бўлмаса-да, аммо у қадимийроқ ва янада мукаммал ажойиб цивилизация изларини намойиш этиб турарди. Ахолиси илтифотли ва хушахлок, шу билан бирга одамлари содда эмас, балки бирмунча устомон экан. Менинг барча истагим бажо келтирилар эди. Мен чет эллик айғоқчига ўхшамасдим ва агар таҳқир бўлмаса, бепарволик билан мурожаат қиласдим, аксинча, энг ками сиртдан шарафли меҳмон саналиб ҳамда қабул қилиниб, кўнгилхушликлар қилдик. Албатта, бухороликлар меҳмондорчилик қандай бўлишини билишар ва унинг энг ажойиб намуналарини менга намойиш этишди. Буларни кўриб, уларнинг русларга бўлган ҳақиқий муносабатлари кўқонликларнидан фарқ қилмаслигининг гувоҳи бўлдим. Аммо бу турлича кўринишда эди. Кўқонда у тўнг ва хурматсизлик гарзида бўлса, Бухорода муомала дипломатиянинг барча нозик кўришишига мос келар эди.

28 июль душанба куни генерал Абрамовнинг Китоб, Шаҳар<sup>1</sup> беклари ва амирга ёзган хати билан Самарқанддан Бухорога отландим. Тоғли йўл фидиракли аравалар учун ноқулай бўлганлиги сабабли, юкларимни икки фидиракли Бухоро аравасида узокроқ бўлган айланма йўл – Жом йўналиши орқали бир кун олдин жўнатиб юборган эдим. Ўзим билан тилмочим Андрей ва Тошкентдан Конусбай исмли қозоқ йигити, юкларга қараб юриш учун эса баланд, озфиндан келган ҳамда ялқовроқ эроний йигитни олган эдим. Менга яна Самарқандга Китоб бегининг топшириги билан генерал Абрамов ҳузурига келган Китоб қўрбошиси Абдураҳим ҳам ҳамроҳ бўлди. Ўн олти мил масофа юрганимиздан сўнг Коратепа қишлоғига етиб келдик. Бу ерда қишлоқ бошлиқлари масжид боғига чодир тайёрлаб қўйишган экан. Тез орада кўк чой билан палов тановул қилдик. Коратепа кичик қишлоқ бўлиб, Самарқанд тоғ тизмасининг орасида жойлашган, аввалдан Шаҳрисабз томонидан бўладиган босқинларнинг олдини олиш учун бу ерда қалъа курилган. Хозирда у буткул аҳамиятини йўқотиб, эҳтимол мингтacha аҳолини сифдирад.

... Биз Тахтақорача<sup>2</sup> довонининг чўққисига етгач, катта ялангликка чиқдик. Бу ернинг баландлиги денгиз сатҳидан 5200 фут. Отларимизга дам бериб, ўзимиз эса теварак-атроф манзараларини томоша қилдик. Айниқса, кўз ўнгимизда ястаниб ётган Шаҳрисабз водийси, ортимизда эса Хисор тизмасининг қорли чўққилари бизни лол қолдирди. Бу ердан Китоб, Шаҳар ва ҳатто Яккабоғ ҳамда Чирокчи атрофидаги қишлоқлари билан ҳам яққол кўриниб, шаҳарлардан кўра кўплаб истироҳат ва мевали боғлари бор ўрмонларга ўхшаб кетарди. Шаҳрисабзнинг маъноси «яшил шаҳар» деганидир.

... Коратепадан чиқиб, тўрт соат ўтгач, биз асосий чўққидан ўтиб, тепаликлар оша чанг, машакқатли йўлга чиқиб, Бухоро заминига кириб келганимизда Китоб беги томонидан юборилган йигирма кишилик кузатиб борувчи қўриқчилар гурӯҳига дуч келдик. Уларнинг бошлиғи кўлинини кўксига қўйиб, сўнгра менинг қўлимни сиқиб, «омонмисиз» деди (мусулмон бўлмаганлар билан сўрашганда ишлатиладиган

<sup>1</sup> Бу ва кейинги ўринларда Шаҳар деганда Шаҳрисабз назарда тутилган.

<sup>2</sup> Тахтақорача – Зарафшон тизмасидаги довон. У орқали Самарқанддан Китоб ва Шаҳрисабзга карвонлар қатнаган. Хозир ҳам қиска йўл сифатида фойдаланилади.

ибара) ва шу захоти менинг соғлигим, сафарим ҳақида узок сўрай кетди. Чопарлар жўнатилгач, биз шошмасдан саккиз мил узокдаги кичик Кайнар қишлоғига қараб йўлга чиқиб, туашда у ерга етиб келдик. Кайнар асли том маънодаги қишлоқ бўлиб, қишики қўнимгоҳ. Ёзда эса барча аҳолиси яйловларга чиқиб кетар, қишлоқ эса хувиллаб қоларди. Кайнар «қайнамоқ» сўзидан келиб чиқиб, қишлоқда бир неча қайнок булоклар борлиги билан изоҳлашади.

... Тезда бутун водий ва Қаршигача ҳаёт ҳамда унумдорлик ато этувчи Қашқадарё дарёсига етиб келдик. Бироқ олдинда биргаликда Шахрисабзни ташкил этувчи эгизак шаҳарлар – Китоб ва Шаҳарни ўраб турган чим деворга<sup>1</sup> дуч келдик. Дарвоза ичкарисида боғлар ва мевазорлар бўлиб, бироздан кейин ҳақиқий шаҳар деворига етиб келдик.

Китоб Ўрта Осиёning бошқа шаҳарларидан унча фарқ қилмайди. Қинғир-қийшиқ кўчалар, пахса уйлар, айни сувли ариқлар ва ўша одамлар. Кўчалар, айниқса бозор оралаб ўтаётганимда мени ҳамма тик туриб, имо-ишоралар билан саломлашиб қаршилар, бу нафақат ҳурмат юзасидан, балки чин кўнгилдан эди.

... Кечга яқин менинг расмий ташрифимга бекнинг қабули тайёр эканлигини хабар беришгач, отда аркка жўнадим. Арк сунъий тикланган катта тепаликда бўлиб, атрофи пахса деворлар билан ўралган, ичкарида иккита катта, кенг сарой ва бир неча уйлар мавжуд эди. Бухоронинг сарой одатига кўра, менга тепаликнинг қуи қисмида отдан тушиб, пиёда юришим кераклигини айтишди.

Тепада турли расмийлар туришар, кўча четларида аскарлар қўшни кўчалардаги каби саф тортган, мен ўтаётганимда ҳарбийлар салом бериб, мақтаниш учун карнай-сурнайлар чалишар, мендан кейин катта оломон уларни сиқиб қўярди. Биринчи ҳовлига киришдаёқ мени бек – Абулғаффор кутиб олди. У дарҳол қалтираб турган кўлларини самимият билан узатиб, менинг, сўнгра генерал Абрамовнинг соғлигини сўрай кетди. Кейин эса мени қабулхонаси – шифти тўқ нақшинкор ва деворлари турли мураккаб нақшлар билан ишланган кенг меҳмонхонасига бошлади. Абулғаффорбек истарали, эллик

<sup>1</sup> Чим девор – ажриқ билан бирга палахса-палахса килиб кўчирилган ер катламидан бунёд этилган девор.

беш ёшлар чамаси, соқолининг ярми оқарган ва маълум даражада зиёли инсонлиги аниқ кўриниб турар эди. Унинг отаси бу даврда анча қариб қолган, Бухорода олий мансабларда бўлиб, амирнинг бош маслаҳатчиларидан бири эди. Кўрбошининг уйида ўтирганимиз – устига бир хил қизил мато ёпилган курсилар мендан сўнг бу ерга келтирилганини кўрдим.

Тўқ яшил шойидан оддий тўн кийган бек дўстона оҳангда ташрифим, нима учун келганимни сўраб, Бухорога қайси йўл билан етиб олишим ва шу тариқа гўзал мамлакатни томоша қилишимни айтди. Унинг ҳам мен учратган бошқа одамлар сингари Америка ҳақида тасаввурлари бўлса-да, анча мужмал эди. Фикрича, Америка Бухородек ҳудудни эгаллаган бўлиб, одамлари пахта етиштириш билан шуғулланар эмиш. Бек яна бир бор мактоб ва ҳол-аҳвол сўрагач, уйида менинг яна бир кун қолишимни сўради. Ҳолбуки, менга чопар жўнаттан Шаҳар бегига кейинги кун унга ташриф буюришга ваъда бериб кўйгандим. Кетиш олдидан менга тўқ қизил рангли чопон ҳамда Россияда руҳонийлар киядиган ва аниқ ўша мамлакатдан келтирилган тилларанг мато совға қилди. Таржимоним ва йигит ҳам ҳар бири чопонли бўлишди. Эшикда мени юганига олтин югуртирилган, тўқилган эгаржабдуқли жуда ажойиб от кутиб турарди. Гарчанд бегона отда тик қияликдан тушишни ўйлаб, дикқатим ошсада, хурмат юзасидан унга минишга мажбур эдим. Эгар ва аслаҳаларини ечгач, унинг арғумоқ эканлиги, анча касалманд, эҳтимол тахминан уч фунт стерлинг туришига амин бўлдим.

Тушликдан сўнг рақкос болалар томошаларини намойиш этишди, аммо уни яна бир бор кўришга иштиёқим йўқлиги учун улар менинг меҳмоним билан шунчаки гурунглашиб ўтиришди. Мени қабул қилганларга икки-учта *масхарабоз* ёхуд маҳаллий қизиқчиларни чақиришга рухсат бердим. Уларнинг кеч тунгача қабих ҳаёт ва ҳайвонларни ҳажв қилган қизиқарли чиқишлиари биз томошабинларнинг доимий гулдурос кулгиларига сабаб бўлди.

Тун салкин бўлди ва мен тонгга қадар қотиб ухладим. Нонуштадан сўнг Андрейни бек хузурига ҳадялар – тўнлик учун яшил атлас мато, бир кути ажойиб печенье ва бир қутича шириналклар билан жўнатдим. Бек уни бир-

оз вақт сұхбатлашгани олиб қолиб, менинг императорға қариндошлигим борми-йўқлигини сұрабди. Ҳолбуки америкалик эканлигимни билар, ҳар ҳолда мени халигача рус деб ўйлаган, чоғи. Бироздан сүңг у хабарчи йўллаб, мендан генерал Абрамовга хат ёзиб, унга яхши кутиб олинганлигимни айтишимни сұраб, мактубни ўзи жўнатишини айтибди. Яна у кексайиб, кўзлари хиралашиб қолганини айтиб, иккита кўзойнак ҳам сұрабди. Бу илтимосни бажонидил адо этиш имконим бор эди. Камиша бозорға чиқдим, аммо бозорлик куни бўлмаганидан у чиндан ҳам бўм-бўш, ҳарорат эса соясалқинда Фаренгейт бўйича 96 даражани<sup>1</sup> ташкил этиб, ортга – уйга қайтганимдан жуда мамнун бўлдим. Уйга Шаҳар бегининг бошқа бир чопари келган бўлиб, бекнинг мени қабул қилиши учун барча ҳозирликларни кўриб қўйганлиги, агар шу куни ташриф буормасам, ранжиши мумкинлигини етказди. Мен билан сұхбатланни учун кўплаб одамлар келди ва улардан бирини бу ерни Россия истило этгунинг қадар шаҳар ҳукмдори бўлган ва бухороликларга топширилган Жўрабек ҳақида сурнигтириб қолди. Кейинроқ Жўрабекнинг ўртоғи келганлиги ҳақидаги дув-дув гаплар тарқалиб, машҳурлигидан халойиқ мени астойдил кўришни истаганларига сабаб бўлган экан.

Бекка кетаётганлигим сабабли узр сұраб одам жўнатдимда, мен билан учрашишга келган одамлар билан хайр-хўшлишиб ва албатта зарур совғаларни бергандан кейин, жанубиғарбга томон олти мил узоқликдаги Шаҳар томон отландим. Кўрбоши ва миршаб мени Китоб ва Шаҳар ўртасидаги энг сўнгти масжидга қадар кузатиб қўйинди.

Экин-тикинли кенг боғлар ва четларига айлана қилиб дарахтлар экилган далаларни кечиб, чегарада Шаҳар бегининг жияни ва ҳаммаси бир сидра давлат чакмонлари билан кийинганлар томонидан одатдаги мақтов ва ҳол-ахвол сұраб кутиб олиндим. Олдимизда иккита чопқир бўлиб, одатга кўра улар юкори мансабдаги кишиларнинг отларидан бурун чопиб юрувчи одамлар ҳисобланади. Мен ҳам от чоптириб улардан ўзишга, бошқалар ҳам мендан ўrnак олиб ҳаракат қилса-да, ҳеч биримиз улардан ўзиб кетолмадик. Шаҳарга

<sup>1</sup> *Фаренгейт* (ҳароратни ўлчаш бирлити) бўйича 96 даражада Цельсий ўлчовида 38 даражани ташкил этади.

етиб келгач, халойик шунчалик кўп эдики, бир неча одамлар кўл чўзар, кўплар, айниқса яҳудийлар таъзим қилиб русча «Здравствуйте», яъни «Ассалому алайкум» дейишар ва хиндлар ўта мулозамат қилишарди. Қалъа яқинида талотум шунчалик катта эдики, уларни ортга доимий тисараётган миршабларга тартибни саклашларида қийинчиликлар туғдирди. Келишим ҳақида олдинроқ хабар берилганидан, бутун шахар мени кўришга шу ерда тўупланган ва шубҳасиз, улар мени, мен уларнинг кўнглини яйратдим.

Бекнинг шошилинч истагига кўра мени унинг саройига бошлиди. Сарой дарвозасига етганимда карнай чалиб кутиб олишди. Уларнинг олдидан ўтгач, бироз юриб кенг очиқ майдонга чиқдим. Бу ерда уч юз – тўрт юз нафар аскар саф тортишган, яна улкан ногора, карнай зарбидан ва замбараклардан ўқ отиб, салют беришганидан лол қолдим. Бизни иккита юзбоши<sup>1</sup> кутиб олди. Улар кашмир матосидан тўн кийиб, кумушдан маҳорат билан ясалган камар тақиб олишган эди. Отдан тушиб, улар билан бирга Темур курган муҳташам Оқсарой харобаси ёнидан ўтдик. Бу ёдгорликнинг иккита катта бўлаги қолган бўлиб, у мустаҳкам катта фишлардан қурилган, мовий ҳамда оқ кошинланган арабескалар, йирик форсий ва арабий ёзувлар билан безатилган эди.

Сарой ичидаги мени бек Абдулкарим девонбеги<sup>2</sup> кутиб олди. У нимжон киши бўлиб, қўллари қалтираб турарди. Мен бир томонда, сўл тарафимда бек иккита юзбоши билан, таржимон эса бизнинг ўртамиздан чеккароқда саройнинг бир ёғидаги сатҳи бўйлаб чўзиб тўшалган катта гиламга ўтиридик. Мен бекка генерал Абрамовнинг мактубини бердим. Бек уни ўқиб бериш учун мирзани чақирди. У сухбатлашишни жуда хуш кўрадиган, мен ҳақимда ҳамма нарсани билишни истовчи кўринар ва мендан генерал Кауфман билан кўришаманми, кейин қаерга боришум, Санкт-Петербург, Американинг қанча узоқлиги ва бошқа кўплаб шу каби саволлари орасида Хивани руслар хонга қайтариб беришгани ростми, деб сўраб қолди. «Хозир, – деди у. – руслар Хивани эгаллашди. Улар им-

<sup>1</sup> Юзбоши – харбий унвон, юз нафар аскар бошлиғи. Юзбоши бевосита мингбошига бўйсунган. Юзбошига ҳарбий юришлар пайтида алоҳида чодир, турли қурол-яроғ ва 10 та қўшимча от берилган.

<sup>2</sup> Бухоро амирлигига девонбеги молия ва хўжалик ишларини олиб борувчи мансабдор шахс бўлган.

кони етган барча шаҳарларни забт этишди. Чамамда, улар эгаллаши учун Англиядан бошқа ҳеч бир жой қолмайди. Бу ҳақда бирор нима эшитганмисиз?» Мен бунга жиддий жавоб қилдим. Ҳолбуки, руслар Хивадек йирик шаҳарни мақсад билан, зудликда истило этишга киришмаганлиги боис, ҳали у Худонинг паноҳида, ҳамма нарсалар бўлиши мумкинлигини тушунардим. Мен бу саволдан қисман ажабландим ҳам. Кейинчалик эшитишмича, Абдулсарайим амирнинг собиқ муаллими бўлишига қарамай, ўша даврда унга нисбатан душманона кайфиятда бўлган, мендан кўпинча бу ерларда ишлатиладиган кинояни яшириш йўли орқали сўрашининг маъноси – русларнинг Бухорога ҳужум уюштириш ниятини билиш учун эди.

Шу аснода ўттиз хилдан ортиқ таомлари билан дастурхон безатилиб, олий навли кўк чой келтиришди. Паловдан ташқари ҳар хил усуллар билан тайёрланган ва бу ерда оммавий саналган бир исча таом – турли хил гўштлар ва узум баргидан пиширилган шўрвани илк бор татиб кўрдим.

... Шаҳардаги таомлар Ўрта Осиёда мен кўрганларимнинг энг сараси эди.

... Бир неча расмийлар билан отда ва йўл очиб бориши учун йўлбошли билан бозор томон юрдик. Бахтимга ўша куни бозорлик (бу ерда пайшанба) куни эди. Шу сабабли бутун шаҳар, айниқса бозор одамлар билан лиқ тўла эди. Пахта ва ипакдан ажойиб ҳамда бошқа майда маҳсулотлар сотиладиган доира шаклидаги марказидан йўлаклари бўйлаб тизилган бинони ҳисобламаганда, бозор аввал кўрганларимга ўхшар, ҳар бир савдо аҳли ўзининг шахсий жойига эга эди. Бу ерда салла учун нафис муслиндан бошқа ҳеч қандай инглиз молини топа олмадим. Гарчи савдода маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг фабрика моллари мўл бўлса-да, аммо рус матолари, пахтадан тайёрланган маҳсулотлар, чит ҳам жуда кўп эди. Аёллар ягона шу ер учун хос бўлган ипакдан чордана каштали қилиб тикилган дўппиларни кийиб олишган эди. Жанубий дарвозадан чиқиб бироз юрилгач, от бозори жойлашган. Одамлар жуда ширинсухан, айниқса яхудийлар ўта хушмуомала.

... Бир масжиднинг боғидаги чойхонада турли кийим-бошли савдогарлар ва бошқа маҳаллий одамлар ерда чой ичиб ўтиришар, болалар эса уларга чой таширди. Биз ҳам икки ариқ ўртасидан жой олдик. Бир зумда атрофимизни

қизиқувчан одамлар ўраб олишди. Миршаб менга бир неча жонглёр (күзбойлогич)ларни таништириди. Уларнинг бири ўргатилган илон билан томоша кўрсатса, бошқаси оловни, пичоқни оғзига ютарди. Яна бири ўмбалоқ ошиб, тирсак ва тиззаларига боғланган катта пичоқлар билан бошқа жисмоний санъатларини намойиш этишарди.

Шаҳарда тўқсонта масжид ва учта мадраса бўлиб, аҳолиси 20000 атрофида. Китоб эса кичикроқ бўлиб, 15000 аҳолиси бор. Шаҳар ва Китоб битта девор билан ўралган, илгарилари бу ер Кеш деб, аммо ҳозир бу иккиси биргаликда Шахрисабз (у аниқроғи *Шаҳр-и-сабз* ёки ҳатто *Шаҳр-сабз* деб ёзилиши тўғрироқ. Кўпинча Шахрисабз деб талафуз қилинади. Китоб сўзининг маъноси «Китоб», Шаҳар эса «шахр»дан келиб чиқиб, «шахар» дегани, аммо бу номларнинг айтилиши доимо қийинроқ. Китоб, эҳтимол «об», яъни «сув» сўзининг қўшилишидан келиб чиқсан бўлиши мумкин) деб аталади. Бобур шаҳарни қуйидагича таърифлайди: «Яна Кеш вилоятидур. Самарқанднинг жанубидадур, тўққиз йифоч (фарсанг) йўлдур. Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур. Итмак добони дерлар, сангтарошлиқ қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар сахроси ва шахри ва боми ва томи хўб бўлур учун Шахрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилуриға кўп саъй ва эҳтиомлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуғ пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида тавочи беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун икки кичикроқ пештоқ қилибтур. Яна саврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичикичик тоқчалар қилибтур, мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро тоқидин бу бийикрактур. Яна Кешта мадраса ва мақбара қилибтур. Жаҳонгир мирзо ва яна баъзи авлодининг мақобири андадур. Чун Кешнинг қобилияти шаҳр бўлмоққа Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни – ўқ ихтиёр қилди».

Бу ном Бобур замонидан бурун боғларининг кўплигидан берилган. Кешда таваллуд топган Темур дастлаб уни ўз пойтахти қилишни ният қилган, бироқ Самарқанднинг кўплаб диққатга сазовор жойлари ҳисобига ундан воз кечган. Аввал айтганимдек, *Оқсаройдан* ташқари бу ерда Темур қурдирган

иншоотлар сақланиб қолмаган. Сарой маҳобатли бўлиб, ҳар холда юз ёки икки юз йилча бурун одатий шаклдаги ганч билан қопланганлигини ёғоч устунларига ўйиб ишланган нақшлардан билиш мумкин.

Бу ернинг аҳолиси мени ўзининг илиқ самимияти билан қабул қиласанлиги учун ҳам Бухоронинг бошқа шаҳарларидан кўра яхшироқ таассурот қолдирди. Яшаш шарт-шароитлари бу ерда хонликнинг бошқа ерларидан кўра ўзгача. Кулчиликка рухсат берилмайди. Шахрисабз ҳам Мағён, Фароб ва бошқа кичик бекликлар сингари ярим мустақил. Бухоро амири билан ерга эгалик муносабатларида баъзи бир ишларни кўради, холос. Бутун Ўрта Осиё эҳтимол ҳеч қачон келиб чиқиши жиҳатидан бир бошқарувга мансуб бўлмаган. Чингизхон бошиб олган ҳудудларини удел<sup>1</sup> шаклида ўзининг ўғиллари ўртасида бўлиб берган ва бу тизим кейинроқ доимий сақланиб қолган. Бобурнинг «Эсадаликлар»идан<sup>2</sup> унинг замонида ҳам бу бошқарув тизими ўз кучида колганлигини кўришимиз мумкин. Билишимизча, Бухорода бу тизим яқин пайтгача амал қиласан. Удел тизими вилоятларнинг мустақиллик учун ҳаракат қилишларига таъсир кўрсатар, кўп ҳолларда у амалга ҳам ошар эди.

Бу ҳол Шахрисабзда ҳам рўй бериб, Бухоронинг амалдаги сулоласи мамлакатни бирлаштириш учун зўр берар ва чекка қисмларидаги бекликларнинг ярим мустақиллигини инкор этиб келар эди. Шахрисабз билан бунинг уддасидан чиқиш мушкул, унинг серхосил водийсини Бухоро тарафдан чўл, Самарқанддан тоғ тизмаси, довонлар ажратиб турар ҳамда қулай мудофаа вазифасини ўтарди. Ўтган асрнинг ўрталарида шиддатли курашлардан сўнг, Бухоронинг муваққат ҳокими Раҳимбий<sup>3</sup> Шахрисабзда ўз ҳокимиятини ўрнатиб, беш йил давомида уни тутиб туришга муваффақ бўлади.

... Асримизнинг бошларида Шахрисабзнинг таниқли ҳукмдорларидан бири Дониёр оталиқ беклиknи 1811 йилдан

<sup>1</sup> Удел – ер эгалиги шакли. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Ўрта Осиё ва Эронда ҳам кенг тарқалган ҳамда икто ёки супорғол деб аталган.

<sup>2</sup> «Бобурнома» назарда тутилмоқда.

<sup>3</sup> Раҳимбий, Муҳаммад Раҳимбий оталиқ (1709–1758) – манғитлар сулоласининг асосчиси, күшбеги, Бухоро хони (1756–1758). Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўғли. 1756 йилда Бухоро таҳтига расмий равища хон бўлиб ўтиргач, манғитлар сулоласининг ҳукмроилиги бошланди.

1836 йилга қадар йигирма беш йил валинеъм<sup>1</sup> унвони билан бошқарди. Мир Ҳайдар<sup>2</sup> ва унинг ўғли Насрулланинг ҳар иккиси ҳам бекликин эгаллашга ҳаракат қиласа-да, Дониёр томонидан бўлган қаршиликка дуч келиб, чекинишга мажбур бўлишган. Дониёрдан кейин икки ўғли – Хўжақул Шаҳарни 1836 йилдан 1846 йилгача бошқарган бўлса, Бобо доддоҳ ҳукмронлик қилган даврда эса Китобга зарба берилди. Оғаниилар ўртасидаги низолар авжга чикқанидан фойдаланган Насрулла янги хужумларни бошлади. Аммо унинг қўшини келгунга қадар Хўжақул кичик укасини Китобдан суриб чиқариб, бухороликларнинг хужумини даф қилди. Бундан дарғазаб бўлган Насрулла йилда икки марта Шаҳрисабзнинг экинзорларини харобага айлантириш учун ўзининг отлик қўшинини жўнатар ва уларнинг ҳар бири келгуси хужумгача сулҳ билан якунланарди. 1846 йилда Хўжақулнинг ўлимидан кейин Китоб унинг укаси Искандарга, Шаҳар эса ўғли Ашуркули бекка ўтди. Искандар валинеъм макомини олиб, 1856 йилгача уни саклаб турди.

Ўн йил давом этган курашлардан сўнг Насрулла Шаҳарни дастлаб қамал ва очликка дучор қилиб, ишғол қилди. Искандар Китобда мустаҳкам ўрнашишга уринса-да, аммо тез орада амирга маълум шартлар эвазига таслим бўлди. У оиласи билан Бухорога жўнатилиб, хайриҳоҳлиги учун Коракўлнинг йиллик даромадини олди. Амир Насрулла шу тариқа Искандарнинг энг гўзал синглиси, эндиғииа турмушга чикқан Ойим Кенагасни кўлга киритди. Унинг эри Чоржўйга жўнатилиб, Шаҳрисабзнинг асосий сулолалари Чоржўй, Қарши ва бошқа жойларга қўчиб

<sup>1</sup> Валинеъм шаклида берилган мазкур унвон аслида арабча *вали ан-ни'ами, вали ан ни'ам* сўзларидан олииган бўлиб, *муруват курсатувчи, муҳтожларга ёрдам беруечи, валинеъмат* маъноларини англатади. Ўрта Осиёда бу атама мустақил вилоятларнинг ҳукмдорларига нисбатан унвон сифатида ишлатилган. Хусусан, Шаҳрисабз (Шаҳрисабз беклиги)нинг ҳукмдорларини шундай аташган. Қаранг: Семенов А.А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени // Труды Института истории, археологии и этнографии Академии наук Таджикской ССР. Т. XXV. – Сталинабад, 1954. – С. 4; Бартольд В.В. Коканд. Сочинения. Т. III. – Москва: «Наука», 1965. – С. 363.

<sup>2</sup> Ҳайдар, Амир Ҳайдар (1778–1826) – Бухоро амири (1800–1826), Амир Шоҳмуроднинг ўғли, Дониёлбий оталиқнинг невараси. Отаси томонидан Карши вилоятига ҳоким қилиб тайинланган ҳамда унинг вафотидан сўнг, Бухоро амирлиги таҳтига ўтирган. Бухоро амирлигига вужудга келган кескин сиёсий вазиятни юмшатишга ҳаракат қилиб, айрмачилик кайфиятларини намоён қилган Шаҳрисабз, Китоб, Ургут бекликлари, Миёнкол ва Самарқанд ҳокимларига қарши жанглар олиб боришига мажбур бўлган.

бориб, ўришиб қолиши. Насрулла тўрт йилдан сўнг 1860 йилда, Искандар ва унинг оила аъзоларининг барчасини, жумладан ўзининг хотини, яъни Искандарнинг синглисини эҳтимол, қасос ўчи ва рашк туфайлидир, қатл этишга амр қилганидан бирозгина кейин вафот этди.

Амир Насрулла вафотидан бироз ўтгач, Шахрисабз унинг ўғли Музаффар(иддин)га қарши бош кўтарди ва кенагас<sup>1</sup> уруғидан иккита вакил – Жўрабекни Шаҳар беги, Ҳакимни эса Китоб беги этиб кўтаришади. Бунга жавобан Шахрисабзга ҳужум уюштирган амир Кўқон хони Маллахоннинг мамлакатга бостириб кириши ва Уратепани эгаллаб, Жиззахга ҳужум бошлиши сабаб қамални бекор қиласи ва сулҳ шартномасини тузади. Беклар амир томонидан олий даражада тан олиниб, улар ҳар йили амирга совға-салом жўнатиб, зарурият туғилганда ўз қўшинлари билан кўмаклашишга келишади. Бироқ амирнинг бекликлар ички ишларига аралashiшига изн берилмайди.

Бундайин дўстона муносабатлар 1866 йилда бухороликларнинг тартибсизлиги натижасида Иржар яқинидаги жангда руслардан мағлубияти оқибатида узилди. Ўшанда бир қанча кўчманчи ўзбеклар ўзларини ёппасига талон-тарожликка уриши. Амир Самарқандда яшириниб, Бухорода ўзини кўрсатишдан кўркди. Чунки унинг жияни Сайдхон манфаати учун кучли гурӯхлар қўлларига қурол олишди. Охир-оқибат амирнинг тарафдорлари хокимиятни қўлга олгач, Сайдхон ва мағлуб бўлган исён йўлбошлиари Шахрисабздан паноҳ топдилар. Уларнинг баъзилари афв этилиши ваъда қилиниб қайтаришган бўлса-да, аммо унга амал қилинмади. Шу сабабдан Жўрабек амирга Сайдхонни топширишини рад этиб, барча ҳужумларга муваффақиятли қаршилик кўрсатди. Ниҳоят амир сулҳ тузиш маъқуллигини тушуниб, ҳар бир бекка 10000 танга тўлаб, қўшимча Жўрабекка доддоҳ шарафли унвонини берди.

Шахрисабз мустақиллигига охирги зарба руслар томонидан берилди. 1870 йилнинг ёзида Абрамовнинг Искандарқўл экспедицияси даврида унинг йўқлигига талончилар гурухи

<sup>1</sup> Кенагас – ўзбек халқи таркибиға кирган қабилалардан бири. Хоразм, Қашқадарё, Бухоро вилояти, Фарғона водийси, Қорақалпоғистон ва Шимолий Афғонистонда яшаган, таркибида бир қанча кичик қабила ва уруғлар бўлган. 1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра, Шахрисабз, Китоб ва уларга яқин кишлекларда 35040, Бухоро воҳасида 2725, Кармана ва унинг атрофида 2775 кенагас истикомат қилган.

солиқлар йигиш билан банд князь Урусовга ҳужум уюштириб, уни кузатиб бораётган гурух казакларидан бир нечтасини ўлдиришади. Князь Урусов ушбу ҳужум ҳудудда таниқли бўлган Хайдархўжа томонидан уюштирилганлиги ва у Жўрабекка хизмат қилишини астойдил туриб тъкидлайди. Шахрисабзга жўнатилган мактубда зудлик билан уни топшириш талаб қилинди. Бунга жавобан Жўрабек бу ҳеч қандай қонунга ҳам, қолаверса унинг виждонига тўғри келмаслиги боис, бегуноҳ инсонни топширишни мажбурият деб билмади. Хайдархўжа Шахрисабзниң бошқа аҳолиси сингари талончилик ҳужумида иштирок этмаган, бундан ташқари у айнан шу даврда бошқа жойда бўлган. Жўрабек жавоб хатида Кундуздан келган бир дарвеш ҳужум уюштирганини, ундан тортиб олинган казак ўқчисини русларга қайтариб берганини ёzáди. Руслар ҳалигача Хайдархўжа талончилар бошлиғи эканлигини уқтириб, уни топширишни даъво қилишмоқда. Мазкур мактубга жавоб ҳам бўлмади.

Генерал Кауфман шу сабаб Шахрисабзни тугатишга қарор қилиб, генерал Абрамов бошчилигидаги ҳарбий экспедицияни у ерга жўнатади. Китоб, айниқса русларнинг дарёни кечишида оғир талафотлар кўрган даврида ўзини кучли мудофаа этиб, 26 августдагина қаттиқ ҳужумлар оқибатида эгалланди ва Шаҳар ҳам тезда қўлдан бой берилди. Беклар Кўқонга қочишиди. Шахрисабз генерал Абрамов томонидан Бухоро амирига русларнинг бундан буён истилоларга хоҳишлари йўқлигининг исботи сифатида топширилди.

... Эртаси тонг соат бешда бек билан хайрлашиш учун бордим. Мени жуда оддий, худди оталарча қабул қилди. У ўзининг кексалиги ва ўғиллари хақида гапирди. Кўпроқ Яратган ва унинг амри билан кўришганлигимиз, сафаримдан хузур қилаётганимга умид қилишини ва одатда рус расмийларига турли хабарлар жўнаттани хақида сўзлади. Унинг самимий ва соддадиллиги чин кўнгилдан бўлиб, менда кучли таассурот қолдирди ҳамда унинг илтифотли, кекса қиёфасини мамнуният билан эслаб юрдим.

Шахрисабзни тарқ этаркан, мени Сайд мирохур<sup>1</sup> ва унинг одамлари кичик қишлоқ – Шармитоннинг дарвозаси-

<sup>1</sup> Бухоро амирлигига мирохур ҳукмдорнинг энг яқин кишиларига бериладиган тўртинчи шарафли рутба. У сарой отбокарларига етакчилик қилишдан ташқари, амир ҳарамини эҳтиётлаш, у ерга озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарурий нарсалар келтириш билан ҳам шуғулланган.

гача кузатиб қўйиши. Кейин унча катта бўлмаган, Шахардан олти мил узоқдаги қишлоғнинг амирга қарашли боғида чой ичишга таклиф қилинганим учун тўхтаб ўтдик.

Кун унчалик иссиқ эмас, балки салқин, ёқимли енгил шабада эсиб туради. Йўл Қашқадарё водийси бўйлаб чўзилган, аммо жанубдаги тоғлар туман пардаси орасидан деярли кўзга ташланмас эди. Чироқчидан тўрт мил узоқда бекнинг одамларини кўрдик. У (бек – З. С.) менга Шахрисабзалигимда хабар жўнатиб, меҳмондорчиликка таклиф этган эди. Биз отларни чоптириб, шаҳарга жўнадик. Чироқчи жуда кичик, аҳамиятсиз ва деярли вайрон бўлган. Асосий бозори дарвозанинг шундокқина қаршисида. Бу жой олдин Шахрисабзга тобе бўлган, лекин ҳозирда амир тайинлаган бек томонидан бошқарилар экан. Унинг беги Салимбек бўлиб, Китоб бегининг ўғли, 35 ёшлар чамаси, ўртаҳол яшар, дарёнинг юқори қисмида яхши жойлашган пастак уйда истиқомат қиласади. Жуда камган, у билан доим бирга юрадиган раиснинг (аммо билишимча, кейинроқ ножӯя иши учун амалидан бўшатилган) кучли таъсирида эканлиги кўриниб турар, улар билан одатдаги расмий овқатланиш маҳали ҳам сукунат билан ўтди. Сўнгра менга от ва олтин билан безатилган тўн совға қилишиб, тоза сувли иккита йирик ҳовуз яқинида, сарой этагидаги водийда мен учун ўрнатилган чодирга бошлишди. Бек мен учун бундан яхши жой тополмагани учун узр сўраб, буни ҳокимиятга эндиғина тайинланганлиги билан изоҳлади. Мен эндиғина у ерга жойлашган эдим ҳамки, иложи борича тезроқ келишимни истаётган Қарши бегининг ёрдамчиси, саркор томонидан Қорабоғдан жўнатилган хабарчи келиб қолди. Бекка оқшом саёҳат қилиш ҳузурли эканлигини айтиб, ўша маҳали дарҳол боришимни айтиб жўнатувдим, аммо Салимбек бир кеча қолишимга астайдил кўндириди.

... Эрта сахарлаб қуёш чиқишида мафтункор манзаранинг гувоҳи бўлдим: ям-яшил водий билан қишлоқлар, дарёнинг иккинчи томонида далалар ҳамда Шахрисабзнинг шимолидаги текисликка тобора энгашган иккита баланд чўққили тоғлар. Қорабоқقا томон ўн икки мил кўнгилдагидек ўтиб, йўл чўлдан ўтар ва унумдор далалар, ариқлар, ўнгда эса дарё билан мунтазам туташиб кетганлари эндиликда яқингинамизда, янгилари эса олдинда эди. Ҳисор тизмаси иссиқ ҳавода базўр кўринарди. Хар замонда кўчманчи ўзбекларнинг

қишлоқ ва қўналғаларидан ўтиб, Корабоғ яқинида саркор ва унинг мулозимлари томонидан кутиб олиндим. Бухорча чодир ва ҳовуз бўйидаги ҳовлида мен учун нонушта ҳозирлаб қўйилган эди. Чоңгоҳда унчалик аҳамиятли саналмаган Корабоғни тарқ этиб, Шом қишлоғига қадар ўн милча йўл босиб, у ердаги масжид боғида, қуриган ҳовуз бўйидаги чодирга жойлашдим. Бу ердан тонгда тахминан икки яримларда жўнаб, Қаршидан олти мил узокдаги каттагина Хонобод қишлоғида бир пиёла чой ичиш учун тўхтаб ўтдим. Шаҳардан уч милча берида бекнинг ёрдамчиси ўзининг аъёнлари билан кутиб олишди.

... Қаршига тахминан соат тўққизда етиб келдим. Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарлар сингари Қарши ҳам кенг боғлар билан ўралган.

... Арк яқинига стганимда мени кутиб олган, келишган ўзбек, бекнинг кекса ёрдамчиси Мирза Ироддин девонбеги йирик майдонли арқдаги уйига бошлаб, у ерда менга бир неча ўриндиқ ва баландлиги мақбул стол билан жиҳозланган, иккита ётоқли шинам хона берди. Одатдагидек, бу каби маҳаллий уйларда, ҳатто маҳсус ҳозирликлар кўрилган бўлса-да, ўриндиқлар столга қараганда бир фут баландроқ. Сўнгра менга лозим бўлган мезбон, амирнинг иккинчи ўғли, таҳт валиаҳди, ўн саккиз ёшлардаги ўсмир – бек Нуриддинхон ўттиз беш мил узокдаги Фузорга кетганлигини маълум қилишди.

Эрталаб бекнинг эндиғина қайтганлигини хабар қилишди. Аммо мушаклар отилганию, унга пешвоз чиққан бирорта кишини топмадим. Унинг бирор жойга кетганлиги ҳақидаги хабарни ўйлаб тошишганини аста-секин фаҳмлай бошладим. Мендан агар уни кўришни истаётган бўлсам, бунга жавобан бекка чин дилдан эҳтиромимни изҳор қилишим, шунга қарамасдан унга алоҳида бир нималар демаслигимни уқтиришди. Девонбеги унинг ҳузурига ушбу хабар билан кетиб, қайтганида учрашувим соат бирда эканлигини айтди. Тайинланган вактда девонбегига одам жўнатиб, ташриф буюришга тайёрлигимни билдиридим. Девонбеги бекка мени қабул қилишга тайёрлигини билиш учун борганида, унинг томонидан билдирилган кўплаб узрлар билан тезда қайтди. Сабаби мен унинг отаси – амирнинг меҳмони сифатида ҳали унинг қабулида бўлмаганим, бола бўлганидан, отасидан қўрқиб, мени қабул қилишга журъат қилолмаганлигини,

аммо мен астайдил туриб олсам, эҳтимол шунчаки учрашишга қабул қилишини, аммо бундан хафа бўлмаслигимга умид қилишини айтиби.

Менинг у билан учрашишим шунчаки эҳтиром юзасидан ва истагим Бухоро анъанааларига мувофиқлигини, тахт валиахди билан танишиш каминани мамнун этишини, кўришишга мажбур қилишини мутлақ истамаслигимни баён қилдим. Хабарчи яна қайтиб, бек менинг хафа эмаслигимдан мамнунлигини, яна узокроқ қолсам жуда хурсанд бўлишини айтганлигини маълум қилди. Бек ҳадя сифатида менга бешта чиройли тўн ҳамда юған, аслаҳаларига ярим қимматбаҳо тошлар ва феруза ўрнатилган ок от жўнатди. От чинакамига ажойиб бўлиб, бу мамлакатда бўлган давримда олган совғаларимният энг яхшиси эди. Аммо уни биринчи минганимда қарийб бўйнимни синдирай деди. Қайтишимда бекка бир неча ҳадялар жўнатиб, шошилинич жўнаб кетаётганлигимдан узр сўрадим. Аввал оқшом жўнашимгача ҳеч нима қилмадим, бироқ мен билан танишишга келган бекнинг хазинабони, котиби ва бошқа турли расмийларни қабул қилдим. Генерал Абрамовдан таништирув хати келтирмаганлигим аниқ бўлса-да, Самарқандга қайтишда бу рад жавоби менинг шаънимга ҳақоратдек кўринганлигини, бошқа бекларга эса шундай хат келтирганимни фаҳмлай бошладим. Бу мен томонимдан камчилик бўлиб, менга бек билан учрашиши рад этишлари мактуб билан боғлиқлигини ўйлаб, Қаршига бормасдан, Шахрисабздан Бухорога тўғридан-тўғри йўл топишни мўлжаллашим керак эди.

Саҳар чоғи отга миниб, каттагина тарқоқ шаҳарни айланиб чиқдим. Бозор куни бўлмаганидан у деярли бўм-бўш эди. Учта мадраса – Али 130 нафар талабалар туарар-жойига, 80 та ҳужралик Абдуллахон ва 100 та талабага мўлжалланган Бек арқдан узок бўлмаган ерда жойлашган. Майдондан қайрилгач, сардоба – усти кубба билан ёпилган иншоот – йирик, ғалати ҳовузга дуч келдим. Унинг яқинидаги ёпиқ гумбазли ҳаммом, агар бу ердаги яккаю ягона бўлмаса, энг яхшиси саналади. Тош ётқизилган кўчалари билан бозор ҳам усти ёпиқ эди. Аммо у ерда камгина маҳсулотларни кўриш мумкин. Хар ҳолда бозор бўладиган кунлари бу ерда савдо гавжум бўлади.

... Қарши ғалла савдосининг йирик маркази бўлиб, Кашқадарёning унумдор водийси, ҳатто Ҳисор атрофида-

ги узок ҳудудлардан келтирилиб, Бухорога жўнатилади. Қарши яқинида туз конлари ҳам бўлиб, қизил тош тузлари Ўрта Осиёдан ташқарида ҳам кўп микдорда сотилади. Улар Қарши жанубидан ўн мил узокликдаги тоғлардан олинади. Қарши, шунингдек, Хиндистон, Афғонистон ва Бухоро ўртасидаги савдо йўлида жойлашган бўлишига қарамай, ундан ҳеч қандай фойда кўрмайди. Махсулотлар тўғридан-тўғри Бухорога олиб борилиб, сўнгра Қаршига жўнатилади. Шу сабабли чой ва хинд молларининг нархи Бухородагига қараганда киммат. Яна Қарши туркман моллари, айниқса сифатли гиламларининг асосий бозори. Уларнинг кўпи Бухорога жўнатилиб сотилар ҳамда катта фойда олинарди. Йилнинг бу мавсумида мен бу ерда ҳеч бирини кўрмадим.

Бу ерда яна йирик қул бозорлари ҳам бор. Менга қул бозорини кўрсатишларини сўраганимда саройни кўрсатишиди. У ерда қуллар йўқ эди. Кейинги кун (пайшанба) бозор куни бўлиб, кимдир эҳтимол сотиш учун қул келтиришларини айтишиди. Бозор яқинида бошқа бир – Сарой мадрасаси жойлашган. Шаҳарнинг ғарбий дарвозаси орқали ўтиб, шарқий қисмидаги боғлардан катта масжидгача оралаб, айланиб чиқдим. Рамазон ойи ва Курбон байрамида масжид кўпинча йирик боғлари билан бирга одамларни тўлдириб, ибодат қилганларни ўйин-кулги, бошқа кўнгилочдилари билан бирлаштиради. Ичкари қисми теп-текис бўлиб, тўққизта тошли қуббалардан иборат. Масжиднинг олд қисми жуда чиройли ҳамда яхши, мутаносиб, ёпилган гумбази ва Куръондан олинган матнларининг шаклигача мовий ва оқ кошиндан ишланган.

... Тепадан шаҳар ва бутун атрофларининг гўзал манзарасини томоша қилдим. Мазкур масжид уч юз йил муқаддам Бек исмли оддий ўзбек томонидан бунёд этилган. Абдуллахон уни бий ва Қарши ҳокими этиб тайинлаган. Чунки хукмдор ов маҳали йўлдан адашиб қолганда, ўша Бек уни учратиб тўғри йўлни кўрсатган, унинг мақомини билмаса-да, юксак илтифот кўрсатган. Бу ўша Бек бўлиб, шу мадрасани курдирган ва унинг номи билан юритилади.

Шаҳарни тарқ этиб, ҳаялламай Бухорога йўл олгач, биз Абдуллахон томонидан қуриган дарё устига ғиштдан бунёд этилган тўққиз аркали кўприкдан ўтдик. Аркаларнинг бар-

часи қулаган, аммо кўприкнинг ғиштли устунлари қолган ҳамда ёғоч кўприк уларнинг уст қисмига барпо қилинган эди. Айтишларича, баҳорда сув сатҳи баланд кўтарилиб, кўприкни йўл бўйлаб қалқитиб, сув пасайгач, ўз жойига қайтган эмиш. Яхши экин-тикинли мамлакат бўйлаб отда тахминан ўн саккиз милча йўлни тўрт соатда ортда қолдириб, жуда катта қишлоқ – Косон (Карсан)га етиб келдик.

... Косондан сўнг бутун сафар давомида тамомила ҳеч нарса йўқ, кум ва айтишларича, Абдуллахон давридан қолган, ёмон харобаси чиқкан яккам-дуккам бекатлардаги сувли қудуқларни қўриш мумкин. Жазирама иссиқ кучайиб, кучли шамол доимий равишда қумни кўзларимиз ва бурунларимизнинг тешикларигача ҳайдаган маҳали отда юриш мушкул. Аксар йўл шамол билан қумни шу қадар суриб келар эдики, мутлак адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Шунингдек, бу ерларда одатда маълум масофадан кўриниб турувчи, йўлни мўлжал қилиш учун сув сақланадиган бир неча сардобаларнинг гумбазлари ёки табиий жойларни учратиш мумкин. Бахтимга кўплаб бекатларда чодирлар ўрнатилган бўлиб, мени қабул қилишлари учун етарлича тоза сув, мева-чева ва егуликлардан бошқа хозирликлар кўрилган эди. Бусиз сафаримиз жуда қийин кечган бўлар эди. Эрта тонгда отда мумкин қадар кўпроқ юриб, кун қизигач, бирор бекатда дам олиб, кечда яна сафарни давом эттириш зарур эди. Юқларим учун алоҳида аравам бўлиб, чарчагач, чўзилиб, қуёш ва шамолдан саклаш учун кигизни ёзиб, бироз мизгиб олардим. Бекатлар ҳалиям Хаников рўйхатида<sup>1</sup> берилган ўша номлари билан аталади.

Эртаси куни тонгда мен йирик Коровул бекатига етиб келдим. Бу ерда карвонсарой ҳам бўлиб, яхши таъмирланган экан. У пастроқ гумбазлар қўндирилган, бир неча аркали хоналар ва атрофи тўртбурчак ҳовлидан иборат.

... Бу ерда Қарши ва Шахрисабзга кетаётган амирни кутишга тайёргарлик кўрилаётган экан.

... Йўлга чиқмоқчи бўлиб турганимда амир қўшинининг ҳировули<sup>2</sup> кўринди. Ўйлашимча, уларнинг бариси тахминан

<sup>1</sup> Бу ерда Н.В.Ханиковнинг Бухоро амирлигининг аҳоли масканлари қайд этилган «Описание Бухарского ханства» (Санкт-Петербург, 1843) асарига ишора қилинган.

<sup>2</sup> Ҳировул – ҳарбий ҳаракат вақтида асосий кучларнинг энг олдида борувчи ҳарбий қисм.

8000 та одам эди. Тўп ва замбараклар ёнидан ўтгач, лагердан унча узоқ бўлмаган жойда кичикроқ яшил чодирга бошлишиб, тезгина чой, мева-чева ва палов келтиришди. Амир мирзабоиси ва қушбегининг ўғли Муҳаммад Шариф *тўқсабо*<sup>1</sup> мени қўришга келдилар. Тўқсабо полковник мансабига тент бўлиб, Муҳаммад Шариф амирнинг хорижий меҳмонларни қабул қилиш маросимида қатнашишдан ташқари божларни тўпловчи бош закотчи ҳам экан. Тўқсабонинг кўп сўровларида кейин амирга генерал Абрамовдан хат борлигини айтдим. Аммо хат аравада бўлиб, у ҳали етиб келмаган эди. Келиши билан унга юборишмни айтдим. У: «Йўқ», деб жавоб қилди. Мен эса яхиси уни амирга ўзим топширганим маъкул ва шу важдан у мени қабул қилиши мумкинлигини айтдим. Жуда чарчаганимдан тезда ухлашга кетдим. Аскарларнинг шовқини ва қўшиқлари вақти-вақти билан уйқумни бузиб турди.

Соат тўртда мирзабоши уйғотиб, амир Қаршига кетаётгани, жўнаш олдидан мени қўрмоқчи эканлигини, кийиниб, тезда у билан боришмни айтди.

... Расмий амалдорлар ташқарида қолиб, ёлғиз мен ва таржимоним ичкарига кирдик.

... Киришим билан у кулимсираб, қўлини менга узатиб қўришди-да, «Генерал омонми?» – деб сўради. Мен: «Ха, у жуда яхши», – дедим. Сўнгра у таржимоним билан қўл бе-риб қўришгач, бизларни чодирдан кираверишдан ўнгта, унга юзма-юз ўтиришга ишора қилди. Коидага кўра у биринчи бўлиб гапириши керак, шунинг учун сукут сақлаб, уни кузата бошладим. У узун бўйли, бақувват, юзи бўзарган, кичкина, қора ва ташвишли кўзлари ҳар томонга пирилларди. Қовоқлари ғисилган ва носоғлом, қўллари бутун сухбат давомида қалтиради. Соқоли қоп-қора, қуюқ. У кулранг ипак тўн кийиб, оқ салла ўраган эди. Унинг сўзлашини бехуда кутиб, нокулай сукунат авжига чиқа бошлагач, гап бошладим:

- Мен генерал Абрамовнинг мактуби билан келдим.
- Ха, уни қабул қилдим, – жавоб қилди у.
- Мен Китоб, Шахар ва Қаршида бўлдим. У ерда мени жуда яхши қабул қилишди ва вақтни яхши ўтказдим.

<sup>1</sup> *Тўқсабо* – Ўрта Осиё хонликларида олий ҳарбий мансаблардан бири. XVI – XVIII асрларда хон байробини қўриқлаган маҳсус ҳарбий қисм бошлиғи. XIX асрда эса бир полкдан иборат бўлган ҳарбий қисм бошлиғи.

— Сизга ёққанидан хурсандман. Келганингиздан мамнунман.

— Энди Бухоро, Коракўл ва Чоржўйга бориш, сўнг Самарқандга қайтишни истардим.

— Ўзингизни мамлакатингиздагидек ҳис қилинг, қаерни хоҳласангиз ўша ерга сафар қилинг. Бухоро, Коракўл, Чоржўйга боринг. Мехмонимиз бўлинг ва вактни чоғ ўтказинг. Тўқабо барча юмушларингизни ўз зиммасига олади.

Мен бу илтифот учун унга миннатдорчилик билдиридим ва бироз кутиб турдим. У эшик томонга ташвишли қаради ва шу онда тўқабо кўринди. «Энди боринг», — деди амир.

Уйга қайтишда тўқсабога амир менга Чоржўйга боришим учун ижозат берганлигини айтганимда у буни ўзи ҳам эшитганлигини сўзлади. Чунончи буни унга айтишимнинг боиси, ҳеч бир русга у ерга боришга руҳсат берилмаганини билардим. Шунчалик осонлик билан ижозат олганимга ўзим ҳайрон эдим.

Бу сұхбатга алоқадор яна шуни айтишим мумкинки, ундан сўнг мен Самарқандга қайтдим. Бухородан келган хабарга кўра, амир мендан кўп ҳам қониқмаганлигининг сабабини унга таниширилганимда қўлини қаттиқ сикқанлигим билан изоҳлабди.

(Музаффар)иддин отаси Насрулладек қаттиққўл, кучли феъл-атвордан холи, қахри ва инжиқлиги ундан ўтган эди.

... Хар йилги Қарши ва Шахрисабзга бўладиган сафарларида бирор хавф-хатардан ўзини у қадар ҳимоя қилолмаганлиги, унинг содиклигига ишонч ҳосил қилиши, йўқлигига бунга мойил домангир ўғли ва исёнчи бекларнинг муваффақиятлари ва уни пойтахтдан ташқарида қолдиришларининг олдини олиш учун уни доимо ҳарбий қўшини кузатиб борарди.

... Амирдан ҳадя сифатида тўртта тўн ва безатилган от келган пайтда мен нарсаларимни йифиб, кетишга тайёрланадётгандим.

... Биз йўлга тушдик. Шаҳарга яқинлашганимиз сайин кўплаб одамларга дуч кела бошладик: деҳқонлар, савдогарлар, муллалар яёв, от ва эшакларда келишарди. Бозор куни бўлганидан ҳар ким анча харидлари билан қайтарди. Бир неча кишлоқдан ўтиб, бутун йўл кичик савдо чодирлари ва дўконларининг кўплигидан узун бозорга ўхшарди,



Бухоро амири Музаффар.

гўё. Нихоят сўл тарафимизда яшил боғнинг ташқарисида жойлашган Намозгоҳ масжидининг ҳаворанг гумбази ва ўнгимиизда шаҳарниң баланд пахсали деворлари қад кўтариб турарди.

... Бухорода ўтказган бир ҳафтам давомида кунларнинг бариси бир зайлда ўтди. Эрта тонгда мени кўришга келгандарни қабул қиласар, сўнгра отда шаҳар оралаб айланар, масжидлар, мадрасаларга ташриф буюар ёхуд бозор атрофида дам олардим. Кечқурунлари турли меҳмондорчиликда одатда мен учун мўжжаллаиган ўйин-кулги бўлар, деярли барча танишганларим иштирок этарди.

... Эртаги қовууларнинг ҳаммаси тугаб кетган, аммо ёзниң ўртасида келтирилганлари одатда йирик ва ҳақиқатан қайсиdir даражада яхши. Шафтолининг икки, узумнинг барча турлари гарчанд Крим ва Фарбий Европадагиларига тенг келмаса-да, хосилдор. Ҳусайнни ва Сохиби узумлари, айниқса мазали; Бухоронинг мавсумида келтирилган машхур олхўрилари қаттиқ ва нордоилиги билан мени лол қолдирди. Илк бор тотиб кўрганим қип-қизил анжирлар жудаям мазали. Гуллар хам сероб кўринар, кун давомида менга икки-

уң маҳал уринмаган гулдастадан келтиришар, маҳаллий ахоли гулларни жудаям хуш кўриб, ялпизнинг ёки бошқа ўсимликларнинг кичикроқ новдачаларини кулоклари оша дўшилари остига қадаб олишарди.

... Бир оқшом менга қўчкор жангини кўрсатишни ният қилишиб, амирнинг Ўғлон дарвозасидан ташқарида жойлашган боғига олиб боришиди. Боғ бошдан-охиригача жуда катта бўлиб, амир томонидан ёзги мавсумда фойдаланилар, аммо сув танқислигидан у гуллаб-яшнаган ҳолда эмас, мавжуд дараҳтларнинг бариси пастак, узум новдаларининг кўриниши касалманд эди. Кўчкор жангига ўзбеклар орасида севимли томоша бўлиб, бироқ кейинги йилларда бироз расмдан қолди. Мусулмончилик қонуни-қоидалари қаттиқ тақиқлашига қарамай, томоша учун пул тикиш ва олиш амалда давом этмоқда. Шу сабабдан бу жанг унча оммалашмаган. Тўртта йирик ва яхши қўчкор жангга кириб, бир-бирлари билан роса сел бўлиб калла уришиди. Бир-икки зарбадан сўнг уларнинг учтаси чиқиб кетди. Бу уларга баҳо келтирмайди. Улар бир-бирлари билан жанг бошлаган маҳали, томоша ғолиби саналган йирик қўчкор пайдо бўлгач, қолганлари думларини буриб, тум-тарақай қочворишиди.

Мен осиёликларнинг Бухорони юксак тасаввурлар билан ҳар ҳолда диний сабабларга кўра расман *ал шариф*, яъни муazzзам деб аташларидан ажабланмадим. Шаҳарнинг мавжуд иокулайликларига қарамай, у менда жуда кучли ва жуда ёқимли таассурот қолдирди. Кўчада яёв кезар экансиз, унинг ростдан ҳам пойтахт эканлигини кўрмасдан иложингиз йўқ. Одамлар ишдан холи, ажойиб кийинган, қарови яхши ва эгар-жабдуғи бой безатилган отлар, бозор жойни ўраб олган ялиқовлар тўдаси, ҳатто жуда энсизгина камбар кўчалар ва уйларнинг баландлиги, кўплаб бозорлар ҳамда ундаги гўё ҳар куни бозор кунидек гавжум, улкан миқёсдаги доимий тижорат сизга пойтахт (метрополис) эканлигини намойиш этиб туради. Ўрта осиёлик, айниқса, даштдан келганлар учун Бухородаги ҳатто енгилгина сайд-томуша имконининг берилгани ҳам катта иш. Шаҳарда ибодат учун масжидларнинг кўплигидан намоз адо этиш гўё ҳар нарсадан муҳимроқдек туюларди.

... Умуман олганда Ўрта Осиёнинг барча шаҳарлари бир-бирига ўхшаш: ўша эгри-буғри кўчалар, ранги охир-оқибат

кўзингизга нохуш кўринувчи ўша баланд пахса деворлар, ҳар тарафдаги ясси томли, деразасиз бир хил уйлар. Аммо Бухоро бошқаларига қараганда кўпроқ ўз хусусиятига эгадек қўринар: қўпинча уйлар одатта кўра икки қаватли ва панжарали ёхуд кесиб тўсилган тўсикли болохоналари бор. Бу ерда боғлар камроққа ўхшаб, масжидларнинг ховузлари атрофидаги, бир-иккита канал бўйидагиларини ҳисобга олмаса, дарахтлар ҳатто ноёб саналади. Бу эса шаҳарга Тошкент ва Кўконга қараганда 'фарқли қиёфа беради. Эрталаблари отда юриб шаҳарнинг қарийб ҳамма қисмини айланиб чиқиб, барча тарихий ёки меъморий обидаларини кўздан кечириш имконига эга бўлдим. Менга ҳамроҳ бўлган мирзалар йўлларни топа олганидан ёки мўлжалдаги дарвоза ва масжидга қайси йўналиш элтишини уларга айтганимда бироз лол қолишар, бир-икки гал қушбеги манзилни қандай қилиб аник топишимни билиш мақсадида одам ҳам жўнатди. Улар менда Хаников томонидан шаҳарнинг жуда яхши ишланган плани<sup>1</sup> борлигини билишмас, ҳатто унинг мавжудлигини тушунишмас ҳам эди.

Мен жойлашган уйдан унча узок бўлмаган, шаҳарнинг шимоли-фарбий томонида Регистон – жамоат жойи бўлиб, бевосита арк ёхуд қўрғон олдида жойлашган ҳамда ажойиб йирик масжидлар ва мадрасалар билан ўралган. Унинг фарбий тарафида одатда бекорчи юрадиганлар ўрнашиб олган. Бу ерда дарахтлар билан ўралган ховуз атрофига сартошоналар, чойхоналар, хордик олиш учун турли хилдаги чодирлар мавжуд. Чарчоқни чиқариш учун мўлжалланган майдон новвойлар ва қассоблар, чарм-тери ва турли-туман майда-чуйда сотувчиларнинг марказий бозорига ўхшайди. Бу жой ҳакиқатан шаҳарнинг маркази ва аzonдан шом намозигача одамларнинг кўплигидан тўла бўлади.

<sup>1</sup> Аслида кўз билан чамалаб ишланган шаҳарнинг мазкур плани 1841–1842 йилларда полковник К.Ф. Бутенев бошчилигида Бухорода бўлган рус элчилиги аъзоларидан бири томонидан тузилган. План босма шаклида Самарқанд шаҳрининг плани билан бирга элчилик аъзоларидан бири, шарқшунос Н.В. Ханиковнинг китобига илова қилинган (каранг: *Хаников Н.В. Описание Бухарского ханства. – Санкт-Петербург: Типография Императорской Академии Наук, 1843*). Китобдаги шаҳарларнинг босма планларида уларни ишлаган муаллифнинг номи кўрсатилмаган. Бироқ планларнинг асл нусхалари бўлиб, унда муаллиф номи берилган. У топограф Яковлев бўлиб, нафакат Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг планларини тузган, балки элчиликнинг барча йўналишларини суратга олган. Бу ҳакда батафсил қаранг: *Некрасова Е.Г. О нескольких старых планах Бухары // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 2003. № 6. – С. 63.*

Аркдаи ўнгда, унинг баланд деворлари яқинидан настрокда бир-иккиси дурустгина кўринган замбаракларниң бўлаклари ётибди. Уларнинг кўпи яроқсиз, ишдан чиқсан, баъзилари Кўконда кўлга киритилган. Аждаҳолар ва бошқа шунга ўхшаш тимсоллар туширилганлари, ҳар ҳолда аввалроқ Кошғарда хитойликлардан олинган. Ўз навбатида арк йирик тепалик майдон бўлиб, сунъий кўтарилилган, тугаш жойи ондасонда лойли деворлар орасидан кўриниб турувчи, чоркирра шаклдаги ёғоч билан мустаҳкамланган. Арк данданали баланд девор билан ўралган. Киришида иккита улкан доира вий миноралари кўрикланиб, тепа қисмидаги арабий ракамли соат бир неча йил бурун Бухорода озодликдан маҳрум этилган итальян Жованни Орланди томонидан ясалган<sup>1</sup>.

Модесто Гаваззи, граф Литта, яна бошқа бир итальян<sup>2</sup> 1863–1864 йилларда ипак қуртининг уруғини сотиб олиш мақсадида Бухорога ташриф буюрган. Амир томонидан 13 ойга қамоқ жазоси берилган. Гаваззи 1865 йилда Миланда чоп этилган «Бухоро сафари бўйича тўпланган баъзи маълумотлар» («Alcune Notizie raccolte in un viaggio Bucara») номли кичикроқ китобида Орландининг қизиқарли ҳисоботини берган. Ушбу ҳисботдаги далиллар, айниқса рус савдогари ҳақидагисини менга воқеадан тўла хабардор руслар ҳикоя қилиб беришган.

Арк киришидан бошлаб юқоригача тик кўтарилилган бўлиб, амир саройи, унинг хазинаси, қушбеги уйи, масжид, обхона ёхуд сув ҳавзаси, шунингдек, давлатта қарши жиноятчилар учун қамоқ вазифасини ўтаб, жазо жойи сифатида канахона маълум бўлиб, ичкарисига ташланган одамлар аста-секин кана ва бошқа зааркундаларга тириклиайн ем бўлишади. Эшитишмча, бу зиндан йўқ қилинган, аммо Бухоро халқи мени унинг мавжудлигига ишонтиришиб, бир қанча жиноятчилар бу ерда якин-якинларда ҳам сақлаб турилганлигини сўзлаб беришди. Ҳибс жазоланувчилардан холи маҳали каналарнинг овқатланиш тартибини сақлаш учун хом гўшт бериб бокилиши ҳақидаги ҳикоялари ҳар ҳолда ёлғон, шекилли.

<sup>1</sup> Итальян соатсози Жованни Орланди 1851 йилда туркман қулфурушлари томонидан Оренбургда ўғирланиб, Бухорога келтирилган. Бу ерда унга арк учун соат, яна қўшишмча равишда амир Насрулла учун телескоп ясаш ҳам юклатилган. Афсуски, амир телескопи минорадан тушиб кетгач, Ж. Орланди ўлимга маҳкум этилган.

<sup>2</sup> Бу ерда Модесто Гаваззи (1828–1868) ва граф П. Литта билан бирга Бухорога келган Ф. Меацда назарда тутилган.

Киришдан ўнг томонда, қуббали йўлакдан пастда узун майдон бўлиб, маълум соатларда қалъага кирувчи барчанинг ишидан хабардор бўлиб туриши учун қушбеги ўтиришига мўлжалланган эди. Амир йўқлигиде қушбеги унинг ўрнида бўлар, бошқа бир зобит эса унинг мажбуриятларини бажариш учун ажратилар эди. Бу йўлакда кўплаб қизиқарли нарсалар деворларга осилган бўлиб, жумладан узунлиги етти фут келадиган улкан қамчи, айтишларича қаҳрамон Рустамга<sup>1</sup> тегишли эмиш. Бир неча авлиёларнинг илонсимон асолари, турли-туман жанговар болта ва ойболталари, болғалар, Макка зиёратчиси келтирган ажабтовур илдиз, бир сўз билан айтганда бу – амир музейи.

Аркдан ўнгга айланиб, баланд деворли, тор кўча бўйлаб тушиб, Масжиди Баландга келдик. Бу жума масжиди бўлиб, жамоат намозини адо этишга мўлжалланган. Аслини олганда бу каби масжид йирик бўлиб, шаҳарнинг бутун ахлини сифдириши керак. Бу ерда эса атиги ўн минг одамнинг ибодат товушини эшитасиз. Масжид Бухоронинг энг йирик ва мустаҳкам инишотларидан бири саналади. Ичкариси катта очик саҳндан иборат бўлиб, кенглиги бўйлаб икки, баъзан учта гиштдан қуббасимон қанотли равоқлар билан ўралган. Айниқса, ён ва орт деворлари барчаси гиштдан қурилган ва ҳайбатли устунлар билан мустаҳкамланган. Олд қисми унча яхши таъмирланмаган бўлиб, улкан аркали кириш қисми кошинланган, арабескалар билан қопланган ва томига тож каби қўндирилган кошинли гумбазлар ўрнатилган.

Бу масжидга қарама-карши, жуда баланд, *Минораи Калон* ёхуд *Катта минора*<sup>2</sup> деб аталган доиравий минора жойлашган. Уст қисми ғоят гўзал ва лол қолдирувчи нақшинкор гиштлар билан қопланган ҳамда тепасида улкан лайлак уяси бор. Минора баъзан жазони кўллаш жойи сифатида ҳам фойдаланилиб, бузунчи жиноятчилар унинг юқорисидан ташлаб юборилиб, ерпарчин қилинган. Ана шундай жазо берилган сўнгти одам Самарқандда бошпана топган Бобон

<sup>1</sup> Рустам – Ўрта Шарқ ҳалқлари оғзаки ва ёзма адабиётидаги афсонавий қаррамон. Мардлик ва паҳлавонлик ҳакидағи афсонавий тушунча ва эпик образини рамзий ифодаси.

<sup>2</sup> Минораи Калон, Катта минора – Бухородаги меъморий ёдгорлик. Мухандис ва меъмор Бақо лойиҳаси асосида Арслонхон қурдирган (1127). Миноран Калон ўрнида аввал ҳам минора бўлган, у кулаб тушгач, ҳозиргиси мустаҳкам қилиб қайта қурилган.

қароқчи бўлиб, 1871 йилда генерал Абрамов томонидан ортга (Бухорога – З. С.) кайтарилиган. Унча катта бўлмаган майдоннинг иккинчи томонида маҳобатли ва ажойиб бино – Мир Араб<sup>1</sup> мадрасаси жойлашган. Бир юз ўн талабага мўлжалланган ҳужралар йўлаклари бўйлаб очилиб, айвонлари ҳовлини қоплаган. Йўлакларнинг қуббалари жуда яхши қилинган ҳамда нақшинкор ва рангли фиштлар билан безалган. Хилма-хил токчалар ганчдан ишланган бўлиб, бу каби дизайнни Альгамброда кўриш мумкин.

Бозор оралаб ўтгач, кўпгина йирик масжид ва мадрасаларга дуч келдик. Улардан энг катта иккитаси Кўкалдош ва Девонбеги мадрасалари бўлиб, иккинчисининг қархисида тош ётқизилган, ҳар томонида масжидларига эга жой. Тўртбурчак шаклда ўралган ҳовуз *Лабиҳовуз* Девонбеги номи билан машхур. Ҳовуз бўйига қатор тут дараҳтлари соя бериб, Бухоронинг ялқов ва бекорчиларининг ҳордик жойи ҳамда атроф бозорлари уйлар, тамадди қилиш учун чодирлар ва сартарошхонлар билан ўралган. Ҳовуз шунчалик каттаки, Ислом дини анъаналарига кўра суви доимий тоза, ундан одамлар ичиши ёки чўмилиши ёхуд куннинг исталган маҳалида таҳорат олишларини кўриш мумкин.

Унинг яқинидаги мадраса Эрназар элчи<sup>2</sup> деб номланиб, унчалик таассурот қолдирмайди. Россия императори Екатерина II<sup>3</sup> томонидан Бухородаги татар ва Россиянинг бошқа мусулмонлари учун маҳсус ўқув даргоҳига асос солиш учун берилган 40000 рубль эвазига қурилган. Эрназар элчи

<sup>1</sup> *Mir Arab* – Бухородаги меъморий ёдгорлик. Бухоро хони Убайдуллахон томонидан инъом этилган маблағ ҳисобига Шайх Абдулла томонидан қурилган (1530–1536).

<sup>2</sup> Эрназар элчи, *Мулла Муҳаммад Эрназар бий Мақсудов* – бухоролик савдогар ва элчи. Манбаларда таъкидланишича, ўз даврининг акли ва зиёли кишиларидан бири ҳамда Бухоро – Россия алоқаларининг ривожланиш тарафдори бўлган. 1745 йилдан бошлаб Россияга савдо, кейинчалик дипломатик ишлар юзасидан бориб турган. 1754 йили шахсан император Елизавета Петровна қабулида бўлган. 35 йиллик танаффусдан сўнг 1774 йили Дониёл оталиқ томонидан Россияга юборилган Бухоронинг элчилик миссиясига бошлиқ қилиб тайинланган. Шахсан император Екатерина II ва кўплаб сарой амалдорлари билан учрашган. Бухоро ва Россия ўртасидаги савдо ва дипломатик масалаларни хал қилишга эришган. 1779 йили иккинчи маротаба Россияга элчи қилиб жўнатилган. Каранг: Гуломов Х.Г. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX века. – Ташкент: «Фан», 2005. – С. 165-179.

<sup>3</sup> Екатерина II (1729–1796) – Россия давлатининг 1762–1796 йиллардаги императори.

Бухоронинг император ҳузурига юборилган элчиси бўлиб, маҳаллий кишиларнинг ҳикоясига кўра, Екатерина томонидан унга яқин муносабати туфайли берилган эмиш. Шаҳарнинг фарбий қисми, Талипч дарвозаси яқинида Абдуллахон Кўш мадрасаси<sup>1</sup> деб аталган йирик мадраса бўлиб, ушбу хукмдор томонидан асос солингани тахмин қилинади. У кўчанинг қарама-қарши томонида, оддий услубда қурилган икки қаватли ва ҳовлиниң марказигача йўлаклари мавжуд иккита улкан бинодан иборат.

Шу кўчадан давом этиб, Шоҳжалол дарвозаси яқинида Жўйбор ва Хожа Жалол мадрасалари, Ҳовузван деб номланган ҳовуз ва Жўйбор қабристони бор. Бу каби қабристонлар шаҳар деворларидан ичкарида кам эмас. Бухородаги бирорта масjid ёки мадраса Самарқанддаги улкан ва маҳобатли харобалари каби қадимиёроқ эмас, инчунун, Баланд масжидини ҳисобга олмаганда (айтишларича, у Темур томонидан эски вайроналари ўрнида бунёд этилган ва Абдуллахон томонидан таъмир этилган). Шунга қарамай, меъморий услуби, олд қисмидаги кошинлари ва мовий гумбазлари айнан бир хил бўлса-да, иморатлари бироз паст, минораларининг тенги йўқ.

Шаҳарда кўплаб ҳаммомлар бўлиб, бухороликлар бажонидил иссиқ ҳаммом қабул қилишади. Улардан энг яххиси бозорда жойлашган. Тунги миршаблардан ташқари бозор аллақачон бўшаб қолгач, кўчалардаги арқон бўйлаб маълум масофада осилган чироқлар милтиллаган бир кеча тахминан соат тўққизларда мени ўша ҳаммомга элтишди. Ўз навбатида у деярли турк ҳаммомларига ўхшар, ривожланган мамлакатлардагига қараганда, унча яхши эмаслиги тайин эди. Саҳни бўйи тўшалган катта хонага киргач, кийимларингизни ечиб, сўнгра кенг кийимни устингизга ўраб, ювинувчилар учун четидан ўйиқли, бирин-кетин келадиган майдон ёки ўйиқ саккиз қиррали бўлмалардан ўтиб, ҳарорати аллақачон жуда исиб улгурган кейинги хонага кирасиз. Ҳароратга мослашиш учун у ерда бироз тургач, энг иссиқ хонага ўтиб, устингиздан сув қуйиб, терлаб оласиз-да, юзтубан чўзиласиз. Ҳаммомчи эса танангизни уқалаб, чигилингизни ёзади. Барча

<sup>1</sup> Абдуллахон мадрасаси – меъморий ёдгорлик. Бухородаги Кўш Мадраса ансамблиниң шимолий қисмидаги жойлашган.

бўғимларингизни қарсилатиб уриб, кучсиз ва ёрдамга муҳтож ҳолта солиб қўяди. Шундан сўнг яна аввалги хонага қайтиб, битта ёпиқ бўлмани эгаллаб, совун ва сув билан астойдил ювениб, кирингизни уқалайсиз. Кейин устингизга ёпинчики ташлаб, олд хонага ўтиб, ёстикка ёнбошлаб чой ва мевалардан тамадди қилиб, аста-секин кийинасиз. Бу ерда доимий тўлов бўлмаса-да, марҳаматингизга қараб бир нима берасиз. Бундайин уқалаб ювенини жараёнини бухороликлар шунчалик хуш кўришадики, ҳатто ҳаммомсиз, кўпинча кечалари уйқуга кетишдан буруи уқалаб чигилни ёзадиган хизматкорлари бор.

Бухоронинг кўпгина бозорлари ичида энг муҳимлари Регистондаги очиқ бозор ва шаҳар марказида жойлашган, аркдан Девонбеги мадрасасигача чўзилган Чорсу бозори ҳисобланади. Чорсу бозори қизиқарли ва ўзига хос: кўриниши Кўқон бозори каби дабдабали бўлмаса ҳам, аммо ҳар бир йўлаги унинг қадимијавадо ўчиғи бўлганлигидан далолат беради. Кўчаларнинг четлари нафакат дўконлар ва молларни саклаш учун карвонсаройлар билан тўла, балки кўплаб тимлар ҳам бор. Фиштли ва ёғоч тимларнинг ўртасида туйнуклари бўлиб, алоҳида моллар сотилади. Мисол учун, Абдуллахон тими<sup>1</sup> ипак, духоба, кийим-кечакка мўлжалланган бўлса, бошқалари эса пахтадан маҳсулотлар, оёқ ва бош кийимлар, салла ҳамда пичоклар билан лиқ тўла.

Шак-шубҳасиз, Бухоро бутун Осиёнинг ана шу минтақасидаги савдо маркази ҳисобланиб, бу ерда дунёнинг турли қисмларидан келтирилган маҳсулотларни кўриш мумкин. Инглиз моллари шаҳарга Афғонистон орқали келтирилгани учун *Кобули* номи билан машҳур бўлиб, фақатгина Россия маҳсулотларига қараганда бироз камроқ сотилади. Бу қанчалик тўғри, фаҳмлашимча, инглиз моллари, асосан Ралли ва Компанияси, Петрококино ва Компанияси, Шиллизи ва Компанияси каби юнон фирмалари, базилари эса Калькутта савдо ширкатлари томонидан ишлаб чиқарилган. Хилма-хил ашёлар орасида нархи Тошкентга қараганда бирмунча арzon ва аксар у ерга (Тошкентга – З. С.) Бухородан қайта импорт қилинаётган Америка тўппончаларини ҳам учратдим.

<sup>1</sup> Абдуллахон тими – Бухородаги энг катта усти берк савдо растаси. Абдуллахон II даврида курилган (1577).

Ажабланарлиси, Россиядан келтирилган шакар Тошкентдан кўра Бухорода арzon ва кўпинча у ерга Бухородан импорт қилинади. Айни паллада Бухорода ягона рус савдогари Ака-ука Биковлар фирмасининг вакили Шмелёв бўлиб, Ойимсаройдаги иккита кичикроқ хужрани эгаллаган ҳамда нафақат пахтадан қилинган моллар, балки кўпроқ майдачуда ва кенг тарқалиб расм бўлган нарсаларни сотарди. Айтишича, Россия тижоратининг кўп қисми татарларнинг қўлида бўлиб, уларни ёриб кириш беҳад мушкул. Яна бир россиялик хизматчи Фиждувонда яшаб, Россия ҳарбийлари учун пахтадан ишлаб чиқариладиган кийим-кечакларга бош-қош бўлмоқда. Ҳатто озрок маблағи бор одам ҳам, агар у Бухорода яшаб, Европа молларини сотишда иштирок этса, йирик савдогардан устун бўлиши мумкин. Ана шундай кичик савдогар ўзининг барча молларини тезгина сотиши, қарзларини дархол йиғишириб олиши ҳамда ўз жамғармасини бир йилда камида уч баравар айлантириб, ҳар галгисида эллик фоиз даромад қилиши мумкин.

Бухоронинг ўзида хорижий савдо аҳли учун қарзларни йиғишириб олишда қийинчиликлар кам бўлиб, бироқ Оренбург, Троицк ва Петропавловскда савдогарлар Бухородан келган тижоратчилар учун карзга улкан микдорда мол сотиб, умидсиз қарзни қоплаш учун кўп пул йўқотадилар. Ачинарлиси, Россия қонуни ташқи савдо учун бошлангич ширкатга бирлашган савдогардан бўлагига рухсат бермайди ва ширкатга тўланадиган солиқ шунчалик каттаки, у маблағи кам шахсларга оғирлик қиласи. Россиялик савдогарлар бу ердаги маҳаллий кийим-кечак савдосини ўзлаштирган бўлсалар-да, Кўқонда уларга маълум тақиқлар бор. Бошқа муносабатларда савдо шартномаси дуруст амалга оширилмай, савдогарлар ташқарига чиқарадиган молларига қўшимча 2,5 фоиз, унинг устига пахтани ноқонуний сотиш учун камида 3 фоиз бож тўлашга мажбурдирлар.

Яхши билган бир қатор катта дўконларга келиб, куроласлаҳа кабилар, яна қўшимча занжирили зирх, пилта милитиклар, Хурсон қиличлари орасида Самарқанддагига караганда арzon, яхшигина Америка тўппончаларини ҳам учратиб, заргарлик ва ипак маҳсулотлар билан савдо қилувчилар, китобфурушлар, туркман ва эроний жун рўмол ҳамда гиламларини сотувчиларни кўрдим. Ҳолдан тойдирувчи дўконлардан

сўнг расм бўлиб қолган қоидага кўра мирзалардан бирига мен турган уйга ҳар куни тушдан сўнг нарсалар келтиришини тайинлаганим сабабли ипак, китоб, танга ва қимматбаҳо тошлари билан сотувчилар ҳузуримга кела бошлиди. Тангаларни уларнинг асл қийматини бироз янглиш тушунишиб, юқори баҳода ушлаб туришарди. Улардан ўзимга олганларим орасида Деметрий, Евтидем ва Юнон-Бактрия сулоласи подшоларининг, қўшни мамлакатларда замонавийларига таклидан оддий зарб қилинган тангалар намуналари, шунингдек, Олтин Ўрда, Темур ва афғон, форс ҳукмдорларининг тангалари ҳам бор эди.

Битта ажойиб, ҳам нодир кумуш танга (ҳозирда Санкт-Петербургдаги Осиё музейида) асли Темурийлардан бири Бобур томонидан 903 йилда (милодий 1497 – З. С.) зарб қилингани қайд этилган. Бошқа бири эса 904 йилда (милодий 1498 – З. С.) шаҳарни етти ой ишғол қилган Бобурни қувиб чиқарган Султон Али мирзо<sup>1</sup> томонидан тамғаланган. Бундан ташқари паҳлавий<sup>2</sup> ва куфий ёзувли қимматли тошларни сотиб олиб, улар орасида юнон ҳунарманди ажойиб ўйиб ишлаган аёл бошининг тасвири ҳам бор эди.

Назаримда менга сотилган китоблар вайридин бўлганимдан жон деб сотилмас, кўплаб истаганларимни эса мендан яширишганига аминман. Шунга қарамасдан Европада у ёки бу кадар нодир саналган ҳамда Бухоро тарихига доир бальзиларини харид қилдим. Улардан бири – «Бухоро авлиёларининг ҳаёти» номаълумлиги турган гап. Таъкидлаганимдек, амир хазинасидаги кўплаб китобларга эътибор берилмай ётганинг сабаби – уларнинг Бухоро илм ахлига маълум бўлмаган тилларда ёзилганида. Айтишларича, ушбу китоблар жуда қадим замонлардан бери сакланиб қолган экан. Улар машхур кутубхонадан қолган бўлиши мумкин дейишгач, Темур томонидан Бурсадан келтирилганлиги дархол миямга урилди. Бухоро талон-тарож этилиб, узоқ вақт ўтгач ҳам, номаълум бебаҳо адабий асарлар хазиналари бу ерда мавжуд бўлиб, Темур кутубхонаси тарихи ҳар ҳолда у қадар буткул афсона – қандайдир армани роҳибнинг уйдирмаси эмас.

<sup>1</sup> Султон Али мирзо (1479–1500) – Султон Маҳмуд мирзонинг учинчи ўғли. 1498 йилда Бобурнинг заифлигидан фойдаланиб, Самарқанд таҳтини эгаллаган.

<sup>2</sup> Паҳлавий – оромий ёзуви асосида шаклланган. Чапдан ўнгга қараб ёзилади. Мил. авв. III – II асрларда тўлиқ шаклланиб, араблар истилосига қадар амалда фойдаланилган.

... Бухорода турли тоифадаги одамлар билан бемалол сұхбатлашиш имкониятинг борлиги менга хузур бағишлиди. Мен күпинча бозордаги дўконда йигирма-ўттиз дақиқа тўхтар, рус ўртоғимнинг саройида ҳамма мавзуда сұхбат қилишни истаган бухороликлар, эронийлар ва бошқа осиёликлар билан учрашар эдим. Инглизча сўзловчи бирорта кишини топиш истагида кўпинча Ҳиндлар саройига боришни ёқтирадим.

... Муносабат ўрнатган танишларим ичидаги қушбеги Мұхаммадбий бўлиб, шубҳасиз анча нуфузли киши эди. Келганимнинг эртаси куни унинг хузурига – аркка расмий ташриф буюрдим. У олтмиш беш ёшлар чамаси, кекса киши бўлиб, ҳалиям соғлом ва бардам, оппоқ соқолли, кўзи ва чехраси жуда самимий эди. Асли эроний бўлиб, ёшлиги кулликда ўтган, амирнинг ажрапган хотинларидан бирига уйланиб, кулликдан озод бўлган. У билан бир неча бор мунозарали вазиятлар юз берган бўлса-да, шубҳасиз у айёр, эски фирибгар, у билан дўстона жаҳллашиш мумкин эмас ва биз энг яқин қадрдонлар эдик. У фавқулодда сергап, фақатгина сўрайвермас, балки саволларга жавоб берувчи ҳам. Ҳар икки ташрифимда ҳам унинг олдида бир соатдан кўпроқ ушланиб қолдим.

Унинг ўғли тўқсабо Мұхаммад Шариф табиатан жуда бошқача эди. Кора соқоли, ажойиб юз тузилиши билан кўркам киши бўлишига қарамай, унинг қиёфаси менда ва кўриқчиларимда шубҳа уйғотар, ола-кула кўзлари ҳечам менга тўғри бокмас, сұхбатида доимо моҳиятдан четга оғишарди. Булардан ташқари, ҳамманинг, ҳатто расмий дўстларининг айтишича, ўта аҳмоқ, шу билан бирга ўн дақиқада алдаб, бирор-бир масалада етарли даражада узил-кесил бўлмасди. Рус савдогари дўстим Шмелёв, умуман бошқа хусусиятли бўлиб, одми ва кўнгли очиқ, узун оқарган сочли ҳамда оппоқ соқолли. Маҳаллий аҳолини хуш кўрмас, уларни мутлақ фирибгар деб ўйлар, узоқ вақтдан бери Бухорода. Айтишича, бу ерда маҳаллий аҳолидан ҳам кўпроқ яшаганигидан Россияга қайтса, эркинликда касал бўлиб қолармиш. Унинг ёрдамчиси, зиёли, чиройли татарнинг исми Мурук бўлиб, мен учратган мусулмон савдо аҳлининг энг яхши вакилларидан бири эди. Ўз динига қаттиқ ишонган, бошқаларга қараганда бағрикент, ҳатто шахсий эътиқодининг баъзи кул-

гили томонларини ҳажв ҳам қиласы. У дунёда у-бу нарсаларни күрган ва Бухоро ҳаётининг қуи тарафини намойиш қила оладиган жуда яхши инсон әди.

Бу ерда яна бошқа бир татар – Каратаев (Бухорода уни Уста Али деб аташар) бўлиб, Россияда хонавайрон бўлиб, йигирма йил муқаддам қочиб келган. Бу ерда у савдо-гар хизматига ёлланиб, Россияга қайтишни истаган маҳали амир томонидан мажбуран ушлаб қолинган. Сўнгра у яна қочиб, тутилгач, ортга қайтарилган. У савдода соатсоз, аммо ҳозирда унинг асосий иши – амирнинг маҳфий котиблиги. Россияни яхши билганидан амирга жуда мақбул маслаҳат бериш қўлидан келар ҳамда кўплаб зиддиятли вазиятларнинг олдини олган. У 1865 йилда генерал Черняев томонидан жўнатилган Россия элчиларининг ҳаётини сақлаб қолиб, асирикдан халос қилган. Шунга қарамасдан бу мамлакатдан чин юракдан зериккан, бу ердаги мавқеига қарамай, Тошкентдаги маъмурларга мурожаат қилиб, унинг жиноятни афв этилиб, Россияга қайтишига рухсат беришларини сўраган.

... Амир билан сұхбатимда ундан Чоржўйга сафар қилишим ҳақида Амударёни кўришни истаётганим учун изн сўрагандим. Алалхусус, у ерда нималар бўлаёттанини билгим келаётгани, Бухоро сиёсий жиноятчилари учун Чоржўй сургун жойи эканлиги ва айтишларича, зарур вақтда ишлатишга тайёр туриши учун амир хазинаси ўша ерда сақланар экан.

Күшбеги ҳузурига биринчи ташрифимда амирнинг сафарга ижозат берганини айтганимда у: «Ҳа, ҳаммасидан хабарим бор, ўғлим айтди», – деган әди. Бир неча вақтдан сўнг тўқсабо билан сұхбатимда ҳамонки Бухорода ташрифим адопига етаётган экан, ҳатто қайтишимда бир-икки кун қолишга сўз бериб, Чоржўйга жўнаётганимни айтдим. Таклифим ҳар гал розилик билан қабул қилинар ва ҳеч қандай эътиroz туғдирмас әди. Бухорони етарлича кўрганим ва кетишга ҳозирлик туйганимни, шу оқшом Коракўл ва Чоржўйга сафар бошлашни ният қилганимни тўқсабога эрталабки ташрифларидан бирида айтдим. У бирдан менга йўлларнинг жуда ёмонлиги, икки кунлаб сувсиз қолишум мумкинлигини ва шу важдай бунақа йўлда аравада юриб саёҳат қилиш амримахол эканлигини сўзлаб, мени йўлга чиқмасликка кўндира бошлади. Унга йўллар ҳақида ҳаммаси-

ни билишим ва барча қийинчиликларни сарҳисоб қилганимни айтиб, сафардан тўхтатишлирига умид қилишларига имкон бермадим. Сўнгра у йўлнинг хавфли эканлиги, уни туркманлар қуршаб олганлигидан бирор хатарга дуч келишим мумкинлигини айтиб қолди. Мен пойтахтга яқин йўлнинг хавфли бўлиши мумкинлиги хақидаги фикрдан кулиб қўйдим, аммо у мени ҳақиқатан шундай эканлигига ишонтириб, бор маслигимни ўтиниб сўради.

... Эртанги сахар қушбегини кўриш учун бориб, унга Чоржўйга бориш фикримни айтдим. У мен билан бу мавзуда бир яrim соат баҳслашиб, сўзлаганлари орасида масалани дастлаб унинг эътиборига ҳавола этмаганим, сафар учун амир рухсатини олишга вақти бўлганини чексиз таассуф билан сўйлади. У амирнинг оғзаки ижозати ҳақиқий эмаслиги ва шу билан бирга амирнинг давлатида идора юритаётганилиги, ёзма фармойиш бўлмаса, ҳеч нима қила олмаслигини билдириди.

Мен унга амир билан сухбатимга унинг ўғли гувоҳ эканлигини сўзлаганимда, бунга ажаблангандек бўлди. Ўғли бу ҳақда унга ҳечам эслатмаганлигини айтиб, унга нима дейишини эшитиши учун одам жўнатди. Сўзсиз, тўқсанбо кўриниш бермади. Кушбегига мен билан биринчи учрашувда бу ҳақда ўғлидан аллақачон эшитганлигини эслатишинга қарамай, далилни хотирасига келтиргандек туюлмади. У бу масалани қўққисдан эмас, шунча узоқ турган давримда келишиб олган тақдиримда бу холат бошқача ҳал бўлишини, балки Хивага ҳам бориб, у ёқдан Чоржўйга қайтишимни, шу тариқа ижозат этилган йўл бир нави эканлигини ҳамда ушбу йўлнинг учдан икки қисмини камгина ҳафтада эсон-омон ўтган рус зобити Милютин (Ҳарбий вазирнинг ўғли) далилига таянди. «Аммо ҳозир, – деди у, – сиз у ердан жуда узоқ Бухородасиз. Бу ердалигинизни ҳамма билади ва сиз ҳақингизда гапириб юришибди. Агар Чоржўйга кетгудек бўлсангиз, одамлар Бухоронинг бугуни яхши эмаслигини, ҳеч нимага арзимаслигини гапиришади. Чунки хорижликлар ҳар ерда юришибди, ҳолбуки сиз биринчи бўлиб борсангиз, уларни дастлаб осонгина алдаган бўласиз».

... Мен: «Сиз эртага Чоржўйга боришимга рухсат бермайсизми?» – дедим.

«Йўқ», – деди у.

«Жуда соз, – дедим мен, – унда дархол Самарқандга жўнайман».

... Қарорим аниқ бўлиб, Бухорони эртаси куни (13 август) тарк этдим. Тўқсабо ва Каратаев мен билан хайрлашиш учун келиб, бироз чой ва уч бўлак ипак мато келтиришди. Тўғриси, биз қаҳрли кайфиятда бўлиб, аммо сўнгида яхши муносабатлар билан хайрлашдик.

Бухорони Мозор дарвозаси орқали тарк этаркан, 6 мил узоқликдаги қадамжо саналган Баҳоуддин мақбараси томон отда чанг йўл бўйлаб, боғлар ва далалар оралаб кетдик. Манзилга етгач, улкан бозорга дуч келдик. Кўчалар турли табака ва тоифадаги одамларининг оломони билан гавжум эди. Айниқса, уларнинг кўнчилигини тиланчи ва зиёратга ташриф буюрганлар ташкил этарди.

... Урта Осиёning буюк авлиёси саналган Ҳазрат Баҳоуддин ёхуд Ҳазрат Нақшбанд<sup>1</sup>, айтишларича вафоти 1303 йил<sup>2</sup>, қадамжоси ёнида жойлашган кичик уйга кирдик. Ҳазратнинг қабри тахминан ўн икки қадам тўртбурчак саҳнли, ердан 6 фут кўтарилиган панжара билан ўралган, тепадан кичик қадамжо даҳмага ўхшар, эски ўсимлик поялари ва ўтлар, оддий қўчкор шоҳлари, мато парчалари билан қопланган. Ташландик йўллари кўринмаслиги учун барча муқаддас жойлар безатилган. Бир томонида ёзув ва девор яқинида қора тош бўлиб, *Санги Мурод* деб аталиб, художўй зиёратчилар унга қўлларини суртишар, юzlари ва соқолларини тегизишиб, бу ҳаракатлар ҳатто тошга, шубҳасиз, ўз изини қолдирган. Шифо ва бошдаги барча оғриқларни қолдириш истагида шундай қилишади. Бу ерда яна буюк Абдуллахон ва Дониёл оталиқнинг қабр-мозорлари ҳам бор. Қадамжодан жанубдаги масжидни, айтишларича Ҳаким күшбеги курдирган экан.

... Бу ердан тахминан соат уч яримларда чикиб, олтида ўн икки мил юқорида жойлашган Куюкмозор деб аталган қишлоққа етдик. Бу ерда тунни ўтказишни маслаҳат қилишса-да, овқатланиб, куч йигиб олгач, яна ўн икки мил

<sup>1</sup> Асли исми Баҳоуддин Муҳаммад иби Муҳаммад ал-Бухорий (1318–1389), нақшбандия тариқатининг илк шайхи бўлиб, Бухоро атрофидаги Қасри Орифон қишлоғида таваллуд топган. Нақшбанд лакаби унга тариқат – йўлнинг баязи асосларига таяниб, бошқалар тарафидан берилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Негаки, «нақшчи» маъносига тўғри келадиган сўз «нақш» ва «банд» (нақш борлаш) демакдир.

<sup>2</sup> Янглиш берилган. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд 1389 йилда вафот этган.

юриб, Вардонзега боришга қарор қилдик. Бу ерда эса карвонсаройда жойлашдик. Менинг фойдаланишимга катта айвон беришди. Бухородан Вардонзегача бутун бошли йўл, айниқса ўша жойнинг чор-атрофи яхши ишлов берилган боғу роғ ва далалар орасидан ўтиб, у хонликнинг (амирлик – З. С.) энг яхши жойларидан бири саналарди.

Эрталаб соат олти яримда Вардонзедан чиқиб, йўлда бир неча мозорлардан ўтиб, Бўстон деб номланувчи қишлоқда, торгина канал четидаги кичик дўкон соясида чой ичиб, ниҳоят йигирма тўрт милча узоқлиқдаги Маликка (Работи Малик – З. С.) чошгоҳда етиб келдик. Чўл орқали кечиб, шамол ва чанг-тўзон бўлгач, йўлни бошдан-оёқ аравамда босиб ўтдим. Миш-мишларга кўра, бу ерда туркманлар ва қароқчилар бўлиб, бизнинг доимо икки-учта отлик қўриқчиларимиз бор эди. Маликда эскидан шаҳар бўлганлигини қайд этишади.

Бу ерда аркали деразалари бор жуда йирик сарой (ёхуд карвонсарой) харобалари мавжуд бўлиб, бурчакларидаги миноралари билан бино мутлақ готик услубда қурилган. Иншоотнинг жуда ажойиб тасвирини Леман берган<sup>1</sup>. Бу ерда биз кичкина, иссиқ хонада бир неча соатгина дам олиб, чой ичаётган маҳалимиз Кармана девонбегисининг ўғли мен билан учрашишга келди.

... Кармана беги Сайид Абдулла паст бўйли, аммо ақлли кўринар, ўн уч ёшлар чамаси, амирнинг ўғли бўлиб, бизга кўрсатилган дераза яқинида ўтирад, бизни кўргач, ўрнидан туриб, қўлини менга узатди. Император, сўнгра генерал-губернаторнинг соғлигини сўради. Биз ўриндиқлардан жой олгач, ипакдан тўқ қизил чакмон ва оқ салла ўраган бекнинг ёшига қараганда жуда катта кўринишини пайқадим. Бу бек амирнинг суйган ўғли бўлиб, амир уни Бухорога тез-тез чақириб турар, ҳар ҳолда ўзининг ворисий давомчиси деб ният қилган эди. Ташқарига чиққанимизда намозга аzon айтилиб, барча иложи борича бек келишидан олдинроқ сарой қаршисидаги масjidга етиб олиш учун шошиларди. Бу жуда қизиқарли манзара касб этарди. Менга келтиришган чакмонлар бошқа жойларда олганимдан бинойигина дурустроқ. Еттита чакмондан бири – кашмири газмолнинг нархи қарийб

<sup>1</sup> 1841–1842 йилларда тоғ-кон муҳандислари миссияси таркибида Бухорода бўлган А.А. Леман айнан шу даврда Работи Маликда ҳам бўлиб, унинг бугунга қадар етиб келган расмларини чизиб колдирган.

ўттиз фунт стерлинг. Мазкур бекка келтирған ҳадяларимиз орасида Тошкентдан олган бир неча ўйинчоқ, жумладан кичик карнай ва бураб юргизиладиган (мурватли) велосипедчи уни роса ажаблантириди. Шунга қарамай уларни тезгина бузиб қўйди.

Кармана – тўртта масжиди ва битта мадрасаси бор кичик шаҳар<sup>1</sup>. Масжиди жуда қадимий, ҳовуз чеккасида қад кўтарган бўлиб, ундан бўлак қизиқарли ҳеч нима йўқ. Девонбегининг уйида меҳмондўстликдан кам-кўст сезмадим. Мезбон аввал савдогар бўлиб, Оренбургда яшаган ва ҳатто Нижний Новгороддаги ярмаркада ҳам иштирок этган. У фаросатли ва олижаноб инсон бўлиб, талай қийинчиликларни бошдан кечириб улгайган, сұхбати марокли, ҳам ибратли эди. Унинг ўқимишлилиги оиласига ҳам ўтган; ҳатто кичкина беш ёшли ажойиб ўғли бегоналарнинг эркалашларидан хархаша килмас ва бизни бижирлашлари билан роса кулдирди.

Эртаси тушдан сўнг йигирма тўрт мил узокдаги Зиёвуддинга жўнадик. Йўлда дам олиш учун Тошкўприкда тўхтаб ўтдик. Зиёвуддинда бек саройининг бир қисмида жойлашдик<sup>2</sup>. Бекнинг ўзи шаҳар ташқарисида бўлиб, эрталабга қадар қайтмас экан.

... Зиёвуддин гўё бек саройидан ташкил топган, сарой ташқарисидаги майдонда бозор бўлиб, ҳар бир савдогар сувоқланган, конуссимон кичик қўронтепада жойлашган, тепаликнинг шакли худди оқ чумолининг инига ўхшар эди.

Кейинги кун Мирда (Мирбозор – З. С.) мен учун ҳозирлаб қўйилган ётоқда бир соатгина тўхтаб, узоқ Ширинхотундаги катта боғда тунни ўтказдим. Эртаси (17 август) куни тахминан ўнларда Каттакўронга етдик.

Саёхатимнинг сўнгги кунлари аввалгиларига қараганда кишини толиктирувчи бўлиб қўринар ҳамда Карманадан токи Каттакўронга кадар бутун масофа жуда зерикарли кечди. Йўл гўзал мамлакатнинг чеккасидан ўтиб, машҳур Миёнкол тумани пастаккина тоғлари ҳамда жанубдаги чўккилари би-

<sup>1</sup> Бухоро амирлигининг манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1753–1920) Кармана алоҳида имтиёзларга эга беклик саналиб, у Бухоро амирининг валиахди томонидан бошқарилган.

<sup>2</sup> Зиёвуддин бегининг кароргохи шаҳар қалъасининг вайроналари ёнида жойлашган. Бек айнан шу арқда туриб фуқароларни қабул қилган. Чунки Зиёвуддин Бухоро амирлигига қарашли энг катта вилоятлардан бири ҳисобланган. Қаранг: Ўзбекистон ССР тарихи. Т. 1. – Тошкент: «Фан», 1971. – Б. 94.

лан кўзга доимий ташланиб турар, аммо бу ернинг шоҳона ери суғорилиб, ишлов берилмаган.

... Каттақўрғонга келгач, гўё ўзга оламга тушиб қолгандек ҳис қилдим. Тансик таомлар, одатий мавзудаги мазмунли сұхбатлар, ҳаммасидан ҳам аёл даврасининг шунча узоқ муддат йўқлигидан сўнг зобитлардан бирининг рафиқаси, Санкт-Петербургдаги Берг театрининг машхур француз актрисасини учратганимиз бўлди.

Бутун саёҳатим давомида ўз мустақиллигимни сақлаб қолишга ҳаракат қилдим. Такиқ ва жигимга тегишлирага йўл қўйишиларига изн бермай, ҳеч ким мени ўзидан қуи деб ҳисобламасликларини талаб қилдим. Маҳаллий аҳоли табиати билан етарлича танишиб, кўпроқ ҳурмат-эҳтиромга муҳтоҷ бўлганимни билдим ва кўпроқ уни ола билдим ҳам. Сафаримдан катта қоникиш ва ҳузур олдим, айниқса тўқсабо билан баҳсларимга қарамай, зиён-захматсиз қайтдим. Икки ой ўтгач, бир рус полковниги Хивадан Бухоро орқали ўз уйига қайтаётиб, расмийлардан бу ерда нималар бўлганини сўрганида, унга шундай жавоб қилишган экан: «Бир америкалик бу ерда ўн кун бўлиб, бутун Бухоро ахлини тўлиқ ўз назорати остида тутди».

## КҮРСАТКИЧЛАР

### Шахс исмлари

- Абдулазиз 46  
Абдулазиз Мирзо 195  
Абдулкаримбий 255  
Абдулкарим, девонбеги 281  
Абдулла 124, 246  
Абдулла, мирзо 68  
Абдуллабобо 67  
Абдуллатиф 195  
Абдуллахон, Абдуллахон II 44, 46, 83, 173, 174, 177, 225, 226, 290, 291, 292, 301, 302, 308  
Абдуллоҳ Барқий 42  
Абдулғаффорбек 61  
Абдураҳимова Н. 15, 17  
Абдураҳим 277  
Абдураҳмон(хон), амир 171, 203, 204  
Абдушукур, додхоҳ 218  
Абилайхон 44  
Абрамов А.К. 86, 179, 199, 209, 213, 219, 220, 221, 277, 278, 280, 281, 286, 287, 290, 293, 300  
Абу Бакр, халифа 70, 118  
Абу Лайс ас-Самарқандий 129  
Абу Саид 197  
Абулхайрхон 45  
Абулғаффор 278  
Абулғозий Баҳодирхон 78  
Август, Октавиан 172  
Азатъян А.А. 216  
Азимхон 203  
Айюб, пайғамбар 113, 144, 145, 146  
Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ  
Муҳаммад ибн Исмоил 19, 117  
Ал-Махбубий, Убайдуллоҳ  
ибн Масъуд 129  
Ал-Чўғий, Муҳаммад Имомзода 129  
Али, халифа 70, 118  
Алимова Д. 7  
Алимқул, амири лашкар 65, 66, 67, 84, 85  
Амир Темур 42, 45, 46, 81, 83, 104, 177, 184, 185, 187, 189, 190, 191, 194, 195, 196, 197, 281, 283, 301, 304  
Аминов Г.А. 213, 220  
Андокий, Ҳожа Ҳасан 42  
Андрей 246, 264, 277, 279  
Андрей, ҳаворий 42  
Антимах 182  
Арслонхон 299  
Асадуллабек 64, 65, 66, 102  
Афзалхон 203  
Афросиёб 181  
Ашуркули, бек 285  
Багров Л.С. 28  
Бароқхон 44, 177  
Бартольд В.В. 184, 215, 285  
Бақо 299  
Баҳрий, Асиф 267  
Безносиков К.С. 169  
Бек, бий 291  
Бернс, Александр 8  
Бибихоним, Биби 171, 191  
Блейн, Г. Джеймс 11  
Бобо, додхоҳ 285  
Бобобек 50, 58, 59, 60, 61  
Бобон, қароқчи 299  
Бобохон 177  
Бобур, Захирiddин Муҳаммад 13, 171, 184, 185, 186, 187, 197, 264, 267, 269, 270, 283, 284, 304  
Богданович 170  
Бок Г.Т. 25  
Боровкова Л.А. 182  
Ботирхон (амир Насрулла) 67

- Боязид, Султон 185  
 Бредшнейдер Э.В. 141, 183  
 Бутаков А.И. 21, 29, 30  
 Бутенов К.Ф. 187  
  
 Вамбери, Арминий 5, 8, 12  
 Веневитинов Д. 17  
 Верещагин В.В. 14, 23, 24, 25, 26  
 Верёвкин Н.А. 26, 49  
 Ву Ди 182  
 Вульф, Жозеф 201  
  
 Гаваззи, Модесто 298  
 Галдан-Цэрэн, Эрдэни-Батурхунтайжи II 83  
 Гедин, Свен 8  
 Гельвальд, Ф. фон 8  
 Генрих III 184, 185  
 Генрих V 184  
 Герн К.И. 21  
 Гижитский 53  
 Глаубер, Иоганн Рудольф 41  
 Глуховский (Глуховской) А.И. 167  
 Гораций 172  
 Горлов 16  
 Горчаков А.М. 12  
 Готье Ю.В. 28  
 Гребенкин А. 223, 231  
 Григорьев В. 12, 13  
 Громов 16, 53  
 Гуломов Х.Г. 300  
  
 Дадамухаммад 89, 90, 98  
 Дарвеш Мухаммад тархон 186  
 Дарвешхон 177  
 Делакроа 86  
 Деметрий 182, 304  
 Деннет А.Р. 219, 220  
 Джевелл, Маршалл 14  
 Джонсон Э.А. 10, 11  
 Дмитриев Г.Л. 12, 15  
 Довуди дарай 146, 147  
 Дониёл(бий), оталиқ 143, 285, 300, 308  
 Дониёр, оталиқ 284, 285  
 Дўстмуҳаммадхон 203  
  
 Евтидем 182, 304  
 Екатерина II 300, 301  
 Елена 106  
  
 Елизавета Петровна 300  
 Ефремов Ф.С. 187  
  
 Ёкуббек, Ёкубхон 35, 65, 66, 70, 71  
  
 Жаброил, фаришта 117, 145, 146  
 Жаноб П\_58  
 Жаноб Ф\_245, 246, 249, 250, 252, 261, 264  
 Жаъфар ас-Содик (Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Мухаммад ал-Курайший) 146, 147  
 Жаҳонгир мирзо 283  
 Женкинсон, Энтони 8, 13, 28  
 Жером Ж.Л. 23  
 Жўжи 78  
 Жўрабек 50, 58, 59, 60, 61, 99, 105, 128, 188, 280, 286, 287  
  
 Зангиота 89, 104  
 Зулкарнайн, Искандар 182  
  
 Ибодуллобек 62  
 Иброҳим, пайғамбар 149,  
 Иван Калита, Иван I Калита 116  
 Игнатьев Н.П. 39, 169  
 Иzzатулла, Мир 8, 13, 176, 266, 267  
 Имом Аъзам Абу Ҳанифа 118  
 Имом Молик 118  
 Имом Шофеъий 118  
 Имом Ҳанбал 118  
 Имомкулихон 192  
 Исаев 141  
 Искандар 67, 68, 87, 88, 285, 286,  
 Искандархон 177, 188  
 Исо, пайғамбар 23  
 Исоӣ 275  
  
 Йўлдош, парвоначи 218, 218  
  
 Камолиддин 189  
 Карадаев (Уста Али) 306  
 Карпини, Плано 8  
 Каттабек 217, 218  
 Каттатўра 188  
 Кауфман К.П. 12, 16, 17, 26, 37, 55, 63, 124, 152, 188, 189, 204, 235, 258, 275  
 Кинг, Гертруда Уоллас 11  
 Кинг, Чарльз 11  
 Клавихо, Руи Гонсалес де 8, 13, 171, 186, 187

- Клигт 182  
 Козарев 22  
 Колшаковский Г.А. 55, 249  
 Конолли, Артур 201  
 Кононов В.И. 9, 17  
 Конусбай 277  
 Котард М. 169  
 Крижановский Н.А. 22, 175  
 Лавалет М. 169  
 Лашкар, бекларбеги 72  
 Леман А.А. 187, 195, 214, 309  
 Лерх П.И. 39, 48, 78  
 Лессепс М. де Фердинанд 169, 170  
 Литта П., граф 298  
 Лорд Гранвил 169  
 Луи Ю. 141  
 Лунин Б.В. 17, 39, 176  
**M** 209  
 Мадалихон, Мухаммад Алихон 45, 255  
 Мадамин 210  
 Мак-Гахан, Януарий Алоизий 16, 20, 35, 36, 37, 38  
 Македонский, Александр 181, 182, 214  
 Маллахон 50, 65, 103, 286  
 Маркхем 185  
 Маргиноний 269  
 Маслова О.В. 187  
 Маъмун 201  
 Маҳмуд 194  
 Маҳмуд Ёкубхон 71  
 Меацца Ф. 298  
 Мединский В.Ю. 75  
 Мейендорф Е.К. 215  
 Милютин Д.А. 12, 307  
 Минаев И.П. 184  
 Мир Сайид Барака, Сайид Барака 195  
 Мирза Ироддин 289  
 Мирза Юсуф 105  
 Мирза Ҳаким 245  
 Мирокова И.С. 185  
 Музaffer(иддин), амир Музaffer 59, 60, 62, 67, 286, 295, 295  
 Музafferшоҳ 218  
 Мулла Миркомил 251, 259  
 Мулла Хайрулла 98, 101, 132, 171, 172, 177, 200  
 Мунши, Мухаммад Юсуф 192  
 Мурзаев Э. 187  
 Муркрофт, Вильям 176  
 Мурук 305  
 Муса Мұхаммадбай 63  
 Мусабек 218  
 Мусулмонқул 60, 255, 275  
 Мусулмонхұжа 179  
 Мутафян К. 184  
 Мұшти Қалантар 201, 203  
 Мұқимхон (Муким-хан) 192  
 Мұхаммад 194  
 Мұхаммад, пайғамбар (а.с.) 87, 102, 108, 110, 112, 117, 118, 122, 144, 146, 149, 178, 189  
 Мұхаммадбай 305  
 Мұхаммад Раҳимхон I 27  
 Мұхаммад Шариф, тұқсабо 293, 305  
 Мұхаммад Шокир 140  
 Мұхаммад Ҳакимбай 284  
 Мұхиддинхұжа 127  
 Навоий, Мир Алишер 264  
 Назаров Ф. 215, 266, 267  
 Насриддин, бек 265  
 Насрулла, амир 45, 59, 60, 128, 143, 201, 212, 218, 285, 286, 294, 298  
 Некрасова Е.Г. 297  
 Нематулла 263  
 Нодирабегим 45  
 Нодир девонбеки 197  
 Норбұтабай 255  
 Нурилдинхон 289  
 Нұх, пайғамбар 149  
 Одил, парвоначи 218  
 Ойим Кенагас 285  
 Ойхұжа ибн Тошхұжа 104  
 Окмаматов 34  
 Олимхон 83  
 Олим хожи Юнусов 50, 63, 71, 171  
 Оллоёрбек 175, 176  
 Оллоёр доддоҳ 218  
 Орланди, Жованни 298  
 Орфей 106  
 Отабек, оталиқ 251, 252, 253  
 Оффенбах, Жак (Якоб Эберши) 106  
 Павел, хаворий 42  
 Палладий 183  
 Паутьер М. 183

- Первушин 157  
 Первовский В.А. 36, 187  
 Пётр, хаворий 42  
 Пётр, подшо 10, 11  
 Пикет М. 25  
 Поло, Марко 8, 13, 184  
 Портер Н. 9  
 Почахўжа 219  
 Пўлатхон 272, 275  
  
**Раҳимбий, Муҳаммад Раҳимбий оталиқ**  
 284  
 Рахимхон 218  
 Раҳматулла 261, 262, 263  
 Рембрандт, Харменс ван Рейн 34  
 Ривас М. 25  
 Робия Султонбегим 45  
 Родионов 37  
 Рубрук, Вильгельм 8  
 Румий, Жалолиддин 122  
 Руперт В.Я. 169  
 Рустам 299  
 Руф, Квінт Курций 181  
 Рўзбекон, Фазлуллоҳ ибн Исфаҳоний 42  
  
 Сайдазим (Азимбой) 50, 69, 70, 71  
 Сайдбек 61, 217, 218, 222  
 Сайдбобоев З.А. 5, 7, 19, 28  
 Сайдхон 62, 188  
 Сайд Абдулқосим 125  
 Сайд Абдулла, бек 309  
 Сайд, мирохур 287  
 Сайд Султон 85  
 Сайдхон 286  
 Салимбек 288  
 Семенов А.А. 285  
 Сиверс, Вильгельм 8  
 Сиддик Кўйчи 274  
 Сиртлонов 206  
 Скайлер, Жорж 9  
 Скайлер, Южин 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13,  
     14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 25, 26, 51, 81,  
     115, 129, 135, 137, 158, 184, 250, 252,  
     253  
 Скотт 30  
 Скрибнер, Матильда 9  
 Скрибнер, Чарльз 9  
 Смбат 183, 184  
 Смит, Френсис 32  
 Соболев Л.Н. 224  
  
 Соколов Ю.А. 176  
 Соловьев М. 187  
 Стоддарт, Чарльз 201  
 Страбон 27  
 Сулаймон, пайғамбар 266, 267  
 Сулайманов С. 21  
 Султон Али мирзо 304  
 Султон Аҳмад мирзо 186  
 Султон Махмуд мирзо 267, 304  
 Султон Махмудхон 45  
 Султонбек 217, 218  
 Султонмурадбек 255  
  
 Т\_ 205, 209  
 Табиб, Бенгалий Дайламий 115  
 Талус Ҳаким 147  
 Толстой, Лев 9, 10, 11  
 Тули 78  
 Тургенев И.С. 9, 10  
 Тўкалхоним 42  
  
 Убайдуллахон 300  
 Угадайхон 181  
 Улугбек, Мирзо Кўрагон 45, 177, 178, 185,  
     194, 195  
 Умар, халифа 70, 112, 118  
 Умарбек 62, 188  
 Умархон 45  
 Умаршайх 268  
 Урусов, князь 287  
 Усмон, халифа 70, 118, 199  
 Уста Қосим 140  
  
 Федченко А.П. 216, 264, 271  
 Федчина В.Н. 141  
 Фёдор, подшо 28  
 Фирдавсий, Абулқосим 82  
  
 Хаников Н.В. 187, 292, 297  
 Хачатрян Н. 184  
 Хетум I 184  
 Хизр, пайғамбар 147  
 Хиноятишоҳ 65  
 Хлодов 157  
 Ҳожа Аҳрор 171, 197, 198  
 Ҳожа Ҳусайн 44  
 Ҳонтхорст, Геррит ван (Герардо делла  
     Нотте) 34  
 Ҳоҳлов И.Д. 187

- Худоёрхон 60, 66, 248, 253, 261, 262, 273, 275  
 Хулагу 141  
 Хўжакул 285  
**Цзан, Сюань** 82, 83, 173, 181  
 Циммерман 253  
 Цянъ, Чжан 182  
 Черниев М.Г. 49, 50, 63, 75, 84, 85, 86, 87, 88, 131, 175, 206, 306  
 Чингизхон 35, 78, 83, 141, 142, 173, 181, 183, 184, 284  
 Чигатой 78, 83  
 Чумчихон 67  
 Чунь, Чан 141, 173, 183, 186  
 Чуцай, Елюй 181  
 Шайх Абдулла 300  
 Шарофиддин 46  
 Шарофий 69  
 Шафус 258  
 Шерали 203  
 Шералихон 60, 66, 255  
 Шильтбергер, Ганс 185  
 Шмелёв 303, 305  
 Шодибек 61, 217, 218, 220, 221, 222  
 Шоу, Роберт Баркли 78  
 Шохизинда (Тирик шоҳ) 189, 190  
 Шоҳмурод 143, 243, 285  
 Шоҳмуродбек 66  
 Шоҳруҳ 195  
 Эргашев Ф. 15, 17  
 Эрназар элчи, Мулла Муҳаммад Эрназар бий Максудов 300  
 Эшжон 208  
 Эшонбек 85  
 Эшонхўжа 70, 71  
**Югай Р.Л.** 187  
**Юль, Генри** 8  
**Юсуф Хожа** 264  
**Яковлев** 297  
**Ялангтуш Баҳодирхон** 192  
**Яницкий** М. 169,  
**Яссавий, Хожа Аҳмад** 42, 45, 120  
**Үрмонбек** 262  
**Үктой** 78  
**Каландарбек** 59  
**Кусам ибн Аббос** 189, 190  
**Фиждувоний, Хожа Абдухолик** 42  
**Фийлоний, Абдулқодир** 104  
**Ҳабиббой** 246, 263  
**Ҳазрат Султон** 42  
**Ҳазрат Накшбанд (Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий)** 308  
**Ҳайдар, амир** 217  
**Ҳайдархўжа** 287  
**Ҳайъан, Аҳмад** 147  
**Ҳаким** 286  
**Ҳаким, күшбеги** 308  
**Ҳакимбек** 58  
**Ҳамадоний, Юсуф** 42  
**Ҳасанов** Ҳ. 28, 216  
**Ҳожибар, мирзо** 67  
**Ҳусайнбек** 217, 218, 222  
**Burton, Andrey** 192  
**Palmer, Felix Price, Henry** 201  
**Schuyler, Eugene** 8, 9, 12  
**Wolff, Joseph** 201

### Жой номлари

- Абдуллахон (Қўш Мадраса)** 290, 301  
**Абдуллахон, тим** 302  
**Авлиё Иоанн, ибодатхона** 184  
**Авлиёта** 16, 49, 75, 82, 86, 154, 223, 271  
**«Академия», нашириёт** 15, 17  
**Ака-ука Биковлар, фирма** 303  
**Акмола** 167  
**Алассио** 11  
**Александрия** 182  
**Александровск, истехком қалъа** 22  
**Али, мадраса** 255  
**Альгамбра** 44, 300  
**Альп, тоғ тизма** 235

- Америка 9, 10, 11, 17, 19, 22, 50, 51, 64, 140, 235, 253, 279, 281, 302, 303  
 Амударё 24, 27, 28, 40, 79, 80, 83, 114, 168, 212, 232, 306  
 Англия 28, 42, 53, 94, 169, 170, 187, 201, 236, 237, 240, 282  
 Андижон 42, 140, 245, 255, 260, 264, 265, 266, 267, 268, 269  
 Анкара 185  
 Аравон 269  
 Арзас (Аргас), дарё 28  
 Арис, дарё 48  
 Аристонбелқұдуқ 40  
 Арманистон 183, 184, 185  
 Археология жамияти 39  
 Астана 167  
 Астрахан 168  
 Афғонистон 14, 25, 82, 118, 168, 171, 203, 204, 286, 291, 302  
 АҚШ (Америка Құшма Штатлари) 5, 9, 10, 11, 12, 14, 23, 45, 236  
 АҚШ Миллий География жамияти 10, 17  
 Ахмад Яссавий, мақбара, масжид 20, 42, 43  
  
**Б**  
 Баланд, масжид 299, 301  
 Балиқчи 259, 260, 261, 274, 275  
 Балх 25, 151, 168, 203  
 Барокұх 267, 268  
 Бароқхон, мадраса 124  
 Бағдод 118, 178  
 Бақтрия 182, 183  
 Баҳоуддин Нақшбанд, қадамжо 276  
 Баҳоуддин, мақбара 308  
 Бекларбеги, мадраса 72, 73, 124, 131  
 Бекпакдала 167  
 Бек, мадраса  
 Бельгия 32  
 Берг, театр 311  
 Бешариқ 248  
 Бешёгоч 75  
 Бибихоним, мадраса 179, 190  
 Биковский, фирма 257  
 Бирмингем 10  
 Боласоғун 83  
 Болқон 23  
 Бомбай (Мумбай) 201  
 Боги Майдон 186  
  
 Бразилия 136  
 Британия (Буюк Британия) 8, 10, 31, 32, 45, 81, 201, 216  
 Буванди 259  
 Бугун, дарё 48  
 Булунғур, канал 225  
 Бурса 187, 304  
 Бухоро, амирлик 5, 6, 8, 10, 11, 12, 18, 22, 25, 36, 39, 40, 41, 42, 45, 52, 58, 59, 60, 61, 63, 67, 76, 79, 83, 84, 85, 86, 88, 94, 98, 99, 101, 123, 142, 143, 149, 156, 159, 161, 162, 163, 164, 175, 187, 188, 192, 203, 205, 207, 210, 214, 215, 216, 217, 218, 219, 221, 23, 225, 226, 227, 228, 231, 232, 236, 239, 241, 242, 243, 257, 261, 273, 274, 276, 277, 278, 279, 280, 281, 282, 284, 285, 287, 289, 290, 292, 295, 301, 306, 310  
 Бухоро, шаҳар 42, 50, 60, 61, 62, 65, 67, 68, 69, 78, 79, 100, 102, 114, 115, 116, 120, 127, 138, 141, 143, 153, 154, 165, 166, 168, 170, 176, 178, 187, 191, 192, 199, 201, 202, 203, 217, 226, 227, 232, 253, 269, 276, 277, 279, 285, 286, 294, 295, 296, 297, 298, 299, 300, 301, 302, 303, 304, 305, 306, 307, 308, 309, 311  
 Бўзсув, канал 75  
 Бўкантов 40  
 Бўстон 309  
  
**В**  
 Вардонзе 309  
 Варзаминон 214, 219, 220  
 Вахш, дарё 212  
 Вашингтон 14  
 Вена 23  
 Венеция 11, 184  
 Верний 17, 55, 160, 164, 167, 223, 253  
 Владимир 116  
 Волга, дарё 214, 170  
 Волгабўй 46, 168  
 Воронеж 9  
  
**Г**  
 Ганьсу 183  
 Гранада 44  
 Грузия 185  
 Гурьев 170  
 Гўртепа 259  
  
**Д**  
 Давлат департаменти 9, 17  
 Дажла, дарё 239

- Йаргом, канал 225  
 Йарха, дара 212  
 Йашт 12, 22, 33, 35, 39, 41, 48, 49, 74, 97,  
     101, 128, 137, 177, 182, 183  
 Йашти Қипчоқ 177  
 Йашти Кози 214  
 Йевона, қишлоқ 269  
 Йевонбеги, мадраса 300  
 Йелавэр, штат 286  
 Йелмарва 286  
 Йенвер 50  
 Йизах (Жиззах) 172  
 Йилкушо (Боги Йилкушо) 185  
 Йирмой 141  
 Йиепр, дарё 214  
 Йован (Даван) 270  
 Йон, дарё 31  
 Йунъхуан 183  
  
**Евросиё** 140  
 Екатеринбург 168  
 Енисей 169  
 Еттисув 44, 233  
 Етишахар 65  
  
**Йел**, университет 9  
  
**Ёмонқизил**, төг тизма 40  
 Ёмондарё 29, 30  
 «Ёргалик денгизи» 146  
 Ёрканд (Ёркент) 48, 187  
  
 Жавзо, масжид 268  
 Жайхун, дарё 27, 83, 239  
 Жамбул 49  
 Жанд 35, 39  
 Жанубий Қўкон, төг тизма 271  
 Жанқала 35  
 Женева 81  
 Жиззах 39, 40, 62, 114, 154, 171, 172, 175,  
     176, 177, 188, 189, 216, 223, 225, 286  
 Жом 212, 277  
 Жомбой 178  
 Жон Хопкинс, университет 10  
 Жунғория 83  
 Жўйбор, мадраса, кабристон 301  
 Жўлак 29, 32, 38, 40, 53, 65  
  
 Закот, сарой 249, 257  
 Замма 203  
  
 Зангиота, мақбара 104  
 Зарафшон 6, 12, 74, 81, 86, 143, 151, 157,  
     159, 161, 164, 175, 176, 207, 209, 212,  
     213, 215, 216, 219, 220, 221, 223, 224,  
     225, 226, 227, 230, 231, 232, 237, 241,  
     243, 271  
 Зарафшон, дарё 140, 173, 177, 178, 187,  
     212, 213, 214, 215, 216, 219, 222, 223,  
     225, 226, 227  
 Зарафшон, төг тизма 212, 216, 277  
 Зиёвуддин 212, 227, 276, 310  
  
**Издательство Академии наук (Изд-во АН)**  
     ССР 141, 187  
 Или, дарё 183  
 Илонутти, дара 176  
 Институт истории, археологии и  
     этнографии АН Таджикской ССР 285  
 Империя оммавий кутубхонаси 200  
 Иргиз 26  
 Иржар 286  
 Иркибой 24, 167  
 Иркутск 169  
 Ироқ 81, 104  
 Искандарқул 207, 212, 213, 214, 216, 219,  
     220, 286  
 Испания 44  
 Исписар 246  
 Истроил 125  
 Иссиққул 12, 100, 114  
 Истанбул 65  
 Исфара 271  
 Исфаҳон 46, 194  
 Исфижоб (Чашмкент) 48  
 Итака 9  
 Италия 10, 11, 27, 98, 235  
 Итмак, довон 283  
 Ишратхона, мақбара 197  
  
 Кавказ 46, 64, 65, 153, 214, 236  
 Казала (Казалинск) 14, 20, 21, 22, 24, 25,  
     26, 31, 32, 33, 36, 39, 155, 157, 159, 161,  
     162, 163, 166, 167, 223  
 Кале, Па-де-кале 169  
 Калькутта (Колката) 169, 302  
 Кама, дарё 168  
 Камолон 86  
 Кармана 59, 140, 212, 226, 276, 286, 309,  
     310

- Каспий, денгиз 22, 27, 28, 30, 167, 168, 187  
 Каспийбўйи 160, 162, 167  
 Кастилия 184, 185  
 Кастанакўз 246  
 Каттакўргон 80, 114, 223, 226, 231, 232,  
     233, 276, 310, 311  
 Каъба 42, 119  
 Кендиртов 271  
 Кент 83  
 Кетмонтепа 271  
 Кеш 184, 197, 264, 283  
 Киликия (Арманистон) 184  
 Кимё, лаборатория 54  
 Кипр 184  
 Кисро 283  
 Китоб 19, 58, 60, 221, 276, 277, 278, 280,  
     283, 285, 286, 287, 288, 293  
 Кичик Осиё 27, 65, 185  
 Киштут 61, 212, 215, 216, 217, 218, 219,  
     220, 221  
 Киштутдарё 212  
 Кобул 168, 170, 203  
 Колесников, фирма 257  
 Колорадо, штаг 50  
 Колумбия, университет 9, 11  
 Кокериллс Уоркс (Cockerill's Works), завод  
     32  
 Конибодом 247  
 Константинополь 10  
 Коня, султонлик 65  
 Копал 17, 223  
 Корнелл, университет 10  
 Косон (Карсан) 292  
 Косорол 30, 31  
 Кофиристон 82  
 Кошгар 14, 35, 39, 65, 70, 71, 78, 138, 149,  
     154, 160, 164, 165, 167, 170, 187, 266,  
     268, 271, 298  
 Кошғар, қишлоқ 266  
 Красноводск 167, 168  
 Кремль 116  
 Кулба 186  
 Куюкмозор 308  
 Кўкалдош, мадраса 124, 300  
 Кўкартли 80  
 Кўксарой 197  
 Кўксув 212  
 Кўкча 75  
 Кўли Калон (Катта кўл) 214  
 Кўҳак 186  
 Кўҳистон 207, 213, 215, 216, 218  
 Лабиҳовуз 192, 300  
 Ладак 170  
 Лақлақа 186  
 Левант (Levant) 125  
 Ленинград 28, 187  
 Лепси 71  
 Ливан 125  
 Ливерпуль 32  
 Лобнор, кўл 183  
 Лозанна 25  
 Ломбардия 235  
 Мавритан 44, 140  
 Маймана 168  
 Майнц 185  
 Макка 64, 93, 119, 147, 178, 195, 199, 299  
 Малик, Работи Малик 174, 309  
 Манғишилоқ 167  
 Мара 181  
 Марказий Осиё 5, 7, 19, 41, 176  
 Марокаш 202  
 Мароқанд 181  
 Марғилон, Марғинон 75, 187, 245, 268,  
     269  
 «Маснавийхона» 127  
 Матча 216, 218, 219, 222  
 Масжид ал-Ҳаром 45  
 Махрам 245, 246, 247, 270  
 Машҳад 82, 140, 168, 187, 203  
 Магён 212, 215, 216, 217, 218, 219, 221, 284  
 Магёндарё 212  
 Миёнкол 226, 285, 310  
 Милан 298  
 Мингбулоқ 259  
 Мингўрик 50, 54  
 Минораи Калон (Катта минора) 299  
 Минятчи-варак 255  
 Мир Араб, мадраса 300  
 Мирза Работ 171, 174  
 Мирзачўл 40, 171, 172, 213  
 Мир, мадраса 255  
 Мир (Мирбозор) 310  
 Миср 11, 23, 27, 46  
 Мовароуннахр 5, 83, 185, 264, 269  
 Мовий (Орол), денгиз 28  
 Мозор, дарвоза 308  
 Молия, вазирлик 58, 156, 160, 235

- Москва 9, 12, 28, 35, 46, 54, 63, 64, 116, 141, 142, 143, 152, 163, 166, 168, 182, 184, 185, 187, 216, 257, 285  
 Муксү 212  
 Мунчоқли 40  
 Мура, дара 212  
 Мусулмонкул, канал 270  
 Мутал, завод 30  
 Мюнхен 185  
  
**Назорат палатаси** 56  
 Наманган 19, 153, 233, 250, 255, 259, 260, 262, 264, 271  
 Намозгоҳ, масжид 205, 295  
 Нарпай, канал 226  
 Наньшан, төғ тизма 183  
 «Наука», нашриёт 46, 185, 215, 285  
 Невшатель 25  
 Нижний Новгород 168, 310  
 Никополь 185  
 Нил, дарё 11, 239  
 Новоживотин 9  
 Нодир девонбеки, мадраса 192  
 Норин 164, 165, 167  
 Норин, дарё 260, 270  
 Норткент 275  
 Нұйгайқүрғон 74  
 Нурота 114, 188  
 Нурота, төғ тизма 188  
 Нью-Йорк 9, 10, 11, 35, 50  
  
**Обирдан** 219  
 Облик 140  
 Обхона 298  
 Ойимсарой 303  
 Оксус 27, 28, 182  
 Олд Осиё 141  
 Олмаота 253  
 Олой, төғ тизма 212, 254, 260, 268, 271  
 Олтин Ўрда 185, 304  
 Оренбург 12, 21, 22, 24, 30, 32, 33, 49, 67, 69, 159, 160, 162, 166, 167, 168, 169, 187, 205, 215, 275, 298, 303, 310  
 Орол, денгиз 21, 24, 26, 27, 28, 30, 331, 39, 40, 176  
 Орол, истеком қалъа 21  
 Орол, флотилия 14, 20, 21, 27, 33, 172  
 Орск 166, 205  
  
 Осиё 12, 21, 22, 28, 38, 41, 69, 72, 78, 89, 94, 99, 116, 117, 131, 136, 154, 160, 169, 170, 182, 183, 216, 236, 254, 267, 302  
 Осиё, музей 304  
 Оқдарё 226, 227  
 Оқмачит 35, 38  
 Оқсарой 197, 281, 283  
 Оқсу 164  
 Оқтоб 188  
 Оғочли 174  
  
 Палдорак 220  
 Париж 23, 81, 106, 201  
 Патар 248  
 Пекин 183  
 Пенза 63  
 Пермь 168  
 Первый, истеком қалъа 20, 29, 31, 32, 35, 36, 37, 38, 48  
 Первый, уезд 16, 155, 157, 223  
 Петроград 28, 187  
 Петрокино ва Компанияси 302  
 Петропавловск 166, 167, 168, 303  
 Пешовар 168, 169, 170  
 Пилла, сарой  
 Питерборо 42  
 Пишпак, Пишкак (Бишкек) 86, 253  
 По, дарё 235  
 Покистон 81, 82  
 Польша 23  
 Помпей 98  
 Пощрут 213  
 Поянда, масжид 192  
 Пушиев, фирма 257  
  
**Раим, истеком қалъа** 21, 30  
 Ралли ва Компанияси 302  
 Ревал (Таллин) 10  
 Регистон 191, 192, 197, 297, 302  
 Рим 10, 81, 134, 172, 181  
 Рим, империя 98  
 Россия 5, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 18, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 30, 32, 33, 35, 38, 40, 49, 52, 53, 55, 56, 57, 60, 61, 62, 63, 64, 67, 69, 71, 74, 75, 80, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 94, 99, 115, 116, 117, 128, 129, 131, 133, 134, 135, 136, 141, 142, 149, 153, 154, 155, 157, 159, 160, 162,

- 163, 164, 165, 166, 169, 170, 171, 184,  
 187, 188, 203, 204, 205, 206, 213, 217,  
 219, 220, 221, 222, 223, 224, 228, 231,  
 232, 233, 234, 235, 236, 237, 241, 243,  
 244, 245, 256, 257, 258, 259, 267, 270,  
 271, 279, 280, 300, 302, 303, 305, 306  
**Россия Императорлик География жамияти** 10  
**«Россия савдосини құллаб-қувватлары жамияти»** 58  
 Рум, Шаркий Рим империяси, Византия 65  
 Руминия 10  
 Рушдон 269  
**САГУ** 176, 187  
 Сайхун, дарё 27, 239  
**«Саловатхона»** 127  
 Санкт-Петербург 10, 14, 39, 53, 54, 56, 57,  
 64, 71, 99, 116, 124, 156, 169, 170, 183,  
 187, 189, 200, 204, 213, 224, 266, 281,  
 292, 297, 304, 311  
 Самар, Семизкан, Семизкант, Самокан  
 (Самарқанд) 181  
 Самара 168  
 Самарқанд 12, 19, 49, 58, 59, 61, 75, 78, 79,  
 80, 81, 83, 86, 99, 102, 104, 114, 120,  
 127, 129, 140, 141, 143, 153, 154, 155,  
 159, 161, 162, 164, 165, 166, 169, 170,  
 171, 172, 176, 178, 179, 180, 181, 182,  
 183, 184, 185, 186, 187, 189, 190, 192,  
 193, 194, 195, 197, 198, 199, 200, 201,  
 202, 203, 204, 205, 206, 207, 209, 210,  
 216, 217, 218, 219, 220, 221, 222, 224,  
 225, 226, 227, 235, 237, 264, 269, 273,  
 274, 276, 277, 283, 284, 285, 286, 290,  
 294, 297, 299, 301, 303, 304, 308  
 Санги Мурод 308  
 Саратов 170  
 Сарвада, қалъа 220  
 Сарой, мадраса 291  
 Сағрон (Сауран) 39, 40, 41, 42  
 Себзор 75  
 Семипалатинск 169  
 Семиречья (Еттисув) 12  
 Сербия 10  
 Сибирь 22, 49, 52, 71, 78, 141, 160, 162,  
 163, 166, 170, 185, 205, 223, 266  
 Сигноқ 39  
 Сирдарё, вилоят 6, 12, 14, 29, 157, 160,  
 163, 233, 241, 243  
 Сирдарё, дарё 20, 21, 22, 27, 28, 29, 30, 31,  
 35, 38, 39, 40, 41, 53, 74, 78, 85, 102, 166,  
 172, 173, 182, 223, 226, 239, 245, 246,  
 253, 255, 259, 260, 270, 275  
 Сирдарё, уезд 223  
 Салинобод 285  
 Сувайш, канал 169  
 Сүфуг 225  
 Султон Ҳазрат, чүккى 212  
 Сурия 23, 46, 125  
 Сурхоб, дарё 212  
 Сурхондарё, вилоят 274  
 Сўзок 167, 236  
 Сўх 274  
**«Табиатшунослик тарихи ва антропология жамияти»** 58  
 Табриз 46  
 Талипоч, дарвоза 301  
 Танаис (Дон), дарё 182  
 Тароз, Талос 49  
 Тахтақорача, довон 277  
 Тахти Сулаймон (Сулаймон тахти) 266  
 Ташқи ишлар, вазирлик 60  
 Тверь 153  
 Темир (Оҳанин), дарвоза 185  
 Темур, дарвоза 171, 176  
 Темур, макбара 171, 180, 196  
 Терек, довон 167  
 Термиз 195  
 Тибет 187  
 Тиллакори, мадраса 191, 192, 194  
 Тожикистан 216  
 Томди, тоғ тизма 40  
 Тошкент 6, 7, 12, 14, 15, 17, 19, 21, 22, 24,  
 25, 28, 37, 38, 39, 41, 49, 50, 51, 52, 53,  
 54, 55, 56, 57, 58, 60, 62, 63, 64, 65, 66,  
 67, 69, 70, 71, 72, 73, 75, 76, 77, 78, 79,  
 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 92, 94,  
 95, 97, 98, 99, 100, 102, 104, 106, 107,  
 108, 109, 111, 112, 114, 115, 116, 118,  
 119, 120, 124, 125, 127, 128, 129, 130,  
 132, 134, 138, 139, 140, 142, 143, 153,  
 154, 155, 156, 159, 161, 162, 163, 165,  
 166, 167, 169, 170, 171, 172, 173, 174,  
 176, 177, 180, 181, 187, 192, 199, 200,  
 204, 205, 206, 211, 223, 225, 226, 235,  
 236, 243, 245, 247, 250, 253, 254, 257,  
 258, 264, 265, 271, 275, 277, 297, 300,  
 302, 303, 306, 310

- Ташкүнрик 177, 310  
 Төг-қол, вазирлик 156  
 Троицк 69, 159, 166, 167, 168, 303  
 Туркистан, төг тизма 212  
 Туркистан, шаҳар 20, 41, 42, 43, 45, 46, 47,  
     48, 49, 65, 74, 84, 120, 166, 177, 236  
 Туркистан, ўлка 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13,  
     14, 15, 16, 17, 18, 19, 23, 24, 25, 26, 29,  
     49, 54, 57, 64, 75, 78, 80, 86, 122, 129,  
     156, 157, 162, 163, 164, 167, 169, 172,  
     203, 214, 232, 233, 235, 242, 243,  
     269, 271  
 Турция 46, 181, 238  
 Түятортар, канал 225  
 Тюмень-ариқ 39  
 Тяньшань 212, 216  
 Тұммоқ 164, 167  
 Украина 214  
 Улугбек, мадраса 186, 191, 192  
 Урал, төг тизма 99, 168, 170, 185  
 Ургут 79, 207, 208, 209, 210, 212, 217, 218,  
     222, 226, 285  
 Урмитан 212, 218, 219  
 Устюрг 167, 170  
 Уфа 168  
 Учкүрғон 245, 260, 262, 266  
  
**Ф**аластиң 23  
 Фалғар 216, 218, 219, 222  
 Фан, беклик 216, 218  
 «Фан», нашриёт 17, 28, 39, 176, 187, 300,  
     310  
 Фандарे 212, 214, 216,  
 Фарғона 19, 75, 86, 153, 177, 255, 264, 268,  
     270, 273, 286  
 Фароб 61, 216, 217, 218, 219, 221, 222, 284  
 Франция 169, 235  
 Прот, даре 239  
  
**Х**атирчи 227  
 Хвалим (Каспий), деңгиз 28  
 Хеклют, жамият 185  
 Хива, хонлик 11, 12, 13, 15, 16, 20, 21, 22,  
     23, 24, 25, 26, 27, 34, 35, 36, 39, 40, 55,  
     56, 70, 76, 78, 79, 114, 135, 143, 149,  
     151, 154, 156, 160, 161, 162, 163, 167,  
     168, 183, 187, 213, 232, 236, 241, 245,  
     274, 281  
  
 Хива, шаҳар 14, 20, 22, 24, 25, 27, 37, 41,  
     78, 170, 282, 307, 311  
 Хитой 42, 78, 83, 98, 135, 136, 140, 141,  
     142, 143, 154, 163, 171, 173, 181, 182,  
     183, 184, 186, 191  
 Хитой, күл 28  
 Хожа Ахмад Яссавий, мақбара 42  
 Хожа Ахрор, масжид 72, 120, 197, 198  
 Хожа Жалол, мадраса 301  
 Хон, канал 264, 270  
 Хон, мадраса 248, 254, 255  
 Хонобод 289  
 Хорхут 35  
 Хулум 168  
 Хуресон 78, 123, 303  
 Хужанд 12, 17, 74, 79, 120, 140, 141, 143,  
     151, 152, 153, 157, 163, 165, 166, 173,  
     182, 200, 223, 245, 246, 250, 254, 270  
 Хужакең 75  
 Хұжаобод 266  
 Хұтан 143  
  
 Чапдара, чүккі 212  
 Челак 188, 225  
 Чилмахрам 275  
 Чилсугутын 186  
 Чинийхона 186  
 Чиноз 40, 85, 86, 171, 172, 175  
 Чироқчи 276, 277, 288  
 Чордара 40  
 Чоржүй 138, 217, 276, 285, 294, 306, 307  
 Чорку 255  
 Чорсу, базар  
 Чотқол, төг тизма 75, 254  
 Чурноқ 45  
 Чүпонота, тепалик 86, 171, 178, 186, 209,  
     226  
  
**Ш**айхонтохур 75  
 Шанхай 183  
 Шармитон 287  
 Шарқ 13, 14, 58, 65, 123, 126, 141, 155, 173,  
     251, 269, 284  
 Шахрисабз (Шахар) 19, 58, 59, 60, 79, 99,  
     112, 116, 128, 184, 213, 217, 221, 230,  
     231, 233, 276, 277, 278, 279, 280, 282,  
     283, 284, 285, 286, 287, 288, 290, 292,  
     294  
 Шаҳрихон 274

- Швейцария 23, 25  
 Швеция 30, 31  
 Шердор, мадраса 171, 191, 192, 193  
 Шероз, туман 225  
 Шероз, шахар 44  
 Шикарпур 81, 138  
 Шиллизи ва Компанияси 302  
 Ширинхотун 310  
 Шом, кишлок 289  
 Шош, Тош (Чоч) 83, 181  
 Шоҳжалол, дарвоза 179  
 Шоҳизинда, масжид 171, 179, 180, 189, 190  
 Шоҳруд 226  
 Эмба 167  
 Эрмитаж, музей 39  
 Эрон 27, 78, 80, 81, 82, 101, 111, 134, 136, 151, 181, 185, 187, 192, 284  
 Эски жӯва 72  
 Эски шаҳар 7, 50, 71, 132  
 Эшонхӯжа, масжид 120  
  
 Юнон-Бактрия 182  
 Юнонистон 10, 27, 185  
  
 Як, бозор 99  
 Яккабог 277  
 Яккатут 248  
 Яксарте, дарё 27  
 Янгидарё 40, 226  
 Янгикент, Жанкент 39  
 Янгисабоҳ 220  
 Янгиқишлоқ 208, 210  
 Янгиқўргон 177  
 Япония 23, 81  
 Ясная Поляна 9  
 Ясси 42, 46  
 Яқин Шарқ 70, 76, 153  
 Яғноб, беклик 216, 218  
 Яғноб, дарё 212, 213, 214, 216, 220  
  
 Ўзбекистон 5, 8, 19, 78, 112, 126  
 Ўзбекистон ССР 310  
 Ўзбекистон ССР ФА нашриёти 216  
 Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА) 14, 16, 19, 25  
 ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти 19, 115  
  
 Ўзган 270  
 Ўрта Осиё Бош Статистика қўмитаси 233  
 «Ўрта Осиё жамияти» 50, 58  
 Ўратепа 61, 62, 66, 84, 114, 153, 154, 175, 188, 215, 216, 218, 219, 220, 222, 286  
 Ўрда 132  
 Ўрда, бозор 120, 132  
 Ўрта Ер, денгиз 125  
 Ўрта Осиё 8, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 22, 25, 26, 28, 37, 42, 46, 49, 50, 52, 54, 55, 58, 60, 61, 64, 65, 67, 68, 71, 74, 75, 76, 78, 79, 81, 82, 84, 86, 92, 93, 98, 99, 101, 102, 104, 105, 107, 114, 115, 116, 118, 119, 123, 124, 127, 129, 130, 131, 134, 135, 138, 143, 149, 151, 153, 157, 160, 161, 163, 165, 168, 169, 170, 173, 180, 181, 182, 185, 190, 200, 205, 206, 207, 213, 216, 223, 224, 223, 228, 229, 230, 232, 233, 234, 235, 237, 238, 239, 241, 249, 251, 253, 255, 256, 258, 268, 269, 271, 273, 274, 278, 282, 284, 285, 289, 291, 293, 296, 308  
 Ўрта Шарқ 70, 76, 153, 299  
 Ўтрор 39  
 Ўш 245, 266, 267, 268  
 Ўғлон, дарвоза 296  
  
 Қайнар 278  
 Қайроқкум, чўл 270  
 Қалъаи Афросиёб 181  
 Қандаҳор 203  
 Қарнон, тоғ тизма 140, 212  
 Қароқчиқум 246  
 Қарши 59, 69, 79, 80, 114, 138, 168, 232, 233, 246, 276, 278, 285, 288, 289, 290, 291, 292, 293, 294  
 Қарши, чўл 276  
 Қасри Орифон 308  
 Қашқадарё, вилоят 274, 286  
 Қашқадарё, дарё 212, 221, 226, 230, 231, 274, 278, 288, 290  
 Қизбиби, тоғ тизма 212  
 Қизилурда 20, 29, 35  
 Қизилқум, чўл 20, 35, 40, 41, 223  
 Қизилсу 212  
 Қишки сарой 56, 116  
 Қозок, бозор 137  
 Қозок, даشت 22, 160, 161  
 Қозоғистон 20, 29, 44, 49, 71, 84, 166, 167, 253

Қоңлонбек 74  
Қорабог 288, 289  
Қорабутоқ 34  
Қорадарё 226, 227  
Қоракўл 164, 168, 226, 285, 294, 306  
Қоракўл, кўл 225  
Қоратегин 209, 212, 218, 222, 271  
Қоратепа 277  
Қоратов, төғ тизма 38, 49, 167, 188  
Қораўзак, канал 28, 30  
Қорақалпогистон 286  
Қорақум 216  
Қорақурум 170, 184  
Қоровул, бекат 292  
«Қориҳона» 127  
Қоҳира 11  
Крим 26, 46, 49, 153, 185, 236, 295  
Курама 12, 16, 74, 143, 162, 223  
Кўйлик 74  
Кўнғирот 24, 26  
Қўқон, дарвоза 86, 248  
Қўқон, хонлик 6, 8, 10, 12, 19, 35, 37, 45, 46, 60, 61, 65, 66, 67, 76, 78, 79, 83, 84, 85, 103, 114, 123, 137, 140, 141, 149, 153, 154, 155, 156, 159, 161, 162, 163, 164, 165, 166, 167, 170, 176, 205, 212, 213, 215, 216, 222, 226, 228, 239, 245, 246, 249, 250, 251, 252, 253, 255, 257, 258, 260, 266, 270, 271, 275, 276, 286, 287, 298, 303  
Қўқон, шаҳар 48, 66, 96, 100, 114, 115, 120, 127, 143, 153, 176, 187, 212, 217, 245, 247, 248, 250, 254, 255, 256, 257, 260, 264, 265, 269, 270, 271, 274, 297, 302  
Қўқон, қалъа 38

Ғарб 11, 14, 16, 18, 19, 83, 181, 183  
Ғарбий Европа 5, 23, 41, 53, 295  
Ғиждувон 143, 303  
Ғингтўприк 254  
Ғузор 212, 232, 289  
Ғулжа 8, 10, 12, 14, 19, 83

Ҳазрат, масжид 46  
Ҳайқувар 260  
Ҳамабулок 259  
Ҳамилтон Ўоркс (Hamilton Works), завод 32  
Ҳимолай, төғ тизма 216  
Ҳиндлар, сарой 305  
Ҳиндистон 25, 81, 83, 118, 119, 134, 136, 139, 142, 163, 169, 170, 176, 184, 185, 187, 188, 201, 257, 291, 302  
Ҳирот 168, 203  
Ҳисор 62, 69, 114, 209, 215, 218, 290  
Ҳисор, төғ тизма 212, 215, 277, 288  
Ҳовузван 301  
Хо Дарвеш, Ҳодарвеш 270

1-Истехқом қалъа (Форт № 1) 20, 21, 31, 32, 37, 40, 114  
2-Истехқом қалъа (Форт № 2) 20, 22, 24, 29, 34, 35

Bukhara 9, 12  
China 141  
Grand Central Asiatic Railway Society (Катта Марказий Осиё темир йўл жамияти) 169  
Heath Cranton, нашриёт 201  
Khiva 35  
Kokand 9, 12  
Kulja 9, 12  
London 9, 12, 201  
Oxus 35  
Turkistan 9, 12

### Этнонимлар

Америкалик 5, 8, 9, 15, 19, 22, 280, 311  
Анди 82  
Араб 27, 35, 36, 42, 44, 45, 46, 50, 68, 70, 76, 80, 81, 83, 91, 100, 116, 123, 125, 126, 127, 128, 141, 153, 154, 171, 178, 183, 189, 238, 256, 281, 285, 298, 304  
Армани 304

Афғон 94, 139, 175, 188, 200, 203, 204, 271, 304  
Башқирд 206  
Британиялик 78, 201  
Фолланд 34, 90

- Европалик** 24, 25, 28, 79, 82, 96, 115, 141, 187, 256
- Жалойир** 79
- Жуз** 44
- Жүжи** 82
- Инглиз** 9, 10, 16, 22, 28, 29, 32, 37, 45, 53, 55, 74, 78, 87, 90, 136, 139, 142, 155, 163, 176, 183, 201, 203, 257, 273, 282, 302, 305
- Испан** 44, 185
- Италиян** 34, 298
- Казак** 10, 21, 26, 55, 87, 88, 99, 103, 172, 174, 210, 219, 222, 287
- Кенагас** 79
- Лўли** 81, 82
- Македон** 182
- Манғит** 59, 79, 143, 284, 310
- Минг** 217
- Мозанг** 82
- Мўғул** 35, 78, 83, 115, 116, 141, 176, 177, 181, 183, 184, 191
- Найман** 79, 83
- Немис** 9, 41, 54, 185, 257
- Олчин, уруг** 192
- Осиёлик** 92, 134, 209, 296, 305
- Польяк** 53
- Рус** 5, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 19, 20, 21, 22, 23, 25, 26, 28, 35, 36, 37, 38, 39, 46, 48, 49, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 69, 70, 71, 72, 74, 75, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 92, 97, 99, 106, 114, 115, 116, 123, 124, 125, 128, 129, 132, 133, 135, 136, 141, 142, 143, 152, 153, 154, 155, 156, 157, 162, 163, 164, 165, 167, 169, 171, 172, 175, 176, 177, 183, 184, 187, 188, 189, 195, 199, 200, 204, 205, 206, 209, 212, 215, 216, 218, 219, 221, 222, 223, 227, 230, 233, 236, 237, 239, 240, 242, 243, 244, 245, 246, 247, 249, 253, 257, 265, 275, 276, 280, 281, 282, 286, 287, 294, 297, 298, 303, 305, 307, 311
- Сарт** 36, 50, 69, 70, 72, 78, 89, 101, 108, 113, 115, 139, 152
- Семит** 23
- Скиф** 182
- Суғдий** 189
- Татар** 25, 63, 67, 69, 74, 78, 96, 116, 153, 171, 246, 300, 303, 305, 306
- Тожик** 50, 75, 78, 80, 81, 173, 215, 251, 271
- Турк** 49, 65, 78, 185, 264, 301
- Туркий** 42, 48, 54, 58, 67, 75, 78, 79, 80, 82, 83, 87, 108, 115, 116, 125, 144, 154, 160, 176, 181, 183, 206, 211, 246, 264
- Туркман** 21, 26, 37, 52, 90, 100, 138, 167, 175, 291, 298, 303, 307, 309
- Уйгур** 65
- Уруғ** 61, 67, 68, 79, 83, 128, 192, 217, 241, 275, 286
- Форсий** 42, 46, 48, 58, 63, 115, 125, 144, 176, 183, 192, 194, 206, 215, 268, 281
- Француз** 54, 92, 106, 169, 183, 184, 201, 257, 311
- Хитой, уруг** 79
- Хитойлик** 82, 83, 141, 181, 182, 183, 298
- Хунн** 183
- Чигатой, лаҗжа** 79
- Чорос** 83
- Элат** 42, 78, 82
- Эроний** 64, 80, 102, 175, 215, 277, 303, 305
- Юз** 78
- Юнон** 23, 27, 182, 187, 201, 215, 302, 304
- Юэчжи** 183
- Япон** 137
- Яхудий** 23, 25, 81, 97, 102, 139, 171, 200, 201, 202, 203, 204, 236, 267, 271, 281, 282
- Ўзбек** 5, 6, 7, 19, 42, 45, 50, 54, 59, 61, 67, 78, 79, 80, 99, 128, 152, 168, 192, 215, 217, 271, 286, 288, 289, 291, 296
- Ўзбекчилик** 128
- Қабила** 23, 67, 78, 83, 182, 183, 286
- Қипчоқ** 79
- Қирқ, уруг** 79

- Кирғиз** 52, 78  
**Козок** 20, 21, 27, 33, 34, 35, 36, 40, 41, 44, 49, 52, 74, 78, 79, 83, 96, 97, 99, 100, 101, 102, 127, 130, 137, 138, 166, 171, 173, 174, 206, 277  
**Күнгирот** 79  
**Ғалч** 215

### **Атамалар**

- Абзал** 100  
**Авантюрист** 171, 205  
**Авлиё** 118, 120, 123, 147, 148, 149, 178, 184, 190, 199, 267, 299, 304, 308  
**Адмирал** 25  
**Адмиралтейство** 32  
**Адъютант** 56, 247  
**Аза** 116  
**АЗОН** 119, 297, 309  
**Акр, ўлчов бирлиги** 74, 155, 228, 229, 230, 233, 234, 236, 237, 244  
**Алифбо** 125, 139  
**Аллох** 42, 45, 46, 87, 110, 117, 120, 122, 123, 128, 144, 145, 146, 147, 148, 149, 177, 180, 274  
**Ал-шариф** 296  
**Амин** 239, 273  
**Аминона, йигим, солиқ** 273  
**Амир** 25, 45, 46, 50, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 65, 67, 68, 69, 79, 84, 85, 86, 116, 128, 143, 168, 171, 175, 188, 189, 195, 201, 203, 204, 217, 218, 219, 226, 239, 243, 251, 276, 277, 279, 282, 284, 285, 286, 287, 288, 289, 292, 293, 294, 295, 296, 298, 299, 304, 305, 306, 307, 308, 310  
**Амлок, амлокдор** 239  
**Аммиак** 40  
**Анбии изом** 144  
**Аннексия** 207  
**Антракит** 31  
**Арабеска** 195, 281, 299  
**Араби, ипак курти** 150  
**Арзнома** 258, 274  
**Ария** 106  
**Арк** 42, 49, 56, 86, 132, 175, 179, 182, 184, 196, 197, 206, 209, 253, 264, 278, 289, 290, 297, 298, 299, 302, 305, 310  
**Арка** 42, 56, 291, 292, 299, 309  
**Артиллерия** 21, 35, 86,  
**Арфа** 102  
**Хинд** 69, 78, 81, 98, 125, 130, 138, 139, 200, 203, 211, 271, 281, 291  
**Хинду** 17, 50  
**Bukharans** 192  
**European** 141

Бож 130, 156, 157, 159, 160, 161, 168, 249, 251, 275, 293, 303  
Божхона 160, 162, 164, 171, 249, 250  
Болохона 90, 92, 297  
Большевик 72  
Борона (сихмода) 229  
Ботаник 141  
Ботаника 64, 151,  
Ботмон, ўлчов бирлиги 117, 153, 154, 224, 230, 234  
Бутхона (Будда) 53, 83  
Бушель, ўлчов бирлиги 230, 231, 232, 274  
Бюджет 15  
Бўза 88, 97  
Бўйра 100, 137

Вабо 89, 114, 205  
Важд (экстаз) 122  
Вазир 27, 65, 181, 192, 195, 250, 251, 267, 275, 307  
Вайда, ўсимлик 136  
Вали 104  
Валиаҳд 289, 290, 310  
Валинеъм, вали ан-ни'ами, вали ан-ни'ам (валиненъмат) 285  
Ваколатхона 10  
Васият 112, 238  
Васиятнома 240  
Вассал 61, 252  
Ватан уруши (1812) 23  
Вақф 112, 125, 126, 237, 238, 240,  
Ваҳдобий, ваҳдобийлик 118  
Вебстер, луғат 9  
Верст, ўлчов бирлиги 28, 39, 173  
Вилоят 14, 18, 20, 24, 29, 49, 54, 62, 75, 76, 82, 83, 86, 112, 157, 160, 163, 172, 182, 185, 203, 232, 233, 241, 264, 268, 271, 274, 283, 284, 285, 286, 310  
Вино 22, 53, 54, 61, 97, 236  
Винт 31, 32  
Виски 88  
Вице-адмирал 25

Газ, ўлчов бирлиги 155  
Газета 11, 15, 16, 17, 35, 54, 172, 231  
Галлон, ўлчов бирлиги 45  
Гандимиён, шартнома 24  
Гап, маърака 116  
Гарнизон 21, 24, 34, 51, 84, 85, 247

Гвардия 78  
Гектар, ўлчов бирлиги 74, 229  
Генеалогик 217  
Генерал 16, 17, 22, 26, 30, 31, 35, 36, 37, 50, 55, 57, 58, 63, 75, 84, 85, 86, 87, 124, 131, 152, 167, 169, 175, 179, 188, 189, 199, 204, 206, 209, 210, 213, 219, 220, 221, 235, 249, 251, 258, 261, 277, 278, 280, 281, 287, 290, 293, 300, 306  
Генерал-губернатор 14, 18, 22, 24, 25, 26, 29, 50, 52, 54, 55, 56, 57, 58, 132, 169, 171, 187, 204, 206, 249, 250, 258, 309  
Генерал-лейтенант 49, 213, 220  
Генерал-майор 16, 49, 86, 169, 219  
Геодезик, геодезия (рекогносцировка) 220, 228  
Географ 13, 27, 28, 39, 65, 141, 176, 182, 216, 267  
Географик 5, 18, 27, 28, 170, 176, 185, 216  
География 6, 13, 15, 27, 28, 216, 224, 253  
Гидравлика 228  
Гилвата 140  
Глаубер, туз 41  
Готик 42, 309  
Граница, жанг 182  
Губернатор 49, 57, 75, 87, 88, 179  
Гузар 200  
Гуноҳ 113, 145, 148  
Гўянда 115

Даба, мато 164, 165  
Даллол 158, 275  
Даосизм 183  
Дара 173, 176, 177, 212, 213, 214, 218, 219, 220, 221, 268, 270, 271  
Дарвешона 274  
Дахма 44, 197, 308  
Даҳа 72, 75, 76, 97, 200, 201, 206  
Даҳрий 72  
Девона, дарвеш, қаландар 110, 119, 121, 171, 191, 200, 269, 270, 274, 287  
Девон 27, 251, 283  
Девонбеги 27, 76, 192, 281, 289, 309, 310  
Девонхона 54, 152, 251, 283  
Дергезлик, чўянгарлик 131  
«Денгиз ороли», пахта нави 235  
Десятина, ўлчов бирлиги 244  
Дивизия 21, 24  
Дипломат 5, 6, 8, 11, 14, 15, 16, 19, 28, 78, 169, 182, 185, 201

- Дипломатик** 6, 9, 10, 11, 12, 18, 78, 245, 250, 300  
**Дипломатия** 10, 276  
**Диссертация** 5, 19  
**Дөвон** 165, 167, 215, 219, 220, 221, 277, 284  
**Додхөх** 58, 67, 218, 251, 286  
**Доктор, фан** 5, 7, 8, 9, 141, 201  
**Доля, ўлчов бирлиги** 156  
**Доцент** 5, 19  
**Ду-ним-сир, ўлчов бирлиги** 154  
**Дюйм, ўлчов бирлиги** 90, 91, 135, 142, 155, 194, 195, 228, 234, 235  
  
**Епархия** 183  
**Епископ (архиерей)** 183  
  
**Ёй (дўга)** 101  
**Ём, ёмхона** 115  
  
**Жавдар** 53, 230  
**Жазман** 111  
**Жаллоб** 82  
**Жаллод** 68, 69  
**Жамғарма, архив** 14, 16, 25, 115, 250  
**Жамғарма, савдо** 303  
**Жаноза** 116  
**Жарчи** 67  
**Жаҳрия, тариқат** 42, 82, 120, 180  
**Жезгар** 131  
**Жиноят** 127, 129, 205, 306  
**Жиноятчи** 298, 299, 306  
**Жиноятчилик** 76  
**Жин** 107  
**Жин, машина** 235  
**Жойнамоз** 119  
**Жонглёр (кўзбойлогич)** 283  
**Жул** 91  
**Журнал** 5, 9, 15, 19, 183  
**Журналист** 17  
**Журналистика** 9  
  
**Зарбхона** 112, 254  
**Закот, солик** 156, 157, 160, 161, 240, 243, 249, 258, 272, 273, 275  
**Закотчи** 293  
**Замбарак (тўп)** 20, 84, 85, 86, 87, 131, 219, 281, 293, 298  
**Занжи** 104  
**Заргар** 131, 254  
**Заргарлик** 98, 133, 303  
  
**Зарҳарити** 239  
**Земский, солик** 76, 243, 244  
**Зиёрат** 42, 64, 199, 200, 267, 308  
**Зиёратгоҳ** 126, 190  
**Зиёратчи** 45, 46, 105, 268, 299, 308  
**Зикр** 89, 122  
**Зиндан** 217, 298  
**Зобит** 21, 23, 37, 38, 56, 57, 76, 106, 169, 201, 207, 210, 219, 222, 245, 251, 252, 257, 299, 307, 311  
**Золотник, ўлчов бирлиги** 156  
**Зоографик минтақа** 216  
**Зоҳид** 120  
**Зулук** 82, 146, 272, 274  
  
**Ибодатхона** 139, 184, 202  
**Иерархия** 57, 251, 252  
**Ижара** 126, 154, 238, 240, 244, 251, 256  
**Ижарадор** 240  
**Ижаравчи** 239  
**Ижма-у-уммат** 117  
**Илоҳиётчи** 122, 146  
**Илтимоснома** 152, 258  
**Имомат** 118  
**Император** 83, 87, 170, 182, 184, 191, 280, 300, 301, 309  
**Империя** 12, 14, 15, 16, 17, 18, 65, 86, 181, 213  
**Импорт** 159, 160, 161, 162, 163, 164, 165, 234, 235, 256, 257, 273, 302, 303  
**Индиго** 136  
**Индифферентизм** 123  
**Инжил** 34, 113, 266  
**Инфузория** 113  
**Инструментал** 221  
**Ислом, дин** 42, 46, 70, 80, 82, 87, 88, 89, 117, 118, 119, 126, 127, 128, 129, 146, 156, 178, 183, 185, 187, 189, 240, 300  
**Ислоҳот** 11, 238  
**Ислоҳотчи** 235  
**Исмоилий, диний оқим** 110  
**Икто (суюргон)** 284  
**Ичкари, ҳовли** 90  
  
**Йигоч, ўлчов бирлиги** 267, 269, 283  
  
**Кавалерия** 194  
**Казна (газна)** 1166  
**Камин** 252

- Камонгох, камон 101, 102  
 Кана, канахона 298  
 Капитан 23, 24, 25, 26, 30, 37, 86, 201, 206, 223, 251  
 Карвон 37, 40, 42, 69, 81, 157, 160, 166, 167, 168, 205, 277  
 Карвонсарой 46, 130, 131, 138, 139, 174, 200, 254, 264, 275, 292, 302, 309  
 Кarta 19, 21, 28, 221, 223  
 Картографик 5, 19, 28  
 Каста 139  
 «Катта Ўинн» («Big Game») 201  
 Каффорат 113  
 Кафсан, кансан, тұлов 241  
 Кентавр 215  
 Киранда 115  
 Кобули, мол 302  
 Комендант 22, 23, 24, 26, 75, 253  
 Комиссия 227, 235  
 Коммуникация 215  
 Конгресс 58  
 Консул 9, 10, 11, 17  
 Конференция 18, 19, 21  
 Концерт 54  
 Конъяк 236  
 Копейк, пул бирлігі 31, 32, 54, 55, 76, 116, 124, 150, 151, 152, 155, 156, 164, 167, 216, 242, 243, 244, 256  
 Косиб 130, 137  
 Котиб 10, 11, 76, 126, 239, 249, 251, 290, 306  
 Кофир 108  
 Кохин 139  
 Крахмал 256  
 Кредитор 16  
 Кулол 140  
 Кулолчилик 39, 130, 140  
 Кумушгар 130  
 Кундош 113  
 Куфий, ёзув 44, 190, 199, 304  
 Күктош 171, 195, 197  
 Күнчи 137  
 Күпкари 105, 207  
 Күрагон 46, 177  
 Күтармачи 82  
 Күчир 33  
 Күчманчи 23, 42, 67, 78, 80, 82, 83, 89, 127, 137, 183, 226, 271, 275, 286, 288  
 Лавҳ 191, 194, 195, 199  
 Лалми, ер 225, 231, 232  
 Лапис лазули 141, 195, 201  
 Лашкар 65, 85, 86, 175, 177, 181, 188, 189  
 Лашкарбоши 141, 239  
 Лаъин (шайтон) 144, 145  
 Лейтенант 29, 30, 87, 251, 252  
 Лилия (лолагулли), ўсимлик 256  
 Литр 45  
 Лось 100  
 Лотерея 55  
 Мавлавия, тарикат 122  
 Мавкуфот 237, 238  
 Маданият 6, 14, 39, 152, 182, 219  
 Мадраса 72, 73, 89, 105, 124, 125, 126, 127, 171, 177, 186, 190, 191, 192, 194, 197, 199, 254, 255, 264, 283, 290, 291, 293, 297, 300, 301, 310  
 Мазҳаб 89, 118, 185  
 Майор 86  
 Мамлук 46  
 Манба 5, 7, 8, 13, 17, 70, 78, 129, 300  
 Манбашунослик 13, 19  
 Мансаб, мансабдор 25, 55, 57, 58, 60, 67, 228, 241, 249, 250, 251, 252, 274, 279, 280, 281, 293  
 Маркитант 221  
 Маснавий 127  
 Математика 192  
 Масжид 42, 44, 45, 46, 71, 72, 76, 89, 110, 111, 116, 118, 119, 120, 123, 124, 125, 126, 179, 180, 185, 186, 190, 191, 194, 195, 197, 199, 200, 238, 247, 254, 255, 268, 273, 274, 277, 280, 282, 283, 289, 291, 295, 296, 287, 298, 299, 300, 301, 308, 309, 310  
 Матруке 237  
 Мақбара 42, 44, 46, 48, 126, 191, 283  
 Мақом, мартаба 69, 117, 194, 239, 251, 263, 285, 291  
 Мақосим, солиқ 242  
 Мачта 30, 31  
 Мағл (марганец) 141  
 Маъмур 12, 14, 15, 55, 71, 74, 241, 242, 306  
 Маъмурият 12, 15, 16, 17, 124, 157, 171, 200, 205, 206, 233, 241, 242, 275  
 Маҳалла 75, 264, 274  
 Маҳр 108  
 Маҳрам, мансаб 274

- Москат 238  
 Медаль 64, 182  
 Меридиан 212  
 Мерос, меросий 8, 71, 112, 118, 217, 238, 240, 275  
 Меросхур 83, 88, 240  
 Метрополис 296  
 Меъмор 299  
 Меъморий, меъморлик (меъморчилик) 6, 44, 104, 190, 192, 195, 197, 297, 299, 300, 301  
 Мехроб 139, 269,  
 Мехтар 27, 245, 249, 250, 251, 252, 258, 259, 275  
 Мизож 115  
 Мил, ўлчов бирлиги 29, 38, 39, 45, 48, 56, 72, 74, 75, 82, 84, 85, 86, 104, 155, 166, 167, 168, 169, 172, 173, 174, 185, 207, 208, 213, 214, 223, 225, 226, 246, 247, 248, 259, 260, 261, 266, 268, 269, 270, 277, 278, 280, 288, 289, 291, 292, 308, 309, 310  
 Милодий 172, 177, 181, 253, 304  
 Мингбоши 65, 251, 281  
 Минерал 41, 98, 115, 141, 271  
 Мир 195  
 Мирза 249, 250, 251, 263, 281, 297, 304  
 Мирзабоши 251, 293  
 Мирзахона 251  
 Мирия 237, 238  
 Мироб 228, 239, 241  
 Миробона, солик 228  
 Мирохур 251, 287  
 Миршаб 67, 76, 105, 269, 280, 281, 283, 301  
 Миршаббоши 75  
 Мискар 130, 133  
 Миссия 10, 16, 139, 183, 187, 300, 309  
 Миссионер 52, 124, 178, 201  
 Мисқол, ўлчов бирлиги 153  
 Мозор 126, 127, 179, 199, 267, 268, 308, 309  
 Моликия, мазхаб 118  
 Монах 83, 141  
 Монарх 55  
 Мотам 89, 116  
 Муаззин 119  
 Мудазир 241  
 Мударрис 87, 126, 197  
 Музей 299  
 Музораъа 238  
 Мулки ушр 238, 239  
 Мулки хирож 238, 239  
 Мулла 62, 85, 87, 94, 105, 110, 116, 126, 127, 128, 190, 191, 199, 255, 263, 294  
 Мунажжим 63  
 Мундштук 98  
 Мурид 110, 119, 123  
 Муршид 110, 123, 200  
 Мусика 101, 102, 106  
 Мускат 13  
 Муслин 142, 282  
 Мустамлака 5, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 80, 81, 83, 99, 149, 163, 170, 222, 223, 233, 237  
 Мусулмон 6, 12, 16, 19, 20, 27, 42, 44, 53, 61, 64, 82, 87, 88, 89, 93, 98, 101, 102, 104, 106, 108, 111, 112, 113, 117, 118, 119, 122, 123, 125, 126, 127, 128, 129, 135, 139, 143, 154, 156, 157, 185, 189, 191, 201, 203, 206, 237, 238, 241, 246, 258, 277, 296, 300, 305  
 Мутаассиб 199, 200  
 Мутавали 126  
 Мутафакир 117  
 Муфти 46, 126  
 Мухтасиб 88  
 Мушрик 45  
 Мұхаддис 117, 146  
 Мұхандис 21, 75, 169, 170, 173, 175, 187, 228, 299, 309  
 Мұхарріп 195  
 Мұхр 68, 110, 250, 263  
 Мүмин 45, 147  
 Намоз 44, 68, 93, 94, 118, 119, 124, 130, 147, 197, 200, 296, 297, 299, 309  
 Намозхон 98, 119, 124, 130  
 Насроний 92  
 Наставлик, ёзув 115  
 Натура 238  
 Накл 197  
 Накшбандия, тарикат 120, 199, 308  
 Несториан 181  
 Нефрит 98, 194  
 Нефть 271  
 Нил 102, 131  
 Ногора 68, 102, 195, 281  
 Ноиб 251, 252  
 Оби, аби, ер 225  
 Олчин, ўлчов бирлиги 155

- Опера, оперетта 106  
 Оркестр 52, 106  
 Оталиқ 245, 251, 252, 253  
 Ош, маңрақа 116  
 Оят 45, 62, 147, 185  
 Охра 141  
 Оксоқол 46, 67, 75, 85, 86, 189, 208, 209, 210, 239  
 Оксуяқ 62, 70, 94, 263
- П**айса 153  
 Парад 74  
 Паспорт 201, 263  
 Пасха 23  
 Пахлавий, ёзув 304  
 Паштет 22  
 Пенс, пул бирлиги 31, 155, 166, 216, 234, 244, 258, 272, 273, 274, 275  
 Пенсия 57, 60, 62, 169, 204  
 Пергамент 199  
 Пилястра 195  
 Пир 110, 123, 195, 199, 200  
 Плато (тоғ) 270  
 Полиция 67, 269  
 Подполковник 219, 220  
 Подшо 55, 87, 88, 116, 155, 177, 182, 184, 195, 251, 266, 267, 304  
 Подшоҳзода 197  
 Полковник 22, 39, 49, 75, 167, 201, 224, 251, 253, 258, 293, 297  
 Понсад, понсадбоши 251  
 Понтон 32  
 Порох 56, 87, 108  
 Портер 53  
 Почта 22, 54, 167  
 Почта, бекат 40, 42, 82, 174, 175, 179  
 Почта, йўл 39, 166  
 Причал 27  
 Проба 156  
 Профессор 7, 12, 13  
 Пуд, ўлчов бирлиги 31, 32, 153, 160, 165, 166, 167, 168, 224
- Р**аввин 202  
 Разведка, разведкачи 84, 201  
 Раис 88, 112, 123, 124, 128, 154, 288  
 Рамазон 113, 119, 124, 291  
 Расадхона 177, 178, 186  
 Рахнамо 46, 104, 110, 119, 123, 128, 199, 200, 274
- Рекогносцировка 175, 213, 232  
 Республика даври 172  
 Решта (гвінея курти) 113  
 Ривоят 6, 144, 146, 173, 176, 178, 189, 191, 199, 212, 225, 226, 264  
 Рицарь 185  
 «Рожерс конуни» 11  
 Роман 9, 10  
 Роҳиб 183, 304  
 Рубль, пул бирлиги 15, 30, 31, 32, 33, 54, 60, 62, 74, 76, 151, 152, 157, 159, 160, 161, 162, 163, 164, 165, 166, 167, 168, 200, 204, 223, 224, 234, 242, 243, 244, 300  
 Рупия, пул бирлиги 168  
 Рӯҳоний 16, 183, 202, 279  
 Рӯза 23, 113, 118
- Сайёҳ 5, 6, 8, 12, 13, 15, 17, 18, 19, 22, 25, 28, 82, 83, 171, 173, 174, 182, 183, 185, 187, 201, 216  
 Сайид 70  
 Салжукйлар, сұлула 65, 252  
 Салла 50, 66, 93, 94, 95, 120, 142, 209, 249, 261, 282, 293, 302, 309  
 Салют 56, 281  
 Самғи, қофоз 256  
 Санам, бут 53  
 Сангтарош 283  
 Сандал 150  
 Сапфир 141  
 Сардоба 173, 174, 290, 292  
 Саркор 76, 241, 242, 268, 272, 275, 288, 289  
 Сармоя 152, 157, 160, 258  
 Сарт, қасаллик 114  
 Сафар, ой 88  
 Сахтиён (шагренъ) 133, 137  
 Сагана 179, 190, 192, 269  
 Сахиҳ 117  
 Саҳоба 189  
 Сенатор 11  
 Сиёсий агентлик 60  
 Симоб 69  
 Синагога 202, 203  
 Сланец 40  
 Собор 42  
 Солик 70, 76, 78, 117, 130, 156, 157, 207, 216, 228, 229, 238, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 272, 273, 274, 275, 287, 303

- Солнома 82, 218, 226  
 Сотих, ўлчов бирлиги 244  
 Сотия 21, 219  
 Софора (*Sophora Japonica*) 137  
 Сохибкирон 195  
 Стадий (стадия), ўлчов бирлиги 182  
 Статистика 6, 54, 130, 159, 160, 161, 162, 170, 224, 232, 233  
 Ствол 134  
 Субтропик 113  
 Сувтуқ 100  
 Суд 89, 112, 127, 128, 129, 225  
 Судлов 16, 71,  
 Судхўрлик 138, 139  
 Судья 112, 128  
 Сулук 120, 200  
 Султон 44, 46, 117, 177, 252  
 Султонлик 65  
 Сулҳ 24, 188, 189, 205, 217, 285, 286  
 Сунна 177  
 Сунний, мазҳаб 46, 117, 118, 119, 184, 185  
 Сура 45, 110, 117, 123, 125, 127, 147, 190, 195, 254  
 Суръат, пахта нави 235  
 Суфий, суфийлик 42, 46, 104, 110, 123  
 Сұғи 119, 273  
  
 Табиатшунос 187, 216  
 Табиб 78, 114, 115  
 Талаба 45, 72, 124, 192, 197, 290, 300  
 Талок 113  
 Тан, сулола 83  
 Тангри 122  
 Таңоб, ўлчов бирлиги 76, 142, 155, 229, 230, 234, 240, 241, 242, 251, 273, 275  
 Тарантас 245  
 Таржимон 5, 6, 7, 34, 63, 69, 75, 83, 171, 172, 263, 279, 281, 293  
 Тарих 5, 7, 8, 11, 12, 13, 14, 15, 17, 19, 27, 28, 39, 42, 44, 50, 54, 58, 65, 78, 82, 84, 92, 96, 106, 116, 120, 126, 130, 141, 157, 171, 176, 181, 182, 187, 238, 267, 269, 274, 276, 297, 304, 310  
 Тарихчи 5, 6, 27, 42, 65, 78, 181, 183, 184, 189, 253  
 Тарихшунослик 7, 8, 17, 19  
 Тарикат 42, 89, 104, 120, 122, 123, 199, 308  
 Тасаввуф 42, 104, 120, 122, 199, 200  
  
 Тахт 45, 59, 60, 61, 62, 138, 186, 188, 195, 197, 203, 219, 255, 265, 266, 267, 275, 283, 284, 285, 289, 290, 304  
 Ташқи (зохирий) 118  
 Ташқари, ҳовли 90  
 Таквдор 53, 94, 104, 179, 199, 203  
 Тахорат 90, 91, 92, 93, 119, 124, 147, 300  
 Твид, газмол 261  
 Тегарчик 100  
 Текжой 273  
 Телескоп 263, 298  
 Темурийлар, сулола 195, 197, 304  
 Теримой 227  
 Тиббиёт, тиб 66, 78, 113  
 Тижорат 10, 20, 22, 33, 130, 138, 157, 161, 172, 236, 245, 249, 257, 258, 276, 296, 303  
 Тижоратчи 51, 138, 303  
 Тилла 38, 46, 65, 66, 91, 100, 139, 142, 155, 156, 168, 194, 256, 257, 258, 261, 266, 274, 275, 279  
 Тилмоч 171, 246, 277  
 Тим 200, 254, 302,  
 Тобут 116  
 Тован, тұлов 216  
 Тонна, ўлчов бирлиги 31, 32, 33, 229  
 Топограф 219, 297  
 Топографик, топография 213, 220  
 Тош, ўлчов бирлиги 155  
 Тошбосма 119, 129  
 Тош-тарози, солик 76, 88  
 Транзит 158, 159, 162, 168  
 Тропик 28, 113,  
 Тужжор 135  
 Туман 37, 58, 74, 80, 81, 144, 173, 178, 205, 216, 218, 221, 222, 225, 226, 227, 231, 232, 233, 238, 239, 241, 243, 271, 272, 274, 310  
 Тумор 95, 100, 133  
 Тұқсабо 251, 293, 294, 305, 306, 307, 308, 311  
  
 Увулдирик (икра) 214  
 Удел 284  
 Уезд 14, 16, 23, 75, 106, 157, 160, 161, 162, 164, 213, 223, 227, 232, 233, 241, 243  
 Унвон 46, 67, 110, 195, 251, 281, 285, 286  
 Унтер-офицер 187  
 Унция 153

- Урф-одат 14, 23, 57, 88, 105, 106, 147, 148, 259  
 Урчук (дук) 141  
 Усмон Қуръони 44, 171, 199  
 Усмонли түрклар, сулола 65  
**Файласуф** 64, 83,  
**Фалсафа, фалсафий** 14, 42, 63, 122, 183  
**Фаренгейт, ҳарорат ўлчов бирлиги** 280  
**Фаришта** 145, 146  
**Фармон** 68, 251  
**Фарсанг, фарсаҳ, ўлчов бирлиги** 155, 283  
**Фартиң** 273  
**Фауна** 216  
**Факих** 112, 129, 146, 239  
**Флора** 216  
**Флот, флотилия** 30, 32  
**«Форсий», китоб** 125  
**Франк, пул бирлиги** 169  
**Фунт стерлинг, пул бирлиги** 31, 160, 161, 162, 163, 164, 165, 170, 216, 232, 237, 256, 257, 274, 275, 279, 310  
**Фунт, ўлчов бирлиги** 87, 149, 153, 154, 159, 160, 163, 164, 165, 166, 168, 216, 229, 230, 231, 234, 242, 258, 273  
**Фут, ўлчов бирлиги** 32, 33, 41, 42, 44, 72, 90, 101, 102, 151, 155, 173, 174, 175, 176, 177, 192, 194, 195, 212, 213, 214, 215, 220, 221, 228, 234, 235, 270, 277, 289, 299, 308  
**Фуқаро** 15, 30, 70, 71, 112, 117, 127, 172, 251, 310  
**Хазина** 112, 199, 239, 240, 275, 298, 304, 306  
**Хазинабон, хазиначи** 147, 241, 290  
**Халифа** 112, 117, 118, 129, 177, 199  
**Халфа** 123  
**Хандак** 21, 175, 246, 264  
**Хатна** 89, 106, 107, 108  
**Хаттотлик** 44  
**Хирож, солик** 76, 239, 240, 241, 251, 273, 274  
**Хитойшунос** 141  
**Хонақо** 182, 200  
**Хонзода** 245, 252, 265, 266  
**Хоқон** 177  
**Христиан, дин** 23, 123, 157, 183, 184, 258  
**Христианлик** 23, 181, 182  
**Художўй** 127, 146, 308  
**Хулагулар, сулола** 141  
**Хуфия, тариқат** 120  
**Хўжа** 70, 71, 108  
**Цельсий, ҳарорат ўлчов бирлиги** 280  
**Цивилизация** 13, 23, 225, 276  
**Цин, сулола** 83  
**Чакмон** 249, 261, 280, 309  
**Чакса, ўлчов бирлиги** 153  
**Чака, пул бирлиги** 155, 156, 225, 272, 273  
**Черков** 50, 52, 53, 183  
**Чилим** 98  
**Чилманда** 102  
**Чилпўш** 94  
**Чим, девор** 278  
**Чицтия, тариқат** 120  
**Чодра** 95, 109, 203  
**Чопар** 24, 26, 36, 115, 204, 220, 246, 252, 268, 278, 279, 280  
**Чорак, ўлчов бирлиги** 153, 154, 230, 274, 275  
**Чорсу** 200  
**Чоршибоши** 275  
**Шаввол, ой** 46  
**Шайбонийлар, сулола** 44, 45, 78  
**Шайтон** 144, 145, 146  
**Шайх** 42, 46, 104, 125, 195, 200, 308  
**Шайхулислом** 46  
**Шариат** 67, 87, 88, 108, 112, 113, 119, 125, 127, 128, 129, 153, 238, 240  
**Шарқшунос** 39, 187, 297  
**Шахмат** 99  
**Шаҳзода** 91, 183, 188, 204, 239, 252  
**Шиа, мазҳаб** 46, 102, 118, 119  
**Шидлинг, пул бирлиги** 53, 66, 166, 216, 234, 237, 243, 244, 258, 274, 275  
**Ширкат** 302, 303  
**Ширчой** 97  
**Шофеъийя, мазҳаб** 118  
**Штандарт** 194, 195  
**Штат** 9, 50, 236  
**Экспедиция** 20, 23, 24, 26, 30, 36, 39, 40, 55, 78, 135, 167, 187, 207, 213, 216, 219, 220, 221, 241, 245, 264, 286, 287  
**Экспорт** 159, 1160, 161, 162, 163, 164, 165, 232, 233, 257, 258, 271, 273  
**Элчи** 8, 14, 26, 27, 28, 71, 141, 142, 184, 185, 187, 215, 297, 300, 301, 306

Өлинихона 161  
Өннөмия 64  
Өник 299  
Өстами 194  
Этикет 56, 57  
Этимология 181  
Этнология 54, 78  
Эшик оғабоши 65  
Эшон 110, 122, 123, 200, 268

**Юзбоши** 246, 251, 281  
**Юнон-Бақтрия**, сулола 171, 182, 304

**Ярд** 142, 175, 176, 214,  
Ярмарка 69, 74, 130, 132, 157, 158, 159, 310  
**Ясовул** 27  
Яссавия, тариқат 42, 122  
Яшма, рангдор тош 194

Үрда 132, 252, 253, 260  
Үлпон 218  
Үнсир, ўлчов бирлиги 154  
Үтрок 23, 78, 89, 127, 128, 271

Қадамжо 139, 180, 276, 308  
Қаландархона 200  
Қалин 232  
Қарокчи 246, 309  
Қарта 65, 99, 211  
Қасаба 148, 264, 267, 268, 269  
Қибла 93, 119, 120, 122, 194  
Қиёс 117, 128  
Қимиз 97, 105  
Қимор 88, 99  
Қирол 28, 184, 185  
Қисса 10  
Кодирия, тариқат 120  
Қози 70, 71, 89, 95, 104, 112, 113, 124, 125,  
126, 127, 128, 129  
Қозикалон 127, 128, 189  
Қозикdevor 50  
Қори 123, 125, 127  
Қори, ўлчов бирлиги 155  
Қоровулбеги 251  
Қрим уруши 49  
Қул, қуллик, қулчиллик 110, 111, 194, 261,  
284, 291, 305  
Қулфурууш 298  
Қурбон, хайит 124, 291

Қуръон 44, 45, 91, 97, 110, 117, 119, 122,  
123, 125, 126, 127, 128, 129, 144, 147,  
172, 185, 189, 190, 191, 195, 199, 200,  
254, 266, 291  
Қүшбеги 27, 84, 251, 284, 293, 297, 298,  
299, 305, 306, 307, 308  
Қүшхона 251  
Құзғолон 203, 222, 272, 275,  
Құләзма 39, 58, 115, 129, 199  
Құмондон 46, 49, 62, 65, 85, 175, 176, 182,  
205, 233, 251  
Құрбоши 67, 269, 277, 279, 280  
Құргон 35, 185, 253, 264, 267, 297  
Құшин 15, 16, 29, 33, 35, 37, 49, 65, 84, 85,  
86, 112, 142, 143, 175, 176, 177, 188,  
203, 217, 218, 219, 220, 221, 222, 223,  
226, 230, 232, 239, 251, 253, 257, 285,  
286, 292, 294  
Қүш, ўлчов бирлиги 229, 243  
Қүш пули 229, 243  
Құқон, танга 155

Ғазна 56, 112, 116, 239, 243, 244  
Ғазначи 9, 116  
Ғайри сахиҳ 117  
Ғайридин 48, 11, 156, 189, 238, 240, 261,  
304  
Ғалвир, ўлчов бирлиги 154  
Ғап 242

Ҳаворий 42  
Ҳадис 117  
Ҳазрат 46, 48, 276, 308  
Ҳанафия, мазхаб 118  
Ҳанбалия, мазхаб 118  
Ҳарам 287  
Ҳировул 292  
Ҳоким 35, 59, 63, 65, 72, 74, 75, 83, 85, 106,  
132, 179, 195, 206, 207, 211, 275, 284,  
285, 291  
Ҳофиз 123, 125, 171, 180  
Ҳужра 174, 192, 197, 200, 267, 290, 300,  
303  
Ҳури холис 239  
Ҳукуқ 9, 62, 89, 112, 113, 118, 125, 126,  
127, 128, 178, 200, 217,  
225, 237, 239, 240, 244, 246, 251, 273  
Ҳуқуқий 124, 172, 238, 239, 240  
Ҳукуқшунос 9

## МУНДАРИЖА

Сўзбони .....	5
Ю. Скайлер ва унинг «Туркистон» асари ҳақида .....	8
Сирдарё.....	20
Тошкент .....	50
Тошкентда мусулмон ҳаёти.....	89
Бозорлар ва савдо .....	130
Самарқанд .....	171
Зарафшон водийси .....	207
Кўқон .....	245
Бухоро .....	276
Кўрсаткичлар .....	312

С 63

**Скайлер, Южин.**

Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари [Матн] Ю. Скайлер. Тарж. З.А. Сайдбобоев. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. – 336 б.

ISBN 978-9943-25-687-3

**УЎК 94(575.1)**

**910.4(5-191.2)**

**КБК 63.5(54)**

**26.89 (54)**

*Илмий-оммабол нашр*

ЮЖИН СКАЙЛЕР

**ТУРКИСТОН:  
Россия Туркистони, Қўқон,  
Бухоро ва Ғулжага  
саёҳат қайдлари**

Таржимон З.А. Сайдбобоев

Муҳаррир *Б. Худоёрова*

Бадиий муҳаррир *Д. Мулла-Ахунов*

Техник муҳаррир *Б. Каримов*

Кичик муҳаррир *М. Салимова*

Мусаххих *М. Ишанхонова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Ҳасанова*

Нашриёт лицензияси АI № 158, 14.08.2009.

Босишга 2019 йил 12 февралда руҳсат этилди.

Офсет қозози. Бичими 60×90<sup>1/16</sup>.

Virtec Peterburg Uz гарнитурасида оғсет усулида босилди.

Шартли босма табори 21,0. Нашр табори 17,26.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 18-628.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуриданги


Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)



ISBN 978-9943-25-687-3

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-25-687-3.

9 789943 256873

«O'ZBEKISTON»